

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН  
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУЛҲАМИД НУРМОНОВ**

**ТАНЛАНГАН АСАРЛАР**

**1-ЖИЛД**

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети  
Илмий кенгаши қарори билан нашрга тавсия этилган.

Таҳрир ҳайъати: Т.А.Мадумаров,  
Д.Қуронов, А.Собиров, Ш.Искандарова, М.Саидхонов,  
З.Исақов, Х.Усмонова, З.Қодиров, У.Раҳимов

Тузувчилар: А.Раҳимов, А.Умаров

## **ОНА ТИЛИМИЗ ФИДОЙИСИ**

Ўзбек системавий тилшунослигининг шаклланиш ва ривожланиши  
проф.А.Нурмонов номи билан боғлиқдир. У анъанавий тилшунослик

эришган ютуқларни юксак баҳолаган ва унинг материалларидан фойдаланган ҳолда, ўзбек системавий тилшунослигини шакллантирди.

Абдулҳамид Нурмонов ўзининг қарийб 50 йиллик илмий фаолияти давомида тилшуносликнинг айтарли барча бўлимлари бўйича системавийлик тамойили асосида қалам тебратди. Олим XX аср охири XXI аср бошларида ўзбек тилшунослиги ҳақида тўхталиб:

*«Айюб Фулом асос солган ўзбек илмий тилшунослиги ютуқларини эътироф этган ва унга таянган ҳолда, ўзбек тилининг ички структур белгиларини ёритишга ёрдам берадиган янги тадқиқот методларини қўллашга интилиш кучайди»,* - деб айтади ва бу тадқиқот методларини ўзи назарий жиҳатдан асослаб амалиётда исбот қилади.

Унинг ўзбек тилшунослиги тадқиқи асосидаги илмий-назарий хулосалари туркийшунослик ва умумий тилшуносликка муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

А.Нурмонов ўзбек тилшунослигининг фонетика ва фонология, семантика ва семиотика, морфология ва синтаксис, тил ва тилшунослик тарихи, тилшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси: паралингвистика ва лингвопоэтика, шунингдек, тилшуносликнинг умумназарий масалалари бўйича ўз қарашларини баён этган илмий тадқиқотлар олиб борди. Энг эътиборлиси, олимнинг барча тадқиқотлари марказида тилга систем-структур ёндашув туради. Анъанавий тилшунослик эришган ютуқлар А.Нурмонов тадқиқотлари учун амалий босқич сифатида янги назарий хулосалар чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилган. Анъанавий ва структур тилшунослик хусусида олим ўз асарида ўринли ўхшатишни қўллаб: *“Бу икки йўналиш, Маҳмуд Қошғарий таъбири билан айтганда, икки улоқчи отдек ўзбек тилшунослиги аравасини баробар тортиб кетмоқда. Бу икки йўналиш бир-бирини мутлақо инкор этмайди. Аксинча, уларнинг бири иккинчисига таянади ва бири иккинчисидан озиқланади”,* - деб ёзади. Бу билан А.Нурмонов тилга систем-структур ёндашув асосида тилнинг барча сатҳларида амалга оширилаётган ислоҳотлар шу вақтга қадар амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг назарий босқичи эканини, табиат ва жамиятдаги табиий ривожланишнинг тил илмидаги кўриниши эканини таъкидлайди.

“Лингвистик белги назарияси” (2008), “Тилшунослик назарияси” (2008), “Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари” (2009) каби асарлари умумий тилшуносликнинг назарий асослари заминида яратилган бўлиб, уларда жаҳон тилшунослигига тааллуқли бўлган назарий қарашлар ўзбек тилшунослигига бевосита татбиқ этилган. Бошқача айтганда, хусусий тилшуносликка оид муаммолар юқоридан – умумий тилшуносликнинг назарий тил қонуниятларига таянган ҳолда ҳал қилинган. Ф.де Соссюр, Бодуэн де Куртенэ, В. фон Гумбольтд, , В.Матезиус, В.Скаличка, Н.Трубецкой, А.Шлейхер, А.Мейе, Ч.Пирс ва бошқа назарийчи тилшуносларнинг асослари А.Нурмонов томонидан чуқур таҳлилдан ўтказилди ва уларнинг рационал томонлари ўзбек тили материаллари асосида ривожлантирилди.

Абдулхамид Нурмонов тилнинг белгилар системаси эканлиги барча тилшунослар томонидан эътироф этилган бўлса-да, ўзбек тилшунослигида белги назарияси ҳақидаги қарашлар жамланган яхлит асар йўқлиги ва шунга кўра айрим тилшунослар белги ҳақидаги таълимотни нотўғри талқин этаётганликларини эътиборга олган ҳолда, лингвистик белги ва унинг турлари, ўзига хос хусусиятлари: белгининг эркинлиги ва кетма-кетлиги, дискретлик хусусияти; ўзгармаслик ва ўзгарувчанлик жиҳатлари хусусида, шунингдек, унинг структураси ва беш томони ҳақидаги назарий қарашларини ўзбек тили материаллари асосида ёритиб беради ва бу қарашлар тилшунослигимиздаги кўп тадқиқотлар учун назарий асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ф.де Соссюрнинг “субстанция ва шакл” атамалари остида сезги абзоларимизга таъсир қилувчи моддий воситалар ва бу моддий воситалар замирида ётган муносабатларни тушуниши, “тил шаклдир” деганда, тилнинг муносабатлар системаси эканлигига урғу бериши ва тилнинг моддий томони, яъни товуш томони субстанция сифатида иккинчи планга сурилиши ҳақидаги тезислари профессор А.Нурмонов тадқиқотининг асосини ташкил қилади. Структур тилшуносликнинг вужудга келишида Бодуэн де Куртенэ ва Ф.де Соссюр қарашлари асос бўлгани, Н.В.Крушевскийнинг фонема ҳақидаги қарашлари ҳозирги структур тилшуносликдаги фонологик назария учун омил бўлиб хизмат қилгани ва, умуман, структур тилшуносликнинг шаклланиши ва тараққий этишида “Ёш грамматикачилар мактаби”, Прага структурализми, Америка структурализми ва бошқа мактаблар, йўналишлар ва оқимларнинг қарашлари А.Нурмонов асарларида таҳлилга тортилган.

А.Нурмонов тадқиқотида фонологик бирликлар, уларнинг ўзаро муносабати, тил системасида яшаш қонуниятлари, асос (инвариант) ва унинг кўринишлари (вариант), ўзаро бир-бирини тортиш ва итариш қонуниятлари, Прага лингвистик мактаби қарашлари умумлаштирилди ва ўзбек тилшунослигида янги босқичга олиб чиқилди. Хусусан, С.Н.Трубецкойнинг фонологик бирликларнинг ўзаро оппозицияси, уларнинг қонуниятлари ривожлантирилди. Ўзбек тилида фонетик иқтисод тамойилига асос солинди. Ўзбек тили фонологик бирликлари дистрибуция методи асосида белгилаб берилди. Бодуэн де Куртенэнинг фонемага қўйган тамал тоши ўзбек тилининг фонологик системасини белгилашда асос ролини ўйнайди.

Ўтган асрнинг 70-йиллари тилшуносликда “семантик штурм” даври деб талқин қилина бошлади. Бу даврда асосий эътибор лингвистик бирликлар семантикасини ўрганишга қаратилди. Бунинг натижасида фоносемантика, лексик семантика, морфосемантика, синтактик семантика йўналишлари майдонга келди. Тил тадқиқидаги семантик йўналишга биринчилардан бўлиб чех олими С.Карцевский асос солган эди. Унинг лингвистик бирликлар фақат шаклий тузилишгагина эмас, балки мазмуний тузилишга ҳам эга экани ҳақидаги қарашлари ҳар қандай лисоний бирлик мазмун планида ҳам тадқиқ этилиши кераклигини, шакл ва мазмун муносабати тилшуносликнинг асосий масалаларидан эканини тақозо этди.

Лисоний бирликларнинг шакл ва мазмун тузилиши ўртасидаги муносабатни синтактик сатҳ материаллари асосида ўрганган Абдулҳамид Нурмонов ўзбек тилшунослигида шу кунгача илмий мунозараларга сабаб бўлаётган ажратилган бўлак масаласи гапнинг шаклий тузилиши учун эмас, балки мазмуний тузилишининг устуворлиги асосида ҳал этилиши кераклигини, гапнинг мазмуний ва грамматик маркази кесим эканини, шунга кўра гап бўлакларини аниқлаш, таснифлаш, таҳлил қилишда мазмун устувор эканини исбот қилди. Ҳар қандай гап шакл ва мазмун бирлигидан иборат экан, синтактик тадқиқотларда асосан гапнинг шаклий томонигагина эътибор қаратилишини, фақат айрим ўринлардагина (гапнинг ифода мақсадига кўра турларини белгилашда, иккинчи даражали бўлакларнинг ички таснифида) мазмун эътиборга олинишини таъкидлаб ўтган олим мазмуний синтаксиснинг мақомини белгилашни ва шу асосда синтактик сатҳни тадқиқ этишни асосий вазифа деб билди. Натижада профессор А.Нурмоновнинг “Гап ҳақидаги синтактик назариялар” (1988), “Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси” (1991) (ҳаммуаллифликда), “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис)” (2001) (ҳаммуаллифликда) асарлари юзага келди.

А.Нурмонов ўзбек тилининг назарий грамматикасини яратиш билан грамматик категория унсурлари, уларнинг ўзаро муносабати, зидланиш қонуниятлари, асос шакл ва ифода шакл, грамматик категория унсурларининг бир-бирини тақозо ва инкор қилиш тамойили, грамматик категория ва грамматик маъно ҳақидаги назарий билим ўзида ўзаро чекланма ҳодиса эканлиги, охир-оқибат, грамматиканинг асоси грамматик категория эканини талқин қилди.

Бунинг натижасида гап бўлаклари, содда ва қўшма гап мақомлари семантик тамойил асосида кўриб чиқилди. Натижада гап бўлаклари типологияси, гап бўлакларига ажратиш тамойиллари, анъанавий тилшунослиқдан систем-структур тилшуносликка ўтиш жараёнлари, академик А.Шахматовнинг қарашлари умумлаштирилди ва ўзбек тилшунослигида ўзининг юқори нуқтасига кўтарилди.

Профессор А.Нурмонов гап семантикаси объектив ва субъектив маънолар муносабатидан ташкил топган нисбий бутунлик эканини эътироф этган ҳолда, гапнинг объектив мазмуни инсон онгида акс этган объектив воқелик эканини таъкидлаб, гап семантикаси таҳлилида ушбу ҳолат эътиборга олинишини айтиб ўтади. Олим мураккаблашган гаплар хусусида тўхталиб, мураккаблашувни икки гуруҳга а) ҳам шаклий, ҳам мазмуний мураккаблашувга ва б) мазмуний мураккаблашувга ажратишни тавсия этади ва бунинг натижасида мураккаблашган гаплардаги мураккаблаштирувчи унсурлар мақомини белгилаб беради. Бу эса ўзбек тилшунослигида шу пайтгача ушбу синтактик ҳодисага бўлган муносабатга ойдинлик киритиб беради.

Сифатдош, равишдош ўрамли ва ҳаракат номили тизимлар билан мураккаблашиш ҳолатини синтактик жиҳатдан содда ёки қўшма гапга киритиш ҳақидаги қарашларга А.Нурмоновнинг “*бундай тизимларда эга-кесимлик белгиларининг йўқлиги уларнинг гап сифатида қаралишига имкон*

*бермайди ва улар мураккаблашган гап сирасига киради*” деган назарияси асос бўлиб хизмат қилади.

Ундалма ва киришлар иштирок этган гапларда икки томонлама мураккабланиш кузатилишини: грамматик алоқанинг тури икки хил бўлиши билан бирга, мазмун ҳам мураккабланишини, бу каби гапларда ифодаланган объектив мазмунга сўзловчининг субъектив муносабати ва тингловчи субъекти ҳам қўшилишини айтиб ўтади.

Сўзловчи ва тингловчи ўзи қуршаб турган олам ҳақидаги универсал билимлари ва тил ҳақидаги кўникмалари асосида ўзаро алоқага киришади ва фикр алмашади. Мулоқот жараёнида коммуникантларнинг умумий билиш манбаига эга бўлиши бевосита ифодаланган ахборотнинг сўзловчилар учун тушунарли бўлишини таъминлайди. Бу ҳодиса профессор А.Нурмонов томонидан тағбилим (пресуппозиция) номи билан талқин этилган ва назарий ва илмий жиҳатдан асослаб берилган. Прагматиканинг ўрганиш соҳаларидан ҳисобланган ушбу ҳодиса содда гапларни мазмунан мураккаблаштирувчи восита сифатида кўрсатиб ўтилади. Олим пресуппозициянинг жаҳон ва рус тилшунослигида ўрганилиши, унинг таърифи, мақоми, таснифи хусусида, шунингдек, ўзбек тилшунослигида ушбу йўналишнинг тадқиқи ҳақида ўз қарашларини баён этади.

Соссюрнинг лингвистикани икки турга ажратгани – тил лингвистикаси ва нутқ лингвистикасига бўлиб, амалда, асосан, тил лингвистикасига эътиборни қаратгани ҳақида тўхталиб ўтган А.Нурмонов ташқи лингвистика ҳақидаги қарашларини баён этиб, паралингвистика, социолингвистика, психолингвистика, нейролингвистика, поэтик лингвистика, математик лингвистика каби тил амалиётида ва тараққиётида катта аҳамият касб этувчи унсурлар ҳақида баҳс юритади. Нутқий фаолият: а) социал ва б) экспрессив вазифа бажаришини, уларни диалектик тарзда тадқиқ этиш, таҳлил этиш ва қабул қилиш кераклигини таъкидлайди.

Ташқи тилшунослик тадқиқи уни текширув маконининг янада кенгайтилишига, фанлар тизимида тилшуносликнинг ҳам бир унсур эканини ва у бошқа фанлар билан алоқадорликда, боғлиқликда ривожланишини билдиради. Бу эса тилшуносликнинг ижтимоий-гуманитар, аниқ, табиий фанлар билан алоқадорликда ўрганишни, натижада ушбу фаннинг ҳақиқий моҳияти очиб берилишини, тадқиқотнинг реал бўлишини таъминлайди.

Тилшунослик фан сифатида фанлар системасида шу система таркибидаги бошқа фанлар билан узвий алоқада – муносабатда бўлади. Бу алоқаларсиз тилшуносликнинг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш мумкин эмас. Ўзбек тилшунослигида тилшуносликнинг фанлар тизимидаги ўрни, фанлар системаси, уларнинг таснифланиши, бошқа фанлар билан муносабати каби масалалар ўрганилмаган эди. Бу муаммонинг ёритилиши натижасида, биринчидан, тилшуносликнинг ривожидан бошқа фанларнинг ўрни аниқланса, иккинчидан, тилшуносликнинг фанлар тизимидаги мавқеи белгиланган бўлар эди. Шуларни эътиборга олган ҳолда профессор А.Нурмонов “Тилшунослик ва табиий фанлар” (2002) асарини яратиб, тилшуносликнинг табиий фанлар

билангина эмас, балки аниқ, ижтимоий, гуманитар фанлар билан муносабатини очиб берди.

*“Тилшуносликнинг фанлар системасидаги ўрнини белгилаш, унинг бошқа фанлар билан муносабатини ёритиш бу фаннинг фанлар системасидаги қимматини белгилашда, тилшуносликнинг бир қатор тушунчаларининг келиб чиқиш илдизларини ёритишда, умуман, тилшуносликнинг кўпгина назарий муаммоларига ойдинлик киритишда муҳим аҳамияти бор”* эканлиги олим томонидан айтиб ўтилади.

Тилшуносликда нутқ товушлари, уларнинг ҳосил бўлиши, товушларнинг сифат ўзгаришлари каби ҳодисаларнинг асоси физикадаги акустика билан боғлиқлиги, “ҳар қандай товуш тебраниш маҳсули” деган физиканинг олтин қоидаси нутқ товушларига ҳам тааллуқли экани, нутқ товушларининг экспериментал тадқиқ усуллари бевосита физикадаги интонографик, рентгенографик усуллар орқали амалга ошиши мумкинлиги, тилшуносликдаги майдон назариясининг прототипи физикадаги “бирор физик ҳодиса рўй берадиган ёки унинг таъсири сезиладиган фазо” деган тезисга мос келишини ва бугунда семантик майдон назарияси тил сатҳларини семантик аспектда текширишда асосий тамойил бўлиб қолганини келтириб ўтади ва ҳар бир фаннинг “автоном” ҳолдаги тадқиқи унинг гуркираб ривожланишини таъминлаб бермаслигини, ҳар бир фан билан шуғулланувчи олим шу фан қоидалари қобиғидан чиқмаса, бошқа фанлар билан алоқадорликда тадқиқ этмаса, муайян муаммони тўлақонли ҳал эта олмаслигини мисоллар билан исбот қилади. Шунинг учун ҳам илм ва маданиятимиз тарихидаги Фаробий, Беруний, ибн Сино ва бошқа мутафаккир олимлар қомусий билим эгалари бўлганлар. Биргина ибн Синонинг илмий меросини ўрганиш унинг тилшуносликка оид, хусусан, фонетикага оид ниҳоятда қимматли фикрлар билдирганини; нутқ товушларининг пайдо бўлиш сабаблари, бўғиз ва тил анатомияси, айрим араб товушларининг пайдо бўлишида ўзига хос жиҳатлар каби анатомолингвистик қарашларни баён қилганини кузатишимиз мумкин. Олимнинг муайян фан йўналиши бўйича тадқиқот олиб боришида у билан алоқадор бўлган бошқа фанларни ҳам ўрганиш, моҳиятан бири иккинчисини тақозо этадиган фанлар тадқиқий алоқадорлигини йўлга қўйиш зарурлиги ҳақидаги қарашлари ҳар бир олим учун қомусийликка йўналтирувчи даъватдай, тадқиқотчида кенг мушоҳада ва дунёқарашни шакллантиришга асосдай туюлади. Шунингдек, олимнинг тилшуносликнинг биология, кимё, математика, география ва бошқа фанлар билан алоқадорлиги мисоллар билан исбот қилинган.

Бугунги ўзбек тилшунослиги эришаётган ютуқларнинг асоси узок йилларга бориб тақалади. Аждодларимиз бундан бир неча йиллар олдин ўзларининг ёзувларига эга бўлганлар. Жаҳон илм-фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган қанчадан-қанча олимларимиз ушбу табаррук заминдан етишиб чиққан. VIII-IX асрлардаёқ юртимизда фанлар академияси “Байтул ҳикмат”, кейинчалик 1010 йилда Маъмун академияси ташкил бўлган. Ушбу илм ва фан гўшаларидан дунё олимларининг эътиборини қозонган машҳур, турли

фанлар бўйича оламшумул кашфиётлар қилган ал-Беруний, ал-Хоразмий, Ибн Сино, ал-Фарғоний, Зайниддин Журжоний каби юзлаб олимлар етишиб чиққанлар. Жаҳон маданияти, илм-фани тараққиётига пойдевор қўйган комусий билим эгалари томонидан қўйилган илмий пойдевор кейинги аждодларимиз томонидан давом эттириб келинмоқда.

Профессор Абдулҳамид Нурмонов бугунги ўзбек тилшунослиги эришаётган ютуқларнинг заминини мозийдан излаш мақсадида ўзбек тилшунослиги тарихини яратишга киришди. Олим эътироф этиб айтганидек, *“ота-боболаримиз қолдирган ёзма ёдгорликларни синчиклаб ўргансак, бу асарларда тилшуносликнинг бир қанча масалаларини Оврўпо олимларидан анча олдин баён қилинганининг гувоҳи бўламиз”*. Шу мақсадда олим аждодларимиз қолдирган лингвистик меросни ўрганиш, уларни жаҳон тилшунослиги доирасида баҳолаш, ўзбек тилшуносларининг жаҳон тилшунослигига қўшган ҳиссасини аниқлаш мақсадида ўзбек лингвистикаси тарихини хронологик тарзда яратишга муваффақ бўлди. Фаробий, Беруний, ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Навоий, Бобур, Абдулғози Баҳодирхон, Бехбудий, Авлоний, Ашурали Зоҳирий, Фитрат каби олим, маърифатпарвар, ижодкорларнинг тил бўйича илмий меросларини, шунингдек, шўролар давридаги ўзбек илмий тилшунослигининг шаклланиши ва ривожланишига улкан ҳисса қўшган тилшунос олимларнинг илмий қарашларини таҳлил қилиш орқали ўзбек тилшунослигининг тараққиёт йўлини кўрсатиб берди. Айниқса, мустақиллик даври ўзбек тилшунослиги тарихи олим томонидан кенг таҳлил этилган бўлиб, тилшуносликнинг барча бўлимларидаги асосий илмий қарашларнинг моҳияти, ютуқ ва камчиликлар рўй-рост очиб берилган, бугунги ўзбек тилшунослигининг ривожланиш йўли, тадрижий тараққиёт босқичлари ва бу йўлда амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар санаб ўтилган.

Тилнинг алоқа-аралашув воситаси экани, унинг бирламчи вазифа деб эътироф этилгани Прага лингвистик тўғараги аъзолари томонидан 1929 йилдаёқ айтилган бўлиб, нутқий фаолият тадқиқига катта эътибор қаратилган. Шунинг учун ҳам Прага лингвистик мактаби экани таъкидланади. Уларнинг қарашича, ҳар қандай тил вакуум ҳолда яшамасдан маълум жамоада фаолият объектига айланади. Бу эса Фердинанд де Соссюрнинг нутқий фаолият тил ва нутқ муносабати бирлигидан иборат экани ҳақидаги, тил ички ва ташқи лингвистикага бўлиниши ҳақидаги назарий қарашларининг намоён бўлиши эди. Абдулҳамид Нурмонов тилнинг коммуникатив вазифасидан келиб чиққан ҳолда фикр ифодалашда тилга ёндош бўлган, функционал жиҳатдан уни компенсация қилувчи ёки кузатиб борувчи паралингвистик воситалар ҳақида тўхталиб, алоқа-аралашувда аҳамиятли бўлган овознинг сифатий, миқдорий хусусиятлари, шунингдек, имо-ишоралар тилшуносликнинг ўрганиш объекти бўлиши даркорлигини таъкидлаб ўтади. Дарҳақиқат, ҳар қандай тилнинг марказида инсон турар экан ва алоқа-аралашув адресант ва адресат ўртасидаги муносабатлардан таркиб топар экан, тил уни рўёбга чиқараётган инсон билан бирга ўрганилиши мақсадга мувофиқ бўлади.



Ҳар қандай илмий тадқиқот муайян методология ва методларга таянган ҳолда амалга оширилгандагина унинг натижаси самарали, жамият ва унинг тараққиёти учун фойдали бўлади. Шунга кўра тадқиқот олиб боришга қўл урган тадқиқотчи, энг аввало, умумий фан методологияси ва хусусий методлар ҳақида маълумотга эга бўлиши ва уни қўллай билиши зарур. Профессор Абдулҳамид Нурмонов фаолияти давомида қатор илмий асарларни мутолаа қилиши, номзодлик ва докторлик диссертациялари билан танишиши натижасида “тадқиқотнинг умумий тавсифи”да, қолаверса, илмий тадқиқот билан танишувда айрим муаллифларнинг методология ва методлардан беҳабар эканликлари каби ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда, лингвистик тадқиқот методологияси ва методлари хусусидаги фикрларни жамлаган ўқув-услубий қўлланма яратадики, бу қўлланма, шубҳасиз, ёш тадқиқотчилар учун илмга йўлланма ҳамдир. Дарҳақиқат, жуда кўп номзодлик ва докторлик диссертацияларининг тадқиқот методологияси, методлари ҳақидаги маълумотда методологияни умумий тарзда кўрсатиш, лингвистик методларни чалкаштириб юбориш, тадқиқ усулларини кўрсата олмаслик каби қусурларни учратиш мумкин. Олим тилнинг гносеологик ва онтологик табиати ҳақида, билимларнинг турлари хусусида тўхталиб, лингвистик тадқиқот методологияси ва методлари – умумий ва хусусий методлар, илмий тадқиқот тамойиллари ва аспектларини бирма-бир санаб кўрсатган. Энг эътиборлиси, тилни ўрганишда тавсифий, қиёсий; тарихий-генетик, глоттохронологик, квантитатив, структур, дистрибутив таҳлил, бевосита иштирокчилар, трансформация, оппозитив каби таҳлил методлари ҳақида маълумотлар берилган. Ҳар бир методнинг ўзига хос хусусиятлари, тадқиқ усуллари, таҳлил йўллари назарий жиҳатдан асосланган. Шунингдек, олим келтириб ўтилган турли илмий тадқиқот методларининг бир-биридан ажралган ҳолда эмас, балки ўзаро ҳамкорликда функционаллашишини, жумладан, структур методнинг тармоқларидан бўлган дистрибутив метод оппозитив метод билан узвий алоқада бўлишини таъкидлайди ва фалсафий методлар хусусий илмий методлар билан диалектик боғлиқ ҳолда яшашини айтиб ўтади. Умуман олганда, Абдулҳамид Нурмоновнинг лингвистик тадқиқот методологияси ва методлари ҳақидаги қарашлари ҳар қандай изланувчига илмий тадқиқот олиб боришда йўл-йўриқ ва усул бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Мамлакатимизда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг жорий этилиши натижасида таълим тизимида узвийлик ва узлуксизлик тамойили асосида янги дарслик ва ўқув адабиётлари яратиш масаласи ўртага ташланди. Барча фанлар бўйича янги, бугунги давр руҳи билан суғорилган, такомиллашган, мукамал дарсликлар яратиш учун танловлар эълон қилинди. Умумтаълим мактаблари учун эълон қилинган “Она тили” дарслиги танловида профессор Абдулҳамид Нурмонов ҳам муаллифлар гуруҳи билан иштирок этди ва 5-, 6-, 7-, 9-синфлар учун “Она тили” дарсликлари танловида ғолиб чиқди. Ушбу дарсликлар ўзбек тилшунослиги эришган илмий-назарий ютуқларни эътиборга олган ҳолда узвийлик, узлуксизлик, соддадан мураккабга тамойили асосида таълим

олувчида мушоҳада, ижодийлик, фикрлашни таркиб топтиришга мўлжалланганлиги билан эътиборга лойиқ.

2005 йилдан буён республикамизнинг таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларида қўлланиб келинаётган “Она тили” дарслигининг (6-синф) “Йилнинг энг яхши дарслиги” танловида 3-ўринни эгаллагани (2010) ушбу асарнинг мутахассислар, она тили ўқитувчилари томонидан мақбул топилиб, 3 марта қайта нашр этилгани, мактаб ўқувчиларининг она тили бўйича умумназарий билимлари ва саводхонликлари ортиб бораётгани ва, энг асосийси, мамлакатимизда баркамол авлоднинг шаклланишида ўз ҳиссасини қўшаётгани дарслик муаллифларининг илмий-ижодий ва методик салоҳияти юқори эканидан дарак беради. Айтиш мумкинки, мамлакатимиз умумтаълим мактабларида таълим олаётган миллионлаб ўқувчилар профессор Абдулҳамид Нурмоновни “танишади”, домла она тилимизнинг жозибаси, ҳар бир каломнинг маъно қирралари, оғзаки ва ёзма нутқларининг такомиллашуви бўйича республикамиз ёшларига ғойибона “сабоқ” бериб келмоқда.

Профессор А.Нурмонов узлуксизлик тамойилини амалда қўллаш мақсадида таълим тизимининг кейинги бўғини – академик лицейлар учун “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслиги бўйича ўтказилган дарсликлар танловида ҳам ғолиб чиқди ва бугунда ижтимоий гуманитар йўналишдаги академик лицейларнинг 1-, 2-, 3-босқичлари Абдулҳамид Нурмонов бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан яратилган дарсликдан фойдаланиб келмоқдалар. Дарслик умумтаълим мактабларида “Она тили”дан олинган сабоқ пойдеворида қурилган бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилининг айтарли барча бўлимлари бўйича олинган билимларни чуқурлаштириш, умумлаштириш, амалиётга татбиқ қилишни мақсад қилиб қўйган. Академик лицей битирувчилари катта қисмининг тест синовларидан муваффақиятли ўтиб олий таълим муассасаларига талабалikka қабул қилинаётганида, университетларда, институтларда таълим олаётган талабаларнинг лисоний саводхонлиги юқори бўлаётганлигида “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслиги катта аҳамият касб этаётганлигига шубҳа йўқ. Бежизга Абдулҳамид Нурмонов бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан нашр этилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслиги республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан “Энг яхши ўқув адабиёти ва дарсликлари” танловида 2-ўринга сазовор бўлмаган.

Профессор А.Нурмонов университет ва педагогика институтлари ўзбек филологияси таълим йўналиши бакалавр ва магистр-талабалари учун 10 дан ортиқ ўқув дастурлари ва улар асосида ўқув қўлланмалари яратди ва улар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тавсияси билан ОТМларнинг филология факультетларида ўқув қўлланмаси сифатида ўқитиб келинмоқда. “Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари” ўқув қўлланмаси 2010 йилда “Йилнинг энг яхши ўқув адабиёти” танловида 1-ўринни эгаллади.

Она тилимизнинг фидойиси, ўзбек тилининг тарғиботчиси, ҳозирги ўзбек илмий тилшунослигининг яратувчиларидан бўлмиш А.Нурмонов Қирғизистон худудида 100 га яқин таълим ўзбек тилида олиб борилаётган

мактабларнинг 5-11 синфлари учун “Ўзбек тили” дарслигини яратди. Қирғизистон олий ўқув юртлари ўзбек филологияси факультети профессор-ўқитувчилари ва мактаблардаги тажрибали ўқитувчилар билан ҳамкорликда яратилган ушбу дарслик қирғизистонлик ўзбек ўқувчиларининг кундалик ҳамроҳига айланди.

Истеъдодли олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, “Шухрат” медали, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби, филология фанлари доктори, профессор Абдулҳамид Нурмонов бу йил 70 ёшга тўлади. Қарийб 50 йиллик илмий-ижодий фаолияти давомида А.Нурмонов 50 га яқин дарслик, рисола, ўқув қўлланмалари, 500 га яқин илмий ва маърифий-маънавий мақолалар нашр эттирган; ўзбек тилшунослиги, туркийшунослик бўйича республикамизда ва хорижда ўтказилган илмий анжуман, симпозиум, конференцияларда, давра суҳбатлари ва семинар-тренингларда иштирок этган. Олимнинг илмий ва услубий мероси жамланса, 200 босма табоқдан ортиб кетади.

Профессор Абдулҳамид Нурмонов таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан Андижон давлат университети ректори, профессор Толибжон Мадумаров таҳрир ҳайъати раислигида тузилган ҳайъат олимнинг 3 жилдлик сара илмий асарлари тўпламини нашрга тайёрлашни режалаштирди.

Танланган асарларнинг биринчи жилди А.Нурмоновнинг ўзбек илмий тилшунослиги ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилган алоҳида нашрлар йиғиндисидан иборат бўлиб, уларга *“Лингвистик тадқиқот методологияси ва методлари”*, *“Лингвистик белги назарияси”*, *“Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан муносабати”*, *“Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси”*, *“Гап ҳақида синтактик назариялар”* каби асарлар киради.

Иккинчи жилд “Лингвистик таълимотлар тарихи” деб номланиб, унга Европа, Америка тилшунослиги тарихи, шунингдек, ўзбек тилшунослиги тарихига оид маълумотлар киритилган.

Профессор А.Нурмоновнинг турли йилларда илмий журнал ва тўпламларда нашр этилган ўзбек тилининг энг долзарб масалаларига бағишланган сара мақолалари танланган илмий асарлар тўпламининг 3-жилдида жамланган.

Танланган 3 жилдлик илмий асарлар тўплами тилшунослик соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар, ёш тадқиқотчилар, филология факультети талабалари ва бошқа қизиққан ўртоқлар учун тавсия этилади.

Қадимги Хитой мутафаккири Конфуцийдан *“Агар сизга ваколат бериб нимани кечиктириб бўлмайдиган устувор вазифа деб ҳисоблаган бўлар эдингиз?”* деб сўралганда, у *“Тилни тартибга келтириши энг зарурий вазифадир”* деб жавоб берган экан.

Профессор Абдулҳамид Нурмонов ҳам мана 50 йилдирки, она тилимизни тартибга келтиришдай эзгу иш билан шуғулланиб келмоқда.

**Шарифахон Искандарова,  
филология фанлари доктори, профессор,**

**Маъмуржон Саидхонов,  
филология фанлари номзоди, доцент**

## **АБДУЛҲАМИД НУРМОНОВ**

Йирик тилшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Абдулҳамид Нурмонов 1942 йилда Андижон вилоятининг Ўрмонбек кишлоғида таваллуд топган. У ўрта мактабни тугатиб, Фарғона давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетида таҳсил олди. А.Нурмонов 1963 йилда институтни имтиёзли диплом билан тамомлаб, ҳарбий хизматни ўтаб келгач, Андижон педагогика институти (ҳозирги АндУ)га ишга келди. Ушбу ўқув даргоҳидаги 35 йиллик фаолияти давомида А.Нурмонов ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчилигидан профессор даражасига кўтарилди. Жамоатчи олим сифатида педагогика факультетида декан, махсус фанларни ўқитиш ва ўзбек тилшунослиги кафедрасида мудар, университетнинг илмий ишлари бўйича проректори лавозимларида хизмат қилди. Профессор А.Нурмонов ҳозирда умумий тилшунослик кафедраси мудири бўлиши билан бирга, кадрлар малакасини ошириш факультети декани вазифасида фаолият кўрсатмоқда. 1974 йилда “Ўзбек тилидаги товуш ўзгаришларида экономия принципи” мавзусида номзодлик, 1983 йилда таниқли олим А.Ғуломов раҳбарлигида “Ўзбек тили синтаксисини система сифатида ўрганиш муаммолари” мавзусида докторлик диссертацияларини ёқлади.

Бугунги кунда А.Нурмонов тилшунос олим сифатида нафақат мамлакатимизда, балки бутун туркологияда ўзининг салмоқли ва сермахсул илмий ишлари билан таниқлидир.

70-80-йиллардан бошлаб муайян тил тузилишини бевосита кузатиш асосида ўрганган анъанавий тилшунослик маълумотларига таянган ҳолда, объектни системавий ўрганишга ҳаракат бошланди. А.Нурмонов биринчилардан бўлиб ўзбек тилининг фонологик, морфологик, синтактик сатҳларининг системавий тадқиқига бағишланган қатор асарлар яратди. Унинг “Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка” (1982), “Ўзбек тилининг фонологияси ва морфонологияси” (1990) асарлари назарий тилшуносликка қўшилган катта ҳисса бўлди. Айниқса, олимнинг “Гап ҳақидаги синтактик назариялар” (1988) асари яратилганига қадар ўзбек тилшунослигида белги ва унинг турлари, лингвистик белгининг табиати, ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот берувчи асар мавжуд эмас эди.

А.Нурмоновнинг ҳамкасблари Н.Маҳмудов, А.Аҳмедов, С.Солихўжаевалар билан ҳамкорликда яратган тилшуносликнинг янги соҳаси бўлган синтактик семантикага бағишланган “Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси” (1992) асари нафақат ўзбек тилшунослигида, балки туркологияда ҳам биринчи марта яратилганлиги билан қимматлидир.

Истеъдод, илмга муҳаббат, изчил меҳнат ва қатъият муваффақият гарови эканлигини А.Нурмонов фаолиятида яққол кўриш мумкин. Изланувчи олим тилшуносликда бошқа ҳеч бир киши кўрмаганини кўришга, ҳеч бир

киши бош қотирмаган жиҳатни топишга ҳаракат қилади, шунинг натижаси ўлароқ, у системавий-структур тилшуносликнинг рационал томонларини умумлаштирган ҳолда, ўзига хос лисоний концепция ярата олди. “Ҳар қандай фан идрокий (назарий) билиш натижаларига таянгандагина ўрганилган объект ҳақида тўғри хулосаларга кела олади”,- деб ёзади А.Нурмонов ўз асарларининг бирида. Айнан шундай теран, тўғри хулосалар ўзбек тили назарий грамматикасининг яратилишига асос бўлди ва 1995 йилда Н.Маҳмудов, А.Нурмоновларнинг “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис” китоби, 2001 йилда эса А.Нурмонов, Ш.Шаҳобиддинова, Ш.Искандарова, Д.Набиеваларнинг “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси, Морфология” асари чоп этилди.

Тилшунос олимнинг аксарият ишларига хос асосий хусусият шундаки, уларда мавзу тилшуносликнинг энг янги қарашлари асосида тадқиқ қилинган

Унинг “Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари” (1980), “Лингвистик белги хусусиятлари ҳақида” (1990), “Тилшунослик ва табиий фанлар” (2001), “Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати” (2001) каби асарлари ана шундай янги илмий фикрлар маҳсулидир.

А.Нурмонов Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этишда, яъни ўқувчи ва талабалар учун мустақиллик даври талабларига мос дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш соҳасида ҳам самарали иш олиб бормоқда. Олим ўрта мактаблар учун “Она тили” (V—IX синфлар) дарсликларини нашр эттирди. Қисқа вақт ичида бакалавр босқичи учун тўртта ўқув қўлланмаси яратишга муваффақ бўлди.

А.Нурмоновнинг илмий тадқиқотлари доираси ниҳоятда кенг, унинг тилшунослик тарихи, фонология, морфология, лексикология, лексикография, лингвопоэтика, тилшунослик назарияси, тил фалсафаси, паралингвистика, психоллингвистика каби тилшуносликнинг турли йўналишлари бўйича яратган 30 дан ортиқ рисола, дарслик ва ўқув қўлланмалари, 500 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп мақола ва тезислари буни яққол кўрсатиб турибди.

А.Нурмонов илмий асарлар яратиш, фан ютуқларини халқ оммаси орасида кенг тарғиб қилиш билан бирга, етук мутахассис кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам самарали ишлар олиб бормоқда. Бу борада айтиш мумкинки, олим ўзбек тилшунослигида ўзига хос мактаб ярата олди, яъни унинг раҳбарлигида 3 та докторлик, 30 га яқин номзодлик илмий ишлари муваффақиятли ҳимоя қилинди. Таниқли ва сермахсул олим А.Нурмонов илм-фан ривожини, етук тилшунос кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари учун “Шухрат медали”, “Халқ маорифи аълочиси” мукофотлари билан тақдирланган.

Юксак инсоний фазилатлар эгаси бўлган ижодкор олим А.Нурмоновга айни кунларда янгидан-янги илмий-назарий режалар амалга ошириш иштиёқида яшамоқда. Биз унга узок умр, фанимиз равнақи йўлида янада улкан ижодий ютуқлар тилаб қоламиз.

# ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА МЕТОДЛАРИ\*

## Онтология ва гносеология ҳақида маълумот. Билиш ва унинг аҳамияти

Гносеология юнонча *gnosis* – «билиш», *logos* – «таълимот» сўзларидан олинган бўлиб, билиш ҳақидаги таълимот демакдир. Гносеология умуман билиш назарияси, билиш фалсафаси саналади. У инсоннинг билиш табиати ва имкониятлари, билимнинг воқеликка муносабатини ўрганувчи, унинг ҳақиқийлиги ва ишончлилигини аниқлаш йўллари, усуллари тўғрисидаги фалсафий фандир.<sup>1</sup>

«Олам ва одам» тизимида дунёни англаш, субъект ва объект ўртасидаги муносабатлар диалектикаси гносеологиянинг ўрганиш муаммолари саналади. Инсоннинг билиш фаолиятида нутқ муҳим аҳамият касб этади. Жонзотлар ичида олий зот сифатида инсонгагина, Павлов таъбири билан айтганда, иккинчи сигнал системаси ато этилган. Инсондан бошқа жонзотлар фақат биринчи сигнал системасига эга бўлса, инсон акустик сигналлар орқали объектив олам ҳақида маълумот узатиш ва уни қабул қилиш қобилиятига ҳам эга.

Нутқий фаолият орқали инсон ўзи бевосита гувоҳ бўлмаган нарса-ходиса, ҳаракат-ҳолат, белги-хусусиятлар ҳақида ахборотга эга бўлади. Аждодлар қўлга киритган ҳаётий тажрибаларни тўплаб, келажак авлодга етказиб беради. Тилнинг ана шу вазифаси аккумулятив вазифа саналади ва ўша вазифаси билан гносеологик қимматга эга бўлади.

Тил фалсафий жиҳатдан гносеологик ва онтологик табиатга эга мураккаб феномендир. Онтологик табиатга эга мураккаб тилга гносеологик нуқтаи назардан ёндашилганда, биринчидан, инсоннинг тил орқали оламини билиши, тилнинг объектив борлиқ узвларини номлаш (ономсиологик) вазифаси, иккинчидан, тилнинг шу тил эгаларининг олам ҳақидаги билимлари тўплами экани (аккумулятив вазифаси) ёритилади.

Тилнинг онтологик хусусияти деганда, унинг ўзига хос ички тузилишига эга объектив ҳодиса экани тушунилади. Тилнинг онтологик табиати гносеология учун асос бўлиб хизмат қилади. Чунки тил ҳақидаги фан тилнинг онтологик табиати ҳақидаги фандир. Шунинг учун фалсафада онтология ва гносеологиянинг бир-бири билан узвий боғлиқ экани эътироф этилади.

Онтология борлиқ тўғрисидаги умумий таълимот, борлиқнинг фундаментал асосларини, умумий моҳиятини ва мавжудлик категорияларини ўрганувчи фалсафанинг бўлими сифатида гносеология масалалари учун асос, манба бўлиб хизмат қилади. Гносеологиянинг барча тушунчалари ва тамойиллари ўзининг онтологик талқинига, онтологик жиҳатига эга. Демак, гносеология ва онтология фалсафанинг ўзаро узвий боғлиқ бўлган икки бўлимидир. Уларнинг узвий боғлиқлиги шундаки, гносеология онтологик, онтология эса гносеологик табиатга эга.

Билиш кўп босқичли жараён. Ҳозирги кунда билишнинг ҳиссий (эмпирик) ва назарий (рационал) билиш, амалий ва илмий билиш турлари бир-биридан ажралади. Бу жиҳатдан гносеология таркибидан эпистемология алоҳида йўналиш сифатида ажралиб чиқди. Гносеология умумий билиш назарияси, умуман, билиш ҳақидаги таълимот бўлса, эпистемология илмий билиш ҳақидаги таълимотдир.

### **Эмпирик ва рационал билиш**

Ҳар қандай фан асосида кишиларнинг оламни бевосита кузатиши ётади. Инсон ўзини қуршаб турган олам узвларини сезги органлари ёрдамида ҳис қилади, бошқаларига солиштиради, фарқли ва ўхшаш белгиларини аниқлайди, сўнгра муайян хулосага келади. Демак, ҳар бир фан инсонларнинг оламни кузатиши, билиши жараёнида, унинг натижасида пайдо бўлади.

Фаннинг асоси бўлган билиш узоқ вақтлардан буён мутафаккирларни қизиқтириб келади. Жумладан, бизнинг бобокалонларимиз ҳам мазкур соҳада ўзларининг қимматли фикрларини баён қилганлар.

Дунё алломалари ичида иккинчи муаллим номи билан машҳур бўлган Форобий билишнинг икки даражасини ажратади. Хусусан, у «Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида» («Ихсо ал-улум») асарида илмнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида фикр юритиб, қуйидагиларни баён қилади: «Оламда субстанция (жавҳар) ва акциденция (ораз) ҳамда субстанция ва акциденцияни яратувчи Марҳаматли Ижодкордан бошқа ҳеч нарса йўқдир».

Форобийнинг тилга олган жавҳар ва ораз ҳақидаги бу фикри билиш назариясида буюк инқилоб эди. Чунки бизни қуршаб турган олам ва унинг унсурлари жавҳар ва оразларнинг ўзаро диалектик муносабатидан ташкил топган.

Форобий тилга олган жавҳар ва ораз тушунчалари остида нима ётади? Ҳар қандай нарса дастлаб бизнинг сезги органларимизга таъсир қилади. Ана шу сезги органларимиз ёрдамида ҳис қилиш мумкин бўлган белгилар ораз саналади. Ораз Аристотел фалсафасидаги акциденцияни билдиради.

Форобийнинг тушунтиришича, оразни беш сезги органлари ёрдамида ҳис этамиз. Хусусан, ранг кўриш сезги органи орқали; овоз эшитиш органи орқали; маза-таъм маза сезги органи орқали; предметларнинг ҳолати: совуқ-иссиқлиги, қаттиқ-юмшоқлиги тана сезгиси орқали, ҳид ҳидлаш органи орқали ҳис этилади.

Бу сезги органлари инсондан ташқари ҳайвонларда ҳам мавжуддир. Демак, юқоридаги сезги органлари барча жонзотларга хос. Улар орқали ҳар қандай жонзот ўзини қуршаб турган оламни амалий билади, унга мослашади.

Ҳар қандай фан амалий билиш устига қўйилган назарий билимга асосланади. Билиш эса фалсафа фанининг асоси саналади. Назарий фалсафа асосчиси И.Кант унинг ўрганиш предмети нарсалар (табиат ва жамият) эмас, балки инсоннинг билиш фаолиятини илмий текширишдан, инсон ақлий фаолиятини аниқлашдан иборат эканини таъкидлаганди.

Фалсафа инсоннинг ўз моҳиятини англаши, борлиқнинг турли соҳаларига оид ҳодиса ва воқеалар ҳақида уларнинг туб моҳиятини ифодалайдиган умумий хулосалар чиқариши демак. Фалсафий тафаккур оламдаги нарса ва ҳодисаларни фикрда умумлаштириб, ўзаро боғлиқликда ва ривожланишда ўрганиш, уларнинг моҳиятини чуқурроқ ва тўлароқ билишдир. Фалсафа марказида борлиқ ва уни билиш муаммоси ётади.

И.Кантнинг таъкидлашича, бизнинг онгимиздан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда «нарсалар олами» мавжуд. Бундай нарсаларни у «наrsa ўзида» деб номлайди. Билиш ана шу «наrsa ўзида»нинг сезги органларимизга таъсири натижасида юзага келади. Унинг фикрича, сезги органларимизга таъсир қиладиган «наrsa ўзида»нинг сир-асрорларини билиш мумкин эмас.

Гегелнинг фикрича, дастлаб олам ва тафаккур айнияти бўлган ва бу айният дунёнинг субстанционал (зотий) асосини ташкил этган. Тафаккур фақат субъектив инсон фаолиятигинамас, балки объектив моҳият, барча мавжудотнинг бирламчи манбаи бўлган. Тафаккур модда, табиат ҳолида ўзини «бегоналаштиради». «Абсолют ғоя»нинг олий тараққиёт босқичи «абсолют рух», яъни инсоният, инсоният тарихи саналади.

Гегель тарихий жараённинг диалектик характерини тадқиқ қиларкан, тил тараққиётига алоҳида аҳамият беради. У тилни назарий ақлнинг яратувчиси ҳисоблайди, чунки тил унинг ташқи ифодаси саналади.

Инсоннинг сезги органи ёрдамида ҳосил бўлган билими ҳиссий ёки амалий билиш саналади. Булардан ташқари, инсон хаёл суриш, нутқ ёрдамида ҳам билимга эга бўлиши мумкин. Билишнинг мазкур йўли **қувваи нотиқа** ва **қувваи мутаҳаййила** дейилади. Нотиқа қуввати бошқа барча қувватларнинг (сезгиларнинг) етакчисидир.

Ҳиссий билим билиш жараёнининг марказий нуқтаси саналса ҳам, лекин у кўпинча алдаб қўйиши мумкин. Масалан, Қуёш Ер атрофида айланаётгандай кўринади, аслида эса аксинча.

Шунинг учун бизнинг аждодларимиз ҳиссий билиш билан идрокий билишни ажратганлар. Идрокий билиш ҳиссий билимларни солиштириш, қиёслаш, умумлаштириш, ҳиссий билимларнинг юзага келишига асос бўлган оразлар (акциденциялар) замирида яширинган моҳиятни – жавҳарни аниқлаш орқали ҳосил қилинади. Масалан, танада иситманинг кўтарилишини аниқлаш ҳиссий билим саналади. Лекин ҳар қандай ҳарорат ўз-ўзидан кўтарилмайди. Унинг маълум ички сабаблари бор. Ана шу сабабни аниқлаш иситмага ўхшаш, у билан боғлиқ бир қанча ҳиссий билимларни солиштириш, қиёслаш, умумлаштириш орқали амалга оширилади ва иситма ниманинг аломати экани белгиланади.

Солиштириш, қиёслаш, мантикий умумлаштириш орқали ҳосил қилинган билим идрокий, назарий билим саналади. Бу билим орқали оразлар замиридаги жавҳар белгиланади. Ҳар қандай фан ана шу белгиларни келтириб чиқаради.

Бундан кўринадики, ҳиссий (фаҳмий) билим тажриба, амалиёт, бевосита кузатиш босқичи саналиб, ҳақиқий назарий (идрокий) билим амалий



билимларнинг ўзаро муносабатини ўрганиш, умумлаштириш орқали ҳосил қилинади ва мазкур билимга эга бўлиш ҳар қандай фаннинг бош мақсадидир. Билишнинг бу икки босқичи ҳозирги даврда барча фан вакиллари томонидан эътироф этилади. Жумладан, тилшуносликда ҳам ушбу икки усулга амал қилинади. Қайси усулга таянишга кўра тилшунослик амалий ва назарий тилшуносликка бўлинади.

Билиш фақат фан билан чегараланмайди, фан инсоннинг билиш фаолиятининг фақат бир қисмини ташкил этади. Инсон ўзини қуршаб турган объектив оламни доимо билишга интилади. Билиш диний, афсонавий, эмпирик ва рационал бўлиши мумкин.

Кишилар оламнинг яралиши, табиат ҳодисалари, коинот ва одамзод муносабати ҳақида фикр юритганлар ва улар тўғрисида турли билимга эга бўлганлар, эзгулик ва ёвузлик кучлари ҳақида хилма-хил афсоналар шаклланган. Оламнинг диний ва афсонавий манзарасини яратганлар.

Илмий билиш динамик жараён дир. У ривожланувчи билимлар системаси саналади. Шундай экан, у билишнинг турли босқичилигига эга бўлади. Оламнинг илмий манзарасини яратишда, уни илмий билишда ўзаро узвий боғлиқ, бир-бирини тақозо қилувчи икки босқич ажралиб туради: 1) эмпирик (амалий) босқич; 2) назарий (рационал) босқич. Билишнинг бу босқичлари ўзаро боғлиқ бўлиши билан бирга ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади.

**Эмпирик билиш.** Эмпирик билишга асосланган билиш йўналиши эмпиризм саналади. Мазкур йўналиш билишнинг ягона манбаи сифатида жонли кузатишни, сезги аъзолари орқали олинган билимни, тажрибани эътироф этади. Бундай билим мазмуни тажриба берган маълумотларни тавсифлашни ўз ичига олади. Демак, эмпирик босқичда жонли кузатиш етакчилик қилади. Рационал момент ва унинг шакллари (ҳукм, тушунча ва бошқ.) иштирок этади, лекин жонли кузатишга нисбатан орқа планда туради. Унга кўмакчилик вазифасини бажаради. Шунинг учун ўрганилаётган объект жонли кузатишга берилган белгилари асосида талқин қилинади. Фактларни йиғиш, уларни дастлабки умумлаштириш, кузатиш ва эксперимент маълумотларини тавсифлаш, уларни таснифлаш ва бошқа фактларга асосланган фаолият эмпирик билишнинг асосий хусусиятлари саналади.

Эмпирик тадқиқотлар бевосита (оралиқ узвларсиз) объектга йўналтирилади. Бу объектларни қиёслаш, ўлчаш, кузатиш, эксперимент, таҳлил, индукция усуллари асосида ўзлаштиради. Унинг энг муҳим элементи факт саналади. Ҳар қандай илмий тадқиқот фактларни тўплаш, системага солиш ва уларни умумлаштиришдан бошланади. Фан таракқиётида фактларнинг аҳамияти каттадир. Шунинг учун В.И.Вернадский: «Илмий фактлар илмий билим ва илмий тадқиқотларнинг бош мазмунини ташкил қилади. Улар асосида эмпирик умумлашмалар қилиш, муайян илмий фактлар системасини ажратиш мумкин», – деганди.

Фактлар илмий тадқиқот учун асос бўлиб хизмат қилишига қарамасдан, унинг қулига айланмаслик керак. Ҳар қандай факт субъект томонидан концептуаллаштирилган, муайян назарий тасаввур билан сингдирилган

бўлади. Шунинг учун маълум миқдордаги фактларни тўплаб, уларни муайян концептуал системага бирлаштириш лозим. Тадқиқотчи кўр-кўрона фактларни изламайди. Фактларни тўплашда муайян мақсаддан, вазифадан, ғоядан келиб чиқади.

Шундай қилиб, эмпирик тажриба ҳеч қачон, айниқса, ҳозирги замон фанида кўр-кўрона бўлмайди. У назария билан режалаштирилади. Шунинг учун фактлар доимо назарий юкка эга. Фаннинг бошланиши, унинг таянч нуқтаси яланғоч фактлармас, балки назарий схемалар, борлиқнинг концептуал синчлари саналади. Улар абстракт объектлар (идеал конструктлар), концептуал моделлар ва бошқалардан иборат.

А.Уайтхед илмий билиш икки қатламнинг бирлашувидан иборат эканини таъкидлайди: улардан биринчиси конкрет кузатиш ёрдамида олинган бевосита борлиқ фактлари, иккинчиси уларнинг концептуаллаштирилган фактларидан иборат. Биринчисини кузатиш қатлами, иккинчисини концептуал қатлам ташкил қилади. Биринчиси доимо иккинчисидаги тушунчалар ёрдамида тавсифланади.

Кўринадик, назариядан ажралган қуруқ фактлар илмий қимматга эга бўлмайди. Фактлардан ажралган назария ҳам бўлмайди.

Кўп адабиётларда «метод» ва «усул» атамалари бир хил маънода қўлланилади. Айрим муаллифлар эса усулни методнинг таркибига кирувчи қисм сифатида тушунадилар. Бундай вақтда метод бир қанча тадқиқ усулларидан ташкил топган мураккаб билиш йўлини ифодалайди. Дарҳақиқат, ҳар бир метод ўз тадқиқот усуллари билан бир-биридан фарқланади. Эмпирик метод ҳам бутунлик сифатида қуйидаги усулларни ўз ичига олади: 1) кузатиш; 2) эксперимент; 3) қиёслаш.

Тилшуносликда эмпирик методга асосланган тилшунослик тавсифий тилшунослик дейилади.

Тавсифий тилшуносликда ҳар қандай тадқиқотнинг ибтидоси *кузатиш* саналади. Сизги аъзолари орқали кузатишга берилган фактик материаллар йиғилади.

Кузатиш жараёнида ўрганилаётган объектнинг фақат ташқи белгилари ҳақидаги билимгагинамас, балки унинг муҳим хоссалари ва муносабатлари ҳақида ҳам билимга эга бўламиз.

Эмпирик билишда экспериментнинг ҳам ўрни беқиёсдир. Ўрганилаётган объектни муайян шароитда маълум воситаларни қўллаган ҳолда алоҳида ажратиб тадқиқ этишга эътибор қаратилади. Масалан, пахта навини етказиш, унинг толаси сифатини аниқлаш ва ҳ.к.

Лингвистик тадқиқотларда ҳам мазкур усул катта аҳамиятга эга. Масалан, товушларнинг акустик-артикуляцион белгиларини кузатиш усулида аниқлаш қийин кечган ҳолларда экспериментал усулга мурожаат қилинади.

Эмпирик билишда қиёслашнинг ҳам аҳамияти катта. Ҳар қандай шахс янги ўрганилаётган объектни олдин ўрганилган объектга қиёслайди. Улар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонларни аниқлайди. Ўрганилаётган объектни бошқа объектлар билан ўхшаш белгилари асосида муайян

синфларга бирлаштиради, фарқли белгилари асосида эса синф таркибида унинг ўзига хос хусусиятга эга эканини белгилайди.

**Назарий билишнинг ўзига хослиги ва унинг шакллари.** Илмий билишнинг назарий босқичи рационал жиҳатнинг устуворлиги билан характерланади. У тушунчалар, назариялар, қонунлар ва бошқа тафаккур шакллари билан иш кўради. Шу билан бирга жонли кузатиш, ҳиссий билиш унинг таркибидан соқит қилинмайди, балки у билиш жараёнида иккинчи планга ўтади, иккинчи даражали аҳамият касб этади.

Назарий билим амалий билим берган маълумотларни қайта ишлаш, улар ўртасидаги ички алоқа ва муносабатларни очиш, сезги аъзоларимиз таъсирига берилмайдиган моҳиятни аниқлаш орқали қўлга киритилади.

Назарий билишнинг энг муҳим вазифаси объектив ҳақиқатга эришишдир. Бунинг учун мавҳумлаштириш, идеаллаштириш, синтез, дедукция сингари билиш-восита усуллари кенг қўлланилади.

Илмий билиш жараёнида *мавҳумлаштириш* нарсаларнинг бир қатор хоссалари ва муносабатларидан узиш, *идеаллаштириш* эса соф фикрий предметларни яратиш, *синтез таҳлил* ёрдамида олинган элементларни система таркибига бирлаштириш, *дедукция* билиш ҳаракатининг умумийдан хусусийга, мавҳумликдан конкретликка қараб йўналиши орқали амалга оширилади.

Назарий билишнинг характерли хусусияти унинг ўзига қараб йўналиши, яъни билиш жараёнининг ўзини унинг шаклларини, усул ва методларини, тушунчалар аппаратини тадқиқ этиш ҳисобланади. Илмий изоҳлаш ва аниқланган қонунларга таяниб илмий башорат қилиш, келажакни олдиндан кўришга эришилади.

Назарий босқичда тафаккур орқали аниқ ўз ифодасини топган рационал билиш етакчилик қилади. Шунинг учун назарий билиш босқичида тафаккурнинг ўрни беқиёсдир.

Инсон тафаккури нутқ билан узвий алоқада майдонга келади. Унинг натижаси тилда белгилар системаси орқали ўз ифодасини топади.

М.Борн илмий билишда тафаккурнинг муҳим ўрни ҳақида фикр юритаркан, инсон онги тафаккур ёрдамида табиат ва тафаккур қонунлари ўртасидаги гармония натижасида табиат сирларига йўл топиши мумкинлигини таъкидлайди.

Илмий билишда ўрганилаётган объектни мавҳумлаштиришда тафаккур шакллари – тушунча, ҳукм, хулосаларга таянилади.

**Тушунча** ҳодисаларнинг онгда акс этган энг муҳим умумий қонуний алоқалари, муҳим томонлари ва белгиларини акс эттирувчи тафаккур шакли саналади. Масалан, одамнинг бошқа жонзотлардан фарқланиб туриш белгиси меҳнат қуролини яшашдир. Шунинг учун ана шу белги одам тушунчасини ҳосил қилишда асос бўлади. Ёки *дарахт* тушунчаси замирида танадан шохланиш белгиси ётади ва шу белгиси билан унга яқин бўлган тур *бутага* зидланади.

Тушунчалар сўзлар орқали ифодаланади. Шунинг учун сўз ифодаловчи ва ифодаланмиш бирлигидан ташкил топган белги саналади ва бу белгининг

ифодаланмиш томони тушунча ёки концепт саналади. Сўз объектив олам узвлари билан, яъни денотат билан концепт орқали боғланади.

**Ҳукм** борлиқдаги нарса, ходиса, жараёнларни, уларнинг хусусияти, алоқа ва муносабатларини акс эттирувчи тафаккур шакли бўлиб, у гаплар орқали ўз ифодасини топади.

Тушунча ва ҳукмлар хулоса учун ўзига хос «ғишт»лар бўлиб хизмат қилади.

**Хулоса** олдинги қўлга киритилган билимдан янги билим ҳосил қилиш воситаси бўлувчи тафаккур шаклидир. Ҳукмнинг асосий таянч нуқтаси силлогизм. Масалан, *Ҳар қандай мева инсон учун фойдали* гапидан англашилган ҳукм олдиндан маълум. Энди *Олма – мева* деган ҳукмни олдинги ҳукмга қиёслаш асосида учинчи ҳукм келиб чиқади: *Олма инсон учун фойдали*. Ана шу қиёслаш асосида чиқарилган ҳукм хулоса бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, рационал билиш ҳиссий билиш билангинамас, балки ҳиссий бўлмаган билим билан ҳам муносабатда бўлади.

Бундай билиш шаклларига тасаввур қилиш, фантазия, интуициялар киради. Юқоридаги шакллар ичида илмий билишда интуиция алоҳида роль ўйнайди.

Муайян мантиқий ҳукмларсиз, тайёргарликсиз бирданига, кутилмаганда илмий ҳақиқатга эришиш интуиция саналади.

Интуиция тадқиқотчининг чуқур мушоҳадаси асосида тайёргарликсиз ҳақиқатга эришишдир. Интуитив хулосалар тилшунослиқда ҳам тез-тез кўзга ташланади. Масалан, Ф.де Соссюрнинг ҳинд-оврупо тилларидаги илк унлилар тизими ҳақидаги фикри унинг интуицияси натижаси эди. Ёки Айюб Гуломнинг кесимнинг гап структурасидаги ўрни ҳақидаги фикри ҳам ана шу интуицияга боғланади.

Назарий (илмий) билиш билишнинг олий шакли сифатида муайян қисмлар муносабатидан ташкил топган система саналади. Демак, у муайян ички структурага эга. Унинг муҳим структур компонентлари сифатида *муаммо*, *тахмин* (гипотеза) ва *назария*ларни ажратиш мумкин. Бу компонентлар назарий босқичдаги билимнинг таянч нуқталари саналади.

**Муаммо** назарий билиш шаклларида бири бўлиб, ҳали ўрганилмаган, лекин ўрганилиши лозим масалани ўз ичига олади. Бошқача айтганда, у билмаган нарсамизни англаш, тадқиқот олдига ана шу масалани билишни қўйиш саналади. Олдинги билимларимизга таянган ҳолда ҳали ечилмаган масалани англаш, тадқиқот олдига тўғри ва зарур муаммони қўя билиш илмий билишнинг муҳим босқичидир.

Муаммо қотиб қолган билиш эмас, балки динамик жараёндир. У билиш жараёнининг икки нуқтаси – масаланинг қўйилиши ва ҳал этилишини ўз ичига олади.

**Фараз** фактлар асосида келиб чиққан тахминни ўз ичига олувчи илмий билиш шакли бўлиб, исбот қилишга эҳтиёж сезади. Фаразий (гипотетик) билим нисбий характерга эга, у текшириш, асослашни талаб қилади. Фаразларни исботлаш жараёнида айримлари ҳақиқий назарияга айланади,

бошқалари аниқланади, конкретлаштирилади, яна бошқалари ҳаётда тасдиқланмай илмий муомаладан тушиб қолади.

Д.И.Менделеевнинг даврий қонуни, Ч.Дарвиннинг турларнинг келиб чиқиши назариялари ана шундай фараз босқичини босиб ўтди. Планк томонидан олға сурилган квант фарази ҳам ҳаёт тасдиғидан ўтгандан сўнг назарияга айланди. Бундай фаразлар ижтимоий фанларда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қадимги турк-руний ёзувлари ҳам Томсен томонидан олға сурилган фараз асосида илмий ҳақиқатга айланди. Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг бобо тил шакллари ҳақидаги фикрлари, Скалигер ва Джонсларнинг ҳинд тилининг оврупо тиллари оиласига мансублиги ҳақидаги фаразлари ҳам кейинчалик ўз исботини топди.

**Назария** борлиқнинг маълум қисмлари ўртасидаги муҳим ва қонуний алоқалари ҳақида яхлит тасаввур берувчи илмий билимнинг юқорироқ шаклидир. Ньютоннинг классик механикаси, Ч.Дарвиннинг эволюцион назарияси, А.Эйнштейннинг нисбийлик назарияси, бир бутун системанинг ўз-ўзидан ташкил топиши назарияси – синергетик назария назарий билиш шаклига ёрқин мисол.

К.Поппер таъкидлаганидек, ҳар қандай назарий система икки асосий талабни қондириши лозим: 1) зиддиятсизлик (яъни мантиқнинг мавжуд қонунларини бузмаслик); 2) тажрибавий экспериментал текширувчанлик.

### **Фан ва илмий билим**

Илмий билим тизимлилиги билан амалий билимдан фарқланади. Илмий билим ҳақида фикр юритган барча олимлар унинг муҳим белгиси сифатида тизимлилик белгисини эътироф этадилар. Хусусан, Иммануел Кант фикрича, фан ва илмий билимнинг муҳим белгиси тизимлиликдир. Илмий билим соф ақл архитектоникасига мувофиқ, мажбурий тизимни ташкил қилувчи билимдир.<sup>1</sup>

Бизни қуршаб турган табиат ва жамият ҳақидаги илмий билимларимиз тизими фанни ташкил этади. Демак, илмий билим ва фан тушунчалари ўзаро диалектик боғлиқдир. Фан илмий билимга асосланади. Илмий билим фан учун асос бўлиб хизмат қилади.

Хусусан, ҳар бир жамиятнинг алоқа воситаси бўлиб хизмат қилувчи тили бор. Тилсиз жамият бўлиши мумкинмас. Табиатан ижтимоий моҳиятга эга тилнинг қандай пайдо бўлгани, унинг ички тузилиши, ривожланиш қонунлари ҳақида қадимдан хилма-хил фикрлар баён қилиб келинади.

Лекин XIX асргача тил ҳақидаги билимларимиз амалий характер касб этиб, тизимлилик белгисига эга эмасди. XIX асрдан тилнинг барча сатҳ бирликлари қиёсий-тарихий планда муайян илмий методга – қиёсий-тарихий методга асосланган ҳолда ўрганила бошлади. Шу даврдан бошлаб том маънодаги тилшунослик фани майдонга келди. Кўринадики, фанлар илмий билимлар маҳсулидир.

Фан ҳақида фикр юритарканмиз, энг аввало, фаннинг ўзи нима, унинг муҳим белгилари нима эканини аниқлаб олиш зарурати туғилади.

«Фан» атамаси барча учун тушунарли бўлса ҳам, лекин унинг мақоми, моҳиятини ҳамма ҳам тушунтириб беролмайди. «Фан» атамаси «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да куйидагича изоҳланган: «Фан: 1. Табиат ва жамиятнинг таракқиёт қонунларини очиб берувчи ҳамда ўзи эришган натижалар билан атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи билимлар тизими. 2. Шундай билимлар тизимининг алоҳида тармоғи, йўналишлари, соҳалари. Аниқ фанлар. Табиий фанлар. Физика фани. Тилшунослик фани».<sup>1</sup>

Илмий билимлар тизими сифатидаги фанга айрим олимлар «тартибга солинган билим» (Берг) деб таъриф берса, бошқа олимлар «реаллик ҳақидаги объектив билимларни тайёрлаш ва назарий тизимлаштириш функцияси хос бўлган инсон фаолияти соҳаси» деб изоҳлайдилар.

«Қисқача фалсафа энциклопедияси»да (М., 1994) эса унга куйидагича таъриф берилади: «Фан (юнонча *episteme*, латинча *scientis*) реаллик ҳақидаги объектив билимларни яратиш ва назарий схемалаштириш функциясига эга бўлган инсон фаолиятининг соҳасидир».<sup>2</sup>

«Фан» атамаси умуман илмий билимлар тизими (умуман фан) маъносида қўлланилиши билан бирга хусусий билимлар тизими (хусусий фан) маъносида ҳам қўлланилади. Ҳар қандай хусусий фан умумий фанга қўйилган талабларга жавоб беради. Айни пайтда, ҳар бир хусусий фаннинг ривожланиши инсониятнинг умумий илмий тафаккурининг камолотига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Фан бир қанча хусусий фанларни ўз ичига олган системадир. Шундай экан, у умумий маънода бир қанча фанларнинг ўзаро узвий муносабатидан ташкил топган бутунликдан иборат.

Кўринадики, фан ҳам система сифатида ички иерархик бўлиниш хусусиятига эга. Фаннинг ана шундай ички иерархик тузилиш табиати асосида турлича таснифланади.

Фанларни илк бор тасниф қилган Форобий уларнинг генетик белгисига асосланган бўлса, кейинчалик фанлар таснифи учун иерархик белги, яъни «жинсдан турга» тамойили асос қилиб олинди.

Бунга кўра, фан, энг аввало, уч турга: 1) аниқ фанлар (математика); 2) табиий фанлар; 3) ижтимоий-гуманитар фанларга бўлинади. Бу уч гуруҳга мансуб фанларнинг ҳар қайсиси ўз ичида яна кичик гуруҳларга, мазкур кичик гуруҳлар кейинги навбатда яна кичикроқ гуруҳга – то фан турига парчаланиш тугагунча давом этаверади.

Ана шундай фанлар системасида лингвистика алоҳида ўрин эгаллайди. У, биринчидан, ижтимоий-гуманитар фанлар таркибига унинг бўлаги сифатида кирса, иккинчи томондан, ўз ичида умумий ва хусусий тилшунослик фанларига бўлинади. Хусусий тилшуносликнинг ўзи фонетика, морфемика, лексикология, дериватология, грамматика, стилистика, диалектология сингари бўлимларни ўз ичига олади, мазкур бўлимларнинг ҳар бири ўрни билан «фан» атамаси билан номланади.

Демак, «фан» атамаси умумийлик-хусусийлик диалектикасини намоён қилган ҳолда умумий ва хусусий фанлар маъносида қўлланилади.

Фаннинг ўзига хос муҳим белгилари нимада эканини белгилаш ҳам кўпдан бери олимларни қизиштириб келади.

И.Кант фаннинг муҳим белгиси сифатида «тизимлилик» белгисини, А.Шопенгауер эса «умумийлик» ва «асосланганлик» белгиларини ажратади. К.Ясперс бу белгиларга «билиш методлари» белгисини ҳам қўшади. Натижада у фаннинг учта муҳим белгиси: «билиш методларига таянганлик», «асосланганлик» ва «умумий аҳамиятлилик»<sup>1</sup> белгилари мавжудлигини таъкидлайди.

Дарҳақиқат, ўрганилаётган объект ҳақида чин билимга эга бўлиш учун унга қандай метод билан ёндашиш катта аҳамиятга эга.

Шунинг учун ҳар қандай илмий билим, илмий ҳақиқат муайян илмий тадқиқот методини қўллаш натижасида қўлга қиритилади. Шу боис ҳар бир илмий тадқиқот мактабларининг ўзларига хос текшириш методлари мавжуд бўлади. Масалан, лингвистикада қиёсий-тарихий тилшунослик, ёш грамматикачилар мактаби, структур тилшунослик, когнитив тилшунослик сингари йўналишларнинг ўзларига хос тадқиқот методлари мавжуд.

Методга алоҳида урғу берган К.Ясперс: «Мен илмий билимга фақат методни англаганимдагина эга бўламан, унинг воситасида бу билимни эгаллайман», – дейди. Бу эса илмий тадқиқотнинг қандай натижага эришишида танланган методнинг нақадар муҳим эканини кўрсатади.

Фаннинг иккинчи муҳим белгиси унинг асосланганидир. Ўрганилаётган объект ҳақида муайян методга таяниб тадқиқот олиб борилади ва маълум хулоса билан яқунланади. Ана шу хулосанинг «асосланганлик» белгиси унинг чинлиги ёки ёлғонлигини белгиловчи таянч нуқта саналади. Билимнинг чинлигига эришиш фаннинг бош мақсади саналади.

Асосланганлик табиий фанларда текширилаётган объект ҳақида чиқарилган янги хулосанинг нечоғлиқ тўғрилиги ЯМР асбоби тасдиғидан ўтганидан сўнггина аниқланади ва бу хулоса илмий ҳақиқатга айланади. Ана шундай асосланганлик тилшунослик учун ҳам хосдир. Масалан, «бутунлиқнинг умумий белгиси унинг таркибидаги элементларнинг хусусий белгиларининг йиғиндиси эмас» деган ғояни тил бирликларига нисбатан қўлласак, фразеологизмлар маъноси билан унинг қисмлари ўртасидаги муносабатни, гапнинг умумий белгиси билан унинг таркибий қисмлари белгиси ўртасидаги ва бошқа бутун ҳамда бўлак муносабатида бўлган бирликлар ўртасидаги муносабатларда синаб кўриш ва умумий тасдиғини топгандагина илмий ҳақиқатлигини эътироф этиш мумкин.

Фаннинг учинчи белгиси «умумийлик» ёки «умумаҳамиятлилик»дир. Дарҳақиқат, ўрганилаётган объект ҳақида чиқарилган янги хулоса чин ёки ёлғон бўлиши мумкин. Шунинг учун унинг илмий ҳақиқатлигини асослаш муҳим аҳамиятга эга. Илмий асосланган билим эса ижтимоийлик касб этади. Илмий жамоатчилик эътироф этган билим умумийлик, «умумаҳамиятлилик» белгисига эга бўлади.

Кўринадики, фаннинг юқоридаги учта муҳим белгиси бир-бири билан узвий боғлиқ равишда тобелилик муносабатида бўлади. Асосланганлик белгиси муайян методга таянганлик белгисини тақозо этади, унга боғлиқ

равишда келиб чиқади. Умумийлик белгиси эса асосланганлик белгиси натижаси сифатида майдонга келади.

Фаннинг атамалар тизимига эга бўлишлик, зиддиятсизлик сингари бошқа белгилари ҳам мавжуд. Лекин мазкур белгилар чегара, кўшимча белгилар саналади.

### **Илмий тадқиқот методологияси ва методлари**

Ҳар қандай тадқиқотчи муайян мавзуда илмий изланиш олиб борар экан, энг аввало, маълум методологияга таянади ва ўз мақсадини амалга ошириш учун қўл келадиган илмий тадқиқот методларидан фойдаланади.

Методология ва тадқиқот методидан холи бирорта илмий асар мавжуд бўлмайди. Шундай экан, фанда илмий тадқиқот методологияси ва методи тушунчалари марказий ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳар бир тадқиқотчи тадқиқот методологияси ва методлари ҳақида яхши билимга, улардан ўринли фойдаланиш кўникмасига эга бўлмоғи лозим.

Инсон доимо маълум мақсад сари ҳаракат қилади. Мазкур ҳаракатининг натижаси ҳаракат қилувчи субъект ва ҳаракат йўналган объектнинг қандай бўлишидан ташқари, мазкур фаолиятда қандай усуллар қўлланилиши билан узвий боғлиқдир. Бу эса билиш жараёни муайян методология ва методга таяниши лозимлигини кўрсатади.

**Метод** (юн. *methodos* – билиш усули) субъектнинг ҳар қандай шаклдаги фаолият усули саналади.<sup>1</sup> Фаолиятнинг муайян соҳасида (фан, сиёсат, санъат ва бошқ.) қўлланиладиган восита ва усуллар системаси; методнинг умумий назарияси, методлар системаси ҳақидаги таълимот методология саналади.<sup>2</sup>

Машҳур тилшунос Ю.С.Степановнинг таъкидлашича, метод муаммоси учта марказий тушунчани ўз ичига олади: методика – метод – методология. Бу тушунчалар қуйидагича изоҳланади:

**Методика** – кузатиш ва эксперимент усуллари мажмуаси.

**Метод** – тажриба (эксперимент) орқали аниқланган ва кузатилган натижаларни назарий умумлаштириш усуллари.

**Методология** – билиш жараёнига дунёқараш тамойилларини қўллаш.<sup>1</sup>

Методология умуман илмий метод ҳақидаги таълимот ҳамда хусусий фанлар методлари ҳақидаги таълимот, яъни билиш фаолияти йўллари ҳақидаги таълимот сифатида ҳар қандай фан назарияси ва амалиётида катта аҳамиятга эга.<sup>2</sup>

Кўринадики, методология ва метод тушунчалари ўзаро узвий боғлиқдир. Хусусий фан методлари билан умумий илмий метод бир-бири билан ўзаро муносабатда.

Билиш усуллари умумий ва хусусий бўлади. Шунинг учун у фалсафий метод, яъни умуман билиш усули ҳақидаги метод ва умумилмий методларга бўлинади. Биринчи ҳолатда методология у ёки бу фалсафий системага хос билиш методи тамойилларига мувофиқлик сифатида тушунилса, иккинчи ҳолатда методология у ёки бу фан тармоғига хос тадқиқот методлари ҳақидаги таълимот сифатида тушунилади.



Фан методологияси билишнинг фалсафий методининг муайян фан доирасида ўрганилаётган объект хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда конкрет қўлланилишидир.

Фалсафий метод, яъни билиш методи табиат, жамият ва тафаккурнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги таълимот саналади.

Умумметодологик тамойиллар турли фанлар берган маълумотларни умумлаштириш асосида вужудга келади.

Илмий билишда метод ва методологиянинг аҳамияти жуда катта.

Ф.Бекон методни зулматда йўлни ёритиб турувчи машъалага қиёслайди. Муайян муаммони адашган (ёлғон) йўл билан ижобий ҳал этиб бўлмаслигини таъкидлайди. Шунинг учун ҳар қандай тадқиқотчи билиш курули бўлган ва инсонга табиат устидан ҳукмронлик қилишни таъминлайдиган тадқиқот методига эга бўлиши керак. Ф.Бекон ана шундай метод сифатида индукцияни танлайди. Мазкур метод фандан эмпирик таҳлилга, кузатиш ва экспериментга таянишни, шу асосда сабабият ва қонунларни англашни талаб қилади.

Машҳур рус физиолог олими И.П.Павлов методнинг билиш жараёнида энг биринчи ва асосий нарса эканини кўрсатади. Унинг таъкидлашича, тадқиқотчининг жиддийлиги ўзи таянган методга, фаолият усулига боғлиқ. Ҳамма гап яхши методдadir. Катта қобилиятга эга бўлмаган одам ҳам яхши метод асосида кўп нарсага эришиши мумкин. Аксинча, ёмон метод билан талантли олим ҳам бекорга куч сарфлаши, ҳеч қандай натижага эришмаслиги эҳтимол.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир метод муҳим ва зарур нарса. Лекин ундан ўз ўрнида ва мақсадли фойдалангандагина ўз самарасини беради. Шунинг учун В.П.Кахановский тадқиқотчини икки чегара ҳолатга тушиб қолиш хавфидан сақланишга чақиради. Бу чегара қутбларнинг биринчиси методологик негативлик, иккинчиси методологик эйфория саналади. Методологик негативизм метод ва методология муаммоларига менсимай қарайди. Уни ҳақиқий илмий тадқиқотдан чалғитувчи номуҳим восита деб баҳолайди.

Методологик эйфория эса методнинг ролини ўта ошириб юборади. Уни ўрганилаётган объектдан кўра устунроқ кўради ва методни универсал ўйинга айлантиради.<sup>1</sup> Гарчи илмий тадқиқотда метод ва методология жуда катта аҳамиятга эга бўлса ҳам, улардан ўринли фойдаланилсагина кутилган натижани беради. Акс ҳолда, у самарасиз ва аҳамиятсиз бўлиб қолади. Ҳар қандай методнинг бош мақсади билиш жараёнидаги муаммоларнинг ижобий ечимига ёрдам беришдир.

Методология методларнинг умумий назарияси сифатида инсоннинг билиш фаолиятида қўлланилган методларни умумлаштириш зарурати билан дунёга келди. Дастлаб методология муаммолари фалсафа доирасида кўрила бошлади: хусусан, Сукрот ва Афлотунларнинг диалектик методи, Ф.Беконнинг индуктив методи, Р.Декартнинг рационалистик методи, Г.Гегелнинг диалектик методи, Е.Гуссерлнинг феноменология методи ва

бошқ. Шунинг учун методология фалсафа билан, айниқса, унинг гносеология ва диалектика бўлимлари билан узвий боғлиқдир.

Методологиянинг диалектика билан узвий боғлиқлиги уларнинг айнийлигини билдирмайди. Материалистик диалектика фаннинг фалсафий методологияси сифатида хизмат қилади.

Материалистик диалектика диалектика шакллари билан бири саналади. Диалектика эса метафизика, феноменология, герменевтика қаторидаги фалсафий методологиянинг бир қисмидир.

Методология маълум маънода билиш назариясидан торроқ. Чунки билиш назарияси фақат билиш шакллари ва методларини ўрганиш билангина чекланмасдан, билиш табиати, билишнинг борлиқ билан муносабати, билиш субъекти ва объекти, билиш имкониятлари ва чегараси, билишнинг ҳақиқийлик мезонлари сингари масалалар билан ҳам шуғулланади.

Метод субъективлик ва объективлик диалектикасининг яхлитлиги сифатида мавжуд бўлади ва ривожланади. Ҳар қандай метод, энг аввало, объектив характерга эга. Шу билан бирга, у субъективлик хусусиятига ҳам эга. Ҳар бир методнинг субъективлиги шунда кўринадики, у конкрет шахс томонидан фойдаланилади. Шунинг учун Гегель объектни англаш учун субъект томонидан қўлланиладиган восита, қуролни метод деб ҳисоблаганди. Бу эса Фейербахнинг «Инсон барча методологиянинг марказидир» деган ғояси давом эттирилиши эди.

Ҳозирги илмий тадқиқот жараёнида методологик билишнинг кўп сатхли концепцияси қўл келмоқда. Бу нуқтаи назардан барча илмий билиш методларини умумийдан хусусийга қараб қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Фаннинг умумий методологияси. Бунга фалсафий методлар хос бўлиб, улар барча фанлар ва мазкур фанлар бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг фалсафий асоси саналади. Шунинг учун улар барча фан вакиллари асосланиши мумкин бўлган умумий методдир. Фаннинг умумий методологияси хусусий фанларнинг тадқиқот методлари билан узвий боғлиқ бўлиб, биринчиси иккинчиси учун йўналтирувчи куч вазифасини ўтайди.

2. Фалсафий методларнинг энг қадимгиси диалектик ва метафизик методлар саналади. Ҳар бир фалсафий концепция методологик функция бажариб, тафаккур фаолиятининг ўзига хос усули ҳисобланади. Шунинг учун фалсафий методлар юқоридаги икки метод билан чегараланмайди. Ҳозирги кунда улар қаторида аналитик (бугунги аналитик фалсафага хос), феноменологик, герменевтик, синергетик сингари фалсафий методлар қўлланилмоқда.

Ҳозирги тилшуносликда юқорида санаб ўтилган фалсафий методлардан фойдаланилмоқда. Шунинг учун улар ҳақида қисқача фикр юритамиз.

**Диалектик метод** табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг умумий қонуниятларини эътиборга олувчи методдир. У XVIII асрдан бошлаб табиий фанларда рўй берган катта ўзгариш ва бу ўзгаришнинг шу кунга қадар борлиқни метафизик ўрганишга зарба бериши натижасида майдонга келди. Табиатшуносликда метафизик тасаввурга Кантнинг табиий назарияси,

Ломоносовнинг модданинг сақланиш ва ҳаракат қонуни қаттиқ зарба берди. Мазкур кашфиётлар табиатда ўзгармайдиган ҳеч нарса йўқлигини исботлади. Айти пайтда, улар фалсафий қарашларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. XVIII аср охири – XIX аср бошларида фалсафа тарихида Гегель диалектик тараққиёт назариясини олға сурди.

Гегелнинг ривожланиш ва ўзгариш ҳақидаги назарияси диалектика ва диалектик методнинг шаклланишига замин яратди. Гегель диалектикаси бутун тарихий ва руҳий оламнинг жараён, яъни узлуксиз ҳаракатда ривожланишда, ўзгаришда, янгилинишда эканини эътироф этди. Бу ўзгаришлар, ривожланишлар, янгилинишларнинг манбаи ички зидланишлар деб қаралди.

Табиат ва жамиятнинг ана шундай ривожланиш, ўзгариш, янгилиниш жараёнларини очиб беришда, яъни диалектикани ўрганишда қўлланиладиган метод диалектик метод саналади.

Диалектик метод қуйидаги муҳим белгилари билан характерланади:

1) оламга ўзаро муносабатда бўлган узвлардан ташкил топган бутунлик сифатида ёндашади;

2) объектга доимий ўзгариш ҳолатида, ҳаракатда, ривожланишда, янгилинишда деб қарайди;

3) диалектик метод табиат ривожланишини сезилмас ва секин-аста рўй берувчи миқдор ўзгаришларини сифат ўзгаришларига олиб келувчи жараён сифатида баҳолайди.

Диалектик метод методологик асос бўлган тилшунослик, энг аввало, ўрганилаётган объектда мавжуд умумийлик-хусусийлик диалектикасини тил-нутқ зидланиши асосида, унинг бўлинувчанлик табиатига эга нисбий бутунлик эканини узвий таҳлил методини қўллаган ҳолда, ички таркибий қисмлари ўртасидаги зиддиятларни оппозитив методни қўллаган ҳолда очиб беради. Тилга доимо ривожланишда, ўзгаришда бўлган бутунлик-система сифатида қарайди.

**Метафизик (лот. физикадан кейин) метод** объектни ажралган ҳолда, ўзаро муносабатидан ташқарида ўрганади. Объектнинг ички ўзгарувчанлик хусусиятини эътиборга олмайди. Шунинг учун бутунни ташкил этган ички аъзоларнинг зиддиятли муносабатлари, бу зидланишларнинг объектни ривожлантирувчи, ўзгартирувчи куч эканини назардан четда қолдиради. Табиат барқарор, ўзгармас хусусиятга эга, унинг тараққиёт жараёни миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларига олиб келмайдиган оддий ўсиш деб баҳолайди. Объектларнинг тараққиёт манбаи ички зиддиятлар эмас, балки ташқи қарама-қарши кучлар эканини эътироф этади.

Тилшуносликда ўрганилаётган объектнинг фақат ўзига қараб, бошқа шунга ўхшаш объектларга бўлган муносабатларидан ташқарида, ички таркибий қисмлари ўртасидаги зидланишларни (оппозитив муносабатларни) эътиборга олмасдан тавсифлаш лингвистика фанига умумий фалсафий метафизик методни қўллаш ҳисобланади.

**Феноменологик метод.** Феноменология (юн. *phainomenon* – «мавжуд», *logos* – «таълимот») феномен ёки ҳодисалар назариясидир. Унинг асосчиси

Эдмунд Гуссерл бўлиб, Мартин Хайдеггер томонидан ривожлантирилган. Феноменологиянинг текшириш методи феноменологик метод саналади. Унинг бош мақсади борлиқдаги воқеа ва ҳодисаларни қандай бўлса, шундайлигича таърифлашдир. Масалан, қалам ёзув қуроли. Айни пайтда, аёллар қошини бўяш учун ҳам ишлатилади. «Борлиқдаги нарсалар бизга қай тарзда намоён бўлса, шундайлигича қабул қилиш ва таърифлаш» феноменологиянинг асосий мақсади бўлганидан феноменологик метод асосида қаламга икки хил таъриф бериш мумкин: 1) ёзув қуроли; 2) косметик қурол.

Феноменология фалсафий таълимот сифатида XX асрнинг 20 – 30-йилларида Е.Гуссерл ғоялари таъсири остида илк бор Германияда шаклланди.

Феноменологиянинг танқидий тиғи табиий фанлар томонидан таърифланган ҳодисаларнигина ҳақиқат деб қарашга қарши йўналтирилган. Шунинг учун қаламни атомларнинг муайян йиғиндиси деб тушуниш хато деб ҳисобланади.<sup>1</sup>

Феноменология кўпинча оддий воқеаларни таърифлайди: дон янчиш, от тақасини қоқиш, хат ёзиш каби. Булар ҳақиқий ҳаётини олам ва унинг узвлари (феноменлари) саналади. Кундалик буюмлар, фикрлар, ҳодисалар, лингвистик ҳодисалар ҳам феноменлар сифатида қаралади.

Феноменологик нуқтаи назардан муайян субъект томонидан фойдаланилган тил, яъни нутқ моддий дунёнинг бир қисмини ташкил қилади. Нутқ таркибида сўзловчи маълум бир сўзни қайси маънода ишлатган бўлса, шундайлигича изоҳлаш феноменологик методнинг мақсади саналади. Демак, сўзларнинг прагматик амалларини белгилаш феноменологик методнинг вазифасига киради.

Феноменология билан герменевтика узвий алоқадордир. Ҳар иккиси матнни тушуниш билан боғлиқ. Демак, лингвистик прагматика учун ҳар икки метод методологик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Герменевтик метод.** Герменевтика (юн. *hermeneutike*, *hermenio* – «тушунтираман») матнларни тушуниш, талқин қилиш санъати, уни талқин қилиш тамойиллари ҳақидаги таълимот саналади. Унинг текшириш методи герменевтик методдир.

Ҳозирги кунда герменевтика гуманитар фанларнинг методологик асоси ҳисобланади. Матнда муаллифнинг нима демоқчилигини ўқувчи томонидан тўғри тушуна олиш герменевтиканинг вазифаси.

Герменевтика илдизлари антик даврларга бориб тақалса-да, мустақил илмий йўналиш сифатида XIX асрда немис мутафаккирлари Ф.Шлейермахер ва В.Дилтей асарлари орқали шаклланди. Бу йўналиш XX асрда немис олими Г.Г.Гадамер ва француз олими П.Рикёр томонидан ривожлантирилди. Г.Г.Шпет мазкур таълимотнинг кўп асрлик тарихини тадқиқ этган бўлса,<sup>1</sup> М.М.Бахтин ўзининг «Гуманитар фанларнинг фалсафий асосларига доир», «Адабиётшунослик методологиясига доир», «Гуманитар фанлар методологиясига доир» китоблари орқали уни оммалаштирди.

Герменивтиканинг марказий тушунчаси тушунишдир. Шлейермахер ўзи кашф этган герменевтик доирани талқин қилишнинг асосий тамойили ҳисоблайди. Бунга мувофиқ, бутунлик (масалан, матн)га хос руҳ унинг алоҳида қисмларида ҳам ўз таъсирини қолдиради. Бўлақлар бутунлик асоси, бутунлик эса бўлақларнинг ички уйғунлиги сифатида тушунилиши лозим.<sup>2</sup>

Гадамер фикрича, тушуниш, энг аввало, нутқ орқали амалга ошади. Демак, тушуниш шахслараро муносабатда воқеланади. Сўзловчи ёки адибнинг матн орқали нима демоқчилигини тингловчи томонидан тўғри тушуниш герменевтиканинг вазифаси саналади.

Нутқ гапларнинг, гап эса сўзларнинг синтагматик муносабатидан ташкил топади. Демак, ҳар қандай нутқ бутун ва бўлақнинг шажаравий муносабатидан ташкил топади. Бунда бутунга хос умумий мазмун билан бўлаққа хос хусусий мазмун иштирок этади. Гадамернинг таъкидлашича, бир бутун матнни тушуниш, унинг таркибидаги сўзлар йиғиндиси асосида тушуниш эмас, у айрилган ахборот яхлитлигидан келиб чиқадиган ҳодисадир.<sup>3</sup> Ҳар қандай нутқ шакл ва мазмун ўртасидаги муносабатдан ташкил топган бутунлик бўлиб, унинг ҳар икки томони ўзига хос ички тузилишга эга. Мазкур икки томоннинг ички тузилиши кўп ҳолларда бир-бирига мувофиқ келмайди. Масалан, *Эшигингизга қулчиликка келдик* гапининг синтактик тузилиши билан мазмуний тузилиши бир-бирига мос келмайди. Ўзбекларнинг нутқ одоби, урф-одатини билмайдиган ўзбек тилини ўрганаётган шахс гап таркибидаги сўзларнинг алоҳида-алоҳида маъноларидан бутунга хос умумий маънони чиқаролмайди.

Бир қатор гапларда юза маъно остига таг маъно яширинган бўлади. Айниқса, ана шундай шароитда тингловчига тилни тушуниш кўникмаси керак бўлади. Агар мазкур кўникмага эга бўлмаса, матнни тўғри тушунолмайди. Шу билан бирга, алоҳида нутқ парчасини бутундан узиб олинганда ҳам, бу нутқ парчасидан сўзловчининг мақсадини тўғри тушуниб бўлмайди. Шунинг учун матнни бутун ва бўлақ муносабатини эътиборга олган ҳолда ўрганиш бўлақ мазмунини тўғри тушунишга ёрдам беради.

Кўринадикки, герменевтика ҳозирги даврда ривожланиб бораётган лингвистик прагматика учун методологик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Синергетик метод.** XX асрда кашф этилган нисбийлик назарияси ва квант механикасидан бошқа яна квант кимёси, микро-макро-мега дунёлар физикаси, реактив динамика назарияси сингари янги фанлар майдонга келди. Ана шундай янги фанлар орасида синергетика алоҳида ажралиб туради.

Синергетика (лот. *synergia* – «ҳамкорлик») органик ва ноорганик дунёда содир бўладиган ўз-ўзидан ташкил топиш тамойилининг математик моделларини яратувчи умумий фандир. Синергетика объектининг муҳим белгиси «ташқилланиш» белгиси. «Ташқилланиш»нинг «ташқил этиш»дан фарқи шундаки, иккинчи жараёнга субъект аралашади, биринчиси эса объектив жараён. Масалан, ишлаб чиқаришни ташқил этиш, физикавий ва кимёвий усуллар ёрдамида янги моддалар ҳосил қилиш, сўз ясовчи воситалар ёрдамида янги сўзлар яратиш – буларнинг ҳаммаси субъектнинг

ташкилотчилик, яратувчилик фаолияти маҳсули саналади. Аммо ташкилланиш одам фаолиятининг таъсирисиз, ўз-ўзидан ички бажариладиган жараён дир. Ана шундай ички ташкилланиш жараёнини ўрганувчи фан синергетика ҳисобланади.

Унинг асосчиси ҳақида адабиётларда икки хил фикр мавжуд. Кўпчилик адабиётларда синергетиканинг асосчиси сифатида белгиялик физик, Нобел мукофоти лауреати И.Пригожин экани эътироф этилади. Хусусан, О.Файзуллаев бу фанни И.Пригожин кашф этганини, сўнгра И.Стингерс, Г.Николис, Г.Хакен сингари олимлар ривожлантирганини баён қилади. Н.Шермухамедованинг фикрича, 1973 йили немис олими Г.Хакен ўз-ўзини ташкил этиш муаммоларига бағишланган биринчи конференцияда нутқ сўзлаган йил синергетиканинг туғилган йили ҳисобланади.<sup>1</sup>

Олима мазкур янги фанни илк бор Хакен «синергетика» номи билан номлаганини айтар экан, бундай номланиш сабабини Хакеннинг асарида баён қилинган фикрлар орқали тушунтиради. Биринчидан, унга «микроскопик даражада тузилма ва тегишли фаолиятни вужудга келтирадиган кўплаб кичик тизимларнинг биргаликдаги фаолияти тадқиқ қилинади. Иккинчидан, тизимларнинг ўз-ўзини ташкил этиш умумий тамойилларини топишга у турли фанларни жалб этади.<sup>2</sup>

Синергетика таълимотига кўра, оламда ҳар бир нарса тизим дир. Тизимлар орасида ўзаро таъсир мавжуд. Бу таълимот оламда ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ эканини эътироф этади. Масалан, одам организмга ташқи муҳит таъсир қилади, яъни ҳаво, озуқа, энергия, ахборот ва бошқ. Синергетика бундай ташқи муҳитнинг ҳаммаси йиғилиб организмга таъсир қилади, умуман, очиқ тизим таъсирида яшайди деб қарайди. О.Файзуллаев бунга ўз муносабатини билдириб: «Биз мана шундай чексиз очиқ тизимни ёпиқ тизимлар занжиридан ташкил топади деган бўлар эдик»<sup>3</sup>, – дейди. Унинг фикрича, биологик ва ижтимоий тизимлар мана шундай хусусиятга эга бўлиб, бу ҳар хил табиатга эга тизимларнинг бир хил математик моделларини тузиш синергетиканинг вазифасига киради.

Синергетика борлиқдаги ҳар бир нарса-ҳодисанинг доимий тараққиётда, ўзгаришда эканини эътироф этади. Тараққиёт жараёнида беқарор ва барқарор ҳолат ўртасидаги алоқа борлигига алоҳида эътибор бериш синергетиканинг бош тамойили дир.<sup>1</sup>

Синергетика пайдо бўлгунга қадар беқарорликка салбий баҳо берилган ва мазкур ҳодиса эътибордан четда қолган. И.Пригожин эса «Беқарорлик фалсафаси» асарида бу ҳолатга алоҳида аҳамият берди ва уни синергетиканинг асосий тушунчасига айлантirdи.

У беқарорликни борлиқнинг муҳим жиҳати сифатида талқин этади. И.Пригожиннинг фикрича, ҳар қандай эски система янги система билан алмашинар экан, аввало, беқарорлик, тартибсизлик юз беради. Сўнгра барқарор ҳолат ва тартиблилик вужудга келади.

Синергетиканинг чизиқсизлик тамойили тараққиёт олдиндан белгилаб кўйилган йўлдан кетмай, оламдаги нарса-ҳодисаларнинг ички хусусияти ва ташқи алоқадорлиги негизида ҳар сафар янги, бетақрор йўлдан бориши

мумкинлиги эътироф этилади.<sup>2</sup> Синергетикада икки ҳолат – беқарорлик ва барқарорлик ҳолатига, беқарорликдан барқарорликка ўтиш жараёнига эътибор қаратилади. Бу диалектик жараённинг биринчи ҳолати флуктуация, иккинчиси эса бифуркация дейилади.

Барқарор ҳолатдан оғиш, тартибсизлик, хаос флуктуация, ривожланишнинг иккига айрилиб тартибга тушиш ҳолати бифуркация саналади. Ўтиш жараёнида бир неча тармоққа ажралиши полифуркация ҳолати ҳам бўлиши мумкин.

Синергетика фақат табиий фанлар учунгина эмас, ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан, лингвистика учун ҳам методологик асос бўлиши мумкин. Чунки ҳар қандай тил ички ривожланиб бораётган ижтимоий ҳодисадир. Шундай экан, ундаги миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларига олиб келиши табиий. Буни ўзбек тили унлилар системаси тараққиётида ҳам яққол кўриш мумкин. Ўзбек тилининг ички тарихий тараққиёти ва ёндош тилларнинг таъсирида қадимги туркий «тўрт поғонали, икки қаторли» 8 фонемали унлилар системасидан қатор белгиси йўқолган 6 фонемали унлилар системасига ўтиши ана шундай беқарорлик, тартибсизликдан тартиблиликка ўтиш жараёни натижасидир.

Тилшуносликда илк бор А.Раҳимов лисоний типлар тараққиётида типологик ўзгаришларнинг содир бўлиш механизмини ёритишда синергетика тамойилидан ўринли фойдаланди.<sup>3</sup>

Ҳозирги кунда синергетика тамойилларининг фақат табиий фанлардагина эмас, балки ижтимоий фанларда ҳам кенг қўлланилаётгани унинг фалсафий метод сифатида эътироф этилганидан гувоҳлик беради.

Синергетика ютуқларига маҳлиё бўлган айрим олимлар уни диалектикага зидлаган ҳолда, диалектиканинг ўрнини босганини таъкидламоқдалар. Бундай фикрга танқидий баҳо бериб, О.Файзуллаев куйидагиларни баён қилади: «Диалектика эскирди, унинг ўрнини синергетика эгаллаб олди дегувчилар орасида, афсуски, файласуфлар ҳам бор. Аслида, бу нотўғри фикр. Ахир уч минг йиллар давомида фалсафанинг ўзаги ҳисобланадиган диалектика, аввало, табиатда, жамиятда ва билиш назариясидаги зиддиятлар, ўзгаришлар, ривожланиш ва таназзуллар, дунёқарашлар, сабабият ва оқибат, моҳият ва ҳодиса, қонуният ва тасодиф каби масалалар билан шуғулланиб келмоқда. Бу фалсафий масалалар билан синергетика шуғулланмайди-ку! Диалектика билан нисбийлик назарияси, Квант механикаси, генетика орасидаги муносабат қандай бўлса, синергетика орасидаги муносабат ҳам шундайдир. Яъни диалектика табиатнинг ўзида ва табиат фанларида, жамият фанларида, техника фанларида, жумладан, синергетика фанида баб-баровар намоён бўлади».<sup>1</sup>

Проф. Қ.Назаров ҳам синергетиканинг диалектика билан муносабати ҳақида худди шундай фикр билдиради. Унинг таъкидлашича, синергетикани XX аср табиий фанларининг фалсафа соҳасига киритган энг катта услубий ютуқларидан бири сифатида баҳолаш мумкин. Аммо бу унинг диалектикани фалсафадан бутунлай суриб чиқарди дегани эмас. Зеро, фалсафада ҳар бир таълимот, услуб ва методнинг ўз ўрни ва фаолият доираси бор.

Диалектиканинг фалсафадаги аҳамиятига келганда эса унинг ижтимоий билимлар соҳасидаги ўрни, кадр-қиммати ниҳоятда катта ва у фалсафанинг асосий қисмларидан бири бўлиб қолаверади. Синергетика ҳам фанларнинг охирги ва мутлоқ услуби эмас, балки тараққиёт натижасида ўзгарадиган ва такомиллашадиган тафаккур мевасидир.<sup>2</sup>

Кўринадики, синергетика диалектика билан узвий боғлиқ мустақил фалсафий методдир.

Юқорида баён қилинганлардан шу нарса маълум бўладики, хусусий илмий методлар фақат битта умумий фалсафий метод, методологик асос билан чекланиб қолмайди. Ўрганилаётган объектнинг мураккаб белгиларини очиш учун қўл келадиган турли фалсафий методларга таяниш мумкин.

### **Умумилмий ва хусусий илмий методлар**

Методлар ҳам умумийдан хусусийга қараб даражаланиш хусусиятига эга. Ана шу даражаланиш белгисига кўра юқори сатҳни фалсафий методлар (метафизик, диалектик, феноменологик, герменевтик ва бошқ.) эгаллайди. Ундан сўнгги сатҳни умумилмий методлар ташкил қилади. Гарчи бу сатҳдаги методларнинг эътироф этилган таснифи мавжуд бўлмаса ҳам, турли таснифлар ичидан энг муҳими сифатида «юқоридан қуйига» тамойили асосида қуйидаги уч кичик сатҳни ажратиш мумкин: 1) умуммантиқий; 2) назарий; 3) эмпирик.

Оламни илмий билишда умуммантиқий методларнинг аҳамияти катта. Объектни билишнинг таҳлил, синтез, мавҳумлаштириш, умумлаштириш, индукция, дедукция, аналогия, моделлаштириш, систем ёндашув сингари усуллари умуммантиқий методлар ҳисобланади.

**Анализ** (юн. «ажратиш») объектни мустақил ўрганиш мақсадида қисмларга, ички узвларга ажратишдир. Масалан, гапни уни ташкил этган ички аъзоларга, сўзни ички тузилиш узвларига ажратиш анализ методи саналади.

Тўпламни синфларга, синфларни кичик синфларга; тўдани турларга бўлиш, яъни таснифлаш ҳам таҳлилнинг тури саналади. Масалан, сўзларни туркумларга, туркумларни яна ўз ичида муайян тамойил асосида гуруҳларга ажратиш. Хусусан, сўзларни мустақил, ёрдамчи, оралиқ (модал, ундов, тақлид) сингари гуруҳларга, уларнинг ҳар қайсисини яна туркумларга, ҳар бир туркумни ички турларга ажратиш ҳам таҳлилнинг бир кўринишидир.

Демак, таҳлил усули объектни ҳам синтагматик, ҳам парадигматик нуқтаи назардан парчалашни ўз ичига олади. Бутуннинг кетма-кет муносабати бўлган қисмларини парчалаш синтагматик нуқтаи назардан, бутунни устма-уст муносабатини қисмларга парчалаш парадигматик нуқтаи назардан таҳлил қилиш саналади. Гапни қўшма, мураккаблашган, содда гапларга, бу гуруҳларни яна ички турларга бўлиш; гап бўлақларини кесим ва унинг кенгайтирувчиларига бўлиш ва ҳоказо. Лексема семемасини семаларга парчалаш ҳам парадигматик таҳлилга мансубдир.



**Синтез.** Илмий билишда синтезнинг аҳамияти катта. Билиш жараёнида бутунни қисмларга ажратиш унинг ички тузилишини объектив ёритишда қанчалик муҳим бўлса, бўлакни бутунга, турни жинсга бирлаштириш, яъни йириклаштириш ҳам шундай аҳамиятли саналади. Бўлакни бутунга, турни жинсга бирлаштиришни Ю.С.Степанов йириклаштириш деб номлайди.<sup>1</sup>

Умумилмий тадқиқот методлари фан тарихий тараққиётида XX асрдан кенг қўлланила бошлади. У фалсафа билан хусусий фанларнинг фундаментал назарий-методологик ҳолати ўртасидаги оралик ҳолатни эгаллайди.<sup>2</sup>

Умумилмий тушунчаларга, энг аввало, «ахборот», «модел», «структура», «моделлаштириш», «функция», «система», «элемент», «нисбийлик» сингари тушунчалар мансубдир.

Умумилмий тушунчаларнинг характерли белгиси, биринчидан, унинг мазмунига бир қатор хусусий фанларнинг белгилари, тушунчалари ва фалсафий категорияларнинг бирикиб кетиши, иккинчидан, уларни математик назария, символик логика воситалари ёрдами билан моделлаштириш мумкинлиги ҳисобланади.

Умумилмий ёндашувнинг энг муҳим жиҳати шундаки, ўзининг «оралиқлик» характери билан фалсафий методдан хусусий илмий методга ўтишда восита ролини ўйнайди. Шундай экан, у ҳам илмий тадқиқотларга методологик асос бўла олади.

**Хусусий илмий методлар.** Фаннинг маълум бир соҳасида қўлланиладиган тадқиқот усуллари, билиш тамойиллари мажмуалари хусусий илмий методлар саналади.

Масалан, тилшуносликда тавсифий, қиёсий-тарихий, контрастив, квантитатив, структур каби методлар қўлланилади. Бу методларнинг ҳар бири ўз ичида хилма-хил тадқиқот усулларига, тадқиқот техникасига эга. Демак, муайян фан соҳасида қўлланиладиган хусусий методларнинг таркибида қўлланиладиган бундай усуллар, тадқиқот техникалари ҳам кўпинча метод номи билан юритилади. Масалан, структур метод узвий (компонент) таҳлил, дистрибуция, трансформация сингари қатор методларни ўз ичига олади. Муайян илмий метод ичидаги бу методлар, ўз навбатида, турли усулларга бўлинади. Масалан, трансформация методи пермутация, аддиция, содаллаштириш сингари усулларни ўз ичига олади. Кўринадикки, ҳар бир метод ички шажаравий бўлиниш хусусиятига эга.

Ҳар қандай фаннинг асосий вазифаси бизни қуршаб турган оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг хусусияти ва қонуний алоқаларини билиш саналади. Худди ана шу вазифа ҳар қандай фанга билиш жараёни перманент жараёнга айланиш орқали намоён бўлувчи динамиклик белгисини юклайди.

Фан доимо ўсишда, ривожланишда. У ҳеч қачон маълум бир даврда эришган ютуғи билан чекланмайди. Фаннинг ҳар бир тараққиёт босқичи кейингиси учун замин ҳозирлайди. Билиш жараёни муайян методга бўйсунган бўлади.

Билиш жараёнининг методга тобе бўлиши икки асосий сабаб билан белгиланади. Биринчидан, нарсанинг хоссаси ва унинг алоқалари кўпинча бевосита кузатишда берилмайди. Ўрганилаётган ҳодисанинг ана шу яширин

белгиларини аниқлаш учун ёрдам берадиган тадқиқот усулларини қўллашга эҳтиёж сезилади.

Иккинчидан, метод фанни ташкил қилувчи ва йўналтирувчи аҳамиятга эга. У тадқиқотчини ўрганилаётган материалнинг моҳиятини очишда турли хил чалғишлардан сақлайди.

Айрим олимлар илмий тадқиқотда илмий методнинг аҳамиятини инкор қиладилар. Хусусан, машҳур физик М.Борн ҳеч қандай методологияни тан олмайди. Унинг фикрича, фанда гносеологик кўрсаткичларга эга бўлган ҳеч қандай тўппа-тўғри фалсафий йўл йўқ. Тадқиқотчи чангалзорларда адашиб, ўз йўлини қидиради ва олдинга интилиш орқали ортидан ўз йўлини яратади.

Дарҳақиқат, фанда адашишлар, янглишлар бўлади. Лекин бу билан методология ва методни бутунлай йўққа чиқариш адолатдан бўлмайди. Адашиш ва янглишлар кўпинча фаннинг тадқиқот методи хали белгиланмаган даврига тўғри келади. Тадқиқот методи тўғри танланиши билан адашиш ва янглишишлар орқага чекинади. Шунинг учун ҳар қандай метод тадқиқотчига компас бўлиб хизмат қилади, илмий ҳақиқатга вақт ва кучни тежаган ҳолда, рационал ва тезроқ эришишга ёрдам беради.

Илмий тадқиқот методининг ўзига хослиги тадқиқот объекти ва тадқиқот мақсади билан белгиланади.

Бизни қуршаб турган оламдаги ҳар бир ҳодиса ниҳоятда кўпқиррали табиатга эга. Бундан тил ҳодисаси ҳам мустасно эмас. Шунинг учун мазкур кўпқиррали ҳодисанинг ҳар қайси қиррасини ўрганиш алоҳида методни, алоҳида ёндашувни талаб қилади.

Мавжуд методлардан бирининг танланиши тадқиқотчининг ўз олдига қандай мақсадни қўйгани билан боғлиқ. Масалан, фанда ҳали номаълум бўлган муайян тилнинг грамматикасини яратишни мақсад қилиб олган тадқиқотчи кўлида тўпланган материаллар асосида бир методни, маълум бир тилнинг тарихий тараққиётини ўрганишни, шу тилнинг турли сатҳ бирликлари проформаларини тиклашни мақсад қилиб олган тадқиқотчи бошқа бир методни, конкрет бир тилнинг диалектологиясини ўрганишни мақсад қилиб олган тадқиқотчи яна бир методни танлайди.

Шунинг учун ҳар қандай конкрет илмий тадқиқот методи маълум қўлланиш чегарасига эга. Ана шу ҳолатга асосланиб Б.А.Серебренников: «Тадқиқотда у ёки бу методни етакчи, монополь деб эълон қилиб бўлмайди. Тил каби кўпқиррали ҳодисани ўрганиш унинг ҳар бир томонини ёритишга ёрдам берадиган хилма-хил методларни биргаликда қўллашни талаб қилади»<sup>1</sup>, – дейди.

### **Илмий тадқиқот тамойиллари**

Илмий тадқиқот методи муайян тамойилларга амал қилади. Демак, тамойил тадқиқот методи таркибига кирувчи муҳим унсурлардан биридир.

Тамойил – реал борлиқнинг муҳим белгиларини акс эттирувчи, айни пайтда, уни билиш усулини ифодаловчи фундаментал назарий тушунчадир.<sup>1</sup>

У инсоннинг билиш ва амалий фаолиятини тартибга солиш учун хизмат қилувчи таянч нуқта бўлиб, муайян методологик талаблар системасини ўзида намоён қилади ва у ёки бу тушунчалар ҳамда қонунлар воситаси орқали ифодаланади.

Инсон фаолияти маълум даражада доимо меъёрга бўйсунди. Демак, маълум қоидалар асосида тартибга солинади. Тартибга солиш ҳар қандай шаклдаги инсон фаолиятини муайян қоидаларга мувофиқ ҳолга келтиришдир.

Масалан, ўзбек орфографияси маълум қоидаларга амал қилиб, бу қоидалар муайян тамойиллар асосида белгиланади. Хусусан, фонетик тамойил асосида бир хил қоида, морфологик тамойил асосида бошқа бир қоида, тарихий тамойил асосида яна бошқа қоида белгиланади.

Кўринадикки, тамойил инсоннинг билиш фаолиятига дахлдор бўлиб, гносеологиянинг марказий тушунчаларидан бири саналади.

Инсон фаолиятини тартибга солишда меъёр муҳим фактор вазифасини ўтайди. Чунки у реал борлиқ инъикосининг махсус шакли ҳисобланади.

Тамойил ҳам иерархик хусусиятга эга бўлиб, умумийдан хусусийга қараб ўзаро тобелилик муносабати асосида боғланган мураккаб системани ташкил қилади.

Энг универсал, умумий тамойил умумфалсафий тамойил, у илмий билиш жараёнини тартибга солади ва методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, ҳар бир фаннинг, ички бўлимларининг объектни илмий билишда тасниф ва тавсифлашда ўзларига хос тамойиллари мавжуд.

Масалан, ўзбек тилининг фонологик системасини белгилаш турли тамойиллар асосида амалга оширилиши мумкин: функционал тамойил, дистрибутив тамойил, перцептив тамойил ва бошқ.

Тадқиқотчининг ўрганилаётган объект ҳақида қандай хулосага келиши унга қайси тамойил асосида ёндашаётганига боғлиқ. Демак, бир объект ҳақида турли тамойил асосида турлича хулосага келиш мумкин. Ҳар бир тамойил ўрганилаётган объектнинг битта белгисига таянади ва шу белгиси асосида объект ҳақида хулоса чиқаради.

Демак, кўпқиррали, мураккаб белгига эга бўлган объект ҳақида тўлақонли билимга эга бўлиш учун унинг турли қирраларига таяниб иш кўрган турли хил тамойиллар ўртасидаги муносабатга эътибор қаратиш лозим.

Юқорида таъкидланганидек, умумфалсафий тамойил барча хусусий фанлар бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар учун умумийлик касб этади. Хусусан, диалектик фалсафа методологик асос бўлиб хизмат қилган илмий тадқиқотларда икки муҳим тамойил устувор саналади: 1) тарихийлик тамойили; 2) зидланиш тамойили.

**Тарихийлик тамойили.** Тарихийлик (историзм) борлиқнинг ички ривожланишини ифодаловчи фалсафий, диалектик тамойил саналади. У муайян нарса ва ҳодисанинг вақт ўқида узлуксиз муносабатда бўлувчи ўтган, ҳозирги, келаси замондаги ҳолатларининг бир бутунлигини ифодалайди.

Тарихийлик тамойили қуйидаги асосий талабларни ўз ичига олади: а) тадқиқот предметининг ҳозирги, ҳақиқий ҳолатини ўрганиш. Масалан, ҳозирги ўзбек тили шеваларида унлилар системасини белгилаш; б) ҳозирги ҳолати ўрганилаётган объектнинг келиб чиқишини, тарихий тараққиёт босқичларини ўрганиш. Хусусан, ҳозирги ўзбек тили унлилар системасининг қандай қилиб икки қаторли, тўрт поғонали 8 талик унлилар системасидан келиб чиқиш сабабларини аниқлаш; в) истиқболини кўра билиш, нарса ва ҳодисанинг кейинги ривожланиш тенденциясини таҳлил қилиш. Масалан, ўзбек шеваларида амалда бўлган турли миқдордаги унлилар системасидан 6 талик унлилар системасини танлаб олиш.

Тарихийлик фақат нарса ва ҳодисаларнинг тарихий тараққиётинигина эмас, балки тушунчаларнинг ҳам ривожланиш, ўзгариш тарихини ўрганади.

Шунинг учун диалектик методга таянган ҳар қандай фанларда ҳозирги кунда тарихийлик тамойили кенг қўлланилмоқда.

**Зидланиш тамойили.** Зиддият тамойили нарса ва ҳодисаларнинг объектив ички зидланишига асосланувчи фалсафий, диалектик тамойил саналади.

Бу тамойил диалектик фалсафанинг қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураш қонунига таянади ва қуйидаги асосий талабларни қўяди: а) нарса ва ҳодисалар таркибидаги ички аъзоларнинг зидланиш муносабатларини аниқлаш; б) бу зидланишдаги зидланувчи аъзолардан биттасини «соф ҳолда» турли томондан тўла таҳлил қилиш; в) зидланувчи аъзолардан иккинчисини «соф ҳолда» турли томондан тўла таҳлил қилиш; г) нарса ва ҳодисаларни қарама-қаршиликлар бирлиги сифатида тадқиқ этиш; д) мазкур зидланишнинг нарса ва ҳодисанинг бошқа зидланишлар системасидаги ўрнини белгилаш; е) бу зидланишнинг тарихий тараққиёт босқичларини кузатиш ва бошқ.

Масалан, ўзбек тили ундошлар системаси қандай зидланиш муносабатларидан ташкил топгани аниқланади. Хусусан, жарангли-жарангсизлик, портловчилик-сирғалувчилик, лабиаллик-лабиоденталлик, тил олдилик-тил орқалик, титроқлик-титроқ эмаслик, сонорлик-шовқинлилик сингари зидланиш муносабатлари белгиланади.

Шундан сўнг ҳар бир зидланувчи жуфтликнинг битта аъзосининг турли хил белгилари аниқланади. Хусусан, т-д зидланишида т ундошининг тил олдилик, портловчилик, жарангсизлик белгилари аниқланади. Сўнгра иккинчи зидланувчи аъзо бўлган д ундошининг ана шундай белгилари ёритилади. Кейинги босқичда ундошларнинг қарама-қаршиликлар бирлиги экани очилади. Ҳар бир зидланувчи жуфтликнинг зидланиш системасидаги ўрни, қайсиниси фарқловчи, қайсиси фарқламайдиган белги экани аниқланади.

Нарса ва ҳодисаларнинг ички тараққиётини таъминловчи реал зиддиятни онгда акс эттирувчи диалектик зиддият билан формал мантик қонунлари билан тақиқланувчи фикрий чалкашлик ва ноизчилликни ифодаловчи мантиқий зиддиятни фарқламоқ лозим.

Л.Елмслевнинг эмпирик тамойилларидан бири бўлган «зиддиятга йўл кўймаслик» тамойили ҳам ана шу мантиқий зиддиятга қаратилганди.

Билиш жараёнида зиддиятнинг муҳим роль ўйнашини таъкидлаган Гегель унинг «ҳақиқат мезони», зиддиятни эътиборга олмаслик эса «адашиш ўлчови» эканини таъкидлайди.

Зиддиятга таяниш фан тараққиётининг зарурий моменти саналади.

Шунинг учун Ф.де Соссюр билиш жараёнида зиддиятга таянган ҳолда: «Тилда фарқлашдан бошқа ҳеч нарса йўқ», – дейди. Структур тилшуносликнинг функционал лингвистика тармоғи лингвистик зиддиятларни чуқур ўрганган ҳолда уни турли белгилар асосида бир неча гуруҳларга тасниф қилган эди.

Дарҳақиқат, ҳар бир шахс ўзини қуршаб турган оламни билиш жараёнида билаётган нарса ва ҳодисани олдиндан ўзи билган нарса ва ҳодисаларга қиёслайди, зидлайди. Улар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонларни аниқлайди. Ўхшаш белгилари асосида уларни муайян синфларга бирлаштиради. Бир синфга маълум умумлаштирувчи белги асосида бирлаштирилган аъзолар, айти пайтда, муайян фарқловчи белгилари асосида бир-биридан фарқланади. Ҳар икки жараён, яъни синфга бирлаштириш ва синф аъзоларини бир-биридан фарқлаш ўрганаётган объектни бошқа объектга қиёслаш, зидлаш асосида олиб борилади. Бу эса зиддият тамойилининг билиш жараёнида нақадар муҳим эканини кўрсатади.

### **Илмий тадқиқот аспекти**

Ўрганилаётган объект кўп қиррали, мураккаб характерга эга. Шунинг учун тадқиқотчи унинг ҳамма томонларига эмас, балки муайян бир томонига таянади. Объектнинг илмий тадқиқот учун асос бўлган томони аспект ҳисобланади. Борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни маълум бир аспектда ўрганиш ҳар қандай фан учун одатдаги ҳол саналади.

Бизни қуршаб турган оламни турли фанлар турли томондан ўрганишининг ўзи фикримизнинг далилидир. Масалан, гул ўсимлик сифатида ботаниканинг, кимёвий бирикмалар сифатида кимёнинг, ранглар уйғунлиги сифатида санъатшуносликнинг ўрганиш объекти саналади. Бу фанлар бир объектнинг турли хил томонларини ўрганиш билан бир-биридан фарқланади.

Худди шунингдек, ҳар бир фаннинг ўзи ҳам бир объектни турлича аспектда ўрганиб, турли хулоса чиқариши мумкин. Бу фаннинг тармоқларини келтириб чиқаради. Масалан, битта унли ёки ундош товушнинг ўзи акустик, артикуляцион, функционал томонларга эга бўлган мураккаб бутунлик сифатида турли томондан турли аспектда ўрганилиши мумкин: акустик, артикуляцион, функционал аспект ва бошқ.

Ёки лексик бутунликлар шакл ва мазмун томонига, ҳар бир томон ўз ички тузилишига эга бўлган мураккаб бутунлик сифатида турли томондан ўранилиши мумкин: семосиологик, ономосиологик, структур, стилистик аспект ва бошқ. Бу аспектларнинг ҳар бири ўз текшириш усули ва атамалар

тизимига эга, бир объектнинг турли қирраларини турли томондан очиб беради.

Бир объектни турли аспектда ўрганиш мазкур объектнинг бир аспектда очилмаган қирраларини бошқа аспектда ёритиш ва шу орқали ходисанинг хоссалари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш имконини беради.

Масалан, ҳозирги ўзбек адабий тилидаги унлилар системасини турли аспектда турли методни қўллаган ҳолда ўрганиш мумкин. Қайси методни қўллаш тадқиқот мақсадига қараб белгиланади. Агар тадқиқотчи қандай қилиб ўзбек тили 6 талик унлилар системасига айланиб қолганини изохлашни мақсад қилиб олган бўлса, қиёсий-тарихий методни қўллайди ва ташқи лингвистика (тил контакти) материалларига мурожаат этади.

Агар тадқиқотчининг мақсади унлилар системасининг дифференциал ва нодифференциал белгиларини аниқлаш бўлса, структур методдан фойдаланади ва унда оппозиция усули кенг қўлланилади.

Қиёсий-тарихий метод орқали аниқланмаган унлиларнинг «атом»лари, яъни дифференциал белгилари структур метод орқали белгиланади. Структур тилшуносликнинг пайдо бўлиши анъанавий тилшуносликдаги муаммоларнинг ижобий ҳал қилинишига йўл очиб берди. И.П.Сусовнинг таъкидлашича, дистрибутив таҳлил усули тилнинг ички тузилишини ёритишга чексиз имконият яратди.<sup>1</sup>

### **Умумий ва хусусий методлар ҳамкорлиги**

Умумий ва хусусий илмий методлар ўзаро узвий боғлиқдир. Хусусий илмий методлар умумий методларга асосланади. Умумий фалсафий методдан холи бўлган хусусий илмий методлар мавжуд эмас. Хусусан, диалектик метод барча фанларда қўлланади. Лекин бу диалектик метод барча хусусий илмий методларнинг ўрнини босади, деган хулосага олиб келмаслиги керак.

Умумфалсафий методлар хусусий илмий методларда уларнинг тадқиқ усулларида ажралган ҳолда гўё хусусий методлари устига қўйилган кўшимча метод сифатида қўлланилмайди. Аксинча, умумфалсафий методлар хусусий методларга сингиб кетган ҳолда, хусусий методлар орқали амалга ошади.<sup>1</sup>

Хусусий илмий метод у ёки бу фан тармоғида қўлланиладиган билишнинг усул ва тамойиллари йиғиндиси. Кимё, физика, математика, тилшунослик сингари фанларда қўлланиладиган тадқиқот методлари хусусий илмий метод саналади. Масалан, дистрибутив метод, узвий таҳлил методи, трансформация методи сингари методлар тилшунослик фанининг хусусий методлари ҳисобланади.

Дисциплинар метод. Маълум фаннинг у ёки бу тармоғига хос методлар дисциплинар метод ҳисобланади. Масалан, тилшуносликнинг диалектология йўналиши ўзига хос методларга, фонетика бўлими ўзига хос методларга эга. Хусусан, асциллографик метод, химографик метод сингари методлар тилшуносликнинг фақат фонетика бўлимида қўлланиладиган дисциплинар метод саналади.

Шундай қилиб, метод поғонавий табиатга эга бўлиб, умумфалсафий методдан дисциплинар методга қараб умумийдан хусусийга тамойили асосида йўналиб боради.

Ҳар бир тадқиқотчи илмий тадқиқот жараёнида у ёки бу умумфалсафий методни методологик асос қилиб олиш билан бирга, методнинг барча поғоналаридан фойдаланади.

Кўринадики, методология фақат битта метод, боринги, «энг муҳим метод» билан чегараланиб қолмайди.

Диалектик методнинг хусусий методлар билан алоқаси ҳақида фикр юритган П.Ковач-Ференчев унинг куйидаги белгиларини ажратади:

1. Диалектик метод хусусий методлар учун асос бўлиб хизмат қилади.
2. Диалектик метод илмий тадқиқотнинг мантиқий асослари орқали хусусий методларга сингиб кетади.
3. Диалектик метод борлиқ ҳодисаларининг умумий ривожланиш, ўзгариш тенденцияларини очиқ беради. Хусусий илмий методлар эса борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг ички тузилишини очиқда унга ҳамкорлик қилади.
4. Диалектик метод абстракт тамойилларни беради, хусусий методлар уларни конкретлаштиради.
5. Диалектик метод маълум даражада хусусий методларни умумлаштириш асосида майдонга келади.
6. Фалсафий метод хусусий методга «киради» ва хусусий метод доирасида амал қилади.<sup>2</sup>

Фалсафий методнинг (диалектик методнинг) Д.Елмслев эмпирик методи билан муносабати ҳақида фикр юритган И.П.Сусов унинг тамойиллари объектнинг ривожланиш қонунларини эмас, балки субъектнинг объект ҳақидаги тафаккур қонунларини ўз ичига олишини баён қилади. Хусусан, эмпирик методнинг асосий тамойили «зиддиятсизлик», «объективлик», «соддалик» бўлиб, бу одатдаги тушунишда илмий тадқиқот олиб боришнинг оддий услубий талаби сифатида қабул қилинади.

Аслида, глоссематик йўналишда мазкур тушунчалар муайян фалсафий система билан боғлиқдир. Шунини таъкидлаш керакки, юқоридаги уч тушунча: «зиддиятсизлик», «объективлик», «соддалик» фалсафий тушунча ҳамдир. Турли фалсафий системаларда бу тушунчалар турлича талқин қилинади.

Бу тушунчаларнинг биринчиси ҳақида структуралистларнинг ўзи ҳам аниқ жавоб бермаганини, қайси зиддиятни бартараф қилиш лозимлиги аниқ эмаслигини баён қилган И.П.Сусов зиддиятнинг икки тури – субъектив зиддият ва объектив зиддият мавжуд бўлишини таъкидлайди.

Унинг фикрича, диалектик методнинг катта аҳамияти шундаки, у тадқиқотчи тафаккур жараёнида ўрганилаётган объектда мавжуд зиддиятнинг акс этиши сифатида намоён бўлган объектив зиддиятни очишга имкон беради, шу билан бирга, уни мантиқий нотўғри фикрлаш йўли натижасида майдонга келадиган субъектив зиддиятдан фарқлаш имконини беради.<sup>1</sup>

Баъзан тафаккурда шундай зиддият вужудга келадики, у билиш таракқиётини сусайтиради. Бундай зиддият инсоннинг нотўғри фикрлаши натижасида келиб чиқади. Инсон сунъий равишда фақат формал-мантикий зиддиятни, яъни нотўғри фикрлаш зиддиятинигина ҳосил қилиши мумкин.

Формал-мантикий зиддият билан бирга инсон хоҳиш-иродасидан ташқари, қонуний келиб чиқадиган объектив зиддият ҳам мавжуд. Бундай зиддият диалектик зиддият саналади. Агар формал-мантикий зиддият янглишишга олиб келса ва ҳар бир тадқиқотчи қандай бўлмасин ундан қутулишга интилса, диалектик зиддият билишни ривожлантиришга ва ўрганилаётган объект моҳиятига чуқурроқ кириб боришга имкон беради.

Диалектик зиддиятни эътибордан соқит қилиш мумкин эмас, чунки у ўрганилаётган нарса ва ҳодисанинг моҳиятини ташкил этади. Диалектик зиддият объектив мавжуд бўлиб, билиш жараёнида субъект томонидан аниқланади.

Юқорида глоссемантиклар томонидан баён қилинган «зиддиятсизлик» тамойили формал-мантикий зиддиятга тегишлидир. Шунинг учун бундай зиддиятга йўл қўймаслик ҳар қандай илмий тадқиқотнинг вазифаси бўлиши лозим. Глоссемантиклар ўша зиддиятни соф формаллаштирилган ва математиклаштирилган тадқиқот методлари ёки соф абстракциялаштиришга асосланган математик мантиқ методини қўллаш орқали бартараф этиш мумкинлигини таъкидлайди.

Л.Ельмслев фикрича, формал-мантикий зиддиятни бартараф қилиш орқали тадқиқотчи ўрганилаётган объектнинг моҳиятига кириб боради.

Нарса ва ҳодисаларнинг зиддиятли белгиларидан фақат биттасига таяниб иш кўрган олимлар шу нарса ва ҳодисалар ҳақида икки хил хулосага келиши мумкин. Лекин ана шу қарама-қарши томонлар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш асосида бутуннинг диалектик табиати очилади.

XX аср бошларида атом тузилиши назарияси билан Максвелл электродинамикаси орасида зиддият юзага келиб қолди. Масалан, материя, бир томондан, дона-дона, чекли, дискрет, узлукли ҳолда, иккинчи томондан, узлуксиз тарзда пайдо бўлади. Қайси бири тўғри? Агар улар бир вақтда, биргаликда қаралса, иккаласи ҳам тўғри. 1924 йили Луи де Бройл ҳар бир элементар зарра бир вақтнинг ўзида икки хил хусусиятга эга: ҳам квант (дона-дона, чекланган), ҳам майдон (узлуксизлик) ҳолда мавжуд деган хулосага келди.

Сўнгра Шредингер де Бройл тахмини асосида зарралар учун тўлқин тенгламасини, Гейзенберг эса квант механикаси асосий тенгламасини матрица шаклида кашф этди. Ниҳоят, Шредингернинг тўлқин механикаси билан Гейзенбергнинг квант механикаси ўртасида айният борлиги аниқланди. Шундай қилиб, узлуклик ва узлуксизлик диалектикаси кашф этилди.<sup>1</sup>

Ана шундай хусусият лингвистик birlikларда ҳам кузатилади. Масалан, ҳам сўзида юкламалик ва боғловчилик белгилари, билан сўзида кўмакчилик ва боғловчилик белгилари ҳамкорликда мавжуддир. Шунинг учун уларни айрим муаллифлар битта белгиси асосида ёрдамчи сўзлардан



фақат биттасига киритса, айрим муаллифлар ҳар икки белгисини биргаликда олган ҳолда, биринчисини юклама-боғловчи, иккинчисини эса кўмакчи-боғловчи деб ҳисоблайдилар.

### Хусусий методлар ҳамкорлиги

Методология фақат битта метод билан, ҳатто «энг муҳим», «ягона илмий» сифатлари билан номланувчи метод доирасида чекланмайди. В.Гейзенберг таъкидлаганидек, тадқиқотчи ҳеч қачон фақат муайян битта методга таяниб қолмаслиги, ҳеч қачон ўз тафаккурини ягона фалсафа билан чеклаб қўймаслиги лозим.<sup>1</sup>

Шунингдек, методология алоҳида методларнинг оддий йиғиндиси эмас. Методология турли сатҳ усуллари, тамойиллари, йўлларининг мураккаб диалектик, яхлит субординатив системасидир.<sup>2</sup> Бу нуқтаи назардан қуйидагиларни эътиборга олиш зарурлигини кўрсатади:

1. Ҳар бир метод ажралган ҳолда, ўз-ўзича эмас, балки бошқа методлар билан ҳамкорликда қўлланилади. Мазкур илмий фаолият натижаси у ёки бу методларнинг усулларида ўринли ва самарали фойдаланиш билан белгиланади. Муайян методнинг элементлари ўз-ўзича эмас, балки бутуннинг бир томони сифатида мавжуд бўлади ва бир бутун сифатида қўлланилади. Шунинг учун методологик плюрализм, яъни хилма-хил методларни эгаллаш ва улардан ўринли фойдаланишнинг аҳамияти бекиёсдир. Ўзаро зид методологик ёндашувларни ва уларни тўғри уйғунлаштиришни билиш ҳам муҳим.

2. Илмий тадқиқотнинг умумий асоси, методологик билимлар системасининг негизи фалсафа саналади ва у универсал метод ҳисобланади. Унинг тамойиллари, қонун ва категориялари тадқиқотнинг умумий йўналиши ва стратегиясини белгилайди.

Илмий тадқиқотда фақат фалсафий тамойиллар билан чекланиб қолмаслик ва уни эътибордан четда ҳам қолдирмаслик зарур.

3. Ҳеч бир метод универсал «ҳодиса» эмас. Бошқача айтганда, «бирорта методологик» тамойил илмий тадқиқот жараёнида боши берк кўчага кириб қолишдан холи эмас». <sup>3</sup> Шунинг учун методологик билимларнинг муайян миқдорини эгаллаб, «назарий жасорат» кўрсатиш мумкин деган хулоса чиқарган ҳолда илмий билиш тараққиётида методологик таҳлил ролини соддалаштирмаслик, тор прагматик маънода тушунмаслик керак.

Ҳар бир метод, агар ундан етакловчи куч сифатида эмас, фактларни ёпиш учун тайёр шаблон сифатида фойдаланилса, самарасиз ва ҳатто фойдасиз бўлиб қолади.

Ҳар қандай методнинг бош мақсади муайян тамойиллар асосида маълум билиш муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш, билимимизни кенгайтиришдир.

4. Ҳар қандай муайян фан доирасидаги илмий тадқиқот жараёнида, конкрет шарт-шароитдан ва тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб модификацияланиш мумкин. Масалан, маълум бир тилнинг ҳозирги

ҳолатини ўрганишни мақсад қилиб олсак, у вақтда умумфалсафий методлардан биттасини, айтайлик, диалектик методни танлаймиз. Тил тузилишининг турли сатҳлари, сатҳ бирликлари ўртасидаги хилма-хил муносабатларни диалектик қонунлар ва категориялар асосида очишга уринамиз. Натижада умумфалсафий метод хусусий илмий методга сингдирилади.

5. Илмий тадқиқот жараёнида турли методлардан ҳамкорликда фойдаланиш мумкин. Бундай вақтда ҳар бир фан соҳасида қўлланилган ва унинг қўлланиши катта илмий натижага олиб келган метод бошқа фан соҳаларига ҳам қўлланилади. Диалектик метод эса умумий ва хусусий методлар ўртасида ҳамкорлик қилади, мазкур ҳамкорлик алоҳидалик ва хусусийлик диалектикасига мувофиқ дейилади.

Масалан, XIX асрда табиий фанларда катта муваффақият қозонган структур метод кейинчалик тилшуносликка ҳам олиб ўтилди ва тилшуносликда ҳам бу метод янги-янги кашфиётларнинг қилинишига сабаб бўлди. Айни пайтда, мазкур методнинг табиий фанлардан тилшуносликка кўчирилиши билан бирга, фалсафий метод илмий тадқиқотларнинг методологик асоси бўлиб хизмат қилди.

6. Методологик билиш сатҳлари мураккаб, воситали характерга эга. Хусусан, ўзига хос ёки биологик жараёнларни у бевосита, тўғридан-тўғри фақат диалектика тамойиллари асосида тушунтириш мумкин эмас. Шунингдек, тўғридан-тўғри, оралик бўғинсиз, тадқиқ қилинаётган ҳодисанинг ўзига хослигини эътиборга олмасдан системавий, структур-функционал, математик, кибернетик, статистик, синергетик каби умумилмий методларни қўллаш ҳам мумкин эмас. Умумилмий методлар фалсафий тамойилларни у ёки бу хусусий фан тилига «кўчириш» учун хизмат қилувчи энг муҳим оралик бўғинни ташкил этади.

Масалан, маълум бир конкрет тилни ўрганишда муайян фалсафий методга асосланилади. Сўнгра тилни қайси нуқтаи назардан, қайси мақсадда ўрганишга кўра умумилмий методлардан биттаси танланади. Айтайлик, структур метод танланди. Структур метод фақат тилшуносликкагинамас, балки адабиётшуносликка ва бошқа фанларга ҳам дахлдордир.

7. Ҳар қандай метод яхлит бир бутун ҳолда қўлланилгандагина, яъни унинг барча томонлари ва қирралари гармоник яхлитликда олиниб, фаннинг муайян тармоғида мақсадга мувофиқ қўлланилгандагина кутилган самарани беради.

Ҳар бир метод, шу жумладан, диалектик метод ҳам, ўз доирасида маълум муаммоларни ҳал қилишда тадқиқотчи учун тўғри йўл кўрсатса-да, лекин улардан ҳар бирини абсолютлаштириш, бирини бошқалардан устун қўйиш, «методологик канонизация» ва универсаллаштириш оқибатида кўп чалкашликларга олиб келиши мумкин.

## **Тилни ўрганиш методлари**

Объектни билиш жараёнида тадқиқотчи унга муайян методология ва текшириш методи асосида ёндашади. Ўрганилаётган объектни қай даражада объектив изоҳлаш тадқиқотчининг қандай методология ва тадқиқот методига таянишига боғлиқ. Шунинг учун ҳар қандай фанда методология ва метод таянч нуқта бўлиб хизмат қилади.

Ҳар қандай фан махсус тадқиқот методларини ишлаб чиқади. Бу илмий тадқиқот методлари фалсафий ва мантиқий методлар билан умумилмий методлар орқали мувофиқлашади.

Хусусан, тилшуносликда қўлланиладиган методлар математика ёки физикада қўлланиладиган методлардан фарқланади. Физикада асбоблар ёрдамидаги эксперимент методи устуворлик қилса, тилшунос матн таҳлили ва уни умумлаштириш усулидан кўпроқ фойдаланади.

Метод атамаси билан методика атамаси кўп ҳолларда синоним сифатида ишлатилади. Лекин метод ва методика бир-биридан фарқлидир. Метод билиш усули, методика билиш усулида қўлланиладиган йўл-йўриқдир.

Методология умуман илмий метод ҳақидаги таълимот ҳамда хусусий фанлар методлари ҳақидаги таълимот, яъни билиш фаолияти йўллари ҳақидаги таълимот сифатида ҳар қандай фан назарияси ва амалиётида катта аҳамиятга эга.<sup>1</sup>

Кўринадикки, методология ва метод тушунчалари ўзаро узвий боғлиқдир. Хусусий фан методлари билан умумий илмий метод бир-бири билан муносабатда.

Билиш усуллари умумий ва хусусий бўлади. Шунинг учун у фалсафий метод, яъни умуман билиш усули ҳақидаги метод ва умумилмий методларга бўлинади. Биринчи ҳолатда методология у ёки бу фалсафий системага хос билиш методи тамойилларига мувофиқлиги сифатида тушунилса, иккинчи ҳолатда методология у ёки бу фан тармоғига хос тадқиқот методлари ҳақидаги таълимот сифатида тушунилади.

Фан методологияси билишнинг фалсафий методининг муайян фан доирасида ўрганилаётган объект хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда конкрет қўлланилишидир.

Фалсафий метод, яъни билиш методи табиат, жамият ва тафаккурнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги таълимот саналади.

Умумметодологик тамойиллар турли фанлар берган маълумотларни умумлаштириш асосида вужудга келади.

Тилшуносликда тавсифий, қиёсий-тарихий, структур сингари методлар қўлланилади ва улардан қайси бирининг устувор методга айланишига кўра тилшунослик тарихи ҳам турли босқичларга бўлинади.

**Тавсифий метод** тилшуносликда энг қадимий ва энг кенг тарқалган метод ҳисобланади. Айниқса, у тил ўқитиш тажрибаси учун катта аҳамиятга эга.

Тавсифий методнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, у объектни бевосита сезги аъзолари берган маълумотга асосланиб ўрганади. Хусусан, тавсифий тилшуносликнинг ўрганиш объекти матн ҳисобланади. Матндан

гаплар, гаплардан сўзлар, сўзлардан морфемалар, морфемалардан товушлар ажратилади ва улар муайян гуруҳларга бирлаштирилган ҳолда тавсифланади.

Тавсифий метод маълумотлари бошқа барча методлар учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Хусусан, структур метод тавсифий метод хулосаларига таянган ҳолда иш кўради. Ёки қиёсий-тарихий метод учун ҳам қиёсланаётган объект ҳақидаги изоҳни тавсифий метод беради. Демак, у ҳам тавсифий метод хулосалари асосида иш кўради.

**Қиёсий метод.** Оламни билишда ўрганилаётган объектни қиёслаш катта роль ўйнайди. Олдин ўрганилган объектни янги ўрганилаётган объектга қиёслаш билишнинг энг асосий усулларида биридир. Қиёслаш натижасида қиёсланаётган объектларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари аниқланади. Бундай усул тилшуносликда ҳам қардош ва қардош бўлмаган тилларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатларини ёритишда кенг қўлланилади. Шунинг учун қиёслаш умумилмий тафаккур жараёни сифатида лингвистик таҳлилнинг барча методларида учрайди.

Лекин лингвистик тадқиқот методикасида бир тилнинг ички тузилиши бўйича қиёслаш ва тиллараро қиёслаш жиддий фарқланади. Бир тилнинг ички тузилиши бўйича қиёслаш шу тилнинг турли грамматик ҳодисалари ва категорияларини ўз ичига олади. Масалан, сифат билан равиш қиёсланади ва уларнинг умумий ҳамда ўзига хос жиҳатлари аниқланади.

Тиллараро қиёслашда турли тиллар бир-бирига таққосланади.

Тиллараро қиёслаш, бир томондан, қардош тилларни, иккинчи томондан, ноқардош тилларни ўрганиш ва ўқитиш тажрибаси таъсирида майдонга келди.

Тиллараро қиёслаш ўзига хос тадқиқот усуллари системасига эга. У икки хил тилшунослик методини вужудга келтирди. Биринчиси, қардош тилларни қиёслаш, иккинчиси эса ноқардош тилларни қиёслаш.

Биринчи типдаги қиёслашда қардош тиллардан биттасини бошқасига қиёслаш йўли билан уларнинг тарихий тараққиёти, улар ўртасидаги фарқланиш жараёни очиб берилади. Бундай қиёслаш қиёсий-тарихий метод асосида олиб борилади ва тилларнинг генетик умумийлигига асосланади.

Иккинчи типдаги қиёслаш турли системадаги тиллар асосида олиб борилади ва унинг натижасида типологик категориялар аниқланади. Бундай метод қиёсий-чоғиштирма метод саналади.

### **Тарихий-генетик (генеологик) метод**

Тилларнинг фонетик, лексик-грамматик бирликларини қиёслаб, уларнинг ўхшаш белгиларини аниқлаш асосида муайян тил оилаларига бирлаштириб ўрганиш тарихий-генетик метод саналади.

Тарихий-генетик методнинг ҳақиқий асосчиси Маҳмуд Кошғарий саналади. У туркий тилларни хоқонича-туркча, қипчоқ, ўғуз гуруҳларга бўлгани ҳолда, бу гуруҳлар ўртасидаги фонетик, лексик-грамматик фарқланишлар ҳақида изчил маълумот беради. Шу билан бирга, мазкур тиллар бир умумий манбадан келиб чиққани ҳақида фикр юритади.

Шундай бўлишига қарамасдан, XIX асрга қадар Маҳмуд Кошғарийнинг бу асари илмий жамоатчиликка номаълум бўлгани туфайли тарихий-генетик (генеологик) метод немис олими Август Шлейхер номи билан боғланди. У хинд-оврупо тил оиласини ўрганган ҳолда, бу оилага мансуб тиллар бир аجدоддан, яъни бир бобо тилдан келиб чиққан деган хулосага келди. У тилшунослик тарихида илк бор хинд-оврупо бобо тилини тиклашга ва ҳар бир шажарасининг тарихий тараққиётини кўрсатишга эришди.

Бобо тил назарияси қиёсий-тарихий тадқиқотларнинг кенгайтишига ва ривожланишига кучли таъсир қилди. Бобо тил шакллари тиклаш XIX аср ўрталарида қиёсий-тарихий тилшуносликнинг бош мақсади бўлиб қолди.

Кейинчалик мазкур ғоя икки йўналишда ривожланди. Биринчи йўналиш А.Шлейхернинг бобо тил ва унинг «ўлиши» ҳақидаги қараши ҳақиқий ҳолатни анча соддалаштириш эканини кўрсатади. Хусусан, И.Шмидт А.Шлейхернинг назариясига танқидий ёндашган ҳолда «тўлқинли назария»сини олға суради ва бу назария кейинчалик «ареал лингвистика» йўналишининг шаклланишига асос бўлди.

Иккинчи йўналиш тарафдорлари бобо тил муаммосининг умумий аҳамиятлилик даражасини қайта кўриб чиқиш тенденциясида бўлдилар. Жумладан, А.Мейе хинд-оврупо бобо тилини тиклаш мумкин эмас, деган хулосага келади. Унинг фикрича, хинд-оврупо тилларига мансуб тилларни қиёслаш асосида бобо тилни тиклаш мумкин эмас. Чунки ўлган тилни қиёслаш асосида тиклаб бўлмайди. Роман бобо тили ҳақида гапириш мумкин. Чунки бу тиллар учун умумий бўлган манба – лотин тили ёдгорликлари мавжуд.

Айрим муаллифлар бобо тил назариясин, умуман, рад этадилар. Хусусан, Н.Я.Марр бобо тил ғояси илмий уйдирма экани аслида хинд-оврупо тилларига асос бўлган ҳеч қандай бобо тил бўлмаганини, бу тиллар бир бобо тилдан эмас, балки бир неча қабила тилларидан келиб чиққанини баён этади.

Шуни таъкидлаш керакки, қариндош тиллар ҳозирги кунда мавжуд экан, тил оиласи ҳақида ва бу оиланинг ибтидося бобо тили ҳақида фикр юритиш мумкин. Айниқса, мазкур тил оиласининг ҳар бир аъзоси учун умумий ёзма ёдгорликлар мавжуд бўлса, бобо тил ҳолати ҳақида баҳс юритиш осон кечади.

Бу жиҳатдан роман бобо тили ҳақида фикр юритиш учун қандай имконият бўлса, туркий бобо тил ҳақида баҳс олиб боришга ҳам шундай имконият мавжуд. Чунки туркий бобо тил ҳақида маълумот берувчи қадимги турк ёзма ёдгорликларининг мавжудлиги бунга қулай шароит яратади. Шунинг учун туркий тилларни қиёсий ўрганиш билан шуғулланувчи ҳар қайси тадқиқотчи бобо тил шаклини тиклашга, реконструкция қилишга уринадилар.

Реконструкция усули қиёсий-тарихий тилшуносликнинг таянчи саналади. Хусусан, А.М.Шчербак туркий тилларнинг фонетикаси ва грамматикасини қиёсий-тарихий метод асосида тадқиқ этар экан, умумтуркий фонологик системани ва морфологик проформаларни (барча туркий тиллар учун умумий грамматик шакллари) тиклашга уринади.

У туркий тиллар унли фонемаларининг тарихий ёзма манбалар асосида фонологик белгиларини ажратар экан, ана шу фонологик муҳим (релевант) белгиларга таянган ҳолда туркий бобо тил унлилар системасини реконструкция қилади. Бунинг учун, энг аввало, бобо тил даврида қуйидаги фарқловчи белгилар амал қилинганини тахмин қилади:

- 1) кенг / торлик (компактлик / диффузлик)
- 2) қаттиқлик / юмшоқлик (қуйи тоналлик / юқори тоналлик)
- 3) лабланмаганлик / лабланганлик (оддий тоналлик / бемол тоналлик)
- 4) чўзиқлик / қисқалик.

Ана шу дифференциал белгилар асосида қуйидаги 8 та (**а, о, у, і, ä, ö, ү, и**) қисқа ва 8 та (**ā, ō, у, ī, ä, ö, ү, и**) чўзиқ унлилардан ташкил топган туркий бобо тил унлилар системасини тиклайди.

Ундошларнинг эса қуйидаги тўртта фарқловчи белгилари асосида туркий бобо тил ундошлар системасини реконструкция қилишга интилади:

- 1) пайдо бўлиш ўрни белгиси (лаб ундошлари, тил олди ундошлари, тил ўрта ундошлари / тил орқа ундошлари)
- 2) назаллик / назал эмаслик
- 3) сонантлик / сонант эмаслик
- 4) пайдо бўлиш усули (портловчи, сирғалувчи (ўрта / ён / титроқ).

Ана шу белгилар асосида туркий бобо тил ундошлар системаси 15 та ундош фонемалардан иборат бўлганини тиклайди.<sup>1</sup>

Шунингдек, Н.А.Баскаков ҳам туркий бир бўғинли сўзларнинг фонетик тузилишини бир-бирига қиёслаш натижасида туркий бобо тилнинг бир бўғинли сўзлар фонетик тузилиши (архитектоникаси)ни тиклашга (реконструкция қилишга) уринади.

Унинг фикрича, туркий бобо тил давридаги сўзларнинг фонетик тузилиши қуйидаги тўрт моделда гавдаланади.

<b>I. w – x</b>	<b>II. ж – x</b>	<b>III. x – x</b>	<b>IV. " - x</b>
<b>2. w - ж</b>	<b>2. ж – и</b>	<b>2. x – и</b>	<b>2. " - ж</b>
<b>3. w - w</b>	<b>3. ж – w</b>	<b>3. x – w</b>	<b>3. " - w</b>

Муаллиф ҳозирги туркий тилларда **x – , ж -, w - , "** моделидаги сўзлар ҳам мавжудлигини, лекин бундай сўзлар юқорида кўрсатилган тўрт моделнинг трансформациясидан келиб чиққанини таъкидлайди.<sup>2</sup>

Бу моделларни ифодалаш учун қўлланилган шартли белгилар қуйидаги товушларни билдиради:

- w – барча лаб-лаб ва лаб-тиш ундошларни билдиради;
- ж – барча тил олди ва тил ўрта ундошларини билдиради;
- x – барча тил орқа ундошларини билдиради;
- " – орттирилган фонетик элементни билдиради;
- бўғин ҳосил қилувчи унли гиперфонемани билдиради.

Масалан, **w-ж** модели бугунги *бет, беш, бош, бос, пол, мен* сингари сўзлар фонетик тузилишини гавдалантиради.

## Глоттохронологик метод

Тил доимо ўсишда, ривожланишида бўлган динамик ҳодисадир. Ана шундай ўзгаришлар даврлар ўтиши билан йиғилиб, миқдор ўзгариши сифат ўзгаришига олиб келади. Фарқли элементлар кўпайиб, бир тил бағридан иккинчиси ажралиб чиқади. Ана шундай ажралиш даврини тарихий материаллар билан тасдиқлаш мумкин бўлмаган вақтда бошқа методларга эҳтиёж сезилади. Лингвистик воситалар ёрдамида тилнинг келиб чиқиши ва тарихий тараққиёт даврларини белгилаш лексикостатистик ёки глоттохронологик метод саналади. Мазкур метод Америка олими Морис Сводеш томонидан қўлланилган. У биология фанларидаги радиоуглерод ёрдамида ёшни белгилаш методини тилшуносликка олиб кирди. Ҳар қандай жонли организмда (ҳайвонларда, ўсимликларда ва бошқ.) маълум миқдорда радиоактив углерод мавжуд. Бу модда организм ўлиши билан аста-секин муайян тезликда тарқала бошлайди. Ўлик организмдаги углерод миқдорини ўлчаш орқали унинг ўлганига қанча вақт бўлганини аниқлаш мумкин. Ана шу йўл билан археологик ёдгорликлар ёши аниқланади.

М.Сводеш ўша усулни тил материалларига қўллаган ҳолда, тилнинг лексик қатламидаги лексемаларнинг асосий қисми барқарор тезликда ўзгаришига эътибор берди. Бундай барқарор тезликда ўзгариш хусусиятига эга сўзларнинг сақлаш фоизи минг йилда 81 % + 3 % га тенг деб олинади.

Ўзаро қариндош тилларда сақланиб қолган уларнинг ҳаммаси учун умумий лексемалар миқдорига қараб бу тилларнинг мустақил тил сифатида ажралиб чиққанига қанча вақт бўлганини аниқлаш мумкин эканини таъкидлайди. Бунинг учун 200 сўздан иборат «тажриба луғати» тузилиб, унинг турли қариндош тилларда учраш-учрамаслиги кўриб чиқилади.

Ана шу усул асосида С.Сводеш қадимда умумий этник ва тил умумийлигига эга эскимослар билан алеутларнинг мустақил халқ ва бу халқлар тилларининг мустақил тил сифатида ажралганига 2900 йил бўлганини аниқлади.

Алеутларнинг энг қадимги яшаган жойларидан топилган археологик ёдгорликларни углерод миқдорига кўра текшириш асосида уларнинг ёши 3000 йил экани маълум бўлди. Демак, Сводеш тахмини археологик маълумотлар асосида ўз тасдиғини топди.

Бундан ташқари, тилшуносликда тилнинг келиб чиқиши ҳақидаги глоттогенез назарияси ҳам тарих фани билан узвий боғлиқдир.

Глоттогенез (юнонча *glotta* – тил, *genesis* – келиб чиқиш сўзларидан олинган) инсон табиий товуш тилининг бошқа белгилар тизимидан фарқли равишда шаклланиш жараёнини ўзида ифода этади.<sup>1</sup> Кейинги чорак аср давомида глоттогенез муаммоси умуман тилнинг, ҳаётнинг келиб чиқиши назариясини ўрганувчи умумфалсафий, социологик, психологик муаммога айланди. Глоттогенез комплекс муаммо сифатида бир қатор лингвистик методлар (қиёсий-тарихий метод, глоттохронология методи кабилар) ёрдамида ўрганилмоқда, бунда инсон ҳақидаги бошқа фанлар – антропология, палеоневрология кабилар) эришган ютуқлар ҳам инобатга

олинади. Умуман, глоттогенез комплекс, яхлит муаммо бўлгани учун уни фақат соф лингвистик методлар (айниқса, қиёсий-тарихий метод ва тарихий топология методи) ёрдамида эмас, балки инсон ҳақидаги бошқа фанлар ишлаб чиққан методлар ёрдамида ҳам ўрганилади. Қиёсий-тарихий тилшунослик айрим макротил оилаларига кирувчи қадимги бобо тилларни (бундай тиллар ўнга яқин) аниқлаб, уларнинг ҳам энг дастлабкиси homo sapiens (яъни ҳозирги замон кишиси)ни белгилашга интилиши фан учун муҳим аҳамият касб этади. Глоттогенез назариясига мувофиқ, энг қадимги тил (homo sapiens) бундан юз минг йил олдин Африкада ва Евроосиёда қадимги одамларнинг кўпайиши билан турли тилларга (макротил оилаларининг қадимги бобо тилларига) ажрала бошлайди.

Тарихий-типологик тадқиқотлар макротил оилаларида тил категориялари (замон, нисбат, шахс-сон категорияси кабилар)нинг шаклланиш жараёнини аниқлаш имконини беради. Антропология ва унга ёндош фанлар (масалан, палеоневрология) методлари ёрдамида тилнинг шаклланиш жараёнини аниқлаш мумкин. Бундан юз минг йил олдин неандерталлар (homo sapiens sapiens) ва ҳозирги одамларнинг дастлабки типи (homo sapiens sapiens) орасидаги фарқлар пайдо бўлиши билан тил ҳам ҳозирги, табиий товуш тили шаклига эга бўла бошлаган. Бошқача айтганда, табиий товуш тили (homo sapiens sapiens)нинг неандерталлар (homo sapiens)дан энг муҳим фарқли белгисидир.

Палеоневрология фанининг хулосаларига қараганда, бундан 500 – 600 минг йил бурун homo sapiens туркумига кирувчи приматларда миянинг чап қисми ривожлана бошлаган, бу эса қўл ҳаракатлари, турли имо-ишоралар ва нутқни идора қилиш имконини берган.

XX аср давомида глоттогенез назарияси А.Тромбетти, Б.Розенкранц, В.Иванов, Г.А.Климов каби тилшунослар, В.В.Бунак, Г.У.Хюз, А.Либерман каби антропологлар, В.И.Кочеткова сингари палеоневрологлар томонидан тадқиқ этилган, бу иш ҳозир ҳам давом этмоқда. Айниқса, мазкур тадқиқотлар XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб тез суръатлар билан ривожлана бошлади. 1976 йили Америка миллий академиясида шу муаммога бағишлаб махсус симпозиум ўтказилган бўлса, 1984 йили ЮНЕСКО томонидан ўтказилган халқаро симпозиум ҳам шу муаммога бағишланади. Парижда 1984 йилдан буён халқаро глоттогенез муаммосини тадқиқ этиш маркази фаолият кўрсатиб келмоқда.

### **Квантитатив метод**

Лисоний тилларни белгилашда ва тилларни оилаларга бирлаштиришда квантитатив ва тарихий-генетик методлардан кенг фойдаланилади.

Квантитатив метод Америка тилшуноси Э.Сепир томонидан қўлланилган бўлса,<sup>1</sup> унинг шогирди Ж.Гринберг томонидан ривожлантирилди. Э.Сепир ва унинг издошлари турли тилларни яхлит ҳолда қиёсий-типологик планда ўрганиш учун квантитатив методдан фойдаланди. Ж.Гринберг эса улардан фарқли равишда тилларни бир бутун ҳолда эмас,



балки уларнинг айрим категорияларини, муайян қисмларини бир-бирига қиёслашда мазкур методни ишга солди.

Кўринадикки, квантитатив метод дунё тилларини муайян белгиси асосида қиёслаш, уларни ана шу белги асосида маълум гуруҳларга, типларга бирлаштириш учун қўлланадиган методдир. Демак, квантитатив метод қиёсий (контрастив) тилшуносликнинг қиёсий-тарихий тилшунослик деб номланувчи йўналишга зидланувчи тил типологияси ёки лингвистик типологиянинг асосий методларидан биридир.

Қиёсий тилшуносликнинг асосий вазифаси тил оилалари ва тил типларига бирлаштириш саналади. Биринчи вазифани бажаришни мақсад қилиб олган тилшунослик тарихий-генетик методдан фойдаланади. Иккинчи вазифа эса лингвистик типология томонидан амалга оширилади ва квантитатив методга таянади.

Тарихий-генетик метод тилларнинг қариндошлик белгисини аниқлайди ва тил оилаларига бирлаштиради. Бир оилага мансуб тиллар бир тарихий аждоддан – бобо тилдан келиб чиққан ҳисобланади. Мазкур тиллар фонетик, лексик-грамматик параметрлар бўйича тарихий тараққиётнинг олдинги даврларига чуқурлашган сари умумий томонлари кучайиб боради. Бундай тиллар бир аждоддан, бир генетик манбадан тарқалгани учун қариндош тиллар саналади. Дунё тилларининг генетик белгисига кўра таснифи эса генеологик тасниф ҳисобланади. Масалан, роман тиллари оиласи, герман тиллари оиласи, славян тиллари оиласи, туркий тиллар оиласи каби.

Қиёсий тилшуносликнинг иккинчи йўналиши қариндош бўлмаган тилларни морфологик белгиларига кўра муайян тил типларига бирлаштириш билан шуғулланади.

Бундай вазифани бажаришда квантитатив методдан фойдаланилади. *Муайян миқдорий индекслар ёрдамида тилларни маълум лисоний типларга бирлаштириш учун хизмат қилувчи метод квантитатив метод ҳисобланади.*

XIX аср бошларида (1808) немис олими Фридрих фон Шлегел тилларни келиб чиқиш тарихи асосида эмас, балки морфологик белгилари асосида тасниф этди. Бунга кўра, дунё тиллари қўшимчали ва флексияли тилларга бўлинади. Тилларнинг мазкур таснифида тиллар морфологик типларга гуруҳланади. Бир лисоний типга қариндош тилларгина эмас, ноқардош тиллар ҳам мансуб бўлади.

Фридрих Шлегелнинг дунё тилларининг икки типга таснифи 1818 йили унинг укаси Август фон Шлегел томонидан қайта кўриб чиқилди ва уч типга ажратилди: а) қўшимчасиз тиллар; б) қўшимчали тиллар; в) флектив тиллар.

Биринчи тип кейинчалик ажралган ёки ўзакли тиллар номи билан юритиладиган бўлди. Бундай тиллар, Август Шлегелнинг фикрича, грамматик тузилишга эга бўлмаган тиллар саналади. Барча сўзлар фақат ўзакдан иборат бўлади. Унинг таъкидлашича, мазкур тилларда бирор бир илмий асар ёзиш қийин, шунинг учун бундай ишни амалга ошириш қаҳрамонлик ҳисобланади.

Аффиксли тилларда грамматик маъно ва муносабатлар ўзакка кўшиладиган аффикслар ёрдамида ифодаланади. Шу билан бирга, бу аффикслар ўз мустақил маъноларини ҳам сақлаб туради.

Флектив тилларда ҳам грамматик маъно ва муносабатлар аффикслар ёрдамида ифодаланса-да, лекин бу аффикслар кўшимчали тиллардан фарқли равишда, ўз мустақил маъноларини йўқотган бўлади. А.Шлегелнинг фикрига кўра, энг ҳаётчан тил гўё флектив тил эмиш.

Ака-ука Шлегеллар ва ундан кейинги муаллифларнинг таъкидлашларича, ўзакли тилларга хитой тили, флектив тилларга ҳинд-оврупо ва согий тиллари мансуб бўлиб, қолган тилларнинг барчаси оралик ҳолатни эгаллаган агглютинатив тилларга киради.

Айни пайтда, ҳинд-оврупо тилларида флексия ҳодисасининг кучсизланиб, йўқолиб бораётгани Шлегелни флектив тилларни қадимий флектив тиллар, яъни синтетик тиллар, кейинги флектив тиллар – аналитик тилларга бўлишга мажбур қилади.

Лисоний типлар таснифига доир В.Гумбольдт қарашлари тилшунослик тарихида алоҳида ўрин тутади. У ҳар бир тилда тил эгаларининг руҳи (Geist) намоён бўлишини таъкидлаган ҳолда<sup>1</sup> дунё тилларини тўрт гуруҳга ажратади. Дунё тилларининг анъанага айланган уч аъзоли таснифига тўртинчи тип сифатида инкорпорацияли тилларни кўшади ва бундай лисоний типга Америка ҳиндулари тилини киритади.

В.Гумбольдт лисоний типларни эволюцион асосда паст ривожланган типлардан юксак ривожланган типлар келиб чиққанини айтса ҳам, лекин унинг сабабини баён қилишдан, тарихий-эволюцион тавсиф беришдан ўзини тияди.

В.Гумбольдтнинг мазкур назариясини Ч.Дарвин ва Гегель ғоялари таъсирида бўлган А.Шлейхер ривожлангирди ва тарихий-эволюцион тавсиф беришга ҳаракат қилди. Унинг фикрича, лисоний типлар тил тараққиётининг муайян босқичини ўзида намоён этади. Тил типлари уч гуруҳ билан чегараланади ва бу уч тип Гегель диалектикасининг уч босқичига мувофиқ келади. Бундай қарашга кўра, флектив тиллар аморф ва агглютинатив тилларга нисбатан синтезлашнинг юқори босқичи саналади. Флексиянинг бузилиши руҳнинг (Geist) янги ривожланиш босқичини белгилайди.

Айрим муаллифлар лисоний типларга «яхши» ва «ёмон» баҳо нуқтаи назаридан ёндашдилар. Макс Мюллер таъбирига кўра, орий ва турон тиллари ўртасидаги фарқ яхши ва ёмон мазаика ўртасидаги фарқни эслатади. Орий сўзлари гўё бир бўлақдан ясалган, турон сўзларида эса чоклар ва ёриқлар аниқ кўриниб туради.

Лисоний типлар табиатини бундай тушунтиришнинг ғайриилмий эканини лисоний типлар тараққиёти, бир лисоний тип белгиларининг кучсизланиши ва иккинчи лисоний тип белгиларининг кучайиши ҳолатларининг кузатилиши тасдиқлайди. Шунинг учун Сепир «Тил» (1921) асарида лисоний типларни белгилашда бошқача йўлдан борди. У тилларни типларга ажратишда эволюцион ва баҳо аспектидан мутлақо воз кечди. Унинг фикрича, хитой ва венгер тиллари лотин ёки инглиз тиллари каби

фикр қуроли бўлиш учун самарали эмас, деган хулоса чиқаришга ҳеч қандай реал асос йўқ.

Тил камида 500 000 йиллардан буён мавжуд. Агар шу давр мобайнида лисоний типлар тараққиётини ажралган – агглютинатив ва флектив тиллар чизиғида акс эттирсак, ҳозирги ажралган тиллар ибтидоий даврни акс эттириши ҳеч қачон мумкин эмас. Дарҳақиқат, инсон палеонтологияси ва муз даври берган маълумотлар юқоридаги ғояни аллақачон инкор қилди.

Сепир даврига келиб шу нарса маълум бўладики, ажралган лисоний типнинг классик намунаси сифатида қаралаётган хитой тили илгари мураккаб морфологик системага эга бўлган.

Агглютинация атамаси флективлик атамасига зидланади. Лекин флективлик атамаси конкрет маънодан маҳрум бўлган ва гапда сўзлар ўртасидаги муносабатни ифодалаш учун хизмат қилувчи аффикслар учун ҳам қўлланилади. Масалан, отлардаги келишик кўшимчалари ёки феъллардаги шахс ва сон флексияси. Ана шундан келиб чиқилса, турк тили бир вақтнинг ўзида ҳам агглютинатив (агар усул эътиборга олинса), ҳам флектив (агар келишик системаси ва феълларнинг тусланиш системаси эътиборга олинса) тил саналади.

Ўзигача бўлган лисоний типлар таснифига танқидий ёндашган Сепир дунё тилларини аналитик, синтетик ва полисинтетик типларга ажратади ва уларни мураккаблик даражасига кўра жойлаштиради.

Сепирнинг бундай таснифи учун асос бўлган биринчи белги сўзнинг мураккаблик даражаси, иккинчи муҳим белги сўз таркибий қисмларининг тузилиш техникасидир.

Иккинчи белгига кўра, тобе элемент ўзак қисмга механик равишда қўшилувчи ва бундай вақтда ҳар икки қисмда ҳеч қандай ўзгариш бўлмайдиган тиллар фузия натижасида таркибий қисмларини аниқлаш ва ажратиш қийин тилларга зидланади.

Ж.Гринберг устози Сепир таснифини ижодий ривожлантиради. У ўзининг дунё тилларини типларга тасниф қилиш методи заминида Сепир методи туришини, бу методнинг бир оз ўзгарган тури эканини таъкидлайди.<sup>1</sup>

Сепир лисоний типларга ажратишда уч белгига таянган бўлса, Гринберг бешта белгига асосланади. Булардан биринчи белги сўзларнинг синтезлашиш даражаси саналади. Сепир давридан бошлаб Америка тилшунослигида фонемаларнинг маъноли минимал кетма-кетлиги морфема ҳисобланади. Масалан, ингл. sing – sang «куйлаш» икки морфемани ўз ичига олади, лекин бир сўзни ташкил қилади. Бунда М – морфема миқдори, W – сўз миқдори белгиларидан фойдаланилса, М / W муносабати синтез ўлчови бўлиб хизмат қилади ва у синтетиклик индекси сифатида қаралиши мумкин. Унинг энг куйи чегараси 1,00 саналади. Чунки ҳар қандай сўз энг камида битта маъноли бирликка эга бўлиши керак. Юқори чегараси назарий жиҳатдан мавжуд эмас, лекин амалда 3,00 дан юқориси кам учрайди. Аналитик тилларда бу индекс кўрсаткичи паст, синтетик тилларда юқори, полисинтетик тилларда эса энг юқори бўлади.

Иккинчи белги сифатида алоқа усули олинади. Бунда маъноли бирликлар кўшилганда уларнинг товуш таркибида ўзгариш рўй бермайдиган ёки қисман ўзгаришга учрайдиган тиллар бир кутбни эгаллайди. Бунга классик агглютинатив тиллар деб номланувчи тиллар мувофиқ келади.

Мазкур тилларга ўзаро модификацияланувчи ёки элементлар кўшилиб кетувчи тиллар зидланади.

Агглютинация индекси агглютинатив қурилмалар миқдорининг морфлар чоки миқдorigа муносабатидир. Сўздаги морфлар чоки доимо морфлар миқдorigа нисбатан битта кам бўлади. Масалан, *leaves* сўзида иккита морф бўлиб, битта морфлар чоки мавжуд. Агглютинация индекси **A/J** билан белгиланади. Бунда **A** агглютинатив конструкция миқдorigа тенг, **J** эса инглизча *juncture* – «чок» сўзининг бош ҳарфи бўлиб, морфемалар чоки миқдорини билдиради. Агглютинация индекси юқори бўлган тиллар агглютинатив тиллар, агглютинация индекси паст бўлган тиллар фузион тиллар саналади.

Учинчи белги (параметр) Сепирнинг таснифида марказий белги сифатида қаралган деривацион ва конкрет – реляцион тушунчаларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги белгисидир.

Ж.Гринберг бу ўринда морфемаларнинг уч турига асосланади: ўзак морфемалар, деривацион мерфемалар ва сўз ўзгартирувчи морфемалар. Ҳар бир сўз камида битта ўзак мерфемага эга. Кўпчилик тилларда бир қанча сўзлар ўзак морфемадан бошқа ҳеч қандай морфемага эга бўлмайди. Сўзда биттадан ортиқ ўзак морфеманинг мавжудлиги қўшма сўзни ҳосил қилади. Бу тилларни типларга ажратишда муҳим белги саналади. Айрим тилларда қўшма сўзлар, умуман, мавжуд эмас ёки жуда кам учрайди. Бошқаларида эса у кенг тарқалган. Айрим тиллар бу нуқтаи назардан оралиқ ҳолатни эгаллайди. Сепир назаридан четда қолган мазкур белгини Ж.Гринберг фарқловчи белги сифатида олади ва уни **R/W** индекси билан белгилайди. Бунда **R** (ингл. *root* – «ўзак») ўзаклар миқдorigа, **W** эса сўз миқдorigа тенг.

Иккинчи морфема тури деривацион (сўз ясовчи) морфемадир. Масалан, *сувчи* сўзидаги *-чи* морфемаси. Деривацион индекс **D/W** саналади ва у деривацион морфемалар миқдорининг сўз миқдorigа муносабатини билдиради. **D/W** индекси юқори тиллар деривацион тиллар қаторига киради.

Учинчи морфема тури сўз ўзгартирувчи морфемалар саналади. Унинг индекси **I/W** билан белгиланади (**I** – ингл. *inflectional* – «сўз ўзгартирувчи»). Бу индекс сўз ўзгартирувчи морфема миқдорининг сўз миқдorigа муносабатини билдиради.

Тўртинчи белги (параметр) ўзакка нисбатан тобе элементларнинг жойлашиш тартиби саналади. Бу ўринда асосий фарқловчи белги сифатида префикс ва суффикслардан фойдаланишдаги фарқланиш эътиборга олинади. Префиксал индекс **P/W** префикслар миқдорининг сўз миқдorigа муносабатини кўрсатади. Суффиксал индекс **S/W** эса суффикслар миқдорининг сўз миқдorigа муносабатини кўрсатади.

Бешинчи белги (параметр) турли тилларда фойдаланиладиган сўзларни боғлаш усули ҳисобланади. Дунё тиллари мазкур белги бўйича уч усулдан

фойдаланади: мослашувсиз сўз ўзгариши, сўз тартиби ва мослашув. Бундай усуллар учта индекс билан белгиланади:

O/N (o – ингл. order – «тартиб»)

PI/N (ингл. pure inflection – «соф сўз ўзгариши»)

Co/N (ингл. concord – «мослашув»)

Ж.Гринберг дунё тилларини қуйидаги индекслар асосида лисоний типларга ажратади:

1) M/W – синтез индекси

2) A/Ж – агглютинация индекси

3) P/W – мослашув индекси

4) D/W – деривация индекси

5) I/W – сўз ўзгаришининг устунлиги индекси

6) P/W – префиксация индекси

7) S/W – суффиксация индекси

8) O/N – ажралиш индекси

9) P/N – соф сўз ўзгариш индекси

10) Co/N – мослаув индекси

Лисоний типларга ажратишнинг тўғрилигини исботлаш учун бир хил миқдордаги матнлардан индекслар миқдори аниқланади. Хусусан, Ж.Гринберг 1951 ва 1953 йилларга мансуб инглиз тилидаги 100 та сўзлик матнларнинг юқоридаги индекс асосида қуйидаги миқдорини белгилайди:

1951 1953

Синтез 1,62 1,68

Агглютинация 0,31 0,30

Сўз қўшиш 1,03 1,00

Префиксация 1,00 1,04

Суффиксация 0,50 0,64

Сўз ўзгариши 0,64 0,53

Бир сўз билан айтганда, индекслар лисоний типларга ажратишнинг таянч нуқталари бўлиб хизмат қилади.

### **Структур метод ва унинг йўналишлари**

Тилшунослик тарихида структурализм XIX асрнинг 70-йилларидан ҳукм сурган ёш грамматикачиларнинг позитивистик қарашларига қарши майдонга чиқа бошлади. Уларнинг ёш грамматикачиларга қарши чиқишига француз «социологик мактаби» ва Фосслернинг «немис неофилологик мактаби» қарашлари маълум даражада замин яратди. Гарчи мазкур мактаблар ёш грамматикачилар қарашларидан тамоман узилмаган бўлса-да, лекин тилни, бир томондан, «социал факт», иккинчи томондан, психологизм деб тушуниш структурализмнинг майдонга келишига туртки берди.

Ҳар қандай илмий оқим каби структурализм ҳам ўз ғоявий асосларига эга. Структур тилшуносликнинг юзага келишига И.А.Бодуэн де Куртене ва Ф.де Соссюр қарашлари асос бўлиб хизмат қилди.

И.А.Бодуэн де Куртене тилшуносликка функционаллик тамойилини олиб кирди. Унинг маъноси шуки, лингвистик воситалар нутқ жараёнида бажарадиган вазифасига қараб белгиланади. Бундай тамойил фонетика соҳасида фонема тушунчасининг туғилишига олиб келди.

У нутқий жараёндаги физиологик тавсифи билан тенг бўлмаган товуш ҳақида фикр юритди. Натижада фонема тушунчасига асос солди.

Швейцария тилшуноси Ф.де Соссюрнинг тилшунослик олдидаги буюк хизмати шундаки, у синхрония билан диахронияни аниқ фарқлади. Синхрон нуқтаи назар маълум тилнинг муайян бир даврида мавжуд бўлган элементларнинг ўзаро муносабатлардан ташкил топган бутунлик - системани ҳосил қилади деган фикрга келишига имкон туғдирди. Унинг фикрича, тил қисмлари синхрон муносабатда ўрганилиши мумкин бўлган системадир.

Гарчи синхрония ва диахрония ўртасидаги муносабат, тилнинг синхрон ҳолатига хос системавийлик дастлаб Бодуэн томонидан олға ташланган бўлса ҳам, лекин Соссюр томонидан аниқ ифодасини топди ва унинг бу икки бош ғояси, яъни тилнинг синхрон таҳлили, тил системаси ҳамда тил структураси ва тил функцияси ҳақидаги ғоялар янги тилшуносликнинг шаклланишида таянч нуқта бўлиб хизмат қилди.

В.Матезиус фикрига кўра, Бодуэн, Соссюр ғояларига асосланган фуқционал ва структурал нуқтаи назар ҳозирги кунда тилшунослик истиқболи учун пухта замин яратувчи ягона назариядир.

Ф.де Соссюрнинг тилга элементлар муносабатидан ташкил топган бутунлик сифатида ёндашуви, нутқий фаолиятнинг тил ва нутқ ўртасидаги ўзаро муносабатдан ташкил топган бутунлик деб эътироф этиши, тилнинг синхрон ва диахрон ҳолатини аниқлаб бериши ва унинг белгилик табиатини ёритиши структур тилшуносликнинг туғилишига замин яратди.

Шунинг учун А.А.Холодович Ф.де Соссюр китобининг тилшунослик тарихидаги аҳамияти ҳақида фикр юритар экан, унинг дунёга келиши тилшунослик тарихида янги даврнинг бошланишига олиб келди, дейди.

Қолаверса, структур тилшуносликнинг пайдо бўлишига XX асрда табиий фанлар қўлга киритган ютуқлар ҳам сабаб бўлди. Хусусан, XX асрнинг биринчи чорагида физика фанида энг кичик заррачалар кашф этилди. Бунинг натижасида бевосита сезги аъзоларимиз таъсирига бериладиган ҳар қандай ҳодисалар ўз ичида ички таркибий қисмлардан ташкил топиши ва мазкур таркибий қисмларнинг ўзаро муносабати структурани ҳосил қилиши ҳақида фикр юритилди. Шундай қилиб, структура атамаси остида муайян бутунлик таркибида иштирок этган элементлар ўртасидаги муносабатлар усули, характери, қонуни тушунила бошланди.

Агар XIX асрдаги илмий тадқиқотлар бевосита тажриба асосида фактларни кузатиш ва уларни рўйхатга олиш билан чекланган бўлса, XX асрга келиб бу фактлар остида яшириниб ётган моҳиятни очишга, уларнинг ички узвлари ўртасидаги муносабатларни, ўзаро таъсирини ёритишга қаратилди.

Барча фанлар структура ва уни ташкил этган элементларнинг ўзаро муносабатини ўрганишга асосий эътибор бера бошлади. Натижада физикада

нафақат кристалл ва атомнинг структурага эга экани, балки нур ҳам муайян структурадан ташкил топгани маълум бўлди. Физиологияда И.П.Павловнинг олий асаб системаси ҳақидаги таълимотининг вужудга келиши, математикада 30-йилларда математик структура назариясининг, психологияда структур психологиянинг майдонга келиши объектга структура сифатида ёндашувнинг натижаси бўлди.

Мазкур даврда структура тушунчаси барча фанлар учун оммавий тушунчага айланди. Бундан тилшунослик ҳам истисно эмас. Ана шундай умумий тенденция таъсирида системавий-структур тилшунослик майдонга келди.

Барча фанларда структура атамаси кенг қўлланаётган бўлса-да, лекин бу атама талқинида хилма-хиллик шаклланди. Ана шундай хилма-хиллик тилшуносликка ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Тилшуносликда структура атамаси турли маънода талқин қилинади. Улардан кенг тарқалгани икки хилдир:

Биринчисида структура деб ўзаро боғланган ва шартланган муносабатдаги элементлардан ташкил топувчи бутунлик тушунилади. Структурага бундай ёндашув ўрганилаётган объект ва уни ташкил этган элементлар ўртасидаги ички алоқа ва боғлиқликни ёритишни талаб этади.

Иккинчи йўналишда эса структура соф шакллар ва соф муносабатлар сифатида тушунилади. Шакл эса конкрет қўлланилишдан узилган ҳолда талқин қилинади.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда структур тилшуносликнинг турли тармоқлари дунёга келди. Улар функционал лингвистика, глоссематика ва дескриптив лингвистика йўналишларидир. Структур тилшуносликнинг мазкур тармоқлари турли тадқиқот методларидан фойдаланганлари билан ҳам ўзаро фарқланадилар. Хусусан, Америка структурализмида дистрибутив таҳлил, трансформацион таҳлил ва бевосита иштирокчилар методлари кенг қўлланилган бўлса, Прага лингвистик мактабида оппозитив метод устуворлик қилди (бу метод ҳақида «Танланган асарлар»нинг II жилдида батафсил маълумот берилади).

Хуллас, ҳар қандай изланувчи илмий тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида маълум методологияга таянади ва фаннинг муайян методлари асосида иш кўради. Шундай экан, илмий тадқиқот олиб боришни ўз олдига мақсад қилиб олган ҳар бир ёш изланувчи методология ва метод масалаларини яхши ўзлаштирмоғи лозим.

Илмий тадқиқот методлари тушунчаси ниҳоятда кенг тушунча, у фалсафий методларни ҳам ўз ичига олади. Ҳар бир фалсафий метод хусусий фанлар бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар учун методологик асос бўлиб хизмат қилади. Фалсафий методлардан холи бўлган илмий тадқиқотлар мавжуд эмас.

Илмий тадқиқот методлари шажаравий, кўп босқичли табиатга эга бўлиб, фалсафий методлар, хусусий илмий методлар, дисциплинар методларга бўлинади. Айни пайтда, ҳар бир хусусий илмий метод илмий тадқиқот аспектлари ва илмий тадқиқот тамойилларига эга. Ҳар бир метод

бошқасидан илмий тадқиқот тамойиллари билан ажралиб туради. Шунинг учун хусусий илмий тадқиқот методларининг асосчилари у ёки бу методга асос солар экан, ушбу методга хос тамойилларни ҳам ишлаб чиқади.

Илмий тадқиқотнинг хилма-хил методлари бир-биридан ажралган ҳолдамас, балки ўзаро боғлиқ, бир-бири билан ҳамкорликда функциялашади. Масалан, структур методлар тавсифий метод берган материалларга суянади. Структур методнинг тармоқлари бўлган дистрибутив метод ҳам оппозитив метод билан узвий алоқадордир. Лингвистик оппозитивлар дистрибутив муносабатларга таяниб иш кўради.

Фалсафий методлар хусусий илмий методдан ажралган ҳолда алоҳида яшамайди. У хусусий илмий методларга сингган ҳолда методологик асос ролини ўйнайди. Шунинг учун умумфалсафий методдан ажралган хусусий илмий метод мавжуд бўлмайди. Фалсафий методлар хусусий илмий методлар орқали юзага чиқади.

## **ЛИНГВИСТИК БЕЛГИ НАЗАРИЯСИ\***

### **ТИЛНИНГ БЕЛГИЛАР СИСТЕМАСИ ЭКАНИ**

Инсон ўзини қуршаб турган оламни билиш жараёнида унинг унсурларини образлар орқали онгида акс эттиради ва бу онгда акс этган олам унсурлари белги орқали ифодаланади. Социал ахборотнинг ҳар қандай моддий ифодаловчилари белги ҳисобланади.

Тилнинг белгилар системаси экани унинг асосий хусусияти ва универсал томонидир.

XIX асрдаги белгилар системасига бағишланган фалсафий асарлар орасида Ч.С.Пирснинг асари алоҳида ажралиб туради. Семиотиканинг асосчиси саналувчи Ч.Морриснинг Ч.С.Пирс қарашларига таяниши ҳам бежиз эмас. Гарчи Ф.де Соссюрнинг «Умумий лингвистика курси» асарида Ч.С.Пирс асарларига ишора сезилмаса ҳам, аммо бу икки олимнинг белгилар ҳақидаги қарашларида бир-бирига жуда ўхшашлик бор. Шунинг учун Р.О.Якобсон: «Икки олимнинг (Соссюр ва Пирснинг – А.Н.) белгилар системасини ўрганишдаги ҳаракатида қандайдир генетик алоқа борми ёки



фикрий мувофиқликни учратамизми, деган масалани ҳал қилиш жуда кизиқарли бўлар эди», – деганди.

Ч.Пирс белгиларни биринчи маротаба тасниф қилади. У таснифда белгининг моддий томони – ифодаловчи билан ифодаланмиш ўртасидаги фарқланишга асосланади. Ана шу белги асосида Ч.Пирс белгиларни уч катта гуруҳга ажратади:

1. Санам белгилар. Бундай белгиларда ифодаловчи маълум даражада ифодаланмиш билан ўхшашликка эга бўлади (масалан, ҳайвонларнинг тасвир белгиси сифатида акс эттирилиши).

2. Индекс белгилар. Бундай белгиларда ифодаловчи ифодаланмиш билан сабаб-натижа ёки бошқа муносабат (яқинлик, макон ва замондаги боғлиқлик ва ҳ.к.) орқали боғланади. Масалан, тутун оловнинг индекс белгиси саналади.

3. Символ белгилар. Бундай белгиларда ифодаловчи билан ифодаланмиш ўртасида шартли, конвенционал, мотивланмаган муносабат мавжуд бўлади. Бу муносабат эркин ва маълум қоида асосида вужудга келади. Ана шу жиҳатдан лингвистик белгилар символ белгиларга ўхшайди. Лекин белгилар типологиясида алоҳида ўрин эгаллайди.

Мотивланмаган белгилар ичида лингвистик белги алоҳида ўрин тутуди. Лингвистик белгилар конвенционалиги билан мотивланмаган барча белгилар билан умумийликни ҳосил қилса-да, аммо ахборот ташиш имкониятининг кенглиги, дискретлиги, акустиклиги, кўпсатҳлилиги ва бу сатҳ бирликлари ўртасидаги поғонали (иерархияли) муносабатнинг мураккаблиги билан бошқа мотивланмаган белгилардан фарқланади. Шунинг учун лингвистик белги алоҳида типдаги белгидир. Ф.де Соссюр ҳам лингвистик белгининг қурилиш моделини тавсия этиб, унинг икки асосий тамойилини белгилайди: ифодаланмишнинг эркинлиги ва кетма-кетлиги.

Биринчи тамойил ифодаловчи ва ифодаланмиш ўртасидаги муносабат асосида белгиланади.

Бу ўринда *э р к и н л и к* атамасининг маъносига алоҳида аҳамият бериш лозим. Гарчи лингвистик белгининг ифодаловчи ва ифодаланмиш томони ўртасидаги муносабат эркин бўлса-да, лекин бундан сўзловчи белгининг ифодаловчи томонини эркин танлайди, деган хулосага келмаслик лозим.

Сўзловчи лингвистик белгининг жамоатчилик томонидан қабул қилинган ифодаловчи томонига озгина бўлса-да ўзгариш киритолмайди. У ўзининг тил хотирасида ўзигача бўлган ифодаловчи ва ифодаланмиш муносабатидан ташкил топган лингвистик белгини бир бутун ҳолда ўзлаштиради.

Лингвистик белгининг эркинлиги фақат унинг ифодаловчи томонининг ифодаланмиш томонига нисбатандир. Чунки бу икки томон ўртасида ҳеч қандай табиий алоқа йўқ.

Лингвистик белгининг иккинчи тамойили ифодаловчининг кетма-кетлигидир. Ф.де Соссюр асарида мазкур тамойил биринчи тамойилга нисбатан камроқ ўрин олган бўлса ҳам, лекин унга катта аҳамият берилди.

Ифодаловчи ўз табиатига кўра эшитиш сезгиси орқали қабул қилиниш хусусиятига эга бўлгани туфайли вақтда кенгайиб боради. Шунинг учун у

вақт белгисига кўра тавсифланади: а) у чўзиқлик белгисига эга; б) чўзиқлик бир ўлчовли саналади.

Лингвистик белгининг кетма-кетлиги унинг бошқа белгилар билан синтагматик муносабатини кўрсатади. Лингвистик белгининг мазкур хусусияти тил ва нутқ алоқасига ҳам ишора қилади.

Лингвистик белгининг учинчи хусусияти ҳам мавжуд. Бу ифода томонининг дискретлиги, яъни майда элементларга ажралиш хусусиятидир. Дискретлик лингвистик белгининг кетма-кетлик хусусияти билан узвий боғлиқ. Нутқий жараёнда ўзаро кетма-кет қўлланувчи лингвистик белгилар парчаланиш хусусиятига эга. Ифодаловчи томондан бўлинишнинг энг кичик парчаси *товуш* саналади. Шунингдек, белги ифодаланмиш томонидан ҳам парчаланиш хусусиятига эга. Масалан, *она* лексемаси «қариндошлик», «бир бўғинга мансублик», «катталиқ», «аёл жинсига мансублик» семалари умумлашмасидир. Лекин мазкур бўлиниш илмий тафаккур маҳсули бўлиб, ифодоловчи бўлинишидан тамоман фарқланади. Ифодаланмиш томондан бўлинишнинг энг кичик парчаси эса *сема* саналади.

Тилшуносликда тилнинг белгилар системаси эканига икки хил ёндашув бор. Уларнинг биринчиси тилнинг белгилар системаси эканини умуман рад этади. Бу назария марксистик фалсафага зид идеалистик назария сифатида баҳоланади. Хусусан, Л.О.Резниковнинг дастлабки асарларида ушбу нуқтаи назар ёрқин акс этади. Унинг фикрича, тилшуносликда агностицизм, биринчи навбатда, тилнинг белгилар системаси экани ҳақидаги назарияда ифодаланади. Инъикос назариясига асосланган диалектик материалистик таълимот агностицизмнинг мазкур кўринишини кескин танқид қилиш лозимлигини таъкидлайди. Лингвистик белги ҳақидаги назария ғайриилмий назариядир. У тилшуносликка энг зарарли агностик қарашларнинг кириб қолиш воситасидир, шунинг учун уни фож килиш ва рад этиш зарур, дейди.

Р.А.Будагов ҳам лингвистик белги ҳақидаги назарияни инкор этади. У ҳар қандай миллий тил маълум ифодалар системасигина эмас, балки бу тилда мулоқот қилувчиларнинг барча фаолиятини ўзига хос акс эттириш натижаси ҳамдир, дейди. Унинг таъкидлашича, тилнинг белгили табиати концепцияси миллий тиллар табиатини, шу билан бирга, лингвистикани ҳам ниҳоятда камбағаллаштиради.

Лингвистик белги назариясини инкор этувчиларнинг ҳаммаси лингвистик белги табиати ҳақидаги бир йўналиш – монолетаристик (белгининг бир ёқламалилиги) йўналишга нисбатан фикр юритадилар. Белгини фақат шаклдан иборат, деган фикрга асосланадилар.

Б.А.Серебренников тўғри таъкидлаганидек, лингвистик белги назариясини умуман рад этувчи олимлар икки нарсани – коммуникация воситаси сифатидаги лингвистик белги табиати ва белги-маъно-нарса (ходиса) муносабати муаммоларини аралаштирадилар.

Даврлар ўтиши билан тилнинг белгилар системаси экани ҳақидаги назария аста-секин эътироф этила бошланди. Лекин лингвистик белги тузилиши масаласида икки хил оқим вужудга келди.

Биринчи оқим тарафдорлари лингвистик белги тузилишига фақат ифодаловчини киритадилар. Хусусан, Е.М.Галкина-Федорукнинг фикрича, товуш комплекси объектив борлиқдаги маълум предмет ҳақидаги умумхалқ тушунчасининг ифодаловчисидир. Шунинг учун сўз орқали ифодаланган тушунчани эмас, балки фақат сўзнинг товуш комплексинигина белги дейиш мумкин. Сўзнинг «маъноси»да ҳам «белги»ни кўришнинг ҳар қандай имкониятини мутлақо йўқотиш керак. Сўз ўзининг товуш состави билан борлиқдаги ҳодисаларнинг онгдаги инъикоси бўлган тушунчаларни ифодалайди, шу билан бирга, тушунчаларни шакллантириб номлайди. Демак, сўз предметлар нусхаси ҳам эмас, уларнинг белгиси ҳам эмас.

Илгари лингвистик белгини мутлақо инкор қилган Л.О.Резников ҳам кейинги асарларида мазкур назарияни эътироф эта бошлади ва фақат товуш комплексинигина лингвистик белги деб ҳисоблади. У сўзнинг товуш томони моддий характерга эга бўлиб, предметга нисбатан белги вазифасини бажаради, дейди. Унинг таъкидлашича, маъно предметни бевосита эмас, балки билвосита – товуш томони орқали акс эттиради, чунки борлиқнинг умумлашган ички мазмуни фақат иккинчи сигнал системаси орқали, яъни умумлашган маънога эга товушлар комплексини талаффуз қилиш жараёнида вужудга келадиган махсус физиологик алоқалар системаси орқали амалга оширилиши мумкин.

Бу концепциянинг фаол тарафдорларидан бири В.З.Панфиловдир. У бир бутун тил бирлигини эмас, балки фақат унинг материал томонини белги деб ҳисоблаш кераклигини, тил белгиси икки томонли эмас, балки бир томонли моҳият эканини кўрсатади.

Белгининг бир томонлама эканини поляк тилшуноси Л.Завадовский қуйидагича таърифлайди: «Белгининг икки томонлама табиати тарафдорлари таянган асос тўғри. Белги, дарҳақиқат, шунинг учун белгики, у маънога эга. Лекин бундан белги икки элементдан ташкил топган бир бутунлик, комбинация деган хулосага келмаслик керак. Ахир, боғ эгасини киши плюс боғ тарзида икки томонлама моҳият сифатида талқин этиши керакми?»

В.М.Солнцев ҳам белгининг бир томонлама эканини маъқуллайди. У маънони белги таркибига киритиш ёки киритмаслик, бошқача айтганда, белгининг бир ёқлама ёки икки ёқлама моҳият эканини тан олиш кўп жиҳатдан маъно табиатини турлича тушунишга боғлиқлигини таъкидлайди. Ҳозирги кунда маънони икки хил тушуниш мавжуд: 1) муносабат тури сифатида (а) белгининг ифодаланмиш предметига муносабати, (б) тушунчага муносабати; 2) идеал акс эттириш сифатида. Биринчи қараш бўйича, белгига икки томонлама моҳият сифатида ёндашишга асос бор. Иккинчи қараш бўйича эса йўқ. Шунинг учун белгининг икки томонли эканини ҳимоя қилувчилар белги ҳақидаги иккинчи қарашни танқид остига оладилар.

Маънони тушунча билан бир хил ҳолда инъикос категорияси сифатида, айни пайтда, онг факти сифатида тан олиш маънони белги таркибига киритишга монелик қилади ва белгини бир томонлама моҳият деб қарашга асос бўлиб хизмат қилади.

Маъно онг факти сифатида «идеал нарса» (ҳаракат, белги, миқдор ва бошқалар), «ақлий предметдир».

Маъно «ақлий предмет» сифатида худди тушунча каби турлича бўлиши мумкин: а) ташқи оламнинг (турли даражадаги аниқлик ва адекватлик билан) копияси. Масалан, «дарахт» маъноси онгда конкрет предметлар синфининг, «юрмоқ» маъноси реал ҳаракатлар синфининг акс этишидир; б) ташқи оламни бузилган ҳолда акс эттириш ёки ижодий фантазия натижаси: дев, сув париси ва бошқалар.

Маънонинг биринчи типиди *д-а-р-а-х-т* товуш қатори ҳар қандай реал предметни акс эттириш учун қўлланилиши мумкин. Бу ҳолда белги, яъни *д-а-р-а-х-т* товуш қатори ўзидан ташқаридаги маълум нарса ҳақида маълумот беради.

Белгига икки томонлама моҳият сифатида ёндашувчилар, одатда, «дарахт» маъносига эга белги реал борлиқдаги предметни ифодалаш учун хизмат қилади, дейдилар.

В.М.Солнцев талқинига кўра эса *д-а-р-а-х-т* товуш қатори, яъни белги энг аввало, маънога, ақлий предметга, «умуман дарахт»га ишора қилади, шунинг учун у ҳар қандай конкрет «дарахт» билан мувофиқ келиши мумкин. «Ақлий предмет», «ақлий ҳаракат», яъни умумлашмалар ортида реал предметлар, ҳаракатлар туради ва бу умумлашмалар ҳар қандай ҳолда белги билан ифодаланиши мумкин.

Иккинчи типдаги маънода эса (дев, сув париси) реал предметлар бўлмагани учун белги (товуш қатори) фантазия маҳсулоти сифатида фақат онгда мавжуд бўлган «ақлий предмет»ларгагина ишора қилади.

Унинг фикрича, белги ишора қилган нарса белги таркибига кирмаслиги керак. Маъно онг факти, мия вазифаси сифатида фақат кишилар онгида мавжуд бўлади. Белги эса моддий предмет сифатида инсондан ташқарида яшайди.

Маъно белгидан ажралмасдир. Лекин, айти пайтда, у тўлиғича белгига тенг эмас.

Белгининг икки томонламалилиги концепциясида маъно белгининг ифодаланаётган предметга муносабати сифатида талқин қилинади. Белгининг бир томонламалилиги концепциясида эса маънога муносабат сифатида ёндашувнинг тўғри эмаслиги таъкидланади.

В.М.Солнцевнинг фикрича, ифода ва маъно бирлиги тил бирлигини ҳосил қилади. Масалан, сўз, морфема. Унинг таъкидлашига кўра, тил бирлиги ҳақида гап кетганда, албатта, унинг составига маънони кўшиш керак. Тил бирлигининг маъносида шу тилда сўзлашувчи халқнинг тажрибаси акс этган. Тил бирлиги бир бутун сифатида ўзининг маъноси орқали ташқи олам билан боғланади. Тил бирлиги бир бутун сифатида белгимас. У белги ва маънодан ташкил топган.

Айрим олимлар онг элементларини ҳам белги ҳисоблаш тарафдорларидир. Шўролар тилшунослигида бундай фикрни дастлаб В.Н.Волошинов ўзининг «Марксизм ва тил фалсафаси» асарида (1929) ўртага ташлади. Ҳозирги кунда бундай қараш А.А.Уфимцева, Н.Д.Арутюнова

томонидан олға сурилмоқда. Хусусан, А.А.Уфимцева борлиқдаги предмет ва ходисаларнинг идеал акс этиши белгилар дунёсини вужудга келтиради дейди.

Н.Д.Арутюнова эса «Грамматик системанинг минимал бирлиги ҳақида» мақоласида тил икки белгилар системасидан иборат деган хулосага келади. Бири товуш белгиларидан иборат бўлиб, тушунчани ифодалайди, иккинчиси эса борлиқдаги предмет, ходисаларни акс эттирувчи тушунчалардан ташкил топади.

Иккинчи оқим вакиллари белгининг икки томонлама моҳиятидан келиб чиқиб, уни ифодаловчи ва ифодаланмиш бирлигидан ташкил топган дейдилар (Кассериу, Рассел, Соссюр, Вандриес, Сепир, Ельмслев, Блумфильд, Виготский, Волошинов, Серебренников ва бошқалар).

Ф.де Соссюр «Умумий лингвистика курси» асарида белгини ифодаловчи (акустик образ) ва ифодаланмиш (тушунча) бирлиги сифатида талқин этади. Унинг фикрича, лингвистик белги нарса ва унинг номи бирлигидан эмас, тушунча ва акустик образ ўртасидаги муносабат бирлигидан иборат. Акустик образ соф моддий ҳодиса эмас, балки товушларнинг психик зуҳури ҳисобланади. Шунинг учун белги икки томонлама психик моҳият ҳисобланади. Бу билан у лингвистик белгининг абстракт моҳият эканига ишора қилади. Фанда мазкур оқим «билатералистик оқим» номи билан машҳур бўлди. Б.А.Серебренниковнинг фикрича, белгининг икки томонламалилиги концепцияси ҳақиқатни тўғрироқ акс эттиради. Чунки маънодан ташқари белгининг бўлиши мумкин эмас. Товуш қобиғини маънодан ажратиш катта методик хатодир.

Белгининг монолатералигини ёқловчилар маънони борлиқнинг акс этиши, белги орқали ифода қилинган объектив факт деб изоҳлайдилар. Шу билан бирга, борлиқнинг инъикоси бўлган тушунча ҳам мавжуд. У ҳолда инъикос этишининг бу икки тури ўртасида, яъни маъно ва тушунча ўртасида қандай фарқ бор? Е.М.Галкина-Федорук тушунча мантиқ категорияси, маъно эса лингвистик категория эканини таъкидлайди. Лекин Б.А.Серебренников кўрсатганидек, бу икки ҳодисанинг юқоридаги каби фарқланиши нутқда бир вақтнинг ўзида икки хил акс эттириш мавжудлигини тушунтириб беролмайди. Е.М.Галкина-Федорук томонидан сўзнинг лексик маъноси сўзлашувчи коллектив томонидан борлиқнинг у ёки бу ҳодисаси билан боғланиши сифатда талқин қилинади.

Дарҳақиқат, тушунча ва маъно ўртасида катта фарқ бор. Предметнинг инъикоси инсон онгида табиий равишда рўй беради. Предмет белгиларининг умумлашмаси сифатида предмет образи гавдаланади.

Товуш комплекси ва реалликдаги предмет ўртасида дастлаб ҳеч қандай алоқа мавжуд бўлмайди. Бу ерда акс эттириш деб номланиши мумкин бўлган ҳодиса йўқ. Товуш комплекси билан предмет ўртасидаги алоқа инсон томонидан ўрнатилади.

Товуш комплекси билан предмет ўртасидаги бундай шартли муносабат бўлганда товуш комплекси кўрсатиш, ишора қилиш вазифасини бажаради.

Маъно тушунчадан фарқли равишда доимо ҳосил қилинади, табиий асосда келиб чиқади.

Б.А.Серебренников маъно ва тушунчани бир-биридан фарқлаган ҳолда, маънонинг инъикос категорияси эканини инкор қилади. Унинг таъкидлашича, шартли ва сунъий равишда тикланган алоқага ҳеч қачон акс эттириш сифатида қараш мумкин эмас. Аслида маъно – бу товуш комплексининг тушунча билан инсон томонидан ўрнатилган шартли алоқаси. П.В.Чесноков ҳам маъно муносабатда мавжуд эмас, фақат шу муносабатда ҳосил қилинишини таъкидлайди.

И.П.Сусов фикрига кўра, ифодаланмишнинг тилдаги қарама-қарши аъзоси бир бутун белгининг барча томони эмас, балки унинг фақат бир томони – субстанциал томони саналади. Белгининг мазкур томони унинг ифодаланмишидир. Демак, ифодаланмиш белгининг фақат субстанциал томонини ташкил этади. Белгининг бошқа томони маъно ҳисобланади. Маъно тил ифодасининг тилдан ташқаридаги ифодаланмишга муносабатини кўрсатади. Бунга мувофиқ, маъно тил субстанциясига функционал кўшимча сифатида иштирок этади, субстанцияга ҳаёт бағишлайди, белгининг субстанциал ва функционал томонларини бир бутун сифатида шакллантиради.

А.А.Уфимцева лингвистик белги маъносини аниқлашнинг мураккаб эканини, чунки лингвистик белгининг бир вақтнинг ўзида бир қанча функцияда келишини таъкидлайди. У белги шаклининг ифодаланмиш билан муносабати икки томонлама эканини кўрсатади: 1) ифодаланмишнинг белги шаклига муносабати; 2) ифодаланмишнинг предметга (объектив фактга) муносабати. Булардан биринчиси маъно, иккинчиси эса ифода ҳисобланади. Белги маъносининг шаклланишида ўзаро боғланган юқоридаги уч қисм (белги-предмет ҳақидаги тушунча-предмет) маълум даражада акс этади. А.А.Уфимцева ўз фикрини янада конкретроқ қилиб маънони белги вазияти қисмлари ўртасидаги алоҳида муносабат сифатида характерлаш мумкинлигини кўрсатади. Белги билан ифода предмети ўртасидаги алоҳида муносабат остида инсон орқали юзага чиқадиган алоқа тушунилади.

Бизнинг назаримизда, белгининг бир ёқламалиги ва икки ёқламалиги муаммоси маънога икки хил ёндашув билан боғлиқ. Белгига бир ёқлама моҳият сифатида ёндашувчилар инъикос жараёнини уч босқичдан иборат деб талқин қиладилар: нарса – нарса белгиларининг умумлашмаси, нарса образи, яъни нарса ҳақидаги тушунча – акустик хосса (ифодаловчи). Иккинчи босқич – нарсани акс эттириш босқичи, онг факти белгидан ташқарида қолдирилади. Мазкур босқич борлиқдаги нарсани акс эттириш босқичи сифатида белгига икки ёқлама моҳият деб ёндашувчилар томонидан ҳам белги таркибига киритилмайди. Бу жиҳатдан юқоридаги икки оқим ҳамфикрдир. Лекин иккинчи оқим тарафдорлари инъикос жараёнини уч босқичга эмас, балки тўрт босқичга бўладилар. Маъно билан тушунчани бир-биридан фарқлайдилар: нарса – тушунча – муносабат (маъно) – акустик хосса (ифодаловчи). Бунга мувофиқ, ифодаловчи билан нарсанинг умумлашган

образи, яъни тушунча ўртасидаги муносабат маъно саналади. Шунинг учун маъно белги таркибига киритилади.

Биз ушбу ишда белгининг икки томонламалиги ҳақидаги қарашни маъқуллаймиз ва инъикос жараёнининг тўрт босқичли эканини эътироф этамиз. Лекин маънони бошқача талқин қиламиз. Бунга мувофиқ, лингвистик бирликнинг моҳияти моддий томони билан маъно томонининг бирлигидан иборатдир.

И.П.Сусов маъно моҳиятини англаш ва унинг характерини белгилаш учун ифодаловчи ва ифодаланмиш таҳлилига таяниш кераклигини айтади. Ифодаланмиш маъно (смысл), семантик предмет (сигнификат), реал предмет (денотат)лар бирлигидан иборат. Маъно семантик предметнинг ажралишига асос бўлган белгилар мажмуасидир. Белгилар мажмуаси билан ажраладиган аниқланувчи предмет семантик предмет ҳисобланади. Масалан, *тоға* сўзи ўзида қуйидаги беш белгини (семани) мужассам этган маънодан иборат: 1) эркак жинсига эга шахс; 2) қариндош; 3) ўғайлик белгиси бўлмаган қариндош; 4) нисбий қариндош (она орқали), 5) бир авлод катта. Юқоридаги белги асосида ажраладиган шахс *тоға* сўзининг семантик предмети саналади. Семантик предмет ҳам объектив борлиқнинг акс этишини кўрсатади. Семантик предмет реал предметнинг онгдаги инъикоси саналади. Юқоридаги *тоға* сўзи объектив реалликдаги онгдан ташқарида мавжуд бўлган реал предметни акс эттиради.

Семантик предмет ҳам, реал предмет ҳам ифодаланмиш таркибига киради. Улар ўртасидаги фарқ шундаки, биринчиси акс эттирувчи, иккинчиси эса акс этувчи ҳисобланади. Семантик предмет семантик белгилар. семалар конъюнкцияси орқали, денотат эса (агар у турдош от бўлса) реал предметлар дизъюнкцияси орқали ажратилади.

Бу жиҳатдан атоқли ва турдош отлар денотати бир-биридан фарқ қилади. Атоқли отлар денотати объектив борлиқдаги ёлғиз предметлар бўлса, турдош отлар денотати борлиқдаги реал предметлар дизъюнкциясидир.

Шундай қилиб, номлаш назарияси сўз, семантик предмет, реал предмет (денотат) ва маъно бўлишини тақозо этади. Тилшуносликда қуйидагилар ҳақида фикр юритишга тўғри келади: 1) табиий тил сўзи ҳақида; 2) бу сўзнинг семантик иштирокчилари, яъни моддий оламнинг инсон онгида акс этиши ва сўз орқали ифодаланиши ҳақида; 3) инсон онгида акс этадиган ва сўз орқали ифодаланадиган объектив олам предметлари, ходисалари ҳақида.

Денотатив маъно инсон онгидан ташқаридаги объектив оламдаги нарса, ходисалар ва улар ўртасидаги алоқаларнинг онгда акс этишидир. Семантик предмет билан реал предмет ўртасидаги принципиал фарқ шундаки, биринчиси акс этади, иккинчиси акс эттирилади.

Сигнификатив маъно денотатив маънога нисбатан иккиламчи характерга эга. Чунки оламни билиш жараёнида объектив олам элементларининг энг муҳим белгилари инсон онгида акс этади ва онгда акс этган объектив оламдаги бир қанча нарсалар, ходисалар ҳақидаги мазкур психофизиологик субстрат тил белгиси орқали ифодаланади.

Англашиладики, лингвистик белгининг асосий қисми бир вақтнинг ўзида ҳам денотатив, ҳам сигнификатив маънога эга бўлади. Бундай вақтда лингвистик белгининг денотат билан алоқаси сигнификат орқали рўёбга чиқади. Бунга мувофиқ, тил кўйидаги уч ҳодисани ўзида мужассамлантиради: 1) материал олам ҳодисаси сифатида белгини; 2) объектив оламни акс эттирувчи идеал ҳодисани; 3) мавжудлиги идеал ҳодисага ва унинг белгисининг мавжудлигига боғлиқ бўлмаган объектив борлиқни.

Т.П.Ломтевнинг таъкидлашича, лингвистик белгининг моҳияти маъносининг (сигнификат) конвенционалигини эмас, балки объективлигини эътироф этишдир. Белги маъноси ва объект ўртасида акс эттириш муносабати мавжуд. Кўп ҳолларда сигнификат объектив оламда корреляти бўлмаган, инсон томонидан сунъий равишда ҳосил қилинган образни билдириши мумкин: *худо*, *дев*, *пар* ва бошқалар. Бу вақтларда белгида олам қиёфасини онг томонидан ижодий тўлдирилган хаёлий предметлар акс этади. Бундай предметлар ёлғон денотат (псевдоденотат) дейилиши мумкин.

Билишнинг диалектик назарияси инсон онгидан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган объектив олам ва бу объектив оламнинг инсон онгида акс этишини тан олади. Инсоннинг объектив олам ҳақидаги билимлари табиий тил белгилари асосида шаклланади ва ифодаланади. Лингвистик белгининг объектив реаллик билан муносабати юзасидан тилшуносликда икки хил йўналиш мавжуд: 1) бавосита; 2) бевосита муносабат.

Биринчи йўналиш тарафдорлари инъикос тамойилига таянади. Лингвистик белги объектив реаллик билан бевосита эмас, балки онг орқали боғланади. Табиий тил белгисининг маъноси объектив оламдаги акс эттирилган фикрий «нарсалар»дир.

Диалектик фалсафанинг билиш назарияси асосида объектив оламнинг мавжудлиги ва унинг инсон онгида акс этиши ётади.

Кўп ҳолларда маълум объектив фактга объектив оламда ҳақиқий предмет тарзида ҳам, хаёлий предмет тарзида ҳам корреляти бўлмаган объектив моментлар қўшилади: модаллик, предикативлик, эмоционал-экспрессив баҳо ва бошқалар. Натижада объектив факт мураккаб субъектив образнинг фақат бир қисмини ташкил қилади. Бундай моментларнинг бўлиши сигнификатив маънони ҳам икки қисмга бўлишга олиб келади: 1) денотатга мувофиқ келадиган референт маъно (марказий маъно); 2) референт маъно устига қўшилган модификацион маъно (чегара маъно).

Аксарият лингвистик белгилар семантик структураси денотатив ва референционал сигнификатив маънолардан ёки денотатив, референционал сигнификатив ҳамда модификацион сигнификатив маънолардан ташкил топади. Бу белгилар ўзича нисбий мустақил қўллана оладиган автосемантик характерга эга. Айрим белгилар борки, улар фақат модификатив маънога эга бўлиб, нисбий мустақил қўллана олиш имкониятидан маҳрум. Улар биринчи типдаги белгилар билан бирга қўлланилади. Синсемантик хусусиятга эга.

Шундай қилиб, денотатив ҳамда референционал сигнификатив маъно лингвистик белги семантик структурасининг асосини ташкил қилади.



Маъно акс эттирмайди, фақат тушунча акс эттириш хусусиятига эга. Маъно эса товуш комплексининг предмет ёки ҳодиса билан инсон томонидан ўрнатилган шартли алоқасидир.

### Лингвистик белгининг беш томони

Лингвистик белгининг инсон томонидан яратилиши ва фойдаланиш хусусиятини эътиборга олиб айрим муаллифлар уни тавсифлашнинг тўрт томонини тавсия этадилар.

- синтактик томон;
- семантик томон;
- сигматик томон;
- прагматик томон.

Бунга лингвистик белгилар ўртасидаги уядошлик муносабатини ҳам қўшсак, унинг беш томони ҳақида фикр юритиш лозим бўлади. Лингвистик белгининг синтактик томони унинг бошқа белгилар билан синтагматик алоқага киришиш имкониятини белгилайди.

Ҳар қандай белги бошқа белгилар билан маълум муносабатда бўлади. Ана шундай муносабатлардан бири синтагматик муносабатдир. Масалан, *Қирлар қип-қизил лолалар билан қопланган гапида қопланган сўзи лолалар, қирлар сўзи билан, лола сўзи қип-қизил билан* кетма-кет боғланган.

Лингвистик белгилар ўртасидаги ана шундай муносабатни  $R_1$  ( $B, B_1$ ) ишораси билан белгилаш мумкин. Бунда  $R$  муносабатни,  $B, B_1$  ҳар қандай белгиларнинг синтагматик қаторини ифодалайди. Синтагматик қаторда ҳар бир белги бошқа белгининг ё олдидан, ёки орқасидан ўрин олиши мумкин. Лингвистик белгининг мазкур қаторлари ҳар бир тилга хос маълум қоидалар асосида амалга оширилади.

Лингвистик белги бошқа белгилар билан фақат кетма-кет муносабатдагина эмас, балки уядошлик муносабатида, маълум бир жиҳатдан ўзаро боғланиш, бирини иккинчиси тақозо қилиш муносабатида ҳам бўлади. Масалан, *оқ сўзи қора сўзини тақозо қилади*. Улар ўзаро қарама-қарши муносабат асосида боғланган. *Кулмоқ, жилмаймоқ, қаҳ-қаҳ отмоқ* ўзаро белгининг даражаланиши муносабати асосида, *от* «ирғит» сўзи *от* «хайвон», *от* «исм» сўзлари билан шаклдошлик муносабати асосида боғланган. Бундай муносабат лингвистик белгининг парадигматик муносабатини ташкил қилади.

Лингвистик белгилар ўртасидаги бундай муносабатни  $R_2$  ( $B_1/B_2$ ) ишораси билан бериш мумкин. Лингвистик белги ифодаловчи ва ифодаланмиш томонларнинг муносабатидан ташкил топган бутунлик сифатида бошқа белги билан синтагматик ва парадигматик муносабатга киришади. Шу билан бирга, унинг ифода томони билан маъно томони ўртасида ҳам барқарор муносабат мавжуд. Бу муносабат белги нимани ифодалашини ёки борлиқдаги нарса ва ҳодисалар, белги ва хусусиятлар, ҳаракат-ҳолатларнинг онгдаги умумлашган образлари қандай номланишини ифолайди. Масалан, танадан шохланувчи кўп йиллик ўсимлик ўзбек тилида

*дарахт* деб номланиши ёки *дарахт* сўзининг «танадан шохланувчи кўп йиллик ўсимлик»ни билдириши. Қандай номланиши белгининг ифода функцияси бўлса, номнинг нимани ифодалаши унинг маъно билдириш томони саналади. Бу муносабатни  $R_3 (B, A)$  ёки  $R_3 (A, B)$  ишоралари билан ифодалаш мумкин. Қавс ичидаги ишоралар белги ва у ифодалаган нарсанинг умумлашган образи, яъни тушунчани билдиради. Биринчиси билдириш томонини, белгининг семасиологик томонини, иккинчиси ифодалаш, ономасиологик томонини англатади.

Ниҳоят, белгилар инсон томонидан маълум бир ахборотни бошқаларга етказиш учун ишлатилади. Шунинг учун улар коммуникация воситаси саналади.

Сўзловчи белгилар орқали тингловчига маълум ахборотни етказиш билан бирга унга эмоционал-экспрессив таъсир этишни ҳам мақсад қилиб кўяди. Демак, белги мазмунида кўпинча сўзловчининг модал муносабати ҳам акс этади. Масалан, *емоқ* билан *гажимоқ* сўзи ўртасидаги фарқ сўзловчининг эмоционал баҳоси мавжуд ёки мавжуд эмаслигидадир. Зидланишнинг биринчи аъзоси бундай белгига эга эмас, иккинчи аъзоси эса ана шундай белгига эга. Демак, *гажимоқ* емоқ сўзи билан семантик ва сигматик ёки денотатив ва сигнификатив нуктаи назардан умумийликни ташкил қилади. Улар баҳо муносабатининг бор-йўқлиги билан фарқланади. Лингвистик белги ифодалаган бундай муносабат прагматик муносабат, ана шундай муносабатни ўрганувчи соҳа прагматика ҳисобланади. Лингвистик белгининг прагматик томонини  $R (B, M)$  ишораси орқали ифодалаш мумкин.

Лингвистик белгининг барча хусусиятларини жамлаган ҳолда уни куйидаги модел орқали ифодалаш мумкин:

$$B_{[O,A,M^N]}$$

Бунда  $B$  – белги;  $N$  – белгининг ифодаловчи томони, ном;  $O$  – белгининг денотатив маъноси;  $A$  – белгининг сигнификатив маъноси;  $M$  – белгининг прагматик маъноси.

### **Лингвистик белгининг моддийлиги**

Ҳар қандай лингвистик белги акустик хоссага эга. Унинг акустик хоссаси кишилар хотирасида сақланади ва нутқ жараёнида маълум чўзиқликдаги товуш тўлқини сифатида намоён бўлади. Унинг моддий мавжудлиги товуш тўлқинининг чўзиқлигига тенг. Кишилар хотирасида мавжуд бўлган у ёки бу белгидан фойдаланиш жараёнида ҳар қайси белги сўзловчи томонидан ҳар сафар янгидан ҳосил қилинади. Сўзловчи хотирасида маълум белги акустик хоссага ҳақида олдиндан маълумотнинг мавжудлиги ва сўзловчи уни талаффуз қилиш кўникмасига эга бўлиши мазкур белгини ҳар сафар ҳосил қилиш имкониятини яратади. Шунинг учун ҳар бир белги бир неча «нусха»да намоён бўлиш хусусиятига эга. Тил

белгисининг «кўп нусхалилиги» алоҳида «нусхалар»ни (конкрет белгиларни) шу белгининг вариантлари деб қарашга имкон беради. Бу белгининг умумлашган образи ҳар қайси вариантларда, албатта, такрорланадиган умумий хусусиятларни акс этирувчи инвариант сифатида гавдаланади.

Лингвистик белги инварианти идеал предмет, «ақлий нарса», моҳиятдир. У шу белгининг мавҳум шакли ҳисобланиши мумкин. Масалан, ўзбек тилида *қ-а-л-а-м* товуш қатори ёзиш қуроли тушунчаси ҳақида маълумот берувчи белгидир. Мазкур белги турли шахслар томонидан нутқ темпи ва баландлиги, сўзловчи нутқ апаратининг ўзига хослигига кўра турли шароитда талаффуз қилинганда унинг товуш қиёфаси муайян чегарагача турли даражада ўзгаришга учрайди. Лекин сўзлашувчилар талаффузнинг ҳар қайси ҳолатида ҳам уларнинг бир белги эканини англайдилар. Бунинг сабаби сўзловчиларда шу белгининг умумлашган образи ҳақида олдиндан кўникманинг мавжуд бўлишидир.

Кўпчилик лингвистик адабиётларда мавҳум белги тил бирлиги, конкрет белгилар ёки мавҳум белгиларнинг «турли нусхалари», вариантлари нутқ бирлиги сифатида талқин қилинади. Мавҳум ва конкрет birlikлар ўртасида гавдалантириш ва намоён бўлиш муносабати борлиги айтилади. Конкрет birlikлар мавҳум birlikни намоён қилади. Мавҳум birlikлар конкрет birlikларни гавдалантиради.

В.М.Солнцев лингвистик белгини мавҳум ва конкрет белгиларга ажратишга танқидий муносабатда бўлади. Унинг фикрича, мавҳум белги қуруқдир. Чунки унинг ёрдамида алоқа қилиш мумкин эмас. Шунинг учун агар тил мавҳум birlikларни ўз ичига олади, деб ҳисобланса, тилга алоқа воситаси сифатида қараб бўлмайди.

Нутқ алоқа жараёни саналади. Доимо тил воситалари ёрдамида нутқни ҳосил қиламиз. Яъни гап ҳосил қилишда бизга маълум лексема, морфема, конструкция, қоидалардан фойдаланамиз. Шунинг учун нутқ ҳаракатдаги, амалдаги тилдир. Тил моҳият, нутқ ҳодисадир дейиш мумкин. В.М.Солнцев таъкидлаганидек, тил ва нутқ муносабати восита ва мазкур воситанинг кўлланилиш муносабатидир. Шу боис алоқа жараёнида яратиладиган (талаффуз қилинадиган) конкрет моддий белги реал алоқа воситаси саналиб, бир вақтнинг ўзида белгининг моддий системаси сифатидаги тилга ҳам тааллуқли бўлади.

Тил белгисида узлуксиз макон ва замонда мавжуд бўлиш хусусиятининг йўқлиги унинг «сақланиши»га қулайлик туғдиради. «Биз хотирамизда сезги аъзоларимиз билан сезадиган моддий белгининг ўзини эмас, балки бу белгининг умумлашган идеал образини ҳамда белгини зарур вақтда «ҳосил қилиш» кўникма ва малакасини сақлаймиз», – дейди В.Солнцев.

Бошқача айтганда, реал белгиларнинг ўзини эмас, унинг мавҳум шаклини, у ҳақидаги билимимизни хотирада сақлаймиз.

### **Лингвистик белгида мотивация масаласи**

Лингвистик белгида ифодаловчи ва ифодаланмиш ўртасидаги муносабат тилшуносликнинг энг қадимги муаммоларидан биридир. Илмий лингвистик таълимотнинг илк давридаёқ мазкур масала энг қизгин баҳсларга сабабчи бўлди. Антик давр олимлари ифодаловчи ва ифодаланмиш ўртасида табиий боғлиқликнинг борлиги ёки йўқлиги масаласида икки гуруҳга (реалистлар ва номиналистлар) бўлиндилар. Уларнинг биринчиси (Гераклит ва бошқ.) ҳар қандай ном ўзи ифодалаган предмет билан табиий боғланган десалар, иккинчиси (Демокрит ва бошқ.) уни рад этадилар ва ном билан у ифодалаган предмет ўртасида шартли муносабат мавжудлигини баён қиладилар.

Ҳар икки йўналишни келиштиришга уринган Платон реалистлар фикрини тасдиқламоқ учун сўз маъноси билан шакли ўртасидаги мувофиқликни ва сўз шаклининг у ифодалаган предмет билан боғланганини мисоллар орқали кўрсатмоқчи бўлади. Олимнинг фикрича, Р ҳар қандай ҳаракат воситасидек тасаввур қилинади. Шу туфайли дастлаб ном кўювчилар учун ҳаракат, узилиш ҳодисасини ифодалашда Р товуши ажойиб восита бўлиб кўринди ва шу мақсадда мазкур товушдан бир неча марта фойдаландилар: *райн* «оқмоқ» (дарё), *эрайкайн* «узиш», *сринтайн* «ковлаш», *эройайн* «бўлиш», *серматидзайн* «майдалаш» ва бошқалар. Шунингдек, и товуши нозикликни, а товуши катталикни ифодалаш учун хосланганини таъкидлайди.

Худди шундай фикр М.В.Ломоносов томонидан ҳам баён қилинади: е, и, ю майинлик, эркалашни, кичикликни; я майинлик, ёқимлиликни; о, у кўрқинчли ва кучли нарсаларни (қаҳр, кўрқинч, ғам) ифодалаш учун хосланганини кўрсатади.

Лингвистик белгининг ифодаловчи ва ифодаланмиш муносабатига бундай қараш кейинги даврларда ҳам ривожлантирилди. Хусусан, Лейбниц, Гумбольдт, Э.Бенвенист, Р.Якобсон асарларида белги ва предмет ўртасида мотивациянинг борлиги эътироф этилади. Э.Бенвенист ифодаловчи ва ифодаланмиш ўртасидаги муносабат эркин эмас, аксинча, зарурийдир, дейди. «Хўкиз» тушунчаси менинг онгимда албатта **боф** товуш комплекси (ифодаланмиш) билан тенглаштирилади. Ҳар иккиси яхлит ҳолда менинг онгимда ўрнашган. Дарҳақиқат, бир қатор сўзларнинг товуш қобиғи дунё тилларида бир-бирига ўхшайди. Масалан, ўзбекча *какку*, русча *кукушка*, ўзбекча *кукулайди*, русча *кукует*, русча *река*, юнонча *рейн*.

Ифодаловчи ва ифодаланмиш ўртасида мотивациянинг борлиги ёки йўқлиги масаласи бугунги кунгача турли баҳсларга сабаб бўлмоқда.

Ҳозирда ифодаловчи ва ифодаланмиш ўртасида мотивациянинг борлигини психолингвистлар изчиллик билан тарғиб қилмоқдалар. Тилшуносликда мазкур ғояни олга сурувчи алоҳида назария – товуш символизми назарияси вужудга келди.

Файласуф Е.Я.Басин лингвистик белгининг эркинлиги ҳақидаги фикр метафизик фикрлигини баён қилади ва бундан қутулишнинг йўлини товуш символизми таълимотида кўради.

Л.О.Резников белгининг асосан эркинлигини тан олган ҳолда, дастлабки даврда мотивланган ҳолатларнинг бўлиши мумкинлигини инкор этмайди.

А.Г.Сpirкин ҳам лингвистик белгига нисбатан шунга ўхшаш фикр билдиради. Унинг таъкидлашича, ҳозирги вақтда у ёки бу предмет нима учун бошқача эмас, балки худди шундай ном билан аталган деган масалани кўтаришдан ҳеч қандай маъно йўқ. Шу билан бирга, этимологик таҳлил предмет номи мотивланиш характериға эға эканидан гувоҳлик бермоқда.

Л.О.Резниковнинг фикриға кўра, белгилар шаклланишининг дастлабки даврида шакл ва мазмун мувофиқлиги бўлган. Кейинчалик тарихий тараққиёт жараёнида белги учун маълум маъно қатъийлашиши натижасида ифодаланмиш билан ўхшашлик даражаси тобора схематик, символик характер касб эта бошлаган.

А.П.Журавлев мазкур фикр билан келишиш мумкинлигини таъкидлайди. Чунки Д.Вестерман, Б.В.Журковский, А.М.Газизов-Гинзбергларнинг кузатишиға қараганда, дарҳақиқат, тараққиётнинг дастлабки босқичидаги тиллардан олинган материаллар уларда ифодаловчи ва ифодаланмиш алоқаси мавжудлигидан гувоҳлик беради.

Адабиётларда барча белгилар сингари лингвистик белгида бир неча мотивация борлиги кўрсатилади. Хусусан, С.Ульманн уч хил мотивация типини ажратади: семантик, морфологик ва фонетик. *Қалбға йўл очиш, гапнинг тузи* сингари бирикмалардаги *йўл, туз* сўзларида семантик мотивация; *кукушка, хрюкать, свист, шелест, шорох, шепот, рев, крик, гул, журчание, треск, гром, баробан, лира* каби сўзларда фонетик мотивация; янги маъно морфема маънолари асосида ҳосил бўлган *стенгазета, переход* каби сўзларда морфологик мотивация борлиги кўрсатилади.

Шу билан бир қаторда, айрим сўзларнинг юзаға келишиға асос бўлган образ маркази мавжуд. Предметларнинг турли белгиларидан биттаси ном учун асос бўлади. Асос бўлган белги, А.Потевня термини билан айтганда, образ маркази бўлади. Лекин турли тилларда ном турли образ марказиға асосланиши мумкин. Масалан, рус тилида *медведь* – «айиқ» сўзи учун шу ном ифодалаган предметнинг асал ейиш хусусияти асос бўлган. Лекин ўзбек тилидаги айиқнинг ана шундай образ марказини белгилаб бўлмайди. Кўпгина номларнинг образ марказини топиш имконсиз. Образ маркази кўпинча третиум компаратиум (Потевня) асосида ҳосил бўлган иккиламчи номларға хосдир. Шунинг учун белгининг эркинлиги ва конвенционаллиги ҳақидаги тезис янги даврда В.Д.Уитни томонидан олға сурилди ва Ф.де Соссюр томонидан ривожлантирилди.

Лингвистик белгининг эркинлиги Соссюр лингвистик таълимотининг асосий принциpidан биридир. 1916 йили «Курс» босилиб чиқиши натижасида мазкур асарда олға ташланган ифодаловчи ва ифодаланмиш ўртасида ички мотивациянинг йўқлиги ғояси кўпчилик тилшуносларнинг лингвистик белги табиати ҳақидаги қарашларини белгилаб берди.

П.В.Гамкрелидзе тилшуносликдаги лингвистик белгининг мотивланган ёки мотивланмагани тўғрисидаги баҳслар белги структур элементлари муносабатига турлича ёндашиш билан боғлиқлигини таъкидлайди.

У ҳозирги белгилар назариясининг системани уч сатҳда – семантик, синтактик ва прагматик аспектда ўрганиш ҳақидаги принциплари тил системасига ҳам, тил белгисига ҳам алоқадор эканини кўрсатади. Системани семантик ва синтактик аспектда ўрганиш прагматик аспектда ўрганиш натижасига мувофиқ келмаслиги мумкин. Шунинг учун тил белгиси бошқа ҳар қандай семантик белги сингари фақат ифодаловчи ва ифодаланмиш муносабати асосидагина эмас, балки маълум белгини системадаги бошқа белги билан (ифодаловчи сатҳида ҳам, ифодаланмиш сатҳида ҳам) муносабати орқали аниқланиши лозимлигини баён қилади. Бошқача айтганда, семиотик система белгисини аниқлашда белги иштирокчиларининг (ифодаловчи ва ифодаланмиш) «вертикал» муносабати ҳамда «горизонтал» муносабати (ифодаловчилар ўртасидаги ҳамда ифодаланмишлар ўртасидаги муносабатлар) эътиборга олиниши лозим бўлади. «Горизонтал» муносабат «вертикал» муносабатдан фарқли равишда икки планли хусусиятга эга. Чунки у лингвистик белги иштирокчиларининг икки томони – ифодаловчилар ва ифодаланмишлар ўртасидаги муносабатларни тақозо этади. Муаллиф «горизонтал» муносабатдаги икки планлиликни қуйидаги схема орқали акс эттиради:

А белги Б белги

Т.В.Гамкрелидзенинг фикрича, лингвистик белги юқоридаги икки хил муносабат орқали аниқланадиган моҳиятдир. Шунинг учун унга ҳар икки муносабатни ҳисобга олмасдан, фақат юқоридаги муносабатлардан бири орқали берилган характеристика доимо бир ёқлама бўлиб қолади. Ф.де Соссюрнинг лингвистик белгида мотивация муносабати йўқ, деган фикри лингвистик белгининг фақат вертикал муносабатига асосланган. Вертикал муносабатда мотивация бўлмаса, горизонтал муносабатда бўлиши мумкин. Масалан, *девять-десять, фатер, матер, братер* ўртасидаги фонетик ўхшашлик горизонтал муносабатда мотивация борлигини кўрсатади.

### **Белги ва тил бирликлари**

Тил белгилар системаси бўлиши билан биргаликда, айти пайтда, унда белгилар системасига хос бўлмаган хусусиятлар ҳам бор. Демак, тил белгиси юзасидан гапирилганда, энг аввало, тилнинг қайси бирликлари назарда тутилаётгани ҳақида тўхталишга тўғри келади.

Қайси тил бирликларини белги деб ҳисоблаш мумкин? Тил бирлиги термини қайси лингвистик тушунчаларни ўз ичига олади? Мазкур саволларга ҳам тилшунослар турлича жавоб берадилар. Шунинг учун, аввало, тил бирликлари масаласига тўхталайлик.

## Тил ва нутқ

Тилшуносликда тил ва нутқ ўзаро фарқлангандан буён уларнинг бирликлари ҳам бир-бири билан ўзаро доимо алоқада бўлган алоҳида-алоҳида бирликлар сифатида ажратиладиган бўлди.

Н.А.Слюсарева таъкидлаганидек, Ф.де Соссюр таълимотининг моҳияти, энг қисқа шаклда ифодалаганда, тил (ланг) ва нутқ (парол) фарқланишидир. Унинг бошқа барча назариялари мантиқан шу асосий тезисдан келиб чиқади.

В.Я.Звегинцев Ф.де Соссюрнинг тил-нутқ қарама-қаршилиги асосида мазкур ҳодисаларнинг қуйидаги фарқли белгиларини кўрсатади.

1. Нутқ индивидуал, тил умумий ҳодисадир. Умумхалқ тили доимо ва албатта алоҳида нутқий кўникмаларида тил системаси чегарасида маълум ўзгаришга учрайди.

2. Нутқ психик ҳодиса, тил социалдир.

3. Нутқ ҳаракатчан, динамик, тил эса стабилликка, статикликка интилади.

4. Нутқ тарихий, тил ахроник хусусиятга эга.

5. Нутқий элементлар ўртасида сабабий тобелилик, тил элементлари ўртасида функционал тобелилик мавжуд.

6. Тил лингвистик қонуниятларга бўйсунди. У лингвистик «регуляр», нутқ эса лингвистик нерегуляр, спородик характерга эга.

7. Нутқ доимо моддийликка хос. У ўзининг функциясини реал моддий сифатга эга бирликлар сифатида бажара олади. Тил абстракт система сифатида мавжуд. Бундай фарқланиш субстанция ва форма ўртасидаги фарқланиш кабидир.

Н.А.Слюсарева шу кунга қадар тил ва нутқ қарама-қаршилигига бағишланган ишларни умумлаштирган ҳолда, тил ва нутқни қутбий зиддият (бинар оппозиция) асосида уч хил йўл билан аниқлаш мумкин эканини кўрсатади: 1) билиш назарияси нуқтаи назаридан – гносеологик аниқлаш; 2) тил ва нутқнинг предметлик хусусияти нуқтаи назаридан – онтологик аниқлаш; 3) қўлланиш доираси ва фойдаланиш тарзи нуқтаи назаридан – прагматик аниқлаш. Бу уч хил йўл бир-бирини тўлдирди.

Гносеологик жиҳатдан тил ва нутқ қуйидаги белгилар асосида фарқланади: 1) умумийлик – хусусийлик; 2) абстрактлик – конкретлик; 3) муҳим – номуҳимлик; 4) моҳият – ҳодиса; 5) зарурийлик – тасодифийлик; 6) сифат – миқдор.

Онтологик жиҳатдан етти белги асосида фарқланиши ва ҳар қайси белги ўз ичида майда белгиларга бўлиниши мумкин; 1) психик – физик – физиологик; виртуал – актуал; имконият – акт ва бошқалар; 2) система – текст; система – функция; парадигматика – синтагматика; 3) бир хиллик – ҳар хиллик; 4) инвариантлик – вариантлик; ўзгармаслик – ўзгарувчанлик; барқарорлик – дақиқалик ва ҳ.к.; 5) бутун – қисм; 6) жараён – квант жараён; 7) онг – тафаккур.

Прагматик жиҳатдан қуйидаги уч белги асосида фарқланади:

- 1) социал – индивидуал; алоқа воситаси – алоқа жараёни; воситалар системаси – бу воситаларга амалий эгалик қилиш; автоматизм – эркинлик;
- 2) узуал – аккозионал;
- 3) код – хабар.

Тилшуносликда лингвистик бирликлар тил ва нутқ оппозициясига кўра икки хил – «эмик» (тил сатҳига мансуб) ва «этик» (нутқий бирлик) бирликларга бўлинади. Бу бирликларнинг ўзаро муносабатини Ю.С.Степанов куйидагича кўрсатади.



Тилшунослик тарихида тил ва нутқ ўзаро фарқланиши билан тилнинг турли сатҳларида мазкур зидланишнинг намоён бўлишини тадқиқ этишга эътибор кучайди, бунинг натижасида тил ва нутқ бирликларини ажратиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Структур тилшунослик вакиллари Ф.де Соссюр изидан бориб лисоний фаолиятда тил ва нутқ синтезини кўрадилар.

Тил атамаси остида автоматлаштирилган белгилар ва тил эгаларининг улардан фойдаланиш қоидаси, нутқ атамаси остида эса индивидлар нутқида унинг реал қўлланилиши тушунилади.

Аввало, тил атамаси икки маънода қўлланилади: 1) кишилар ўртасидаги энг муҳим алоқа воситаси. Бунда тил бир бутун ижтимоий ҳодиса сифатида тушунилади; 2) ижтимоий ҳодисанинг нутққа зид қўйиладиган ҳолати. Ф.де Соссюрнинг фикрича, тил бу лисоний фаолият минус нутқдир. Профессор Ш.Раҳматуллаев фикрича, тил деганда бутунни ҳам (нутқни қамраб олган ҳолати), қисмни ҳам (нутқни қамраб олмаган ҳолати) тушуниш мумкин.

Тил бирликлари деганда нутққа зид қўйилган тилнинг бирликлари тушунилади. Система таркибида функционал қимматга эга бўлган элементлар тил бирликлари саналади.

Тил бирликлари тушунчаси билан бирга лингвистик бирлик деган тушунча ҳам мавжуд. Бу тушунча тил бирликларини ҳам, нутқ бирликларини ҳам қамраб олади. Тилнинг системавийлик табиати шундаки, у санокли фигуралар, яъни бирликларнинг турли комбинациялари орқали чексиз ахборотларни узатиш имкониятига эга. Шунинг учун тил бирликларининг миқдори чегараланган, бармоқ билан санарлидир. Имконият тарзидаги бу санокли бирликлар нутқий жараёнда хилма-хил шаклда воқеланади. Тил бирликларининг нутқий жараёндаги реал кўринишлари нутқ бирликлари саналади.

Дескриптив тилшунослик вакиллари фақат уч тил бирлиги мавжудлигини эътироф этадилар: *фонема, морфема, конструкция*. Морфемадан юқори бирликларнинг барчаси конструкция ҳисобланади.

А.А.Реформатский тил тузилишининг элементлари сифатида тўртта бирликни эътироф этади: 1) нутқ товуши (фонема); 2) сўз ўзаги (морфема); 3) сўз; 4) гап.

Унинг фикрича, *фонема* тилнинг моддий белгиси саналади. Тилнинг товуш белгиси (шунингдек, график белги)нинг икки вазифаси мавжудлиги таъкидланади: 1) перцептив, яъни англаш объекти бўлиш вазифаси; 2) сигнификатив, яъни маъноли бирликларни (морфема, сўз, гап) фарқлаш вазифаси.

Морфема ўзак ва ўзак бўлмаган турларга ажратилади ва унинг маъно ифодаланиши, лекин номламаслиги баён қилинади. Масалан, *красный, краснота* сўзларидаги *красн* муайян ранг тушунчасини билдиради, лекин номлаш вазифасига фақат бу морфеманинг *краснота, красный, краснеть* каби сўзга айланган ҳолатигина эга бўлади.

Сўз морфемадан фарқли равишда борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни номлаши, номинатив функция бажариши таъкидланади. Гап эса маълум ахборот ифодаланиши, коммуникатив функция бажариши билан сўздан фарқ қилади.

Юқорида кўрсатилган ҳар бир birlikни қуйидаги ишоралар билан белглайди: (i), i\_, i, I. Бунда фонемани (i) шу товушнинг ўзи билан ифодаланган сўз ўзагини (морфемани) i\_, сўзни i, гапни эса I харфлари орқали ёзиб кўрсатади.

Унинг фикрича, тилда булардан бошқа ҳеч нарса йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

А.И.Смирницкий тил бирлиги деганда товуш ва маъно томонига эга бўлган ҳамда улар ўртасидаги муносабат тил хотирасида сақланувчи, нутққа тайёр ҳолда олиб кирилувчи birlikларни тушунади. Бундай birlikлар сифатида «тилнинг лексик birlikлари» номи билан сўзни («отдельное слово») ва бундай сўз таркибига кирувчи морфемаларни белгилайди. Шунинг учун у фонемаларни маъно билдирмай, маъноли birlikларнинг моддий қобиғи бўлиб хизмат қилиши туфайли тил birlikлари қаторига киритмайди. Уларни тилнинг қурилиш birlikлари деб ҳисоблайди. Натижада лингвистик birlikларни уч гуруҳга бўлади: 1) тилнинг қурилиш birlikлари: фонема; 2) тил birlikлари: а) сўз; б) айрим морфемалар; в) тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлган фразеологик birlikларни ва таркибли терминларни ҳам тил birlikлари қаторига киритиш лозимлигини кўрсатади; г) формулалар; д) тил birlikлари бўлолмайдиган ҳодисалар: сўзларнинг эркин бирикмалари (шу жумладан, гап).

Айрим муаллифлар тил birlikларини функционал нуктаи назардан уч турга – номинатив, коммуникатив ва қурилиш birlikларига ажратадилар. Номинатив birlik деб сўзни, коммуникатив birlik деб гапни, қурилиш birlikлиги деб фонема, морфема, сўз шакллари ва бирикма шакллари тушунадилар.

Сўнги даврларда тилшуносликнинг мазкур долзарб муаммоси юзасидан ўзбек тилшунослигида ҳам баҳс-мунозараларнинг қизиқ бораётгани эътиборга молик.

Тил birlikлари таснифига бағишланган ишлар Ш.Раҳматуллаев асарида батафсил таҳлил этилгани туфайли уларни такрорлаб ўтиришни ортиқча деб ҳисоблаймиз. Бу ўринда бизнинг диққатимизни жалб қиладиган томон *морфема, лексема, сўз* ва *конструкция* атамалари остидаги тушунчалардир.

Асосий тил бирлиги сифатида морфема деярли барча тилшунослар томонидан эътироф этилади. *Лексема* ва *сўз* айрим муаллифлар асарларида тил бирлиги деб кўрсатилади. Конструкция атамаси остида морфемадан кейинги лингвистик birlikларни ҳосил қилиш қоидалари, тузиш моделлари тушунилади. Ш.Раҳматуллаев ҳам тил birlikларини тўрт гуруҳга бўларкан, уларни қуйидагича номлайди: 1) тил birlikларининг қурилиш birlikлари (тил товуши, фонема, аллофонема); 2) асосий тил birlikлари (лексема, аллолексема, морфема, алломорфема); 3) тузма (иккиламчи) тил birlikлари

(лексема шакл, бирикма шакл, гап шакл); 4) йирик тил бирлиги (фразема, аллофразема).

Айниқса, академик А.Ҳожиёвнинг «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали орқали эълон қилган ўн иккита мақоласи илмий жамоатчилик диққатини бу муаммога жалб этгани катта воқеа бўлди.

Юқоридаги мақолаларда тил бирликлари билан боғлиқ қатор муаммолар ҳақида баҳс юритилади. Ана шулардан бири *морфема* билан *лексема* масаласидир. Муаллиф шу кунгача тил бирликлари таснифига бағишланган ишларнинг кўпида морфема билан лексема фарқланмаётгани *лексема* ҳам морфемалар қаторига киритилаётганидан афсусланади ва лексема морфема эмаслигини, уларни морфема деб атаб бўлмаслигини айтади. Дарҳақиқат, фақат ўзбек тилшунослигидагина эмас, балки дунёнинг йирик тилшунослари асарларида бундай ҳолат мавжуд ва унинг чуқур илдизлари бор.

Хусусан, Бодуэн де Куртене томонидан морфема назариясига асос солиниши, унинг тилнинг марказий бирлиги сифатида эътироф этилиши тилшунослар диққатини шу давргача тил тузилишининг таянчи ҳисобланиб келган сўздан *морфема* томон бурди. *Морфема* тилшуносликнинг марказига айланди. Морфемадан кичик бирликлар унинг қисми сифатида, катта бирликлар эса морфемалар синтагматикаси натижаси сифатида қараладиган бўлди.

Бодуэн томонидан морфемага «тилнинг бошқа майда морфологик бўлакка бўлинмайдиган энг кичик морфологик бирлиги» сифатида берган таърифи барча энг кичик маъноли бирликларни, жумладан, туб лексемалар, кўшимчалар, ёрдамчилар ва ҳатто суперсегмент воситалар (урғу, тон)ни ҳам морфема қаторига киритишга асос бўлиб хизмат қилди.

Хусусан, Блумфильд морфеманинг асосий белгиси «минималлик» («кичиклик») эканини эътиборга олиб туб сўзларни ҳам, ёрдамчи сўзларни ҳам, сўзнинг қисмларини ҳам морфема деб ҳисоблайди.

Г.Глисон ҳам барча туб сўзларни морфемалар қаторига киритади. Бундай қараш сўзни тил бирликлари сирасидан чиқаришга олиб келди. Айниқса, сўзнинг муракаб хусусиятга эгаллиги, унга аниқ таъриф бериб бўлмаслиги ҳақидаги Ф.де Соссюр фикри бунга асос бўлиб хизмат қилди.

Энг кичик маъноли бирлик морфема экани ҳақидаги фикр узоқ даврларгача тилшуносликда устуворлик қилди ва морфеманинг асосий белгилари сифатида «бошқа маъноли бўлакка бўлинмаслик», «маънолилик», «энг кичиклик» белгилари эътироф этилди.

Фақат В.Скаличка Бодуэннинг морфемага «майда бўлакка бўлинмаслик» белгисига асосланиб берган таърифига танқидий ёндашади, унда шакл ва мазмун муносабати эътиборга олинмаганини баён қилади. Морфеманинг мазмун томондан кичик элементларга бўлиниши ва бу элементлар **сема** ҳисобланишини таъкидлайди. Бундан илҳомланган В.М.Солнцев морфеманинг икки томонлама моҳиятлигини, у ифода томондан сонема, мазмун томондан семемалардан ташкил топган бутунлик эканини айтади.

Шундай қилиб, **морфемага** тилнинг энг кичик маъноли бирлиги сифатида қараш туб лексемаларни ҳам, аффиксларни ҳам, ёрдамчи сўзларни

хам, ҳатто ундов, модал, тақлид сўзларни ҳам морфемалар таркибида ўрганишга олиб келди.

Фақат А.Мартине *нон-*, *ёқ-*, *ён-* сингари морфемалар билан *-ни*, *-(и)м*, *-чи* каби морфемалар ўртасидаги фарқни эътиборга олган ҳолда **морфема** атамаси остида тушуниладиган объектни торайтиришни, уни фақат кўшимчаларни ифодалаш учун лексика соҳасига дахлдор монемаларни (морфема ўрнида монема атамасини қўллайди) ифодалаш учун **лексема** атамасини қўллашни тавсия этди.

Натижада айрим адабиётларда лексик маъно ифодалаш учун хизмат қилувчи энг кичик маъноли қисмга *лексема*, грамматик маъно ифодалаш учун хизмат қиладиган ва ясама лексемаларни ҳосил қилиш учун ишлатиладиган энг кичик маъноли бирликлар учун **морфема** атамаси қўлланиладиган бўлди. Шу билан бирга, морфемани кенг маънода барча энг кичик маъноли бирликлар учун қўллаш ҳам давом этмоқда. Шунинг учун морфемалар *лексик* ва *грамматик* морфемаларга ҳамда ҳар икки турга ҳам кирмайдиган, лекин мазкур икки турнинг хусусиятларини маълум даражада ўзида мужассам этган оралиқ морфемаларга бўлиш лингвистик адабиётларда тасодифий ҳодиса эмас.

Академик А.Ҳожиёв ўз мақоласида кўмакчи морфемаларни *эркин*, *боғлиқ* ва *нисбий боғлиқ* морфемаларга таснифлаш морфемалар моҳиятини ёритишда ҳеч қандай аҳамият касб этмаслигини ёзади.

Тил системалар системаси ёки гетероген системадир. Тил системасининг гетерогенлиги шундаки, у гомоген бирликлар муносабатидан ташкил топган бир неча кичик бирликларни ўз ичида бирлаштиради. Гетерогенлик хусусияти унинг «кўпқаватлилиги»ни белгилайди. Гетероген системалар гомоген элементлар муносабатидан ташкил топган кичик системаларга бўлинади.

Гомогенлик ва гетерогенлик муносабати Кант фалсафасининг асоси саналади.

Морфемалар ҳам гетероген система сифатида лексик, грамматик ва оралиқ морфемаларни ўз ичига олиши билан биргаликда морфем система таркибидаги юқоридаги ҳар бир гуруҳ, ўз навбатида, яна кичик системаларга бўлиниши учун асос бўлади. Хусусан, грамматик ёки кўмакчи морфемалар синфига кирган морфемалар «кўмакчилик» белгиси асосида бир бутунни, яъни системани ташкил қилади, айна пайтда, улар маълум дифференциал белгиларига кўра яна кичик гуруҳларга, синфларга бўлинади. Масалан, келишиқ кўшимчалари билан кўмакчилар ўртасидаги фарқловчи белги нима? Табиийки, улар ўртасидаги фарқловчи белги аналитиклик ва синтетикликдир. Шу асосда эркин ва боғлиқ морфемалар ажратилади.

Кўринадикки, *фонема*, *морфемаларнинг* тил бирлиги экани деярли барча тилшунослар томонидан эътироф этилади. *Лексема* морфема (монема)нинг бир тури – аташ маъносига эга тури сифатида тан олиниши муносабати билан унинг икки томони алоҳида-алоҳида атама билан фарқланадиган бўлди. Шакл томони учун номема, мазмун томони учун семема. Демак, *лексема*

номема ва семемаларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган бутунлик саналади.

Лексеманинг мазмуний томони, яъни семема ҳам бир неча семаларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган нисбий бутунлик ҳисобланади. Семема семалари вазифасига кўра *бирлаштирувчи* ва *фарқловчи* семаларга бўлинади.

Лексема яхлит ҳолда бошқа лексемалар билан гипо-гиперонимик муносабатни ташкил этганидек, мазмуний томони ҳам ана шундай муносабатдаги семалар қаватланишидан ташкил топади. Биринчи қаватда фарқловчи сема вазифасини бажарган сема кейинги қаватдаги бўлиниш учун бирлаштирувчи сема вазифасини бажаради. Бу В.Гумбольдтнинг: «*Тилда ҳеч қандай алоҳида нарсалар йўқ, ҳар бир алоҳида фақат бутуннинг қисмини намоён қилади, холос*», – деган фикрининг нақадар тўғри эканини тасдиқлайди. Бу ҳар қандай умумий алоҳидада, алоҳида орқали мавжуд бўлади, ҳар қандай алоҳида маълум даражада умумий, ҳар қандай умумий барча алоҳида предметларни тахминан қамраб олади; ҳар қандай алоҳида умумийликка тўлиқ бўлмаган ҳолда киради деган хулосага олиб келувчи умумийлик-хусусийлик диалектикасини ўзида намоён қилади.

Лексема маъносини юқоридаги каби методологик тамойил асосида тадқиқ этиш бугунги кунда ғоят долзарб бўлиб қолмоқда. Чунки айрим тадқиқотларда лексемалардаги ана шундай диалектик муносабатнинг мавжудлигини инкор этиш ҳолатлари, «лексемада бундай диалектиканинг ўзи йўқ» деган фикрлар баён қилинмоқда.

У.Чейф ҳам лингвистик бирликлар мазмуний жиҳатдан иерархик тобелилик муносабатида бўлишини таъкидлаган эди. Унинг фикрича, барча умумий кўшилма бирликлар – отлар, феъллар, иерархия чўққиси саналади. Кўшилиш ҳажмига кўра уларнинг ҳар бири оралик ҳолатни эгаллаган семантик гуруҳларга бўлинади. Масалан, феъллар – ҳаракат, ҳолат, жараён феълларига ажралади. Хусусан, *куйламоқ*, *кулмоқ* ҳолат феъллари деб номланувчи лексемалар гуруҳининг вакиллари саналади.

А.Новиков фикрича, ҳар бир сўз (лексема) умумлаштиради. Натижада у конкрет нарса ва ҳодисалар, белги-хусусиятлар, ҳаракат-ҳолатларнинг ҳам, умумлашган образларнинг ҳам номи ўрнида кела олади. Бу эса умумийлик-хусусийлик диалектик алоқасининг тилда намоён бўлишини кўрсатади.

Лексемадан кейинги бирлик **сўздир**. Лекин у айрим муаллифлар томонидан тил бирлиги сифатида эътироф этилмайди. Сўзнинг асосий тил бирлиги эканини инкор этувчилар Ф.де Соссюрнинг : «Тилнинг конкрет бирликларини сўздан қидирмаслик керак», - деган фикрига асосландилар. Сўзни тил бирлиги сифатида инкор этиш , асосий тил бирлиги сифатида **морфемага** эътиборни қаратиш айниқса дескриптив лингвистика вакиллари асарларида кучайди.

Морфема грамматик сатҳнинг минимал бирлиги сифатида қаралиши билан бирга, бу бирлик лексик сатҳга ҳам кўчирилади. Америка структурализми лексик функцияга эга бўлган элементар бирликни ажратишга эҳтиёж сезмади. Дескриптив лингвистикада учрайдиган сўз (word) атамаси асосан морфемалар занжири, морфологик сўз тушунчасини ифодалайди.

Л.Блумфильд сўзнинг конструкция эканини таъкидлайди. Демак, сўз икки ва ундан ортиқ морфемаларнинг бирикувидан ташкил топган конструктив бирлик сифатида қаралади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда «Общее языкознание. Внутренняя структура языка» китобида ҳам сўзга морфемалар бирикувидан ташкил топган бутунлик деб қаралади. Унда таъкидланишича, *сўз морфемаларнинг ҳар қандай бирикувидан эмас, балки маълум схема асосида («лексик морфема + грамматик морфема») морфемалар бирикувидан ташкил топган бутунлик саналади.*

Кўринадики, мазкур китобда сўз тил бирлиги сифатида, умуман, инкор этилмайди. Унинг модели (схемаси) сўз атамаси остида тил бирлиги сифатида тан олинади. Конкрет морфемалар билан тўлдирилган реал кўринишлари эса нутқ бирликлари саналади. Сўзга бундай ёндашув В.М.Солнцевга ҳам тааллуқлидир.

Сўзга морфемаларнинг синтагматик муносабатидан ташкил топган бутунлик сифатида қараш тил сатҳлари ўртасидаги интегратив муносабатни ўзида тўғри намоён этса-да, лекин тил фактларини тўла қамраб ололмайди. Шу билан бирга, ҳар қандай сўз лексема асосида, лексеманинг бошқа морфемани бириктириб олишидан ташкил топавермайди. Лексема аташ семаси билан боғлиқ. Демак, ҳамма лексемада аташ семаси мавжуд. Айрим сўзлар эса аташ семасига эга эмас. Хусусан, **лекин, бироқ, фақат, офарин** сингарилар сўз, лексема эмас. Лекин юқоридаги сўзлар ички маъноли қисмларга бўлинувчанлик хусусиятига ҳам эга эмас. Демак, қурилмалик белгиси ҳам ҳамма сўзларни қамраб ололмайди.

Шунинг учун айрим муаллифлар сўз моҳиятини белгилашда «унинг гап таркибида эркин тартибини ўзгартира олиши», «автоном синтагма экани», «гап ҳосил қила оладиган ва ўзи фонемалардан ҳосил бўла оладиган минимал маъноли эркин бирлик экани» белгиларини асос қилиб оладилар.

Прага тилшунослари сўзни инкор этувчиларнинг фикрларига танқидий муносабат билдирарканлар, «функционал нуктаи назардан унинг мавжудлиги аниқ»лигини баён қиладилар.

Сўзнинг тил системасининг марказий бирлиги сифатида ажратилишига Ш.Балли, Л.Шчерба ҳам шубҳа билдирган эди. Н.Д.Арутюнованинг морфемани иккиланмай белги деб ҳисоблаши белгини тилнинг функционал бирлиги сифатида қарамасликка олиб келди. Бу эса тилнинг белгилар системаси сифатидаги хусусиятига зид келади. Шундай экан, морфемани алоҳида белги сифатида ажратиш мумкин эмас. Чунки у функционал бирлик эмас.

В.Звегинцев ҳам сўзнинг тилнинг асосий бирлиги эканини эътироф этади. Унинг фикрича, сўздан пастга тушсак, тил томонидан белгиланган дискрет муносабатлар ташқарисида қоламиз. У сўздан қуйи ҳар қандай бирликлар нутқ «техника»сига оид эканини кўрсатади.

Сўзнинг қизиқ томони шундаки, у тил эгаси томонидан осон ажратилади, лекин лингвистлар томонидан қийин аниқланади. Сўзнинг ана шундай қийин аниқланишини асос қилиб айрим ўзбек олимлари ҳам уни тил бирлиги сифатида рад этадилар. Уларнинг фикрича, лексема-сўз (аслида

морфологик сўз) нутқий ҳодиса бўлиб, морфемаларнинг нутқдаги комбинациясидан ҳосил бўлади. Чунки сўздан қуйи birlikларни эмик ва этик birlikларга ажратиш мумкин. Лекин сўз бундай хусусиятга эга эмас.

Тил ва нутқ birlikларини абстракт ва конкрет birlik сифатида қарама-қарши қўйиш, сўзни шу оппозицияга тушириб бўлмаслик мазкур олимлар томонидан сўзнинг тил birlikи сифатида мавжуд эмаслигини асословчи далил қилиб келтирилади. Аслида, сўз ҳам шу оппозицияга тушади. Тил birlikи сифатида индивид онгида сўз моддий қобиғининг умумлашган образи мавжуд бўлади. Нутқий жараёнда бу белги ҳар бир сўзловчи томонидан янгидан яратилади. Белгининг ҳар сафар янги «нусхаларда» намоён бўлишига сўзловчининг мазкур белгининг билиши ва уни талаффуз қила олиши асос бўлади.

Т.П.Ломтев Ф.де Соссюрнинг тил ва нутқ фарқланишини турли фанларнинг ўрганиш объекти экани ҳақидаги концепциясини танқид қиларкан, бу чекланишга барҳам беришнинг ягона йўли диалектикадаги моҳият ва унинг воқеланиши категориясини қўллаш эканини таъкидлайди. Тил-нутқ зидланишига ана шу категория асосида ёндашув бир фактни тилга, бошқа фактни нутққа мансуб деган қарашга барҳам беради. Бу категория нуқтаи назардан, нутқда тилга хос бўлмаган birlikларнинг бўлиши, тилда эса нутқда воқеланмаган birlikнинг бўлиши мумкин эмас. Тил ва нутқ ҳодисалар фарқланиши асосида эмас, балки моҳият ва ҳодиса фарқланиши асосида бир-бирига зидланади. Ана шу нуқтаи назардан сўзгина эмас, балки сўз бирикмалари ва гаплар ҳам тил birlikлари саналади.

Барча лингвистик birlikлар тил ва нутқ birlikлари ҳисобланади: бир томондан, улар тилга, иккинчи томондан, нутққа қаратилган бўлади.

Бундай нуқтаи назардан конструкцияларнинг имконият сифатида тилга мансуб эканини, унинг конкрет морфемик ва лексик birlikлар билан воқеланиши нутққа хос эканини эътироф этиш мумкин. У ҳолда конструкцияни ҳам модел сифатида тил сатҳлари бўйича сўз моделлари, гап моделларига бўлиш эҳтиёжи сезилади. Сўз моделлари нутқ жараёнида конкрет сўзлар ёки сўз шакллари, гап моделлари эса жумлалар орқали воқеланади.

Синтактик сатҳда гап модели учун соддароқ қилиб *гап*, унинг нутқда воқеланиши учун эса *жумла* атамасидан фойдаланиш мумкин. У вақтда тил-нутқ зидланишини тил сатҳлари бўйича қуйидаги жадвал орқали кўрсатиш мумкин:

№	Лисоний фаолиятнинг таркибий қисмлари		Тил сатҳлари	Тилшунослик бўлимлари
	Тил birlikлари	Нутқ birlikлари		
1	Фонема	Товуш, (фонема варианты, аллофон, фон)	Фонологик ва фонетик сатҳ	Фонология ва фонетика
2	Морфема	Морфема варианты (морф ёки алломорф)	Морфемик сатҳ	Морфемика

3	Лексема	Лексема варианты (лекс ёки аллолекс)	Лексик сатҳ	Лексикология
4	Фразема	Фразема варианты (аллофразема)	Фразеологик сатҳ	Фразеология
5	Конструкция			
	5.1.	Сўз модели	Сўз шакли	Морфологик сатҳ
	5.2.	Бирикма модели	Сўз бирикмаси	Синтактик сатҳ
	5.3.	Гап ёки гап модели	Жумла	

Шундай қилиб, ҳозирги кунда тилнинг белгилар системаси эканини деярли барча тилшунослар эътироф этадилар. Лекин лингвистик белгининг тузилиши масаласида тилшунослар икки хил фикр билдирадилар. Уларнинг бири лингвистик белги бир томонлама моҳиятдир, у фақат ифодаланмишни ўз ичига олади десалар, иккинчи гуруҳ тилшунослар унинг икки томонлама моҳият эканини, ифодаловчи ва ифодаланмиш бир бутунлигидан иборат эканини баён қиладилар. Тил белгиси билан тил бирликлари ўртасидаги фарқли хусусиятлар ҳам тил белгисига икки хил ёндашув асосида талқин этилади.

Лингвистик белгининг монолетаристик ёндашувида тил бирликлари ифодаловчи ва ифодаланмиш бир бутунлигидан ташкил топиши билан лингвистик белгидан фарқланади. Бунга мувофиқ, фақат маъноли бирликларгина (сўз-лексема, морфема, синтаксема) тил бирликлари саналади (В.Солнцев). Фонема маъно ифодаламагани учун тил бирликлари қаторига киритилмайди.

Лингвистик белгининг билатералистик концепциясида эса, аксинча, маъноли бирликлар лингвистик белги саналгани ҳолда тил бирликлари реал бирликларнинг (нутқ бирликларининг) умумлашган типи сифатида талқин қилинади. Бунга мувофиқ, фонема маъно ифодаламагани учун лингвистик белги ҳисобланмайди. Лекин у тил бирлиги, чунки муайян товушларнинг умумлашган типидир. Морфема, лексема, фразема, синтаксемалар ҳам тил бирликлари, уларнинг намоён бўлиш шакллари эса (аллофон, алломорф, аллолекс ва бошқалар) нутқ бирликларидир.

Лингвистик белгининг ифодаловчиси билан ифодаланмиши ўртасида қисман мотивация муносабати бўлса-да, умуман олганда, улар ўртасидаги муносабат эркиндир.



## ТИЛШУНОСЛИКНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ\*

### Фан ва унинг пайдо бўлиши

1. Ўзаро сўзлашганда фан сўзини кўп эшитамиз. Лекин фан нима? У нималарни ўз ичига олади? Бу саволларга жавоб беришда кўпинча ўйланиб қоламиз. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида фан тушунчаси ҳақида қуйидагича изоҳ берилади: «Табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонуниятларини очиб берувчи ҳамда атрофдаги муҳитга таъсир кўрсатувчи билимлар системаси».

Инсон пайдо бўлибдики, ўзини қуршаб турган оламни ва шу оламнинг таркибий қисми бўлган ўзини ҳам билишга қизиқиб келади. Ана шундай қизиқиш, айниқса, Қадимги Шарқ мамлакатларида, хусусан, Миср, Ҳиндистон, Хитойда кучайди, табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонунларини амалий асосда кузатиб башорат қилувчи махсус кишилар – мутафаккирлар етишиб чиқди. Бундай мутафаккирларнинг оламни амалий кузатишлари натижасида чиқарган хулосалари жамлана бориб математика, астрономия, мантиқ, этика сингари фанларнинг асослари пайдо бўлди.

2. Ўзбек тилида **фан** маъносида **илм** атамаси ҳам қўлланилади. Лекин илм атамасининг маъноси кенгрок.

Ислом Шарқида «илм» тушунчаси ҳам диний, ҳам дунёвий мазмун касб этган. Айни пайтда, илмнинг мазкур икки палласи ўзига хос жиҳатларга эгаллиги ҳам инкор этилмаган. Бу ҳақда А.Аъзамов қуйидагиларни ёзади: «Фан инсон яшайдитан муҳит – табиат (метогалактикадаги жараёнлардан мия фаолиятигача) ва жамият билан (БМТ фаолиятидан шахс руҳиятигача) иш тутса, дин инсоннинг ички дунёси – қалб ва руҳига тааллуқлидир. Ҳар икки жабҳа онг ва тафаккур кўприклари билан туташган».

XI асрдан (яъни тасаввуф таълимоти илм сифатида шаклланидан) бошлаб «илми қол» ва «илми ҳол» тушунчалари муомалага киритилди. Дастлаб мазкур икки тушунча сўфийнинг зоҳирий ва ботиний дунёсига оид, муршиддан муридга берилиши мумкин бўлган ёки бўлмаган билимга нисбатан қўлланган. «Илми қол» сўз билан ифодалаш, ўрганиш йўли орқали

берилиши мумкин бўлган билимни англатса, «илми ҳол» ҳар бир сўфийнинг, ўз тафаккури ва эътиқодига хос, қалб кўзи билан етишган, ўзгаларга ўргатиш имкони бўлмаган билимни билдирган. Абу Райҳон Беруний «қол илми», Баҳоуддин Нақшбанд эса «қол илми»нинг етук вакили эди. Бири авлодлар учун нодир асарлар ёзиб қолдирган бўлса, иккинчиси юзлаб издошларига руҳият сабоғини берган. Шунинг баробарида Беруний ўзига замондош сўфийлар таълимотини инкор қилмаган, Нақшбанд ҳам дунёвий илмга хайрхоҳ бўлган.

Ҳар қандай фан асосида кишиларнинг оламни бевосита кузатиши ётади. Инсон ўзини қуршаб турган олам узвларини сезги органлари ёрдамида ҳис қилади. Бошқаларига солиштиради, фарқли ва ўхшаш белгиларини аниқлайди. Сўнгра муайян хулосага келади. Демак, ҳар бир фан инсонларнинг оламни кузатиши, билиши жараёнида, унинг натижасида пайдо бўлади.

3. Фаннинг асоси бўлган билиш узоқ вақтлардан буён мутафаккирларни қизиқтириб келади. Жумладан, бизнинг бобокалонларимиз ҳам бу соҳада ўзларининг қимматли фикрларини баён қилганлар.

Дунё алломалари ичида иккинчи муаллим номи билан танилган Форобий билишнинг икки даражасини ажратади. Хусусан, у «Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида» («Ихсо ал-улум») асарида илмларни келтириб чиқарадиган сабаблар ҳақида фикр юритиб, қуйидагиларни баён қилади: «Оламда субстанция (жавҳар) ва акциденция (ораз) ҳамда субстанция ва акциденцияни яратувчи Марҳаматли Ижодкордан бошқа ҳеч нарса йўқдир».<sup>1</sup>

Форобийнинг *жавҳар* ва *ораз* ҳақидаги мазкур фикри билиш назариясида буюк инқилоб эди. Чунки бизни қуршаб турган олам ва унинг унсурлари жавҳар ва оразларнинг ўзаро диалектик муносабатидан ташкил топган.

Форобий тилга олган жавҳар ва ораз тушунчалари остида нима ётади? Ҳар қандай нарса дастлаб бизнинг сезги органларимизга таъсир қилади. Ана шу сезги органларимиз ёрдамида ҳис этиш мумкин бўлган белгилар ораз саналади. Ораз Аристотель фалсафасидаги акциденцияни билдиради.

Форобийнинг тушунтиришича, оразни беш сезги органлари ёрдамида ҳис этамиз.

Хусусан, ранг кўриш; овоз эшитиш; таъм – маза, предметларнинг ҳолати: совуқ-иссиқлиги, қаттиқ-юмшоқлиги тана, хид хидлаш сезги аъзолари орқали ҳис этилади.

Бу сезги органлари инсондан ташқари ҳайвонларда ҳам мавжуд. Демак, юқоридаги сезги органлари барча жонзотларга хос. Улар орқали ҳар қандай жонзот ўзини қуршаб турган оламни амалий билади, унга мослашади.

Инсоннинг сезги органлари ёрдамида ҳосил қилган билими ҳиссий ёки амалий билим саналади. Булардан ташқари, инсон хаёл суриш, нутқ ёрдамида ҳам билимга эга бўлиши мумкин. Билишнинг мазкур йўли *қувваи нотика* ва *қувваи мутахайила* дейилади. Нотика қуввати бошқа барча қувватларнинг (сезгиларнинг) етакчиси, раисасидир.<sup>1</sup>

Ҳиссий билим билишнинг асоси, таянч нуқтаси саналади. У инсонни куршаб турган олам узвларидан ҳар бирини алоҳида кўриш, ушлаш, эшитиш, мазасини татиш, ҳидлаш орқали ҳосил қилинади.

Ҳиссий билим билиш жараёнининг марказий нуқтаси саналса-да, лекин у кўпинча алдаб қўйиши мумкин. Масалан, Қуёш Ер атрофида айланаётгандай кўринади. Аслида эса аксинча.

Шунинг учун аждодларимиз ҳиссий билиш билан идрокий билишни ажратганлар. Идрокий билиш ҳиссий билимларни солиштириш, қиёслаш, умумлаштириш, ҳиссий билимларнинг юзаша келишига асос бўлган оразлар (акциденциялар) замирида яширинган моҳиятни – жавҳарни аниқлаш орқали ҳосил қилинади. Масалан, танада иситманинг кўтарилишини аниқлаш ҳиссий билим саналади. Лекин ҳар қандай ҳарорат ўз-ўзидан кўтарилмайди. Унинг маълум ички сабаблари бор. Ана шу сабабни аниқлаш иситмага ўхшаш, у билан боғлиқ бир қанча ҳиссий билимларни солиштириш, қиёслаш, умумлаштириш орқали амалга оширилади ва иситма ниманинг ташқи аломати экани аниқланади.

Солиштириш, қиёслаш, мантикий умумлаштириш орқали ҳосил қилинган билим идрокий, назарий билим саналади. Бу билим орқали оразлар замиридаги жавҳар белгиланади. Ҳар қандай фан ана шу билимларни келтириб чиқаради.

Бундан кўринадики, ҳиссий (фаҳмий) билим тажриба, амалиёт, бевосита кузатиш босқичи саналиб, ҳақиқий назарий (идрокий) билим амалий билимларнинг ўзаро муносабатини ўрганиш, умумлаштириш орқали ҳосил қилинади, мазкур билимга эга бўлиш ҳар қандай фаннинг бош мақсади саналади.

Билишнинг бу икки босқичи ҳозирги даврда барча фан вакиллари томонидан эътироф этилади. Ана шу икки босқич ҳақида илк марта маълумот берган олим бобокалонимиз Абу Наср Форобий саналади.

4. Ҳар бир фан кишиларнинг амалий эҳтиёжи туфайли вужудга келади. Буюк аждодимиз Абу Райҳон Беруний ҳам «Геодезия» асарининг кириш қисмида ҳар бир фаннинг инсон ҳаётидаги зарурий эҳтиёжлар талаби билан вужудга келишини айтади.

Фанларнинг келиб чиқиши ҳақида илк маълумот Абу Наср Форобий томонидан берилади. Унинг фикрича, ҳар бир фан жавҳар (субстанция) ва ораз (акциденция)ларни ўрганиш асосида келиб чиқади. Хусусан, сонлар тўғрисидаги илмнинг пайдо бўлиши ҳақида қуйидагиларни ёзади: «...бирликлардан вужудга келувчи саноксиз ва жуда кўп миқдорни ташкил қилувчи сон субстанциянинг турли усуллар билан қисмларга ажратиш ва унинг турли бирликлардан иборатлиги натижасида келиб чиққандир. Субстанция ўз табиати жиҳатидан чексиз даражада бўлакларга ажратиб кета олишлиги сабабли сон ҳам ўз табиати жиҳатидан чексиздир. Сон тўғрисидаги илм бу субстанция бўлақларини бир-бирига кўпайтириш, бирини иккинчисига бўлиш, бирини иккинчисига қўшиш, бирини иккинчидан айириш, агарда бу бўлақларнинг негизи бўлса, негизини топишга ва уларнинг мувозанатини аниқлашга қаратилган илмдир. Соннинг қандай келиб чиққани,

унинг вужудга келиши ва кўпайиши, уни мустақил мавжудлик даражасига олиб келган, имкониятдан воқеликка ҳамда йўкликдан борлиққа айлантирган сабаб нимадан иборат экани юқорида айтилганлардан аниқ кўриниб турибди. Бу илмни юнон донишмандлари арифметика деб атайдилар».<sup>1</sup>

Субстанциянинг кўп бўлакларга ажрала бошлаши ва улардан ҳар бирининг маълум фигураларга (учбурчак, тўртбурчак ва ҳ.к.) эга бўлиши ва фигураларни ўрганадиган илмга эҳтиёж туғдирди. Ана шу эҳтиёж туфайли геометрия фани вужудга келди. Субстанциянинг ҳаракатчанлиги таъкидланиши билан бирга осмон ҳаракатини ўрганувчи илм вужудга келганини айтади. Бу илм олдинги икки илм: арифметика ва геометрияга асосланиши, уларсиз мавжуд бўлмаслиги таъкидланади ва бу илмнинг номи астрономия эканини ёзади.

Субстанция ҳаракатдан ташқари овозга ҳам эга бўлиши ва мазкур белгини ўрганувчи мусиқа фани вужудга келган субстанция қизариш-оқариш, узайиш-торайиш, кўпайиш-камайиш, туғилиш-ўлиш, касалланиш-соғайиш каби белгиларга ҳам эгаллиги ва субстанциянинг бундай ўзгаришларини ўрганишга эҳтиёж туфайли табиат тўғрисидаги фан пайдо бўлганини баён қилади.

Булардан сўнг илоҳиёт илмининг, ундан кейин тил ҳақидаги илм ва грамматиканинг, шунингдек, мантиқ ва поэтиканинг қандай амалий эҳтиёж билан вужудга келганини асосли далиллар билан кўрсатиб беради.

Илоҳиёт илми ҳақида фикр юритар экан, «бу илмнинг табиатдан юқори турган илм – метафизика илми» экани ва у барча илмларнинг якуни ва охири экани, ундан сўнг бирор нарсани текширишга зарурат қолмаслиги айтилади.

Кўринадикки, барча фанлар объектив борлиқдаги жавҳар (субстанция) ва унинг оразлари (акциденциялари)ни ўрганиш асосида вужудга келгани таъкидланади ва тил ҳақидаги илм билан грамматика фанлар ичида алоҳида ўрин тутиши кўрсатилади.

Мазкур фикрлар бундан минг йиллар олдин баён қилинган бўлса-да, ханузгача ўз қимматини йўқотгани йўқ.

## **Фанлар системаси**

Система нима? Бу саволга ҳозирга қадар турлича жавоблар берилади. Система нима эканига жавоб беришдан олдин унинг қандай муҳим белгилардан иборат эканига эътибор бермоқ лозим.

Аввало, ҳар қандай система ички бўлинувчанлик хусусиятига эга. Демак, система муайян ички тузилишга эга бўлиб, икки ва ундан ортиқ қисмларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топади. Масалан, бир туп дарахтни олсак, бу дарахт система сифатида ички тузилиш бирликларининг ўзаро муносабатидан иборат. Унинг ички тузилиш бирликлари илдиз, тана, шох ҳамда уларнинг муносабатидан ташкил топган.

Системанинг иккинчи жиҳати шундан иборатки, системани ташкил этган узвлар ўзаро шартланган, бир-бирини тақозо этувчи кўп поғонали муносабатда бўлади. Масалан, илдизсиз тананинг, танасиз шохнинг бўлиши

мумкин эмас. Уларнинг ҳар қайсиси бир-бирини тақозо этади, бир-бири билан шартланган.

Системанинг учинчи жиҳати шундаки, ҳар қандай система ички бўлинувчанлик хусусиятига эга бўлгани туфайли системани ташкил этган қисмлар билан система ўртасида ҳам муносабат бўлади. Бу муносабатни «...дан ташкил топади», «...нинг таркибига киради» ифодаси билан кўрсатиш мумкин. Бошқача айтганда, бутун ва бўлак, тур ва жинс муносабатини ўз ичига олади. Масалан, дарахт ва унинг илдизи, танаси, шохи, барглари ўртасида бутун ва бўлак муносабати бўлса, дарахт билан олма, ўрик, шафтоли ўртасида тур ва жинс муносабати мавжуд.

Системанинг тўртинчи жиҳати ички тузилишининг поғонавийлигидир. Яъни бутун ва бўлаклик, тур ва жинслик муносабати нисбий характерга эга. Маълум жинсларга нисбатан тур, бўлакларга нисбатан бутун бўлган қисм бошқа бутун ёки тур таркибига кириб бўлак ёки жинс бўлиши мумкин. Масалан, олма бир неча навларнинг умумлашмаси сифатида навларга нисбатан тур, ҳар қайси нав эса жинс бўлиб келса, дарахтга нисбатан олма жинс ролини ўйнайди.

Системанинг бешинчи жиҳати субстанционалликдир. Яъни субстанция ва уни бевосита кузатишда тазоҳирлар орқали воқеланиши, умумийлик – хусусийлик, моҳият – ҳодиса, имконият – воқелик диалектикасининг ўзида намоён этишидир.

Шундай қилиб, бир-бирини тақозо этувчи икки ва ундан ортиқ унсурларнинг ўзаро шартланган муносабатидан ташкил топган бутунлик система саналади.

Бу жиҳатдан фан ҳам системадир. Чунки у ҳам ички бўлинувчанлик хусусиятига эга. Шу билан фанни ташкил этган ҳар бир узв ўзаро шартланган муносабатда. Бир фан тури иккинчи фаннинг бўлишини тақозо этади. Масалан, геометрия арифметика билан узвий алоқада. Геометрия ва арифметикасиз астрономиянинг бўлиши мумкин эмас ва ҳ.к.

Фан система (бутунлик) сифатида ички бўлиниш хусусиятига, яъни ички тузилишга эга. Унинг ички тузилиши поғоналидир. Фан, аввало, йўналишларга, йўналиш тармоқларга, тармоқлар яна кичик ихтисосликларга бўлинади.

Мазкур бўлинишнинг ҳар бири бир поғонани ҳосил қилиб, кейинги бўлинишлар учун кичик система вазифасини ўтайди. Масалан, аввало, табиий фанлар. ижтимоий-гуманитар фанлар, техника фанлари каби йўналишларга бўлинади. Табиий фанлар фанлар системасида ўзаро муносабатда бўлган бир неча бўлакларнинг биттаси сифатида система элементи саналса, кейинги босқичида табиий фанларнинг ўзи физика-математика, кимё, биология, механика, техника каби фан тармоқларини ўз ичига олиб, бу фанлар учун система ролини ўтайди. Физика-математика фанлари физика ва математика фанларига бўлинади. Физика ва математика ўзи ҳам яна ички бўлинишга эга. Масалан, математика математик таҳлил, геометрия, эҳтимоллар назарияси, алгебра ва сонлар назарияси каби ихтисосликларга бўлинади.

Ҳар бир бўлинишда бўлинувчи система бўлса, бўлинма унинг аъзоси вазифасини бажаради. Система таркибидаги ҳар бир аъзо шу система доирасида ўзаро шартланган, бир-бирини тақозо этувчи муносабатда бўлади. Масалан, математика таркибига кирувчи барча ихтисосликлар ўзаро ана шундай муносабатдадир. Фанлар системасида маълум фан тармоғи билан муносабатда бўлмаган бирор бир тармоқ мавжуд эмас.

Юқорида баён қилинганлар асосида фанлар системасини қуйидаги чизмада ифодалаш мумкин.

Ҳозирги кунла мустақил республикамизда йигирмадан ортиқ фанлар таркибига кирган беш юз саксондан ортиқ ихтисосликлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бир объект ҳозирги кунда бир неча фанларнинг оралиғида ўрганилиши лозим бўлади. Демак, маълум бир фан бошқа туташ фанларсиз тўлақонли муваффақиятга эришолмайди.<sup>1</sup>

### **Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан муносабати**

Тилшунослик фанлар системасида деярли барча фанлар билан узвий алоқада. Бунинг сабаби тилшунослик фанининг ўрганиш объекти бўлган тилнинг моҳияти билан боғлиқдир.

Аввало, тил кишилар ўртасидаги энг муҳим алоқа воситаси сифатида ижтимоий характерга эга. Демак, у бошқа ижтимоий ҳодисалар билан узвий алоқада. Масалан, тил эгаси бўлган халқнинг тарихи, маданияти, руҳияти ва бошқалар.

Бу шуни кўрсатадики, ўзаро муносабатда бўлган барча ижтимоий ҳодисаларни ўрганувчи ижтимоий фанлар ҳам ўзаро муносабатдадир. Хусусан, тилшунослик фалсафа, тарих, этнография, социология, психология сингари фанлар билан узвий алоқада.

Тил фикрни шакллантирувчи ва ифодаловчи воситадир. Демак, тилшунослик тилнинг тафаккур билан алоқасини ўрганар экан, тафаккур қонуниятларини ўрганувчи мантиқ ва психология фанлари билан туташ нуқталарга эга бўлади.

Тил маълум жамиятнинг алоқа воситаси сифатида шу халқнинг тарихи, этнографияси билан ҳам бевосита алоқададир. Ўша алоқа тилшуносликнинг тарих, этнография билан боғлиқ эканини кўрсатади.

Халқ маданий оламининг шундай тармоғи борки, улар учун тил, худди рассом учун ранг-бўёқ, ҳайкалтарош учун лой ёки тош сингари, моддий восита бўлиб хизмат қилади. Бу тармоқ адабиётдир. Шунинг учун адабиёт сўз санъати ҳисобланади. Сўз бир вақтнинг ўзида ҳам тилшуносликнинг, ҳам адабиётшуносликнинг ўрганиш объекти саналади. Уларнинг фарқи фақат сўзга қандай нуқтаи назардан ёндашишга боғлиқ.

Сўзнинг аташ маъноси ва унинг онтологик тузилиши тилшуносликнинг ўрганиш объекти бўлса, унинг таъсир этиш, бадий-эстетик вазифаси адабиётшуносликнинг ўрганиш объекти бўлади.

Тил гарчи вазифа бажариш нуқтаи назаридан ижтимоий характерга эга бўлса-да, лекин юзага чиқиш нуқтаи назаридан инсоннинг физиологик тузилиши билан узвий боғлиқ. Чунки лисоний фаолият бош мия фаолияти билан боғлиқ ҳолда, нутқ органларининг ҳаракати ҳосиласи сифатида юзага чиқади. Бу эса тилшунослик билан физиологиянинг ўзаро нақадар боғлиқ эканини кўрсатади.

Ҳар қандай нутқ товушлар силсиласидан ташкил топади. Товуш эса муайян моддий жисмнинг ташқи таъсир туфайли ҳаракатланиши ва ҳавонинг тебраниши натижасида пайдо бўлади. Товушнинг юзага келиши ва унинг акустик хоссасини ўрганиш жараёнида тилшунослик физиканинг акустика бўлими билан узвий алоқада бўлади.

Тил кишилар ўртасида ахборот ташувчи асосий воситадир. Кишилар бошқа ахборот воситаларидан ҳам фойдаланадилар. Бу ахборот воситаларининг ҳаммаси белгили табиатга эга. Чунки мазкур воситалар объектив олам ҳақидаги ахборотни бевосита эмас, балки билвосита, белгилар ёрдамида ифодалайди. Тилнинг бошқа ахборот ташувчи воситалар каби белгили табиатини, унинг белгилар системаси эканини очишда тилшунослик семиотика билан ҳамкорлик қилади.

Ахборот муайян техник воситалар ёрдамида узоққа узатилиши ҳам мумкин. Ахборот узатиш воситаларини ўргатиш учун тилшунослик ахборот назарияси билан алоқа қилади.

Ҳозирги кунда автоматик таржима кенг тармоқ отмоқда. Автоматик таржима эса таржима қилинаётган тилларнинг лексик имкониятларини программалаштириш маҳсули саналади. Демак, автоматик таржима тилшунослик ва кибернетиканинг ўзаро муносабати туфайли юзага келади.

Шу қисқа далиллар рўйхатининг ўзиёқ тилшуносликнинг фанлар системасидаги жуда кўп фанлар билан узвий алоқадорлигидан гувоҳлик беради.

### **Тилшуносликнинг фанлар системасидаги ўрни**

Юқорида баён қилинганлардан маълум бўлдики, тилшунослик бошқа фанлар билан маълум муносабатдадир. Бу эса тилшуносликнинг фанлар системасидаги ўрнини белгилашда бир қадар қийинчилик туғдиради.

Тилшуносликни у ёки бу фанлар синфига киритишда мазкур фан ўрганадиган объектнинг табиати асос қилиб олинади. Бу жиҳатдан унинг ўрганиш объекти ҳам кўп қиррали, мураккабдир. Биринчидан, тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситаси, билимларини сақловчи ва келажак авлодга етказувчи, кишиларда эстетик завқ уйғотувчи қудратли восита. Ана шу вазифаларини эътиборга олганда, тил ижтимоий ҳодисадир. Чунки у муайян жамият учун хизмат қилади. Агар шу жамият бўлмаса, унинг тилига ҳам зарурат қолмайди. Жамиятдаги ҳар бир ўзгариш унинг тилида ўз изини

қолдиради. Тилни ана шундай ижтимоий моҳият сифатида ўрганиш тилшуносликни ижтимоий фанлар таркибига киритишга асос бўлади.

Иккинчидан, моҳиятан ижтимоий характерга эга тил муайян физик ва физиологик жараёнлар асосида моддийлашади. Тилнинг ана шу моддийлашиш томонини ўрганиш тилшуносликни табиий фанлар сирасига киритиш имконини туғдиради. Шунинг учун А.Аъзамов тилшуносликни табиий фанлар қаторида санайди.

Учинчидан, тил ва тафаккур ўзаро ажралмас. Тил фикрни шакллантирувчи ва ифодаловчи моддий воситадир. Бу жиҳатдан тил ва тафаккур шакл ва мазмун диалектикасини ўзида намоён этади. Тилнинг ана шу жиҳатларини ўрганиш томони тилшуносликни фалсафа, мантиқ, психология фанлари тизимига киритишга асос бўлади.

Тўртинчидан, тил узлуксиз ривожланиб, такомиллашиб боровчи ҳодисадир. Бу жиҳатдан у жонли организмга ўхшайди. Тилнинг ана шу динамик хусусиятларини ўрганиш томонидан тилшунослик биология фанлари билан умумий белгиларга эга.

Буларнинг ҳаммаси тилнинг нақадар мураккаб, кўп қиррали ҳодиса эканидан далолат беради. Шунинг учун тилшунослик тарихида уни турли фанлар синфига киритишга уринишлар бўлган.

Ҳали тилшунослик алоҳида фан бўлиб ажралиб чиқмасдан олдин унга тегишли муаммолар фалсафа таркибида ўрганилди. Хусусан, Арасту, Платон, Форобий сингари олимларнинг тил муаммолари билан шуғулланиши ана шу аспектда олиб борилди.

Араб тилшунослигида ўрта асрлардаёқ тилшунослик фалсафадан ажратилди. Тилшуносликнинг лексикография, этнография, графика каби соҳалари билан шуғулланадиган алоҳида мутахассислар дунёга келди. Лекин бу ишларнинг ҳаммаси умумий филологик йўналишда олиб борилди.

Тилшунослик мустақил фан соҳаси сифатида XIX асрдагина ажралиб чиқди. Лекин унинг фалсафа, психология, мантиқ фанлари билан узвий алоқадорлиги сақланиб қолди. Шунинг учун умумий ва қиёсий-тарихий тилшуносликнинг асосчилари бўлган Яков Гримм, Расмус Раск, Вильгельм Гумбольдт сингари олимлар бир вақтнинг ўзида йирик файласуф ҳам эдилар. Шу билан бирга, барча кўзга кўринган файласуфлар тилшунослик масалалари юзасидан ҳам баҳс юритдилар. Мисол тариқасида Ж.Руссо, В.Чернишевскийни кўрсатишимиз мумкин.

Тилшунослик ва фалсафанинг бундай зич алоқада ўрганиш ҳар икки фанни бойитиш учун катта хизмат қилса-да, лекин уларнинг аниқ чегарасини белгилаш, ўзига хос хусусиятларини чуқур таҳлил этиш учун халақит берар эди. Натижада тилшунослик ва фалсафа мустақил, айни пайтда, алоқадор фанлар сифатида ўрганила бошлади.

Табиий фанларнинг ривожланиши, бу фанларда улкан кашфиётлар қилиниши натижасида тилшуносликни ҳам табиий фанлар қаторига киритиш, мазкур фан ўрганувчи тилни эса биологик ҳодиса сифатида қараш ҳолатлари вужудга келди. Хусусан, XIX аср ўрталарида Ч.Дарвин таълимоти асосида табиатшунослик фанларининг гуллаб-яшнаши даврида



дарвинизмнинг тилшуносликка ҳам таъсири кучайди. Тилшуносликда немис олими А.Шлейхер раҳбарлигидаги натуралистик йўналиш майдонга келди. Бу йўналиш тарафдорлари биология қонунларини тилнинг ички тузилиш тарихий тараққиётига нисбатан қўллашга интилдилар. Тилни биологик ходиса, тилшуносликни эса биология фанлари таркибидаги фан сифатида қарашга уриндилар. Натижада тилшунослик табиатшунослик фанлари асирлигида қолди.

XIX аср бошларидан эса тилшуносликни бошқа фанлардан ажратишга, унинг тадқиқот объектини аниқ белгилашга эътибор қаратилди. Бундай ҳаракат, айниқса, машҳур швейцар олими Фердинанд де Соссюр асарларида ёрқин ўз ифодасини топди. Унинг тилни «ўзида ва ўзи учун» ўрганиш лозим деган шиори ана шу ҳаракатнинг ёрқин ифодасидир.

Ф.де Соссюр лингвистикани ташқи ва ички лингвистикага ажратгани ҳолда тил билан алоқадор ҳодисаларни ташқи лингвистиканинг ўрганиш объекти ҳисоблади. Масалан, тилнинг шу тил эгаси бўлган жамиятнинг маданияти, тарихи, тафаккури ва бошқалар билан муносабати. Тилнинг ички тузилиши, тузилиш бирликлари ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари каби масалалар ички лингвистиканинг ўрганиш объекти сифатида ажратилди. У тилшуносларни ички лингвистикадан ташқарига чиқмасликка чақирди. Ана шу даъват асосида тилшунослик тарихида структур тилшунослик деб юритилувчи йўналиш дунёга келди.

Шу билан бирга, Ф.де Соссюр тилни белгилар системаси деб ҳисоблайди ва лингвистик белгиларнинг бошқа белгилар билан умумий жиҳатлари мавжудлигини таъкидлаган ҳолда, умуман, белгиларни ўрганувчи алоҳида фан тармоғи – семиология бўлиши лозимлигини баён қилади. Демак, тилшунослик ҳам семиология (семиотика) фанлари таркибига киритилади.

Структур тилшунослик вакиллари ички лингвистика доирасида фаолият кўрсатиши билан умумийликни ташкил этсалар-да, лекин улар тилнинг ички тузилиши бирликларининг қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор беришлари нуқтаи назаридан ўзаро фаркланадилар. Хусусан, Прага тилшунослик мактаби вакиллари структур бирликларнинг функционал томонига, Копенгаген мактаби вакиллари эса уларнинг имманент (зотий) томонига кўпроқ эътибор қаратдилар.

Структуралистлар тадқиқотнинг янги методларини қидирдилар. Бу йўлда физика ва математиканинг тадқиқот методларига яқинлашишга ҳаракат қилдилар. Натижада физика ва математиканинг тадқиқот усулига бир қадар яқин келадиган янги тадқиқот системасини яратдилар.

Сўнгги даврларда ахборот назариясининг кучайиши, автоматик таржиманинг кенгайиши натижасида айрим Ғарбий Оврупо олимлари томонидан тилшуносликни аниқ фанлар – техника фанларига киритишга уриниш ҳоллари сезилмоқда.

Тил ўзи билан боғлиқ бир қанча ҳодисалар билан қанчалик узвий алоқада бўлмасин, энг аввало, ижтимоий ҳодисадир. Чунки у жамиятнинг алоқа-аралашув эҳтиёжини қондириш талаби билан юзага келган ва ана шу жамиятнинг тақдири, тарихий тараққиёти, турмуш тарзи, маданияти ва

ҳоказолар билан боғлиқ равишда ривожланади. Шундай экан, унинг ижтимоий фанлар сирасига кириши табиийдир. Бошқа ижтимоий фанлардан фарқли равишда табиий фанлар билан туташ нуқталари мавжуд. Демак, ижтимоий фанлар системасида тилшунослик чегара ўринни эгаллайди. Бу чегара табиий фанлар билан ижтимоий фанларнинг оралиғини ташкил этади.

### **Тилшуносликнинг ижтимоий фанлар билан муносабати**

Бизни қуршаб турган олам системавий хусусиятга эга бўлганидек, оламнинг бир узвий қисми бўлган инсоният олами ҳам системадир. Аввало, инсоният олами инсонлар ва уларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топади. Демак, инсониятни ташкил этган инсон ўзи алоҳида яшолмайди. Шахс бошқа шахслар билан муносабатда яшайди. Ана шу муносабат ижтимоий, яъни инсонлар муносабатидан ташкил топган муайян жамиятга хос муносабатлар саналади.

Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий муносабатларни ўрганувчи фанлар ижтимоий фанлар ҳисобланади. Маълум жамиятга хос индивидларнинг ўзига хос руҳияти, бадиий-эстетик олами, нутқий хусусияти каби жиҳатлари борки, бу томонлар гуманитар фанларнинг текшириш объекти саналади.

Ижтимоий фанлар билан гуманитар фанлар ўртасида катта тўсиқ, чегара мавжуд эмас. Айтиб бериш мумкин, ҳам ижтимоий, ҳам гуманитар фанларга алоқадор бўлиши мумкин. Масалан, тилшунослик тилнинг алоқа воситаси сифатидаги вазифасини, ижтимоий моҳиятини очиш билан ижтимоийлик хусусиятига эга бўлса, муайян индивид нутқининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш билан гуманитарлик касб этади. Шунингдек, психология ҳам индивидуал шахслар психологиясини ўрганиш билан биргаликда жамиятга хос умумий психологияни ҳам ўрганади (этнопсихология). Бу эса ижтимоий фанлар билан гуманитар фанлар ўртасида ўзаро зич алоқа мавжудлигини, уларни бир-биридан ажратиб бўлмаслигини кўрсатади. Шу боис ҳар икки тармоқ бирлаштирилиб, ижтимоий-гуманитар фанлар деб юритилади.

Ижтимоий фанлар таркибига фалсафа, мантиқ, иқтисодий назария, педагогика, психология, тарих, адабиёт каби бир қанча фанлар киради.

### **Тилшунослик ва фалсафа**

Ҳар қандай фан амалий билиш устига қўйилган назарий билишга асосланади. Билиш эса фалсафа фанининг асоси саналади. Назарий фалсафа асосчиси Кант унинг ўрганиш предмети нарсалар (табиат ва жамият) эмас, балки инсоннинг билиш фаолиятини илмий текширишдан, инсон ақлий фаолиятини аниқлашдан иборат эканини таъкидлаганди.

Фалсафа инсоннинг ўз моҳиятини англаши, борлиқнинг турли соҳаларига оид ҳодиса ва воқеалар ҳақида уларнинг туб моҳиятини ифодаладиган умумий хулосалар чиқариши демак. Фалсафий тафаккур оламдаги нарса ва ҳодисаларни фикрда умумлаштириб, ўзаро боғлиқликда ва

ривожланишда ўрганиш, уларнинг моҳиятини чуқурроқ ва тўлароқ билишдир. Фалсафанинг марказида борлиқ ва уни билиш муаммоси ётади.

Тил ҳам борлиқдаги кишиларнинг алоқа воситаси сифатида инсон билимига берилади. Шундай экан, ҳар қандай фан, жумладан, тилшунослик ҳам фалсафа билан узвий боғланади. Барча фанлар каби тилшунослик учун ҳам у ёки бу фалсафий йўналиш тадқиқот методологияси бўлиб хизмат қилади.

Тилшуноснинг ўз тадқиқоти юзасидан қандай хулосага келиши, илмий ҳақиқатни қай даражада объектив очиб бериши унинг қандай фалсафий йўналишга асосланишига боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир тилшунос муайян фалсафий йўналишга асосланмоғи лозим.

Масалан, Ғарбий Оврупода умумий тилшуносликнинг отаси ҳисобланувчи Вильгельм Гумбольдт тадқиқотлари учун И.Кант ва Гегель фалсафаси методологик асос бўлиб хизмат қилди.

И.Кантнинг фалсафий қарашлари «Соф ақл танқиди», «Амалий ақл танқиди» ва «Ҳукм қобилияти танқиди» каби асарларида ўз ифодасини топган. И.Кантнинг таъкидлашича, бизнинг онгимиздан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда «нарсалар олами» мавжуд. Бундай нарсаларни у «нарсалар ўзида» деб номлайди. Билиш ана шу «нарсалар ўзида»нинг сезги органларимизга таъсири натижасида ҳосил бўлади. Унинг фикрича, сезги органларимизга таъсир қиладиган «нарсалар ўзида»нинг сир-асрорларини билиш мумкин эмас. У «трансцендент» хусусиятга эга.

В.Гумбольдтнинг лингвистик таълимотида И.Кантнинг ана шу қараши марказий ўринни эгаллайди. У тилнинг у ёки бу ҳодисаларини билиб бўлмаслиги ҳақида такрор-такрор фикр билдиради. Тилнинг «халқ руҳи» билан алоқадорлиги, ҳатто тенглигини таъкидлаган ҳолда, бу алоқадорлик тушунтириб бўлмайдиган сир эканини кўрсатади.

И.Кантнинг фалсафа тарихидаги катта хизмати шундаки, у объектив оламдаги нарсалар ва ҳодисаларни ўзаро алоқадорликдалигини таъкидлайди ва мазкур алоқадаги ҳар бир нарсалар ва ҳодисалар узлуксиз ички ривожланишда эканини, ривожланиш ички зиддиятларга асосланишини, ақл табиатан зиддиятли характерга эга, шунинг учун диалектик зиддиятлар зарурлигини кўрсатади.

И.Кантнинг мазкур ғояларидан илҳомланган В.Гумбольдт тилнинг система, тил системаси таркибидаги ҳар бир аъзо эса ўзаро муносабатда эканини ва система аъзолари ўртасида зиддиятли муносабат мавжудлигини, ана шу зиддият ҳар қандай тараққиётнинг асоси эканини баён қилади. Шу асосда В.Гумбольдт ўзининг лингвистик антиномия ҳақидаги таълимотини яратди.

Машҳур немис файласуфи А.Гегелнинг «Рух феноменологияси» асарида баён қилинган мутлоқ руҳ ҳақидаги ғояси ҳам В.Гумбольдтга катта таъсир қилди. Гегелнинг фикрича, дастлаб олам ва тафаккур айнияти бўлган ва бу айният дунёнинг субстанционал (зотий) асосини ташкил этган. Тафаккур фақат субъектив инсон фаолиятигина эмас, балки объектив моҳият, барча мавжудотнинг бирламчи манбаи бўлган. Тафаккур модда, табиат ҳолида

ўзини «бегоналаштиради». «Абсолют ғоя»нинг олий тараққиёт босқичи «абсолют рух», яъни инсоният, инсоният тарихи саналади.

Гегелнинг бу ғояси таъсирида В.Гумбольдт тилнинг «халқ руҳи» экани ҳақидаги фикрлари дунёга келди.

Гегель тарихий жараёнининг диалектик характерини тадқиқ қилар экан, тил тараққиётига алоҳида аҳамият беради. У тилни назарий ақлнинг яратувчиси ҳисоблайди. Чунки тил унинг ташқи ифодаси саналади. Шу боис Гегель тил тараққиётини икки босқичга бўлади:

1) ҳали тили ривожланмаган ҳолатида бўлганда бу тилда гаплашувчи этник гуруҳлар тараққиётнинг юқори босқичига эришдилар;

2) жамят ва давлат маданий тараққиётга эришуви натижасида унинг тили камбағалроқ бўлди.

Гегелнинг тил тараққиётини бундай икки даврга ажратиши В.Гумбольдтга катта таъсир этди. В.Гумбольдт Гегелнинг юқоридаги ғояси асосида тилларни икки гуруҳга – такомиллашган ва такомиллашмаган тилларга бўлади. У тилларни бундай икки гуруҳга ажратишда муайян халқнинг ўз тилида объектив борлиқни ёки субъектив фаолиятни ифодалай олиш имкониятига асосланади. Унинг фикрича, барча тиллар бир хил қурилишга эга бўлиши мумкин эмас. Чунки мазкур тил эгалари ва уларнинг яшаш шароити бир хил эмас. Бундан ташқари, турли халқларда тилнинг ички шакли билан моддий (товуш) томонини синтезлаштириш шакли ва даражаси турлича. Тилларни юқоридаги каби икки гуруҳга ажратишда уларнинг ички шакли билан моддий томони ўртасидаги синтезланиш даражаси асос қилиб олинади.

В.Гумбольдтнинг эътироф этишича, такомиллашмаган тилларда гаплашувчи халқларда тилнинг ички шакли билан моддий томони ўртасида синтезлашиш даражаси табиатан кучсиз ёки маълум ҳолат таъсирида бузилади. Тил қурилиши олий даражада такомиллашган тилларда эса тил ва тафаккур ҳаракатининг тўлиқ қўшилуги кузатилади. Ана шундай қараш асосида В.Гумбольдт флектив тилларни такомиллашган, агглютинатив ва инкорпорацияли тилларни эса такомиллашмаган тиллар деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, у тилни халқнинг ақлий тараққиётини кўрсатувчи восита сифатида тилнинг юқоридаги икки шаклидан қайсисига мансублигага кўра бу тилларда гаплашувчи халқларни ҳам ақлий ривожланган ва ривожланмаган халқларга бўлади. Бу эса В.Гумбольдт фалсафий қарашидаги чекланганликнинг ёрқин ифодаси, Гегель фалсафасидаги энг ожиз томоннинг таъсири натижасидир.

Ўзбек тилшунослигида шўролар даврида барча фанлар учун марксистик таълимот методологик асос қилиб олинди. Бу таълимотнинг жуда кўп жиҳатлари Кант ва Гегель фалсафасидан олинган бўлса-да, лекин моддий борлиқда нима бирламчи – онгми ёки материями деган савол фалсафанинг бош масаласи сифатида қўйилди ва материянинг бирламчилиги олға сурилди. Шунга кўра, файласуфлар ҳам икки гуруҳга – материалистлар ва идеалистларга ажратилди.

Фалсафа тарихида минглаб йиллар давомида шаклланиб, ривожланиб келган, бир-бири билан узвий боғлиқ турли таълимотлар сунъий равишда материализм ва идеализм оқимларига бўлиб юборилди.

Инсониятнинг илмий, маънавий, ижтимоий камолотига катта ҳисса қўшган олимларнинг мероси чеккага улоқтирилди.

Истиқлол қўлга киритилгандан сўнг миллий маданиятимиз, миллий анъаналаримиз, бой маънавиятимизни тиклашга жиддий эътибор берила бошланди. Шундай экан, илмий тадқиқотларнинг компаси вазифасини бажарувчи методологик асосни ҳам қайта кўриб чиқиш пайти келди. Бизнинг мафкурамиз фикрлар хилма-хиллиги, эркин фикрлашга кенг йўл очган мамлакатимиз истиқлолига хизмат қиладиган ғоялар тизимидан иборат бўлиши керак. Чунки фикрлар хилма-хиллиги ривожланиш асосидир. Шунинг учун бирорта фалсафий система бизнинг ягона мафкурамиз манбаи бўлолмайди.

Аждодларимиз учун улкан кашфиётлар қилиш имкониятини яратиб берган ва Ғарб фанининг равнақи учун ҳам жиддий таъсир кўрсатган методологияни тиклаш ва ундан ўринли фойдаланиш пайти келди. Хусусан, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний қўллаган тадқиқот методологияси билан Овруро олимлари таянган фалсафий асосларнинг энг яхши жиҳатларидан ижодий фойдаланиш лозим. Уларнинг умумий жиҳатлари куйидагилар:

1) объектга субстанционал (зотий) ёндашув. Бунда умумийлик-хусусийлик, моҳият-ҳодиса, имконият-воқелик диалектикасини ҳисобга олиш;

2) объектнинг зиддиятли табиатини очиш. Ҳар қайси тадқиқот объекти ички зиддиятлардан иборатлигини, ана шу зиддиятлар объектнинг узлуксиз ривожланиши асоси эканини кўрсатиш;

3) объектнинг системавий хусусиятини ёритиш. Бунинг учун ҳар қайси объект муайян катта бутунликнинг узвий бир бўлаги экани, айти пайтда, у муайян ички унсурларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган яхлитлик эканини намоён қилиш;

4) шакл ва мазмун диалектикасини эътиборга олиш. Уларнинг ўзаро муносабатини ёритиш;

5) тенг қимматли элементлар ўртасида ва турли қимматли birlikлар (бутун билан бўлак, тур билан жинс) ўртасидаги муносабат турларини ёритиш ва ҳ.к.

### **А. Объектга субстанционал ёндашув ва тилшунослик**

Субстанция (лот. substantia – «моҳият») атамаси фалсафада антик даврдан буён ишлатилади. Лекин фалсафа тарихида мазкур атама хилма-хил тушунчаларни ифодалаш учун қўлланилди.

Антик давр файласуфлари субстанция атамаси остида оламдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг асосини ташкил этадиган моддий ёки рухий бирламчи нарсани тушунадилар.

Ўрта аср Шарқ фалсафасининг Ал-Киндий, Ар-Розий, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд сингари намояндалари субстанцияни ҳамма нарсанинг асоси, уларнинг моҳияти деб изоҳлайдилар.

Антик, ўрта аср ва кейинги даврдаги бир қатор файласуфлар ҳам субстанция деганда барқарор, ўзгармас моҳият билан унинг моддий дунёдаги ўзгарувчан, беқарор, хилма-хил кўринишлари диалектикасини эътиборга оладилар. Ана шу диалектик боғланишни ифодалаш учун Фарбда субстанция ва акциденция, Шарқ фалсафасида жавҳар ва ораз атамалари қўлланди. Субстанция, жавҳар атамалари бевосита кузатишида берилган бир қанча моддий нарсалар замирида яширинган ва уларнинг ҳар бирида такрорланадиган умумий асос, моҳиятни, акциденция, ораз атамалари эса муайян асос, моҳиятнинг бевосита кузатишида сезги аъзоларимиз билан фаҳм қилинадиган бир қанча моддий кўринишларини ифодалайди.

Арасту фалсафасининг давомчиси бўлган Форобий бу ҳақда шундай ёзади: «Беадад зиддиятлар бир-бирини алмаштириб турадилар. Ушбу тановобларда (алмашилиб туришларда) битта ўзгармайдиган доимий нарса бор. У ушбу тановобларни сақлаб туради ва уларга сингиб кетади. Нрсалар бир-бирларига эргашиб ва ўзгариб турганлари ҳолда доимий бўлиб келадиган нарсани «жавҳар» («субстанция») деб аталади. Алмашилиб, ўзгариб турувчи нарсаларни «ораз» («акциденция») дейилади».

Назарий фалсафанинг асосчиси И.Кант ҳам зиддиятни эътироф этган ҳолда, субстанция тажриба маълумотларини синтезлаштириш асосида ҳосил қилинган тафаккурнинг мавҳум шакли эканини таъкидлайди. Унинг фикрича, субстанция шундай бир доимий, барқарор нарсаки, барча муваққат, беқарор нарсалар унга нисбатангина аниқланади.

Диалектик фалсафанинг асосчиси Гегель эса субстанция атамаси остида «мутлоқ ғоя», «мутлоқ рух»ни тушунади ва уни нарсаларнинг муҳим, ўзгарувчан, ривожланувчи томонларининг яхлитлиги сифатида талқин этади. У субстанцияни айни бир вақтда ҳам ривожланувчи ғоя – ибтидо, ҳам субъект, яъни ўзини ўзи туғдирувчи асос, ҳам шу ривожланишнинг моменти сифатида қарайди.

Тасаввуф фалсафасида субстанция ва акциденция муносабати зот ва тазохир (тажалли) атамалари остида ифодаланади. Зот гоҳ симурғ, гоҳ гўзал подшоҳ, гоҳ маҳбуба; тазохир (тажалли) эса кушлар, гўзал подшоҳнинг ойнадаги тасвири, ошиқ каби тимсоллар орқали берилади. Олам ойна (миръот) сифатида қаралади ва оламдаги бизнинг сезги аъзоларимизга таъсир этадиган барча конкрет нарсалар зотнинг (субстанциянинг), яъни Оллоҳнинг ойнадаги тасвири, турли кўринишларда жилोलаниши деб қаралади.

Диалектик фалсафа субстанциянинг ўзгармас эканини эътироф этувчи файласуфлар фикрларига танқидий ёндашади ва уни доимий ривожланувчи моҳият, дунёнинг асоси, материя сифатида баҳолайди.

Тил тизими ва функциясига ана шу нуқтаи назардан қаралганда сезги аъзоларимизга таъсир этадиган, бевосита кузатишда берилган нутқ бўлаклари нутқий бирликлар, бир турдаги бир қанча нутқий бирликларга ҳос умумий, уларнинг ҳар бирида такрорланувчи моҳият тил бирликлари

саналади. Тил бирликлари умумлашма, моҳият, абстракция бўлиб, бевосита кузатишда уларнинг ҳар бири бир қанча кўринишларда кўзга ташланади.

Моддий оламнинг асосида ётган умумий моҳиятни ахтариш материя ҳақидаги фикрлар ривожланишига олиб келди.

Файласуфларнинг таъкидлашича, умуман материя объектларни мавҳумлаштириш ва фикрнинг маҳсулидир. Чунки оламда «умуман материя» эмас, балки материянинг кўринишлари учрайди.

Демак, бевосита кузатишда берилган моддий объектларга хос умумий хусусиятларнинг мажмуаси материядир. Материя ўзининг мавжудлигини беҳисоб хоссалари, хусусиятлари орқали намоён қилади. Кўринадики, субстанция ва материя бир тушунчанинг икки хил фалсафий таълимотдаги ифодаларидир.

Мавжудликни субстанционал тушуниш объектив борликни маълум хусусият ва муносабатлардан иборат нарсалар мажмуаси сифатида қарашдир.

Ана шундай қараш тилшуносликда В.Гумбольдт, Ф.де Соссюр каби олимлар томонидан нутқий фаолиятни система-функция тамойили асосида тил ва нутқ зидланишида ўрганишга олиб келди, натижада тил бирликлари билан нутқ бирликлари изчил равишда фарқланди.

Ф.де Соссюрнинг тил-нутқ зидланиши ҳақидаги қарашини структур тилшуносликнинг асоси сифатида қараган ва структурализмнинг Копенгаген мактабига (глоссематикага) асос солган Л.Ельмслев субстанция атамасини бошқачароқ маънода қўллайди.

У субстанция тушунчасини шакл (форма) тушунчасига қарама-қарши қўяди. Лекин субстанция атамаси остида моҳият, асосни эмас, аксинча, унинг бевосита гавдаланишини, сезги аъзоларимизга таъсир этадиган моддий кўринишларни тушунади.

Олимнинг таъкидлашича, маълум маъно турли моддий воситалар ёрдамида ифодаланиши мумкин. Масалан, *Мен уйга кетяпман* деган фикр товушлар орқали, ҳарфлар ёрдамида график йўл билан, телеграф орқали Морзе алифбоси билан, байроқча ёрдами билан, имо-ишора билан, қоғозга игна ёрдамида (кўзи ожизлар), мимика ёрдамида ва бир қанча бошқа йўллар билан ифодаланиши мумкин. Ана шундай хилма-хил ифода воситалари (акустик, график, семиотик ва бошқ.) субстанция ҳисобланади. Бу хилма-хил субстанция муайян бир нарсанинг турли хил кўринишлари саналади. Ана шу муайян бир нарсага шакл (форма) деб қаралади.

Л.Ельмслев шаклга доимий, барқарор нарса, абстракт моҳият сифатида баҳо беради. Унинг турли субстанцияларда намоён бўлишини ўзгарувчан, тасодиф ҳисоблаши юқорида келтирилган мисолда бир шакл турли хил субстанция орқали юзага чиқишига асосланади. Ана шу асосда у бир субстанциянинг турлича қиёфага эга бўлишини ҳам таъкидлайди. Масалан, *уй* тушунчасининг физик субстанцияси рус ва инглиз тилларида график белгиси нуктаи назаридан ҳам (дом, house), товушлар кетма-кетлиги жиҳатидан ҳам ([дом], [haus]) турли шаклга эга.

Л.Ельмслев келтирган юқоридаги мисоллар «шакл-субстанция» дихотомиясига мансубдир. Шу билан бирга, глоссемантиклар бошқа

дихотомияни – «мазмун-ифода»ни ҳам киритадилар. «Шакл-субстанция» ва «мазмун-ифода» дихотомиялари асосида тилни тўрт қатламга бўлиш глоссематика назариясининг ўзига хос хусусиятидир. Ана шундай бўлинишга асосланиб глоссематиклар ифода шакли ва ифода субстанцияси, мазмун шакли ва мазмун субстанцияси каби тушунчаларни фарқлайдилар.

Тилда ўзининг ифодасини топган борлиқ факти, тафаккур орқали шаклланган борлиқ, тушунча мазмун субстанцияси, тил ёрдамида системалаштирилган товушлар занжири эса ифода субстанцияси ҳисобланади.

Буни Л.Ельмслев *Берлин* сўзи орқали тушунтириб беради. Унинг фикрича, юқоридаги сўзда биз бир хил ифода субстанциясига (товуш занжирига) эга бўламиз. Лекин мазкур ифода субстанцияси турли тилларда турли хил кўринишда бўлади: ингл. be'lin, нем. Ber'lin, япон. iberulinul каби. Лекин мазмун субстанцияси (Берлин ҳақидаги тасаввур) ўзгармайди. Аксинча, бир хил ифода субстанциясига эга бўлган ингл. got – «олдим», нем. Gott – «худо», датча godt – «яхши» сўзларини талаффуз этганимизда турли мазмун субстанциясига (объектив борлиқ маълумотлари) эга бўламиз.

Бир хил субстанциянинг турлича ифодаланиш имконияти бошқа мисоллар билан ҳам далилланади. Масалан, *билмайман* жумласида мавжуд фикрни ифодалаш керак бўлсин. Бу фикр Л.Ельмслевнинг таъкидлашича, материал (мазмун субстанцияси) ҳисобланади. У барча тилларда бир хил бўлса-да, лекин хилма-хил ифодасига эга.

Шундай қилиб, Л.Ельмслев кўпчилик файласуфлар моҳият, асос деб тушунган субстанцияни лингвистикадан чиқаради. У лингвистик таҳлилнинг ягона усули лингвистик бирликлар ўртасидаги муносабатни ўрганиш деб билади. Бундан ўзаро муносабатларни ифодалаш учун функция, функция аъзоларини ифодалаш учун эса функтив атамаларини киритади.

Фалсафадаги кўпчилик эътироф этган субстанция муаммоси тилшуносликка ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Тилшуносликда субстанционал йўналиш вужудга келди. Бунинг натижасида тилнинг барча сатҳ бирликлари субстанция асосида ўрганила бошлади.

Н.С.Трубецкойнинг фонологик концепцияси ҳам, Л.Ельмслевнинг фигуралар ҳақидаги қарашлари ҳам, лексикада узвий таҳлил тамойиллари ҳам, С.Н.Ивановнинг субстанционал морфология ҳақидаги қарашлари ҳам тил тузилишига субстанционал ёндашув асосида дунёга келди.

Субстанционал морфологияда грамматик шакл ҳам алоҳида мавжудлик сифатида муносабатда (синтактик вазифасида) намоён бўладиган муайян хусусият (грамматик шакл маъноси)ларга эга бўлган нарса, предмет сифатида қаралади.

Нарса «соф» субстанция сифатида ўз хусусиятларидан ва бошқа нарсаларга муносабатидан ташқарида яшамайди. Нарса ҳақидаги билим унинг хусусиятлари ва бошқа предметларга муносабатларини билишдан ташкил топади.



Предмет ўзининг хусусиятларидан ташқарида мавжуд бўлмаганидек, унинг хусусияти ҳам мазкур предметнинг бошқа предметга бўлган муносабатидан ташқарида яшамайди.

Шундай экан, субстанцияни аниқлаш унинг хусусиятлари ва муносабатларини ўрганишдан бошланади.

Шуни таъкидлаш керакки, нарсалар хусусияти унинг бошқа нарсаларга муносабатида ҳосил бўлмайди, балки бу муносабатларда намоён бўлади.

Грамматик шаклни муносабатда, синтактик функцияда намоён бўладиган маълум хусусият – маънолар ташувчи сифатида субстанционал тушуниш унинг иккиланган ва зиддиятли морфологик-синтактик табиатини акс эттиради. Субстанционаллик нуқтаи назаридан муайян муносабатга киргунга қадар ҳам ўзининг мустақил мавжудлигига эга. Шу билан бирга, у ўзининг яққа алоқаларидагина реал мавжуд бўлади. Ана шу нуқтаи назардан грамматик шаклларнинг бундай зиддиятли бирлиги диалектикадаги умумийлик ва алоҳидаликнинг, моҳият ва ҳодисанинг намоён бўлиши саналади.

## **Б. Диалектик категориялар ва тилшунослик**

Борлиқдаги барча нарса ва ҳодисалар ўзаро алоқададир. Улар бири-бирига таъсир ва акс таъсир қилиб туради. Табиат ва жамиятдаги ҳеч бир нарса ва ҳодиса бошқалардан ажралган ҳолда мавжуд бўлмайди. Лекин биз оламни билиш жараёнимизда уни ташкил этган ўзаро муносабатдаги алоҳида нарса ва ҳодисаларни умумий боғланишлардан ажратамиз. Мазкур жараёнда унинг ўзига хос томонлари ва хусусиятларини очиб бериш мақсадида бу нарса ва ҳодисаларнинг бошқа нарса ва ҳодисалар билан барча алоқа ва боғланишларини, ҳамма алоқадорликларини билиб борамиз.

Нарса ва ҳодисаларни илмий билиш учун унинг барча томонларини, барча алоқа ва боғланишларини бирга олиб ўрганиш лозим. Бунга ҳеч қачон тўла эришиб бўлмаса-да, уларни муносабатларда намоён бўладиган хусусиятлар мажмуаси сифатида изоҳлашнинг ўзи нарса ва ҳодисаларни билишда турли хатоликлардан сақлаб қолади.

Диалектикада нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг хилма-хил кўринишлари мавжудки, мазкур алоқадорликлар тил бирликлари учун ҳам хосдир.

Алоҳидалик, хусусийлик ва умумийлик борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳар қайсисига хос алоҳида, маълум гуруҳига доир маҳсус ва ҳаммасига хос умумий томонлари, хусусиятлари ва улар ўртасидаги боғланишларни ифодалайди.

Бевосита кузатишда берилган алоҳида нарса ва ҳодисалардан фарқлайдиган белги ва хусусиятлар бирлиги алоҳидалик саналади.

Билиш жараёни алоҳидаликларни ўрганишдан бошланади.

Алоҳидаликларнинг ўзларига хос белги ва хусусиятларини бир-бирига солиштириш орқали умумийлик ҳосил қилинади. Бу турдаги бир қанча нарса

ва ҳодисаларга хос ўзаро ўхшаш, уларнинг ҳар бирида такрорланувчи белги ва хусусиятлар бирлиги умумийлик ҳисобланади.

Алоҳидалик билан умумийлик ўртасида хусусийлик категорияси ҳам мавжуд. Хусусийлик категорияси нарса ва ҳодисалардаги алоҳидалик ва умумийлик ўртасидаги алоҳидаликка нисбатан умумий, умумийликка нисбатан алоҳида белги ва хусусиятлар ҳамда алоқадорликларни ифодалайди.

Диалектикадаги алоқадорликнинг бундай бўлиниши шаклий (формал) мантиқдаги учинчиси истисно қонунини инкор этади. Бу билан ҳар қандай нарса ва ҳодисаларнинг тарихий тараққиётида оралиқ ҳолат бўлиши мумкинлигини тасдиқлайди.

Алоҳидалик, хусусийлик, умумийлик ўзаро диалектик муносабатдадир. Улар бир-бирисиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Алоҳидалик билан умумийлик хусусийлик орқали боғланади. Хусусийлик алоҳидаликлардан ташкил топади, айти пайтда, умумийликни алоҳидалик билан боғлайди.

Умумийлик эса алоҳидаликдан ажралган ҳолда бўлмайди. У ҳар бир алоҳидаликда унинг умумий хусусиятлари, белгилари, боғланишлари шаклида мавжуд бўлади. Бундан кўринадики, бизнинг сезги абсолютаримизга бериладиган ҳар бир алоҳида нарса ва ҳодисалар алоҳидалик, хусусийлик ва умумийлик бирлигидан иборат.

Алоҳидалик, хусусийлик ва умумийликларнинг ўзаро боғланишларини диалектик нуқтаи назардан тушуниш объектив оламни тўғри билишда катта аҳамиятга эга.

Шуни таъкидлаш керакки, диалектикада оралиқ ҳолатни эътироф этиш нарса ва ҳодисаларни доимий ўзгаришда, ривожланишда ўрганиш имконини беради.

Бу нуқтаи назардан алоҳидалик, хусусийлик, умумийлик диалектикасида бир-бирига ўтиш ҳолатларн бўлиши мумкин.

Маълум шароитда алоҳидалик хусусийликка, хусусийлик эса умумийликка, аксинча, улар бир-бирига ўтиши мумкин. Бу эса тарихий тараққиёт, динамика жараёнини кўрсатади.

Диалектикадаги мазкур категория тилда ҳам ўз ифодасини топади. Тил бирликларидаги алоҳидалик, хусусийлик ва умумийликлар ўртасидаги алоқа ва боғланишларни тилшунослиқда илк бор диалектик мантиқ тамойиллари асосида иш олиб борган С.Н.Иванов очиб берди.

Олимнинг таъкидлашича, у ёки бу хилма-хиллик моҳиятини билиш шу хилма-хилликнинг умумий асосини билишга олиб келади. Амалий билишда бир-биридан ажралган, бир-биридан узоқ бўлиб кўринган ҳодисалар моҳиятини билиш конкретликдан мавҳумликка тамойили асосида маълум объект ҳақида илмий тушунча шакллантириш борасидаги диалектик мантиқнинг мағзини ташкил этади.

Диалектик мантиқ алоҳидалик билан муносабатда бўлган умумийликка система сифатида қарайди ва алоҳидаликлар шу система доирасида функциялашади деб ҳисоблайди.

Агар алоҳида нарсалар замирида яширинган моҳият шу алоҳида элементлар муносабатларидан ташкил топган маълум система саналар экан, у вақтда моҳиятни изоҳлаш учун ана шу системани тавсифлаш, унинг таркибидаги алоҳидаликларни ўрганишдан бошлаш керак бўлади. Масалан, маълум келишикнинг барча маъно нозикликлари ва улар ўртасидаги муносабатларни кузатдик. Бу вақтда алоҳида маънонинг маълум системадаги хилма-хиллиги ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Лекин мазкур ҳолатда маънони оддий санаш бўлади, холос. Тўғрироғи, келишик морфологик жиҳатдан кўра синтактик функцияси жиҳатдан аниқланган бўлади. Бундай ҳалқадан қандай чиқиб кетиш йўлини С.Н.Иванов диалектик мантиқдан кидиради. Маълум мураккаб система ҳақидаги тушунчани у ҳақдаги тасаввурга айлантириш лозим. Бунинг учун муайян муносабатлар системаси моҳиятини тушунтириш керак. Агар уни келишик мисолида кўрсак, грамматик шаклнинг алоҳида маънолар системаси моҳиятини шу гуруҳ ҳодисаларнинг умумий асоси сифатида тушунтириш лозим. Муайян моҳиятнинг алоҳида кўринишларининг умумий асоси мазкур моҳият ўзида ўзи бўлган ягона, муайян муносабатлардир.

Предметни аниқлаш, демак, уни бошқалардан чегаралаш, бошқалардан нимаси билан фарқ қилишини белгилаш, унинг ўз-ўзига, айти пайтда, бошқа предметларга муносабатини аниқлашдир.

Предмет, ҳодисаларни умумий алоқада, бошқа предмет, ҳодисаларга нисбатан муносабатларда қараш лозим деган диалектик талаб мазкур предмет ўзига-ўзи қандай мансублиги ҳақидаги конкрет билимга олиб келиши керак. Бундай умумий алоқани ўрганишнинг конкрет тўлиқлиги алоқалардан ташқаридаги предметни билишга олиб келади. Тўғрироғи, бу ўриндаги алоқалар ичкарига, предметнинг ўзига йўналган бўлади. Бу эса шу предметнинг субстанциясини, моҳиятини, ўзига-ўзининг айниятлигини билишимиз бўлади. Шунинг учун морфология грамматик категория ва шаклларнинг субстанционал маъноси ҳақидаги фан бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

Юқоридагилардан кўринадики, билиш жараёни алоҳидалиқдан бошланади. Биз дастлаб сезги аъзоларимиз ёрдамида алоҳидалиқни, якка нарса ва ҳодисаларни, масалан, жўналиш келишигининг турли шакли ва мазмуний вариантини фаҳм қиламиз (хусусан, -га, -ка, -қа, -ға, -а каби). Сўнгра тафаккуримизда шу ҳиссий фаҳмлашдан вужудга келган мавжуд фактларни таҳлил ва синтез қилиб, уларнинг муҳим томонларини номуҳим томонлардан, умумий томонларини алоҳида томонларидан ажратамиз. Уларни ўзаро бир-бири билан бирлаштирамиз, бир-бирига таққослаймиз. Шулар асосида фикримизда уларни ифодаловчи тушунчани ҳосил қиламиз. Бу ҳосил қилинган тушунчада нарса ва ҳодисанинг, юқоридаги ҳолатда жўналиш келишигининг ҳам якка томонлари, ҳам уларнинг муайян турга, яъни келишикка хос томонлари ҳамда шу нарса ва ҳодисаларнинг бутун бир синфга, яъни сўз ўзгартирувчи қўшимчаларга оид умумий томонлари ифодаланади.

Борлиқдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, боғланишлардан бири моҳият ва ҳодисадир.

Моҳият нарса ва ҳодисаларнинг ички, энг муҳим ўзаро боғланишлари, шу боғланишларнинг қонуний алоқадорликларини ташкил этувчи томонлар, хусусиятлар ва боғланишларнинг намоён бўлиш шакли саналади.

Биз объектив борлиқда бевосита ҳодисаларни кўрамиз. Уларни сезги аъзоларимиз орқали ҳис қиламиз. Моҳият объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғланишлари, алоқадорликларини ифодалаганлари учун уни бевосита жонли кузатишда кўриш, ушлаш мумкин эмас. У нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белгиси сифатида бу нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро муносабатларини ўрганиш, чуқур таҳлил қилиш орқали идрок этилади. Масалан, бевосита кузатишда турли хил жонли организмларни кўрамиз. Уларни бир-бирига солиштириш, чуқур таҳлил қилиш асосида уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган муҳим белгини аниқлаймиз. Бу белги барча тирик организмлар учун хос, уларнинг ҳар бирида такрорланиши керак. Ана шу муҳим белги модда алмашинув белгисидир.

Демак, конкрет турли кўринишдаги жонли организмлар ҳодисалар бўлса, уларнинг ҳаммаси учун умумий моҳият модда алмашинувидир.

Моҳият билан ҳодиса ўзаро зич боғлиқ бўлиши билан бирга бир-бири билан қарама-қарши хусусиятга ҳам эга. Уларнинг қарама-қаршилиги борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўз табиатидан келиб чиқади. Моҳият ҳодисада яширин ва уни бевосита сезги аъзолар орқали билиш мумкин эмас. Ҳодиса нарсаларнинг намоён бўлиш шакллариدير. Улар ҳеч қачон миқдор жиҳатдан бир-бирига мос келмайди. Агар нарсаларнинг намоён бўлиш шакллари бўлган ҳодисалар билан моҳият ўзаро мос келганда эди, ҳар қандай фан ортиқча бўлиб қолар эди.

Ҳар қандай фаннинг вазифаси ҳодисалар замирида яшириниб ётган, уларнинг асосини ташкил қиладиган моҳиятини аниқлашдан иборатдир.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда, тилшунослик фанида ҳам тилшуноснинг вазифаси сезги аъзоларимиз ёрдамида ҳис қиладиган нутқ бирликлари замирида ётган умумий асос, моҳиятни топишдан иборат бўлиши керак. Тилшуносликда тилдаги ана шундай моҳият-ҳодиса зидланиши тил-нутқ дихотомияси орқали ифодаланади. Нутқ бирликлари атамаси ҳодисаларни ифодаласа, тил бирликлари бевосита сезги аъзоларимиз орқали ҳис қиладиган нутқ бирликлари замирида яширинган моҳиятни ифодалайди. Тил бирликлари - *эма* билан тугайдиган (фонема, морфема, лексема каби) атамалар орқали ифодаланади. Бу атамалар билан ифодаланган бирликларни биз ҳеч қачон сезги аъзоларимиз ёрдамида ҳис этмаймиз. Яъни уни талаффуз қилмаймиз ва эшитмаймиз.

Ҳар қандай тил бирликлари бевосита кузатишда бир қанча нутқ бирликлари орқали моддий ифодасини топади. Ана шундай конкрет моддий ифодалар вариантлар саналади: фонема варианты, морфема варианты, лексема варианты каби. Уларни Америка тилшунослари аллофон, фон: алломорф, морф: аллолекс, лекс атамалари билан ҳам юритадилар.

Тилдаги юқоридагидек зидланишни айрим тилшунослар эмик ва этик бирликлари атомалари орқали ҳам ифодалайдилар. Эмик бирликлар -*эма* билан тугаган атамалар (фонема, морфема, лексема каби) орқали ифодаланган бирликларни ўз ичига олса, этик бирликлар вариант ёки алло-билан бошланган (аллофон, алломорф, аллолекс) атамалар орқали ифодаланган бирликларни ўз ичига олади.

Борликдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликнинг яна бир тури бутун ва бўлак муносабатидир.

Бутун ўзаро диалектик алоқадорликда бўлган қисмлар, бўлакларнинг узвий бирлигидан иборат яхлитликдир. Бўлак эса шу бутунни ташкил қилган, унинг таркибидаги маълум элемент, қисм саналади. Борликдаги ҳар бир нарса ва ҳодисалар, жараёнлар ана шу бутун ва бўлакнинг диалектик бирлигидан иборат.

Бу шуни кўрсатадики, оламдаги ҳар бир нарса ва ҳодиса, катта-кичиклигидан қатъи назар, ички бўлиниш хусусиятига эга. Бундай бўлиниш поғонали характерга эга. Катта бутунликнинг таркибий қисмлари бўлган, катта бутунлик учун бўлак вазифасини бажарувчи қисм, ўз навбатида, кейинги бўлиниш учун бутун бўлиб келади. Бундай бутун-бўлак асосида бўлиниш бўлинишнинг охириги нуқтасигача давом этади.

Агар буни тил материаллари асосида кўриб чиқсак, гап бутунлик сифатида гап бўлакларига, гап бўлаклари сўз шаклларига, сўз шакллари морф (алломорф)ларга, морфлар эса фонларга, (алло)фон эса акустик ва физиологик хоссаларга бўлинади. Бўлинишнинг ҳар бир босқичи бутун-бўлак диалектикасини ўзида намоён қилади Шунингдек, лисоний бирликларнинг ҳар қайсиси (фонемадан ташқари) мазмуний жиҳатидан ҳам муайян маъно элементларининг ўзаро муносабатларидан ташкил топган яхлитлик саналади. Масалан, маъноли бирликлар ичида энг кичиги ҳисобланган морфема ҳам икки ва ундан ортиқ семаларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган бутунлик ҳисобланади. Маъноли бирлик бўлмаган ва шакл жиҳатдан энг кичик бирлик саналувчи фонема ҳам худди атом каби бўлинувчанлик хусусиятига эга. Унинг таркибий қисмлари фарқловчи белгилар саналади. Шунинг учун фонема дифференциал белгилар мажмуаси сифатида баҳоланади.

Машҳур даниялик тилшунос Л.Ельмслев бутун-бўлак муносабатини тил бирликларининг ҳам шакл, ҳам мазмун томони мисолида изчил ёритиб берди.

Шакл (ифода) томонини текст-период-гап-сўз-бўғин-фонемаларга бўлган бўлса, мазмун томонига ҳам бундай бўлинишни қўллаган ҳолда унинг энг кичик бирлиги сифатида фигурани ажратади.

Л.Ельмслевнинг фигура тушунчасини тилшуносликка олиб кириши глоссематика назариясининг Ф.де Соссюр назариясидан бир қадар фарқ қилишини кўрсатади. Соссюр ҳар қандай лингвистик белги ифодаловчи ва ифодаланмишнинг диалектик бирлигидан иборат деб ҳисоблаган бўлса, Л.Ельмслев ифодаланмиш томонини яна бўлишда давом этади. Унинг фикрича, лингвистик бирликларнинг мазмун планида лингвистик белгидан

ташқари белги бўлмаган элементларни ҳам ажратиш мумкин. Белгилар системасига белгининг таркибий қисми сифатида кирувчи ана шундай белги бўлмаганлар фигуралар ҳисобланади. Тил шундай тузилганки, бир сиқим фигуралар ёрдамида ва уларнинг турли хил жойлашуви туфайли белгилар легионини куриш мумкин.

Л.Ельмслев ажратган фигуралар элементар маънога, семага тўғри келади. Семалар комбинацияси белги мазмунини ташкил қилади. Масалан, *ўғил* белгиси қуйидаги фигуралардан ташкил топади: [инсон] + [ёш] + [эркак]. Охириги фигуранинг ўзгариши эса қиз белгисини билдиради.

Бундан кўринадики, бутун-бўлак муносабати асосида лингвистикада узвий (компонент) таҳлил методи майдонга келди.

Шуни таъкидлаш керакки, бутун таркибидаги ҳар бир қисм бутуннинг ўзига хос томонини маълум даражада ифодалайди. Лекин бутунни ташкил қилган мазкур қисмлар бутун таркибида ҳар бири алоҳида-алоҳида эмас, балки бутуннинг бўлаклари сифатида кўринади.

5. Оламдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорлик, боғланишнинг турларидан яна бири шакл ва мазмун диалектикасидир.

Шаклсиз мазмун бўлмаганидек, шаклнинг мавжудлиги усули, структураси, тузилиши ҳам мазмунсиз бўлмайди.

Кўринадики, шакл ва мазмун маълум бир нарса ёки ҳодисанинг ўзаро диалектик алоқадор бўлган икки томонидир.

Бу диалектик алоқадорлик тилда ҳам ёрқин ифодасини топади. Тил бирликлари ҳам шакл ва мазмун бирлигидан иборат. Фақат бундан фонологик сатҳ бирликлари мустасно. Чунки фонологик бирликлар бир томонлама моҳият бўлиб, фақат шаклга эга.

Шакл ва мазмун ўзаро боғлиқ бўлса-да, лекин улар бир нарсанинг икки томони бўлганидан, ҳар қайсиси ўзига хос хусусиятга ҳам эга. Уларнинг ўзига хослиги шундаки, ҳар қайсиси алоҳида-алоҳида структурага эга.

Бу структур элементлар бир-бирига мувофиқ келиши шарт эмас.

Лисоний бирликлар ўртасидаги шакл ва мазмун муносабатини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

1)  $M=Ш$

2)  $M>Ш$

3)  $M<Ш$

Юқоридагилардан биринчисида мазмуний тузилиш билан шаклий тузилиш ўртасида мувофиқлик бор. Иккинчи ҳолатда бир неча маъно бир шаклга эга (омонимия). Учинчи ҳолатда эса бир маъно бир неча шакл орқали ифодаланади (синонимия). Кейинги ҳар икки ҳолатда ҳам шакл ва маъно ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлади.

## **В. Грамматик маъно ва грамматик шакл**

Грамматик маъно лексик маъно каби предмети: хос бўлган белги, хусусият, муносабатларнинг онгда акс этишидир. Бу эса лексик маънога

қўлланилган семантик учбурчак грамматик маъно учун ҳам умумий эканини кўрсатади.

### Сигнификат

Акустик ифода

Денотат

Яъни предмет – унга хос бўлган белги-хусусиятнинг онгда акс этиши – онгда акс этган белги, хусусиятнинг маълум моддий воситалар – грамматик шакллар ёрдамида ифодаланиши. Бунда моддий восита билан онгда акс этган предмет хусусияти муносабати грамматик маъно саналади.

Сон грамматик маъно табиатини сон грамматик маъноси орқали тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Грамматик маъноси бирлик ва кўплик маънолари муносабатини ўз ичига олади.

Бирлик маъноси бир, такрорланмас предметнигина эмас (а ёки а ва бошқалар), балки бутун предметлар синфини ҳам ифодалайди (а, а, ... а). Қиёсланг: *Бу кўзойнак жуда равшан кўрсатар экан; Рўпарадаги магазинда кўзойнак сотилади.* Бу гапларнинг биринчисида кўзойнак алоҳида битта предметни (А бирлик, А бирлик), иккинчи гапда эса барча кўзойнакларни, кўзойнаклар синфини (А бирлик) билдиради.

Кўзойнак лексема сифатида лексик маънони ифодалайди. Унинг лексик маъноси борлиқдаги кўриш учун ёрдамчи восита сифатида ишлатиладиган оптик восита. Шу билан бирга, кўзойнак сўз шакли ҳамдир. Сўз шакли сифатида бир қанча грамматик маъноларга эга. Биринчидан, у кўзойнак предметининг миқдорий белгисини билдиради: битта ёки бир турдаги предметлар синфини ифодалайди. Бу белгиси унинг грамматик сон маъноси саналади.

Бирлик соннинг алоҳида ва умумий маънолари ўзаро диалектик боғланган. Контекстда қўлланилган ҳар қайси алоҳида маъно умумий маънонинг бир қисми, бир томонини ифодалайди. Умумий маъно эса у ёки бу даражада алоҳида маъноларни ўзида бирлаштиради. Шунинг учун кўзойнак сўзининг товуш комплекси контекстга қараб конкрет предметни ҳам, предметлар синфини ҳам ифодалаши мумкин.

Кўплик маъно эса (А кўплик) ўз мазмунига кўра умумий бирлик маъноси билан (А бирлик) муносабатда бўлади.

Сон грамматик маъносининг тузилишини қуйидаги схемада кўрсатиш мумкин:

Шундай қилиб, биринчидан лексик ва грамматик маънолар бир лингвистик маънонинг турли аспекти сифатида маълум умумийликка эга.

Грамматик маъно тилда ўзининг доимий ифодасига эга бўлган, синтактик қурилма, сўз шакллар қаторига хос умумлашган маънодир.

Морфология доирасида сўз туркумларига хос (масалан, отларда «предметлик», феълларда «жараёнлик» маънолари) умумий маъно, шунингдек, маълум морфологик категория ичидаги ўзаро зидланувчи сўз шакллари хусусий маънолари (замон, шахс, келишик) ана шундай умумлашган маънолар сирасига киради. Грамматик маъно деганда фақат сўзнинг шакллари маъносигина эмас, балки синтактик бирликларнинг умумлашган маънолари ҳам тушунилади. Масалан, предикативлик, модаллик, тема-рема тузилиши ва ҳ.к.

Грамматик маъно системасида объектив борлиқдаги предметлар ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги билимимиз онг орқали акс этади. Жумладан, ҳаракат тушунчаси феълнинг умумий маъноси ва унинг хусусий категориал маънолари (замон, нисбат, бўлишлик, бўлишсизлик) орқали намоён бўлади.

Грамматик маъно тилдан ташқаридаги борлиқ предметлар, ҳодисалар хусусиятларини акс эттирувчи носинтактик (референционал), масалан, миқдор, макон, замон маънолари, шунингдек, гап ва сўз бирикмаси таркибидаги сўз шакллари алоқасини билдирувчи синтактик (реляцион) маъноларга бўлинади. Масалан, боғловчили кўрилмалардаги зидловчилик, айирувчилик маънолари ва бошқ. Бундан ташқари, сўзловчининг фикр билдираётган воқеа-ҳодисага ёки тингловчига бўлган турли хил субъектив муносабатини акс эттирувчи маъно алоҳида хусусиятга эга. Масалан, субъектив модаллик, субъектив баҳо, эркалаш ва бошқ.

Шундай қилиб, грамматик маънони уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1) носинтактик (референционал); 2) синтактик (реляцион); 3) субъектив.

Биринчи маънони туркумловчи, иккинчи маънони тоифавий (категориал), учинчи маънони эса нотоифавий (нокатегориал) маънолар деб ҳам таснифлаш мумкин.

Грамматик маъно система сифатида морфологик маъно ва синтактик маъноларни ўз ичига олади. Шундай экан, у бўлинувчанлик хусусиятига эга. Шунга мувофиқ, уларни морфологик маъно ва синтактик маъноларга бўлиш мумкин бўлади. Морфология морфологик шакллари морфологик маъноси ва синтактик имкониятларини ўрганади.

## **Грамматик шакл**

Грамматик шакл муайян грамматик маънонинг ташқи ифодаланиш томони моддий томонидир. Грамматик шакл билан грамматик маъно фалсафадаги шакл ва мазмун диалектикасини ўзида намоён қилади. Шакл ва мазмун бир яхлитликнинг икки томони – бири ташқи, иккинчиси эса ички томони саналади. Шунинг учун улар бир-бирини тақозо қилади. Бирисиз иккинчисининг бўлиши мумкин эмас.

Тилшунослик тарихида грамматик шакл тушунчасига турли хил ёндашувлар кузатилади. Бу хилма-хилликнинг таъсирини бугунги



грамматикага доир тадқиқотларда ҳам пайқаш қийин эмас. Хусусан, у «грамматик категориянинг ташқи лисоний воситалар билан ифодаланиши», «айрим грамматик маънони ифодаловчи формал белги», «маълум грамматик маъно ифодаловчи шакл» сифатида тавсифланади.

Грамматик шакл атамаси деярли барча тилшунослар томонидан сўз шаклига нисбатан қўлланилади.

Сўзнинг грамматик шакли масаласи назарий грамматиканинг энг мураккаб масалаларидандир.

Кўп ҳолларда сўзнинг грамматик шакли «муайян товуш ифодаси» сифатида изоҳланди. Агар товуш ифодасига эга бўлмаса, у грамматик шакл доирасига киритилмади. Бунда маълум бир маъно ўз ташқи ифодасига эга бўлмаса, у тил фактига айланмайди деган фикрга таяндилар.

Грамматик шаклга бундай қараш, айниқса, Москва формал лингвистик мактаби асосчиси Ф.Ф.Фортунатов концепциясининг асоси бўлди. Ф.Ф.Фортунатов қарашларининг илдизи аслида Н.П.Некрасовга бориб тақалади. Н.П.Некрасовнинг фикрига кўра, сўзнинг доимо ўзгаришини таъминлаб турадиган товуш ифодаси қисми унинг грамматик шакли ҳисобланади.

Ф.Ф.Фортунатов ҳам грамматик маънонинг шаклий ифодасига катта эътибор беради. Гарчи маънони эътибордан четда қолдирмаса-да, лекин грамматик шаклни белгалашда товуш состави биринчи планга қўйилади. Унинг таъкидлашича, *руку, ногу, воду* каби сўзлардагн *-у* товуши *рука, нога, вода* каби сўзларда берилган маънони ўзгартириш учун хизмат қилади. Маълум белгига қўшилиб, унинг маъносини ўзгартирадиган, бир белгидан иккинчи белгини ҳосил қиладиган товуш состави ҳам, ўз навбатида, белги, шаклий маънога эга бўлган белги саналади.

Ф.Ф.Фортунатов сўзнинг грамматик шаклини белгилашда сўзларни асосий (моддий) маъноли ва шаклий маъноли қисмларга ажратади. Алоҳида сўзнинг шакли деганда сўзловчи онгида алоҳида сўзнинг ўзидан асосий ва формал қисмни ажрата олиш имконияти тушунилади. Сўзнинг бошқа шаклларида ҳам такрорланадиган, барча шакллар учун умумий қисм саналади. Асосий қисмнинг шакл томонини ўзгартириш учун хизмат қиладиган сўзнинг қисми эса шаклий қисм ҳисобланади. Шундай қилиб, Ф.Ф.Фортунатов фикрига кўра, сўзнинг грамматик шакли унинг тузилиш қисмларга бўлиниш имкониятидир. Сўзнинг тузилиш қисмлари асосий, яъни ўзак ва шаклий, яъни шакл ясовчи аффикслардан иборат бўлади. Сўз бирдан ортиқ шаклга эга бўлиши ҳам мумкин. Шу туфайли уларни фарқлаш учун Ф.Фортунатов сўз ўзгариш шакли ва сўз ясаиш шакли тушунчаларини киритади.

Сўзлар шаклий белгисига кўра сўз ўзгариш шаклига эга бўлган, бундай шаклга эга бўлмаганларга ажратилади. Сўз ўзгариш шаклига эга бўлмаган сўзлар ясаиш шаклига эга бўлган ва ҳеч қандай шаклга эга бўлмаган, шаклсизларга бўлинади.

Ф.Ф.Фортунатов сўз ўзгариш парадигмасида ноль шаклини ҳам ажратади. Натижада сўз шаклини моддий ва шаклий қисмлар бирлиги сифатида

тушунишга имконият яратди. *Дом* сўзини унинг бошқа шакллариغا (*дом-а, дом-у*) қиёслаганда, моддий қисм ноль шаклга эга экани маълум бўлади.

Грамматик шаклга соф шаклий томондан ёндашишга А.А.Потебня чек қўйди. Маълум грамматик шакл алоҳида товуш билан ифодаланиши шартми деган саволга у маълум сўздан бошқа сўз ясалганда ясалма таркибида доимо товуш томонда ўзгариш рўй берадими, деб савол билан жавоб беради. Бошқача айтганда, сўздаги маълум товушни ўзгартириш билан унинг шаклида ўзгариш рўй берадими? Унинг фикрича, сўзнинг товуш қиёфасини ўзгартириш доимо грамматик маъносини ўзгартиравермайди.

Аксинча, баъзи вақтларда сўзнинг грамматик шакли товуш томонидан фарқланмаслиги мумкин: *женю* (келаси замон) ва *женю* (ҳозирги замон). Шунинг учун А.А.Потебня сўзнинг шакли унинг товуш томони билан изоҳланиши мумкин эмаслигини ишончли далиллар билан исботлаб берди. У биринчи бўлиб сўзнинг шаклини унинг ички мазмуни билан, мазмуний грамматик тузилиши билан боғлиқ эканини таъкидлайди. Шундай қилиб, А.А.Потебня ўзига қадар ҳукм сурган шаклга бир томонлама ёндашувга шакл бу сўзнинг товуш томони элементи деб қарашга чек қўйди. У грамматик шаклнинг товуш эмас, балки маъно эканини қайта-қайта такрорлади.

А.А.Потебня грамматик шаклни парадигмада – сўз грамматик маъносини реаллаштирувчи сўз ўзгариш системасида аниқлаш лозимлигини кўрсатади. «Бу шакл мен учун турланиш ва тусланиш тартибида эгаллаган ўрнига кўра маълум маънога эга бўлади», – дейди у. Бундан шу нарса маълум бўладики, сўзнинг шакли фақат ташқи белгиси орқалигина эмас, балки сўзнинг парадигмадаги ўрни билан аниқланадиган мазмун орқали ҳам белгиланади. А.Потебнянинг таъкидлашича, кўп ҳолларла ГШ товуш ифодасига эга бўлмаслиги мумкин: ГШ фақат сўзнинг шаклий воситалари орқалигина эмас, балки унинг синтактик атоқаси орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Шундай қилиб, А.А.Потебня ГШ деганда семантик ва синтактик элементларнинг синтезини тушунади ва бундай қараш уни ГШни фақат аффикслардан иборат деб тушунувчи тилшунослардан кескин фарқлаб туради.

ГШни зидлаш асосида ажратишни тавсия этади. Унинг фикрича, ГШ системани ташкил этади. Маълум ГШ бошқасига зидлангандагина унинг маъноси ҳақида фикр юритиш мумкин. Масалан, *Я кончил* гапида *кончил*нинг тугалланганлик маъноси бевосита унинг товуш таркиби орқали эмас, балки тилда унга зидланадиган бошқа шакл – *кончал* шакли борлиги билан фарқланади. Шунингдек, сўзнинг шакли грамматик қуршов, контекст, гапнинг синтактик тузилишидаги позицияси билан аниқланишини кўрсатади.

Сўзнинг шакли мазмунли экани, у грамматик ифодаланмаса-да, лекин ифодаланмишининг ташқи белгиси орқалигина эмас, балки парадигматик муносабатдаги ўрни ва синтагматик алоқаси орқали аниқланиши ҳақидаги фикр А.А.Потебня таълимотининг энг қимматли томонидир.

В.И.Дегтарёв таъкидлаганидек, сўзнинг моҳиятли томони унинг моддий – товуш комплексига, структур – грамматик бўлинишига таянадиган лексик-грамматик мазмуни ҳисобланади. Мазмун шаклланган бўлади. Сўзнинг

моддий – товуш тузилиши ва морфемик бўлиниши сўз ва унинг грамматик шаклининг моддий таянчи, яшаш усулини ташкил қилали.

Шакл мазмуннинг ифодаланиши, унинг қисмларининг бўлиниши, ўзаро алоқаси ва ўзаро ҳаракатидир.

6. Диалектик фалсафага мувофиқ, шакл деганда мазмуннинг ташқи ифодаланиш усули, мазмун элементлари алоқаларининг нисбатан барқарор муайянлиги ва уларнинг ўзаро таъсири, мазмуннинг типи ва структураси тушунилади.

Кўринадики, мазмуннинг ташқи ифодаланиши усули шаклнинг фақат бир томони саналади. Объектнинг шакл ва мазмунга бўлинишининг ўзи фақат уларнинг чамбарчас бирлиги доирасида, уларнинг бирлиги эса фақат ички узвий бўлиниш сифатида мавжуд. Шакл билан мазмун ҳар бир конкрет объектда бир-биридан ажралмасдир. Шакл мазмун устига қўйилган қандайдир ташқи пўстлоқ эмас.

Шакл ички ва ташқи бирликдан иборат. Мазмун элементларининг боғланиш усули сифатида шакл ички бир ҳодиса саналади. У объектнинг структурасини ташкил этади ва мазмуннинг бамисоли бир моменти бўлиб қолади. Муайян мазмуннинг бошқа нарсалар мазмуни билан боғланиш усули сифатида шакл ташқи бир нарсадир.

Шакл билан мазмун ўртасидаги қарама-қаршиликни қараб чиқаётганда шуни назардан қочирмаслик керакки, мазмун шаклсиз бўлмайди. Шакл эса мазмуннинг ўзида ҳам мавжуддир ва унга нисбатан ташқи бир нарсадан иборат.

И.Дегтарёв тўғри таъкидлаганидек, грамматик шаклни фақат маънонинг ифода воситаси сифатида тушуниб бўлмайди. У сўз грамматик маъносининг тузилишида, мазмун моментида ҳам ўз ифодасини топади. Маъно тузилиши сифатида грамматик шакл сўзнинг лексик маъноси билан ундан абстрактлаштирилган ва мустақил равишда ҳамкорлик қилади. Хусусан, ўзгармас сўзлар ҳам муайян грамматик шаклга эга. Масалан, равиш шакли орқали, равишлик белгисининг кетегориал маъносига кўра белгиланади.

Грамматик шаклни грамматик маънони ифодаловчи ташқи моддий воситаларгина эмас, балки грамматик маънонинг ички тузилиши сифатида ҳам тушуниш тилда шаклсиз сўзлар ҳам бўлиши мумкин деган фикрни тўла рад қилади. Маънони шаклсиз, шаклни эса маъносиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ўз навбатида, шаклсиз, грамматик шаклланмаган, грамматик тузилишга эга бўлмаган тилнинг бўлиши мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан аморф тилларнинг ажратилиши шаклни бир ёқлама тушуниш маҳсулидир.

Сўзнинг грамматик шакли унинг морфем тузилишига, парадигмасига ва синтагматик муносабатига таянади.

Хуллас, ҳозирги тилшуносликда грамматик шаклга икки хил ёндашув амал қилмоқда.

Биринчиси грамматик шаклни муайян грамматик маънонинг маълум моддий воситалар ёрдамида ифодаланиши, сўзнинг грамматик шаклланган моддий – товуш тури сифатида талқин этади.

Иккинчиси эса шаклни грамматик маънонинг ички тузилиши сифатида тушунади.

Гарчи грамматик шаклга бундай икки хил қараш бир-бирига зиддек кўринса ҳам, аслида, бир-бирини инкор қилмайди. Грамматик бирликни икки томондан тавсифлайди: бири маъно плани асосида, иккинчиси эса ифода плани асосида изоҳлайди. И.Дегтарёв грамматик шаклнинг мазкур икки тури учун икки хил атамани – мазмун шакли (МШ) ва ифода шакли (ИШ) атамаларини тавсия этади.

Сўз грамматик маъносининг тузилиши ички тузилиш усули сифатидаги шакл мазмуний шакл (МШ), сўз грамматик маъносининг моддий морфологик тузилиши сифатидаги шакл ифода шакли (ИШ) ҳисобланади.

В.И.Дегтарёв фикрича, МШ ва ИШ сўз грамматик тузилишининг ўзаро мувофиқлашган ички ва ташқи томонларидир. Икки хил шакл тушунчаси тилнинг икки томонлама моҳиятига мувофиқ келади. МШ ва ИШ диалектик бирликда ва ҳамкорликда сўз грамматик шаклини ҳосил қилади.

Шундай қилиб, грамматик шаклга бундай ёндашувда сўз грамматик маъносининг тузилиши, ички бўлиниши ва алоқаси МШни ташкил этади. Сўзнинг моддий – товуш томондан морфологик бўлиниши ИШни, бу икки шакл бирликда сўзнинг грамматик шаклини ҳосил қилади. МИ ИШга таянади ва унда воқеланади. МШ сўзнинг морфемик бўлинишини, структур шаклланиши, парадигматик қатори билан ҳамда сўзларнинг синтагматик муносабати орқали ифодасини топади.

Грамматик шакл талқинининг ҳар икки йўналишини умумлаштирганда грамматик маъно ифодаланишининг қуйидаги усуллари кўрсатиш мумкин: алоҳида морфемалар, ёрдамчи сўзлар, оҳанг, сўзнинг морфемик бўлиниши, структур шаклланиши, парадигматик қатори ва синтагматик муносабати.

Юқорида таъкидланганидек, грамматик шакл грамматик маъно билан диалектик боғлиқдир. Шунинг учун грамматик шакл ва грамматик маъно ўртасидаги муносабатлар тилшунослар диққатини ўзига тортиб келади. Прага лингвистик мактаби вакиллари Карцевский ва Скаличка шакл ва мазмун ўртасида мавжуд номутаносибликни очиб беришга ҳаракат қилдилар.

Америка тилшуноси Хоккет ҳам грамматик шакл ва грамматик маъно муносабатига эътибор берар экан, улар ўртасида кўпинча номувофиқлик мавжудлигини эътироф этади. Шунинг учун бўш элемент (морф) атамасини киритди. Мазмунсиз, бирон-бир вазифа бажармайдиган ифода плани бирлигини бўш морф дейди.

Бўш морф тушунчасига зид равишда ноль бирлик (морфема) тушунчаси пайдо бўлди. Бўш морф билан ноль бирлик бир-бирига зидланувчи ва бир-бирини тақозо қилувчи бирликлардир. Бўш элемент (морф) – бу ифодаланмишдан маҳрум бўлган белги; ноль бирлик эса ифодаловчиси бўлмаган ифодаланмиш. Ҳар икки ҳолда асимметрик, бир ёқлама белги ҳақида фикр юритилади.

Н.Д.Арутюнова таъкидлаганидек, белги белгилигини йўқотмасдан туриб бир ёқлама бўлиши мумкин эмас. Ноль элементларнинг хусусияти ифода шаклининг йўқлигида эмас, балки унинг ўзига хослигидадир. Шунинг учун

ноль элемент ҳам ва унинг зидди бўлган бўш элемент ҳам бир ёқлама белги сифатида қаралиши мумкин эмас. Шунинг учун бундай ҳолларда айрим муаллифлар маъноли ифодасизлик (значимого отсутствия) атамасини тавсия этади.

А.В.Исаченко маълум грамматик маънони ифодалаш учун хизмат қиладиган ташқи лисоний воситаларни категориал кўрсаткичлар ҳисоблайди. Унинг фикрича, категориал кўрсаткичлар ўз табиатига кўра белги ҳисобланади. Категориал кўрсаткич ҳар қандай белги каби икки таркибий қисмдан ташкил топади: ташқи моддий восита – ифодаловчи (десигнатор) ва ифодаланмиш (десигнат). Фақат ҳар икки қисмнинг бир вақтда иштирокигина белгини ҳосил қилади.

Унинг фикрича, ифодаловчи билан ифодаланмиш алоқаси тарихан таркиб топган. Мазкур алоқа ушбу семантик система билан фойдаланувчи барча жамоа аъзолари учун мажбурий. «Омонимлик» категориал кўрсаткичларнинг мавжудлиги бунинг исботидир. Рус тилидаги -а турли категориал кўрсаткичлар сифатида қўлланилиши мумкин: сестр-а, стол-а, дом-а...

Контекстдан узиб олган -а қандай грамматик маъноларни ифодалайди деб сўраш мантиксизликдир. Маълум ифодаланмиш (десигнат) билан боғланмаган ифодаловчи (десигнатор) белги ҳисобланмайди.

Ўзбек тилидаги *от* товуш қатори (ёки график тасвир) ҳали лисоний белги эмас. У фақат маълум маъно билан (ёки «исм» билан, ё «ҳайвон» билан, ё «ҳаракат» билан) боғлангандагина белгига айланади.

Сўзловчи учун омонимия муаммоси йўқ. Чунки *от* сўзини талаффуз этар экан ва унинг синтагматик муносабатини юзага чиқараркан, омонимдан фойдаланаётганини ҳеч қачон ўйламайди. Ифодаловчини ифодаланмиш билан боғлайди. Тингловчи ҳам шу нутқий вазиятда сўзловчи узатган ахборотни қабул қилади. Демак, у ҳам ифодаловчини аниқ бир ифодаланмиш билан боғлайди.

Шунингдек, синтактик бирликларда ҳам шаклий тузилиш бирликлари билан мазмуний тузилиш бирликлари кўпинча мувофиқ келмайди. Масалан, *Келдим* гапи мазмуний тузилиш бирликлари агенс (бажарувчи субъект) ва унинг ҳаракати (предикати) ўртасидаги муносабатдан, шаклий тузилиш бўйича эса фақат бир сўздан – феъл кесимдан ташкил топган.

Сабаб ва оқибат ҳам борлиқдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликни ифодаловчи бир категориядир. Дарҳақиқат, дунёдаги нарса ва ҳодисалар ўзларининг пайдо бўлишлари, шаклланиш ва ривожланишларида ўзаро алоқадорликда бўлади ва ўзаро бири сабаб, иккинчиси эса шу сабаб туфайли юзага чиққан оқибат бўлади.

Муайян ҳодисаларни юзага келтирган, лекин бевосита сезги аъзоларимизга берилмайдиган яширин жиҳат, моҳият сабаб, у туфайли юзага чиққан, сезги аъзоларимиз ёрдамида ҳис қиладиган нарса ва ҳодисалар оқибат саналади.

Сабабсиз оқибат йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Сезги аъзолари ёрдамида амалий билим жараёнимизда оқибатларга дуч келаемиз. Ҳар қандай

тадқиқотчининг вазифаси оқибатни ўрганиш орқали унинг замирида яширинган сабабни аниқлашдан, уларнинг иккитаси ўртасидаги сабабий боғланишни, сабабиятни очишдан иборат бўлиши керак. Масалан, маълум бемордан иситма чиқаяпти. Бизнинг сезги аъзоларимиз унинг иситмаси борлигини ҳис қилади. Кўзимиз билан икки юзи қизарганини, кўзлари ҳорғинлигини, лаблари қуруқшаганини кўрамиз. Қўлимиз билан пешонасини ушлаб кўриш орқали иситманинг меъёрдан кўтарилганини биламиз. Лекин бизнинг мазкур билишимиз амалий билиш саналади. Ниманинг натижасида иситма чиқаётганини, унинг сабабини бундай йўл билан билолмаймиз. Бунинг учун бир қанча ташқи белгиларни солиштириш керак, натижада иситма ортида яширинган сабаб аниқланади.

Сабаб ва оқибат алоқадорлиги, сабабият тил системаси ва унинг функциясида ҳам амал қилади. Хусусан, нутқий жараёнда турли хил фонетик ўзгаришлар рўй беради. Мазкур фонетик ўзгаришлар ҳам маълум сабабият туфайли майдонга келади. Чунки тил системасидаги ҳар бир ўзгариш, шунингдек, бевосита нутқий жараёндаги ўзгаришлар ҳам маълум сабабият натижасидир.

Ҳар қандай фонетик ўзгаришларнинг сабаби инсоннинг талаффуз қилиш қулайлигига интилиш ҳаракати натижасидир. Сабаб талаффуз ноқулайлигини бартараф этиш, оқибат эса фонетик ўзгариш, яъни қулайликка эришиш.

Нутқий жараёндаги ана шу сабабиятга ёш грамматикачилар мактаби вакиллари катта эътибор бердилар ва нутқдаги ҳар бир фонетик ўзгаришлар замирида ётган сабабни топишга алоҳида диққатни жалб қилдилар.

Фалсафадаги имконият ва воқелик диалектик боғланиши ҳам тил ва нутқ дихотомиясида ёрқин ўз ифодасини топади.

Имконият юзага чиқмаган, лекин юзага чиқиши мумкин бўлган воқеликдир. Унинг юзага чиқиши воқеликларни вужудга келтиради.

Агар бу алоқадорликни тилшунослик асосида кўриб чиқсак, тил-нутқ дихотомиясида барча тил бирликлари имконият, уларнинг нутқ жараёнида турли хил моддий кўринишлари воқеликлар саналади.

Булардан ташқари, диалектикадаги тараққиёт қонунлари: миқдор ва сифат ўзгаришлари бирлиги қонуни, қарама-қаршиликлар бирлиги қонуни, инкорни инкор қонуни тилда ҳам амал қилади.

Диалектиканинг бир шакли синергетикадир. Синергетика табиат ва жамият тараққиётида оралик, ўткинчи ҳолатларнинг бўлиши мумкинлигини эътироф этади. У тараққиёт жараёнида беқарор ҳолат билан барқарор ҳолат ўртасидаги қонуниятга таянади. Барқарорлик қонуният ва сабабият натижасидир. Уни олдиндан билиш, бошқариш мумкин. Барқарорлик ҳодисанинг моҳиятини тушуниш учун унга теран ва синчков назар ташлаш лозим бўлади.

Бундай оралик ҳолатлар тилшуносликка ҳам бевосита дахлдордир. Шунинг учун айрим тилшунослар лингвистик бирликларни ўрганар эканлар, уларни марказий ва чегара ҳолатларга ажратадилар. Чегара ҳолатдаги

лисоний бирликларда икки қутбий бирликларга хос хусусиятлар аралашган, туташган бўлади. Бундай ҳолатни қуйидаги схема орқали тасвирлаш мумкин:

Масалан, фонологик сатҳда унлиларнинг оғиз очилиш даражаси белгиси бўйича зидланишида тор ва кенг унлилар оралиғида тор ҳам, кенг ҳам бўлмаган ўрта кенг (ўрта, тор) унлилар мавжуд. Ёки сўз туркумлари системасида мустақил ва ёрдамчи сўзлар зидланиши оралиғида мустақил сўзларга ҳам, ёрдамчи сўзларга ҳам кирмайдиган, ҳар иккисининг белгисини қисман ўзида мужассам этган сўзлар гуруҳи бор. Бундай мисолларни тилнинг ҳар бир сатҳи бўйича кўплаб келтириш мумкин. Шу фактнинг ўзиёқ тил системасидаги оралиқ ҳолатларнинг диалектика қонуниятларига мувофиқ келишини кўрсатади.

Юқоридагилардан кўринадики, тилшуносликдаги турли хил муаммоларни объектив ҳал қилишда фалсафага таяниб иш кўриш катта аҳамият касб этади.

### **Тилшуносликнинг мантиқ билан муносабати**

Тилшунослик мантиқ фани билан ҳам узвий алоқадордир. Уларнинг алоқадорлик томони шундаки, ҳар иккиси ҳам тафаккур билан боғланади. Чунки тилшуносликнинг ўрганиш объекти бўлган тил тафаккур билан ўзаро муносабатда. Тил кишиларнинг олам ҳақидаги билимларини, фикрларини бошқаларга етказувчи ва шакллантирувчи воситадир. Тил ва тафаккур ўзаро диалектик муносабатда экан, уларни ўрганувчи тилшунослик билан мантиқ ўртасида ҳам ана шундай диалектик алоқанинг бўлиши табиий.

Мантиқ тафаккур шакллари, қонунлари ва усулларини ўрганади. У тушунча, ҳукм шакллари, хулоса чиқариш, исбот ва рад этиш ҳолатлари орқали объектив воқеликининг инъикос этиш жараёнида қандай бўлиш йўллари кўрсатиб, инсон фикрининг аниқ, равшан, кетма-кет ва асосли бўлишини таъминлайди. Шундай экан, мантиқ тилшуносликнинг грамматика бўлими билан бевосита муносабатдадир. Чунки тушунча сўз ва сўз бирикмалари орқали ифодаланса, фикр гап орқали ифодаланади. Бу эса ҳар бир саводди киши учун грамматикани билиш қанча зарур бўлса, мантиқнинг шакл ва қонунларини билиш ҳам шунчалик зарур.

Шу билан бирга, мантиқ ва грамматика қанчалик ўзаро зич боғланмасин, ўзларига хос хусусиятларга ҳам эга. Мантиқ шакллари тушунча, ҳукм, хулосалар ҳамма халқлар учун умумий бўлса, уларнинг турли тилларда ифодаланиш шакллари турли-тумандир. Шунинг учун ҳар бир тил бошқасидан фарқ қиладигай ўз грамматикаларига эга. Бу шуни кўрсатадики, мантиқ билан грамматика бир-бири билан боғлиқ, улар бир-бирини тўлдиради. Айни пайтда, ўз хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади.

Ҳозирги кунда мантиқ тафаккур шакллари қандай ўрганиш нуқтаи назаридан иккига бўлинади: 1) анъанавий мантиқ ёки шаклий мантиқ; 2) диалектик мантиқ.

Диалектик мантиқ XIX аср охирида амалий мантиқ бағрида унинг чегараланган томонларини тўлдириш асосида дунёга келди.

Анъанавий мантиқ тафаккур қонунлари, шакллари ва усулларини тарихий тараққиётни эътиборга олмаган ҳолда ўрганади. Гарчи мазкур мантиқ инсоннинг олами билиши учун бир неча асрлар давомида дастуриламал бўлиб хизмат қилган эса-да, лекин объектни тарихий тараққиёт жараёнидан ташқарида ўргангани учун бир қадар ожизлиги сезилиб қолди. Ана шу ожизликни бартараф этиш талаби билан диалектик мантиқ пайдо бўлди.

Диалектикага асосланган билишгина объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларни ҳар томонлама чуқур англаб олиш, уларнинг ички ўзгариш, ривожланиш қонунларини тўғри ақс этириши мумкин.

Диалектикани билиш жараёнига татбиқ этиш, уни мантиқ сифатида, инсоннинг рационал, ақлий билиши, фикрлаши ҳақидаги фан сифатида ўрганиш диалектик мантиқ таълимотини шакллантирди. Диалектик мантиқ шаклий мантиқдан қуйидаги асосий жиҳатлари билан фарқланади:

1) предметни ҳар томонлама – унинг барча томонлари, алоқаларини назарда тутган ҳолда ўрганиш; 2) предметнинг узлуксиз ўзгаришда, ривожланишда эканини эътиборга олиш ва ҳ.к.

Диалектик мантиқ барча фанлар учун, жумладан, тилшунослик учун ҳам методологик асос вазифасини ўтайди.

### **Тилшуносликда мантиқий йўналиш**

Тилшунослик фалсафа бағрида шаклланиши, тил ва мантиқ ўзаро зич боғлангани сабабли бир қатор олимлар тил категорияларини мантиқ категорияларига қиёсан ўргандилар. Натижада тилшуносликда мантиқий йўналиш майдонга келди.

Тилни тафаккурга муносабати асосида ўрганувчи тилшунослар оқими мантиқий йўналишни ташкил қилади.

Мантиқий йўналиш тилшуносликдаги қуйидаги муаммолар бўйича фикр юритади: 1) тилнинг гносеология билан алоқасини очиш; 2) тилнинг ўзига хос тузилиш хусусиятларини эмас, балки барча тиллар учун универсал томонларини ёритиш; 3) грамматик категорияларни мантиқнинг универсал категориялари асосида аниқлаш: сўзни тушунча асосида, гапни ҳукм асосида изоҳлаш ва бошқалар; 4) қандай тил шаклига эга бўлишидан қатъи назар, ягона таҳлил тамойилини ишлаб чиқиш; 5) диахроник таҳлилдан кўра синхрон таҳлилни устун қўйиш, шу билан боғлиқ равишда тарихий ва қиёсий-тарихий грамматикага нисбатан тавсифий грамматикага эътибор бериш; 6) кўпроқ гап ва семантика таҳлиliga диққат қилиш.



Тилшунослик ва мантиқ ўзларининг илк даврларидаёқ ўзаро муносабатда пайдо бўлган, юнонча логика, арабча мантиқ атамаларининг негизида сўз (logos) ва *нутқ* ётгани ҳам фикримиз далилидир.

Логика атамаси илмий муомалага стоиклар томонидан фикрнинг сўз ёрдамида ифодаланишини билдирувчи атама сифатида киритилди. Арасту эса тафаккур қонунларини ўрганувчи фан учун *аналитика* атамасини қўллаган эди.

Антик даврлардан бошлабоқ грамматик категориялар мантикий категориялар асосида изоҳланди. Гап сўзлар воситасида англашилган фикр деб таърифланди. Сўз билан гап ўртасидаги фарқловчи белги сифатида қайси мантикий категорияларни ифодалаши белгиланди: сўз тушунчани, гап фикрни билдириши таъкидланди.

Гапнинг тузилиш бирликлари ҳам кўпинча тафаккур шаклларида бири бўлган ҳукмнинг тузилиш бирликлари орқали тушунтирилди. Айниқса, бундай ҳолат бир составли гапларни тушунтиришда яққол сезилди. Масалан, рус тилшуноси Бабайцева бир составли гапларни мантиқан составларга бўлиш мумкин экани билан изоҳлайди. Бир составли гапларнинг куйидаги моделларини кўрсатади:

X-P (субъектсиз предикат ифодаланган гап, яъни эгасиз кесим гап)

S-X (предикатсиз субъект ифодаланган гап, яъни кесимсиз эга гап)

Худди шу мантикий йўналишнинг таъсири проф. И.Расулов томонидан ёзилган «Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар» монографиясида ҳам сезилади.

Тилни мантикий категориялар асосида ўрганиш, айниқса, XVII асрдан XIX асрнинг биринчи ярмигача ўз чўққисига кўтарилди. Бу даврда нутқнинг мантикий категорияларга тўла мос ҳолда шаклланишини эътироф этган ҳолда, барча тиллар учун умумий, рационал грамматика яратиш ҳаракати кучайди. Ана шундай курашнинг бошловчиси инглиз файласуфи Ф.Бекон Ф.Бекондир (1561 – 1626). У барча тиллар учун умумий, фалсафий грамматика яратишга уринди. Бундай грамматика яратишда ўзи ишлаб чиққан билишнинг амалий, индуктив методига таянди. Ф.Бекон турли тилларнинг қиёсий грамматикасини барпо этиш асосида унинг негизида барча тилларнинг афзал жиҳатларини қамраб олган ва инсон тафаккури ҳамда сезгиларини ўзида идеал жойлаштирувчи умумий бир тилни яратиш мумкин деган ғояни илгари сурди.

Кўринадики, у дунёга кенгроқ тарқалган Оврупо тиллари негизида барча халқларнинг такомиллашган алоқа воситаси бўлган – худди эсперанто каби – бир тилни яратиш ҳақида фикр юритади.

Мантикий категориялар асосида барча тиллар учун умумий грамматика яратиш ғояси француз олими Рене Декарт (1596 – 1650) ва унинг ғояси асосида дунёга келган картезиан фалсафаси томонидан ривожлантирилди. Аслида, картезиан атамаси Декарт фамилиясининг лотинча (Cartesins) ёзилиши асосида майдонга келган.

Унинг фикрича, барча инсонларга хос мураккаб тушунчалар системаси нисбатан анча кам миқдордаги элементар бирликларга жамланиши мумкин.

Масаланинг ечими инсон тафаккурининг барча бойликларини ташкил этадиган энг кичик, бошқа майда бўлакка бўлинмайдиган мантикий бирликларни аниқлаш даражасига, чин фалсафага асосланган фалсафий тил системасини топишга боғлиқдир.

Декарт худди табиий сон қаторлари каби инсон фикр-ғояларининг ҳам саноғини чиқариш мумкин эканини тахмин қилади. Унинг фикрича, ўзига номаълум бир тилда барча сонларни бир кунда ёзиш ва ўқиш мумкин бўлганидек, инсон тафаккуридаги тушунча ва ғояларни ҳам ана шундай миқдорларга келтириш, натижада ўша тушунча ва ғояларни ифодаловчи сўзлар тизимини яратиш мумкин. Бундай тилни яратиш, энг аввало, чин фалсафага боғлиқ. Декартнинг фикрига кўра, фақат мазкур фалсафагина инсоннинг барча фикр-ғояларини санаши ва уларни содда ҳолда аниқ қилиб, чиройли тартибда жойлаштириши мумкин. Бундай тил, унинг эътирофига кўра, сўзларнинг бир хил тусланиш, турланиш ва тузилишига эга бўлиши лозим.

Умумий грамматика яратиш ғоясини олға сурган олимлардан яна бири немис олими Готфрид Вильгельм Лейбницдир (1646 – 1716). У илмий кашфиётлар қилишга имкон берадиган умумий илмий методни қидириш жараёнида тилга муурожаат этди.

Г.В.Лейбниц фақат исботлаш билангина кифояланувчи анъанавий, шаклий мантикни танқид қилган ҳолда, «илмий кашфиётлар қилиш санъати»га эга бўлган янги мантикни яратиш зарурлигини таъкидлайди. Ана шундай мантикни яратиш йўлини у тилнинг мантикий таҳлилида кўради. Тилнинг мантикий таҳлили, олимнинг фикрича, универсал мантикий символларни яратиш ва бу символлар ёрдамида тафаккур элементларини ифодалаш мумкин бўлади. Шундай қилиб, Лейбниц сунъий символик тилни яратиш ғоясини кўтариб чиқди. У бундай сунъий тилнинг мантикий-фалсафий ва математик қурилмаларга максимал яқин бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Лейбниц фикрича, барча мураккаб ғоялар содда ғоялар комбинациясидан, барча бўлинувчи сонлар бўлинмайдиган сонлардан ташкил топганини эътиборга олган ҳолда, мураккаб тушунчаларни содда тушунчаларга бўлиш чоғида комбинаторика тамойилларига амал қилиш лозимлигини уқтиради. Биринчи қатордаги атамалар содда тушунчалар, иккинчи қатордаги атамалар содда тушунчалар жуфтлиги, учинчи қатордаги атамалар эса биринчи қатордаги уч атаманинг ёки биринчи қатордаги икки атама билан иккинчи қатордаги бир атаманинг комбинацияси эканини таъкидлайди.

Шундай қилиб, барча мураккаб тушунчалар маъно «атом»ларидан ташкил топганини эътироф этади. Натижада тафаккур узвларини алгебраик ифодалар билан белгилаш имкони яратилади. Лейбниц оғзаки ва ёзма нутқда қўллаш мумкин бўлган символлаштирилган тил лойиҳасини тавсия этди. Бу тилнинг қуйидаги символларни ўз ичига олиши назарда тутилди: а) тўққизта кетма-кет келган рақам лотин алфавитидаги дастлабки тўққиз ундош ҳарфни

ифодалайди: 1=b, 2=c, 3=b, 4=t, 5=g, 6=h, 7=l, 8=m, 9=n... б) ўнликлар бешта  
унлига мос келади: 10=a, 100=e, 1000=1, 10000=o, 100000=u.

Лейбницнинг мазкур ғояси кейинчалик математик мантиқ ва кибернетиканинг шаклланиши ва ривожини учун катта аҳамиятга эга бўлган символик мантиқнинг ривожланиши учун туртки берди.

Гарчи Бэкон, Декарт, Лейбницлар мантиқий категориялар асосида умумий грамматика яратиш ғоясини берган бўлсалар-да, лекин улар бу ғояларни фалсафа доирасида баён қилдилар. Мавжуд тилларнинг ички тузилиши ва табиати ҳақида соф лингвистик тадқиқот олиб бормадилар.

Мантиқ материаллари асосида тил тузилишини тушунтириш ва рационал грамматика яратиш илк марта француз олимлари А.Арно ва К.Ландслога насиб этди (бу грамматика ҳақида II жилдда батафсил маълумот берилади).

### **Тилшуносликнинг адабиёт билан муносабати**

Тилшунослик бадиий адабиёт билан ҳам узвий алоқададир. Чунки тил алоқа воситаси сифатида муайян ахборот ташувчи оддий белгилар системасигина бўлиб қолмай, балки тингловчига таъсир қилувчи қудратли восита ҳамдир. Тилнинг биринчи функцияси анъанавий ва систем-структур тилшуносликнинг ўрганиш объекти бўлса, иккинчи функцияси лингвопоэтиканинг ўрганиш объектидир.

Лингвопоэтика лингвистик поэтиканинг қисқарган шакли бўлиб, бадиий асарларда қўлланилган лисоний бирликларнинг (фонетик, морфемик, лексик ва бошқ.) бадиий-эстетик вазифаларини, тилнинг коннотатив функциясини ўрганadi. Бошқача айтганда, лингвопоэтика тилшуносликнинг бадиий нутқни ўрганувчи бўлимадир.

Бадиий нутқ бадиий адабиётнинг баён қилиш воситаси саналади. Филология тарихида бадиий асар тили ва поэтик тил атамалари тез-тез учраб туради. Мазкур атамалар ифодалаган тушунчалар бир-бирига жуда яқин турса ҳам, лекин ўзаро маълум жиҳатлари билан фарқ қилади. «Образ», «услуб», «кўчим (троп)», «бадиий тил», «стилистика», «поэтика» каби тушунчалар бадиий асар тили ва лингвистик поэтикага дахлдор тушунчалардир.

В.П.Григорьевнинг таъкидлашича, бадиий тил кенг қамровли объект сифатида функционал даражаланган қисмларга, фрагментларга бўлиниш хусусиятига эга.

Амалда кенг қамровли объектнинг айрим фрагментларигина бадиий нутқнинг таҳлилига берилади. Ана шундай асосий фрагмент бадиий асар тили саналади. Кўринадики, бадиий нутқ бадиий асар тилига нисбатан кенгроқ тушунчадир. У тилнинг экспрессив функциясини ўз ичига олади. Бадиий асар тили эса бадиий нутқнинг бир кўриниши, бир фрагменти ҳисобланади.

Бадиий нутқни ўрганувчи лингвистик поэтика ҳам тил системаси барча сатҳ бирликларининг бадиий-эстетик функциясини қамраб олади. Фонетик-

фонологик сатҳда фонетик бирликлар ҳам бадий-эстетик вазифа бажариши мумкин. Хусусан, бир хил товушларнинг, бир хил бўғинларнинг такрорланиши шеъриятда гўзалликни, таъсирчанликни таъминловчи восита саналади.

Лексик сатҳда лексемаларнинг кўчма маъноларда қўлланилиши (метафора, метонимия ва бошқ.), муболаға, мейозис каби ҳодисалар ҳам таъсирчанликни оширади ва ЛПнинг текшириш объекти саналади.

Шунингдек, гап бўлақларининг ўринлашиши, гап таркибида бир хил бўлақларнинг такрорланиши каби ҳодисалар ҳам бадий нутқни шакллантиришда хизмат қилади.

Шундай қилиб, ЛП тилнинг қайси сатҳ бирлигининг бадий-эстетик функциясини ўрганишига қараб фонетик поэтика (ФП), лексик поэтика (ЛекП), синтактик поэтика (СП) каби қисмларга бўлинади.

ЛПнинг ҳар қайси турини алоҳида-алоҳида ўрганиш ва уларнинг ўзаро муносабатини очиш ҳозирги тилшунослик олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

### **Тилшуносликнинг психология билан муносабати**

Лисоний фаолият, бир томондан, тилшуносликнинг ўрганиш объекти бўлса, иккинчи томондан, психологиянинг ҳам текшириш предмети саналади. Демак, тилшунослик билан психологиянинг ҳам кесишиш нуқтаси мавжуд. Икки фан оралиғидаги кесишиш нуқтаси психоллингвистиканинг ўрганиш объекти саналади.

Психоллингвистика атамаси АҚШ олимлари томонидан илмий ҳаётга олиб кирилди. Илк марта бу атама 1946 йили Америка психологи Н.Пронко томонидан «Тил ва психоллингвистика» номли мақолада қўлланилди. Лекин мазкур мақолада психоллингвистиканинг мақоми кенг илмий жамоатчилик эътирофи эътибори билан даражада белгиланмаганди.

1953 йили Индиана штатининг Блумингтон шаҳрида машҳур Америка психологлари Дж.Кэрролл ва Ч.Осгуд билан таниқли тилшунос ва этнограф Т.Сибоек томонидан ўтказилган университетлараро семинарда тилшунослик билан психология муносабатлари муҳокама этилди ва бу икки фан оралиғида психоллингвистика номи билан юритилувчи алоҳида фан йўналиши бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Семинарда турли ихтисослик вакиллари иштирок этдилар. Хусусан, 1953 йили «Тилни ўрганиш» номли асар ёзиб, унда тилшуносликнинг бошқа фанлар билан, айниқса, психология билан муносабатини чуқур таҳлил қилиб доврўқ қозонган Дж.Кэрролл, фольклористика бўйича шуҳрат топган Т.Сибоек, тилшунослик бўйича анча машҳур бўлиб қолган, хиндулар тили ва маданияти бўйича таниқли мутахассис Ж.Женкинс, тилларнинг генеологик таснифи ва тил тарихи билан шуғулланувчи Ж.Гринберг каби машҳур олимлар билан бирга қатор ёш тадқиқотчилар ҳам қатнашдилар.

Икки ой давом этган семинарда психолингвистик тадқиқотларнинг назарий асослари бўйича бир фикрга келинди. Семинарда иштирок этган олимларнинг психолингвистика бўйича умумий платформаси 1954 йили «Психолингвистика» номи билан нашр этилган коллектив монографияда ўз ифодасини топди.

Бу китоб илмий жамоатчилик ўртасида катта шуҳрат қозонди. Натижада психолингвистика тилшунослик ва психология ораллигидаги алоҳида фан йўналиши сифатида эътироф этила бошлади. Тез орада дунёнинг турли мамлакатларида, хусусан, Англия, Франция, Италия, Руминия, Польша, Чехословакия, Голландия, Россия, Норвегия, Канада сингари қатор мамлакатларда психолингвистика мактаблари дунёга келди.

Психолингвистика гарчи асримизнинг 50-йилларидан шаклланган бўлса-да, лекин унинг илдизи узоқ даврларга – тилшуносликда анчадан буён давом этиб келаётган психологик йўналишга бориб тақалади. Демак, психолингвистика XIX аср тилшунослигида ҳукм сурган психологик йўналишнинг мантиқий давомидир Шунинг учун, аввало, психолингвистиканинг илдизи бўлган тилшунослик назариясидаги психологик йўналиш ҳақида фикр юритишга тўғри келади.

Тилшуносликда психологик йўналиш анча даврлардан буён ҳукм суриб келаётган тил моҳиятини мантиқий асосда ёритишга қарама-қарши равишда XIX асрнинг 50-йилларида қиёсий-тарихий тилшунослик негизида вужудга келди.

Мазкур йўналишнинг пайдо бўлишида В.фон Гумбольдтнинг тил фалсафаси катта таъсир кўрсатди. Тилшуносликда психологик йўналишнинг асосчиси буюк немис тилшуноси В.фон Гумбольдтнинг шогирди Х.Штейнталдир.

Психологик йўналиш ўзининг дастлабки даврида бир қатор далиллар асосида анъанавий мантиқий йўналишдан узилишга ҳаракат қилди. Бу асослар қуйидагича:

1) мантиқий ва грамматик категорияларнинг ўзаро мувофиқлиги жуда кучсиз даражададир. Уларнинг муносабати доира ва қизил тушунчаларининг муносабатига ўхшайди. Мантиқ умуминсоний моҳиятга эга. Шунинг учун муайян халқнинг тилига хос хусусиятларни очиб беролмайди. Мантиқ гипотезаларга таянувчи фан бўлса, тилшунослик генетик хусусиятга эга. Яъни тилшунослик «нутқий жараён»ни тадқиқ этиш билан шуғулланса, бу жараён мантиқни қизиқтирмайди ва ҳ.к.

Психологик йўналиш тарафдорлари тилшуносликнинг методологик асоси сифатида мантиқни эмас, балки психологияни эътироф этдилар.

В.фон Гумбольдт таъсирида Х.Штейнтал тилда «халқ руҳи»нинг, халқ психологиясининг ифодаланишини кўрди. Шунинг учун тилнинг социал табиатига алоҳида аҳамият берилди.

У даврдаги психология индивидуал психология эди. Шунинг учун Х.Штейнтал социал психологияни (этнопсихологияни) яратиш ва уни тарғиб этиш учун М.Лоцарус билан биргаликда «Этник психология ва тилшунослик» номли журнални нашр этдилар. XX аср бошларида В.Вундт

хам тилшуносликнинг методологик асоси сифатида халқ психологияси ҳақидаги фанни яратишга интилади. Лекин у алоҳида фан сифатида шаклланмади. Шуга қарамай, тилшуносликда психологияга таяниш ҳаракати бир қатор янги йўналишларнинг очилишига сабабчи бўлди. Жумладан, тилшуносликда халқ руҳини очишга интилиш туфайли фольклорни, мифологияни, топишмоқ, мақол, маталларни ва уларда ифолаланган халқ урф-одатларини чуқур ўрганишга эътибор кучайди. Уларга халқ донолигининг ифодаловчилари сифатида қаралди.

6. Психологик йўналиш тарафдорлари В.фон Гумбольдт ғояларига содик қолган ҳолда, тилни доимо ривожланиб боровчи динамик, тарихий ҳодиса сифатида баҳоладилар. Бундай ёндашув қиёсий-тарихий тилшунослик ғояларига мос келади. Шу билан бирга, ассоциатив психология тушунчалари ва амалини тилшуносликка киритиш ҳаракатида психологик йўналиш тарафдорлари жонли нутққа, бевосита нутқий жараёнга, тилнинг ички томонига, сўз ва гапларнинг маъно томонига асосий эътиборни қаратдилар. Уларнинг таъкидлашича, жонли нутқни ўрганиш тилнинг моҳиятини ва келиб чиқишини яхшироқ тушунишга қулай имконият беради.

Психологик йўналиш вакиллариининг бевосита жонли нутққа эътибор қаратишларида ҳам В.фон Гумбольдтнинг таъсири кузатилади. В.фон Гумбольдт тил ва нутқни фарқлаган ҳолда, жонли нутқни ўрганиш жараёнида, гарчи маълум бир тил вакиллари бир умумий тилда гаплашсаларда, улар ўз тилларига ҳам эгадир деган хулосага келади. Шунинг учун жонли нутқни, айни пайтда, индивидлар нутқини ўрганиш лозим деган ғояни илгари суради.

Маълумки, В.фон Гумбольдт асарларида «тилнинг ички шакли» тушунчаси марказий ўринни эгаллайди. Бу жуда кенг тушунча бўлиб, халқ руҳи, урф-одатлари ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Психологик йўналиш тарафдорлари ҳам мазкур тушунчага катта эътибор бердилар. Х.Штейнтал уни тил тарихига нисбатан ҳам қўллашга уринди. Унинг фикрича, тарихгача бўлган даврда тиллар жуда бой ички шаклга эга эди. Тарих даврида эса улар аста-секин камайиб борган. Бу фикрлар машҳур француз файласуфи Ж.Руссо қарашларига ғоят монанддир.

«Ички шакл» тушунчасидан психологик йўналиш вакиллари сўзнинг пайдо бўлиш жараёнини тушунтириб беришда ҳам фойдаланадилар. Хусусан, мазкур тушунча рус тилшунослигидаги психологик йўналишнинг йирик вакили А.А.Потебня асарларида ҳам марказий ўринни эгаллайди. Лекин А.А.Потебня асарларида қўлланган «ички шакл» атамаси остида В.фон Гумбольдт тушунган «халқ руҳи» эмас, балки сўзнинг келиб чиқишига асос бўлган «образ маркази» тушунилади. Масалан, *медведь* сўзининг пайдо бўлиши учун хизмат қилган ички шакл, образ маркази «айиқнинг асал ейиши» белгиси бўлган.

Тил бирликларининг пайдо бўлишини тушунтиришда психологик йўналиш вакиллари психологиянинг «ассимиляция», «ассоциация», «апперцепция» каби атамаларидан фойдаландилар.

Айниқса, «ассоциация» тушунчаси А.А.Потенбня ижодида сўзнинг пайдо бўлиши, сўз этимологиясини баён қилишда кенг қўлланилади.

Психологик йўналиш тарафдорлари юқоридаги санаб ўтилган психологик атамаларга кўпроқ мурожаат қилганликларидан кўриниб турибдики, улар асосан бевосита нутқий жараёнга асосий эътиборни қаратдилар.

Улар биринчилардан бўлиб В.фон Гумбольдтнинг боғли нутқни лингвистик текшириш объектига айлантириш лозимлиги ҳақидаги фикрига диққатини тортдилар.

Психологик йўналиш вакиллари, гарчи текшириш методологиясида психологизмга асосланиш нуқтаи назаридан умумийликни ташкил этсалар ҳам, лекин улар турли мамлакатларда бир-биридан фарқли жиҳатларга эга бўлдилар. Жумладан, Россия психологик мактаби вакилларининг қарашлари немис психологик мактаби вакилларида бирмунча фарқ қилади. Хусусан, Штейнтал, Вундт сингари олимлар тилнинг психологик томонига эмас, балки психологиянинг тил томонига эътибор қаратдилар. А.А.Потенбня грамматиканинг ўзига хос хусусиятларини очишда психологик тушунчалардан фойдаланди.

Психологик йўналиш асосчилари тил тараққиётида психологик омилларнинг ролини ошириб юбордилар. Кўпинча психологик категориялар билан грамматик категориялар қориштирилди.

Психологик йўналиш вакилларининг бундай кучсиз томонларини англаш XIX асрнинг 70-йилларида тилшуносликда янги йўналиш – ёш грамматикачилар мактабининг туғилишига олиб келди.

Ёш грамматикачилар мактаби ғоялари Германиянинг Лейпциг университети олимлари томонидан яратилди. Мазкур мактаб психологик йўналиш бағрида ривожланди ва унга танқидий ёндашиш асосида шаклланди. Ёш грамматикачилар тилнинг психологик табиатини эътироф этган ҳолда, этнопсихологияни илмий уйдирма сифатида рад қилди ва тилшуносликнинг текшириш объектига бериладиган ягона реаллик индивид тили деб баҳоланди. Шунинг учун улар асосий эътиборни нутқий жараённи, нутқий жараёндаги фонетик ўзгаришларни ўрганишга қаратдилар.

Тилшуносликнинг ягона методологик асоси индивидуал психология эканини таъкидладилар. Шу билан бирга, тилнинг моҳиятини психология билан қориштирадилар. Тилнинг моддий томонини текширишга алоҳида диққат қилдилар.

Тилшуносликда психологик ёндашув анъанаси узоқ давом этди. XX аср бошларида А.Марти асос солган универсал грамматика назарияси учун ҳам ана шу ёндашув пойдевор бўлиб хизмат қилди.

А.Марти универсал грамматика яратиш мумкинлигининг таянч нуқтаси сифатида барча тилларнинг бир хил психологик мазмунни ифодалашини ва бир хил ички қурилишга эга эканини, чунки ҳар қандай инсон, қайси тилга мансуб бўлишидан қатъи назар, умумий психофизиологик тузилишга эга бўлишини таъкидлайди. А.Марти фикрига кўра, тилшуносликнинг асосий

вазифаси универсал тил воситалари орқали ифодаланган мазмун ва психик функцияларни аниқ тавсифлаш ва таҳлил қилишдан иборат бўлиш керак.

Асримизнинг 50-йилларида майдонга келган психолингвистика психологик йўналишнинг энг яхши жиҳатларини давом эттирди ва уни янги босқичга олиб чиқди.

Психолингвистиканинг ўрганиш объектига нималар киради? Мазкур саволга ҳам бугунги кунда психолингвистлар турлича жавоб берадилар. Лекин уларнинг ҳаммасини жамлаган ҳолда, қуйидаги масалаларни психолингвистика объекти сифатида ажратиш мумкин.

1. Нутқнинг вужудга келиш механизмини ўрганиш.
2. Болалар нутқининг шаклланиш жараёнини ўрганиш.
3. Турли нутқий вазиятда нутқни сўзловчи билан тингловчи ўртасидаги муносабатни ҳисобга олган ҳолда ўрганиш.
4. Нутқнинг ахборот ташиш функциясини ўрганиш ва бошқ.

### **Тилшуносликнинг этнография билан муносабати**

Тил билан шу тил эгаси бўлган халқ узвий алоқададир. Халқ тарихидаги ҳар бир воқеа, урф-одатлари, турмуш тарзи унинг тилида акс этади. Шунинг учун тил билан шу тил эгаси бўлган этнос ўртасида қандай мустаҳкам алоқа мавжуд бўлса, уларни ўрганувчи тилшунослик билан халқ тарихи ва этнография ўртасида ҳам шундай алоқа бор.

Халқ, элатнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётида рўй берган ҳар бир ўзгариш унинг тилида ҳам ўз ифодасини топади. Шунинг учун халқ тарихи учун тарихий ҳужжатлар, археологик ёдгорликлар гувоҳлик беролмаган тақдирда ҳам, унинг тили қимматли материаллар бериши мумкин. Айниқса, топоним, этноним, этнотопонимларни халқ тарихини инобатга олмай туриб ўрганиб бўлмайди. Шу билан бирга, тилшунослик этнография билан ҳам узвий алоқададир.

Тилнинг шу тил эгаси бўлган этнос маланиятига муносабатини, тилнинг функцияланиш ва ривожланиш жараёнида тил билан этномаданият, этнопсихологик омиллар ўртасидаги алоқани ўрганишга эҳтиёж туфайли этнолингвистика йўналиши вужудга келди.

Этнолингвистика атамаси грекча *ethnos* – халқ, қабила ва лингвистика сўзларидан олинган бўлиб, мустақил лингвистик йўналиш сифатида XIX асрнинг 70-йилларида Шимолий, кейинроқ Марказий Америкадаги ҳинду қабилаларининг тили, маданияти, урф-одатларини ўрганишнинг кучайиши билан пайдо бўлди. Лекин мазкур йўналишнинг илк даврида кўпроқ этнография масалаларига диққат жалб қилинди, фақат асримизнинг 20-йилларида лингвистик томонига эътибор кучайтирилди.

Этнолингвистиканинг мустақил лингвистик йўналиш сифатида шаклланишида Америка тилшуноси, этнографи Ф.Боас ва унинг ўқувчиларининг хизмати катта. Улар йўналишнинг муаммолар доирасини ва тадқиқот методларини белгиладилар. Этнолингвистика Америка олимлари



асарларида кўпинча «антропологистика», «этносемантика» атамалари билан ҳам алмаштириб қўлланилади.

Этнолингвистика муаммоларидан энг муҳими сифатида Америка ҳиндулари тилларининг генетик қариндошлигини аниқлаш масаласи қаралди.

Бу тилларнинг таснифи дастлаб маълум тамойилга асосланмаган ҳолда, тахминларга таяниб қилинган бўлса, кейинчалик Э.Сепир, С.Лем, М.Сводеш, Ж.Л.Трейжер ва бошқалар томонидан аниқ илмий методларга таянилди. Ҳиндулар тилларини синфларга бирлаштиришда ҳиссий-тарихий (Э.Сепир, С.Лем), глоттохронологик (М.Сводеш), тарихий-типологик ва ареал (К.Хейил, Ж.Л.Трейжер) методлардан фойдаланилди.

Тилларнинг таснифидан ташқари, яна тилларнинг ва маданиятларнинг ўзаро таъсири, билингвизм масалалари, тил тараққиётига ижтимоий маданиятнинг таъсири каби муаммолар ҳам этнолингвистиканинг ўрганиш доирасига киритилди.

Дастлаб этнолингвистика доирасига семантика ҳам киритилган эди. Лекин кейинчалик дескриптив лингвистиканинг авж олиши натижасида семантика лингвистик тадқиқотлар доирасидан чиқарилди.

Тилнинг семантик томонига эътибор асримизнинг 50-йиларида Сепир-Уорф гипотезасини кенг муҳокама қилиш жараёнида қайта жонланди. Айни пайтда, этнолингвистика масалаларига ҳам яна эътибор кучайди. Бу даврда семантикага эътиборнинг қаратилиши натижасида узвий таҳлил методи амалиётда кенг қўлланилди. Бундай усул ёрдамида турли тилларда социал-маданий хусусиятларни ифодаловчи сўзлар гуруҳи (қариндош-уруғ номлари, ранг билдирувчи сўзлар) атрофлича таҳлил этилди.

Шунингдек, турли этник гуруҳларда қўлланиладиган паралингвистик воситалар, фольклор материалларини ўрганиш ҳам этнолингвистика объектига киритилди. Хусусан, асримизнинг 70 – 80-йилларида фольклор материалларига эътиборнинг тортилиши тил ва маданият ўртасидаги алоқанинг янги турларини очишга имконият яратди ва бу билан этнолингвистиканинг ўрганиш доирасини кенгайтди.

Ҳозирги кунда этнолингвистика дунёнинг деярли барча мамлакатларида тилшуносликнинг бир йўналиши сифатида эътироф этилди ва бу йўналиш бўйича кенг тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

### **Тилшуносликнинг социология билан муносабати**

Тил ижтимоий ҳодиса бўлганидан жамият билан, жамиятнинг ҳаёти билан узвий алоқададир. Демак, унинг ижтимоий моҳияти, ижтимоий вазифаси, тилга социал омилларнинг таъсири, тил тараққиётида тил сиёсатининг роли каби қатор масалаларни ўрганиш билан шуғулланувчи тилшунослик йўналишининг яралишига катта эҳтиёж туғилди.

Ана шундай амалий эҳтиёж билан тилшуносликда социал йўналиш ва социалингвистика дунёга келди. Социалингвистиканинг асосий ўрганиш муаммоларидан бири тилнинг социал дифференцияси масаласидир.

Муайян бир тилда гаплашувчи жамиятнинг социал гуруҳланиши хилма-хилдир. Шунга кўра, ҳар қайси гуруҳнинг ўзига хос лингвистик белгилари мавжуд. Масалан, ҳудудий фарқланиш, касбий фарқланиш ва бошқ. Ҳар қайси социал гуруҳнинг ўз лингвистик белгисига кўра фарқланиши, унинг ижтимоий сабабларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Социалингвистиканинг иккинчи муҳим муаммоси маълум бир жамиятдаги тилнинг яшаш шакллари мажмуаси сифатида баҳоланадиган тил вазияти масаласидир.

Масалан, собиқ шўролар даврида бир неча тилларнинг мавжуд бўлгани ҳолда, битта тилга, асосан рус тилига катта имтиёз берилгани туфайли, бошқа тиллар рус тили таъсирида қолиб кетди.

Тил вазияти икки гуруҳга бўлинади:

1) экзоглосс вазият, яъни турли тиллар мансуб бўлган тилларнинг бир жамиятда фаолият кўрсатиши;

2) эндоглосс вазият, яъни бир тилнинг турли кичик системаларининг фаолият кўрсатиши.

Тилларнинг ўзаро таъсири ва лексик олинмалар муаммолари ҳам социалингвистиканинг ўрганиш объектидир.

Социалингвистиканинг энг муҳим муаммоларидан яна бири билингвизм масаласи. Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида икки тилда тенг гаплашувчи аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг ҳар икки тилда эркин фикр алмашиши қонун билан ҳимоя қилинади.

Билингвизм шароитида, албатта, икки тил ўзаро бир-бирининг таъсирига учрайди. Ана шу таъсирни ўрганиш ҳам социалингвистиканинг ўрганиш объектига киради.

Социалингвистика муаммолари ичида тил ва тил сиёсати масаласи энг муҳим ўринни эгаллайди. Собиқ Иттифоқ даврида миллатларни ва уларнинг тилларини бирлаштириш сиёсати олиб борилди. Бунинг натижасида етмиш йил ичида айрим майда этнослар ва уларнинг тиллари (масалан, юкагирлар) йўқолиб кетди. Рус бўлмаган бошқа миллатлар ва уларнинг тилларида ҳам турғунлик, фаолият доирасининг чекланиши ҳукм сурди.

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришгач демократик тамойилга асосланган тил сиёсати юритила бошлади. Бунинг ёрқин гувоҳи сифатида Давлат тили ҳақидаги қонуннинг тўққизта моддаси Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган бошқа халқ вакиллари ва уларнинг тиллари ҳимоя қилинишига қаратилгандир.

Бундан ташқари, социалингвистика миллат ва миллий тил, тил ва жамият каби масалалар билан ҳам шуғулланади.

## **Тилшуносликнинг тарих фани билан муносабати**

Тил жамиятнинг алоқа – аралашув қуроли сифатида жамият тарихи билан узвий алоқададир. Чунки жамиятда рўй берган ҳар бир ўзгариш шу жамиятнинг тилида ўзининг маълум изини қолдиради. Шунинг учун жамият тарихининг муайян жиҳатларини ёритишда тарихий ҳужжатлар, ёзма

ёдгорликлар ожизлик қилиб қолган жойда лингвистик материаллар ёрдамга келиши мумкин. Айти пайтда, маълум лингвистик фактларни тарихий материалларга суянмасдан туриб изоҳлаш етарли бўлмайди. Бу эса жамият тарихи билан шу жамият тилининг ва уларни ўрганувчи тарих фани билан тилшунослик фанининг нақадар алоқадор эканини кўрсатади.

Жамият узлуксиз ҳаракатда, ривожланишда, ўзгаришда бўлганидек, унинг тили тинимсиз ҳаракатда ўзгаришда, ривожланишдадир. Шунинг учун тилшунослик тарихида тилни ўрганишда унинг тарихий тараққиётига турлича муносабатда бўлдилар. Хусусан, қиёсий-тарихий тилшунослик мактаби вакиллари тилни тарихий аспектда ўрганишга кўпроқ эътибор берган бўлсалар, ёш грамматикачилар мактаби вакиллари уларга танқидий ёндашган ҳолда, тилнинг статик ҳолатига, асосан жонли нутқни ўрганишга жиддий эътибор бердилар.

Машҳур швейцар олими Фердинанд де Соссюр эса тилнинг ҳар икки жиҳатини ўзаро алоқада ўрганиш лозимлигини таъкидлайди. Шунинг учун у тилнинг икки ҳолатини фарқлаган ҳолда, тилшуносликнинг текшириш методининг ҳам икки хил бўлиши лозимлигини таъкидлади: синхрония ва диахрония. Ҳозирги кунда тил икки йўналишда ўрганилади: статик (синхрон) ҳолати ва динамик (диахрон) ҳолати.

Тил тараққиётининг муайян бир давридаги ҳолати синхрон ҳолат саналади. Тил синхрон ҳолатда ўрганилганда, унинг ҳозирги ҳолати тадқиқот объекти бўлади. Диахрон ўрганишда эса тил бирликларининг тарихий тараққиётига эътибор берилади. Лекин синхрония билан диахрония ўзаро алоқададир. Синхрония диахрония занжиридаги бир ҳалқа саналади. Шунинг учун кўп ҳолларда диахрониясиз тилнинг синхрон ҳолатини тушунтириш қийин бўлади.

Тил тарихи жамият тарихининг таркибий қисми, шунинг учун тил тарихини (тилни диахроник ўрганиш) жамият тарихидан узилган ҳолда ўрганиш мумкин эмас. Тилда мавжуд бир қатор ҳодисалар моҳияти жамият тарихи асосида очилади.

Лекин тил системасининг барча сатҳлари ҳам жамият тарихи билан бир хилда боғланмаган. Жамият ҳаётидаги турли хил янгиликлар шу жамият тилининг луғат таркибида ўз ифодасини топгани туфайли тил системасининг лексик сатҳи бошқа сатҳ бирликларига нисбатан кўпроқ жамият тарихи билан боғлиқ бўлади.

Тилнинг лексик сатҳида жамиятнинг турмуш тарзи ҳаётидаги ўзгаришлар ифодасини топгани боис сўзни таҳлил қилиш асосида мазкур тил эгаси бўлган жамият ҳаётига боғлиқ тарихий маълумотларга эга бўлиш мумкин. Масалан, *Қозонни осмоқ* ибораси бор. Ҳозирги кунда қозоннинг осилмаслиги, балки ўчоқ ёки газ плитаси устига қўйилиши маълум. Бу иборанинг маъносини тушунтириш жамиятнинг қадимги кўчманчилик ҳаёт тарзи ҳақидаги тасаввуримизни кенгайтиради. Қадимда ўтроклашмаган жамият аъзолари турли жойларда овқат пишириш учун тагидан ўт ёқиладиган мосламага масаллиқ солинган идишни илганлар.

Тил материалларини ўрганиш тарихнинг уч хил муаммосини ҳал қилишда ёрдам бериши мумкин:

- 1) халқнинг келиб чиқиши;
- 2) тарихий тараққиётнинг турли босқичида халқ маданияти ҳолати;
- 3) бошқа халқлар билан муносабати.

Ўзбек халқи тарихан бир қанча этник гуруҳларнинг узоқ даврлар давомида бирга яшаб, ўзаро муносабатда бўлиш ва бирлашуви натижасида таркиб топган. Қандай этнослардан ташкил топгани ҳозирги ўзбек тилининг маҳаллий шевалари материаллари асосида ойдинлашади. Масалан, сўз бошида [й] нинг (ж) га алмашинуви, сўз ўртасида икки унли оралиғидаги г ундошининг й га (сигир // сийир) ёки, аксинча, й ундошининг г га (кейин // кегин) алмашинуви, шу ҳолатда бир қатор жарангсиз ундошларнинг жарангли ундошга айланиши (чиқиб // чиғиб) ва бошқалар мазкур тил эгаларининг қадимда қипчоқ қабиласига мансуб бўлганини билдиради.

Шунингдек, сўз бошида жарангсиз ундошларнинг жарангли ундошга алмашиниши (тоғ // дағ, туш // душ), чўзиқ унлиларнинг мавжудлиги (да: ғ) шу тилда гаплашувчиларнинг ўғиз қабиласидан келиб чиққанига ишора қилади.

Ёки бир қатор этнотопонимлар шу жойда яшаётган этносларнинг тарихан қайси уруғ ёки қабиладан келиб чиққанини билдириб туради. Масалан, Андижон атрофида Найман, Сулдуз, Мундуз, Сарой, Бахрин, Бешкал каби қишлоқлар бор. Мазкур қишлоқларда яшовчилар ўзларининг тарихан қипчоқлардан келиб чиққанини ҳозирги кунда билмайдилар. Фақат топонимик маълумотларгина уларнинг генетик жиҳатдан қипчоқларга мансублигига ишора қилади. Қипчоқ элементлари бу қишлоқларда яшовчи аҳоли тилининг фонетик тузилишида ҳам сезилмайди.

Тил фактлари шу тил эгаларининг муайян бир даврдаги турмуш маданияти ҳақида ҳам маълумот беради. Масалан, қадимги туркий-руний ёзма ёдгорликларида «Култегин» ёдномасида **бадиз чекмоқ, балбал, бадизчи** каби сўз ва иборалар учрайди. Қадимги турк тилида **бадиз** «қабр устига ўрнатилган тошга ўйиб ёзилган хотира», **бадизчи** «тошга ўйиб хотира ёзувчи», **балбал** эса бал (балчик) «лой» ва бал (ш) «бош» ўзакларининг кўшилиувидан ҳосил бўлган кўшма сўз бўлиб, «бюст», «лойдан қилинган инсоннинг бош қисми» маъноларини беради. Матнда баён қилинишича, Култегин вафотидан сўнг унинг қабри устига бадизчи томонидан бадиз чекилиб балбал қўйилади. Шу тил фактининг ўзиёқ ўша даврдаги туркий қавмлар нуфузли шахслар қабрига хотира ёзилган қабр тоши қўйганлари ва бюст ўрнатганлари ҳақида маълумот беради.

Лингвистик материаллар тил эгаларининг бошқа этнослар билан ўтмишдаги муносабатлари ҳақида ахборот беради. Масалан, ўзбек тилининг лексик қатламида бир қатор форсча-тожикча, арабча лексемалар мавжуд. Масалан, *барг, гўшт, мушт, гишт; маъно, раъно, вақт, китоб, қалам* ва ҳ.к. Бу лексемалар ўзбек халқининг қадимдан форс-тожиклар билан бир ҳудудда қон-қардош бўлиб яшагани, шу билан бирга, араб истилосидан сўнг исломнинг таъсири ҳақида маълумот бериб туради.

Баъзан тарихий муаммоларни ҳал қилишда тарихчи билан тилшуноснинг ҳамкорлиги зарур бўлади. Хусусан, хронология муаммолари кўпинча ана шу йўл билан ўз ечимини топади.

Ўтган асрнинг 50 – 60-йилларида тил материалларининг ёшини аниқлаш бўйича Америка олими Моррис Сводеш томонидан тавсия этилган ва лексикостатистик метод деб номланган метод кенг қўлланилмоқда

У биология фанларидаги радиоуглерод ёрдамида ёшни белгилаш методини тилшуносликка олиб кирди. Ҳар қандай жонли организмда (хайвонларда, ўсимликларда ва бошқ.) маълум миқдорда радиоактив углерод мавжуд. Бу модда организм ўлиши билан аста-секин муайян тезликда тарқала бошлайди. Ўлик организмдаги углерод миқдорини ўлчаш орқали унинг ўлганига қанча вақт бўлганини аниқлаш мумкин. Мазкур йўл билан археологик ёдгорликлар ёши аниқланади.

### **Тилшунослик ва биология**

Тилшунослик биология фани билан ҳам узвий алоқададир. Аввало, тилшуносликнинг ўрганиш объекти бўлган тил товушлар силсиласи ёрдамида моддийлашади.

Товушлар эса нутқ бирлиги сифатида муайян нутқ органларининг фаолияти натижасида юзага чиқади. Нутқ товушларини ҳосил қилишда иштирок этадиган нутқ органлари нутқ аппарати саналади.

Нутқ аппарати таркибига кирувчи нутқ органлари инсон организмнинг таркибий қисмидир. Ҳар қандай нутқ органи икки хил вазифа бажаради: 1) бирламчи вазифаси инсоннинг физиологик аъзоси. Бундай аъзо сифатида улар инсон организмнинг нормал яшаши учун зарур табиий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади; 2) иккиламчи вазифаси нутқ органи. Бу фақат *homo sapiens*га хос хусусиятлар бўлиб, бирламчи вазифаси устига қўшимча вазифа – маълум нутқ товушларини талаффуз қилиш вазифаси қўшилади. Шундай қилиб, бу органлар ҳам биологиянинг, ҳам тилшуносликнинг текшириш объекти бўлади.

Ҳар бир нутқ товуши уч белгини ўзида мужассамлайди: 1) акустик; 2) артикуляцион; 3) вазифавий (функционал).

Унли товушлар ҳам, ундош товушлар ҳам артикуляцион белгига эга. Унли ёки ундош товушларнинг юзага чиқишида иштирок этадиган нутқ органлари белгиси артикуляцион белги саналади. Мазкур белгига кўра нутқ товушининг тавсифи артикуляцион (физиологик) тавсиф саналади. Масалан, унлилар тавсифида лаб иштироки белгиси, оғизнинг очилиш даражаси (тилнинг кўтарилиш даражаси) белгиси физиологик тавсиф учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ундошлар тавсифида эса ундошларнинг пайдо бўлиш ўрни белгиси (бўғиз товушлари, тил товушлари – тил орқа, тил ўрта, тил олди товушлари, лаб товушлари, лаб-лаб, лаб-тиш товушлари, танглай ва бурун товушлари) физиологик жиҳатдан тавсиф асоси бўлади.

Унли ва ундош товушларни талаффуз қилишда иштирок этадиган нутқ органлари қадимдан тилшунослар диққатини тортиб келади. Хусусан, бобокалонимиз қомусий олим Ибн Сино фонетикага бағишланган махсус рисоласида товушларнинг физиологик томони ҳақида батафсил маълумот беради. Бундай аниқ маълумот беришида олимга инсон физиологиясини яхши билгани катта имконият яратган.

### **Тилшуносликнинг неврология билан муносабати**

Тилшунослик тиббиётнинг неврология бўлими билан ҳам узвий алоқада. Сўнгги даврларда психология, неврология ва тилшунослик фанларининг оралиғида нейролингвистика номи билан юритилувчи янги фан тармоғи вужудга келди.

Бу фан нутқий фаолият бош миянинг маҳсули экани, мия касалланишининг нутқий фаолиятга таъсири масалаларини ўрганади. Содда қилиб айтганда, нейролингвистиканинг ўрганиш объекти афазиядир.

Мия нутқ зонасининг зарарланиши ва бунинг натижасида нутқий фаолиятнинг бузилиши масаласи бобокалонларимиз Ибн Сино, Беруний асарларида қайд этилган ва мазкур касални даволашга эътибор берган бўлсалар-да, лекин у алоҳида фан тармоғи сифатида шаклланолмади.

Мия зарарланишининг нутққа таъсири муаммоси изчил равишда XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўрганилди.

Нейропсихология ва у билан боғлиқ нейролингвистика махсус фан сифатида яқиндагина – ўтган асрнинг 70-йилларида шаклланди. Бу фаннинг вужудга келишида А.А.Леонтьев, А.Р.Лурия, Э.С.Бейн, Р.М.Боскис, Е.Н.Венарская, О.С.Виноградова, Н.А.Эйслер сингари олимларнинг хизмати катта.

Нейролингвистика фани бўйича тўлиқ маълумот берувчи илк китоб А.Р.Лурия томонидан ёзилди.

Нутқий ахборот жараёни, яъни кишиларнинг ўзаро нутқ ёрдамида бир-бирига ахборот бериш ва бир-биридан ахборот қабул қилиш жараёни бир қанча фанларнинг ўрганиш объекти саналади. Хусусан, бу жараён тилшунослик ва психология фанлари томонидан чуқур ўрганилган.

Тилшунослик кишиларнинг асосий алоқа воситаси бўлган тил ва унинг бевосита алоқа-аралашув жараёнида воқеланувчи нутқни ажратган ҳолда, ички тузилиш, тузилиш бирликлари, мазкур тузилиш бирликларининг нутқий жараёнда турли-туман воқеланиши, «ички тузилиш»дан «ташқи тузилиш»га ўтишнинг асосий босқичлари ва юқоридаги икки тузилишнинг ўзаро муносабатлари каби қатор масалаларни атрофлича ўрганди.

Инсон борлиқни онгида акс эттиради. Акс эттириш сезги органлари ёрдамида амалга оширилади. Сезги органлари эса ташқи олам ҳақида муайян ахборотларни мияга узатади. Мия бу ахборотларни умумлаштиради. Кўринадики, объектив оламни акс эттириш жараёни марказий нерв системаси, бош мия орқали юзага чиқади.

Нерв системаси, одатда, икки гуруҳдаги нерв системаларини ўз ичига олади: 1) марказий нерв системаси; 2) чегара нерв системаси. Борлиқ ҳақида ахборот берувчи нутқ ва уни тушуниш чегара нерв системаларининг марказга қараб йўналиши орқали амалга оширилади. Чегара нерв системалари марказий нерв системаларига объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг муайян белгилари ҳақидаги маълумотни беради. Шунинг учун чегара нерв системасига алоқадор аъзоларни таҳлил қилувчилар (анализаторлар) деб юритилади. Улар кўриш, эшитиш, таъм билиш аъзолари саналади. Ҳар бир анализаторда икки турдаги нерв структураси ажратилади:

1) ахборотни мазкур сезги органидан бош мия пардасига элтувчи структура;

2) борлиқ предметларига йўналтирувчи структура (миянинг билиш зонаси).

Учинчи сатҳ сифатида мураккаб анатомик тузилишга эга тил пардаси зонаси ажралади. Бу зонада миянинг турли анализаторларидан келган белгилар комплекси бирлаштирилади, натижада сезги ҳиссиётдан тил умумлашмасига ўтиш имкони туғилади.

Нутқ ҳосил қилиш, тил хулқи акс ҳаракат: марказдан чегарага томон ҳаракат орқали юзага чиқади. Мия анализаторлари қопланган зонада шаклланган нутқий дастур нутқ праксиси зонасида конкретлашади ва нутқ органлари (шунингдек, ёзма нутқни юзага чиқарувчи система) иштирокида проекция ҳаракат системаси ёрдамида юзага чиқади.

Миянинг пракцияли системасидан (сенсор ёки ҳаракатланувчи) фарқли равишда гностик-праксик парда ва пардали анализаторларни ёпиш зонаси функционал асимметрия билан характерланади: тил системаси ва нутқ орқали ифодаланган тафаккур эса унинг яримшари билан боғланган.

Инсон мияси мураккаб функционал система бўлиб, энг камида учта асосий блок иштирокида муттасил фаолият кўрсатади. Улардан бири парданинг тетикланишини таъминлайди ва танлаш, селектив фаолият шаклини узоқ амалга ошириш имконини беради. Бошқаси ахборотни олиш, қайта ишлаш ва сақлашни таъминлайди. Учинчиси эса фаолиятни программалаштириш, бошқариш ва назорат қилиш вазифасини бажаради.

Юқорида баён қилинган блоklarнинг зарарланиши уларнинг бир меъёрдаги вазифасига салбий таъсир этади. Биринчи блокка мансуб аппаратларнинг зарарланиши психик фаолиятни танлаш, селектив имкониятини чеклайди. Иккинчи блок аппаратларининг зарарланиши ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш ва сақлаш қобилиятини йўқотади. Учинчи блокнинг зарарланиши эса программалаштириш, барқарор равишда бошқариш ва назорат қилиш имконини чеклайди.

Кўринадикки, миядаги ҳар қандай зарарланиш инсон фаолиятининг маълум қисмига салбий таъсир кўрсатади. Сенсор проекция системасининг зарарланиши эшитиш ва кўриш органининг кучсизланишига олиб келади. Бунинг натижасида оғзаки ва ёзма нутқни қабул қилиш имкони пасаяди. Нутқий агнозия ҳолатида бемор кўриш ва эшитиш қобилиятини яхши сақлаган ҳолда, она тилининг товуш «қиёфаси»ни (нутқий эшитиш

агнозияси) ёки ёзма нутқда ҳарф кўринишини (нутқий кўриш агнозияси) унутади. Бундай вақтда бемор гапириши ёки ёзиши мумкин. Нутқий эшитиш агнозиясига учраган бемор ўқиши, нутқий кўриш агнозиясига учраган бемор эса оғзаки нутқини тушунтириш мумкин.

Нутқий апраксия рўй берганда эса тескари ҳолатга дуч келинади. Бу вақтда беморнинг нутқ органлари ҳаракати ва ёзиш ҳаракати бузилади, товуш ва сўзларни талаффуз қилолмайди ва ёзолмайди. Лекин атрофдаги одамлар нутқини тушуниш, ёзувларини ўқиш қобилияти сақланиб қолиши мумкин.

Анализаторлар ёпқичларининг парда зонаси зарарланганда афазия ҳолати кучаяди. Бу вақтда ҳар қандай нутқий фаолият: эшитиш, кўриш фаолияти ҳам, талаффуз қилиш, ўқиш фаолияти ҳам сўнади. Агар зарарланиш манбаи ўртача бўлса, беморнинг сўзда товушни фарқлаш қобилияти йўқолади. Фонетик жиҳатдан яқин сўзларни аралаштириб юборади. Баъзан афазия ҳолатида эшитган ёки ўқиган нарсаларнинг маъносини тушунмаган ҳолда механик равишда такрорлаши мумкин.

Нейролингвистика учун икки тил ва кўп тил эгаларининг (полиглотларнинг) мияси зарарланиши катта материал беради. Бу вақтда бемор бир тилни маълум даражада сақлаган ҳолда, иккинчи тилни бутунлай унутиши ёки бир неча тилларнинг элементларини аралаштириб юбориши мумкин.

Нейролингвистика юқоридаги ҳолатларни аниқлаш орқали беморларни самарали даволаш учун катта имконият яратиб беради.

Лингвистика ва тиббиётнинг қўлга киритган янги-янги ютуқлари нейролингвистиканинг текшириш усулларини такомиллаштириб боради.

Ҳозирги кунда нейролингвистика психоллингвистика, нейропсихология, нейрофизиология, психоакустика, кибернетика каби оралиқ фанлар ғоялари ва методларидан баракали озиқланмоқда. Шундай қилиб, нейролингвистика инсоннинг олами белгилаштириш табиатини комплекс равишда ўрганишнинг бир тармоғи сифатида ривожланиб бормоқда.

### **Тилшуносликнинг кимё билан муносабати**

Тилшунослик кимё фани ютуқларидан ҳам баҳраманд бўлиб келмоқда. Кимё фанида атом-молекуляр таълимотининг вужудга келиши, энг кичик атомларнинг ҳам бўлинувчанлик хусусиятига эга бўлишининг кашф этилиши, Я.Н.Менделеев элементлар даврий системасининг вужудга келиши тилшуносликка ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Тилшуносликда тил бирликларининг муайян тузилишга эга экани, бевосита кузатишда энг кичик бирлик – табиий фанлардаги атомга тенглаштирилувчи фонеманинг ҳам бўлиниш хусусиятига эга экани, бутун таркибидаги бўлақларнинг ўзаро муносабатда, айти пайтда, бутун билан бутун ҳам катта бутунлик таркибида ўзаро муносабатда экани эътироф этила бошлади. Натижада тилшуносликка системавий тадқиқот усули кириб келди.



Шу билан бирга, кимё фанида молекула ва атомларнинг тўхтовсиз ҳаракатда эканининг эътироф этилиши тилшуносликда синхрония ва диахрония назариясининг вужудга келишига туртки берди.

Кимёвий боғланиш таълимотининг кучайиши, кимёвий боғланишда валентлик тушунчасининг марказий ўрин эгаллаши тилшуносликка ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Тилшуносликда валентлик назарияси вужудга келди.

Хуллас, кимё фанида қўлга киритилган жиддий ютуқлар бошқа фанлар каторида тилшуносликка ҳам сезиларли таъсир этиб келмоқда.

## 1. Атом-молекуляр таълимот ва тилшунослик

Кимё фанида атом-молекуляр таълимотнинг пайдо бўлиши табиатшунослик оламида буюк кашфиёт ҳисобланади.

Атом-молекуляр таълимотнинг илдизи Форобий, Ибн Сино, Берунийларга бориб тақалади. Хусусан, Форобий субстанциянинг қисмларга ажралиши ва унинг турли бўлақлардан иборат экани ҳақида фикр юритади.

Улар моддаларнинг тузилиши бўйича илк маълумот берган бўлсалар ҳам, лекин уни таълимот даражасига кўтармадилар.

Кимё фанида атом-молекуляр таълимот Л.М.Ломоносов номи билан боғлиқ. Мазкур таълимотнинг асосий жиҳатлари 1741 йили ёзилган «Математик кимё элементлари» асарида ифодаланган.

Атом молекуляр таълимотининг моҳияти куйидагиларни ўз ичига олади:

1) «Барча моддалар корпускулалардан» (молекулалардан) таркиб топади.

2) Молекулалар «элементлардан» (Ломоносов атомларни шундай номлаган) ташкил топади.

3) Молекула ва атомлар узлуксиз ҳаракатда бўлади.

4) Оддий моддаларнинг молекулалари бир хил атомлардан, мураккаб моддаларнинг молекулалари турли хил атомлардан иборат.

М.В.Ломоносовдан сўнг атомистик таълимотини инглиз олими Жон Дальтон ривожлантирди. Шунга қарамай, кимё фанида атом-молекуляр таълимот фақат XIX аср ўрталаридан эътироф этила бошлади. Кимёгарларнинг 1860 йили Карлсруэ шаҳрида бўлиб ўтган халқаро съездида молекула ва атом тушунчаларининг таърифи бўйича бир фикрга келинди. Бунга мувофиқ, молекуланинг кимёвий хоссалари унинг таркиби ва кимёвий тузилиш билан аниқланади.

**«Мусбат зарядланган атом ядроси билан манфий зарядланган электронлардан таркиб топган электрнейтрон заррача атом»** ҳисобланади.

Атом-молекуляр таълимотда кимёвий элемент тушунчаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу таълимотга мувофиқ, «ядросининг мусбат заряди бир хил бўлган атомларнинг муайян тури кимёвий элемент» саналади. Ҳозирги кунда 107 элемент маълум.

Физика ва кимё фанидаги элементларнинг (моддаларнинг) ички тузилиши ҳақидаги мазкур хулосалар бошқа фанлар, жумладан, тилшуносликка ҳам жиддий таъсир этди.

Аввало, бўлинишнинг кўп босқичлилиги (модданинг) молекулалардан, молекулаларнинг атомлардан, атомларнинг нейтрон ва протонлардан ташкил топиши ҳақидаги назария тилнинг онтологик табиатини ёритишга қулай имконият яратди.

Тилшуносликда ҳам табиий фанларга қиёсан бирликлар тушунчаси пайдо бўлди. Бирликлар умумийлик ва хусусийлик диалектикасига кўра тил ва нутқ бирликларига бўлинди. Ҳар икки бирлик ички тузилиш хусусиятига, бўлинувчанликка эга.

Тил ва нутқ бирликларининг ички тузилиши поғонали хусусиятга эга. Уларнинг поғоналилиги шунда кўринадикки, катта (макро) бутунлик кичик бутунликларга, кичик бутунликлар эса, ўз навбатида, яна кичик бутунликларга бўлинади. Ҳар бир бутунлик ўз таркибидаги кичик элементларга (бутунликларга) нисбатан нисбий бутунлик, таркибидан ажралиб чиқувчи бўлақлар эса унинг элементи бўлиб хизмат қилади.

Уларнинг нисбийлиги шунда кўринадикки, элементга нисбатан бутунлик саналувчи бирлик ўзидан каттароқ бутунлик таркибида элемент сифатида иштирок этади. Аксинча, маълум бир бутунликка нисбатан бир элемент бўлиб келган бирликнинг ўзи яна бўлинувчанлик хусусиятига эга бўлиб, бу бўлинган элементлар учун бутунлик вазифасини бажаради. Масалан, сўз шакл морфемалардан ташкил топади. Морфемалар сўз шакл элементи бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда, морфема фонемалардан ташкил топади. Фонемалар эса морфеманинг элементи сифатида унинг таркибида муайян вазифа бажаради. Фонема ҳам худди атом каби яна ички тузилиш хусусиятига эга. Фарқловчи (дифференциал) белгилар фонеманинг элементлари саналади.

Кўринадикки, тил бирликлари юқоридан қуйига қараб поғонали хусусиятига эга. Ҳар бир поғонада юқори поғона бирлиги қуйи поғона бирлиги учун бутун, қуйи поғона бирлиги эса юқори поғона бирлиги учун бўлақ, элемент вазифасини бажаради. Бўлақ, элемент бутун таркибида функциялашади.

Тилнинг бундай онтологик табиати, тил тузилишининг кўп сатҳлилиги кимё фанининг атом-молекуляр назарияси ва биология фанида 20-йиллардан ривожланган жонли системанинг сатҳли тузилиши концепцияси таъсирида келиб чиқди.

Тилнинг кўп сатҳлилиги, унинг сатҳли тузилиши тушунчалари тилшуносликда XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб дастлаб Америка дескриптив тилшунослари асарларида пайдо бўлди.

Кейинчалик поляк тилшуноси Эмиль Бенвенист ва рус тилшуноси С.Д.Коцнельсон томонидан ривожлантирилди. Илгари тилнинг тузилиш сатҳи билан таҳлил сатҳи қориштирилган бўлса, кейинчалик мазкур икки турдаги сатҳ бир-бирдан ажратила бошланди.

Атом-молекуляр таъминотнинг тилшуносликка таъсири тилга система сифатида қарашда ҳам кўринадикки.

Тилшуносликда системавий тадқиқотлар XX аср бошларидан пайдо бўла бошлади. Унинг шаклланишида В.Гумбольдт, Ф.де Соссюр, И.А.Бодуэн де

Куртенэ сингари олимларнинг хизмати катта. Н.С.Трубецкой, А.Ельмслев, Э.Бенвенист, Сепир, Блумфильд, Харрис, Т.П.Ломтев, В.М.Солнцев, Х.Неъматов, И.Қўчқортоев, Н.Махмудов, Р.Расулов, А.Бердиалиев сингари тилшунослар системавий-структур таълимотни ривожлантирдилар.

Тилшуносликда система ва структура дейилганда нима тушунилади?

Ўзаро боғлиқ ва шартланган икки ва ундан ортиқ элементларнинг муносабатидан ташкил топган ва янги сифатга эга бўлган барқарор бутунлик система саналади.

Тил бирликлари воқеланиш белгисига кўра ҳам, тузилиш (онтологик) табиатига кўра ҳам система саналади. Масалан, ҳар бир морфема бевосита кузатишда бир қанча шаклий ва мазмуний вариантлар (алломорфлар, морфема вариантлари) орқали намоён бўладиган умумийлик сифатида системадир. Шунингдек, ҳар бир фонема ҳам бевосита нутқ жараёнида бир неча вариантлар (аллофонлар) орқали намоён бўладиган умумийлик, бутунлик сифатида система саналади. Бундан ташқари, морфема ва ундан юқори бирликларнинг ҳаммаси тузилиш (онтологик) табиати жиҳатидан қурилма (конструкция) сифатида маълум қурилиш (конструктив) бирликларнинг ўзаро барқарор синтагматик муносабатидан ташкил топган система ҳисобланади. Масалан, морфема икки ва ундан ортиқ фонемаларнинг ўзаро синтагматик муносабатидан ташкил топган ва янги сифатга эга бутунлик сифатида (морфема бир фонеманинг янги сифатга эга бўлиб, морфемик сатҳга кўтарилиши натижасида ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, у унлилар сирасида фонема, лекин шу фонема кўрсатиш олмоши ёки III шахс кишилиқ олмошининг моддий асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Икки сатҳ бирлиги бўлган фонема ва морфема ўртасида сифат ўзгариши рўй беради).

Системанинг муҳим тузилиш белгилари: 1) таркибий қисмларга бўлиниши; 2) таркибий қисмларнинг бутун таркибидаги ўзаро ва бутун билан бўлак, тур билан жинс ўртасидаги шартланган муносабатнинг бўлиши; 3) кўпинча тур ва бутуннинг таркибий қисмларида мавжуд бўлмаган янги сифатга эга бўлишдир.

Биринчи белгисига кўра, ҳар қандай система муайян қурилиш бирликларидан ташкил топади, бу эса унинг ички бўлақларга бўлиниш хусусиятига эга эканини кўрсатади.

Иккинчи белгиси бутун таркибидаги элементларни бир-бири билан ва элементларнинг бутун билан бўлган муносабатини ифодалайди. Ҳар икки муносабат зарурий ва ўзаро шартлангандир. Масалан, фонемасиз морфеманинг бўлиши мумкин эмас. Морфема фонемалардан ташкил топади. Фонема морфема таркибига унинг қурилиш бирлиги сифатида киради. Шунингдек, сўз шакл морфемалардан ташкил топади. Морфема эса сўз шакл таркибида унинг қурилиш бирлиги сифатида фаолият кўрсатади. Уларнинг муносабати бутун ва бўлак ўртасидаги муносабатдир. Бундан ташқари, бўлак билан бўлакнинг, бутун билан бутуннинг ҳам муносабати мавжуд. Масалан, сон категорияси таркибида бирлик кўпликсиз бўлиши мумкин эмас. Бирлик шакл кўпликка нисбатан, кўпликка зидланганда аниқланади.

Учинчи белгисига кўра, система деб қаралаётган бутунлик таркибий қисмларининг оддий йиғиндисидан иборат эмас. У таркибий қисмларида системага киргунча мавжуд бўлмаган янги сифатга ҳам эга. Масалан, икки хил газ – водород ва кислороднинг бирикмасидан сув ҳосил бўлади. Шунингдек, фонемалардан ташкил топган морфема фонемаларга нисбатан янги сифатга эга бўлади. Фонемалар маънони фарқлаш учун хизмат қилувчи маъносиз бирликлар бўлса, уларнинг қўшилиувидан юзага келган морфема эса маъноли бирлик саналади. Шунинг учун ҳар қандай системада ҳосил қилувчи ва системада намоён бўлувчи белгилар мавжуд.

## **2. Атом ва молекулаларнинг узлуксиз ҳаракатда экани ва тилшуносликда динамика ҳамда статика**

Объектив оламдаги нарса ва ҳодисалар узлуксиз ҳаракатда, ривожланишда экани фанда антик даврлардан бири маълум. Айниқса, бундай қараш Ўрта Осиё олимлари томонидан ривожлантирилди. Хусусун, Форобий «Фалсафату Аристотелис» асарида: «Улар (тўрт модда) абадий бўлолмайдилар; чунки ҳаво, сув, тупроқ ва олов бўлинадилар, бирлари бошқасига айланадилар ва балки ҳар бир унсур бошқасида мавжуддир», – дейди.

Форобий Аристотелнинг олам узвлари доимо ҳаракатда, ривожланишда экани ҳақидаги фикрларини ижодий ривожлантиради. Борлиқдаги нарса ва ҳодисалар бир-бирига таъсир қилади ва таъсирни қабул қилиш ҳаракатида бўлиш билан бирга шу нарсаларни ташкил этган ички унсурлар ҳам ўзаро ана шундай ҳаракатда эканини таъкидлайди.

Фанда атом-молекуляр таълимотининг кучайиши атом ва молекулаларнинг узлуксиз ҳаракатдалигини ёрқинроқ исботлаб берди. Табиий фанларда эришилган мазкур ютуқ тилшуносликка ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Структур тилшуносликнинг пайдо бўлишига атом-молекуляр таълимоти асос бўлди. Бу йўналишнинг асосчиси саналувчи машҳур швейцариялик олим Фердинанд де Соссюр тил бирликлари ҳам борлиқдаги нарса ва ҳодисалар сингари доимо ривожланишда, ўзгаришда эканини таъкидлади ва тилнинг икки ҳолати – динамик ва статик ҳолатини ажратди. Узлуксиз ривожланаётган, ҳаракатда – динамикада бўлган маълум бир тилнинг муайян бир даврга хос ҳолати статик ҳолати ҳисобланади.

Ана шу нуқтаи назардан тилни ҳам икки жиҳатдан ўрганиш лозимлигини кўрсатди.

Диахрония грекча *dia* – орқали, икки, *chronos* – замон сўзларидан олинган. Тилни тарихий тараққиётда, ривожланишда эканини эътиборга олиб ўрганиш диахрония ҳисобланади.

Синхрония грекча *synchronos* сўзидан олинган бўлиб бир вақтlilik демакдир. Тил тарихий тараққиётининг муайян бир даврдаги ҳолати синхрония саналади.

Тилшунослик тарихида диахрония синхрония билан узвий боғланади. Уларни бир-бирисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Тилнинг синхрон таҳлили бевосита тадқиқотчи кузатиб, эшитиб турган ҳолатни текширишга қаратилгани, фактик материалларнинг бойлиги нуктаи назаридан диахронияга нисбатан қулайроқ. И.А.Бодуэн де Куртенэ, Н.С.Трубецкой, Р.О.Якобсон сингари машҳур тилшунослар синхрон ҳолатдаги тил системасини тўлиқ ва ишонарли тадқиқ этиш учун қандай қилиб шу ҳолатга келганини, яъни диахроник материалларга мурожаат қилиш лозимлигини таъкидлайдилар.

Шунинг учун гарчи синхрон ўрганиш диахрон ўрганишдан олдин бўлса ҳам, лекин уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Синхрон ўрганиш диахрон ўрганишга йўл очади. Синхрон тадқиқотлар натижалари асосида диахрония иш кўради. Муайян тил тараққиётининг икки давр, икки синхрон ҳолати ўртасидаги ўзгаришлар икки даврдаги материалларни бир-бирига таққослаш орқали белгиланади.

### **3. Валентлик назарияси ва тилшунослик**

Кимёвий боғланиш ҳақидаги таълимот ҳозирги кимё фанининг энг марказий масалаларидан биридир.

Кимё фанида атомларнинг тузилиши ҳақидаги таълимот кимёвий боғланиш табиатини тушунтириб беради.

Атомнинг ташқи поғонасида биттадан саккизтагача электрон бўлиши мумкин. Кимёвий боғланиш валент электронлар ҳисобига вужудга келади. У учта усул билан амалга ошади:

1) квалент боғланиш; 2) ионли боғланиш; 3) металл боғланиш.

Электрон жуфтлар туфайли вужудга келадиган кимёвий боғланиш квалент боғланиш дейилади. Бу икки электронли ва икки марказли (иккита ядрони тутиб туради) боғланиш саналади.

Ионлар орасида электросгатик тортишув туфайли вужудга келадиган кимёвий боғланиш электровалент ёки ионли боғланиш дейилади.

Кўпчилик металллар атомларининг ташқи энергетик поғонасида электронлар сони кўп бўлмайди. Атомлар бир-бирига яқинлашганда кристалл панжара ҳосил бўлиши натижасида қўшни атомларнинг валент орбиталлари бир-бирини қоплайди. Шунинг учун электронлар бир орбиталдан бошқасига бемалол ўтиб, металл кристаллидаги барча атомлар орасида боғланиш ҳосил қилади. Ана шундай боғланиш тури металл боғланиш дейилади.

Атомлар орасида кимёвий боғланиш ҳосил бўлишида иштирок этадиган электронлар валент электронлар саналади. Кимёвий элементларда атомдаги валент электронлари сони Д.И.Менделеев элементлар даврий системасидаги гуруҳ рақамига тенг келади. Масалан, олтингугурт I гуруҳга мансуб. Демак, олтингугурт атомида 16 электрон бўлиб, улардан 6 таси валент электрон ҳисобланади.

Ҳар бир атомнинг валентлиги мавжуд. У элементлар атомларининг кимёвий боғланишлар ҳосил қилиш хусусиятидир. Валентлик берилган атомнинг бошқа атомлар билан бириккан кимёвий боғланишлар сони сифатида аниқланади.

Кимё фанида жуда катта муваффақият қозонган валентлик назарияси тилшуносликка ҳам ўтган асрнинг 40-йилларидан татбиқ этила бошлади. Бу тушунча тилшуносликка илк марта С.Д.Кацнельсон томонидан 1948 йили ёзилган «О грамматической категории» («Вестник ЛГУ», 1948) асарида киритилди. Шундан бошлаб мазкур тушунча тилшуносликда мустаҳкам ўрин олди.

Валентлик атамаси лот. *valentia* сўзидан олинган бўлиб, «қувват», «куч» деган маънони беради. Бу атама кимёда бир элемент атомининг бошқа элемент атоми билан боғланиш хусусиятини ифодалаш учун қўлланилса, тилшуносликда лексеманинг бошқа лексема билан боғланиш қобилятини ифодалаш учун ишлатилади.

Тилшуносликда валентлик атамаси кенг тарқалган бўлса-да, лекин бу атама остида хилма-хил тушунчалар ифодаланди. Фарбий Оврупо тилшунослигига боғланишни ифодалаш учун мазкур атамани олиб кирган Л.Теньер уни фақат феълга нисбат берди ва валентликни феъл қўшиб олиши мумкин бўлган актантлар миқдори сифатида белгилади.

Л.Теньер феълларни авалент (шахссиз феъллар), бир валентли (ўтимсиз феъллар: Аҳмад ухляпти), икки валентли (ўтимли феъллар: Аҳмад китоб ўқиди), уч валентли феълларга бўлади.

Валентликни бундай тушуниш вербоцентрик (ҳар қандай гап асосида феъл ётади деб ҳисоблаш) назариянинг асосидир. Унда валентлик вербоцентрик назарияда мантиқ таъсирида келиб чиққан бир, икки, уч ўринли предикатларга тенг келади.

Ҳозирги тилшуносликда предикат атамаси остида фақат феъл эмас, балки отлар ҳам тушунилгани ва предикатлар материалига кўра феъл ва от предикатларга бўлинганидек, валентлик ҳам сўз ва тилнинг ҳар қандай сатҳ бирликларининг бошқаси билан бирикиш хусусияти деб тушуниш кенг тарқалди.

Валентлик дастлаб лексик бирликларга нисбатан (лексик валентлик) қўлланилган бўлса, кейинги даврларда синтактик бирликларга ҳам қўлланила бошланди (синтактик валентлик). Бундан ташқари, шаклий ва мазмуний валентлик ҳам ажратила бошлади. Боғланувчи элементлардан қайси бири бириктириб олувчи, қайси бири бирикувчи эканига кўра фаол валентлик ва нофаол (пассив) валентликка бўлиш одат тусига кирмоқда.

Қолаверса, лисоний бирликлар валентликларнинг юзага чиқиш зарурлиги ёки зарурий эмаслиги белгисига кўра мажбурий (облигатор) ва факультатив валентликларга ҳам бўлинади. Валентликнинг мазкур турга бўлиниши позицион синтаксиснинг таъсири натижасидир. Валентликни бу жиҳатдан ўрганиш позицион синтаксиснинг ривожини учун кенг имконият яратади.

Позицион синтаксис талқинига мувофиқ, гап таркибида марказий ўрин эгаллаган таянч сўз, яъни предикат қатор позицияларга ўрин очади. Бу позициялардан айримлари гапнинг мазмуний-грамматик шаклланиши учун тўлдирилиши зарурий бўлса, бошқалари зарурий бўлмайди. Қўшимча ахборот беради. Масалан, *Аҳмад ишқадан китоб олди* гапида *китоб* сўзи зарурий, *ишқад* сўзи эса факультатив валентликни тўлдириб келган бирликлар саналади.

Лексик валентликларнинг бевосита юзага чиқиши сўз бирикмаларини ҳосил қилади.

Кимёвий боғланишнинг юқорида санаб ўтилган уч тури бўлганидек, синтактик бирикмалар ҳам боғланиш хусусиятига кўра икки турга бўлинади:

1) тенг боғланиш; 2) тобе боғланиш.

Тенг боғланиш боғланувчи элементларнинг тенг таъсири асосида майдонга келади. Тобе боғланишда эса боғланувчилардан бири иккинчисини ўз таъсирига киритиб, бириктириб олади. Шунинг учун бири ҳоким (бириктириб олувчи), иккинчиси тобе (бириктирувчи) бўлади.

Лисоний бирликларнинг синтагматик муносабатларининг бундай турларга ажратилишида ҳам кимё фанидаги элементларнинг боғланиш қонунларига ўхшашлик кўринади.

#### 4. Модда таркибининг доимийлиги қонуни ва тилшунослик

Таркибнинг доимийлиги қонуни кимёнинг асосий қонунларидан биридир. Бунга мувофиқ, ҳар қандай тоза модда, олиниш усулидан қатъи назар, ўзгармас сифат ва миқдорий таркибга эга бўлади. Масалан, карбонат ангидрид ( $\text{CO}_2$ ) кўп хил усуллар билан синтез қилиниши мумкин: 1) углерод (II-оксид билан кислороддан ( $\text{CaCO}_3 = \text{CaO} + \text{CO}_2$ )), 2) карбонатларга кислоталар таъсир эттириш орқали ва ҳ.к.

Лекин барча ҳолларда  $\text{CO}_2$ нинг сифат таркиби (углерод ва кислород) ва миқдор таркиби (углероднинг миқдори 27,27%, кислороднинг миқдори 72,73%) ўзгармас ҳолда сақланиб қолади.

Айниқса, мазкур қонунни тушунтиришга атом-молекуляр таълимот катта ёрдам беради. Бу таълимотга кўра, атомларнинг массаси ўзгармас бўлгани сабабли модда масса таркиби ҳам умуман ўзгармас бўлади.

Табиий фанларда кенг қўлланилган ва катта муваффақият қозонган модда таркибининг доимийлиги қонуни тилшунослик фанига ҳам ўзининг маълум таъсирини кўрсатди.

Бу назариянинг энг йирик вакили саналувчи Луи Ельмслев тил ва нутқ бирликларини бир-бирига солиштирар экан, **барқарор** (констант) ва **ўзгарувчан** бирликларга ажратади. Бевосита кузатишда сезги органларимиз ёрдамида фаҳм этиладиган бирликлар ўзгарувчан бирликлар, уларнинг замирида яширинган ва ҳар бирида такрорланиш хусусиятига эга бўлган моҳият **барқарор** бирликлар ҳисобланади. Масалан, *и*, *ы*, *і*: каби бевосита эшитган товушлар **бир фонеманинг** – лаблашмаган, тор унли фонеманинг

бевосита кўринишларидир. Улар нечта кўринишда талаффуз этилмасин, ҳаммасида битта моҳият такрорланди. Юқори бевосита кузатишда сезги органларимиз билан фаҳм қилинган бир нечта товушнинг ҳаммасида торлик, лабланмаганлик белгиси маълум даражада сақланади. Акс ҳолда, бошқа фонеманинг варианты бўлади.

Кўринадик, тилшуносликда инвариант – вариант тушунчаларининг пайдо бўлишида алгебрадан ташқари, кимё фанининг ҳам роли бор.

## **5. Д.И.Менделеевнинг элементлар даврий системаси ва тилшунослик**

Кимё фанидаги И.Д.Менделеев элементлар даврий системасининг дунё олимлари томонидан кенг эътироф этилиши ва элементларни системага солишда тугилган тамойилнинг нақадар тўғрилиги бошқа соҳа олимларининг ҳам ҳавасини келтирди.

Бутунни бўлақларга, тўдани турларга таснифлашда Д.И.Менделеевга эргашган ҳолда, тасниф асосига бир белгини олишга интилдилар.

Д.И.Менделеевнинг муваффақияти нимада? Унгача бўлган олимлар фақат бир-бирига ўхшаш элементларнигина таққослади. Ноўхшаш элементлар уларнинг назаридан четда қолди. Д.И.Менделеев улардан фарқли равишда ноўхшаш элементларни ўзаро таққослади. Бунинг натижасида элементларнинг атом массаларининг қийматлари ўзгариши билан уларнинг хоссалари даврий равишда ўзгаришини аниқлади.

Д.И.Менделеевгача элементларнинг галогенлар, ишқорий металллар ва ишқорий ер металллар каби гуруҳлари маълум эди. Д.И.Менделеев мазкур элементларни таққослаб, уларни атом масалаларининг қийматлари ортиб бориши тартибида жойлаштирди.

F=19	Cl=36,5	Br=80
Na=23	K=39	Rb=85
Mg=24	Ca=40	Sr=87 каби.

Демак, элементларнинг атом массалари ортиб бориши тартибида жойлаштирилган узлуксиз қаторида фтордан кейин натрий ва магний, хлордан кейин калий, бромдан кейин рубидий ва стронций туриши керак. Агар бу элементлар атом оғирликларининг ортиб бориши тартибида жойлаштирилса, даврий равишда такрорланади. Қаторда магний билан хлор, кальций билан бром, стронций билан йод орасида нечта элемент йўқлигидан қатъи назар, элементлар хоссаларининг мазкур даврий ўзгариши кўриनावеради. Буларнинг ҳаммаси Д.И.Менделеевга ўзининг даврий қонунини яратишга асос бўлди.

Элементлар даврий қонунини яратишига элементларни таққослашга тўғри ёндашгани – даврий системани тузишда атомнинг асосий характеристикаси сифатида унинг атом хоссасини эътиборга олгани сабаб бўлди. Олимнинг фикрича, модданинг массаси унинг шундай хоссасидирки, қолган барча хоссалари ана шунга боғлиқ бўлиши керак.



Д.И.Менделеевнинг кимё фанида эришган мазкур ютуғини бошқа фанлар каби тилшуносликка ҳам татбиқ этиш мумкин.

Биринчидан, лисоний бирликларни маълум гуруҳларга таснифлашда тасниф тамойили сифатида уларнинг битта асосий белгисига таяниш ҳам Д.И.Менделеев тамойилини қўллашдир. Масалан, сўз туркумларини таснифлашда, гап бўлақларини гуруҳларга ажратишда ва ҳ.к.

Иккинчидан, муайян лексик-семантик гуруҳга мансуб лексемаларнинг ўрнини белгилаш, маълум бир тилда фонемаларнинг фонологик системадаги ўрнини белгилашда ҳам Д.И.Менделеев элементлар даврий системаси таъсирини кузатиш мумкин.

Туркий тиллар унлилар системасини олсак, уни айрим муаллифлар куйидаги призмада жойлаштирадilar:

Бунда қуйи қисмда лабланиш белгиси йўқ, тепа қисмда бор. Олди қисм каттик, орқа қисм юмшоқ, олд қатор, чап қисм тор, ўнг қисм кенг ва ҳар бир унлининг қатъий жойлашиш ўрни бор. Д.И.Менделеев даврий системасида элементларнинг даврий жойлашувида атом массаси ортиб ёки камайиб боради. Ёки фонемалар акустик хоссасига кўра, овоз иштирокига кўра ҳам қатъий жойлашиш ўрнига эга: шовқинлилар – жаранглилар – сонорлар – унлилар. Бунда унлилар билан шовқинлилар акустик хоссасига, овознинг иштироки белгисига кўра қаторнинг икки қутбида туради. Бири белгига эга, иккинчиси (шовқунлилар) эга эмас. Қолган иккитаси оралиқ ҳолатни ҳосил қилади. Лекин уларда белги чапдан ўнгга қараб ортиб боради ёки, аксинча, ўнгдан чапга қараб камайиб боради.

Шунингдек, элементлар даврий системаси асосида айрим лексемаларнинг лексик-семантик гуруҳдаги ўрнини белгилаш мумкин. Агар бирон-бир тушунча ўз ифодасини топган бўлса, бошқаларига қиёсан унинг ўрнини, бўш катагини белгилаш ҳам мумкин. Масалан, қариндошлик билдирувчи лексемалар.

Келтирилган фикрларнинг ўзиёқ Д.И.Менделеев элементлар даврий системасининг тилшуносликка қанчалар таъсир этганига яққол далилдир.

### **Тилшуносликнинг математика билан муносабати**

Ҳар қандай фан математика билан чамбарчас боғлиқ бўлгандагина юксак натижаларга эриша олади. Тилшунослик ҳам бундан мустасно эмас. Шунинг учун XX аср ўрталарига келиб тилшуносликда бир қатор лингвистик тушунчаларни аниқлаштиришга бўлган эҳтиёжни қондириш учун математик лингвистика номи билан юритилувчи алоҳида йўналиш майдонга келди.

Муайян математик аппаратлардан фойдаланиладиган лингвистик тадқиқот усули математик лингвистика деб юритилади.

Ҳозирги кунда мазкур атама остида икки хил фан соҳаси тушунилмоқда. Биринчиси математиканинг бўлими бўлган математик лингвистика. Унинг текшириш методлари кўп жиҳатдан математик мантиқ, айниқса, унинг алгоритм назарияси бўлимлари билан кўп жиҳатдан умумийликка эга.

Иккинчиси лингвистика йўналиши бўлган математик лингвистика. Математик усуллардан фойдаланган ҳолда олиб бориладиган ҳар қандай лингвистик тадқиқот методи тилшунослиқда математик лингвистика деб юритилади.

Тилни математик йўл билан таснифлаш Ф.де Соссюрнинг тил ҳақидаги таълимотига, тилга шу тил эгаларининг нутқий фаолиятида вазифа бажарувчи механизм сифатида қарашига асосланади.

Нутқий фаолият натижасида «тўғри матн» деб юритилувчи нутқий бирликлар кетма-кетлиги майдонга келади. Бу нутқий бирликлар муайян қонуниятларга бўйсунди ва уларнинг кўпчилиги математик тавсифга берилади.

Гапларни математик тавсифлаш усулларини ишлаб чиқиш ва ўрганиш математик лингвистиканинг асосий вазифаларидан биридир. Бундай вазифа математик лингвистиканинг синтактик структурани тавсифлаш усуллари назарияси бўлими зиммасига тушади.

Гапнинг синтактик структурасини тавсифлаш учун икки хил усулдан фойдаланилади:

1) гап таркибидан унинг алоҳида синтактик бирлик сифатида амал қиладиган иштирокчиларини ажратиш;

2) гап таркибидаги сўзларнинг тобеланиш муносабатини тавсифлаш. Масалан, *Ўқувчилар мактабимиз боғида ҳар хил меваларни ўстирадилар* жумласи биринчи усулга кўра, аввало, яхлит ҳолда муайян ишора билан белгиланади ва у тадрижий равишда иштирокчиларга бўлинади.

Уни қуйидагича кўрсатиш мумкин:

мактабимиз боғида

ҳар хил меваларни

(стрелка бевосита иштирокчиларни кўрсатади)

Иккинчи усул билан юқоридаги гап қуйидагича тавсифга эга бўлади:

(Бунда стрелка тобеликни кўрсатувчи символ бўлиб хизмат қилади).

Мазкур усуллар Америка структур тилшунослигида кенг қўлланилди ва биринчиси «Бевосита иштирокчилар грамматикаси», иккинчиси эса «Тобелилик грамматикаси» номи билан юритилди. Уларнинг ҳаммаси трансформацион грамматиканинг турли кўринишлари саналади.

Математик лингвистиканинг яна бир тармоғи формал грамматика назариясидир. Бу грамматика ҳам машҳур Америка тилшуноси, трансформацион грамматика асосчиси Наум Хомский номи билан боғлиқдир. Формал грамматика алоҳида матнларни эмас, балки бир қанча тўғри матнларни ва қонуниятларни тавсифлаш усулларини ўрганади. Мазкур қонуниятлар формал грамматиканинг абстракт символлари орқали

белгиланади. Шу асосда «Туғдириш грамматикаси» ёки «генератив лингвистика» майдонга келди.

Бундан ташқари, тилшуносликда инвариантлик назарияси ҳам математика таъсирида вужудга келган. Математикада инвариант атамаси орқали ўзгарувчан сонлар остидаги ўзгармас, барқарор микдор тушунчаси англашилади.

Шунингдек, тилшуносликда кенг қўлланилаётган статистик методлар ҳам математика фанининг таъсири орқали майдонга келган.

### **Нисбийлик назарияси ва тилшунослик**

Ҳозирги барча фанлар математиканинг нисбийлик назариясидан фойдаланганидек, тилшуносликда ҳам бу назария кўп ҳолларда қўл келмоқда. Айниқса, тил бирликларининг частота даражаси аниқлангандан сўнг уларнинг бошқа бирликларга бирикиш эҳтимоллигини эҳтимоллар назарияси усуллари қўллаган ҳолда олдиндан айтиш мумкин. Масалан, **йиғламоқ** сўзини эшитишимиз билан унинг одам лексемаси билан бошланишини олдиндан тахмин қиламиз. Ёки нонни сўзидан сўнг **емоқ, ёпмоқ, пиширмақ, узмоқ** каби ўтимли феъллар келишини тахминлаймиз.

Фонетик сатҳда ҳам маълум бир товушнинг бошқаси билан бирика олиш ёки бирика олмаслик қонуниятлари бор. Ана шу қонуниятларга асосланиб қайси товушдан сўнг қандай товушнинг келиши ёки келолмаслигини фарз қилиш имконияти бўлади.

Ана шу имконият эҳтимоллар назариясидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Масалан, ўзбек тилида чуқур тил орқа ундошларидан сўнг тил орқа ёки тил ўрта ундошлари келолмайди. Ёки чуқур тил орқа **к, ғ** ундошлари билан тугаган сўзнинг асос қисмига **к** ва **г** ундошлари билан бошланган аффикслар қўшилолмайди. Сингармонизмни ўзида тўла сақлаб қолган туркий тилларда, лаб гармониясининг талабига мувофиқ, таркибида лаб унлиси бўлган сўзнинг асос қисмига фақат лаб унлиси иштирок этган аффикслар қўшилади. Палатал гармония талабига мувофиқ, таркибида қаттиқ ундошлар иштирок этган сўз асосларига худди шундай ундошли аффикслар қўшилади. Аксинча бўлиши мумкин эмас. Буни математик атамалар ёрдамида қуйидагича ифодалаш мумкин:

Агар **x** бирлиги бўлса, ундан кейин келиши мумкин бўлган **y** ёки **z** нинг эҳтимоллиги қандай?

Ёки: икки бирликнинг бирикуви берилган бўлсин – **xy**, **y** вақтда бу бирикмадан кейин келадиган **z** ёки **w** нинг эҳтимоллиги қандай?

Эҳтимоллар назариясининг бир ҳолатини рус математиги А.А.Марков (1856 – 1922) изоҳлаб берди. Шунинг учун у «Марков жараёни» ёки «Марков занжири» номи билан юритилади.

А.А.Марков ўзаро тобеланган бирликлар кетма-кетлигини ўрганди. Агар  $W_i$  системасининг маълум вақтдаги ҳолати икки вақт оралиғида  $t$  системаси  $W_i$  ҳолатида бўлиши эҳтимоллигини белгиласа ва мазкур эҳтимоллик

кейинги давр жараёни оқимига боғлиқ бўлса, бундай жараён Марков жараёни саналади.

Шундай қилиб, Марков жараёни шундай текшириш кетма-кетлигики, унда маълум воқеани  $n$  билан текшириш эҳтимоллиги олдинги  $(n - 1)$ нинг текшириш натижалари орқали аниқланади.

Ана шу асосда тилшуносликда матн таркибидан тушиб қолган айрим бирликларнинг нима эканини тахминлаш мумкин бўлади. Бунда матн мазмуни матн структурасидан нимадан кейин нима тушиб қолганини пайқаш ва зарур ҳолларда уни тўлдириш имкони туғилади. Масалан, **Мен шанба кунни кечқурун соат саккизда Тошкентдан учаман** жумласини мазмунни тўла саклаб қолган ҳолда турли қисқарган шаклларда баён этиш мумкин.

Шунингдек, ахборотни қисқа шаклларда баён қилиш имконияти «ортиқчалик» эҳтимоли билан ҳам узвий алоқадордир. Масалан, **Аҳмад келди** жумласида учинчи шахс тушунчаси икки марта такрорланади. Шунинг учун «ортиқчалик» эҳтимоллиги асосида, агар ким келганига алоҳида сўзловчининг диққати тортилмаса, жумла мазмунига зарар етказмаган ҳолда **Аҳмад** сўзини тушириб қолдириш имкони мавжуд. Худди шунингдек, **Мен хатни ёздим** жумласида ҳам биринчи шахс шаклидаги ёзмоқ феъли ва *хат* тушунчалари икки марта такрорланади. Чунки ёзмоқ лексемасининг ўзида хат семаси мавжуд. Шунинг учун мазкур жумлани ҳам юқоридаги каби қисқартириш эҳтимоли бор.

Ушбу операциялар, айниқса, ҳозирги кунда ахборот узатувчи машиналар учун дастурлар тузишда катта аҳамиятга эга.

## Тилшунослик ва кибернетика

Тилшунослик кибернетика фани билан ҳам алоқадордир. Кибернетика грекча *kybernetike tehne* сўзларидан олинган бўлиб, бошқариш санъати демакдир. У XX аср ўрталарида машина ва жонли организмлардаги алоқа, бошқариш ва назоратни ўрганувчи фан тармоғи сифатида майдонга келди. Кибернетика ҳақидаги дастлабки ғоя америкалик олим Н.Венер томонидан берилган бўлса, кейинчалик рус математиклари А.А.Марков, А.М.Ляпунов, А.Н.Колмогоров, А.Я.Хинчин, америкалик олимлар К.Шеннон, Фишер бу ғояни ривожлантирдилар.

Кибернетика фанининг шаклланиши ва ривожланишида фақат математикларгина эмас, балки физиологлар, физиклар, тилшунослар, руҳшунослар, мантиқшунослар ҳам фаол қатнашди.

Шундай қилиб, кибернетика синтетик фан саналади ва у математика, физика, мантиқ, физиология, психология, тилшунослик маълумотларини синтезлаштиради.

Кибернетика фани жонли организм билан машиналар ўртасида алоқа, бошқариш ва назорат жараёнида қандайдир умумий белгилар мавжудлигига асосланади. Бу, айниқса, инсон асаб системасига, унинг фикрлаш ва рефлекс фаолиятига асосланган ҳозирги электрон машиналарда яққол кўзга ташланади.

Ҳозирги техник тараққиёт босқичида инсоннинг меҳнат фаолиятини осонлаштириш мақсадида инсон бажариши лозим бўлган бир қатор вазифалар машиналарга ўтказилмоқда. Бу жараёнда инсонга хос интеллектуал фаолият машиналарга кўчирилади. Натижада машиналар инсоннинг фақат жисмоний меҳнатинигина эмас, балки ақлий меҳнатини ҳам енгиллаштиради. Масалан, йиллар давомида санаш мумкин бўлган нарсаларни машина ёрдамида бир неча дақиқада бажариш мумкин. Бундай машиналар электрон ҳисоблаш машиналаридир (ЭҲМ).

ЭҲМ бугунги кунда ҳаётимизнинг турли жабҳаларига кириб борди. Унинг ёрдамида турли хил матнларни қисқа муддатда териш, ҳар қандай ахборотни узатиш, қабул қилиш ва сақлаш, ҳатто мусиқа ижод қилиш, шахмат ўйнаш имконияти мавжуд.

Бундай машиналарнинг кашф этилишида машина хизмати билан жонли организм фаолияти ўртасидаги ўхшашлик таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Жонли организмда ҳам, машинада ҳам ташқаридан олинган сигналларга жавоб берадиган бошқарувчи ва бошқарилувчи таркибий қисмлар мавжуд. Сигналлар инсон фаолияти ва машиналар ишини белгиловчи маълум ахборотларни ташийди. Ахборот ва сигнал тушунчалари кибернетиканинг марказий тушунчаларидир.

Ахборот хилма-хил бўлганидек, сигналлар ҳам турли-туман. У кўриш, эшитиш, ёруғлик каби сигналларидан иборат бўлиши мумкин. Масалан, йўлдаги светофор чироғи ҳам сигнал, машинанинг бурилиш чироғини ёқиш ҳам сигнал, жанг майдонида оқ байроқнинг кўтарилиши ҳам, кўшинларнинг куролини ташлаб қўл кўтариши ҳам сигнал. Электр импульслари, телеграф лентасидаги тире, нукталар ҳам сигнал. Уларнинг ҳаммаси муайян ахборот ташийди. Бу жиҳатдан сўзлар ҳам сигналдир. У ҳам борлиқдаги нарса ва ҳодисалар ҳақида ахборот беради. Шунинг учун машҳур рус олими И.Павлов сўзни сигналлар сигнали деганди.

Маълум ахборот ташишда қўлланиладиган сигналлар тизими код ҳисобланади. Кодлар ЭҲМ учун катта аҳамиятга эга. У ҳам жонли организм сигналларига аналогия йўли билан яратилади.

Жонли организм фаолияти ва машина иши ўртасидаги ўхшашликни куйидагича изоҳлаш мумкин.

Инсон сезги аъзолари орқали ташқи олам ҳақида турли ахборот берувчи сигналларни қабул қилади. «Кириш сигнали» номи билан юритилувчи бундай сигналлар асаб тармоқлари орқали мияга узатилади. Қабул қилинган ахборот хотирада сақланади, қайта ишланади ва унинг фаолияти белгиланади: ҳаракат орқали муайян реакция чақирилади ёки турли хилдаги янги ахборот қайта ишланади. «Кириш сигналлари» «чиқиш сигналлари»га айлантирилади.

Масалан, «Ўткан кунлар» романини ким ёзган?» деган саволни тил ёрдамида кодлаштирилган ва товуш сигналлари – сўзлар воситаси орқали узатилган ахборот сифатида қараш мумкин. Эшитиш аъзолари мазкур сигналларни қабул қилиб, мияга узатади. Бу ахборот миядаги хотира уяларига қабул қилинади ва қайта шаклланади.

Мия бўлаги билан худди ўшандай тил ёрдамида марказий алоқа каналлари орқали кодлаштирилган янги ахборот узатилади: жавоби – Абдулла Қодирий. Абдулла Қодирий сўзловчи учун «чиқувчи сигнал», айти пайтда, тингловчи учун эса «кирувчи сигнал» ҳисобланади. Шундай қилиб, янги ахборот қабул қилишда «кирувчи сигнал» билан «чиқувчи сигнал» занжири такрорланиб туради.

Машина ҳам худди шу тамойил асосига қурилган. Унинг вазифаси ахборотни қабул қилиш, сақлаш, қайта шакллантириш ва узатишдан иборат.

Ҳозирги кунда машиналар ёрдамида инсон меҳнатини енгиллатувчи хилма-хил ишлар амалга оширилмоқда. Ана шулардан бири автоматик таржимадир.

### **Автоматик таржима**

Ҳозирги даврда матнни автоматик ишлаш ва машина ёрдамида таржима қилиш тобора ривожланиб бормоқда. Бу эса тилшуносликнинг кибернетика билан мустаҳкам алоқаси туфайли рўёбга чиқмоқда.

Автоматик таржима (машина таржимаси) муайян бир тилдаги матнни ЭҲМ (электрон ҳисоблаш машинаси) орқали бошқа тилдаги мазмуни бир хил бўлган текстга айлантириш йўли билан амалга оширилади. Автоматик таржимани амалга ошириш учун ЭҲМга дастур (алгоритм), таржима қилинаётган ҳар икки тилларнинг хилма-хил ахборотларни билдирувчи луғати киритилади. Дастур машина хотирасига шундай киритиладики, унинг ҳар бир хотира уясида сўзнинг барча маъно ва шакллари ҳамда турли хил таржима усуллари ўрин олади. Таржима қоидаси қисқа формулалар шаклида жуда аниқ ва лўнда тузилиши лозим.

Дастур киритилгандан сўнг машина таржима учун матн қабул қилишга тайёр ҳолга келади. Машина фақат рақамлар орқали иш кўргани сабабли матн рақамларга кодлаштирилади. Ҳар бир ҳарф маълум рақам орқали ифодаланади. Ҳар икки тилда бир хил фонемани ифодаловчи ҳарфлар бир хил рақам билан ифодаланади. Масалан, инглиз ва ўзбек тилларида а=16; ингл. в, ўзб. б=06; ингл. т, ўзб. м=11; ингл. п, ўзб. н=15 ва ҳ.к. Шундай қилиб, инглизча method сўзининг ҳарфлари 11 08 26 28 30 рақамларига тенг. Демак, бу рақамларнинг кетма-кетлиги юқоридаги сўз ҳарфларининг кетма-кетлигини ифодалайди. Рақамлар кетма-кетлигининг бузилиши бошқа сўзнинг ифодаланишига олиб келади.

Рақамлар, ўз навбатида, электр импульслар орқали шундай кодлаштириладики, ҳар бир ҳарф бешта импульс комбинацияси орқали берилади. Чиқиш охиридаги ҳарф босувчи қурилма (телетайп) рақамли кодни сўзларга айлантиради.

Машина берилган матнни олгандан сўнг таржимага киришади. Таржима учун машина матнни, аввало, таҳлилдан бошлайди, сўнгра синтезлаштиради: матн таркибидаги сўз қайси маънода қўлланиляпти? Уни қандай сўз билан таржима қилиш мумкин? Сўз қайси грамматик шаклда турибди ва у таржима қилинаётган тилнинг қайси сўз шаклига мос келади? Бу саволларга жавоб

кидириб, мос сўз шаклини топгандан сўнг, машина сўзни бошқа тилнинг амал қиладиган сўз тартиби қонунияти асосида жойлаштиради. Машинанинг ҳар бир ҳаракати «ҳа» – «йўқ» жавобларидан бирини танлаш йўли билан амалга ошади.

Масалан, инглизча **many** сўзи таҳлили дастурини кўриб чиқайлик. Бу сўз кўп маъноли. Унинг қайси маънода қўлланилаётганини бошқа сўзлар билан қўшилиш орқали аниқлаш мумкин. Машина ҳаракат дастури (алгоритми) қуйидагича бўлади:

Текшириш: **many** сўзидан олдин how сўзи турмайдими?

Агар «Ҳа» бўлса, **how many** бирикмаси «қанча» сўзи орқали таржима қилинади.

Агар «Йўқ» бўлса, бу сўзнинг олдида as сўзи келмайдими?

Агар «Ҳа» бўлса, **as many** «шунча» деб таржима қилинади.

Олинган натижа таҳрирга муҳтож. Баъзан машина сўз шакллари, сўзнинг фонетик вариантлари, гапда сўзлар тартибини нотўғри танлаб қўйиши мумкин.

Машина баъзи ўринларда сўзнинг оптимал варианты билан қавс ичида имконият даражасидаги вариантни ҳам келтириши мумкин. Шу билан бирга, машина хотирасида керакли сўз бўлмаса, мазкур сўзни таржима қилмасдан оригинал тилдаги шаклда бераверади.

Кўринадики, автоматик таржима кибернетика билан тилшуносликнинг ўзаро мустақкам алоқаси туфайли амалга ошади. Бу жараёнда дастурчи албатта таржимага берилаётган ва таржима қилинаётган тилларнинг ўзига хос фонетик, грамматик хусусиятларини, лексик имкониятларини, лексемаларнинг семик тузилишларини яхши эгаллаган бўлиши керак.

Автоматик таржима биринчи марта 1954 йили АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида синаб кўрилди. Унда айрим иборалар рус тилидан инглиз тилига таржима қилинди. Шундан сўнг мазкур муаммо билан Франция, Канада, Россия каби бир неча мамлакатлар шуғуллана бошлади. Автоматик таржиманинг бар қатор системалари вужудга келди: СИСТРАН (АҚШ, Канада, Европа), ЛОГОС (АҚШ), КУЛЬТ (Гонконг) ва ҳ.к.

Собиқ шўролар даврида автоматик таржима илк марта И.К.Бельский ва Д.Ю.Панов томонидан 1954 йили Аниқ механик ва ҳисоблаш техникаси институтида синаб кўрилди. И.К.Бельский алгоритмнинг лингвистик асосларини, Д.Ю.Панов амалга ошириш дастурини ишлаб чиқди.

Ҳозиргача машина хотирасига киритилган сўзларнинг ҳажми 1000 дан ошмайди. Бу имконият билан фақат илмий-техник ва қисман расмий матнларни таржима қилиш мумкин.

Кўп маънолилиқка, образлилиқка асосланган бадиий матнларни таржима қилиш автоматик таржима олдида турган энг долзарб муаммолардандир.

Айрим мутахассислар бадиий асарни машина йўли билан таржима қилиш мумкинлигига шубҳа билан қарайдилар. Чунки бадиий асар тилида ўн минглаб сўзлар ишлатилади. Шу билан бирга, мазкур сўзлар бир неча кўчма

маъноларда қўлланилган, ифодалилиқ, экспрессив-эмоционал маъноларга йўғрилган бўлади.

Машина билан таржимада матн мазмунидан ташқари, асар муаллифининг ўзига хос индивидуал услуби, бадиий-эстетик қуввати, кўйингки, асарнинг барча бадиий хусусиятларини таъминлаб турувчи бадиий-тасвирий воситаларини, хилма-хил лексик-грамматик воситалар ёрдамида ҳосил қилинган асарнинг бутун гўзаллигини бериш керак. Буларни формаллаштириш, алгоритмга солиш ниҳоятда қийин кечади. Шунинг учун буни амалга ошириш амалда мумкин эмас деб ўйлайдилар.

### **Тилшунослиқ ва семиотика**

Тил кишилар ўртасидаги энг муҳим алоқа воситасидир. У объектив борлиқдаги маълум воқеа-ҳодиса ҳақида ахборот ташувчи асосий восита. Бундай ахборот ташишнинг бошқа йўллари ҳам борлиги маълум бўлади. Масалан, йўл ҳаракатидан маълумот берувчи воситалар, йўлдан ўтиш-ўтмаслик хабарини берувчи воситалар ва ҳ.к. Бу жиҳатдан тил ҳам ахборот бериш учун хизмат қиладиган юқоридаги воситалар сирасига киради. Уларнинг ҳаммаси учун умумий нарса, аввало, ўзи ҳақида, шу билан бирга, борлиқдаги маълум нарса-ҳодисалар ҳақида маълумот беришдир. Бундай воситалар **белгилар** деб номланади. Инсон ўзини қуршаб турган оламни билиш жараёнида олам унсурларини образлар орқали онгида акс эттиради ва бу онгда акс этган олам унсурлари белги орқали ифодаланади. Социал ахборотнинг ҳар қандай моддий ифодаловчилари белги ҳисобланади.

Тилнинг белгилар системаси экани унинг асосий хусусияти ва универсал томонидир.

XIX аср охирига қадар белги назарияси билан асосан файласуфлар шуғулландилар. Фақат XIX аср охиридан бошлаб бу масала руҳшуносларнинг ҳам диққатини жалб этди.

Белги ҳақидаги фалсафий назария ўзининг узоқ тарихига эга. Қадимги эллинлар нарсанинг моҳияти ва уларнинг номланиши юзасидан илмий баҳсларидаёқ яширин ҳолда белги тушунчасига асослангандилар.

Файласуфлар таъсирида XIX асрдан тилнинг умумий назариясига бағишланган деярли барча лингвистик асарларда сўз икки томонлама характерга эга бўлган белги сифатида талқин қилина бошланди. В.Гумбольдт, Шлейхер, Штейнталь, Л.Бреал, А.Мейе, Ф.Фортунатов, И.А.Бодуэн де Куртенэ, асарларида сўзга белги нуқтаи назаридан ёндашилади. Лекин Ф.де Соссюр тилнинг белгили табиатини аниқ-равшан ёритиб берди. Ҳатто белги назарияси билан шуғулланувчи алоҳида фан – семиология фани мавжуд бўлишини ва лингвистика ҳам семиология таркибига кириши лозимлигини таъкидлади.

Ҳозирги кунда белгилар системасини ўрганувчи алоҳида фан – семиотика майдонга келди.



Тил ҳам белгилар системаси сифатида эътироф этиларкан, демак, у ҳам семиотиканинг таркибий қисми сифатида қаралиши ва семиотиканинг бошқа қисмлари билан узвий алоқада ўрганилиши лозим.

Лингвистик белгилар билан бошқа белгилар системаси (масалан, Морзе алифбо системаси, мусиқа ижролари, мимика ва имо-ишоралар, ёруғлик ва товуш сигналлари ва ҳ.к.) муайян умумийликка эга. Улар қуйидагилардан иборат:

а) ҳаммаси маълум ахборот ташийти;

б) ҳаммаси социал ҳодиса. Чунки улар жамиятга хизмат қилиш учун жамият томонидан яратилган;

в) ҳаммаси моддийликка эга (лекин бу моддийлик турлича кўринишга эга: ёруғлик тўлқини, товуш тўлқини, график тасвир ва ҳ.к.);

г) ҳаммаси объектив борлиқни ифодалайти.

Лингвистик белгилар билан бошқа белгилар системаси ўртасида юқоридаги каби умумий жиҳатлардан ташқари, қатор фарқли томонлар ҳам мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Тил кишилар ўртасида энг муҳим алоқа воситаси саналиб, у умуминсоний хусусиятга эга. Барча кишилар ўзининг турли хил фаолият доирасида лингвистик белгилар воситасида ўз фикрини баён қилади. Бошқа турдаги белгилар эса бу жиҳатдан маълум гуруҳ доирасида чегаралангани билан фарқланади.

2. Лингвистик белги ҳар қандай ахборотни, инсоннинг ички кечинмаларини чегараланмаган ҳолда ифодалаш, бошқа белгилар эса чегараланган ахборотни ифодалаш имконига эга. Масалан, мусиқа инсоннинг ички кечинмаларини, ҳиссиётларини ифодалаш мумкин. Лекин у тушунча ва ҳукмларни ифодолмайди.

3. Лингвистик белги кишиларнинг объектив олам ҳақидаги билимларини бошқаларга узатиш вазифасини бажариш билан бирга сўзловчининг мазкур ахборотга муносабатини, айна пайтда, тингловчига таъсир қилиш вазифасини ҳам бажаради. Бу жиҳатдан, бошқа белгилар системаси фақат ахборот бериш (имо-ишоралар, Морзе алифбоси, ёруғлик тўлқини ва ҳ.к.) ёки тингловчига таъсир қилиш (музыка) вазифасини бажаради.

4. Лингвистик белгилардан бошқа барча белгилар системаси инсоннинг сунъий ижод маҳсулидир. Улар маълум гуруҳнинг келишуви йўли билан сунъий равишда яратилади. Лингвистик белгилар эса жамиятнинг у ёки бу аъзоси ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланади. Ҳар бир янги авлод шу жамиятнинг тарихий таркиб топган ва узлуксиз ривожланишда бўлган тилини ўзлаштиради, кейинги авлодга етказади.

5. Лингвистик белгининг яна энг муҳим белгиси унинг дискретлиги, кетма-кет жойлашуви ва эркинлигидир.

Лингвистик белгалар инсон коммуникатив фаолиятининг асосини ташкил қилади. Бошқа барча белгилар системаси коммуникация жараёнида товушлар ёрдамида ифодаланаётган ахборотга қўшимча ахборотни билдириш ёки «товуш нутқи»га ёрдамчилик қилиш вазифасини ўтайди.

Кишилар ўз нутқий фаолиятида тез-тез қўллаб турадиган мимика ва турли хил имо-ишоралар ҳам нутқни кузатиб борувчи қўшимча воситалар саналади. Баъзи ўринларда қисман унинг ўрнини босиши мумкин.

Лингвистик белгилар инсон коммуникатив фаолиятининг асосини ташкил этади. Бошқа барча белгилар системаси коммуникация жараёнида товушлар ёрдамида ифодаланаётган ахборотга қўшимча ахборотни билдириш ёки «товуш нутқи»га ёрдамчилик қилиш вазифасини бажаради.

Кишилар ўз нутқий фаолиятида тез-тез қўллаб турадиган мимика ва турли хил имо-ишоралар ҳам нутқни кузатиб борувчи қўшимча воситалар саналади. Баъзи ўринларда қисман унинг ўрнини босиши мумкин.

## **Тилшунослик ва география**

### **1. Лингвистик география**

Тилшунослик география билан ҳам узвий алоқададир. Чунки даврлар ўтиши билан маълум бир тилда сўзлашувчи этник гуруҳлар турли жойларга тарқалиб, ўтроқлашадилар. Демак, тилларнинг ҳам тарқалиш ўринлари мавжуд. Уларнинг тарқалиш жойларини карталаштириш имкони бор. Шундай экан, тилшунослик билан география ўртасида қандайдир муносабат бўлиши табиий. Бундай муносабат, айниқса, муайян лингвистик ҳодисаларнинг тарқалиш зоналарини белгилашда, лингвистик ва диалектик атласлар тузишда ёрқин намоён бўлади.

Тилшунослик билан географиянинг ана шундай муносабатига эътибор қаратилиши натижасида лингвистик география ёки лингвогеография ва ареал лингвистика майдонга келди.

Лингвистик география лингвистик ҳодисаларнинг тарқалиш зоналарини ўрганувчи тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида XIX аср охирларида диалектологиядан ўсиб чиқди.

Турли тилларда диалектал фарқланишлар ҳақидаги материалларнинг йиғилиши бу фарқланишларнинг муайян тил ҳудудида мос келиш ёки мос келмаслик чегараларини аниқлаш муаммосини юзага чиқаради.

Демак, лингвистик география диалектология материалларига таянади.

Лингвогеография билан диалектология макон ва замон факторларига турлича муносабатда бўлса-да, макон фактори лингвогеографияда ҳам, диалектологияда ҳам бир хил аҳамият касб этади. Айниқса, территория фактори лингвогеографиянинг асосини ташкил қилади.

Чунки лингвогеография кенг территорияга эга бўлиши ва бир вақтда қўллаб фактларни қамраб олиши, умумлаштириш ҳажмининг беқиёслиги билан тасвирий ва таҳлилий хусусиятга эга бўлган диалектологиядан ажралиб туради.

Диалектологияда маълум бир тилнинг диалектал хусусиятларини аниқлаш, мазкур хусусиятларни акс эттирадиган диалектал атласлар тузиш каби муаммолар ўрганилади. Диалектал атласлар тузилиши

диалектологиядан лингвистик географияга ўтиш даври ҳисобланади. Демак, лингвистик атлас тузиш диалектология материалларига асосланади.

Буни тилнинг барча сатҳлари бўйича кузатиш мумкин. Масалан, «ж» ва «й» лашиш хусусиятларига кўра шеваларнинг фарқланиши ва уларнинг тарқалиш географиясини картада белгилаш; ҳурмат маъносини ифодалашда -ларнинг қўлланилиш доирасини аниқлаш ва уни картага тушириш; I шахс кўплик кўшимчаси -вуз нинг тарқалиш ўринларини аниқлаш ва уларни картада кўрсатиш; *дўппи, тажя, каллапўш* лексемаларининг қўлланилиш ҳудудларини аниқлаш, уларни картада белгилаш ва ҳ.к.

Юқоридагилардан кўринадикки, диалектал хусусиятларни карталаштириш масаласи географиянинг топография бўлими билан узвий боғланади ва унинг ютуқларига асосланади. Лингвистик географияда *изоглосса* ва *тил ландшафти* тушунчалари марказий ўрин эгаллайди.

Мос ҳодисаларнинг у ёки бу аъзоси тарқалган энг чет нуқталарни туташтирувчи атлас картасидаги чизик *изоглосса* дейилади. Муайян бир тил учун маълум бўлган изоглоссалар йиғиндиси ва уларнинг шу тил ҳудудида жойлашиш характери *тил ландшафти* саналади.

Маълум бир тилнинг муайян ҳудудида тарқалган изоглоссалар йиғиндиси ёки «тил ландшафти» лингвогеографияни ўрганиш объекти саналади.

Лингвистик географиянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тилдаги диалектал фарқланишларни карталаштириш ва диалектологик атласлар яратиш билан боғлиқдир. Бундай атласлар хилма-хил бўлиши мумкин; айрим ҳудудни акс эттирувчи атласлар, турли системага мансуб тилларнинг тарқалишини акс эттирувчи атласлар ва ҳ.к.

Лингвистик география XIX асрнинг 70 – 80-йилларида дунёга келди. Айрим тил ҳодисаларининг ҳудудий бир-бирига мос келмаслик ҳолатларининг кузатилиши лингвистик географиянинг майдонга келишига асос бўлди. Бу билан боғлиқ равишда диалектал чегараларнинг мавжуд эмаслиги ҳақидаги тасаввур вужудга келди. Ана шунинг натижасида П.Мейер, Г.Парис каби олимлар умуман диалектлар мавжуд эмас, деган хулоса чиқардилар. Бу хулоса эса мутахассисларда эътироз туғдирди. Мунозара фақат лингвистик ҳодисаларни системалаштириш ва карталаштириш орқалигина ҳал қилиниши лозим бўлиб қолди. 1876 йили Германияда Г.Венкер немис тилининг лингвистик атласини тузиш учун материаллар тўплаш бошлади.

Унинг ишини Ф.Вреде давом эттирди. 1926 йили картанинг бир қисми нашр этилди. 1902 – 1910 йиллари Францияда Ж.Жильерон ва Э.Эдмон томонидан «Франция лингвистик картаси» яратилди. Бу карта роман ва герман тиллари лингвистик географиясининг ривожини учун катта таъсир қилди. Орадан кўп ўтмай Швейцария, Испания, Италия сингари мамлакатларда лингвистик атласлар пайдо бўлди. Кейинчалик алоҳида мамлакатнинг маълум вилоятлари, шаҳарлари, лингвистик атласлар вужудга келди. Масалан, Шимолий Италия шаҳарлари лингвистик атласи.

Шўролар даврида ҳам лингвистик географияга маълум даражада эътибор қаратилди. Р.И.Аванесов, В.М.Жирмунский, Б.А.Ларин, Ф.П.Филин, М.А.Бородина, Н.З.Гаджиева сингари олимлар лингвистик географиянинг шаклланиши ва ривожланишига катта хизмат қилдилар.

60-йиллардан бошлаб туркийшунослар ҳам лингвистик географияга, лингвистик атлас тузиш муаммоларига диққатини жалб этдилар. Бу муаммога бағишланган В.М.Жирмунский, М.Ш.Ширалиев, Н.Б.Бурганов ва Л.З.Заляй, Г.Б.Бакинова, Н.А.Баскаков, Л.А.Покровская, Э.В.Севертян, В.Решетов, Ш.Шоабдурахмонов, А.Шерматов сингари олимларнинг қатор асарлари майдонга келди.

Афсуски, ўзбек тилшунослигида мазкур муаммо ҳанузгача поёнига етгани йўқ.

## 2. Ареал лингвистика

Ареал лотинча агеа – «майдон», «кенглик» сўзидан олинган. Ареал лингвистика тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, лингвистик ҳодисаларнинг муайян кенгликда тарқалишини ва тиллараро (диалектлараро) муносабатни лингвистик география методлари асосида ўрганади.

Ареал лингвистиканинг асосий вазифаси тил хусусиятларининг ҳудудий бўлинишини тавсифлаш ва изоглоссаларни талқин қилишдан иборатдир. Натижада диалектлар, тиллар ва ареал жамоалар (тил иттифоқлари) ўртасида ўзаро таъсир майдонлари (ареаллари) аниқланади.

Ареал лингвистика атамаси тилшуносликка М.Ж.Бартоли ва Ж.Виддасси томонидан 1943 йили олиб кирилди. Унинг асосий тамойиллари 1925 йилиёқ М.Бартоли томонидан олға сурилган.

Ареал лингвистика лингвистик география ва диалектология билан чамбарчас боғлиқ.

Унинг марказий тушунчаси тил ёки диалект ареалидир. Бошқача айтганда, айрим лингвистик ҳодисаларнинг тарқалиш чегараси ва уларнинг йиғиндиси. Шунингдек, ареал атамаси айрим тиллар ва тиллар гуруҳининг тарқалиш чегарасини ифодалаш учун ҳам қўлланилади. Масалан, туркий ареал, ҳинд-оврупо ареали ва ҳ.к.

Ареал лингвистиканинг яна бир марказий тушунчаси изоглоссадир.

Тилнинг барча сатҳлари учун мазкур тушунча характерли бўлиб, сатҳлараро яна конкретроқ атамалар билан фарқланади: фонетик изоглоссалар учун изофонлар, лексик изоглоссалар учун изолекслар, семантик тараққиёт учун изосемлар ва ҳ.к.

Изоглоссалар боғлиқ ва конвергент изоглоссаларга бўлинади. Буларнинг биринчиси бир генетик умумийликка эга бўлган тилларда ривожланади ва уларни тиклаш учун қиёсий-генетик тадқиқотлар усулидан фойдаланилади.

Конвергент изоглоссалар эса узоқ даврлар бир ҳудудда яқин алоқада бўлиш натижасида ареал умумийликнинг вужудга келиши асосида ҳосил бўлади. Бундай изоглоссалар типологик таҳлил усуллари асосида аниқланади.

Ареал лингвистиканинг шаклланишида диалектологик ва лингвистик атласлар катта ўрин тутди.

Ареал лингвистиканинг пайдо бўлиши ва ривожланишида А.Мейе, Бартоли, Б.А.Террачини, Ж.Бонфанте, В.Пизани сингари олимларнинг хизмати алоҳида ажралиб туради. Улар ушбу йўналишнинг назарий асосларини, тушунчавий аппаратини белгилаб бердилар.

Туркий тилларни ареал нуқтаи назардан ўрганишда Н.З.Гаджиева, А.Б.Жўраев сингари олимларнинг хизматлари катта. Айниқса, А.Б.Жўраевнинг ўзбек тилини ареал ўрганишнинг назарий асосларини белгилаб беришдаги хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

### **Тилшуносликнинг табиий фанларга таъсири**

Биз юқорида кўпроқ тилшуносликнинг табиий фанлар эришган ютуқлардан озиқланиши ҳақида фикр юритдик (бу ўринда ижтимоий-гуманитар фанлардан бошқа барча фанлар назарда тутилади). Шунинг таъкидлаш керакки, фанлар системасида турли фанлар ўзаро муносабатда, алоқада экан, бу алоқа ҳеч қачон бир томонлама бўлмайди. Маълум бир фан бошқа бир фанга таъсир қиларкан, айна пайтда, у акс таъсирга ҳам учрайди. Тилшуносликнинг табиий фанлар билан муносабатида ҳам шунинг кузатиш мумкин. Тилшунослик табиий фанлар ютуқларидан баҳраманд бўлиши билан бирга, ўз навбатида, тилшунослик ҳам мазкур фанларга маълум таъсирини кўрсатади. Айниқса, бу турли фанлар атамаларини меъёрлаштириш, атамалар луғатини тузиш тамойилларини белгилашда ёрқин намоён бўлади.

Табиий фанлар бўйича атамаларни меъёрлаштириш ва бу фанларга хос атамалар изоҳли луғатини тузишда тилшунослар табиий фан вакилларига амалий ёрдам бермоқдалар. Хусусан, кимё атамалари бўйича филология фанлари номзоди Абдуваҳоб Мадвалиев, илмий-техник атамалар бўйича профессор Ренат Дониёров, ботаника атамалари бўйича филология фанлари номзоди, доцент Ҳасанбой Жамолхонов сингари бир қатор олимлар баракали меҳнат қилмоқдалар.

Айниқса, мустақиллик йилларида илмий-техник атамаларни тартибга солиш муаммоси кўтарилди. Умумий техник атамаларни тартибга солишнинг лингвистик асослари баён қилинди.

Илмий-техник атамаларни тартибга солиш муаммоси ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши муносабати билан янада жиддий тус олди. Вазирлар Маҳкамаси қошида мазкур муаммо билан шуғулланадиган атамақўм ташкил этилди. Шундан буён атамақўм қошида табиий фанларнинг турли соҳалари бўйича бир неча бўлинмаларда илмий-техник атамаларни мувофиқлаштириш бўйича жиддий ишлар олиб борилмоқда. Бу ишларнинг муваффақиятли амалга ошишида, табиий равишда, тилшунослар кўмагига суянмоқдалар.

Тилшунослар илмий-техник атамаларни тартибга солишда табиий фан вакилларига қандай кўмак беришлари мумкин?

Аввало, янги илмий-техник тушунчаларни ифодалаш учун атамалар белгилашда тилшунослик фанига суянади. Янги тушунчаларга икки хил йўл билан атамалар белгиланади: 1) ўзбек тилининг ўз ички имкониятлари асосида; 2) бошқа тиллардан сўз олиш асосида.

Ҳар икки ҳолда ҳам табиий фанлар тилшунослик ютуқларига таянади. Ўзбек тилининг ички имкониятлари асосида атамалар танлашда ўзбек тилининг лексикографияси, диалектологияси эришган ютуқларга суянилади.

Бошқа тиллардан сўз олиш муаммоси бўйича эса ўзбек тилшунослигининг фонетика, лексикология, этимология бўлимлари эришган ютуқлар асосида иш кўрилади.

Масалан, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши арафасида матбуотимизда атамаларни изга солиш бўйича Оврупо тилларидан олинган атамаларни чиқариб ташлаб, ўрнига арабий ва форсий атамаларни ёки атама вариантларини қўллаш тавсия этувчи мақолалар пайдо бўлди. Масалан, **самолёт** ўрнига **тайёра**, **институт** ўрнига **олийгоҳ** каби. Форс-тожик тилида *гоҳ* «**ўрин**», «**жой**» маъноси билдириши, шунинг учун у **олий** сифатини ололмаслиги, яъни «**олий жой (ўрин)**» маъноси «**илм оладиган жой**» маъносини бермаслиги, шунинг учун институт ўрнига тавсия этилган **олийгоҳ** атамаси нотўғри экани тилшунослар томонидан тўғри кўрсатиб берилди.

Айрим лотинча илмий-техник атамалар асримиз бошларида ўзбек тилига рус тили орқали қабул қилинди. Шунинг учун рус тилига лотин ва юнон тилларидаги атамалар қайси фонетик қиёфада ўзлаштирилган бўлса, шундайлигича қабул қилинди. Масалан, **география**, **алгебра** каби. Шунини таъкидлаш керакки, лотин ва юнон тилларидан илмий терминлар асримиз бошларигача ҳам ўзбек тилига ўзлашган эди. Лекин бундай терминларнинг кўпчилиги араб тили орқали ўтгани учун араб тилининг фонетик хусусиятига мослаштирилган вариантда қабул қилинган эди. Масалан, жуғрофия, алжабр. Чунки араб тилида *г* фонемаси бўлмагани учун мазкур фонемани *ж* фонемасига алмаштиради. Араб тилининг бундай хусусиятини Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам «Бобурнома» асарида таъкидлаган эди. Аллома бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Араблар норғилни муарраб (араб тилига мослаштириб) қилиб норжил дерлар».

Айрим табиатшунос олимлар рус тили орқали кириб келган атамаларни ўтмишда араб тили орқали кириб келган атамалар билан алмаштиришни таклиф этдилар. Жумладан, географияни жуғрофияга алмаштиради, тарихийлик тикланган бўлади деган ғояни олға сурдилар.

Лекин ҳозирги кунда *гео* билан ҳосил бўлган бир қатор атамалар тизими борки, уларда *г* фонемасини *ж* фонемасига алмаштириб бўлмайди. Масалан, *геологияни жулогия, геодезияни жудезия, геометрияни жуметрия* деб бўлмайди. Гео қисми бугунги ўзбек тилида бир қанча атамалар таркибида келиб, бир уя (парадигма)ни ташкил этаркан, демак, географиянинг ҳам ўзи қолгани лингвистик асосга эга.

Кўринадики, илмий-техник атамаларни тартибга солишда ана шундай лингвистик қонуниятлар асос ролини ўйнайди.

Бошқа тиллардан бирикмали атамалар ҳам олиниши мумкин. Бундай атамаларнинг кўпчилиги асримиз бошларида рус тили орқали кириб келди.

Бирикмали атамаларнинг катта қисми таркибига кўра аниқловчили бирикмалар саналади. Аниқловчили бирикмаларнинг тобе қисми ҳоким қисмга рус тилида хилма-хил шакллар ёрдамида боғланади: 1) -(и) ческий (-ое, ая-, -ский (-ре, -ая): боровской радиус, математический анализ; 2) -ный (-ое, -ая): контурная карта; 3) -ый (-ое, -ая): кольцевое соединение каби.

Бу тушунчаларнинг ўзбек тилида ифодаланиши турлича: 1) ҳар икки қисмни таржима қилиш: кольцевое соединение – доирасимон уланиш; 2) биринчи қисмнинг грамматик шаклини ўзбек тилига мослаштириш. Грамматик шаклини мослаштириш бўйича ўзбек тилшунослигида 70-йиллар бошларида икки хил оқим майдонга келди. Уларнинг биринчиси (Аюб Ғулом бошчилигидаги тилшунослар) русча грамматик шаклини олиб ташлаш ёки қисқартириш йўли билан ўзбекчалаштириш ғоясини олға ташладилар. Масалан:

Боровский радиус – Бор радиуси

Контурная карта – Контур карта

Корреляционный интеграл – Корреляцион интеграл

Аккумуляторный сосуд – Аккумулятор идиши

Контактное гнездо – Контакт жойи

Рентгеновские лучи – Рентген нурлари

Асциллографический интегратор – Асциллографик интегратор

Бошқа бир гуруҳ тилшунослар эса (Олим Усмон) аниқловчи қисмига изчиллик билан -ий, -вий кўшимчаларини кўшишни таклиф қилдилар. Масалан:

Технические науки – Техникавий фанлар (техник фанлар эмас)

Рентгеновские лучи – Рентгений нурлар

Тилшуносликдаги мазкур икки оқимнинг таъсири табиий фанлар бўйича тузилган луғатларда ҳам ўз ифодасини топди. Масалан, С.З.Зайнобидинов ва Е.Г.Заугольникованинг «Инглизча-русча-ўзбекча луғат»ида ана шундай таъсирни кузатиш мумкин. Масалан, корреляционный интеграл корреляцион интеграл деб берилгани ҳолда (175-бет), температурный скачок, магнитное соединение каби атамалар *температуравий сакраш, магнитовий уланиш* деб берилади.

Кўринадики, тилшуносликнинг атамашунослик бўлими бўйича назарий хулосалар барча фан атамаларининг изга солинишида асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун барча фан соҳалари бўйича атамалар луғатини тузишда мазкур фан соҳаси вакиллари билан тилшуносларнинг ҳамкорлик қилишлари катта самара беради.

Бизни қуршаб турган олам узвлари ўзаро узвий алоқада, ўзаро шартланган муносабатда бўлганидек, уларни ўрганувчи фанлар ҳам бир-бири билан чамбарчас алоқададир.

Фанлар системасида бирон-бир фан йўқки, бошқа фанлар билан муносабатда бўлмаган, унинг эришган ютуқларидан озикланмаган бўлсин.

Маълум бир фанда муваффақият қозонган тадқиқот усули албатта бошқасига таъсир этмай қолмайди.

Бир неча фанда бир-бирига яқин тушунчаларнинг келиб чиқиш илдизларини очишда бу фанларнинг ўзаро муносабатини, бир-бирига таъсирини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Фанни система сифатида эътироф этарканмиз, ҳар бир фанга фанлар системасининг бир узви сифатида қараш ва уни бошқа фан узвлари билан муносабатда ўрганиш фандаги системавийлик табиатини очишга қулай имконият яратиб беради.

Тилшуносликнинг фанлар системасидаги ўрнини белгилаш, унинг бошқа фанлар билан муносабатини ёритиш мазкур фаннинг фанлар системасидаги қимматини белгилашда, тилшуносликнинг бир қатор тушунчалари келиб чиқиш илдизларини ёритишда, умуман, тилшуносликнинг кўпгина назарий муаммоларига ойдинлик киритишда муҳим аҳамиятга эга.

Тилшунослик фанлар системасидаги бошқа фанлар эришган ютуқлар билан озикланибгина қолмасдан, ўз навбатида, унинг ўзи ҳам бир қанча фанларда мавжуд муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун ёрдам беради. Хусусан, мантиқ, психология, тарих, этнография тилшунослик ютуқларига таянади. Шунингдек, табиий фанларнинг атамалар тизимини шакллантириш ва тартибга солишда ҳам тилшунослик ёрдамга келади.

Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан боғлиқлик даражаси турлича. Айрим фанлар билан тилшуносликнинг баъзи масалаларигина алоқадордир. Хусусан, география билан лисоний ҳодисаларнинг тарқалиш ҳудудларини белгилашда, бу ҳудудларни карталаштиришда; физиканинг акустика бўлими билан нутқ товушларининг физик хоссасини ўрганишда; тиббиёт билан нутқий афазия масалаларини ўрганишда алоқадорлик сезилади. Бошқа фанлар билан эса тилшунослик ўта зич муносабатдадир. Масалан, фалсафа тилшуносликнинг барча масалалари билан узвий алоқада.

Тилшунослик қўлга киритган ютуқларни халқ хўжалигининг турли жабҳаларига қўллаш натижасида тилшуносликнинг амалий тармоқлари вужудга келди. Масалан, автоматик таржима, телекоммуникация, нутқий фаолият бузилишини даволаш, руҳий терапия, ёзуви бўлмаган халқларга алфавит яратиш ва ҳ.к.

Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан муносабатини ўрганиш натижасида ҳозирги кунда фанлар системасида икки фан оралиғидаги йўналишлар майдонга келди, масалан, ментолингвистика (тилшунослик ва фалсафа муносабати), этнолингвистика (этнография ва тилшунослик муносабати), психоллингвистика (психология ва тилшунослик муносабати), паралингвистика (семиотика билан тилшунослик муносабати), нейролингвистика (тиббиёт, физиология билан тилшунослик).

Бошқа фанлар билан қанчалик муносабатда бўлмасин, тилшунослик ўз тадқиқоти объекти ва тадқиқот чегарасига эга бўлган мустақил фан сифатида фанлар системасида қатъий ўрнига эга.



## **ЎЗБЕК ПАРАЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАРИ**

Герман Вембери араб, форс, ўзбек тилларинигина эмас, балки бу халқларнинг маданияти, урф-одатларини ҳам пухта билувчи машхур шарқшунос олим эди. Шунинг учун у салла ўраб, мулла қиёфасида Эрон ва Ўрта Осиё халқлари орасига кириб келади. Унинг муомаласидан, гапларидан хорижий, ғайридин экани бутунлай сезилмайди. Исломнинг, Шарқ халқлари тарихи ва маданиятининг билимдони сифатида аҳоли ўртасида ҳурмат ва эътибор қозонади. Аммо бир ўтиришда жуда ёқимли мусиқадан таъсирланиб, беихтиёр куй маромига қараб оёғини силкита бошлайди. Бу ҳаракати эса давра аҳлига унинг хорижий эканини ошкор қилиб қўяди. Чунки Шарқ халқлари орасида куй, ашуладан роҳатланиш белгиси оёқ ҳаракати билан эмас, балки бошнинг горизонтал ҳолатда аста-секин тебраниши билан ифодаланарди.

Демак, бир тилда гаплашувчи халқ вакилининг иккинчи тилда гаплашувчи халқ доирасида ҳам эркин муомала қила олиши учун бу халқнинг тилини мукамал билиши билан бирга унинг муомала маданияти,

урф-одати, имо-ишоралари ва бошқа бир қатор шу халқ учун характерли томонларини ҳам чуқур ўрганишга тўғри келади.

Жаҳоннинг турли халқлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар жуда кучайган ҳозирги даврда юқорида кўрсатилган омилларни ўрганиш эҳтиёжи яна ҳам ортмоқда. Айниқса, адабий алоқалар жараёнида бир тилдан иккинчи тилга маълум бадий асарни таржима қилишда ҳам таржимон фақат шу халқ (миллат) тилини билиш билан кифояланиб қолмай, балки уларнинг ўзларига хос муомала маданияти, имо-ишораларини билиши ҳам керак бўлмоқда. Масалан:

***Хат ёзиб тур, – деди дадам. Бош ирғаб кўчага чиқдим.***

(Ў.Умарбеков)

Юқоридаги парчада «*бош ирғаб*» конструкцияси ўзбек халқи орасида *розилик, тасдиқ* маъносини ифодаловчи имо-ишорани акс эттиради. Агар юқоридаги матн болгар тилига мазкур халқлар ўртасидаги имо-ишора тафовути ҳисобга олинмасдан сўзма-сўз таржима қилинса, таржимада бутунлай тескари маънони – хат ёзиб турмаслик маъносини ифодалайди. Чунки болгарларда юқоридаги имо-ишора инкор маъносини билдиради. Шунинг учун таржимада бу сўзни болгарларда ҳам худди шундай маънони билдирувчи имо-ишора ифодалайдиган ишора феълига алмаштиришга тўғри келади.

Ана шундай амалий талаблар билан маълум бир тилни ўқувчи ёки талабага ўргатаётганда у халқнинг ўзига хос муомала маданиятини, урф-одатини ва имо-ишораларини ҳам ўргатувчи «Лингвоўлкашунослик» («Лингвострановедение») ҳамда «Лингвомаданиятшунослик» («Лингвокультурология») фанлари майдонга келди. Мазкур соҳаларнинг ўрганиш объектларидан бири маълум бир халқ орасида тарқалган имо-ишоралардир. Имо-ишораларни ўрганадиган «лингвоўлкашунослик» ва «лингвомаданиятшунослик»нинг таркибий қисми «паралингвистика»дир.\* Имо-ишоралар фикр ифодалашда нутқ учун ёрдамчи восита бўлиш билан бирга ўзбек халқининг ўзига хос менталитетини кўрсатувчи ёрқин далил ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам ўзбек паралингвистик воситаларини изчиллик билан ўрганиш долзарблик касб этмоқда.

Ўзбек тилида дунёдаги барча тиллар каби фикр фақат лингвистик йўл билангина эмас, балки лингвистик бўлмаган (экстралингвистик ёки паралингвистик) воситалар – имо-ишоралар ҳамда имплицит (бўлақларга ажралмас) товушлар ёрдамида ҳам ифодаланади. Мазкур воситалар информациялар бериш учун иштирок этиши нуқтаи назаридан тилшунослик билан чамбарчас боғлиқдир. Шу туфайли тилга ёндош бўлган бу хил воситалар тилшунослар диққатини ўзига жалб этмоқда. Бу хусусда О.С.Ахманова ёзади: «Экстралингвистик ва интралингвистик омилларнинг муносабати ҳақидаги масала доимо ва асосли равишда тилшуносликнинг энг асосий масалаларидан ҳисобланиб келди».<sup>1</sup>

Аmmo туркий халқлар ўртасида тарқалган коммуникациянинг бундай усуллари ҳали мукамал асосда ўрганилганича йўқ. Шунинг учун биз

паралингвистика ҳақида умумий маълумот бериб, сўнгра ўзбеклар ўртасида тарқалган айрим паралингвистик воситалар ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Тил информациясининг икки томони – ички ва ташқи томони мавжуд бўлиб, ички томони тил структурасига оид бўлса, ташқи томони нутқ вазиятига тегишлидир. Анъанавий мумтоз лингвистик тадқиқотлар асосан микролингвистикани, яъни нутқнинг ички томонини – сегментланадиган бирликлар – фонема, морфема, сўз, сўз бирикмаси, гапларни текширишга қаратилган, унинг ташқи плани, хусусан, овознинг турли хил интонацион модуляцияси, нутқ темпи, товуш бўёғи, турли хил имо-ишоралар, мимикалар, суҳбатдошнинг манералари тилшунослар назаридан четда қолган. «Д.Ж.Лотцининг маълумотига қараганда, – дейди О.С.Ахманова, – соф лингвистик ёки «микролингвистик» элементлар берилаётган нутқий ахборотдаги барча информациянинг жуда оз қисмини ташкил этади. Информациянинг бошқа томонлари эса сўзловчининг овозини фарқлашга имкон берадиган овоз тактининг хусусияти, унинг физик ҳолати, барча ситуацияга муносабати, эмоционал ҳолати, социал алоқадорлиги ҳақидаги маълумотлар билан тўлдирилиш ҳисобига бўлади». Масалан, ўзбек тилида **Аҳмад** нутқ бирлиги сифатида анъанавий лингвистик таҳлил бўйича беш фонема, икки бўғин, бир морфема ва бир сўздан иборат. Семантик жиҳатдан шахсни ифодалайди. Аммо бу тил бирлиги жонли нутқда турли суперсегмент воситалар билан бирга ишлатилиб, қўшимча яна бир қанча маъноларни билдиради. Жумладан, турли интонемалар ёрдамида: 1) жавоб; 2) савол; 3) ундалма; 4) чақирик; 5) чақириқнинг иккинчи варианты; 6) қувнок ҳайратланиш; 7) норози оҳангда ҳайрон бўлиш; 8) огоҳлантириш; 9) қаҳр; 10) таъна; 11) жирканиш; 12) юмшоқ сўраш; 13) ялиниш; 14) ғурур; 15) қўрқинч ва бошқалар. Кинемалар қўшилганда, хусусан, калла ёки лабнинг ўнг томонга бир силкиниши ёрдамида 16) «кетдик» каби маънолар ифодаланади.

Кўриниб турибдики, инсон нутқи ниҳоятда мураккаб, кўп қиррали ҳодиса бўлиб, унинг жуда кўп томонларини ёзувда бериш имконияти бўлмайди. Натижада анъанавий лингвистик таҳлилдан четда қолади. Тил информациясининг тўла манзарасини намоён қилиш учун эса нутқнинг барча томонларини комплекс равишда текшириш зарурлиги сезилади. Шунинг учун Диксон ҳақли равишда ёзади: «Фақат барча вазият комплекси нутқ фрагментининг тўлиқ ва ҳақиқий маъносини кўрсатади».

Нутқ билан бирга ишлатилувчи омилларни лингвистик тадқиқот доирасига киритиш зарурлиги «Прага лингвистик тўғарагининг тезислари»да аниқ ўз ифодасини топган. Тилга функционал томондан ёндашиш концепцияси табиий равишда «тил алоқаси воситалари» тушунчасини кенгайтиришни талаб этди. Тезисда сўзловчининг оғзаки нутқи билан биргаликда қўлланиб, тингловчи билан бевосита алоқа қилишда нутқ мазмунини тўлдирадиган имо-ишораларни, лингвистик регионал иттифоқларнинг муаммолари учун аҳамиятга эга бўлган имо-ишораларни тизимли ўрганиш лозимлиги айтилади. Ана шундай амалий талаб билан нутқнинг мазкур ёрдамчи воситаларини ўрганувчи махсус фан соҳаси

майдонга келди. Ҳозирги кунда бу фан соҳаси «паралингвистика» номи билан тилшуносликда қатъий ўрин олди.

### **Паралингвистиканинг ўрганиш объекти**

Паралингвистиканинг ўрганиш объекти масаласида мутахассислар ўртасида турли хил қарашлар мавжуд. Уларнинг бир гуруҳи барча коммуникациянинг новербал воситаларини паралингвистика доирасига киритадилар. Г.В.Колшанский фикрича, паралингвистик воситалар субъектнинг вербал (сўзли) коммуникациясининг чала томонларини тўлдирадиган коммуникатив подсистемадир.

Иккинчи гуруҳдагилар эса фақат нутқни кузатиб борадиган ҳар қандай сўзсиз коммуникация воситаларини паралингвистика объекти ҳисоблайдилар. Қуйидаги ҳодисалар нутқни кузатиб борадиган воситалар деб қаралади: характеризаторлар (кулги, йиғи, эснашларнинг турларига кўра халқаро фарқлари), квалификаторлар (талаффуз тезлигининг турлари, асосий тоннинг баландлиги ва бошқалар), айирувчилар (ҳм, уф-уф каби тил ҳодисаси бўлмаган товушларнинг комбинациялари) ҳамда имо-ишоралар, мимикалар ва ёзувдаги турли ёрдамчи график ишоралар киритилади.

Яна бир гуруҳ тадқиқотчилар информацияда қатнашадиган барча ёрдамчи воситаларни вербал бўлмаган воситалар доирасига киритиб, уларни уч гуруҳга ажратади: 1) табиий нутқни кузатиб борувчи новербал воситалар; 2) нутқ ифодаси ўрнида қўлланиладиган новербал воситалар; 3) вербал воситалар билан бирга ишлатилиб аралаш ҳолатни ҳосил қиладиган новербал воситалар. Биринчи тур воситалари паралингвистик ҳолат, иккинчиси тил белгилари субституцияси, учинчиси эса тил ва тил бўлмаган воситалар интерференцияси деб изоҳланади. Кўриниб турибдики, мазкур гуруҳдаги олимлар фақат нутқни кузатиб борадиган новербал воситаларнигина паралингвистика таркибига киритадилар. Уларнинг фикрича, новербал воситалар (имо-ишоралар ҳам) уч хил коммуникатив функцияни бажаради. Шулардан фақат биринчисигина паралингвистика доирасига киритилади.

Биз паралингвистика доирасига коммуникацияда иштирок этадиган барча суперсегмент воситалар ва имо-ишора ҳамда мимикаларни киритиш тарафдоримиз.

### **Паралингвистик белгилар ва тил структураси**

Паралингвистик омиллар тил структурасига кирмайди. Чунки тил системаси ташқи омилларга боғлиқ бўлмаган ҳолда яшайди. Коммуникациянинг юзага чиқиши учун қандайдир ёрдамчи воситаларга эҳтиёж сезилмайди. Тил системаси ҳамиша ҳар қандай фикр мазмунини, ҳис-ҳаяжонларни ўз ички воситалари билан ифодалаш кудратига эга. Аммо коммуникацияда информацияга зиён етмайдиган даражада фонцион энергияни тежашга интилиш ҳар қандай инсон фаолиятига ҳос хусусиятдир. Шунинг учун инсон тилда доимо ортиқча нарсалардан қутулишга, зарур

нарсаларни эса бўрттириб кўрсатишга интилади. Худди ана шу талабга кўра, айтилиши лозим бўлмаган ортиқча формал воситалар ўрнини компенсация қилишда энг содда ва энг тежамли восита бўлган паралингвистик восита таркибига кирувчи кинетик воситалар ёрдамга келади. Масалан, **Менга стол устида турган бўёқ қаламни олиб бер** жумласида агар сўзловчи шу столга яқин бўлса, **столнинг устидаги бўёқ қалам** қисми нутқ ситуацияси учун ортиқча бўлиб қолади. Натижада кўл билан стол устидаги бўёқ қаламни кўрсатиб **олиб бер** қисминигина талаффуз қилган ҳолда жумланинг ҳамма қисмидан англашилиши лозим бўлган фикрни ифодалаш мумкин. Демак, кўлнинг кўрсатиш ҳаракати эллипсисга учраган гап қисмларининг функциясини бажаради, уни компенсация қилади. Бу билан ифодада ихчамлик туғилади. Кўринадики, паралингвистик воситалар, биринчидан, нутқни ихчамлаштиради, иккинчидан, нутқни компенсациялаш вазифасини бажаради. Паралингвистик воситаларнинг нутқ таркибида ишлатилиши тилда доимо амал қилинадиган тежамлилик принципи тенденцияси билан чамбарчас боғлиқдир.

### **Лингвистик ва паралингвистик белгилар муносабати**

Ҳар қандай тил таркибида қўлланилаётган имо-ишоралар ўзларининг жуда узоқ тарихига эга. Нутқ санъатини эгаллашнинг бошланғич босқичида имо-ишора ва тилнинг мураккаб аралашиб кетиши ибтидоий одамларда имо-ишораларни тасвирловчи ва ифодаловчи жуда кўп сўзларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Ибтидоий одамнинг тили, аслини олганда, икки хил тилдир: биринчи томондан, сўз тили, иккинчи томондан, имо-ишора тили. Ибтидоий одамлар тили предмет образларини ифодалайди, бу образларни ўз кўзи ва қулоғи билан қандай тасаввур этса, шундай ифодалаганлар. Ҳар бир жумла мураккаб шаклда бўлиб, унда имо-ишора, товушлар бирлашган. Аммо мазкур фикрлардан коммуникация ифодалашда имо-ишора вербал ҳодисаларга нисбатан олдинроқ қўлланилган деб бўлмайди. «Узоқ даврларга қадар тил (товуш тили) имо-ишоралардан келиб чиққан деган турли назариялар (Л.Трейгер, В.Вундт, XIX аср, Я.Ван-Гиннекен, Н.Я.Марр, XX аср) ҳеч нарсани тушунтирмайди. Имо-ишоралар ҳаммавақт товуш тилига эга бўлган кишилар учун иккинчи даражали вазифа бажаради. Имо-ишоралар ичида «сўз» йўқ ва имо-ишоралар тушунча билан боғланмаган. Имо-ишоралар кўрсатиш, экспрессив характерда бўлиши мумкин, аммо ўзича тушунчаларни номлай ва ифодалай олмайди. Фақат шундай функцияга эга бўлган сўз тилини кузатиб боради», – дейди А.А.Реформатский. Ҳақиқатан ҳам, тарих товуш тилига эга бўлмаган бирорта ҳам кишилик жамиятини, ҳатто энг қоқоқ кишилик жамиятининг бўлганини билмайди. Товуш тили инсоният тарихида кишиларнинг ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиқишига, жамият бўлиб бирлашишига, ўз тафаккурини такомиллаштиришига, ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил қилишига, табиат кучлари билан мувафакқиятли кураш олиб боришга ва шу тариқа ҳозирги замон тараққиёт даражасига етишига ёрдам берган кучлардан биридир. Имо-ишоралар эса

доимо нутқ билан биргаликда қўлланиб, унга ёрдам берувчи иккинчи даражали восита бўлиб келган. Чунки фикр ўзининг маълум моддий асосига эга бўлиши керак. Ана шу моддий асос нутқдир. Нутқ фақат фикр ифодаловчи воситагина эмас, балки фикрни шакллантирувчи восита ҳамдир. Ҳар қандай фикр маълум бир тил асосида шаклланади. Полиглотлар доимо қайси тилда фикрлаётганини биладилар. Агар бирон тилдаги ифода нотўғри чиқиб қолса, мен фалон тилда фикр қилиб, бу тилда гапирибман деб хатосини тан оладилар. Инсон ўз фикрини нутқ товушлари ёрдамида ифода қилмаган тақдирда ҳам, ўйлаш жараёнидаги нутқ органларининг ҳаракатини махсус аппаратлар ёрдамида кузатиш мумкин. Шунингдек, айрим кишилар бирор нарсани ичида ўқиётганда ҳам нутқ органларининг ҳаракати аниқ сезилиб туради. Имо-ишоралар вербал воситани тўла компенсация қилганда ҳам, вербал воситанинг изи – артикуляцияси сезилади. Бундан имо-ишоранинг маълум нутқ вазияти тақозоси билан фикр ифодалаш вазифасида қўлланилиши вақтинча – факультатив экани кўринади.

Кар-соқовларнинг коммуникация воситаси бўлган имо-ишоралар эса тамоман бошқа вазифага эга. Бундай имо-ишоралар нутқни кузатиб борувчи имо-ишоралардан фарқ қилган ҳолда табиий тил билан функционал тенг ҳуқуқлидир. Шунинг учун бу хил имо-ишоралар паралингвистиканинг текшириш объектига кирмайди.

### **Имо-ишораларнинг келиб чиқиши хусусида**

Имо-ишораларнинг келиб чиқиши ҳақида ҳозирга қадар икки хил қараш мавжуд.

Биринчи гуруҳдагилар (уларни «натуралистик қараш» дейиш мумкин) имо-ишораларни табиий деб ҳисоблаб, маълум биологик жараёнлардан келтириб чиқаришга уринадилар. Жумладан, Ч.Дарвин «Сезгиларнинг ифодаланиши ҳақида» асарида инкор ва тасдиқни ифодаловчи имо-ишораларнинг келиб чиқиши ҳақида шундай дейди: «Кичкина болаларда инкорнинг биринчи акти овқатдан ўзини тортишдан иборат. Мен ўзимнинг болаларимни бир неча марта кузатганимда улар буни калласини она кўкрагидан ёки қошиқдаги овқатдан бир томонга силкиш билан ифодалядилар. Агар улар овқат ейишни хоҳласалар, уни оғзига оладилар ёки калласини олдинга эгадилар. Мен буни констатация қилганимдан сўнг Харма ҳам худди шундай фикрга келганини хабар қилди. Шу нарса эътиборга лойиқки, овқат қабул қилинаётганда олдинга бир марта ҳаракат қилинса, тасдиқ белгиси сифатида калла бир марта олдинга силкинади. Бошқа томондан эса овқатдан ўзини тортаётиб, айниқса, агар уларга жуда яқин келтирилган бўлса, болалар, худди биз инкор ифодалаш учун бошимизни қимирлатганимиздек, калласини гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ҳаракат қилдиради. Бундан ташқари, кўпинча овқатни рад қилишда болаларнинг калласини орқага ташлаши ёки оғзини юмиши ҳам кузатилади. Шунинг учун мазкур ҳаракатлар ҳам инкор белгисини ифодалаш мумкин».

Иккинчи гуруҳдаги олимлар эса паралингвистик ҳодисаларни, жумладан, имо-ишораларни табиий ҳодиса эмас, маълум жамият билан мувофиқлашган шартли ҳодиса деб қарайдилар. Улар ўз фикрларини турли жамиятларда паралингвистик фонемаларнинг фарқли эканини кўрсатиш билан исботлайдилар.

Г.М.Николаева ва Б.А.Успенский ҳақли равишда паралингвистик ҳодисаларни ўрганишда ҳар икки қарашни бирлаштириш мақсадга мувофиқдир, дейдилар. Чунки биринчи фикр кўпроқ диахроник аспектга, иккинчиси эса синхроник аспектга мувофиқ келади. Ҳақиқатан ҳам, шундай имо-ишоралар борки, улар интернационал характерга эгадир. «Бу категория (паралингвистик категория – А.Н.) универсал характерга эга бўлиб, уларни ҳамма тилларда ҳам қўллаш мумкин», – дейди О.Есперсин. Масалан, «мавжуд эмаслик» тушунчасини жаҳоннинг турли тилларида вербал восита билан турлича ифодаланса (жумладан, ўзбек тилида *йўқ*, рус тилида *нет*, форс тилида *нест*, француз тилида *нон*, инглиз тилида *но*, немис тилида *найн* каби), ана шу тилларнинг ҳаммасида бу паралингвистик йўл билан бир кинетик белги орқали ифодаланади: калланинг горизонтал ҳаракати ҳамма тилларда ўша тушунчани беради.

Аmmo бу фикр ҳамма кинетик белгилар учун мутлоқ хос эмас. Шундай имо-ишоралар борки, улар шартли характерга эга бўлиб, миллий хусусият касб этиши мумкин. Чунки у жамоа томонидан маълум бир маънони ифодалаш учун қабул қилинган имо-ишора символидир. Бошқа бир жамоада эса мазкур ишора ё ҳеч қандай коммуникатив вазифа бажармайди, ёки бошқа маънони ифодалаш мумкин. Масалан, хайр маъносини ифодалаш учун руслар кафтини ўзидан орқага қилиб, вертикал ҳолатда такрор-такрор силкитса, итальян кафтини ўзига қаратиб, вертикал ҳолатда силкитади. Ёки инглиз машина тўхтатиш учун бош бармоғини тикка, қўлини мушт қилса, рус ва ўзбекларда бу кинетик белги яхши деган маънони беради. Шунинг учун ҳар қайси халқнинг имо-ишора birlikлари йиғиндисини ўрганиш паралингвистика учун қизиқиш уйғотади.

### **Имо-ишоралар ва ишора феъллари**

Юқори сатҳга доир ҳар қандай тил birlikлари денотатив томондан объектив birlikдаги маълум ҳаракат, нарса ва ҳодисаларни ифодалайди. Яъни объектив birlikдаги нарса, ҳаракат ва ҳодисалар (денотат) киши онгида акс этади (сигнификат) ва онгда акс этган бу тушунчалар маълум товуш қобиғи (сўз) ёрдамада ифодаланади. Демак, сўзлар объектив birlikдаги нарса, ҳодиса ва ҳаракатларни бевосита эмас, балки онг орқали акс эттиради.

Шунингдек, имо-ишоралар ҳам онгда маълум маънога хосланади. Яъни объектив birlikдаги нарса ва ҳодиса (ҳаракат, ҳолат ҳам) онгда акс этади ва у имо-ишора орқали баён қилинади. Демак, бу жиҳатдан, сўз ҳам, имо-ишора ҳам бир хил вазифа бажаради, ҳар иккиси ҳам белгидир.

Конкрет нутқ вазиятида маълум бир маъно ифодаловчи имо-ишоралар шу нутқ вазиятини қайта ҳикоя қилиб бериш жараёнида маълум лингвистик бирликлар ёрдамида тасвир қилинади. Демак, ҳар бир тилда имо-ишораларни ифодаловчи бир қатор феъллар мавжуд. Мазкур феъллар семантик томонидан **ишора феъллари** деб юритилади. Масалан, *кўз қисди, лабини бурди* ва бошқалар.

Инсоннинг мимикалари, қўл ҳаракатлари табиий ва шартли характерга эга. Масалан, лабга қўнган пашшани ҳайдаш учун қилинган лаб ҳаракати ёки қўл ҳаракати табиий ҳаракатдир. Чунки бу ҳаракатлар тингловчи учун ҳам ҳеч қандай ахборот бермайди.

Тингловчига қараб туриб пастки лабнинг бир марта ўнгга (баъзан чапга) силкиниши унинг бу ердан чиқиб кетиш кераклигини билдиради. Демак, маълум ахборот беради. Шунинг учун мазкур ҳаракат шартли характерга эгадир.

Шартли характерга эга имо-ишоралар белги вазифасини бажаради. Фақат белги вазифасини бажарадиган имо-ишораларгина паралингвистик бирликлар ҳисобланади.

Имо-ишоралар ҳам баъзан кўп маъноли бўлиши мумкин. Унинг қайси маънода ишлатилаётгани нутқ вазияти орқали билинади. Масалан, **кўз қисиш** ҳаракати қуйидаги маъноларни ифодалайди:

**1. Қумринисо Собирахонга кўз қисиб:**

*– Ўйин-кулгимизнинг боши Баҳрихоннинг тўйи бўлади, – деди.*

*(А.Қаҳҳор)*

*– Қизини шундай одамларга берган қайноналар ёғ еб, шарбат ичсалар керак, – деди мулла Сулаймон Аниқулга кўз қисиб.*

*(Ш.Рашидов)*

**2. Мен кулиб юборган эдим, шеригим туртиб, кўз қисди.**

*(А.Қаҳҳор)*

**3. Улар анчадан бери бир-бири билан кўз қисишиб юрар экан.**

*(«Ўзбек халқ эртаклари»)*

**4. Қаландаров жуда хижолатли бир маросимни ўтказаетгандай қип-қизариб, илжасийб, кўзи кўзига тушган одамга «майли, қўя бер, аҳамияти йўқ» деган маънода кўз қисиб тикка турар эди.**

*(А.Қаҳҳор)*

Кўз қисиш биринчи мисолда «ҳазил», иккинчи мисолда «кулма» маъноларида, учинчисидан «келишиш», тўртинчисидан эса «аҳамияти йўқ» маъноларида ишлатилмоқда. Ёки **бош чайқаш** ҳаракати қуйидаги маъноларни ифодалайди:

• Ҳайрон қолиш. Масалан:

*Саида бу одамдан ҳар нима кутиш мумкин дегандай бош чайқади.*

*(А.Қаҳҳор)*

2. Қойил қолиш. Масалан:

*Саида унинг мақтовларига жуда аҳамият бериб, «Умидага қойил» деган маънода бош чайқаб қулоқ берар экан: «Қани энди мана шунақа уқувли, эпчил, гайратли одамлар бюрода кўпроқ бўлса!» деди.*



(А.Қаҳҳор)

3. Роҳатланиш. Масалан:

**Камолхонов нонни бир илож қилиб еди ва мазза қилганига ишора қилиб бош чайқади.**

(А.Қаҳҳор)

4. Афсусланиш. Масалан:

**Уста Ҳазраткул аччиқ маъносида бошини чайқади.**

(Ш.Рашидов)

Айрим паралингвистик воситалар маълум бир халқнинг муомала қоидалари билан боғлиқдир. Жумладан, таъзим қилиш, қўлини кўксига қўйиш, қўл қовуштириш ўзбек, тожик халқлари ўртасида тарқалган.

Масалан: **Ўлоғжон ўнг қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди: – Жоним билан.**

(М.Исмоилий)

**Хотамова мамнуниятдан қизариб, таъзим қилди: – Қадамларингизга ҳасанот!**

(А.Қаҳҳор)

**Мадаминхўжа ўтирган еридан хиёл кўзгалди-ю, қўл қовуштирди: – Хуш келибсизлар.**

(М.Исмоилий)

Тилдаги лингвистик birlikларнинг даврлар ўтиши билан ўзгариш жараёни рўй берганидек, паралингвистик birlikларда ҳам ана шундай ўзгариш содир бўлиши – айримларининг эскириб истеъмолдан чиқиши ва янги воситаларнинг кириб келиши мумкин. Масалан, ўзбек ва тожик халқлари ўртасида илгари қўлини кўксига қўйиш билан саломлашиш одати ҳозирги даврда кўпроқ бош силкитиш билан ифодаланмоқда.

Юқорида айтилганлардан маълумки, бошқа бир тилни ўрганаётганда фақат унинг луғат бойлиги ва грамматик қурилишинигина эмас, балки паралингвистик воситаларини ҳам ўрганиш мазкур тил вакиллари билан гаплашганда уни ётлик белгисидан сақлайди.

### **Ўзбек тилининг инкор ифодаловчи паралингвистик воситалари**

Ўзбек тили таркибида субститутив функция бажарадиган қуйидаги инкор ифодаловчи кинетик воситалар учрайди.

Бошнинг горизонтал ва вертикал ҳаракатлари жаҳоннинг жуда кўп халқларида тарқалган бўлиб, тасдиқ ва инкор ифодалаш учун хизмат қилади. Жумладан, ўзбекларда ҳам калланинг горизонтал ҳаракати «йўқ», вертикал ҳаракати эса «бор» маъносини ифодалайди.

Бу белгиларнинг тасдиқ маъноси учун «бош ирғамок», инкор маъноси учун «бошини чайқамок» каби вербал воситалар ишлатилади. Масалан:

**Хат ёзиб тур, – дедим. Бош ирғаб, кўчага чиқдим.**

(Ў.Умарбеков)

**Ёнида ўтирган аълам унинг сўзини маъқуллаб, бошини қимирлатди.**

(А.Қаҳҳор)

Тасдиқ ва инкорнинг семантик қутб белгилари қарама-қарши кинетик шаклларни талаб қилади. Калланинг олдинга ва пастга ҳаракати суҳбатдошининг фикрига, хоҳишига қўшилганини ифодалаб, тасдиқ маъносини билдиради. Бунинг антоними сифатида суҳбатдошининг фикрига, хоҳишига қўшилмаганини – инкорини ифодалаш учун каллани олдинги ҳаракатга қарама-қарши томонга силкиш ҳам мумкин эди (Ўрта ер денгизи атрофидаги баъзи ерларда – Афина греклариди, Жанубий Италиянинг айрим районларида, неопалитонлар ва калабрийлар орасида тасдиқ ва инкор худди мана шундай йўл билан ифодаланган). Аммо калланинг бундай қутб ҳаракатининг маъно ҳаракатининг маъно дифференциациясига эмфатик тасдиқ ҳамда эмфатик инкор учун ҳаракатнинг такрорланиши ҳалақит беради. Яъни эмфатик нутқий такрор «ҳа, ҳа, ҳа!!» ва «йўқ, йўқ, йўқ!»ларнинг кинетик субститути сифатида калла биринчи маънони ифодалаш учун «олдинга-орқага, олдинга-орқага, олдинга-орқага», иккинчи маънони ифодалаш учун «орқага-олдинга, орқага-олдинга ва орқага-олдинга» ҳаракат қилиши керак бўлади. Бу эса ҳаракатлар дифференциациясини деярли йўқотади, коммуникацияни қийинлаштиради. Шу туфайли ҳам туркий ва ҳинд-оврупо халқларининг баъзи бирларида иккинчи маънони ифодалаш учун вертикал калла ҳаракатининг зидди сифатида горизонтал калла ҳаракати қабул қилинган (ҳар икки калла ҳаракати ҳам келиб чиқиши жиҳатидан Ч.Дарвиннинг юқоридаги фикрига мос келади). Аксинча, болгарларда вертикал калла ҳаракати инкорни, горизонтал калла ҳаракати эса тасдиқни ифодалайди. Болгарлардаги тасдиқни ифодаловчи горизонтал калла ҳаракати ўзининг инкор зидди асосида ҳосил бўлган, иккиламчи характерга эгадир.

Туркий халқларда, жумладан, ўзбекларда калланинг горизонтал ҳаракати қуйидагича инкор маъноларини ифода қилади:

а) қисман инкорни билдиради. Бундай вақтларда инкор билдирувчи имо-ишорадан сўнг сўзловчининг тасдиқ жавоби кутилади. Бу жавоб суҳбатдошининг гапидаги мантиқий урғу тушган бўлакнинг жавоби бўлади. Вербал воситаларнинг «йўқ, ундай эмас, балки ...дир» моделининг инкор қисмининг компенсацияси бўлиб келади. Масалан, суҳбатдошининг фикри: мана бу Очил буванинг кичик ўғли. Тингловчи: калланинг горизонтал ҳаракати – ўртанчиси. Юқоридаги гапда мантиқий урғу «Очил бува»га тушадиган бўлса, у вақтда тингловчи калланинг горизонтал ҳаракати билан боланинг Очил буваники эканини инкор қилади ва ўзи тасдиқ жавобини вербал восита билан баён қилади. Масалан, калланинг горизонтал ҳаракати – Карим буванинг;

б) тўлиқ инкорни билдиради. Бу вақтда инкор ифодаловчи имо-ишорадан сўнг сўзловчининг ҳеч қандай фикри кутилмайди. Бундай имо-ишоранинг характерли белгиси асосан *-ми* юкламаси орқали ифодаланган сўроқ гапларга жавоб бўлиб келади. Мантиқий урғу кесимда бўлади. Масалан:

***Ручканг борми?*** Жавоб: калланинг горизонтал ҳаракати.

Ёки: ***Бирор жойинг оғрияптими?***

*– Бола бошини чайқабди.*

*(«Сув одами», серб халқ эртагидан)*

*Хайдайсанми? – деди. Мен унинг кафтидаги калитга бир қарадим-у, бош чайқадим.*

*(П.Қодиров)*

Инкор маъносини кучайтириш учун баъзан бундай гапларда ҳам имо-ишорадан сўнг яна инкор билдирувчи вербал жавоб ифодаланиши мумкин. Масалан:

*– Аканг келдими?*

*– Калланинг горизонтал ҳаракати – келгани йўқ.*

Агар юқоридаги гапда мантикий урғу кесимга эмас, балки кесимдан олдинга бўлакка тушса, унда ўз-ўзидан унга жавоб бўлган имо-ишора қисман инкорни ифодалайди. Натижада худди биринчи турдагига ўхшаб қолади:

*– Аканг келдими?*

*– Калланинг горизонтал ҳаракати – укам.*

1.2. Елканинг бош томонга кўтарилиши ва бошнинг бир томонга, кўпроқ ўнг томонга силкиниши натижасида бош билан елка орасидаги бурчакнинг қисқариши ҳам «билмадим», «хабарим йўқ», «хайронман» гапларини компенсация қилиб, инкор ва таажжуб маъноларини ифодалайди. Бу ҳаракатнинг биринчисида елка ҳаракатсиз бошга томон кўтарилади (бундай кинетик белгилар рус ва кўпгина Оврупо халқларида таажжуб ва шубҳа маъноларини ифодалайди). Бу кинетик белги асосан диалогларда сўроқ гапнинг жавоби тариқасида ишлатилади. Масалан:

*– Аканг келдими?*

*– Елканинг бош томонга кўтарилиши ёки бошнинг елкага томон оғиш ҳаракати.*

*Ёки: – Олдин бир-иккита ишимни битириб олай.*

*– Қанақа иш? – Абдувоҳид унга норозилик билан қараб қўйди.*

*– Театр масаласидаги иш чала қолганди-ку!*

*Абдувоҳид ҳафсаласизлик билан кўл силтади.*

*– Қўйсанг-чи.*

*Шерзод елкасини қисди.*

*(Ў.Ҳошимов)*

*Қози «бўлмайди» дегандай елкаларини учирди.*

*(М.Исмоилий)*

Баъзан бу ҳаракатлардан сўнг тушиб қолаётган вербал восита ҳам қўлланиши мумкин. Масалан:

*– Аканг келдими?*

*– Юқоридаги ҳаракат – билмадим, хабарим йўқ.*

*Ёки: Жўрабоев таажжуб ичида елкаларини қисди: – Эҳтимол, мен бўлиқ гўзаларни кўргандирман.*

*(Ш.Рашидов)*

*Ойдин елкасини қисиб қўйди: – Йиллар ўтиши билан одамлар ҳам ўзгариши мумкин.*

*(Ш.Рашидов)*

**Қодиров елкасини қисиб қўйди: – Мен бировларнинг фикрига хўжайин эмасман.**

*(Ш.Рашидов)*

Сўроқ гапдаги мантиқий урғунинг ўзгариши бу кинетик воситанинг маъносига таъсир этмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам шу ҳаракат ёки «ҳаракат + билмадим», «хабарим йўқ» модели сақланиб қолади. Чунки бунда сўроқ гапдаги сўралаётган бўлакка аниқ тасдиқ жавоб бўлмайди. Сўровчи сўралаётган нарсадан хабари борлигини инкор қилади. Шунинг учун жавоб гумон, тахмин аралаш бўлади – кўпинча гумон маъносини ифодаловчи вербал воситаларни қўйиш мумкин бўлади:

***Аканг келдими?***

***Ўша имо-ишора + билмадим + эҳтимол келгандир.***

2. Кинетик воситалар ичида энг фаол ишлатиладигани қўл ҳаракатидир. Чунки киши аъзолари ичида энг ҳаракатчани ва нутқ жараёнида экспрессивлик, тасвирийликни кучайтириш учун энг кўп хизмат қиладигани қўлдир. Кар-соқовлар коммуникациясининг, асосан, қўл ва унинг бармоқлари ҳаракатига асосланиши ҳам бежиз эмас, албатта.

Ўзбекларда қуйидаги қўл ҳаракатлари инкор ифодалашини мумкин:

1) Ўнг қўл кафти олдинга очилган ва тепага кўтарилган ҳолатда олдин чап томонга, сўнгра ўнг томонга горизонтал равишда силкитилиб, қўл яна ўртага келганда тўхтайдди. Бу ҳаракат кўп маъноли бўлиб, бир умумий инкор маъноси билан бирликни ҳосил қилади. Қуйидаги маъноларни ифодалашини мумкин:

1. Маълум ҳаракатни юзага чиқариш инкори:

а) гапириш ҳаракатининг инкори – «айтма» вазифасида;

б) келиш ҳаракатининг инкори – «келма» вазифасида;

в) тегиш ҳаракатининг инкори – «тегма» вазифасида ва бошқалар.

2. Мавжудликнинг инкори – «йўқ» вазифасида.

Бу ҳаракатнинг биринчи маънолари буюриш, иккинчиси эса дарак бериш вазифаларини бажаради. Биринчи маъноси фикр предмети билан сўзловчи орасига тўсиқ, чегара қўйиш тасвирини ифодаловчи ҳаракатдан, иккинчи маъноси фикр предмети билан объект ўртасига чегара қўйишни тасвирловчи ҳаракатдан келиб чиққан бўлиши керак. Инкорнинг бундай кинетик воситаси фақат ўзбеклардагина эмас, балки жаҳоннинг жуда кўп халқлари орасида тарқалган.

2) Ўнг қўл кафти суҳбатдош томонга очилган ҳолатида тирсакдан пастки қисми (билак қисми) тепага бир марта кўтарилади. Бу ҳаракат суҳбатдошнинг ҳаракатини тўхтатиш учун ишлатилади. Ҳаракатни давом эттириш инкор қилинади. Вербал воситалардаги бўлишсиз феълли инкор гапларнинг компенсацияси бўлиб келади. Баъзан мазкур имо-ишора билан бирга, «бас қил», «етар», «тўхта» каби вербал воситалар ҳам ишлатилиши мумкин.

Масалан: ***Ихтиёрсиз олдинга интилди-ю, бир нима демоққа чоғланди, лекин маҳдум ўнг қўлини кўтарди. – Бас! – деди у.***

*(М.Исмоилий)*

Бу ҳаракат ҳаракатнинг давом этишига тўсиқ қўйишни тасвирловчи имо-ишорадан келиб чиққан бўлиши керак.

3) Икки билак икки ёнга қараб очилади. Бу ҳаракат диалогда сўроқ гаплардан сўнг ишлатилиб, сўралаётган нарсадан ўзининг хабардорлиги инкор қилинади. Бошнинг елка томон силкиниши ёки елканинг бош томонга кўтарилиш ҳаракати билан маънодошдир. Бу ҳаракат «билмайман» сўзининг муқобили бўлиб, вербал жихатдан «қулочини ёзди» бирикмаси орқали тавсифланади. Масалан:

***Усмонов ҳар ҳолда шубҳаси борлигини кўрсатиб, қулочини ёзди.***

*(Ш.Рашидов)*

4) Билакнинг тикка ҳолатидан пастга бир марта силкитилиши сўзловчининг суҳбатдошининг фикрига кўшилмаганини ёки маълум бир ҳаракатни бажариш бекор қилинганини ифодалайди. Масалан:

***– Тўрам, узр, билмасдан айтди, кечиринг. Ҳоким пича қаҳрланиб турди, кейин қўлини силтаб ясовулни қайтарди.***

*(М.Исмоилий)*

***Ҳаммадан кўп синглицидан хафа бўлиб, қўлини силтаб туриб кетди.***

*(Ш.Рашидов)*

5) Лаблар чўччайтирилиб, ўнг қўл кўрсаткич бармоғи билан лаб учига теккизилади. Бу ҳаракат суҳбатдошнинг нутқ ҳаракатини инкор қилиш учун ишлатилади. Баъзан мазкур имо-ишорадан сўнг «жим», «гапирма», «чурк этма» каби вербал воситалар ҳам ишлатилади. Масалан: ***Очил бува мўйловининг бир учи билан кулиб, лабига бармоқ босди: «жим».***

*(А.Мухтор)*

Бу имо-ишора оғиз очмаслик тасвирини ифодалашдан келиб чиққан бўлиши керак.

Шундай қилиб, ўзбекларда инкор ифодаловчи кинетик воситалар сифатида бош, қўл ва қисман лаб ҳаракатларидан фойдаланилади. Бошқа халқларда (хусусан, форсларда) қовоқ, қорачиқ ҳаракатлари ҳам инкорни ифодалаш мумкин.

### **Нутқда имо-ишоралардан фойдаланиш эҳтиёжи**

Нутқда имо-ишораларни ишлатишга бўлган эҳтиёжнинг сабаблари турличадир.

1. Бундай элементлар бевосита коммуникация каналининг функционаллашишига оид бўлиб, қаршилиқ қанча катта бўлса, шунча паралингвистик воситалар (жумладан, имо-ишоралар) иштироки кўп бўлади.

Бу қаршилиқнинг ўзи икки хил: ички ва ташқи омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, коммуникация очикликда юз бериб, суҳбатдошларнинг масофаси узоқ бўлса ёки масофа яқин бўлиб, кучли шовқин суҳбатга халақит берса, кўшимча новербал воситаларга – имо-ишора ва мимикаларга эҳтиёж кучаяди.

Ички сабаблари эса сўзловчи ва тингловчининг субъектив ҳолатлари билан боғлиқдир. Хусусан, адресант яхши эшитмаслиги мумкин. Бундай вақтда ҳам имо-ишоралар ёрдамга келади.

2. Имо-ишораларнинг қўлланилиши нутқ услублари билан ҳам боғлиқдир. Тантанали нутқ услубида имо-ишораларнинг нутқни кузатиб бориши нутқ таъсирчанлигини таъминлайди. Нутқ жараёнида вербал ва новербал воситаларнинг бир-бирига ўринли ва изчил боғланиши нотикнинг юксак маҳорат белгиси ҳисобланади.

3. Нутқ вазияти билан боғлиқ. Адресант адресат билан бўлган фикрларини ёнидаги шерикларига сездирмаслик учун кинетик воситалардан фойдаланиш зарурати туғилади.

4. Коммуникация очик бўшлиқда содир бўлса ва адресант билан адресат оралиғидаги масофа жуда узоқ бўлиб, товуш етказиш имконияти қийинлашиши натижасидан ҳам имо-ишоралардан фойдаланишга тўғри келади.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, имо-ишораларнинг нутқ таркибидаги вазифаси бир хил эмас. Баъзилари нутқ билан бирга ишлатилиб, унинг экспрессив стилистик оттенкасини кучайтириш учун хизмат қилса, баъзилари экономияга учраган нутқ бирликларидан айримларини компенсация қилиш учун ишлатилади. Яна бир гуруҳи эса ўзининг кузатиб бориши лозим бўлган вербал асосидан тамоман узилади ва шу вазиятда тўла вербал восита ўрнида қўлланилади. Масалан, юқоридаги келтирилган инкор маъносини ифодаловчи барча имо-ишоралар шу вазифада кела олади.

Имо-ишораларнинг мазкур уч вазифаси синчиклаб кузатилганда бир-бири билан чамбарчас боғлиқ экани кўринади ва бирини иккинчисидан келиб чиққан деб ҳукм чиқаришга имкон беради.

Маълум бўлдики, паралингвистик воситалар нутқ сегментлари таркибига кирмай, уни кузатиб борадиган воситалардир. Бу жиҳатдан у иккига бўлинади. Уларнинг баъзилари шу сегментлар устига қўйиладиган воситалар (нутқ темпи, мелодикаси ва бошқалар. Шунинг учун улар суперсегмент восита, надсегмент восита, сверхсегмент восита каби терминлар билан номланади) бўлса, баъзилари, хусусан, имо-ишора ва мимикалар тамоман бошқа ифода йўсинида боради. Бир ўринда сегментланадиган ва сегмент устидаги (суперсегмент) воситалар талаффуз қилинса, иккинчи ўринда имо-ишора ва мимикалар уларни кузатиб боради. Бу жиҳатдан кинетик воситалар суперсегмент воситалардан ҳам фарқланади.

Нутқ ўзига хос кинетик бирликлар билан кузатиб борилади. Бундай нутқ билан кинетик бирликларнинг нутқ ичида узоқ боғланиши натижасида уларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш имкони туғилади. Масалан: ***Биз бир-биримизни афсонавий муҳаббат билан севардик. Ана шундай муҳаббат билан турмуш кўрдик. Орадан ўн йил ўтди. У мени ҳамон ўшандай севади, мен эса (бошини қимирлатди).***

(А.П.Чехов)

Юқоридаги гапда инкор маъносини ифодаловчи сўз билан бошнинг горизонтал қимирлашининг ўзаро боғлиқлиги вербал восита ўрнида

иккинчисининг қўлланилишига имкон берган. Натижада имо-ишораларнинг нутқ таркибида аралаш ишлатиш ҳолатлари вужудга келган.

Диалогик нутқда кинетик бирлик билан нутқ бирлигининг доимий алоқаси туфайли тамоман нутқ бирлигининг ўрнини кинетик бирлик эгаллайди. Кинетик бирлик нутқ бирлиги субституцияси бўлиб келади. Масалан: «Нима қияпсан?», «Қаерга кетяпсан?» сўроқларини калланинг юқорига бир марта силкиниш ҳаракати кузатиб борган. Бунинг натижасида улар орасида боғланиш ҳосил бўлган. Ана шу боғланиш натижасида мазкур кинетик белгининг ўзи ҳам мана шу сўроқларнинг маъносини бера олиш вазифасига ўтган.

Сўроқ: **Калланинг бир марта тепага силкиниши** («қаерга кетяпсан?» субститути).

Жавоб: **Бўзга кетяпман.**

Ёки сўроқ: **Ўша ҳаракат** («нима қияпсан?» субститути).

Жавоб: **Кутубхонада ишляпман** ва бошқалар.

Демак, имо-ишораларнинг юқоридаги уч вазифаси ўртасида катта тафовут йўқ. Иккинчи, учинчи вазифа биринчи вазифадан келиб чиққан. Бу худди грамматикадаги конверсия ҳодисасига ўхшайди. Конверсиядаги субстантивация, адъективация, прономинализация каби бу ҳодисани ҳам вербализация (вербал бўлмаган ҳодисанинг вербал ҳодиса вазифасига ўтиши) деб ёки паралингвистик ҳодисага ўтган деб ҳисоблаш керак. Юқорида айтилгандан маълум бўлишича, барча халқлардаги каби ўзбекларда ҳам паралингвистик восита сифатида бир қанча имо-ишоралар йиғиндиси бўлиб, уларнинг бир гуруҳи инкор маъноси билан функционал боғланган. Бу хил имо-ишоралар йиғиндиси системани ҳосил қила оладими?

Агар тилдаги системалиликни имо-ишораларга қиёс қилсак, имо-ишоралар ҳеч қачон системани ташкил этолмайди. Чунки система ўзаро шартланган ва ўзаро муносабатда бўлган элементлар бирлигидан иборат. Тил системаси унинг бирлик ва қисмлари ташкил бўлишидир, ҳар бир тил бирлиги бутуннинг бир қисми сифатида системага киришиб, тил системасининг бошқа бирлик ва қисмлари билан бавосита ва бевосита тил категорияси орқали боғланган. Тил системалилиги шунда кўринадикки, унинг ҳар бир маъноли элементини бошқаси орқали изоҳлаш мумкин. Мазкур элементлар маълум бир сатҳ ичида кетма-кет жойлашади. Ҳар қандай нутқ структурасида бир неча сатҳ иштирок этади. Сўз таркибида фонемалар ва морфемалар, гап ичида эса барча сўзлар кетма-кет жойлашган. Бир элемент иккинчисини тақозо қилади. Тил системаси иерархиялидир.

Имо-ишора бирликлари эса, айрим жузъий ҳолатларни ҳисобга олмаганда (масалан, калланинг горизонтал ҳаракати, вертикал ҳаракати билан боғланган, ўзаро шартланган), бири иккинчиси билан шартланган ва тадрижий боғланган эмас. Бир бирликни бутуннинг бир қисми сифатида қараб бўлмайди. Демак, имо-ишоралар йиғиндиси системани ҳосил этмайди. Бу жиҳатдан ҳам у табиий тилдан фарқланади.

Нутқ бирликлари вазифасида кела оладиган субститутив характердаги имо-ишоралар миқдори турли халқларда турлича. Баъзи жамиятларда имо-

ишоралар миқдори кўпроқ бўлса, айрим жамиятлар борки, уларда жуда оз миқдордаги шартланган имо-ишора белгилари мавжуд.

Бу жиҳатдан ўзбекларда ҳам субститутив функция бажара оладиган имо-ишоралар миқдори унчалик кўп эмас. Шу билан бирга, улар ҳар қандай информацияни ифодалолмайди; уларнинг вазифа доираси ниҳоятда чекланган; асосан кундалик оғзаки аралашув услуби билан боғлиқдир. Мимика ва имо-ишоралар бирдан-бир фикр ифода воситаси сифатида доимо нутққа нисбатан камбағалдир. Қанчадан-қанча нозик дил ҳаракатларини ифодалаш қудратига эга эмас. Кар-соқовлар тилини кузатиш бу масала юзасидан қизиқ маълумотлар беради. Фикрни товуш ёрдамида ифодалашдан маҳрум бўлган кишилар – кар-соқовлар бу мақсад учун фақат имо-ишорадан, биринчи навбатда қўл ва унинг бармоқлари ҳаракатидан фойдаланадилар. Имо-ишора тушунарли бўлсин учун ифодалаш лозим бўлган предметнинг ташқи формасини имкон борича ҳаракат билан кўрсатиш керак. Бунинг учун эса имо-ишора жуда чекланган. Шу боис маълум бир предметни кўрсатиш орқали фикр предметини тасвирлайди. Масалан, олмани ифодалаш учун кар-соқов ўзининг муштини тишлагандай ҳаракат қилади, айти пайтда, олмани дарахтдан қоқиш тасаввурини ҳам кўзғатади.

Имо-ишора тили фикр ифодалаш ва фикрнинг ривожланиши учун шунчалик камбағалки, кар-соқовлар фақат ё махсус алифбо ёрдамида товуш тилини ўргангандагина, ёки нормал гапирувчи одамнинг лаб ҳаракатига қараб гапиришни ва тушунишни ўрганган тақдирдагина ўзининг камолотига эришади. Шунда ҳам кар-соқовлар ўзининг тараққиётида нормал одамдан бирмунча ортда қолади. Бу жиҳатдан Т.М.Николаеванинг: «Америка ҳиндулари тилида ва бенедиктен орденли тилида имо-ишоралар ҳар қандай ёки деярли ҳар қандай информацияни ифодалай олади», – деган мулоҳазаси сал муболағалироқ кўринади.

### **Инкор ифодаловчи бир товуш хусусида**

Фонематик вазифа бажармайдиган баъзи товушлар борки, бу товушлар ҳозиргача лингвистиканинг ҳам, паралингвистиканинг ҳам доирасига киритилмайди. Уларнинг баъзилари инкор ифодалаш учун хизмат қилади.

1) Тил учининг тишга теккизилиб, кескин узилиши натижасида «це»га ўхшаб бир қоришиқ товуш чиқадики, мазкур товуш нутқ ичида доимо инкор ифодалайди. «Йўк» билан маънодошдир.

Масалан: ***Сен мактабга борасанми?***

Жавоб: ***Це.***

Кўпинча бу товушни калланинг горизонтал ҳаракати ҳам кузатиб боради. Бу жиҳатдан у сегмент воситалар қаторида туради. Аммо у бошқа сегментлар билан бирлашолмайди.

Баъзан инкорни кучайтириш, инкор ҳаракатни тезлатиш учун мазкур товуш такрор ишлатилиди: це-це-це. Аммо бу такрор ҳолдаги товуш кўп маънолидир. Бир ўринда *-ма* аффиксли бўлишсиз феъл вазифасидаги инкор маъносини ифодаласа, иккинчи ўринда ҳайрон қолиш маъносини ҳам



ифодалайди. Бу вақтда «бай-бай-бай», «вай-ваё-в» сўзининг маъносига тенг келади.

Масалан: *Мана бу богнинг гўзаллигини қара, це-це-це.*

2) Тил учи қаттиқ танглайга теккизилиб, кескин узилади. Бунинг натижасида «це»га нисбатан орқароқда талаффуз қилинувчи портловчи товуш ҳосил бўлади. Бу товуш гарчи пайдо бўлиш ўрнига кўра «це»дан фарқ қилса ҳам, аммо функционал жиҳатдан ундан ҳеч фарқланмайди.

Бундай фикр ифодалашда хизмат қиладиган воситалар қайси фан соҳасида ўрганилиши керак? Паралингвистикадами ёки лингвистикадами?

Юқорида кўриб ўтдикки, Трейгер паралингвистик воситалар қаторига характеристаторлар, квалификаторлар, айирувчилар, имо-ишора ва мимикаларни киритади. Айирувчилар у, ҳм, уф-уф каби товуш ва товуш комплексларини ўз ичига олади. Шунга кўра, юқоридаги товушларни Трейгер квалификациясидаги айирувчиларга қўшиб бўладими? Бунинг учун паралингвистик ҳодисалар билан лингвистик ҳодисалар муқоясаси ва ўзаро фарқини яна эшлашга тўғри келади. Паралингвистик воситалар нутқни кузатиб боровчи иккинчи даражали воситалардир. Демак, уларни нутқ ва паралингвистик воситалар ўртасида турувчи оралик ҳодисалар сифатида баҳолаш мумкин. Юқоридаги товушларга шу нуқтаи назардан ёндашсак, уларда паралингвистик воситалардаги хусусиятни кўрмаймиз. Бу товушлар нутқ сегментлари устига қўйилган элемент эмас. Унинг ўзи шу сегментлар қаторида туради. Худди шу сегментларга ўхшаб суперсегмент элементлар олади: имо-ишора уни кузатиб бориши мумкин.

Паралингвистик воситалар (имо-ишоралар) лингвистик восита формал жиҳатдан ифодаланмайдиган шароитдагина унинг вазифасини бажарса, юқоридаги товушлар бундай хусусиятга эга эмас. Ана шундай белгиларига кўра, мазкур товушларни лингвистик бирлик деб қарашга тўғри келади. Улар ҳам худди сўзларга ўхшаб бир бутун шаклланган. Шакл жиҳатдан уфф, ҳмм, ҳе каби тил бирликларига яқин келади. Нутқ таркибида шу бирликнинг ўзи маълум маънони – инкор ва ҳайратланиш маъносини ифодалайди. Сўроқ олмаслик, морфемаларни қабул қилмаслиги жиҳатидан ҳам, маъно ифодалаш нуқтаи назардан ҳам улар бир-бирига яқин келадилар. Фақат қандай маъноларни ифодалаш томонидангина фарқланади. Демак, бу тил бирликлари бир бутун шаклланганлик, ўзгармаслик белгиларига кўра умумий хусусиятга эга. Шунга кўра, уфф, ҳмм каби товуш комплекслари лингвистик бирлик ҳисобланар экан, це типидagi бирлик ҳам лингвистик бирлик деб қаралиши керак. Юқорида айтилганлардан маълум бўлдики, паралингвистик воситалар ҳам маълум бир ахборот ташишда лингвистик воситаларга ёрдам беради. Ҳатто баъзи ўринларда лингвистик воситалар вазифасини бажаради. Демак, маълум бир тилни ўрганаётганда, фақат шу тил структураси (товуш томони, луғат бойлиги, грамматик структураси ва бошқалар)нигина ўрганиш етарли эмас экан. Тилни ўрганиш билан бирга, шу тил эгаси бўлган халқнинг муомала қоидалари, имо-ишораларини ҳам ўрганишни амалиёт тақозо этмоқда.

Биз ўзбеклар ўртасида тарқалган паралингвистик воситаларнинг фақат айримларинигина кўриб ўтдик. Унинг ўзига хос барча муомала қоидалари (саломлашиш, хайрлашиш, табриклаш, иззат-икромни билдириш, қаҳр-ғазабни ифодалаш ва ҳ.к.) ҳамда имо-ишораларини ўрганиш, уларни бошқа халқларниқига қиёслаган ҳолда, интернационал ва конвенционал (шу жамият учунгина шартланиш) хусусиятларини аниқлаш ўзбек тилшуносларининг, этнографларининг навбатдаги муҳим вазифаларидан бирига айланиши керак.

## **ЎЗБЕК ТИЛИ ФОНОЛОГИЯСИ ВА МОРФОНОЛОГИЯСИ\***

### **ЎЗБЕК ТИЛИ ФОНОЛОГИЯСИ**

#### **Нутқ товушларининг уч томони**

Нутқ фаолияти товуш ёки товушлар системаси орқали рўёбга чиқади. Нутқ товушлари ўзида уч аспектни бирлаштирган мураккаб ҳодисадир: биринчидан, у талаффуз аъзолари билан бошқариладиган марказий нерв системаси фаолиятидир. Шунинг учун уни инсон организмидан ташқари ўрганиш мумкин эмас. Нутқ товушларининг бу томони унинг физиологик (ёки биологик) аспекти ҳисобланади. Иккинчидан, нутқий фаолият бўлганидан у табиатдаги ҳар қандай товуш каби акустик (ёки физик) хоссага эга. Унинг мазкур томони акустик (ёки физик) аспект саналади. Учинчидан, нутқ товушларининг бош вазифаси коммуникация воситаси бўлиб хизмат қилишдир. Бу энг муҳим функционал аспектни (социал ёки лингвистик аспект ҳам дейилади) ташкил этади.

#### **Функционал томони**

Нутқ товушларнинг ҳақиқий функцияси, бош вазифаси функционал аспект орқали амалга ошади. Шунинг учун айрим тилшунослар нутқ товушларининг функционал аспектини бошқа аспектлардан ажратган ҳолда алоҳида ўрганиш ва уларни ўрганувчи соҳани ҳам ажратишни тавсия этадилар. Натижада айтиб бериш объектини турли томондан ўрганувчи икки соҳа – фонетика ва фонология юзага келди.

### **Фонетика ва фонология**

Фонология термини тилшуносликда XIX аср охирида ёш грамматикачилар (младограмматиклар) мактабининг фонетик қонунларига жавобан, нутқ товушларининг артикуляцион физиологик-акустик (физик) томонидан функционал (лингвистик) томонини фарқлаш эҳтиёжи билан пайдо бўлди. Гарчи фонология термини кўпчилик тилшунослар томонидан эътироф этилса-да, аммо бу термин остида ўрганилиши лозим бўлган объект масаласида бир хиллик кузатилмади. Тилшуносларнинг жуда кўп қисми фонология термини остида нутқ товушларининг функционал томонини, айримлари, аксинча, артикуляцион-акустик томонини тушунадилар. Ҳар икки ҳолатда ҳам фонология фонетикага қарама-қарши қўйилади. Хусусан, Ф.де Соссюр шундай дейди: «Товушлар физиологияси кўп ҳолларда фонетика дейилади. Бу термин, бизнингча, номувофик кўринади. Биз бунини фонология термини билан алмаштирамиз, чунки фонетика азалдан товушлар эволюцияси ҳақидаги таълимот бўлиб келган ва шундай бўлиб қолавериши керак. Фонетика тарихий фандир: у воқеаларни, ўзгаришларни таҳлил этади, замонда ҳаракат қилади; фонология замондан ташқаридир, чунки артикуляция механизми доимо ўзига ўзи ўхшашлигича қолаверади».<sup>1</sup>

Жаҳон тилшунослигида фонология тилшуносликининг алоҳида бўлими сифатида фонема ва уларнинг фарқловчи белгиларини ўрганувчи соҳа деб эътироф этилди (функционал томони).

Юқорида таъкидланганидек, фонология фонемалар ҳақидаги таълимот сифатида ёш грамматикачиларнинг фонетикани ижтимоий фанлар қаторига эмас, балки табиий фанлар қаторига қўйиш концепциясига қарши юзага келди. Бундай шароитда анъанавий фонетикага янги яратилган фонологиянинг қарама-қарши қўйилиши, сўзсиз, ижобий ҳодиса бўлди. Аммо кейинчалик бир қатор тилшунослар, хусусан, даниялик тилшунос Л.Ельмслев ва бошқа структурализм вакиллари асарларида фонетикадан фонологияни фарқлаш шу даражага етдики, улар бир-биридан тамоман ажралган (фонетика табиий фанлар, фонология ижтимоий фанлар қаторига кирадиган) икки соҳага айланиб қолди. Натижада фонологиянинг бирлиги бўлган фонема ўзининг объектив реалликдаги материал асосидан ажратиб қўйилди.

Рус фонология мактаби вакиллари эса уларга қарама-қарши равишда И.А.Бодуэн да Куртенэ ва Л.В.Шчерба анъаналарини давом эттирган ҳолда, бир-биридан ажралган икки мустақил илмий предмет – фонетика ва фонология мавжудлигини инкор қилади. Л.В.Шчерба фонологияни

фонетикадан узиб қўювчиларга тамоман қаршилик кўрсатиш лозимлигини, маълум тилнинг фонологик системасини, ҳар бир фонеманинг фарқловчи белгиларини фақат унинг шу тилдаги конкрет талаффузи асосида тадқиқ қилиш кераклигини уқтиради.<sup>2</sup>

Р.А.Аванесов ижтимоий ҳодиса бўлган тилнинг товуш томони билан тил структурасининг элементи сифатидаги нутқ товушларини ўрганадиган фақат битта илмий предмет мувофиқ келишини айтади.<sup>3</sup> Нутқ товушларини ўрганадиган икки предмет эмас, балки икки тадқиқот аспекти мавжуддир. Фонология фонетиканинг юқорироқ босқичи сифатида ҳақиқий лингвистика предметига айланди ва грамматика билан бир қаторда тил структурасини ўрганиш учун хизмат қила бошлади. Ҳар қандай фонолог бир вақтнинг ўзида фонетистдир. Чунки фонология оппозициялари конкрет товушларга асосланади. Шу билан бирга, ҳар қандай фонетист маълум маънода фонолог ҳамдир. Чунки фонетика тадқиқотчиси ҳар қандай товушларни эмас, балки нутқ товушларини, уларнинг маълум тилдаги фарқли белгиларини ўрганади.

Шундай қилиб, фонетика ва фонология ўзаро чамбарчас боғланган. Уларнинг асосий ўрганиш объекти битта. Биринчиси энг кичик нутқ бирликларини, иккинчиси эса шу нутқ бирликларининг фарқли (дифференциал) белгиларини ўрганади. Демак, улар ўзларининг объекти жиҳатидан эмас, балки бир объектнинг турли ўрганиш аспекти экани билан фарқ қилади.

### **Фонология бирлиги**

Фонологиянинг бирлиги фонемалардир. Фонема – сўз ва морфемаларни шакллантирадиган ва уларнинг маъноларини фарқлаш учун хизмат этувчи, бошқа майда бўлакка бўлинмайдиган тилнинг энг кичик товуш бирлиги.

Фонемалар ҳақидаги таълимот фонологиядир. Фонология маълум бир тилдаги фонемалар системасини, уларнинг фарқлаш белгиларини ўрганади.

Фонема термини ҳозирги тилшуносликда қатъий ўрин олган бўлса-да, аммо унинг мақоми масаласида хилма-хил қарашлар бор. Фонема тилнинг энг кичик товуш бирлиги экани ҳақидаги дастлабки маълумот И.А.Бодуэн де Куртенэга мансубдир. Лекин бунгача Шарқ тилшунослигида, гарчи фонема термини билан номланмаган бўлса ҳам, лекин маъно фарқлаш учун хизмат қиладигани энг кичик товуш типи ҳақидаги тушунча мавжуд эди. Ҳинд тилшунослари, туркийшунослар, хусусан, Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар товушнинг маъно фарқлаш томонига катта аҳамият берганлар.

Фонема термини тилшуносликка Бодуэн томонидан киритилди. Бодуэн 1870 йилдаги «XIX асргача бўлган қадимги поляк тили ҳақида» номли магистрлик диссертациясида фонема ҳақида фикр юритади ва уни этимологик-морфологик бирлик сифатида талқин этади.

Бодуэн де Куртенэнинг фонема ҳақидаги мазкур концепцияси айни шу ҳолда унинг шогирди Н.В.Крушевский томонидан ривожлантирилди. И.А.Бодуэн де Куртенэнинг фонема ҳақидаги тушунчаси ўзгариб борди.

Хусусан, «Славян тиллари қиёсий грамматикасининг айрим бўлимлари» (1981) асарида фонемани, бир томондан, «сўзнинг фонетик бўлинмас қисми» ҳисобласа, икинчи томондан, морфемалар таркибидаги товуш ўзгариш қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа майда бўлакка бўлинмайдиган товушларгинамас, балки морфема ёки сўзнинг таркибида бўлакка ажралмайдиган бир бутун ҳолдаги икки ва ундан ортиқ товушлар ҳам фонема бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Масалан, *вращать, воротить* сўзларидаги «ра» ва «оро» товушлари бир морфема доирасида бир бутун ҳолда алмашинади. Бу билан у фонемага фонетик бирлик сифатида эмас, балки этимологик бирлик сифатида қарашини намоёниш этди.

Шу билан бирга, худди шу ернинг ўзида фонеманинг қуйидаги икки фарқли томони борлигини ҳам кўрсатади: 1) антропофоник (яъни акустик-артикуляция) хусусиятларнинг оддий умумлашмаси, морфеманинг ҳаракатланувчи компоненти ва маълум морфологик категория белгиси. Шундай қилиб, Бодуэн де Куртенэ фонеманинг морфологик аспектдан фарқ қиладиган антропофоник аспекти ҳам борлигини эътироф этди.

Кейинчалик эса у ўзининг фонема ҳақидаги тушунчасини ўзгартирди ва унга психологик нуқтаи назардан ёндашди. Хусусан, «Тилшуносликка кириш» (1917) асарида «инсон психикасидаги товуш ҳақидаги тасаввур» фонема ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Россияда икки фонологик мактаб мавжуд. Ҳар икки мактаб вакиллари Бодуэн де Куртенэнинг фонологик қарашларини ривожлантирмоқда.

### **Ленинград фонология мактабида фонема назарияси**

Ленинград фонологик мактаби асосчиси Бодуэн де Куртенэнинг шогирди Л.В.Шчербадир. У Бодуэн де Куртенэнинг фонема сўз ва морфемаларни фарқловчи белги экани ҳақидаги таълимотини ривожлантирди. Л.В.Шчерба «Сифат ва миқдор нуқтаи назаридан рус унлилари» (1912) асарида фонемага берган таърифидаёқ, психологизмдан холи бўлмаса ҳам, фонеманинг функционал томонига эътибор сезилиб туради. Олимнинг фикрича, фонема сўзнинг фонетик составини бузмаган ҳолда ажратиш мумкин бўлган, фарқлаш ва маъно тасаввури билан ассоциацияланиш имкониятига эга маълум бир тилнинг умумий товуш тасаввуридир.<sup>1</sup>

Л.В.Шчерба кейинчалик фонеманинг функционал томонига, яъни маъно фарқлаш хусусиятига асосий эътиборини қаратди ва психологик талқиндан халос бўлди. Жумладан, «Француз тили фонетикаси» асарида фонемага соф функционал томондан – сўз ва унинг шакллардан фарқлаш учун хизмат қиладиган товушлар типи сифатида ёндашади.<sup>2</sup> У фонемани ажратиш учун товушнинг артикуляция-акустик хусусияти эмас, балки маъно фарқлаш хусусияти муҳим белги эканини таъкидлайди. Масалан, сўроқ юкламаси *a* турлича акустик-артикуляция хусусиятга эга бўлиши (баланд, паст, чўзик

ёки тез ва ҳ.к.) мумкин. Аммо лингвистик нуқтаи назардан улар бир юклама, бир товуш типидир.

Шундай қилиб, акустик-артикуляцион жиҳатдан турлича товушлар бир умумий белгиси билан типларга бирлашади ва шу умумий белгиси билан бошқа шундай товуш типларидан ажралиб туради. Л.Шчерба фикрича, ана шундай умумий белги маъно фарқлаш хусусиятидир. Демак, ҳар бир фонема бошқа фонемадан маъно фарқлаш хусусияти орқали ажратилади. Натижада ҳар бир тилнинг барча фонемалари карама-қаршиликлар системасини ҳосил қилади.

Кўриниб турибдики, Л.В.Шчербанинг фонология концепциясида фонеманинг сўз ёки морфемаларнинг маъносини фарқлаш учун хизмат қиладиган фарқловчи белгиси асосий ўрин эгаллайди.

Л.В.Шчерба фонологик назариясининг иккинчи энг муҳим томони фонема оттенкалари ҳақидаги таълимотдир. Унинг фикрича, умумий (фонема)нинг талаффуз қилинган реал кўринишлари оттенкалардир. Бошқача айтганда, нутқдаги барча реал талаффуз қилинувчи товушлар оттенка ҳисобланади. Демак, фонема ва унинг оттенкаларн ўртасидаги муносабат икки босқич муносабати: абстракт босқич (фонема), конкрет босқич (оттенка).

Л.В.Шчерба оттенкаларни ҳам таснифлайди. Фонеманинг оттенкалари ичида биттаси турли сабабларга кўра шу фонема учун типик бўлади. Алоҳида талаффуз қилинган оттенка ана шундай типик оттенка ҳисобланади ва фақат шу оттенка реал нутқий элемент сифатида тилга олинади. Бошқа оттенкалар эса типик оттенкага нисбатан турлича талаффуз қилинади. Уларни ўрганиш учун махсус «эшитиш кўникмаси» керак. Масалан, ўзбек тилидаги *и* фонемаси тил орқа товушлардан кейин келиб (қил, ғир-ғир) тил орқа *ы* ҳолида, лаб унлиларидан кейин келиб (туғил) *у* ҳолида, биринчи бўғинда келиб (бир, ич, сира) билинар-билинемас талаффуз қилинади. Аммо мазкур оттенкалар бир «и» фонемасининг маълум шароитга мувофиқлашган турли вакиллари. Бошқа оттенкалар акустик ва артикуляцион томондан тубдан фарқ қилиши мумкин.

Уларни бирлаштириб турадиган белги нима? Мазкур белгини Л.В.Шчерба бир шароитда бири ўрнида иккинчиси келолмаслик белгиси ҳисоблайди. Америка тилшунослиги мактабида бу белги кўшимча дистрибуция деб юритилади. Масалан, юқорида келтирилган *қил*, *ғир-ғир*, *бирок*, *сира* каби сўзлар таркибидаги «и» фонемасининг вакиллари ўрнида бошқасини қўллаш мумкин бўлса, улар бошқа-бошқа фонеманинг вакиллари ҳисобланади. Масалан, *қил*, *қул*, *қўл*, *қол*, *кал*, *кэл* ва ҳ.к.

Булардан дастлабки тўрттасида унлилар бири ўрнида иккинчиси келиб маъно фарқлаш функциясини бажарса, кейинги иккитасида кўшимча дистрибуция муносабатидаги унли маъносиз товуш бирикмасини ҳосил қиляпти.

Маъносиз товуш бирикмасида ҳам «э» ва «а» бошқа, барча унлиларга карама-қарши қўйилгани учун мустақил фонема ҳисобланади. Агар *қил* сўзи таркибидаги «и»нинг фонетик шароитини ўзгартирсак: ё биринчи ундошни,

ёки охириги ундошни бошқасига алмаштирсак (*бил, тил, сил, чил, хил, кил шил; қис, қир, қиш, қил, қиз* ва ҳ.к.), акустик-артикуляцион томондан турли сифатга эга бўлса-да, аммо бири фонемасининг вакиллари сифатида «эшитилади».

Шундай қилиб, фонема, бир томондан, барча оттенкаларнинг умумлашмаси, иккинчи томондан, ҳар қайсиси конкрет ҳолларда мазкур фонеманинг вакили ҳисобланади. Фонема оттенкалари бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Оттенкалар гуруҳи (фонема) эса бошқа оттенкалар гуруҳи (фонема)га қарама-қарши қўйилади. Натижада Л.В.Шчерба фонемани қисқача қилиб «конкрет вазиятда оттенкалар сифатида намоён бўладиган умумлашмадир»<sup>1</sup> деб изоҳлайди.

Юқорида таъкидланганидек, фонема қарама-қарши қўйиш асосида аниқланади. Қарама-қарши муносабатда бўлувчи икки минимал бирлик қарама-қарши аъзолар ҳисобланади. Ўзаро қарама-қарши муносабатда бўлган фонемалар бир қатор белгиларга эга, шу белгилардан биттаси қарама-қарши муносабатга кирувчи фонемаларнинг бири учун фарқловчи (дифференциал), бошқалари фарқламайдиган (нодифференциал ёки иррелевант) белги ҳисобланади. Масалан, ўзбек тилидаги *т* ундоши тил олдилик, жарангсизлик, портловчилик, бурун товуши эмаслик, лаблашмаганлик каби белгиларга эга бўлиб, булардаги дастлабки уч белгиси фарқловчи, кейинги икки белгиси фарқловчи бўлмаган белгилар саналади. Чунки ўзбек тилида *т* ундоши ўрнида шу кейинги икки белгига кўра оппозицияга киришадиган ундош қўлланилмайди.

Тилнинг барча фонемалари маълум фарқловчи белгиларга кўра гуруҳланади ва шу тилнинг фонемалари системасини ташкил этадиган коррелятив қаторларни ҳосил қилади. Масалан, ўзбек тилида овознинг иштирок этиш-этмаслигига кўра жарангли ва жарангсиз ундошлар коррелятив қаторларни ҳосил қилади. Масалан, *п-б, т-д, с-з, к-г, қ-ғ, ч-ж* ва ҳ.к. Шу билан бирга, коррелятив қаторни ҳосил этмайдиган алоҳида қарама-қарши қўйиш, яъни ажратилган оппозиция ҳам учраши мумкин. Масалан, ўзбек тилида «*х*», «*ҳ*» ундошларининг жарангли-жарангсизликка кўра коррелятив қатори йўқ. Чунки уларнинг жарангли зидди мавжудмас.

### **Москва фонология мактабида фонема назарияси**

Москва фонологик мактаби ўтган асрнинг 30-йилларида, А.А.Реформатский таъбири билан айтганда, ДАРС илмий маркази асосида шаклланди (мазкур илмий марказ асосчилари Дмитриев, Аванесов, Реформатский, Сидоровларнинг бош ҳарфларидан олинган). Ленинград фонологик мактабидан фарқли равишда МФМда фонема маълум автономликка эга бўлган, сўз ва морфеманинг товуш қобиғига боғлиқ бўлмаган мустақил бирлик эмас, балки сўз ва морфеманинг таркибий элементи ҳисобланади. МФМ ва МФМда фонемага бундай икки хил нуқтаи назар бир фонетик қуршовдаги айрим товуш бирикмаларини икки хил талқин қилишга олиб келади. Масалан, «англа» сўзидаги биринчи товуш А.Шчерба

концепцияси бўйича «а» фонемасининг варианты, чунки фонетик қуршовда «а» фонемасидан бошқа барча фонемалар оттенкаси билан қарама-қарши муносабатда бўла олади. Москва фонологик мактаби концепциясига кўра, бу фонема «о» фонемасининг варианты, чунки ўзак таркибида кучли позицияда (урғу остида) «о» ҳолида талаффуз қилинади.

Москва фонологик мактаби концепциясининг катта ютуғи шундаки, улар сўз шаклининг товуш томонини фарқлаш даражасига кўра фонемаларни икки позицияси – максимал фарқлаш позицияси (кучли позиция) ва минимал фарқлаш позицияси (кучсиз позиция)га ажратади.

Қуршовдаги товушларнинг таъсирига кам берилган, перцептив томондан максимал дифференциал позиция фонемаларнинг кучли позицияси ҳисобланади. Рус тили унлилари учун бундай позиция урғу ости позицияси, ундошлар учун эса унли олди позицияси ҳисобланади. Ўзбек тили унлилари учун сўзнинг фақат бир унлидан ташкил топган сўзнинг биринчи бўғини кучли позициядир.

Р.А.Аванесов фонемалар позициясини таснифларкан, маълум бир фонеманинг бир белгиси учун кучли позиция шу фонеманинг бошқа белгиси учун кучсиз бўлиши мумкинлигини айтади. Шунинг учун у позицияларни қуйидаги тўрт гуруҳга ажратади:

1. Жарангли-жарангсизлик белгиси учун ҳам, қаттиқлик-юмшоқлик белгиси учун ҳам кучли позиция.

2. Жарангли-жарангсизлик белгиси учун кучли, қаттиқлик-юмшоқлик белгисини учун кучсиз позиция.

3. Қаттиқлик-юмшоқлик белгиси учун кучли, жарангли-жарангсизлик белгиси учун кучсиз позиция.

4. Ҳар икки белги учун абсолют кучсиз позиция.

Позиция тушунчаси асосида МФМ фонема вариантлари ва вариацияларини ҳам ажратади. Жумладан, А.А.Реформатский кучсиз позицияларни иккига – перцептив кучсиз (билиш томонидан) ва сигнификатив кучсиз (фарқлаш томонидан) позицияларга ажратгани ҳолда, биринчиси фонема вариацияларини, иккинчиси эса вариантларини ҳосил қилишини айтади. Биринчисига «а»нинг турли оттенкалари: «мат», «мать», «мят», «мять»; иккинчисига сўзнинг охириги позицияси – пруд ва прут киритилади.

МФМнинг яна бир ютуғи муайян белгиси асосида оппозицияга киришган фонемаларнинг шу белги учун кучсиз позицияда оппозициянинг йўқолиши, яъни икки фонеманинг бир вариантга мувофиқлашуви – нейтралзацияси ҳақидаги таълимотдир. Масалан, *ёд* ва *ёт*. МФМ фонемани автоном ҳолда эмас, балки морфема ва сўзнинг ичида унинг элементи сифатида ўрганганидан морфонологиянинг вужудга келишига қулай шароит яратди.

МФМ позиция тушунчаси билан боғлиқ гиперфонема тушунчасини ҳам тилшуносликка олиб кирди. Масалан, урғули бўғин олдида келган «о» ва «а» унлилари рус тилида нейтралзацияга учрайди. Масалан, *баран*. Бу сўздаги биринчи а товуши о фонемасининг ҳам, а фонемасининг ҳам варианты



бўлиши мумкин; аммо қайси фонеманинг варианты эканини исботлаш қийин. Бу вариант а-о группасидаги фонемалардан бирининг варианты ҳисобланади. МФМ терминологияси бўйича ана шундай фонемалар гуруҳи гиперфонема саналади.

## Прага тилшунослик мактабида фонема назарияси

Жаҳон тилшунослиги олдида Прага тилшунослик тўғарагининг катта хизмати шундаки, фонологияни илмий предмет сифатида шакллантирди. Прага тилшунослик тўғарагининг фонологик концепцияси Н.С.Трубецкойнинг «Фонология асослари» китобида мужассамлашган.

Н.С.Трубецкой концепцияси бўйича фонологик система лексик ва грамматик маъноларни фарқлаш учун хизмат қиладиган фонологик оппозициялар (ЛФМ бўйича фонологик қарама-қаршиликлар) мажмуаси сифатида талқин қилинади. У филологияда асосий ролни фонемалар эмас, балки уларнинг маъно фарқлаш функцияси ўйнашини таъкидлайди.<sup>1</sup>

Ҳар қандай фонема фонологик оппозиция системасида маълум таркибга ёки структурага эгаллиги учун ҳам маълум фонологик мазмунга эга бўлади. Фонема абстракт бирлик сифатида қаралади. Конкрет товушлар фонеманинг моддий символлари ҳисобланади. Фонема моддий жиҳатдан бир қанча товушлар орқали реаллашиши мумкин. Бундай реаллашган ҳар хил товушлар шу фонеманинг вариантлари саналади.

Прага тилшунослари вариантларни *мажбурий*, *факультатив* ва *индивидуал* турларга бўладилар. *Мажбурий вариантлар*, ўз навбатида, *позицион*, *комбинатор* ва *услубий* вариантларга ажратилади.

Фонеманинг урғуга, сўз характерига, нутқ мелодикасига хосланган вариантлари *позицион*; нутқ оқимида ёндош фонемалар таъсиридаги вариантлар *комбинатор*; талаффуз услуби билан хосланган вариантлари *услубий* вариантлар саналади (тўлиқ услуб, оғзаки услуб ва ҳ.к.). Бир позициянинг ўзида сўз маъносини ўзгартирмаган ҳолда ўзаро алмашилиб келган вариантлар *факультатив* вариантлардир. Факультатив вариантлар кўпинча диалектал фарқланишлар натижасида вужудга келади. Масалан, *боринг*, *баринг*; айрим кишиларнинг нутқ хусусияти билан боғлиқ вариантлар индивидуал вариант ҳисобланади.

Н.С.Трубецкой фонологик оппозицияларни уч асосга кўра тасниф қилади:

- 1) оппозиция системасига муносабатига кўра;
- 2) оппозиция аъзолари ўртасидаги муносабатга кўра;
- 3) турли позицияларда уларнинг амал қилишига кўра.

Биринчи белгига кўра, бир ўлчовли, кўп ўлчовли, пропорционал ва ажралган оппозицияга бўлинади.

Иккинчи белгига кўра, приватив (оппозиция аъзоларидан бири белгининг бор-йўқлиги билан иккинчисидан фарқланадиган оппозиция), *градуал* (нутқ аппаратининг очилиш даражасига асосланган оппозиция,

масалан: *кир-кар*), *тенг қимматли* (мантиқан ҳар икки аъзо тенг ҳуқуқли бўлган оппозиция) оппозицияларга ажратилади.

Учинчи белгига кўра, *доимий* ва *нейтраллашган* оппозицияларга бўлинади.

Нейтраллашиш жараёнида оппозицияга киришаётган фонемалар ўртасида фонологик қимматга эга белги йўқолади. Лекин умумий белгилари сақланиб қолади. Масалан, ўзбек тилида *ёт-ёд* оппозициясида сўз охирида т-д ўртасидаги жарангли-жарангсизлик белгиси йўқолади, бошқа умумий белгилар (тил олди, портловчи) сақланиб қолади.

Н.С.Трубецкойнинг фонологик оппозициялар таснифи амалий аҳамиятга эга, чунки у маълум бир фонеманинг фонологик қиммати белгилашда ёрдам беради.

Хуллас, барча фонологик концепцияларда фонема лингвистик бирлик сифатида тан олинади. Бундай концепцияларнинг таянч нуқтаси Бодуэн де Куртенэнинг фонологик назарияси ҳисобланади, ЛФМ фонемани сўз ва морфемадан ажралган абстракт бирлик сифатида талқин этса, МФМ унга сўз ва морфемаларнинг таркибий элементи сифатида ёндашади.

Прага лингвистик тўғараги фонемани абстракт бирлик сифатида талқин этишда ЛФМга яқин турса, позицион, комбинатор вариантлар, вариантлар нейтралзацияси каби масалаларда МФМга яқин туради.

Фарқловчи белгилар билан фонеманинг атом талқини чамбарчас боғлиқдир. Фонеманинг атом талқинига кўра, фарқловчи белгилар маълум даражада мустақилликка эга бўлиб, фонема шу фарқловчи белгилар мажмуасидир. Л.Р.Зиндер фикрича, бундай талқин фарқловчи белгиларни бирламчи фонологик бирлик сифатида тан олишга имкон беради. Фонемага бундай муносабатлар мажмуаси сифатида қараш уни материал субстанциясидан ажратиб кўяди. Бу эса объектив дунёдаги предметларнинг реал мавжудлигини инкор қилувчи ва Л.Ельмслевнинг лингвистик назариясига асос бўлган мантиқий позитивизмнинг таъсиридир.<sup>1</sup>

Лекин бизнинг назаримизда тил ва нутқ фарқланишига кўра фонеманинг мазкур талқини моҳият ва ҳодисани акс эттиради ва диалектика қонуниятларига тўла мувофиқ келади.

## **Ўзбек тили фонемаларининг фарқловчи белгилари**

Фонеманинг фарқловчи элементларини ажратишда система нуқтаи назаридан ёндашилса, ўзаро маълум муносабатга киришган, ҳар қайсиси ўзига хос хусусиятга эга элементлардан ташкил толувчи бир бутунлик ёки макросистема (Т.М.Ломтев фикрига кўра, тўплам) ўзбек тилининг барча фонемалар составини ўз ичига олади.

Бир бутунлик ёки макросистема ўз ичида айрим белгиси билан умумийликни ҳосил этган ва шу белгиси билан бошқа шундай умумийликлардан фарқланадиган кичик бутунликлардан – микросистемалардан ташкил топади. Масалан, ундошлар системасининг ўзи жарангсиз ундошлар, жарангли ундошлар ва бошқаларга бўлинади. Шундай

килиб, бир бутундан унинг энг кичик элементиға қадар тасниф қилиш жараёни уларнинг фарқловчи белгилари асосида олиб борилади. Энг кичик элементларни бутунликларға киритиш жараёни – синтезлаш эса элементлар ўртасидаги интеграл белгиларға асосланади. Бутунни турли белгиларға таянган ҳолда майда бўлақларға бўлиш мумкин. Маълум бир белгига асосан ҳар қайси бўлиниш бутун элементларни ўз ичига олиши керак. Масалан, ўзбек тилида ундошларнинг жарангли-жарангсизлик белгисига кўра бўлиниши барча ундошлари ўз ичига олса, пайдо бўлиш ўрниға кўра бўлиниши ҳам барча ундошларни ўз ичига олиши керак.<sup>1</sup>

Ҳозирги ўзбек адабий тили фонологик системасида сўз ва морфема таркибидаги шу системаға кирувчи элементларнинг фарқловчи белгиларига кўра олти унли ва йигирма уч ундош фонема ажратилади.

### Унли фонемалар системаси

Тилнинг уч даражадаги (юқори, ўрта ва қуйи) кўтарилиш ва лабланиш-лабланмаслик белгилари кучли позициядаги унли фонемаларнинг асосий (конститутив) белгилари ҳисобланади. Унлилар қатори (олд қатор, ўрта қатор ва орқа қатор) сўз шакл таркибидаги позицияға боғлиқ белги бўлгани учун унлиларнинг асосий белгилари қаторига кирмайди.

Унли фонемаларнинг асосий белгиларига кўра таснифини қуйидаги жадвалда кўринг:

Унли фонемалар	Асосий белгилари				
	Тилнинг кўтарилиш даражаси			Лабланиш белгиси бор-йўқлиги	
	юқори	ўрта	қуйи	лабланган	лабланмаган
и	+				+
у	+			+	
ў		+		+	
о			+	+	
э		+			+
а			+		

Жадвалдан кўриниб турибдики, тилнинг кўтарилиш даражасига кўра ўзбек тилининг унли фонемалари оппозицияси «уч поғонали», лабланиш белгисига кўра икки синфли тўртбурчак системадир.

Кенг	о	а
ўрта кенг (ўрта тор)	ў	э
тор	у	и

Лабланиш белгиси тор унлидан кенг унлига қараб кучсизланиб боради: у – кучли лабланган, ў – кучсизроқ лабланган, о – ўта кучсиз лабланган.

Юқоридаги унли фонемалар тилнинг кўтарилиш даражасига кўра бўлинишида (о, а: ў, э: у, и:) кенглик, ўрта кенглик, торлик белгилари шу микроструктура элементлари учун бирлаштирувчи, микроструктуралар учун эса фарқловчи белги ролини ўйнайди. Бу унлилар бир белгига асосланган қўйидаги тенг ҳуқуқли оппозицияларни ҳосил қилиши мумкин: лабланиш белгисининг бор-йўқлигига кўра: (о-а, ў-э, и-у), компактлик-диффузлик белгисига кўра умумий, лабланиш белгисига кўра фарқли белгига эга, компактлик-диффузлик белгисига кўра: о (компакт, очик), у (диффуз, ёпик), а (комлакт; очик), и (диффуз, ёпик), шу билан бирга, мазкур икки оппозиция аъзолари ўрта кўтарилиш (ярим очик, ярим ёпик) унлиларига, бир томондан, «компакт-компакт эмаслик», иккинчи томондан, «диффуз-диффуз эмаслик» белгисига кўра оппозицияга киришади:

о (компакт) – у (компакт эмас)

а (компакт) – о (компакт эмас)

и (диффуз) – э (диффуз эмас)

у (диффуз) – ў (диффуз эмас).

Унлиларнинг юқоридагидек оппозициясини А.М.Шчербак шундай акс эттиради.<sup>1</sup>

а – э,	э – и	лабланмаган (оддий тонналик)
о – ў,	ў – у	лабланган (бемоль тонналик)
очик	ёпик	
ярим	ярим	
очик	ёпик	

А.А.Абдуазизов ўзбек тили унлиларининг икки фарқловчи белгисига кўра ҳам оппозициясини кўрсатади.<sup>2</sup> Бунга асосан, унлилар қўйидагича оппозицияга киришади:

(и-у) ёпик, лабланмаган – ярим ёпик, лабланган:

(и-о) ёпик, лабланмаган – ярим ёпик, лабланган)

(э-о) ярим ёпик, лабланмаган – очик, лабланган)

(а-у) очик, лабланмаган – ёпик, лабланган)

(а-у) очик, лабланмаган – ярим ёпик, лабланган)

Кўриниб турибдики, ўзбек тили унлиларининг бир белги асосида фарқланувчи учта оппозицияси, икки белги асосида фарқланувчи олти (унда лабланиш белгиси билан тилнинг кўтарилиш даражаси белгиси бирга олинади) жами 9 та унлилар оппозицияси мавжуд. Агар лабланиш белгиси билан тилнинг кўтарилиш белгиси алоҳида олинса, ўзбек тилида 13 та унлилар оппозицияси мавжуд бўлади.

### Ундош фонемалар системаси

Кучли оппозициядаги ундош фонемаларнинг асосий белгилари қуйидаги белгилар ҳисобланади: шовқин ва овознинг иштирокига кўра, пайдо бўлиш ўрни ва усулига кўра, палатализациянинг бор-йўқлигига кўра.

Ҳозирги ўзбек адабий тилдаги 23 та ундош фонемаларнинг юқоридаги санаб ўтилган асосий белгиларини қуйидаги жадвалда кўрсатиш мумкин:

	Фонемалар																						
	п	б	ф	в	т	д	с	з	ч	ш	ж	к	г	ғ	қ	х	ҳ	м	н	нг	й	л	р
ШОВҚИ НЛИ	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+							
сонор																		+	+	+	+	+	+
жаран гли		+		+		+		+		+		+	+	+				+	+	+	+	+	+
жаран гсиз	+		+		+		+		+	+		+		+	+	+							
портло вчи	+	+			+	+			+		+	+		+									
сирғал увчи			+	+			+	+		+				+		+	+				+		
аффри кат										+	+												
титроқ																							+
бурун																		+	+	+			
ён																						+	
лабиал	+	+	+	+														+					
Тил олди					+	+	+	+	+	+	+								+			+	+



фонемалар ўртасидаги фарқловчи белги улар кучли позицияга – унли олдига олинганда яна тикланади.

Ундош фонемалар ўртасидаги муносабатларнинг турлича таснифи учрайди. Масалан, Л.Л.Буландин рус тилидаги барча ундошлар беш фарқловчи белги асосида ўзаро оппозицияга киришиши мумкинлигини, бу беш белги, ўз навбатида, уч гуруҳни: *асосий, коррелятив, нисбий* белгиларни ҳосил қилишини кўрсатади.<sup>1</sup> Пайдо бўлиш ўрни ва усулига кўра ундош фонемалар белгиси асосий, жарангли-жарангсизлик, қаттиқлик, юмшоқликка кўра белгиси коррелятив, шовқинлилик-сонорликка кўра фарқловчи белгиси нисбий белгиларга ажратилади.

Бунга кўра, ҳар бир ундош асосий, коррелятив ва нисбий белгиларга эга. Масалан, «б» ундоши портловчи, лабиал (асосий белги), жарангли белгилар мажмуидан иборат.

А.А.Абдуазизов умумий қабул қилинган ундошларнинг артикуляцион таснифи асосида ўзбек тилида қуйидаги бирлик оппозицияларни ажратади:

1. Артикуляцион ўрни ва тўсиқнинг ҳосил бўлиш ўрнига кўра:

а) лабиал – тил олди: п-т, б-д, м-н, ф-с, в-з, ф-ш, в-л, в-р;

б) лабиал – тил ўрта: ф-и, в-й;

в) лабиал – тил орқа: п-к, б-к, ф-х, в-г;

г) лабиал – бўғиз: ф-х, в-х;

д) тил олди – тил орқа: т-к, т-к, д-г, с-х, з-г, н-г;

е) тил олди – бўғиз: с-х, з-х, ш-х, ж-х, ч-х, ж-х.

2. Артикуляция усули ва тўсиқнинг қандай ҳосил бўлишига кўра:

а) портловчи-сирғаловчи: п-ф, б-в, т-с, д-з, т-ш, к-х, д-ж, г-ғ, к-х, х-қ, г-х;

б) портловчи-аффрикат: т-и, д-дж,

в) сирғалувчи-аффрикат: ш, ч, ж, дж;

г) портловчи шовқинли-бурун сонанти: б-м, д - н, г-н;

д) сирғалувчи-сонант: з-л; ж-р;

е) шовқинли сонант-бурун сонант: в-м, л - н, р-н;

ж) ён сонант-титроқ сонант: л-р;

з) титроқ сонант-тил ўрта сонант: р-й.

Муаллиф ўзбек тили ундош фонемалари ўртасида 58 та бирлик оппозицияси мавжудлигини, иккиталик оппозиция шунга қараганда икки баробар, кўплик оппозициялар эса бундан бир неча баробар кўплигини таъкидлайди.<sup>2</sup>

### **Ўзбек тили морфонологияси тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида**

Фонема сўз ва морфемалар ичида яшайди. Демак, фонемалар сўз ва морфемаларнинг ичида дискрет элемент сифатида ўзаро синтагматик муносабатда бўлади. Ҳар бир тилда сўз ва морфемаларнинг маълум фонетик структура типлари (моделлари) мавжуд. Аммо мазкур масала шу вақтга қадар тилшуносликда етарли ўрганилмади. Шу билан бирга, маълум сўз бир неча

морфемалар муносабатидан ташкил топиши ва маълум морфема турли морфемик куршовда турлича алломорф (вариат)лар сифатида юзага чиқиши мумкин. Масалан: *қизил + ар – қизар (ил-о)*, *сариг + ай (ар) – саргай (и-о)*, *билак + и – билаг (к-з)* каби сўзларда *қизил – қиз*, *сариг – сарғ*, *билак – билаг* морфлари бир морфеманинг маълум позицияга хосланган турли вариантларидир. Бу ўринда к-г аллофонларининг алмашинуви ҳеч қандай фонологик функция бажармайди. Ёки рус тилидаги *бегу – бежишь* типдаги алмашинув фонологиянинг ҳам, грамматиканинг ҳам текшириш объектига кирмайди. Чунки фонологиянинг вазифаси маълум тилдаги фонемалар миқдори ва системасини белгилаш, шунингдек, фонемаларнинг позициялари бўйича бўлинишини ва ҳар қайси позицияда фонемалар вариацияларининг ҳосил бўлишини тавсифлашдан иборат, грамматика грамматик маъно ва унинг ифодаланиш воситалари ҳақидаги таълимотдир.

Морфологик алмашиниш, ўз-ўзидан, фонетика бўлимида ўрганилмайди. Чунки бу ерда ҳеч қандай фонетик ҳодиса йўқ. Шунинг учун, аввало, юқоридаги фонетик алмашинишнинг характерли хусусиятларига алоҳида эътибор бериш, унинг тилшуносликнинг қайси бўлими текшириш объекти бўлиши кераклигини аниқлаш лозим.

Товуш алмашинуви узоқ вақтлардан буён лингвистлар томонидан ўрганиб келинади. Қийосий тилшунослик ўзининг дастлабки тараққиёт босқичидаёқ товуш алмашинувиغا катта эътибор берди. Айниқса, герман тиллари тадқиқотчилари мазкур масалани алоҳида ўрганадилар.

Яқин йилларгача хинд-еврупо тилларида унлилар алмашинуви (аблаут) фонетик ҳодиса ҳисобланиб келинди. Бундай қараш, айниқса, ёш грамматикачилар мактабига (К.Бругман, Г.Хирт ва ҳ.к.) хосдир. Аблаутга фонетик ҳодиса сифатида қараш ҳозир ҳам айрим тилшунослар асарларида, айниқса, славян тилшунослигида кенг тарқалган.<sup>1</sup> Товуш алмашинувларига бундай қарашни А.А.Реформатский ҳақли равишда кескин танқид қилди.<sup>2</sup>

Тилшунослик тарихида товуш алмашинуви назариясининг ишланишида Бодуэн де Куртенэ ва Н.В.Крушевский алоҳида ўрин эгаллайди. Улар биринчи бўлиб тилшунослик тарихида товуш ўзгаришлари ва алмашинувларини бир-биридан фарқлаб ўргандилар. И.А.Бодуэн де Куртенэ тилдаги барча товуш алмашинувларини икки категорияга бўлади: *комбинатор хосланган альтернациялар*; *традицияга асосланган альтернациялар*. У биринчи типдаги альтернацияларни фонетикага, иккинчи типдагиларни эса морфологияга киритиш лозимлигини тавсия қилади.

Ф.де Соссюр кўпгина лингвистлар алмашинув материали товуш бўлгани учун уни фонетик ҳодиса ҳисоблаб хатога йўл қўяётганини, алмашинув қандай материал асосидан иборат бўлишидан қатъи назар, у грамматикага оидлигини таъкидлайди.

Лекин мазкур ҳодиса грамматиканинг текшириш объектидан ҳам бирмунча фарқ қилади. У вақтда юқоридаги ҳодисалар тилшуносликнинг қайси бўлимига оид бўлиши керак?

Тил ва уни ўрганадиган тилшунослик бирликлари уйғунлиги учун доимо қайғуриб келган И.А.Бодуэн де Куртенэнинг ўзида ҳам бу масала очик қолди.



Шунга қарамай, И.А.Бодуэн де Куртенэ асарлари тилшуносликда фонетика ва морфология оралиғида янги бўлимнинг ажралиб чиқишига тurtки берди. Унинг ғояларига таяниб Н.С.Трубецкой морфонология (фономорфология) назариясига асос солди.

Э.А.Макаев ва Е.С.Кубрякова ҳақли равишда таъкидлаганларидек, И.А.Бодуэн де Куртенэ ҳам, Н.В.Крушевский ҳам мазкур соҳадаги изланиш натижаларини бир назария доирасида умумлаштирмадилар. Тилшуносликнинг янги бўлими – морфонологиянинг ҳақиқий яратувчиси Н.С.Трубецкой бўлди.

Н.С.Трубецкой маълум бир тилнинг фонологик воситаларини морфологик нуқтаи назардан ўрганишни морфонология объекти ҳисоблайди. Унинг фикрича, фақат сом ва ҳинд-оврупо тиллари грамматикасидагина эмас, балки барча тиллар грамматикасида фонология ва морфология оралиғида уларни боғлаб турувчи «кўприк» сифатида морфонология фахрий ўрин олиши керак. Морфонологияга эга бўлмаган тиллар морфонологияга ҳам эга бўлмайди. Морфонология ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот беради. Морфонология нуқтаи назаридан қаралган айрим тил типларини эса дунё тилларининг рационал типологиясида гуруҳларга ажратиш анча қулай.

Н.С.Трубецкой морфонология назарияси қуйидаги уч бўлимни ўз ичига олиш кераклигини кўрсатади:

1. Морфеманинг фонологик структураси ҳақидаги таълимот.
2. Морфемалар ўзаро бирикканда, морфема таркибида юз берадиган товушларнинг комбинатор ўзгаришлари ҳақидаги таълимот.
3. Морфологик функция бажарадиган товуш алмашинуви ҳақидаги таълимот.

Мазкур уч бўлимдан фақат биринчиси ҳамма тиллар учун бир хил аҳамиятга эга. Бунга кўра, морфонологиянинг биринчи вазифаси ҳар қандай тилдаги ўзак ва аффикс морфемаларнинг фонетик (фонологик) структураларини ўрганишдир. Дарҳақиқат, ўзак ва аффикс морфемаларнинг фонетик (фонологик) структураларини ўрганиш маълум бир тилнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришда катта аҳамиятга эга. Чунки айрим ундош ва унли фонемаларнинг маълум морфемада қўлланиши чекланган. Масалан, туркий ўзак морфема бошида ҳеч қачон нг ундоши келмайди. Шунингдек, соф туркий сўзлар ўзагида қўш ундошлар ҳам ишлатилмайди (ст, лт кабилар мустасно). Сингармонизмга амал қиладиган тилларда ўзак морфема таркибида ишлатиладиган унлилар таркиби аффикс морфемалардагига нисбатан кўпроқ бўлади. Чунки аффикс морфемалар вокализмининг кўп белгилари ўзак морфема унлиларига боғлиқ.

Морфонологиянинг бошқа бўлимлари ўрганадиган ҳодисалар турли тилларда турли даражада намоён бўлади. Жумладан, агглютинатив тилларда иккинчи бўлим морфонологиянинг асосий бўлими ҳисобланади.

А.А.Реформатский фикрига кўра, Н.С.Трубецкойнинг морфонология ҳақидаги иккинчи пунктида акс этган «комбинатор товуш ўзгаруви» ифодаси ҳодиса моҳиятини характерламайди. У бу ўринда морфемалар варианты (п, эч

– п, эк) ёки фонемалар алмашинуви (к-ч) ҳақида гап кетиши кераклигини айтади.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда морфонология тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида кўпчилик тилшунослар томонидан тан олинди. Фақат роман, герман, славян тилшунослигидагина эмас, балки туркологияда ҳам мазкур масалага бағишланган бир қатор асарлар майдонга келди.

### **Морфонологиянинг ўрганиш объекти**

Морфонологиянинг ўрганиш объекти масаласида Н.С.Трубецкойдан кейин турли хил фикрлар юритилди. Хусусан, А.А.Реформатский Н.С.Трубецкой тавсия қилган уч бўлимнинг фақат охиргиси – анъанавий алмашинувларгина морфонологиянинг ўрганиш объекти бўлиши мумкинлигини кўрсатади. «Русская грамматика» (1980)да ҳам худди шундай позиция кўзга ташланади.

С.Б.Бернштейн, аввало, фонетик ўзгаришлар (фонетические изменения) ва фонетик алмашинувлар (фонетические чередования)га ажратган ҳолда биринчиси (вада – водный сўзларида бир морфема икки хил ифодаланган: вад – вод) фақат фонетик позиция билан боғлиқ бўлиб, фонетик характер касб этади. Иккинчисида эса (гнать – гонять, нести – носить, лезть – лазить) ўзак морфемалар вариантлари ўзаро бошқача муносабатдадир. Бу ўринда вариантлар фонетик позиция билан эмас, балки грамматик (лексик, грамматик), сўз ясалиши, лексик ва бошқа шарт-шароитлар билан изоҳланади.

Ўз навбатида, алмашинувларни ҳам турларга бўлиш лозимлигини таъкидлайди. Алмашинувда маълум грамматик позицияда морфема устига кўйиладиган урғу, интонация ва бошқалар ҳам белгиловчи фактор бўлиши мумкин. Юқорида кўрсатилган алмашинувлардан фақат биринчиси морфонологик алмашинув бўлиб, у морфонологиянинг ўрганиш объекти бўлиши кераклигини кўрсатади. Иккинчи типдаги алмашинувда алломрфлар алмашинуви юзага чиқиши ва унинг сўз ясалиш бўлимига оидлиги, учинчиси эса суперсегмент алмашинув экани айтилади.

О.С.Ахманова морфонологиянинг ўрганиш объектини анча кенгайтиради. У морфонологияни турли фонемаларнинг морфологик элементларини ҳосил қилиш учун қўлланиш принципини ўрганувчи фан сифатида талқин этади.

В.А.Редькин морфонология доирасини янада кенгайтиради. Унинг фикрича, морфонология бу сўз структураси ва фонема, просодема терминлари билан номланадиган, уни ташкил этувчи компонентлар ҳақидаги таълимотдир. У морфонологик воситаларга урғу, сўз компонентларининг жойлашиш тартиби ва кўшилиш қоидалари, уларнинг вариация (алмашинув) қоидалари, интерфиксация ва бошқа айрим сўзнинг товуш элементларини киритади.

Э.А.Макаев ва Е.С.Кубрякова морфонологияни морфемаларнинг фонологик структураси ҳақидаги таълимот деб ҳисоблайдилар.

Морфонологиянинг бевосита ўрганиш объекти морфонологик қаторлар бўлиши кераклигини таъкидлайдилар.

Е.С.Кубрякова яна бир бошқа асарида морфема қурилишидаги ва бир морфеманинг морфлари составидаги фонологик фарқланишлар ҳамда мазкур фарқланишларнинг функционал мақсадда қўлланилиши морфонологиянинг ўрганиш объектига киришини айтади.

В.Г.Чургунованинг фикрича, морфонология морфема ва сўз таркибидаги фонемаларнинг ташкил топиши ҳақидаги таълимотдир. У морфонологиянинг қуйидаги муаммолар бўйича баҳс юритиши лозимлигини кўрсатади:

1. Етакчи ва кўмакчи морфемаларнинг шаклланишида хизмат қиладиган фонемаларнинг тартиби ва таркиби.

2. Морфем бирликларнинг сўз ичида бирлашиш жараёнида фонемалар тартиби ва составининг ўзгаруви (модификацияси).

3. Бундай модификацияларнинг доимий моделлари ва уларнинг сўз ясалиш ва ўзгариш системасидаги ўрни.

4. Таркибидаги фонемаларга боғлиқ равишда морфонологик элементларнинг танланиш қонунияти.

Ғарб тилшунослигидаги морфонологияга бундай хилма-хил қарашлар туркологияда ҳам акс этмоқда. Хусусан, «Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Фонетика» китобининг фонеморфология бўлими Е.С.Кубрякова концепциясига асосланган. Бошқирд тили грамматикасида эса агглютинация жараёнида ўзак ва аффикслар оралигида ҳамда композиция ва редупликация жараёнида ясалиш асослари ўртасида юз берадиган фонетик ўзгаришлар морфонология предмети ҳисобланади.

М.Закиев ҳам морфонологияни морфемаларнинг фонологик структурасини ўрганувчи таълимот сифатида тушунади. Шу билан бирга, туркий тиллар морфонологиясига бағишланган ишларда туркий тиллар учун характерли бўлган сингармонизм ҳодисаси ҳам морфонологияга киритилади.

А.А.Реформатский эса биринчи бўлиб туркий тиллар морфонологияси ҳақида фикр юритиб, қозоқ ва қирғиз тилларидаги сингармонизм ҳодисасини тадқиқ қилар экан, туркий тиллардаги унлиларнинг сингармонистик вариантлари грамматик факт даражасига кўтарилмаслиги, шунинг учун у морфонология доирасида эмас, балки фақат фонетика доирасида ўрганилиши лозимлигини таъкидлаганди. Лекин туркий тиллардаги морфемалар вариациялари кўп ҳолларда бевосита сингармонизм ҳодисаси билан боғлиқ бўлгани туфайли сингармонизм ҳодисасини ҳам морфонология доирасида ўрганиш фойдадан холи эмас.

## **Морфонология бирлиги** **Морфонема ва субформа ҳақида**

Ҳар қайси тилшунослик бўлимининг ўз ўрганиш бирлиги бор: фонологияники – **фонема**, лексикологияники – **лексема**, фразеологияники – **фразема**, морфемиканики – **морфема**, морфологияники – **сўзформа**, синтаксисники – **синтаксема** (Мухин) ва ҳ.к. Шунинг учун айрим

тилшунослар морфонологиянинг ҳам бирлигини ажратмоқчи бўлдилар ва бу бирликни морфонема (морфофонема) деб номладилар.

Тилшуносликка морфонема терминини дастлаб поляк тилшуноси Г.Улашин олиб кирди. Унинг фикрича, морфонема бу семасиологик – морфологик вазифадаги фонемадир. Масалан, **заба – забка (запка)** сўзлари ўзагидаги охириги ундош бир морфонема, аммо турли фонемалардир (**б-п**). У «товуш»га тилдан ташқаридаги ҳодисаларни – шамол гувиллаши, ҳайвон овози, умуман, табиий товушларни киритади. Тилдаги товуш ва фонемаларни ажратмайди, уларни бир умумий ном – фонема остида талқин этади. Шундай қилиб, Г.Улашин товуш, фонема, морфонемаларни ажратди.

Г.Улашиннинг морфонема концепцияси Америка тилшунослигига ҳам таъсир этди. Хусусан, Д.Трейжер рус тилидаги беш унли фонемани морфонема ҳисоблайди.

Н.С.Трубецкойга морфонология назариясини асослаш учун морфонема термини жуда қўл келди. Аммо мазкур термин остида Г.Улашин ифодалаган ҳодисадан бошқа ҳодисани акс эттирди. Масалан, Н.С.Трубецкой *рука* сўзидаги **к** билан *руки* сўзидаги **к** ўртасидаги фарқни фонеманинг турли фонетик реаллашуви (вариантлари) деб тушунса, Г.Улашин уларни бир морфемани реаллаштирувчи икки фонема деб изоҳлайди.

Н.С.Трубецкойнинг фикрига кўра, *рука* ва *ручной* сўзларидаги **рук** ва **руч** фонетик бирикуви бир морфеманинг икки фонетик шаклидир. Бир морфема таркибида сўзнинг морфологик структураси талаби билан бири ўрнида иккинчисининг алмашилиб келиши мумкин бўлган икки ва ундан ортиқ фонеманинг комплекс образи морфофонема ёки морфонема саналади. Масалан, **рук (ч)** сўзининг икки шаклдаги **к (ч)** товушлари комплекс образни ҳосил қиляпти.

Н.С.Трубецкойнинг морфонема ҳақидаги мазкур талқини бошқача изоҳланганда, морфонема бу морфологик альтернатива аъзолари мажмуидир. Масалан, рус тилидаги **рука – ручка, бегу – бежишь, день – дня, сон – сна** каби сўзларидаги **к-ч, г-ж, э-нуль, о-нуль** ва ҳ.к.

А.А.Реформатский морфонема тушунчасини инкор қилади. У морфонология тил структурасининг икки «базисли» сатҳини: фонология ва морфологияни (морфемика) боғлаб турувчи «базиси йўқ» оралик сатҳ – «кўприк» эканини кўрсатади. Унинг фикрича, морфонология «базиссиз» сатҳ сифатида ўзининг бирлигига эга эмас. Улар, бир томондан, «базисли сатҳ» фонологияга, иккинчи томондан, «базисли сатҳ» морфология (морфемика) ва унинг бирликлари – фонема ва морфемаларга таянади. У ҳеч қандай «морфонема»нинг йўқлиги ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигини таъкидлайди. Худди шундай фикр С.Б.Бернштейн томонидан ҳам баён қилинади. Унинг фикрича, Н.С.Трубецкойнинг рус морфонологиясига бағишланган асари машҳур лингвистнинг эътиборга тушмаган асарларидан биридир. Мазкур асар рус грамматикасига таъсир этмади. Бунга бош сабаб шуки, Н.С.Трубецкой морфонология муаммосини ниҳоятда кенгайтириб юборди. Морфонология ва сўз ясалиши ўртасида, морфонология ва фонология ўртасида аниқ чегара белгиланмади. Амалда мавжуд бўлмаган бирлик –

**морфонеманинг** ажратилиши ҳам морфонология тарихида салбий роль ўйнади.

В.Г.Чургунова морфонология бирлиги сифатида морфонема бўлишини маъқуллайди. Унинг фикрича, морфонема морфонологик сатҳнинг элементар бирлигидир. Рус тилида у кўпроқ кучли ва кучсиз позициядаги фонема қаторларини ўз ичига олади. Демак, морфонема – реал морфема (морф) компоненти сифатида қаралувчи бир синфдаги кучли ва кучсиз фонемалар бирлигини акс эттирадиган бирлик. Шу билан бирга, у морфонологиянинг юқори бирлиги сифатида **субморф**ни ҳам ажратади.

Маълумки, морфема маълум маъно ифодаловчи энг кичик шаклдир. Бу шакл бир маъно билан боғланган ва турли қуршовда учрайдиган бир неча шаклларнинг бирлиги бўлиши ҳам мумкин. Бундай шакллар морф, алломорф ёки морфема альтернантлари саналади. В.Г.Чургунова морфни маълум жиҳатдан шаклланган морфонем қатори деб тасаввур қилиш ва морф структурасининг қандайдир морфонологик қонунияти ҳақида гапириш мумкинми деган саволга қуйидагича жавоб беради: «Агар тил сунъий қурилма бўлганида эди, эҳтимол, морф шундай шаклланган бўларди. Дифференциал белгиларнинг маълум синтактик қоидаси асосида фонема, фонемалар синтаксиси асосида морф, турли қуршовда учрайдиган ва бир маъно ифодаловчи морфлар асосида морфема, морфемалардан сўз қурилган бўларди. Аммо тил сунъий қурилма эмас, у кўп асрлик тарихга эга. Тарихий тараққиёт жараёнида унинг айрим элементлари морфонем қурилмасини сақлаган ҳолда маъносини йўқотади. Мазмун плани нуқтаи назаридан ажралмайдиган бу морфонем қатор морфонологик структуранинг бошқа элементи билан ўз алоқасини сақлаган ҳолда морфонологик нуқтаи назардан бўлакларга ажралиши мумкин. Ана шундай бирликлар субморф (ёки фонеморф) деб номланади».

Унинг фикрича, субморф – морфонеманинг доимий қатори, сўз товуш қобиғининг барқарор шаклланган элементларининг морфонологик яхлитлигини ифодаловчи бирлик. Масалан, **-ец (гор – горец, куп – купец, огур – огурец), -к (руч – к – а, троп – к – а, поч – к – а, проб – к – а)**.

Морфонема тушунчаси туркологияга ҳам кириб келди. Хусусан, М.Закиев мазкур тушунчани ёқлади, анъанавий альтернацияларни позиция алмашинувлардан ажратмаган ҳолда алмашинувчи фонемалар комплексини морфонема деб ҳисоблайди.

А.А.Абдуазизов эса А.А.Реформатскийнинг фикрини қувватлаб, қуйидагиларни ёзади: «Морфонология грамматикага ҳам, фонологияга ҳам кирмайди, лекин уларнинг бирлиги бўлган фонема ва морфемадан фойдаланади. Баъзи тилшунослар томонидан таклиф этилган «морфонема» термини (Г.Улашин, Н.С.Трубецкой ва ҳ.к.) ўз кучини йўқотади, чунки у фонемаларнинг морфемалардаги алмашуви (масалан, «рука – ручка»да к(ч) натижасида бир йўла икки фонемага тўғри келади».

Дарҳақиқат, фонема вариантлари морфема таркибида уни ташкил этувчи энг кичик бирлик саналар экан ва фонема конкрет морфема ва сўзлар таркибида турли вариацияларга учрар экан (Москва фонологик мактаби

концепцияси бўйича), демак, морфема ва сўз таркибидаги ҳар қандай товуш алмашинувлари фонемалар доирасида юз беради. Тилшуносликда ҳамма сатҳларнинг ўз бирлиги бўлиши шарт эмас. Масалан, морфонологиядан ташқари, сўз ясалиши ҳам икки сатҳ бирликлари (ясалиш усули морфемика билан боғлиқ бўлса, ясалма лексема сифатида лексикологиянинг, сўзформа сифатида морфологиянинг текшириш объекти бўлади) билан иш кўради.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда тил структурасининг фонология билан морфемика сатҳлари оралиғида морфонология сатҳининг мавжудлиги кўпчилик тилшунослар томонидан тан олинди. А.А.Абдуазизов таъкидлаганидек, морфонологияни алоҳида тил босқичи деб ҳисоблаб, унга тегишли барча хусусиятларни ўрганиш тилнинг ички структурасидаги баъзи пайқалмай қолган аломатларни аниқлашда катта ёрдам беради.

Грамматиканинг бошқа бўлимлари сингари морфонология икки асосий маънода қўлланади: биринчидан, маълум қуршовда морфема таркибидаги ҳар қандай фонологик ўзгариш ҳолатлари ёки ўзгариш системаси; иккинчидан, шу ўзгаришларни ўрганувчи тилшунослик бўлими. Ҳар қандай ўзгаришни товушлар, фонемалар ёки фонемалар комплексининг алмашинувига киритиш мумкин. Шунинг учун морфонологиянинг асосий ўрганиш объекти сифатида алмашинувчи товушлар, фонемалар, фонемалар комплекси қаралиши лозим.

Тилшуносликнинг бошқа бўлимларида ўрганилмайдиган қуйидаги масалалар морфонологияда ўрганилиши керак:

- Сўз ва бўғиннинг фонологик структураси.
- Сўз ва морфеманинг маълум қуршовдаги вариациялари:
  - а) агглютинация жараёнида алмашинувлар. Сингармонизм;
  - б) композицион сўз ясалиши ва аналитик форма ясалиш жараёнидаги фонетик ўзгаришлар. Акцент – ритмик структуранинг ўзгариши;
  - в) редупликация жараёнидаги фонетик ўзгаришлар. Ўзак қисқаруви.

## **1. Сўз ва бўғин тузилиши** **Сўз тузилиши**

Туркий тиллар архитекtonикаси унинг ўзак морфемасининг бир бўғинлилиги билан характерланади. Бир бўғинли ўзак морфемалар тўрт хил фонетик структурада учрайди: ундош + унли + ундош (СГС), ундош + унли (СГ), унли (Г). Ўзак морфеманинг бундай фонетик структураларидан қайси бири бирламчи экани масаласида туркологлар ўртасида бир хиллик йўқ. Хусусан, Н.А.Баскаков қадимги туркий ўзаклар бир бўғинли ва уч товушли (СГС) бўлганини, ўзакнинг бошқа фонетик структураларини бирламчи СГС типидagi ўзакдан келиб чиққанини таъкидлайди. Н.А.Баскаков фикрини Ш.Х.Оқбоев, Ш.Шоабдурахмонов ва А.Ишаев ҳам маъқуллайдилар.

Б.М.Юнусалиев фикрича, қадимги туркий ўзакларнинг бирламчи фонетик структураси СГ типида бўлган. СГС структурадаги учинчи ундош грамматик функция бажарган. Шундай фикр А.Е.Кононов томонидан ҳам таъкидланади.

Қадимги туркий ўзакларнинг анлаути масаласи, дарҳақиқат, қадимги бир бўғинли ўзакларнинг фонетик структурасига назар ташланса, унли билан бошланган ўзаклар жуда оз қисмини ташкил этади. Масалан, А.М.Шчербакнинг туркий тиллар қиёсий фонетикасига бағишланган китобида келтирилган қадимги туркий бир бўғинли сўзлар луғатида жами 473 та ўзак келтирилади. Шулардан 408 таси ундош билан, фақат 81 таси унли билан бошланади. Демак, унли билан бошланган сўз атиги 17 фоизни ташкил қилади, холос. Бу эса Н.А.Баскаковнинг фикрида жон борлигини кўрсатади.

Ҳозирги ўзбек тилида СГС типигаги туркий ўзак морфемалар анлаутида **нг** ундошидан бошқа барча ундош фонемалар кела олади. Масалан, **бор – б, тор – т, зор – з, нор – н, кор – к, йор – й, сол – с, хол – х, хол - ҳ, лол – л, мол – м, пол – п, чол – ч, шол – ш, фол – ф** ва бошқалар (қадимги туркий тил анлаутида эса л ва р сонорлари ҳам келмайди. Бундай ундошлар билан келган сўзлар ҳам ўзлашган қатламга мансубдир).

Демак, ўзбек тилида сўз бошида **нг** ундоши, туркий сўзлар бошида **ж** (сирғалувчи) ундоши келолмайди. Агар ҳозирги ўзбек тилида сўз бошида ж ундоши келиб қолса, бундай сўзлар ўзлашган қатламга мансуб эканини кўрсатиб туради.

Туркий сўзлар бошида ундошлар қатор келмайди, яъни ССГС типигаги структура туркий тиллар учун хос эмас. Бироқ ҳозирги ўзбек тилида **программа, трактор, справка** сингари бир қанча қатор ундошлар билан бошланувчи байналмилал сўзлар учрайдики, улар ўзбек тили сўзлари ва унинг бўғинлари фонетик структурасини янги хусусият билан бойитади. Бу сўзлар ҳозирги ўзбек орфоэпиясида ўз ҳолича талаффуз қилинса-да, аммо кекса авлод тилида қатор ундошлар олдидан ёки ундошлар оралиғига бир унли орттириш билан ўзбек тилининг ўзига хос қонуниятига мослаштирилади.

Туркий сўзлар ўзак морфемаларининг охирида қатор ундошларнинг келиши характерли эмас (СГСС, ГСС типи). Ҳозирги ўзбек тилининг ўз ички тараққиёти натижасида бир қатор сўзларда ўзак морфемалар охирида қатор ундошлар учрайди. Бундай структура СГС ва ГС структурали ўзак морфема ва ГС структурали аффикс морфеманинг контаминацияси натижасида иккиламчи структура сифатида вужудга келган. Бошқа тиллардан сўз қабул қилиш натижасида эса бундай сўзлар миқдори орта боради. Ҳозирги ўзбек тилида беш юзга яқин бир бўғинли сўз охирида ундошларнинг 139 хил қатор келиш ҳоллари учрайди. Мазкур сўзлар генетик томондан икки гуруҳга: 1) ўз қатлам; 2) ўзлашган қатламга мансубдир.

Ҳозирги ўзбек тилида ўз қатламга мансуб бир бўғинли ўзак морфема ауслаутида **рс, рк, рқ, рч, рт, лк, нч, лт, йт, ст, кс** сингари товушларнинг қатор келиш ҳолатлари учрайди. Булардан энг кўп тарқалгани **рс** (ўндан ортиқ тақлидий сўз ўзагида), **нч** (йигирмадан ортиқ сўз ўзагида), **рк** (ўндан ортиқ сўз ўзагида), **лт, рк, рт, лн** (ўнга яқин сўз ўзагида), **лк** (ўнга яқин сўз ўзагида) каби ундошлардир.

Бу қатор ундошларидан ҳар бири маълум сўз категорияси билан чегараланган. Яъни **рт, нт** қатор ундошлари кўпроқ феъл таркибида; **нч, рк, рч, ст** қатор ундошлари от (имена) таркибида; **рк, рс, лт, шт** қатор ундошлари эса тасвирий сўзлар таркибида келади.

Кўришиб турибдики, ўз лексикасига оид ўзаклар охирида келган кўпгина қатор ундошларда биринчи ўринда **й, л, н, р** каби сонор ундошлар ва иккинчи ўринда жарангсиз ундошлар бўлади. Ўз лексикага оид бундай ўзак морфема фонетик структураси оғзаки нутқда ҳам тўлалигича талаффуз қилинади (айрим ўзбек шевалари бундан мустасно). Масалан, манкент шевасида **тот** (адаб.орф.торт), Уйчи шевасида **қут** (адаб.орф.қурт) ва бошқ.

Ҳозирги ўзбек тилида ауслаутда **нд, хд, ҳс, рг, шт, жх, фт** каби қатор ундошлар келган бир бўғинли ўзак морфемалар асосан **ўзлашган** қатламга мансубдир (форс-тожик, араб тилларига). Оғзаки нутқда кўпинча ауслаутдаги юқоридагидек қатор ундошлардан бири талаффуз этилмайди (кўпроқ охириги ундош тушиб қолади: **рг, ҳс** бундан мустасно). Масалан, **гўш (гўшт), муш (мушт), суs (суsт), пас (паст)** ва бошқ. Баъзан аффиксал морфемалар ҳам ўзакнинг шу вариантга қўшилади: **пас (т) + ай – пасай** (пастай эмас), **суs (т) + ай – сусай** (сустай эмас) ва ҳ.к.

Ўзбек тилида ҳам бошқа туркий тиллардаги каби, унлилар ҳақида гап кетганда, унинг бир бўғинли сўзларда қўлланиши билан кўп бўғинли сўзларнинг биринчи ва кейинги бўғинларида қўлланишини фарқлаш лозим. Чунки бир бўғинли сўз унлиси барқарор ва сифат жиҳатидан мустақил хусусиятга эга. Кўп бўғинли сўзларнинг унлилари эса маълум маънода беқарорлик характериға, сингармонизм ва умлаут таъсирида олдиндан синтагматик белгиланиш характериға эга.

Шунинг учун бир бўғинли сўзларда (айниқса, очиқ бўғинда) унли фонемалар ўзларининг сифат ва миқдор белгиларини намойиш қилади. Демак, ўзбек тили унлилар системаси мазкур шароитга қараб белгиланади. Бу шуни кўрсатадики, бир бўғинли ўзак морфемалар таркибида ўзбек тилидаги барча унлилар қўлланилади.

### **Аффикс морфемалар тузилиши**

Ўзбек тили аффикс морфемаларининг фонетик (фонологик) структураси ҳам ўзак морфемалар структураси каби қуйидаги типларга эга: ундош + унли + ундош (-қиз: ётқиз, -қар: бошқар), (унли) + ундош (-м: болам, -им: бошим), ундош + унли (-қи: чопқи, -ги: кузги), унли (-а: яша, -и: бойи). Булардан унли + ундош, яъни (Г) С типи ўзак морфема ауслаутидаги фонема характеридаги (унли ёки ундош эканига) кўра икки вариантли, яъни бир морфемаларнинг икки алломорфи ҳолида реаллашади: унли билан тугаган ўзак морфемага С, ундош билан тугаган ўзак морфемага ГС варианты қўшилади.

Аффикс морфемаларни шакллантирувчи унли фонемалар чекланган. Бундай морфемалар таркибида фақат **и, у, а, о** фонемаларигина иштирок этади. **Э, ў** фонемалари эса аффиксал морфемалар таркибида ишлатилмайди. Шу билан бирга, аффикс морфемалар фонетик структураси сифат жиҳатидан



етақчи морфеманинг фонетик структурасига боғлиқ бўлади (бу ҳақда сингармонизм баҳсида алоҳида маълумот берилади).

### **Бўғин тузилиши**

Сўз ёки морфема таркибидаги морфонология жараёни кўп ҳолларда бўғин структураси билан боғлиқ. Бўғин сўзнинг фонетик бўлаги сифатида барча тилларга хос универсалиядан биридир. Шу билан бирга, ҳар қайси тилда бўғин структурасининг бошқа тиллардан фарқ қиладиган ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд.

Туркий тилларда ибора, гап, сўз бирикмалари ва айрим сўзлар структураси бўғиннинг экспиратор хусусиятга эга эканини ва шу орқали бошқа тиллар билан умумийлик касб этишини кўрсатади. Бўғин нутқнинг артикуляцион-акустик сегментлари – бўғин ҳосил қиладиган ҳаво оқимининг мускул кучланиши бўлиниши билан боғлиқ. Шунингдек, бўғинларнинг аллофонлари таркибида туркий тилларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам намоён бўлади.

Туркий сўзлар бир ёки бир неча бўғинлардан, бўғин эса, ўз навбатида, бир ёки бир неча аллофонлардан ташкил топади. Бўғин ва фонема сўз товуш структурасининг асосий бирликларидир. Фонема минимал бирлик сифатида маълум фонетик позиция ва қуршовга мувофиқ ҳолда аллофон сифатида реаллашади. Шундай қилиб, сўз товуш структурасининг асосий бирликларидан бири, унинг таркибида ҳам унли, ҳам ундош фонемаларнинг аллофонлари шаклланади. Демак, ҳар бир сўз маълум бўлақларга – маълум пауза билан ажралган бўғинларга, бўғин эса фонема аллофонларига бўлинади.

Туркий тилларда бўғин ҳосил қилувчи элемент унли товушлар ҳисобланади. Шунинг учун бўғин миқдори сўз таркибидаги унлилар миқдори билан белгиланади.

Туркий сўзлар бўғин структураси ҳам худди ўзак морфема структураси каби қуйидаги тўрт типдан иборат: Г, СГ, ГС ва СГС. Туркий тиллар тарихий тараққиётининг кейинги этапида ички тараққиёт ва ташқи таъсир натижасида бўғин структураси яна икки тур – ГСС, СГСС билан бойиди. Натижада туркий сўзлар бўғин структурасининг олти модели вужудга келди. Бундан Г, СГ очик, қолганлари эса ёпиқ бўғинлар моделидир.

Кўриниб турибдики, туркий тилларда бўғин структураси туркий ўзак морфема фонетик структураси билан бир хилликка эга (ўзбек тилининг тараққиёт босқичига оид байналмилал сўзларнинг ССГС (справ-ка) типидagi биринчи бўғин моделлари бунга кирмайди). Фақат иккинчи ва ундан кейинги бўғинлар фонетик структураси уни ташкил этган аллофонларнинг сифати жиҳатидан фарқ қилади. Шу туфайли морфема ва бўғинларнинг юқоридаги олти модели ва уни ташкил этган аллофонлар хусусиятлари ҳақида сўз структураси бўлимига қаранг.

## **2. Сўз ва морфеманинг маълум қуршовдаги вариациялари**

## А. Агглютинация жараёнидаги алмашинувлар

Гарчи агглютинатив тилларда ўзак ва аффикс морфемаларнинг чегараси аниқ ва ўзакка аффикс морфемалар қўшилиши ўзак фонетик структурасини кескин ўзгартириб юбормаслиги типик бўлса-да, аммо бу нарса агглютинация жараёнида ўзак ҳеч қачон ўзгаришга учрамайди деган хулосани келтириб чиқармайди. Туркий тилларда ҳам агглютинация жараёнида юзага келган кўп бўғинли сўзларнинг ўзак ва аффикс морфемалари оралиғида ёки биринчи морфемаси таркибида фонологик қимматга эга бўлмаган турли хил ўзгаришлар рўй бериши мумкин. Бу ўзгаришлар морфонологик қимматга эгадир. Аффикс морфемаларнинг ўзак морфемага қўшилиши натижасида ўзак морфема фонологик составида рўй берадиган ўзгаришлар туркий тилларда ҳам мавжуд фузия элементларидан далолат беради. Агглютинация жараёнида ўзак ва аффикс морфемалар оралиғида қуйидаги морфонологик ҳолатларни кузатиш мумкин.

### Унлилар алмашинуви

**1. Тор унли.** Агар аффикс морфема қўшилаётган асос қисм икки бўғинли бўлса, аффикс морфема қўшилгандан сўнг асос қисмнинг иккинчи бўғинидаги тор унли кўп ҳолларда нолга айланади. Натижада кўпинча асос қисмни ажратишга қийинчилик туғдиради. Мазкур жараён ёпиқ бўғин билан тугаган икки бўғинли морфемага унли билан бошланган аффикс морфема қўшилганда рўй беради ва қуйидагича алмашинув содир бўлади:

**а) и – о.** Масалан: **оғзаки (оғиз – аки), ўйна (ўйин – а), айри (айир – и);**

**б) у – о.** Масалан: **буйруқ (буйур – уқ), улғай (улуғ – ай), соврул (совур – ул);**

**в) о – а.** **Онг, от, сон** каби сўзларга феъл ясовчи морфемалар қўшилганда ўзак морфема таркибидаги **о** унлиси **а** га айланади. Масалан: **онг – англа, от – ата, сон – сана, ёш – яша, қорин – қариндош** ва бошқ. Бу эса ўзак морфема билан аффиксал морфеманинг мустаҳкам қўшилиб кетишига асос бўлади;

**г) а – о.** А унлиси билан тугаган морфемага **-қ** ва **-в** морфемалари қўшилганда **қ** ва **в** аллофонлари таъсирида бундай алмашинув юз беради. Масалан: 1) **қ** аллофони таъсирида: **тарқа – тарқоқ, чанқа – чанқоқ, сўра – сўроқ, тара – тароқ, сана – санок;** 2) **в** аллофони таъсирида: **ишла – ишлов, қишла – қишлов, сайла – сайлов, алда – алдов;**

**д) и – у.** 1) **қ** таъсирида: **сови – совуқ, қури – қуруқ, қови – қовуқ;** 2) **в** таъсирида: **тани – танув, ўқи – ўқув, тўқи – тўқув;**

**е) о – у.** **В** таъсирида: **совуқ – сувуқ (диалектал), қовуқ – қувуқ** ва бошқ.

### Ундошлар алмашинуви

1. **к – г, қ – ғ. Қ ё к** ундоши билан тугаган икки ёки кўп бўғинли сўзларга эгалик аффикси кўшилганда жарангсиз к ва қ ундошлари интервокал ҳолатда қолиб, жарангли корреляти билан алмашинади. Масалан: **қилиқ – қилиғи, балиқ – балиғи, солиқ – солиғи, чирик – чириги, билак – билағи, тилақ – тилағи, кичик – кичиги.**

2. **ғг – ққ.** Масалан: **боғга – боққа, тоғга – тоққа, ёғга – ёққа.**

3. **гг – кк.** Масалан: **баргга – баркка, эгган – эккан, тегган – теккан** (талаффузда).

4. **г – к.** Масалан: **ўсган – ўскан** (талаффузда), **токга – токка.**

5. **и – з (-ки) (-зи).** Масалан: **бизни – биззи, сизни – сиззи** (Наманган шеvasи).

6. **и – о (-ни) (-и).** Масалан: **бизни – бизи, сизни – сизи, (мен) (-ме-) мен – мени, менинг, сен – сени, сенинг.**

7. **н – д (-ни) (-ди).** Масалан: **бизни – бизди, сизни – сизди, толни – толди** («ж»ловчи шевалар).

8. **и – т (-ни) (-ти).** Масалан: **отни – отти, ўтни – ўтти, итни – итти.**

9. **н – ш (-ни) (-ши).** Масалан: **ошни – ошти, тошни – тошти.**

10. **н – р (-ни) (-рр).** Масалан: **қорни – қорри, шаҳарни – шаҳарри** (Тошкент, Наманган шевалари).

11. **н – л (-ни) (-ли).** Масалан: **толни – толли, қўлни – қўлли, яқинлаш – яқиллаш** (Наманган).

12. **н – м (-ни) (-ми).** Масалан: **қизимни – қизимми, ўзимни – ўзимми.**

13. **н – п (-ни) (-пи).** Масалан: **гапни – гаппи, қопни – қоппи.**

14. **р – д (бер) (бед): берди – бедди, кўрди – кўдди, юрди – юдди, турди – тудди** (Наманган).

15. **р – м (бер) (бем): бермаса – бемаса.**

16. **р – т: кекирдақ – кекиттак, шартта – шатта** (Наманган).

17. **р – л: бирла – билла** (Наманган, Тошкент).

18. **р – с: берса – бесса** (Наманган).

19. **ри – ни: бурни – бунни, ўрни – ўнни.**

20. **ч – с: ичса – исса, кечса – кесса** (Наманган).

21. **т – с: айтсам – айссам** (Наманган).

22. **т – о: сушт – сусай, паст – пасай.**

23. **ил – о: қизил – қизар.**

### Сингармонизм

Ўзбек адабий тилида ҳам баъзан бир бўғинли сўзларнинг структур элементлари – унли ва ундош товушлар ўртасида товуш қаторлари бўйича ўзаро хосланиш ҳолатлари кўзга ташланади. Хусусан, ГС, СГС структурали сўзларда товушлар палатал гармонияга мувофиқ бирикади: **қыл, хыл, ғыш; бил, тил, сиз, жил** каби. Баъзан олд ва орқа қатор вариантлари маъно фарқлаш функциясини ҳам бажариши мумкин. Масалан, **тиқ – тик.**

Бир қатор сўз ясовчи ва форма ясовчи аффикслар вариативликка эга. Ўзак фонетик структурасига мувофиқ, аффиксларнинг вариантларидан бири

кўлланади. Аффикслар вариантлари шу фонетик қуршовда бири ўрнида иккинчиси кўлланолмайдди. Масалан: **-ық ё -ик (қылық – кичик), -қы (-ғы), -ги (чопқы, чолғы, сузги), -қа, -га (тоққа, бизга)** каби.

Бу факторлар туркий тиллар учун характерли бўлган сингармонизм қонуниятининг ўзбек тилида ҳам айрим ўринларда мавжудлигини кўрсатади. Юқоридаги ўринларда фонема (унли ва ундош) ҳамда морфемаларнинг орқа вариантлари фонологик ва морфематик қимматга эга эмас. Улар морфонологиянинг ўрганиш объектидир.

Сингармонизм товушлар мослашувининг алоҳида туридир. Товушларнинг бундай мослашуви агглютинация билан чамбарчас боғлиқ. Туркий тилларда сўз ва сўз формалари кўпинча маълум аффикслар кўшиб ясалади. Бу аффиксларнинг ясовчи аффиксга кўшилишида тартиб мавжуд. Сўз ясовчи аффикслар сўзнинг материал қисмига, лексик маъно ифодаловчи қисмига киради. Шунинг учун улар форма ясовчи аффикслардан олдин кўшилади. Форма ясовчиларнинг синтактик муносабат ифодаламайдиган тури синтактик муносабат ифодалайдиган туридан олдин кўшилади: ўзак + сўз ясовчи аффикс + синтактик муносабат ифодаламайдиган шакл ясовчи аффикс + синтактик муносабат ифодалайдиган аффикс.

Кўриниб турибдики, туркий тилларда сўз лексик ва грамматик маъно ифодалайдиган морфемалар билан чўзилиб боради. Аффиксларнинг бундай силсилали ўсиб бориши туркий сўзларнинг товуш қиёфасини ҳам шартлаб кўяди: ўзаро максимал яқин товушлардан ташкил топади. Тилларни тарихий-типологик ўрганиш натижалари сингармонизм фақат туркий, фин-угор тилларига хос эканини кўрсатади.

Туркий тиллардаги мазкур нодир ҳодиса фақат туркологларнинг эмас, бир қатор умумий тилшунослик мутахассисларининг ҳам диққатини жалб этди.

А.А.Реформатскийнинг фикрича, туркий тилларда сингармонизм оддий фонетик ҳодиса – ассимиляциянинг бир туригина эмас, балки морфологик сатҳга ҳам дахлдор бўлган фундаментал структур-типологик ҳодисадир.

Б.де Куртенэ ҳам туркий тиллардаги мазкур хусусиятга тўхталиб, унлилар гармониясининг сўз бўғинларини боғловчи цемент вазифасини бажаришини, хинд-оврупо тилларида бундай вазифада лексик урғу келишини таъкидлайди. Бу эса кўп бўғинли сўзларда биринчи бўғиннинг бошқа бўғинларга нисбатан кучли бўлишини, кейинги бўғин товушларининг эса биринчи бўғин товушларига мослашиши лозимлигини кўрсатади. Шунинг учун: «Сўзнинг биринчи бўғинининг (ўзакнинг) бошқа бўғинлардан устунлигини ифодалашнинг кульминацион нуқтаси унлилар гармонияси хисобланган», – дейди А.М.Шчербак.

Туркий тилларда биринчи бўғин бошқа бўғиндан кучли, шунинг учун бўғинларнинг товуш состави биринчи бўғинга мослашади. В.А.Богородицкий ўзак вокализмининг эргаш морфемаларга нисбатан афзал томони борлигини, у бошқа товушлар таъсирисиз, ўзининг индивидуал артикуляциясига эга бўлишини, ўзак морфема унлиларининг палаталлик-палатал эмаслик, лабланганлик-лабалнмаганлик белгилари билан боғлиқ

равишда ўзгарадиган икки асосий тип – ё кенг, ёки тор унлилардан ташкил топишини кўрсатади. Шунга мувофиқ, у туркий тиллар ўзагида классик саккизта унли (а-э), ы-и, о-ё, у-ў ва аффикслар таркибида унлиларнинг икки асосий типини – кенг а (э) ва тор ы (и) унлилари мавжудлигини кўрсатади.

Н.С.Трубецкой ҳам туркий тиллардаги унлилар гармониясини эътиборга олган ҳолда, юқоридагидек саккизта фонологик қимматга эга унлилар системаси мавжудлигини ва улар фақат биринчи бўғин учунгина хос (релевант) эканини, кейинги бўғинлар унлисининг тембр белгиси ўзидан олдинги бўғин унлилари остида уларга мувофиқлашувини, демак, тембр оппозицияси нейтраллашувини таъкидлайди.

Шундай қилиб, В.А.Богородицкий ва Н.С.Трубецкой асарларида сингармонизм табиати изчил назарий талқинини топди. Сингармонизм ҳақидаги кейинги ишларнинг вужудга келишида мазкур асарлар назарий асос ролини ўтади.

Туркий тиллардаги сингармонизмга бағишланган янги тадқиқотлар сингармонизмнинг фақат унлиларга эмас, ундошларга ҳам таъсир этадиган ҳодиса эканини кўрсатди. Унлилар гармонияси асосий, ундошлар гармонияси эса унга эргашувчидир.

Демак, туркий сўзлар унлилар гармонияси билангина эмас, ундошлар гармонияси билан ҳам «цементланади». Унли ва ундошларнинг ўзаро тембрал мувофиқлашуви сўзга тенг бўлган бир умумий комплексни ташкил этади. Сингармонизм туркий сўзларни шакллантирувчи, унинг бутунлигини таъминловчи, нутқ оқимида сўз чегарасини кўрсатувчи воситадир. Бу жиҳатдан лексик сингармонизм лексик урғу билан функциядош. Чунки лексик урғу ҳам худди шу функцияларни бажаради. Туркий тилларда ҳам сўзлар урғули ва урғусиз бўғинлардан ташкил топади, урғу экспиратор характерга эга бўлиб, сўзнинг охириги бўғинига қараб кўчиб юради.

Туркий тилларда сўзни шакллантирувчи ва уни бир-биридан ажратувчи восита сифатида сингармонизм ва урғу ишлатилар экан, уларнинг қайсиси бу функцияни бажаришга асосий акцент восита ҳисобланади ёки иккиси ҳам функционал тенг ҳуқуқлими, деган саволга, туркий тиллар тадқиқотчилари турлича жавоб берадилар. Хусусан, А.Жунусбеков сингармонизм ва лексик урғунинг функционал бир хиллиги қозоқ тилида кейингисининг мавжуд бўлишини инкор қилади, дейди. У қозоқ тилида асосий компоненти чўзиқлик бўлган ритмик урғунинг мавжудлигини кўрсатади.

Туркий тилларда ҳам бошқа ҳар қандай тилда бўлгани каби бир қанча просодик воситалар мавжуд бўлиб, уларнинг бири асосий, қолганлари қўшимча, факультатив ҳисобланади. Бир қатор туркий тилларда сингармонизм асосий, лексик урғу эса факультатив просодик восита саналади. Сингармонизм изчил бўлган туркий тилларда урғунинг роли кучсиз, аксинча, сингармонизм қонуниятини бузилган тилларда эса урғунинг роли кучли бўлади.

Ўзбек тили учун сингармонизм ўткинчи ҳодиса бўлгани сабабли бу тилда англаш (перцептив) ва ажратиш (делимитатив) функциясини лексик

урғу бажаради. Сингармонизм элементлари эса қадимда амалда бўлган ходисанинг қолдиғи сифатида кўзга ташланади.

Ўзбек тилида айрим аффиксал морфемаларнинг бир неча палатал (олд қатор ва орқа қатор) ва акустик (жарангли ва жарангсиз) алломорфлари мавжуд. Мазкур алломорфлар ўзак морфеманинг фонетик хусусиятига мос ҳолда қўлланилади.

Демак, бу ходиса морфонологиянинг ўрганиш объектидир. Масалан, жўналиш келишигининг **-га, -ка, -қа, -ға, -а** вариантлари мавжуд. Уларнинг ҳар қайсисининг қўлланадиган шарт-шароитлари бор. Шунингдек, чиқиш келишиги (-дан, -тан) акустик вариантларга (-ган, -гача, -гина, -гунча каби аффикслар палатал ва акустик вариантларга эга: *ўсимликка, халққа, боққа; тиккан, уққан, теккани, чиққани, қишлоққача, теккунча, боққунча* ва бошқ.) эга, аммо бундай хусусиятлар барча аффикслар учун хос эмас. Хусусан, жўналишдан бошқа келишик формалари палатал алломорфларга эга эмас. Эгалик, кўплик аффикслари ҳам олд ва орқа қатор вариантларига эга эмас.

Бир қатор ясовчи аффиксларда ҳам палатал вариантлик кузатилиши мумкин. Масалан, **-ик (кичик); -иқ (килик); -ки (тепки, кечки); -қи (кичитқи); -кир (ўткир, кескир); -қир (топқир, чопқир); -кич (-гич) (сузгич, билгич, кўрсаткич); -қич (босқич, қисқич); -к (элак, безак); -к (саноқ, тароқ)** ва бошқ.

Айрим икки бўғинли сўзлар таркибида либиал гармониянинг ҳам қолдиғи учрайди: масалан, **улуғ, буюк, улуш, учқун, турғун, гувур-гувур, югур, буғу, туйғу** ва бошқ.

Бироқ сингармонизмнинг мазкур икки кўриниши ҳам ҳозирги ўзбек тили учун қадимги қонуниятларнинг изи, холос. Ўзбек тилининг айрим шеваларида, масалан, Наманган шевасида сингармонизмнинг бошқача кўриниши – аффиксларнинг ўзак фонетик хусусиятига мослашиши эмас, балки ўзак унлиларининг аффикс унлилари характериға мослашиши, яъни олдига эмас, орқага қараб мослашиш кузатилади.

Бундай мослик умлаут ҳисобланади. Умлаут уйғур тили ва ҳозирги ўзбек тилининг Наманган ва Пахтаобод шевасига хосдир. Умлаутнинг уч кўриниши – палатал, либиал, лингвиал турлари мавжуд. Биринчи турда биринчи бўғиннинг орқа қатор кенг унлиси кейинги бўғиндаги тор лабланмаган унли таъсирида олд қатор унлиға айланади. Масалан, Наманган шевасида **тош «тош», теши «тоши»**. Иккинчи турида биринчи бўғиннинг кенг лабланмаган унлиси кейинги бўғиннинг лабланган унлилари таъсирида лаблашади. Масалан, Пахтаобод шевасида **тўмур «темир», қўшиқ «қошиқ»** ва бошқ.

Учинчи турида оғизнинг очилиш даражаси ўзгаради. Кейинги бўғиннинг тор **и** унлиси таъсирида биринчи бўғиннинг олд қатор кенг унлиси ўрта кенг унлиға айланади. Масалан, уйғур тилида **кесиш (касиш); у, ў** таъсирида **о, о** унлилари ҳам торайиши мумкин. Масалан: **мошук – мушук, чонқур – чунқур – чуқур**).

Умлаут барча туркий тилларда маълум даражада учрайди. Умлаут сингармонизмға тескари пропорционал бўлиб, туркий тилларда нисбатан

кейинги ходисадир. Айрим тилшуносларнинг фикрига кўра, умлаут ассимиляциянинг кенг ривожланиши ва ўзига хос урғу заминиди вужудга келган. Е.Д.Поливанов фикрича, умлаутнинг келиб чиқиши сингармонизмнинг кучсизланиши билан боғлиқ.

А.М.Шчербак эса ассимиляция жараёни йўналишининг ўзгаруви натижасида юзага келган бўлиши керак дейди. Бунга морфологик элементларнинг унификацияси қулай имконият яратган.

## **Б. Композицион сўз ясалиши ва аналитик шакл ясалиши жараёнидаги алмашинувлар Акцент-ритмик тузилишининг ўзгаруви**

Композицион сўз ясалиши ва функционал форма ясалиши жараёнида компонентлар лексик-грамматик ва интонацион бир бутунликни ташкил этади. Компонентларнинг бир бутунлигини таъминлашга урғу, бир қатор морфонологик жараёнлар: товуш алмашинуви, фонетик қайта бўлиниш каби ходисалар хизмат қилади.

Қўшма сўз ва сўзнинг аналитик формаси таркибига кирган компонентлар бир умумий бирлаштирувчи урғу остида бирлашади. Бундай урғу иккинчи компонентнинг охириги бўғинида бўлади. Асосий урғули бўғиндан олдинги бўғинлар иккинчи ва учинчи даражали урғуларга эга. Шунга мувофиқ, асосий урғули бўғиндан бошқа бўғинларнинг барча интонацион градацияси – унинг чўзиқлиги, бундай бўғинларни ташкил этувчи унли ва ундошларнинг талаффузи аниқлиги ва бошқалар ҳам ўзгаради. Масалан: **ўттиз – ўттиз икки, кириб – кириб кел** ва бошқ.

Қўшма сўз ва сўзнинг аналитик формаси структурасининг бундай акцент-ритмик бир бутунлиги уларни ташкил этган компонентлар ўртасида турли хил морфонологик ўзгаришларнинг юз беришига олиб келади.

1. Ҳар икки компонент ёпиқ бўғин бўлганда компонентлар оралиғида морфонологик ўзгаришлар юз беради:

н – м: ўн беш – ўм беш

б – в: бел боғ – белво

ч – с: уч сўм – ус сўм

б – о: бор бўл – бор ўл (бор ўлинг)

ли – о: олиб кел – опкел (Андижон)

қ – п: ичиб қўй – ичипўй (қорақалпоқ) ва бошқ.

н – м: ўн бир – ўм бир.

2. Биринчи компонент очик бўғин билан тугаб, иккинчи компонент ёпиқ бўғин билан бошланганда:

б – в (бер – вер): бора берди – бораверди, ёза бер – ёзавер, кела бер – келавер ва бошқ.

(бил – вил): не билай – невлай ва бошқ.

к – г (кун – гун): бу кун – бугун ва бошқ.

уй – о (шу – ш), -ер: шу ер – шэр (Жиззах)

• Биринчи компонент ёпиқ бўғин билан тугаб, иккинчи компонент очиқ бўғин билан бошланганда ҳам товуш алмашиниш, ҳам бўғинлар структурасида фонетик қайта бўлиниш ҳодисаси рўй беради. Бу эса компонентлар бутунлигини янада кучайтиради:

э – и (эмиш – имиш): келар эмиш – келармиш

и – о (имиш – миш): борган имиш – борганмиш

э – о (экан – кан): келар экан – келаркан

б – в (босиб – босив): босиб олди – бос (и)волди (қовун нави), Сотиб олди – Сот (и)волди (атоқли от) ва бошқ.

Фонетик қайта бўлиниш:

Қайн она – қай – но-на (қайнона) қайна

Қайн ота – қай – но-та (қайната)

Қайн ини – қай – ни-ни (қайни)

4. Биринчи компонент очиқ бўғин билан тугаб, иккинчи компонент унли билан бошланганда ҳам товуш алмашинуви ва фонетик қайта бўлиниш юз беради:

ээ – э: не этай – нетай

аа – а: Мирзааҳмад – Мирзаҳмат, на айлай – найлай

а – о: катта ота – каттаата (катта), бора олмоқ – боролмоқ, бека ойим бекойим

и – о: олти озиқ – олтозиқ (тўққиз ёшли от), етти озиқ – еттозиқ (ўн ёшли от), ёши улуғ – яшулли (Хоразм), эчки эмар – эчкемар ва бошқ.

а – о: Хўжа эли – Хўжейли ва бошқ.

### **Редупликация жараёнидаги алмашинувлар**

Ҳар қандай редупликацияда умумий (цементловчи) урғу биринчи компонентда бўлади. Иккинчи даражали урғу иккинчи компонентнинг охирги бўғинига тушади.<sup>1</sup> Жуфт сўзларнинг анчагина қисмида компонентлардан бири иккинчисининг морфонологик ўзгаришига учраган варианты ҳисобланади.

• Биринчи компоненти ўзгаради

тун – с: бус-бутун

тта – п: кап-катта

шил – м: ям-яшил

к – м: кўм-кўк

зил – п: қип-қизил

ра – п: қоп-қора

қ – п: опоқ (оппоқ)

риқ – п: сап-сарик ва бошқ.

• Иккинчи компонент ўзгаради:

й – п: йоғоч-поғоч, йилт-пилт

м – с: мол-сол, мот-сот, темир-семир

м – п: мол-пол, мош-пош

й – м: йўриқ-мўриқ



т – м: тугун-мугун

к – м: кешик-мешик

т – п: темир-пемир ва бошқ.

Кўриниб турибдики, редупликация жараёнида алмашинувчи аллофон сифатида фақат чегараланган товушлар катнашади. Улар кўпроқ **м, п, с** аллофонлари ҳисобланади. Бу санокли аллофонлар сон-саноксиз товуш ёки товуш комплекси ўрнида кела олади. Шунинг учун редупликация моделини ҳосил қилади.

Юқорида баён этилганлардан шу нарса англашиладики, фақат форфемалар қуршовидаги товуш алмашинувлар, яъни бир умумий морфеманинг турли аллофонларини юзага чиқаришга хизмат қилувчи алмашинувларгина морфонологиянинг ўрганиш объекти бўлади.

**ГАП ҲАҚИДАГИ СИНТАКТИК НАЗАРИЯЛАР\***

**ТИЛНИНГ СИСТЕМА ЭКАНИ**

«Ҳозирги замон фани ва тажрибаси тўла шоҳидлик беряптики, – дейди В.Г.Афанасьев, – бизни қуршаб турган муҳит (ҳам моддий, ҳам маънавий) ўзаро ажралган алоҳида-алоҳида предмет, ҳодиса, жараёнлардан ташкил топган эмас, балки ўзаро боғланган объектлар йиғиндисидан ташкил топган бўлиб, бир бутун, систем тузилманинг маълум бир туридир». Шунинг учун муаллиф ҳозирги замон фалсафаси, жамиятшунослиги ва табиатшунослиги олдида ҳар бир система бирликларини ўз ичида ва бу системани бошқа системалар билан муносабатда ўрганиш, система моҳиятини, турли хил кўринишларини очиш, таснифлаш, фарқли ва умумий томонларини қидириш, ташқи муҳит билан муносабатини белгилаш каби муҳим вазифа турганини кўрсатади. Мазкур вазифалар лингвистикага ҳам тааллуқлидир. Шу туфайли ҳозирги тилшуносликда тилнинг системалилиги ҳақидаги назария қатъий ўрин олди.

Умумилмий система тушунчаси маълум объектларнинг бирлашуви ва бу объектларнинг ўзаро муносабатини ўз ичига олади. Система ичига кирган объект шу системанинг элементи ҳисобланади.

Систем ёндашиш ўзининг узоқ тарихига эга. Ўтган асрнинг ярмида яратилган энг йирик конкрет илмий асарлар ўзининг мазмунига кўра систем тарзда бўлган. Қозон тилшунослик мактаби вакиллари И.Бодуэн де Куртенэ, Н.В.Крушевский, В.А.Богородицкийлар ўтган асрнинг 70-йилларида тилнинг система эканини баён қилдилар. XX асрнинг ярмидан машҳур австриялик биолог Л.Берталанфи ташаббуси билан бу масаланинг методологик аспекти изчил ўрганила бошланди. Ҳозирги кунда система муаммоси фақат методологик аҳамиятгагина эмас, балки диалектиканинг бир қирраси сифатида катта амалий аҳамиятга ҳам эга.

Шу вақтга қадар илмий адабиётларда системанинг қирққа яқин таърифи мавжуд. Жумладан, Л.Берталанфи фикрича, ўзаро муносабатда бўлган элементлар комплекси системадир. В.М.Солнцев эса: «Система ўзаро муносабатда бўлган элементлардан ташкил топган бир бутун объектдир», – дейди. Системанинг мавжуд ҳамма таърифларида қуйидаги асосий белгилар: 1) бир бутун объект; 2) бир бутун объект элементлари; 3) элементлар ўртасидаги муносабатлар акс этади.

Лекин тажриба кўрсатадики, ҳар қандай ўзаро муносабатда бўлган элементлардан ташкил топган бир бутунлик системани ташкил қилавермайди. Системани ташкил қилувчи бир бутунлик ўзаро муносабатда бўлган элементларнинг оддий йиғиндиси эмас. Бир бутунлик унинг элементларида мавжуд бўлмаган янги сифатга ҳам эга. Масалан, сув молекулалари водород ва кислород атомларидан ташкил топади. Аммо бир бутунлик сифатида таркибий элементлардан фарқ қилишдан ташқари, уларга қарама-қарши хусусиятга ҳам эгадир. Хусусан, шаҳарнинг шаҳарлиги бир қанча уйлarning оддий йиғиндисидан иборат эмас. Бу ўзига хос мустақил организмдир.

Бир бутун система уни ташкил этган компонентларга фаол таъсир қилади, ўз табиатига мос ҳолда уларни қайта шакллантиради. Натижада компонентлар маълум ўзгаришларга учрайди. Бир бутун системага киргунга

кадар бўлган айрим хусусиятларни йўқотади, баъзи хусусиятлари эса актуаллашади, айрим янги хусусиятларга эга бўлади.

Масалан, атом ядроси нейтрон ва протонлардан ташкил топган. Аммо бу элементлар бир бутун таркибида янги сифатга эга бўлади. Хусусан, эркин нейтрон беқарор бўлиб, нисбатан қисқа яшайди. Атом ядроси таркибида эса у барқарор хусусият касб этади.

Табиат ва жамиятдаги системани ташкил этувчи элементлар хусусияти ва элемент билан бир бутун ўртасидаги муносабат характери хисобга олиб система *ўзаро муносабатда бўлган, шартланган элементлардан ташкил толувчи интеграл хусусиятга эга бир бутунликдир* дейиш мумкин. Системани ташкил этган элементлар хусусиятига кўра икки асосий система тури мавжуд: материал система ва идеал система.

Ўзаро маълум муносабатда бўлган материал элементлардан ташкил топган система материал система хисобланади. Материал система ўзининг хусусиятига кўра чексиз хилма-хилдир. Чунки мазкур системани ташкил этган элементлар ўртасида мавжуд алоқа муносабатлар ана шундай хусусиятга эга. Материал системага бир неча элементлардан (молекулалардан) ва бу элементларнинг ўзаро муносабати (молекуляр алоқаси)дан ташкил топган тошни, ўзаро муносабатда бўлган ва ўзаро шартланган қисмлар (элементлар) бирлигидан ташкил топган ҳар қандай бинони, ҳар қандай жонли организмни мисол қилиб келтириш мумкин.

Системани ташкил этган материал элементлар йиғиндиси шу системанинг материал субстанциясини ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, материал система субстанцияси мазкур система элементлари орқали ифодаланади. Шунинг учун материал система элементлари ҳақида гапирганда маълум даражада унинг субстанциясини ёки субстанция ҳақида гапирганда маълум даражада унинг элементларини кўзда тутиш мумкин.

Материал системада бу системани ташкил этган элементлар ўзларининг физик, субстанциал хусусиятлари эвазига система учун қимматга эга бўлади. Бундай материал система бирламчи материал система хисобланади. Улар инсоннинг индивидуал ёки ижтимоий онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд.

Материал системадан фарқли равишда идеал система шундай системаки, унинг элементлари ўзаро маълум муносабатлар билан боғланган идеал объектлардир. Масалан, маълум фандаги тушунчалар системаси идеал системани ташкил этади. Идеал система материал системадан фарқли ўлароқ мустақил, инсон фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлолмайди. У ташқи оламнинг акс этиш формаси бўлиб, доимо инсон фаолияти туфайли, аниқроғи, инсон тафаккур фаолияти туфайлигина майдонга келади.

Шундай қилиб, идеал система бирон-бир материал субстанциядан ташқарида мавжуд бўлмайди. Идеал система материал субстанция – фикрловчи мия томонидан ҳосил қилинади ва материал субстанцияда мужассамлашади. Идеал системани яратувчи материал субстанция мураккаб бирламчи материал системани – инсон онгини ўзида акс эттиради.

Таркибидаги материал элементлари ўзининг субстанциал хусусиятлари туфайлигина эмас, балки уларга юклатилган хусусиятлари туфайли система

учун қимматли материал система иккиламчи материал система ҳисобланади.<sup>1</sup> Улар фақат инсон фаолияти сабаблигина семантик ахборот (ғоялар ёки тушунчалар системаси) ифодалаш воситаси сифатида, айни вақтда, инсоннинг алоқа воситаси сифатида вужудга келади.

Бундай системалар белгили ёки семиотик системалар ҳисобланади. Тил ҳам белгили системалар сирасига киради. Тилнинг доимо ривожланишида ва ўзгаришида бўлган бир бутун бирлик, яъни система эканини биринчи марта В.Гумбольдт таъкидлайди. XX аср бошида эса тилнинг система экани, унинг система сифатида характерли хусусияти атрофлича очиб берилди. Р.А.Будаговнинг таъкидлашича, XX асрда тилнинг систем характерининг жорий қилиниши лингвистика олдида янгидан-янги истиқболлар очди.

Юқорида баён қилинган система ҳақидаги фикрлар тил системасига ҳам тааллуқлидир. Масалан, сўз бир бутун сифатида ўзаро муносабатда бўлган бир неча элементлар (морфемалар ёки товушлар) бирлигидан; *гап* бир бутун сифатида ўзаро муносабатда бўлган бир неча элементлар (сўз шакллари) бирлигидан иборат ва ҳ.к. Мазкур элементлар бир бутун ичида бутунга киргунга қадар шу элементга хос бўлмаган янги сифатга ҳам эга бўлиши мумкин. Шунинг учун Э.Бенвенист гап ҳақида гапираркан: «Гап сўзлар воситасида реаллашади. Аммо сўз гапнинг оддий бир бўлаги эмас. Гап бу ўзининг қисмлари йиғиндисидан келиб чиқмайдиган бир бутунликдир»<sup>1</sup>, – дейди.

Сўз – гап компоненти, унда бутун бир гап мазмуннинг бир қисми акс этади. Аммо сўз гап таркибида унга киргунга қадар бўлган мустақил бирлик (виртуал бирлик) сифатидаги маъноси билан қатнашиши шарт эмас.

Тил элементлари ўзаро турли хил: парадигматик (ассоциатив), синтагматик (элементларнинг актуал муносабати), иерархияли (ўзидан мураккаброқ бирликка кириш муносабати) муносабатда бўлади.

Парадигматик ва синтагматик муносабатлар тушунчалари Ф.да Соссюр номи билан боғлиқ. У тил элементлари ўртасида икки хил муносабат борлигини кўрсатди. Бир томондан, элемент нутқда бир-бири билан боғланиб, ўзаро тилнинг силсила (кетма-кет) характерига асосланган муносабатга киришади. Мазкур элементлар нутқ оқимида кетма-кет жойлашади. Унинг фикрича, маълум чўзиқликка эга бундай боғланиш синтагма, синтагма элементлари ўртасидаги муносабат синтагматик муносабат ҳисобланади.

Иккинчи томондан, нутқ жараёнидан ташқарида маълум бир умумийликка эга элементлар индивид онгида шундай ассоциациялашадики, ўз ичида ўзаро турли муносабатда бўлган гуруҳлар юзага келади. Улар чўзиқликка эга бўлмай, индивид онгида локализациялашади. Бундай муносабат ассоциатив муносабат (парадигматик муносабат) саналади.<sup>1</sup>

Шу билан бирга, элементлар оддийдан мураккабга қараб иерархияли жойлашган. Турлича мураккабликдаги бирликлар муносабати иерархияликни таъминлайди: унча мураккаб бўлмаган элементлар мураккаброқ элементлар таркибига унинг бир қисми сифатида киради. Ҳар бир мураккаб бўлмаган бирлик мураккаброқ бирликнинг чегара элементи сифатида потенциал

қўлланилиши мумкин. Иерархияли муносабат доимо мураккаблик даражасига кўра муносабатдир.

Мураккаблик даражаси нуқтаи назаридан бир хил бирликлар бир синфга ёки бир парадигмага бирлашадилар. Бир синфнинг (парадигманинг) ўзидан мураккаброқ синфга (парадигмага) муносабати ҳам иерархияли муносабатни ташкил этади. Масалан, морфема ва сўз ўртасидаги муносабат мураккаблик даражаси нуқтаи назаридан иерархияли муносабат ҳисобланса, морфемалар устсинфи ёки устпарадигмасини ҳосил қилган барча морфемалар билан сўзлар синфи ёки парадигмасини юзага келтирувчи барча сўзлар ўртасидаги муносабат ҳам иерархияли муносабатсаналади.

Элементларнинг бундай муносабати силсилали синтагматик муносабатдан тубдан фарқланади. Мураккаблик даражаси жиҳатидан бир хил бўлмаган элементлар ҳеч қачон синтагматик муносабатга киришолмайди. Масалан, морфема сўз билан синтагматик муносабатда бўлолмайди. Уларнинг муносабати иерархиялидир. Морфема иккинчи морфема билан сўз ичида синтагматик муносабатга киришиши мумкин.

Катта парадигма мураккаблик даражаси нуқтаи назаридан бир хил бирликлар йиғиндисидан иборат. Бундай бир хил бирликлар йиғиндиси ёки катта парадигма тилшуносликда тил системаси сатҳи ҳисобланади.

Сатҳ тушунчаси дескриптив лингвистика тарафдорлари томонидан киритилган бўлиб, ҳозирги кунда, гарчи ўзининг аниқ мақомига эга бўлмаса ҳам, тилшуносликда кенг ўрин олди. Сатҳ тушунчаси тил онтологиясига ва тилни тавсифлаш ва системалаштириш усулига нисбатан қўлланилади.

Тил онтологияси нуқтаи назаридан тил сатҳи айрим бирликлар йиғиндиси мавжудлиги билан белгиланади. Бунга кўра, маълум тил бирлиги борлигини тан олиш унга мос келадиган тил сатҳини ҳам ажратишга асос бўлади.

Масалан, фонема тил бирлиги сифатида мавжудлиги учун фонологик сатҳ, лексема тил бирлиги сифатида борлиги учун лексик сатҳ ажратилади ва ҳ.к.

Сатҳ тушунчасининг лингвистик бирликлар билан алоқаси шубҳасиз. Шунга қарамай, фақат лингвистик бирликларга таяниб сатҳ белгилаш кўпинча кутилган натижани бермайди.<sup>1</sup>

«Сатҳ тушунчасини бирликнинг шундай белгиси билан боғлаш керакки, – дейди В.М.Солнцев, – бу белги стабил сатҳларни ажратишга ва бу сатҳларнинг бошқа сатҳларга нисбатан ўрнини белгилашга имкон берсин. Худди шундай хусусият бирликларнинг иерархияли хусусияти ҳисобланади».<sup>2</sup>

Дескриптив лингвистика оқимида ва кўпгина бошқа лингвистик мактабга оид тилшунослар ишларида худди шу белги сатҳ тушунчасини аниқлашда таянч бўлди.

Хуллас, тил сатҳи деганда ўзаро иерархияли муносабатда эмас, балки бошқа ўзидан каттароқ ёки ўзидан кичикроқ бирликлар билан иерархияли муносабатда бўлган нисбий бир хил бирликлар йиғиндиси тушунилади.

Бундай бирликлар йиғиндиси бир хил бирликларга нисбатан устпарадигма (сверхпарадигма)ни ҳосил қилади (масалан, маълум тилнинг ҳамма фонемалари, ҳамма морфемалари, ҳамма сўзлари ва ҳ.к.). Сатҳ ёки устпарадигмани ҳосил қилувчи бирликлар бир-бирига нисбатан парадигматик ва синтагматик муносабатда бўлади: улар маълум синфларга ёки парадигмаларга гуруҳланади (масалан, фонеманинг, морфеманинг, сўзнинг турли синфлари) ҳамда ўзаро кетма-кет (синтагматик) занжир бўлиб боғланадилар (масалан, фонемалар, морфемалар, сўзлар занжири). Турли сатҳ бирликлари эса ўзаро парадигматик муносабатга ҳам, синтагматик муносабатга ҳам киришмайди.

Демак, турли сатҳга оид бирликлар фақат иерархияли муносабатда бўлади. Бу муносабатни «...дан ташкил топади», «...га киради» орқали кўрсатиш мумкин (1-чизмага қаранг).

#### 1-чизма

Конкрет кузатиладиган сатҳ  
(нутқ бирликлари)

Абстракт сатҳ  
(тил бирликлари)

Устпарадигма ёки катта синф сифатида ажратилган сатҳ бошқа ҳеч қандай йирикроқ синфни ташкил этмайди. Бирликлар ўртасида иерархияли муносабатнинг мавжудлиги улар ўртасида парадигматик ёки синтагматик муносабатнинг бўлишини истисно қилади. Бирликлар ўртасида парадигматик ёки синтагматик муносабатнинг бўлиши эса уларнинг бир сатҳга мансублигидан гувоҳлик беради.

Тил сатҳи устпарадигма сифатида бир неча кичик парадигмалардан ташкил топиши мумкин. Демак, маълум бирликлар йиғиндисининг парадигматик хусусиятлари «тугаши» натижаси сатҳ деб қаралиши мумкин.

Сатҳ бирликлари йиғиндиси ва алоқа тугунлари (структура)га эга нисбий автоном системадир. Сатҳни тилнинг умумий системасининг микросистемаси деб белгилаш мумкин. Сатҳ микросистемаси тил умумий системасининг қисми ҳисобланади.

Юқори сатҳ бирликлари қуйи сатҳ бирликларига нисбатан мураккаброк шаклланишга эга. Бу мураккаб шаклланиш системани ҳосил қилиб, қуйи сатҳ элементлари унда элемент сифатида қатнашади. Жумладан, гап система бўлиб, унинг элементлари сўзлардир; сўз система бўлиб, унинг элементлари морфемалардир: морфема система бўлиб, унинг элементлари фонемалардир.

Элементлардан ташкил топган система доимо янги сифатга ҳам эга бўлади: морфема таркибидаги фонемаларга нисбатан бошқа сифатга эга (фонема маънога эга эмас, морфема маънога эга); гап таркибидаги сўзларга нисбатан бошқа сифатга эга (предикативлик, коммуникативлик).

Шундай қилиб, бир сатҳга мансуб нисбий бир хил элементлар, бир томондан, ўз сатҳи доирасида турли синфларни (парадигмаларни) ҳосил қилиб, ўзларининг парадигматик хусусиятларини ишга солса, бошқа томондан, ўзаро кетма-кет боғланиб, синтагматик хусусиятларини реаллаштиради. Сатҳ элементларининг синтагматик комбинациялари бошқа сатҳнинг бирлиги ҳисобланадиган айрим системалар шаклланишига хизмат қилади.

### **Синтаксис предмети**

Синтаксис (грек. *sintaksis* – бирлаштириш, тузиш) тил системасининг бир сатҳи бўлиб, унинг бирликлари қуйи сатҳ бирликларидан: сўз шаклларида ташкил топади.

Синтаксис шу сатҳ ҳақидаги таълимот ҳамдир. Синтаксисни ўрганиш тарихи ўзининг кўп асрлик анъанасига эга бўлишига қарамай, унинг ўрганиш предмети, тилшунослик фанидаги чегараси масаласи ҳамон долзарблигича қолмоқда. Грамматиканинг алоҳида бир бўлими сифатидаги синтаксиснинг предмети белгилашда ҳануз лингвистлар ўртасида яқдиллик йўқ.

Антик даврнинг грамматик ғоялари билан озиқланган дастлабки лингвистик анъаналарда синтаксис остида гап ва унинг қисмлари ҳақидаги таълимот англашилган. Гап мантиқ категориялари асосида – мантикий моделлар орқали изоҳланган. Синтаксиснинг вазифаси мантиқ категорияларининг тил аналогларини белгилашдан иборат бўлган. Гапнинг қисмлари бутун нуқтаи назаридан қаралган ва уларнинг мақоми гап таркибидаги мазмуний вазифасига қараб белгиланган.

Мантикий моделларни XIX аср ярмигача бўлган Оврупо тиллари синтактик тадқиқотларида учратиш мумкин.

Синтаксис гапда ифодаланган фикрнинг хусусиятини ўрганувчи грамматика бўлими сифатида қаралиб, унинг вазифаси нутқнинг мазмуний аспекти тадқиқ қилиш деб ҳисобланган. Хусусан, Ф.И.Буслаевнинг фикрича, тилда бўлакларга ажраладиган товушлар (форма) ва улар орқали ифодаланадиган фикр бирлиги мавжуд, биринчиси этимологиянинг, иккинчиси эса синтаксиснинг текшириш объекти ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, бундай синтаксис тилнинг синхрон ҳолати билан боғлиқдир. Илмий грамматикалар тарихий асосда яратила бошланиши билан синтаксис синхрон таҳлил методи билан боғланди ва диахрон таҳлил методи билан характерланадиган этимология (морфология)га қарама-қарши қўйилди. Этимология ва синтаксис бир-бирига боғлиқ. Уларнинг фарқи тарих ва ҳозирги ҳолатни тасвирлашдан иборат бўлиб, охириги биринчиси томонидан изоҳланади, дейди А.А.Потебня.

Шундай қилиб, синтаксисда фикрнинг мантикий ёки психологик мазмунини ўрганиш тенденцияси натижасида грамматикага икки оппозиция олиб кирилди: форма ва мазмун оппозицияси ҳамда тилга синхрон ва диахрон ёндашиш оппозицияси.

XIX аср ярмидан синтактик назарияда эътибор бутунга (гапга) эмас, балки унинг бўлақларига қаратилди. Натижада лингвистлар диққатини сўз туркумлари ва сўз шаклларининг гапдаги функциялари жалб қила бошлади (Аксаков, Востоков ва бошқ.). Бундай қараш (морфологизм) грамматик таҳлилнинг формал томонига ва тилларнинг миллий ўзига хослигига эътиборнинг кучайиши натижасида вужудга келди. Бутуннинг – гапнинг мантикий таҳлили ўз ўрнини сўзларнинг синтактик (биринчи навбатда, бирикиш) хусусиятларининг грамматик тавсифига бўшатиб берди. Логикцизмдан морфологизмга ўтиш лингвистика табиатига анча яқинлашса ҳам, аммо синтаксисга бундай ёндашиш бутуннинг тўлалигича изоҳланишига монелик қилди.

Бўлак бутуннинг ичида эмас, ундан ажралган ҳолда ўрганилди. Гапни бир бутун бирлик сифатида характерлаб турадиган барча ҳодисалар: пропозитивлик, предикативлик, модаллик, актуаллик ва бошқалар сўз туркумлари синтаксиси назаридан четда қолди.

Й.Рис сўз туркумлари синтаксисини танқид қилиб, бу йўналишдаги грамматистларни организмнинг айрим аъзоси орқали маълум бир ҳайвон ҳақида маълумот беришга уринган зоологга қиёслайди. У сўз туркумлари синтаксисида синтактик материаллар системасининг изчил эмаслигини,



синтаксис предметини ва мақомини белгилашда аниқ чегаранинг йўқлигини қоралайди, ўзи грамматиканинг ўзаро боғланган икки мезон асосида бўлинишини тавсия этади. Улардан бири сўз ва сўз бирикмасининг миқдорий оппозицияси, иккинчиси шакл ва мазмун ўртасидаги сифат оппозицияси.

Синтаксис предмети, Й.Рис фикрича, ҳам шакл, ҳам мазмун томонини ҳисобга олган ҳолда сўз бирикмаси бўлиши керак. Гап ҳам сўз бирикмасининг энг муҳим тури деб қаралади. Синтаксис сўз ҳақидаги таълимотга қарама-қарши қўйилади. Сўз гапга тўғридан-тўғри қарама-қарши қўйилиши у томонидан танқид қилинади. Чунки бундай оппозиция элементларининг шаклига эмас, балки фақат мазмунига алоқадордир. Шунинг учун мазкур оппозициянинг мавжуд бўлиши синтаксисдаги формал ёндашишга путур етказди дейди. Бундай синтактик концепция рус тилшунослигида Ф.Ф.Фортунатов, М.Н.Петерсон, А.М.Пешковский ва бошқа олимлар асарларида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

В.В.Виноградов синтаксис предмети сўзнинг сўз бирикмаси ва гап таркибида бирикиш қоидалари ва усулларини ҳамда сўз бирикмаси ва гап типларини, уларнинг тузилиши, функцияси ва қўлланиш шарт-шароити, ривожланиш қонунларини ўрганишдир дейди.

Олимнинг таъкидлашича, синтаксиснинг характерли хусусияти шундаки, унинг ҳар бир ўрганиш объекти ўзидан юқорироқ бўлган грамматик бирликнинг структур элементи сифатида функциялашади: сўз ва унинг шакллари сўз бирикмаси ва гапнинг, сўз бирикмаси турли ёйик гапларнинг, гап доирасида эса, ўз навбатида, содда гап қўшма гапнинг структур элементи сифатида хизмат қилади.

Шу билан бирга, синтаксис доирасида унинг асосий категориялари ҳисобланган сўз бирикмаси ва гап ўртасида аниқ сифат тафовутлари мавжуд. Сўз бирикмаси гап учун фақат қурилиш материалидир. У нутқий ахборотнинг бир бутун бирлиги эмас, сўз бирикмаси икки ва ундан ортиқ мустақил сўзларнинг грамматик-семантик алоқасидан ташкил топган грамматик бирлик бўлиб, фақат гап таркибида ва гап орқали тилнинг коммуникатив воситаси системасига киради.

Шундай қилиб, В.В.Виноградов синтаксиснинг ўрганиш объекти сўз бирикмаси ва гап бўлиши кераклигини таъкидлади. Виноградовнинг мазкур концепцияси ўрта ва олий мактаб дастурларидан қатъий ўрин олди.

Ҳозирги кунда функционал грамматиканинг ривожланиши натижасида синтаксиснинг текшириш объекти гап ва унинг қисмлари функциялари бўлиши керак (Г.А.Золотова) деган қараш тобора кенг ўрин олмоқда. Бу билан синтаксис предметини гап ва унинг қисмларини ўрганиш билан чегаралайдилар.

Ҳозирги тилшуносликда сўз бирикмасига объектив тил (нутқ) бирлиги сифатида икки хил қараш мавжуд. Бир гуруҳ тилшунослар сўз бирикмасига мустақил тил бирлиги сифатида қарайдилар. Жумладан, В.В.Малашенко ва Ю.П.Богачевлар сўз бирикмаси шу бирикмани ташкил этган ҳоким сўз потенциал боғланиш имкониятининг (валентлик хусусиятининг) гап

таркибида реаллашиши деб қарайдилар, шунинг учун сўз бирикмасини объектив тил реаллиги ҳисоблайдилар.

Уларнинг фикрича, ҳар қандай конкрет сўз бирикмалари нутқ жараёнида вужудга келади. Аммо мазкур семантик-синтактик бирлик маълум тилда гаплашувчилар онгида ўрнашган муайян моделлар асосида таркиб топади. Бу моделлар худди гап моделлари сингари нутқий манифестацияга қадар ҳам тайёр ҳолда мавжуд бўлади. Шунинг учун эркин сўз бирикмаси коммуникациягача бўлган сатҳ бирлигидир, у нутқда тайёр ҳолда олиб кирилади. Сўз бирикмаси сўз шакли билан бирга гап учун «қурилиш материали»дир ёки гапнинг кенгайиш сатҳида қурилиш бирлигидир.<sup>1</sup>

Бошқа бир гуруҳ тилшунослар эса сўз бирикмасининг тил бирлиги, гап учун қурилиш материали эканини рад этадилар, Жумладан, Ю.Ф.Фоменкс ўз фикрини исбатлаш учун қуйидаги аргументларни келтиради:

- сўз бирикмаси коммуникатив функция ҳам, номинатив функция ҳам бажармайди. Биринчиси гап, иккинчиси сўзлар орқали ифодаланади;

- сўз бирикмаси тушунча эмас, тушунчалар бирикмасини ифодалайди. Агар биз сўз бирикмаси тушунча билдиради деган фикрга қўшилсак, демак, сўз бирикмаси доирасида икки тушунчанинг бир тушунчага трансформацияси рўй беради деган фикрни тасдиқлаган бўламиз;

- сўз бирикмаси «такрорланиш»лик (воспроизводимость) белгисига эга эмас. Тилга тайёр ҳолда олиб кирилмайди, балки нутқ жараёнида яратилади. Номинативлик, такрорланишлик (воспроизводимость) фразеологизмларга хосдир. Шу белгилари билан фразеологизмлар сўз бирикмаларидан фарқланади;

- тилнинг ҳар бир сатҳи учун бир тил бирлиги хос: фонологик сатҳ учун фонема, лексик сатҳ учун лексема ва бошқ. Синтактик сатҳ эса иккита бирликка эга бўлиб қолади. Агар сўз бирикмаси тил бирлиги деб тан олинса, бошқа сатҳларда ҳам фонема бирикмаси, морфема бирикмаси каби бирликларга эга бўлиши керак.

Ана шу аргументларга асосан у сўз бирикмаси тилнинг алоҳида бирлиги эмас, балки тил валентлигининг нутқий манифестациясидир, деган хулосага келади.<sup>1</sup> Валентлик ва сўз бирикмаси ўзаро моҳият ва ходиса муносабатида. Моҳият умумий, ходиса эса унинг конкрет кўринишларидир. Валентлик абстракт тафаккур сатҳида (моҳият) сўз бирикмаси эса жонли кузатиш сатҳида (ходиса) мавжуд дейди Ю.В.Фоменко.

Тилнинг белгили табиатига суянган айрим тилшунослар белгини предикат ва нопредикат белгиларга ёки тўлиқ ва қисман белгиларга бўлади. Предикат (тўлиқ) белгилар коммуникатив функция бажариб, мустақил синтактик бирлик ҳисобланса, нопредикат (қисман) белгилар фақат предикат (тўлиқ) белгилар таркибида келиб, унинг коммуникатив функция бажаришида хизмат қилади.<sup>1</sup> Демак, бошқа майда бўлакка бўлинмайдиган энг кичик коммуникатив бирлик предикат (тўлиқ) белгилардир. Нопредикат (қисман) белгилар эса мазкур коммуникатив бирлик элементлари. Ҳар бир

предикат (тўлик) белги объектив борлиқдаги маълум ситуацияни акс эттиради, яъни предикат (тўлик) белгининг объектив мазмуни ситуациядир.

Хуллас, синтаксис тарихида унинг ўрганиш объекти масаласида турли хил қарашлар мавжуд: сўз туркумлари синтаксиси, сўз бирикмаси синтаксиси, сўз бирикмаси ва гап синтаксиси, гап синтаксиси.

## Гап

Гап синтактик сатҳнинг энг кичик бирлигидир. Сўз бирикмаси ва бошқа синтактик тушунчалар шу бирликнинг элементлари. Ҳозирги ҳамма синтактик назарияларда гап асосий синтактик бирлик сифатида тан олинса ҳам, аммо шу вақтга қадар у ўзининг аниқ бир умумий таърифига эга эмас. Ҳозирги кунга қадар гапнинг 300 дан ортиқ таърифи мавжуд. Антик даврдан XIX асрга қадар тилшуносликда ҳукм сурган мантиқий оқим вакиллари гапга ҳукм нуқтаи назаридан ёндашиб, *сўзлар воситасида англашилган фикр* деб ҳисоблайдилар (Буслаев).

Ф.Ф.Фортунатов гапнинг лингвистик хусусиятини алоҳида сўзларнинг «шакл»лари таҳлилидан қидиради. У барча мустақил сўзларни сўз ўзгариш шаклига (синтактик шакл) эга сўзлар ва сўз ўзгариш шаклига эга бўлмаган сўзларга бўлади. Сўз ўзгариш шаклига эга сўзларни, ўз навбатида, кесимлик шаклига эга сўзлар ва гапнинг иккинчи даражали бўлаклари шаклига эга н сўзларга ажратади.

«Кесимлик шакли» Ф.Ф.Фортунатов учун гапнинг грамматик белгиси ҳисобланади. У кесимлик шаклига феълнинг шахс, майл ва замон шакллари киритади. Шунинг учун Ф.Ф.Фортунатов Пушкин – шоир типидagi синтактик конструкцияларни кесимлик шаклига эга бўлмагани учун гап ҳисобламайди.

Тенъер ҳар бир гапни кичик бир драма санайди. Драмада ҳаракат ва роллар мавжуд. Ҳаракат предикат бўлса, предикат аргументлари (актантлари) маълум роль бажаради дейди. Унинг фикрича, гап предикат ва унинг аргументлари бирлигидан иборат.

В.В.Богданов эса лингвистик белгиларни предикат ва нопредикат белгиларга ажратиб, нопредикат белгилар нарса номи, предикат белги эса ситуация номи эканини айтади.

Юқорида таъкидланганидек, гапнинг уч юздан ортиқ ранг-баранг таърифлари унинг мураккаб структура эканидан далолат беради. Уларда гапнинг турли қирралари (аспектлари) асосга олинади: синтагматик аспект (Тенъер асоси), номинатив аспект (Богданов асоси), мантиқий аспект (Буслаев асоси), морфологик аспект (Фортунатов асоси), коммуникатив аспект ва ҳ.к.

Гапнинг ҳар бир аспекти ўзаро боғланиб, бир бутунликни ҳосил қилади, яъни ҳар бир аспект бир бутуннинг маълум элементларидир. Бу аспектларнинг бири иккинчисисиз мавжуд бўлмайди. Жумладан, фақат синтагматиканинг ўзи гапни шакллантиролмайди. Чунки, биринчидан, синтагматик муносабатдаги элементлар бутунлиги гап бўлмаслиги ҳам

мумкин (*менинг китобим, ширин қовун* ва бошқалар), иккинчидан, гап биргина сегментдан иборат бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун Э.Бенвенист гап учун белги микдорининг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, бир белгининг ўзи ҳам гап бўлиши мумкин дейди.

Ҳар бир гап объектив реалликдаги маълум ситуацияни акс эттиради. Гапда акс этган ситуация пропозиция ҳисобланади. Шунинг учун гап пропозитив номинация (пропозиция номи) саналиб, лексик номинация (предикат номи)га қарама-қарши қўйилади. Пропозитив номинация билан лексик номинация ўртасидаги дифференциал белги конкретлик ва абстрактлик (умумийлик)дир. Ҳатто биргина сўз шакл конкрет предмет (нарсa ёки ҳодиса) номини ифодалаб, лексик номинант, пропозиция (ситуация) номини ифодалаб, пропозитив номинант бўлиши мумкин. Масалан, *ёнгин* сўз шаклининг денотати (референти) конкрет предикат (ҳодиса) бўлса, лексик номинант, абстрактлашган ситуация бўлса, пропозитив номинант ҳисобланади.

Г.Золотова синтаксис учун от (имена) синфининг конкрет-предметлик маъноси билан умумлашган маъноси ёки предмет семантикали сўзлар билан пропозитив (воқеа, белги) семантикали сўзларнинг қарама-қаршилиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кўрсатади.<sup>1</sup>

Хуллас, номинатив гаплар предметларни бевосита атаб, конкрет предметлик маъносидан маҳрум бўлади. Предмет номини билдирган от гапга айланиб, предмет номилиқдан унинг хусусияти номига айланади. Денотати предметликни йўқотади, «нарсa»нинг белги ёрдамчилигидан маҳрум бўлади.<sup>2</sup>

Ҳар қандай гап албатта маълум ситуацияни акс эттиради. Демак, ҳар гапда пропозитив структура мавжуд. Лекин маълум ситуацияни (пропозицияни) ифодаловчи ҳар қандай синтактик конструкция гап бўлавермайди. Пропозиция гапдан ташқари бошқа синтактик конструкциялар – оборотлар орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Бу нарсa гаплар номинализация йўли билан трансформация қилинганда яққол кўзга ташланади. От позициясига трансформацияланган ҳар қандай гапда коммуникатив автономлик хусусияти йўқолади: тема-ремаларга бўлиниш бўлмайди. Аммо номинатив мазмуни сақланиб қолади. Солиштиринг:

*Бола китоб ўқияпти → Боланинг китоб ўқиши*

*Машинани тез ҳайдаш хавфли → Машинани тез ҳайдашнинг хавфлилиги*

*Унинг кўзи чиройли → Унинг кўзининг чиройлилиги*

Қиёсланаётган конструкцияларнинг семантик яқинлигига асос бўлаётган структур белги уларнинг ядро элементлари умумийлигидадир. Транспозиция жараёнида коммуникатив бирлик сифатидаги гапнинг марказий элементи – кесими номинатив бирликнинг ядросига айланади.<sup>3</sup>

Демак, пропозитив структура гапнинг зарурий белгиси бўлса-да, аммо уни бошқа синтактик бирликлардан фарқлайдиган категориал дифференциал белгиси эмас.

Сўз ёки сўзларни нима нисбий тугалланган гапга айлантиради? Қайси моментлар гапнинг конститутив моменти ҳисобланади? «Бу саволларга

жавоб бериш учун, – дейди А.И.Смирницкий, – таркибида бир хил лексик бирликлар мавжуд гап ва гап бўлмаган бошқа синтактик конструкцияларни солиштириш керак. Масалан, *доктор келди ва докторнинг келиши*».<sup>1</sup> Ҳар икки ҳолда ҳам бир хил пропозиция ифодаланган: ҳар икки конструкцияда ҳам бир хил субъект (доктор) ва унинг бир хил ҳаракати ҳақида гап боради. Шунга қарамай, мазкур икки конструкция ўртасида муҳим принципиал фарқ бор: бу икки конструкциянинг фақат биринчиси маълум актуал мазмунга эга бўлган қандайдир реал факт ҳақида маълумот беради.

Дарҳақиқат, фақат биринчи конструкциягина *докторнинг келгани* ҳақиқий реал фактлигини, ўтган замонда рўёбга чиққанини, рўёбга чиққани аниқлигини ифодалай олади. Аксинча, иккинчи конструкциядан ифодаланган ситуация (*докторнинг келиши*) тингловчига тушунарли бўлса ҳам, аммо бу ситуациянинг реаллиги ёки истаклиги, зарурлиги ёки мумкинлиги, ҳозирги замонга ёки келаси замонга оидлиги маълум эмас. Бу икки конструкция ўртасидаги юқоридаги фарқли томонларни уларни ташкил этган лексик элементлардан чиқариб бўлмайди. Чунки ҳар икки конструкциянинг лексик элементлари бир хил. Бу эса улар ўртасидаги фарқ грамматик жиҳатдан эканини кўрсатади.

Ҳақиқатан ҳам, икки конструкция ўзаро қиёсланганда, биринчиси иккинчисидан фарқли равишда замонга муносабатни, унинг реал ёки нореаллигини синтактик конструкциядан англашилган ситуациянинг борлиқда муносабатини ифодалайди.

Шундай қилиб, иккинчи конструкцияда биринчи конструкциядан англашилган умумий мазмунга грамматик момент деб ажратиладиган яна бир момент қўшилади. Синтактик конструкциянинг объектив борлиққа муносабати унинг грамматик тугаллигини кўрсатади. Шунинг учун ҳар бир синтактик конструкциянинг объектив борлиққа муносабати унинг асосий белгиси ҳисобланади.<sup>2</sup> А.С.Смирницкий синтактик конструкциядан англашилган ситуациянинг реаликка муносабатини предикация ҳисоблайди.

Э.Бенвенист ҳам предикативлик фақат гапга хос эканини, шунинг учун бу гапни бошқа синтактик бирликлардан фарқловчи асосий белги эканини, гапнинг бошқа барча белгилари предикатга нисбатан иккиламчи хусусиятга эгаллигини кўрсатади.<sup>3</sup> У гап таркибига кирадиган белгилар миқдорининг предикативлик учун ҳеч қандай роли йўқлигини, фақат бир белги ҳам предикативликни ифодалаш учун етарлилигини уқтиради. Предикат субъектни ҳам кўрсатиб тургани учун шу бўлакнинг ўзи гап учун кифоя дейди.

Предикативликнинг қандай категория эканига икки хил қараш мавжуд. Кўпчилик тилшунослар предикативлик грамматик категория деб ҳисобласалар, айрим тилшунослар предикативлик гарчи грамматик воситалар ёрдами билан шаклланса ҳам, аммо у семантик категориядир дейди.<sup>1</sup>

**Предикативлик.** Ҳозирги синтактик назарияларда гапнинг бошқа тил бирликларидан асосий фарқи, яъни гапни гап қилиб турган асосий белги

предикативлик саналади. Аммо мазкур ҳодисанинг моҳияти масаласи шу кунга қадар мунозарали. Предикативлик ўзи нима?

Унинг структураси қандай элементлардан иборат? Бу саволларга тилшуносларда бир хил жавоб йўқ. Предикативлик структураси масаласи унинг моҳияти масаласи билан боғлиқ. Шунинг учун, аввало, предикативликнинг моҳияти масаласини, яъни унинг ўзи нима эканини ҳал қилиб олишга тўғри келади. Унинг структураси ҳам шу масала асосида очила боради.

Предикативлик тушунчасини аниқлашга икки хил ёндашиш, бу ҳодисанинг моҳиятига икки хил қараш мавжуд. Биринчи нуқтаи назарга кўра, гапни шакллантириш хусусиятига эга предикативликнинг умумий мазмуни ва вазифаси гап мазмунининг объектив борлиққа муносабатини ифодалашдан иборатдир. Биринчи нуқтаи назар, айниқса, «Грамматика русского языка»да аниқ ифодасини топди.<sup>2</sup>

Иккинчи нуқтаи назарга кўра, гапнинг бош бўлаклари – эга ва кесим ўртасидаги муносабат предикативлик (предикатив муносабат) ҳисобланади.

Предикативлик назарияси гапни гап қиладиган асосий белги нима, яъни қандай факторлар сабабли гап маълум ахборотни ифодалаб, коммуникация воситасига айланади каби масалаларнинг қўлланишидан ривожлана бошлади. Бу саволларга мантиқий категорияларга қиёсан жавоб берилди.

Предикативлик моҳияти ҳақида М.И.Стеблин-Каменский: «Бу мазмунига кўра мантиқдаги субъект ва предикат ўртасидаги муносабатнинг ўзидир»<sup>1</sup>, – дейди. Логизм оқимининг қарашларига кўра, ҳар бир гап маълум бир ҳукмни ифодалайди. Предикация ҳодисаси фақат гап асосинигина эмас, балки ҳукм асосини ҳам ташкил этади.

Традицион мантиқ ҳукмнинг атрибутив характеридан келиб чиқади. Бунга кўра, ҳукм структураси доимо субъект ва предикатдан ташкил топади. Унинг формуласи:  $S + P$  дир ёки  $S + P$  эмас. Шунга мувофиқ, ҳукм элементлари – субъект (предикат ҳақидаги тушунча) ва предикат (белги ҳақидаги тушунча)га аналогия йўли билан эга ва кесим гапнинг асоси деб қаралади.

Уларнинг биринчиси субстантив сўзлар, иккинчиси акцидент сўзлар ҳисобланади. Натижада бош бўлақлардан бири қатнашмаган жуда кўп гаплар назардан четда қолди. Мазкур камчиликни сезган А.А.Шахматов юқоридагидек мантиқий схемадан қочишга уринди. У Ғарбий Европа тилшунослигида майдонга келган психологик коммуникация таълимотини қўллаб-қувватлади ва ривожлантирди. Предикативлик ўрнига предикатив муносабат терминини қўллайди.

А.А.Шахматов коммуникацияни икки тасаввурнинг ўзаро боғланиши дейди. Бу икки тасаввурнинг бири тобе, иккинчиси ҳоким – ҳоким тасаввур психологик субъект, тобе тасаввур эса психологик предикат ҳисобланади. Муаллифнинг фикрича, психологик субъект билан психологик предикат ўзаро боғланиб, предикатив муносабатни ҳосил қилади.<sup>2</sup>

Бу концепцияга кўра, икки составли гапларда ҳукм структураси билан коммуникация структураси бир-бирига мувофиқ келади. Психологик

коммуникациянинг ҳукмдан фарқи классик мантиқ нуқтаи назаридан бўлакларга бўлинмайдиган бир составли гаплар материалларида намоён бўлади. Мантикий субъект ва предикатларга ажратиб бўлмайдиган *Зерикарли*, *Илтимос қиламан* типдаги конструкцияларда психологик субъект ва психологик предикат бир аъзода мужассамлигини, *Зерикарлида* субъект *зерикарлилиқ* ҳақидаги тасаввур, предикат эса унинг мавжудлиги ҳақидаги тасаввур экани; *Илтимос қиламан* конструкциясида 1-шахс ҳақидаги тасаввур субъект, унинг ҳаракати предикат эканини кўрсатади.

Акад. А.Шахматов натижада бир составли гаплар назариясини ишлаб чиқди.

Психологик оқим вакиллари предикативликнинг ифодаланишини шахсли феъл билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганиб, унинг грамматик аспектига аниқлик киритдилар. Бу концепция вакиллари ҳар қандай шахсли феълга гапни белгилашдаги асосий момент сифатида қарадилар. Жумладан, А.А.Потемня ҳам Ғарбий Европа лингвистлари ва файласуфлари ишларига таяниб ҳар қандай феъл мазмунида шахс маъноси ҳам акс этади дейди. Шунинг учун у ҳар қандай соф феълни минимал гап ҳисоблайди.<sup>1</sup>

Шундай қилиб, синтактик назарияда веброцентриқ йўналиш вужудга келди. Бу йўналиш, айниқса, А.М.Пешковский асарида ёрқин ўз аксини топди. У гапнинг характерли белгисини «кесимлик» деб ҳисоблайди ва феълда алоҳида фикрни сезамиз дейди. Унинг фикрича, кесимлик грамматик категория, категория бўлганда ҳам, энг муҳим категория бўлиб, унда нутқ билан фикр қоришиб кетади.<sup>2</sup>

А.М.Пешковский кесимлик феъллик асосига қурилишини айтади. Кесимлик категорияси кесимнинг турли шакллари хусусиятлари (функциялари) йиғиндиси сифатида вужудга келади. Шу билан бирга, у предикативлик терминидан ҳам воз кечмайди. Предикативликка эга билан кесимнинг муносабати сифатида қарайди. Умуман, А.М.Пешковский янги бир предикатив назарияни ишлаб чиққани йўқ, у ўзининг диққатини предикатив муносабатнинг бир томонига – кесимнинг алоҳида функциясига қаратди.

Предикативликка мантикий нуқтаи назардан ёндашишга В.В.Виноградов биринчи мартаба чек қўйди. У предикативликни фақат гап бўлаклари ўртасидаги предикатив алоқа билан боғлиқ эмаслигини, у айрим бўлакларга бўлинмай, бутун бир гапга хос бўлишини кўрсатди. *Жим! Иссиқ!* типдаги синтактик конструкцияларда ҳам предикативлик мавжудлигини, бундай типдаги гапларда модаллик замон ва шахс синтактик категориялари орқали ифодаланишини баён қилади.<sup>3</sup>

Н.Ю.Шведова предикативлик ҳар бир гапда мавжуд бўлишини ва у гапнинг грамматик маъноси эканини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, предикативлик гапнинг системасидаги қисмларга ажралмайдиган грамматик маънодир. У гапда баён қилинаётган мазмуннинг борлиқ билан муносабатини белгилайди.

Шундай қилиб, предикативликка мантикий нуқтаи назардан ёндашиш (предикативликнинг анъанавий талқини)дан фарқли равишда грамматик

нуқтаи назардан ёндашиш вужудга келди. Буни қуйидаги мисолда кўрсатиш мумкин: «*Куюш чиқди*» гапида предикативлик традицион нуқтаи назардан икки лексик элементнинг – «куюш» ва «чиқди»нинг ўзаро муносабати асосида келиб чиқади. Предикативликка янги грамматик нуқтаи назардан қараш бўйича эса у икки лексик элементнинг ўзаро муносабатидан эмас, балки юқоридаги гап таркибидаги грамматик категориялар – аниқлик майли, ўтган замон, 3-шахс шакллари орқали ифодаланган.

Ўтган асрнинг ярмига қадар Фарбий Европа тилшунослигида ҳукм сурган гап структурасига мантиқий ёндашиш концепцияси рус тилшунослиги орқали туркологияга ҳам кириб келди. Туркий тилларда ҳам ҳукм элементлари субъект ва предикатларга аналогик равишда бош бўлақлар ҳар қандай гапнинг асосини ташкил этади деб ҳисобланди. Ҳар қандай гап бош бўлақларнинг муносабатига қараб белгиланди. Натижада туркий тилларнинг ўзига хос томонлари очилмай қолди. Туркий тиллар синтактик назарияларида назарий фикрлар билан мавжуд конкрет синтактик конструкцияларнинг хусусиятлари ўртасида турли хил зиддиятлар вужудга келди.

Дарҳақиқат, жаҳон тилларида синтактик конструкцияларнинг икки аъзоли-бир аъзолилиги бир хил эмас. Айрим тилларда гаплар албатта икки аъзоли бўлади (немис, инглиз, француз тилларида). Бошқа тилларда эса гапнинг кесими кесимлик шаклига эга бўлганда эга доимо факультатив хусусиятга эга бўлади (туркий тиллар). Рус тили бу нуқтаи назардан оралик ўринни эгаллайди. Шунинг учун И.Сизов у ёки бу тиллардаги конкрет гап тилларининг таҳлили икки составли гапнинг зарурий белгиси деган тезиснинг нотўғри эканини кўрсатади.<sup>1</sup>

А.А.Холодович ҳам репрезентативлик белгисига кўра фақат кесим гап таркибида етакчи ўрин эгаллашини, гапнинг бошқа бўлақлари кесимнинг актант ва сирконстантлари сифатида функционаллашини кўрсатади. Тилшуносликка узоқ давр ҳукм сурган бош бўлақларнинг (эга ва кесим) коллатераллиги ҳақидаги фикр шаклий мантиқнинг меросидир дейди.<sup>1</sup>

А.А.Холодовичнинг мазкур концепцияси XIX аср охири – XX аср бошларида вужудга келган муносабат мантиқига мувофиқ келади. Муносабат мантиқига кўра, содда ҳукм асосини маълум бир муносабат билан боғланган субстанциялар йиғиндиси ташкил этади. Бундай ҳукмнинг формуласи **a R b**, **c** ишоралари билан белгиланади. Бунда R – муносабатни билдирувчи предикат; **a**, **b**, **c** – субъект ёки объектларни ифодалаб, аргументлар ёки предикат отлар ҳисобланади.

Бошқача қилиб айтганда, муносабат мантиқига биноан, ҳар қандай содда ҳукм предикат ва унинг аргументлари йиғиндисидан иборат. Предикат аргументлар қабул қилиш имкониятига кўра бир ўринли (валентли) – **a R** ва кўп ўринли – **a R b**, **c** бўлиши мумкин.

Муносабат мантиқига асосланган грамматик назарияларда муносабатни ифодаловчи феъл кесим гапнинг бош бўлаги, эга ва тўлдирувчи эса унга бўйсунувчи бўлақлар ҳисобланади. Француз тилшунослигида тўлдирувчи ва эга актантлар номи билан юритилади.



Туркий тилларда кесим гап таркибида етакчи роль ўйнайди. Шунинг учун ҳар қандай гапда таянч бўлак кесим бўлиши керак. Чунки туркий тилларда кесимлик шаклида доимо белгини ташувчи шахс акс этади (аксарият ҳолларда сон ҳам). Бу, айниқса, эга кишилиқ олмошларидан ифодаланганда яққол кўзга ташланади. Ўзбек тилида *келди* сўз шаклида белги ташувчиси бўлган 3-шахс бирликдаги *-ди* субъектни кўрсатиб туради. Эксплицит эга эса фақат лексик (семантик) жиҳатдан шу субъектга аниқлик киритади, холос: *Карим келди*. Фақат актив конструкциядан трансформация қилинган пассив конструкциялардагина эга баъзан зарурий элемент бўлади. Масалан: *Уйни қурди – Уй қурилди*.

Демак, туркий тиллар учун эга гапнинг зарурий элементи эмас. Ҳозирги кунгача мавжуд лингвистик адабиётларда предикативлик компонентлари масаласида ҳам бир хиллик йўқ: модаллик, шахс, замон маъноларини ифодаловчи шакллар йиғиндиси (В.Виноградов), шахс (сон), замон, майл маъноларини ифодаловчи шакллар йиғиндиси (М.З.Закиев), объектив модаллик (реаллик-ирреаллик), замон маъноларини ифодаловчи шакллар системаси (Н.Ю.Шведова), замон майл категориялари йиғиндиси (шахс категорияси предикацияга кириши мумкин, аммо шарт эмас (А.А.Реформатский), замон (модаллик) категориялари базасида предикация ифодалашда қатнашади (Смирницкий) ва ҳ.к.

Ҳар қандай тилда гап систем-структур қараш нуқтаи назаридан системадир<sup>1</sup>. Ҳар қандай система маълум элементлар муносабатидан ташкил топган бутунлик саналади. Шу нуқтаи назардан предикативлик ҳам система ҳисобланиб, шахс (сон), замон, майл, тасдиқ-инкор маъноларини ифодаловчи шакл муносабатидан ташкил топади. Демак, предикатив маъно ва уни ифодаловчи шаклларга эга ҳар қандай бирлик минимал гап ҳисобланади.

Тилшуносликда гап мақомини белгилашда кўпинча тил ва нутқ ходисалари дифференциация қилинмайди. Гапга таъриф беришда кўпроқ нутқий томонига (коммуникатив бутунлик, интонацион тугаллик) эътибор берилади. Шўролар тилшунослигида кенг тарқалган В.В.Виноградов таърифи ҳам гапнинг нутқий томонини ўз ичига олади. Унинг фикрича, *маълум тилнинг грамматик қонун-қоидалари асосида шаклланган нутқнинг бир бутун бирлиги бўлиб, фикрни шакллантирувчи, ифодаловчи ва баён қилувчи асосий воситадир*.<sup>2</sup>

Рус тилшунослигида биринчи марта А.М.Пешковский потенциал грамматик бирлик сифатида гапни ва интонацион нутқий бирлик сифатида фразани фарқлади.<sup>3</sup> Шу билан бирга, интонация унинг концепциясида предикативликнинг ифодаланиш шакли сифатида гапнинг конститутив факторларидан бири ҳисобланади. Олимнинг фикрича, гап фақат актуал бирликкина эмас, балки потенциал бирлик ҳамдир.

Тил иерархиясидаги ҳар бир сатҳнинг бирлиги тил (умумлашган бирлик) ва нутқ (конкрет бирлик) бирликларига бўлинганидек, синтактик сатҳнинг бирлиги бўлган гап ҳам тил ва нутқ бирликларига бўлиниши керак.

Дастлаб Қозон тилшунослик мактабида (Бодуэн де Куртенэ, Э.Богородицкий ва бошқ.) ажратилган мазкур икки бирлик чет эл ва рус

тилшунослигида А.Сеше, В.Матеизиус, Н.Ю.Шведова, И.Л.Распопов, В.Г.Адмони, Ю.С.Степанов, О.И.Москальская, Е.И.Кокориналар томонидан аниқ чегараланган. Уларнинг ишларида тил бирлиги сифатида модел ёки структур схема ва нутқ бирлиги сифатида унинг конкрет нутқий кўринишлари ажратилади.

Рус тилшунослигида бу икки ҳодиса икки термин билан дифференциацияланади: тил бирлиги учун структур схема, гап (предложение), нутқ бирлиги учун жумла (высказывание). Структур схема ёки гап гапнинг типиклаштирилган грамматик шакли (О.И.Москальская), жумла эса унинг ситуатив боғланган нутқий кўринишидир.

Биз гап, гап модели ёки структур схема (тил бирлиги учун) ва жумла (нутқ бирлиги учун) терминларини маъқуллаймиз. Жумланинг тилда махсус структур схемалари мавжуд бўлиб, структур схемалари аниқ саналиш ва тасвирланиш хусусиятига эга (яъни ёпиқ рўйхатни ташкил этади), жумланинг эса жуда кенг манифестацияланиш имконияти мавжуд. Структур схема конкрет жумлалар репрезентацияси (гавдаланиши), жумла эса шу структур схеманинг нутқда турлича манифестацияси (намойиши).

Структур схема яшаш шаклига кўра социал, жумла эса индивидуал хусусиятга эга. Актуал (коммуникатив), интонацион структуралар фақат жумла учун хос. Гап ёки структур схема бир ёки бир неча сўз шаклларида ташкил топган, грамматик шаклланган предикатив бирликнинг умумлашган намунаси (Шведова).

Демак предикативлик ҳар қандай гапнинг зарурий элементи, категориал маъноси<sup>1</sup>, конститутив белгисидир.<sup>2</sup> Предикативликни ташувчи асосий элемент кесимдир.

Туркий тилларда предикативлик (кесимлик) категориясидаги сўз шакл ва уни кенгайтирувчилар гапни ҳосил қилади. Гапнинг кесимлик (предикативлик) категорияси шаклининг кенгайишига таянилган мазкур таърифи конкрет, бир белгилidir. Бу эса формал мантикнинг тушунчаларни бўлиш принципига ҳам тўла мос келади.

Гапнинг юқоридаги таърифи тил сатҳидаги гап статуси маълум предикативлик (кесимлик) шаклини олган (шартли P<sub>m</sub>) ҳар қандай мустақил сўздир. Демак, тил сатҳидаги минимал гап модели WP<sub>m</sub> дир. Предикативлик категорияси тасдиқ (Neg)<sup>1</sup>, модаллик (Mod), замон (шартли Temp), шахс (сон) (шартли Pers) маъноларининг синтездан иборат. Юқоридаги ҳар қайси маъно ва шакллар ўзларининг ядро категорияларига ҳам эга бўлиб, предикативликдан ташқари мустақил ишлатилиши ҳам мумкин.<sup>2</sup> Масалан, айтилмаган сўз инкор (Neg), замон (Temp) маънолари ва бу маъноларни ифодаладиган формантлар мавжуд. Аммо модаллик (Mod); пресоналлик (Pers) маънолари ва бу маъноларни ифодаладиган формантлар мавжуд эмас. Шунинг учун *айтилмаган сўз* предикатив бирлик сифатида шаклланолмаган.

Шундай қилиб, предикативлик (кесимлик) шакли тасдиқ (инкор), (модаллик) майл, замон ва шахс-сон шакл ва маъноларининг синтездан ҳосил бўлади.

Предикативликнинг шаклланиши туркий тилларда хилма-хил. Бир материал ифодаланган кўрсаткич ёрдамида синтезланган ҳолда ифодаланиши мумкин. Масалан, ўзбек тилида *ёз-ай* тасдиқ (Porit), буйруқ майли (Mod), келаси замон (Temp), 1-шахс (Pers), *студент-ман* тасдиқ (Porit), аниқлик (Mod), ҳозирги замон (Temp), 1-шахс (Pers) ва ҳ.к.

Ҳар бир предикатив маъно компоненти алоҳида-алоҳида ифодаланиши мумкин. Масалан, ўзбек тилида *ёзма-са* (й)-ди -нг из икки қисмдан – ўзак *ёз* ва бешта предикативлик формасини ҳосил қилувчи формал кўрсаткичлардан: -ма (Neg), -са (Mod), -ди (Temp), -нг (Pers), -из (Pers//сон) иборат. Демак, бу сўз формаси ўзак *ёз* ва предикативлик (кесимлик) ҳосил қилувчи шакллардан (масайдингиз) ташкил топган.

Айрим предикативлик шакллари нол кўрсаткичга эга бўлиб, у парадигма ичида бошқа парадигма аъзоларининг маркерланишига қиёсан белгиланади.

Масалан:	<i>ёз - ай</i>	<i>ўқитувчи - ман</i>
<i>ёз -</i>	<i>ўқитувчи - сан</i>	
<i>ёз - син</i>	<i>ўқитувчи -</i>	

Предикативлик маъноси аналитик йўл билан ҳам ифодаланиши мумкин (составли кесимларда). Бу вақтда предикативлик концентрлашган бўлади. Масалан, *ўқитувчи эдинг, кўрган бўлардинг* ва бошқ.

Предикативлик ифодаланишининг шаклий усулларини синтезлашган, алоҳида, аналитик, нол ва бошқа бўлиниши, биринчидан, формал, иккинчидан, шартли характерга эга бўлиб, кўп ҳолларда юқоридаги усуллар аралаш ҳолда ҳам ишлатилиши мумкин.

Шундай қилиб, предикативлик гапнинг асосий конститутив белгиси, категориал маъноси бўлиб, кесимда акс этади. Кесимнинг грамматик маънолари феълнинг морфологик категорияларига таянади. Аммо у билан айнан бир хил эмас. Жумладан, темпораллик фақат феълнинг замон шакллари орқалигина эмас, бошқа воситалар орқали ҳам ифодаланади. Масалан, *Талабаман*. Ёки феълнинг ҳар қандай замон шакллари ҳам предикативликнинг темпораллик категориясини ифодалашда қатнашавермайди. Масалан, морфологик сифатдош замон маъноси ва уни ифодаловчи шаклга эга бўлса-да, аммо у кесимнинг темпораллигини ифодалашда иштирок этмайди (чунки сифатдош феълнинг предикатив бўлмаган шакли). Демак, темпораллик синтактик категория бўлиб, белгининг нутқ моментига муносабатини ифодалайди.<sup>1</sup>

Хуллас, предикативлик тасдиқ (инкор, модаллик) майл, замон, шахс-сон категориялари синтездан иборат. Бу нисбатан мустақил бўлган тўрт категориянинг битта сўзшаклда синтезланиши туркий тилларда сифат жиҳатдан янги категорияни – синтактик функцияси гап қуришдан иборат предикативлик категориясини ҳосил қилади.

Гапнинг предикативлик белгиси  $WP_m$  фақат содда гаплар учунгина эмас, балки қўшма гап компонентлари учун ҳам хосдир. Қўшма гапни ташкил

этган ҳар бир компонент  $WP_m$  лик хусусиятини сақлаган бўлиши керак. Демак, минимал қўшма гапларнинг структур схемаси  $WP_m + WP_m$  дир.

Ҳозирги туркий тиллар грамматикаларида, хусусан, ўзбек тили грамматикасида эргашган қўшма гап деб ҳисобланиб келаётган жуда кўп гапларнинг эргаш гап компоненти гапнинг юқоридаги талабига жавоб бермайди. Шунинг учун А.Н.Кононов туркий тилларда қўшма гап шу вақтга қадар ҳамма эътироф қиладиган мақбул бир ўлчовга эга эмас, дейди.<sup>2</sup>

### Синтактик алоқалар

Анъанага кўра, эга билан кесим гапнинг структур асосини ташкил қилади. Эга билан кесим муносабати минимал гап ҳисобланади. Қолган бўлақлар эса мазкур икки бўлақдан бирига боғланиб, гапни ёйиқ тусга киритади. Шунга мувофиқ, синтактик муносабатлар иерархияси икки даража (сатх)га ажратилади:

Предикатив алоқа ёки гапнинг структур асоси (эга ва кесим муносабати).  
Нопредикатив алоқа ёки сўз бирикмалари.

Сўз бирикмаси сатҳида синтактик алоқалар, ўз навбатида, уч гуруҳга: атрибутив, объектив ва релятив бирикмаларга бўлинади. Ҳозирги тилшуносликда гап бўлақлари иерархиясида фақат кесимнинг энг муҳим, биринчи даражали бўлақ, гапнинг структур асоси, конститутив бирлиги, қолган бўлақларнинг эса (синтактик бирликларнинг) унинг аргументлари (актантлари) ҳисобланиши гапни ташкил этган синтактик элементлар ўртасидаги синтактик алоқалар характерига ҳам таъсир қилади.

Ҳар қандай гап предикат ва унинг аргументлари (актантлари) муносабати бирлиги сифатида қаралар экан, предикат ва унинг аргументлари (актантлари) ўртасидаги синтактик муносабатлар тушунчаси ҳозирги тилшуносликда морфологик муносабатлар (мослашув, бошқарув, битишув) таҳлили орқали эмас, балки валентлик тушунчаси орқали белгиланади. Синтактик алоқа реаллашган валентлик сифатида қаралади.<sup>3</sup>

Кейинги йилларда валентлик назарияси ўзининг муаммолари ва терминологияси билан алоҳида тилшунослик соҳаси сифатида ажрала бошлади. «Валентлик» термини рус ва ғарб тилшунослигида бир вақтда майдонга келди. Бу термин 1948 йили С.Д.Кацнельсон томонидан «Грамматик категориялар ҳақида» асарида қўлланилди. Олим сўзнинг гапда маълум тарзда реаллашиши ва бошқа сўз билан маълум комбинацияга киришиши хусусиятини синтактик валентлик ҳисоблайди.<sup>1</sup>

С.Д.Кацнельсон билан деярли бир вақтда, аммо ўзи мустақил равишда француз тилшуноси Л.Теньер ҳам XX аср 50-йиллари бошларида тобелик грамматикаси (грамматика зависимостей) доирасида валентлик назариясини ишлаб чиқди. Л.Теньернинг мазкур назарияси жаҳон тилшунослигига кенг тарқалди ва янги-янги тадқиқотларнинг вужудга келишига туртки берди. Ҳозирги кунда валентлик масаласи билан бир қатор мамлакат лингвистлари шуғулланмоқдалар.<sup>2</sup>

Лингвистлар томонидан «валентлик» термини фақат сўзларгагина эмас, балки морфема, сўз ясаши ва гапларга нисбатан ҳам қўлланилмоқда: морфема валентлиги («ички валентлик»), гап валентлиги ва бошқ.<sup>3</sup>

Л.Теньер грамматикасида гапни структур жихатдан таҳлил қилиш жараёнида гапнинг структур асоси сифатида феълга таянилади.

Феъл валентлиги назарияси гапнинг вербоцентрик назарияси натижасидир. Бунга кўра, гап структурасини предикат (кўп ҳолларда феълдан ифодаланган) белгилайди ва у ўзига мувофиқ категориал белгиларга ўрин очади. Гапнинг барча компонентлари феъл-предикат валентлигига муносабатига кўра унга боғлиқ (тобе) компонентларга (улар турли терминлар билан номланади: актантлар, аргументлар, тўлдирувчилар, партнерлар, комплементлар ва бошқ.) ва эркин компонентларга (улар ҳам турлича номланади: сирконстантлар, эркин кенгайтирувчилар, ҳоллар, адъюнктлар) бўлинади.

Валентлик назарияси жаҳон тилшунослигида кенг ёйилишига қарамай, ҳали унинг бир қатор чекланган томонлари бор эди. Хусусан, валентликни белгилашнинг аниқ ўлчови йўқ эди. Натижада бирикма таркибидаги тобе компонентнинг ҳоким компонентга валентлик асосида боғлангани ёки эркин боғланганини чегаралаш қийин бўлди. Кузатишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, айрим сўзлар ўз қуршовида «очик ўрин»га эга бўлсалар ҳам, аммо маълум шарт-шароитларда унинг тўлдирилиши талаб этилмайди. Шунинг учун маълум мезонлар асосида облигатор ва факультатив валентликларни чегаралаш зарурати туғилди. Натижада 60-йилларда валентлик назарияси бўйича яна кенг мунозара бошланиб кетди. Мунозара, энг аввало, валентлик назариясининг марказий масаласига – валентликнинг бир сатҳ доирасидаги ва сатҳлараро муносабатларига қаратилди.

Валентлик назариясининг мукаммаллашишида Г.Хелбиг катта роль ўйнади. У немис тили материаллари асосида феълнинг валентлик моделларини ишлаб чиқди ва «Немис тилидаги феъллар валентликлари ва дистрибуцияси луғати»ни тузди.

Бу моделлар дастлаб фақат бир сўз туркуми – феъл асосида белгиланган бўлса, XX асрнинг 70-йилларида уни фақат феъл асосидагина эмас, балки бошқа сўзлар асосида ҳам белгилаш мумкинлиги ойдинлашди.

Дастлаб валентлик назариясида валентлик табиатини турлича ҳал қиладиган икки йўналиш – формал ва синтактик йўналиш ажралди. Кейинги даврларда мазкур икки йўналиш орасида ўзаро яқинлашиш, сўз шакл ва унинг лексик маъносининг валентликлари ўртасидаги муносабат мавжудлигига эътибор берилляпти.

Шунга қарамай, бу муносабатнинг характери турлича баҳоланмоқда. Натижада валентликнинг кўп сатҳлилиги ҳақидаги тушунча майдонга келди. Хусусан, Г.Хельбиг логик-грамматик (логик), семантик ва синтактик валентликларга ажратади. Олимнинг фикрига кўра, логик валентлик – бу тушунчалар мазмуни (понятные содержания) ўртасидаги тилдан ташқаридаги (экстралингвистик) муносабатлар; семантик валентлик – семантик компонентларнинг (семаларнинг) боғланиш имконияти; синтактик

валентлик маълум тур ва соннинг маълум бир тилда фарқ қиладиган очик позицияларининг облигатор ва факультатив тўлдирилишидир.

Г.Хельбиг валентлик сатҳларининг автономлигини таъкидлайди. Логик-семантик валентлик синтактик валентликни фақат олдиндан белгилайди, аммо ҳеч қачон уни тамоман белгиламайди.<sup>1</sup>

С.Д.Кацнельсон мазмуний валентлик (содержательная валентность) ва шаклий (формал) валентликка ажратади. Мазмуний валентликни универсалияга киритади. Шаклий (формал) валентлик конкрет тиллардаги предикат аргументларининг ифодаланиш форма ва усуллари эканини кўрсатади. Логик-семантик (мазмуний) валентлик формал логиканинг термини (предикат-аргумент структура сифатида) орқали изоҳланади.

Ҳозирги кунда кўпроқ синтактик (конфигурацион) валентлик ва семантик валентлик ажратилмоқда. Синтактик валентлик маълум мустақил сўзнинг бошқа мустақил сўз билан бирика олиш потенциясидир. У маълум синтактик алоқалар структур схемаси (конфигурацияси)да акс этади. Синтактик валентлик сўз маъноси билан боғланган, демак, у семантик валентлик билан чамбарчас боғлиқ. Семантик валентлик лексемалар ўртасидаги турли синтагматик муносабатларни кўрсатади. Масалан, ўзбек тилида *сайрамоқ* лексемаси «кушларнинг овоз чиқариши» маъносини ифодалайди. Бу семаси билан «одам» синфига кирувчи лексемалар билан ҳам боғлана олади. Бу сайрамоқ лексемасининг семантик валентликларидир.

Валентлик назариясининг марказий масаласи актантлар (шу жумладан, облигатор ва факультатив) ва эркин кенгайтирувчиларни ажратиш, уларнинг традицион гап бўлаклари билан муносабатини белгилаш масаласидир. Кўпчилик тилшунослар эга, тўлдирувчи ҳамда предикат маъноси тақозо этган айрим ҳолларни (предикат ҳаракат феълларидан бўлса, ўрин, пайт ҳолларини тақозо этади) аргументларга, бошқа барча ҳолларни эса эркин кенгайтирувчиларга киритади.

Ҳар қандай гап предикат ва унинг аргументлари муносабатининг грамматик жиҳатдан предикатив шаклда ифодаланиши экан, шу гапни ташкил этган синтактик элементлар ўртасидаги синтактик муносабатларни ҳам предикат асосида изоҳлаш керак. Уни қуйидагича кўрсатиш мумкин:

I. Предикат ва унинг актантлари:

1. Субъект-предикат муносабати ёки субъектли муносабат (мослашув йўли билан).

2. Объект-предикат муносабати ёки объектли муносабат (бошқарув йўли билан).

II. Предикат ва эркин кенгайтирувчилар муносабати:

Ҳолат-предикат муносабати ёки релятив муносабат (бошқарув ва битишув йўли билан).

## Гап структуралари

Юқорида айтилганидек, гап мураккаб структурадир. Ҳар бир гапнинг материал (шакл) томонидан ташқари, объектив мазмуни мавжуд. Масалан,

Репиннинг Иван Грозний шахзода Иванни ўлдиргани ҳақидаги полотносида тасвирланган воқеани сўзлар воситаси билан ифодалаб бериш керак бўлсин. Мусаввир мазкур вазиятнинг барча қирраларини бутун мураккаблиги билан (Иван Грознийнинг руҳий ҳолати, ташқи қиёфаси, Иваннинг қонга бўялган ҳолати, бу ердаги ташқи манзара ва бошқалар) айнан акс эттирган. Яъни объектив борликдаги шу ҳолатни бўёқлар ёрдамида қоғозга кўчирган. Сўзловчи эса воқеани ҳикоя қилиб беришда шу вазиятда иштирок этувчиларнинг қиёфалари, руҳий ҳолатлари, уларни қуршаб турган манзаранинг барча томонларини қамраб ололмайди ва буни мақсад қилмайди, балки информация учун энг муҳим элементларни – иштирокчиларни танлайди. Бу жиҳатдан сўзловчи натуралистик рассомга эмас, абстракционист рассомга яқинроқ келади. Сўзловчи нутқ адресатига содир бўлган воқеа ҳақида маълумот беришни мақсад қилиб қўяди, холос. Бу чекланган ахборот ҳам бир сўз билан ифодаланиши мумкин эмас. Шунинг учун сўзловчи шу тилнинг коди орқали бўлиш (ажратиш) мумкин бўлган фрагментларга ажратади. Шоҳ Иван томонидан бажарилган ҳаракатни номлаш учун сўзловчи *ўлдирмоқ* феълени ва бу ҳаракат билан боғлиқ субъектларни номлаш учун *Иван Грозний* ва *Шаҳзода Иван* отларини танлайди.

Шундай қилиб, автор ситуациянинг айрим фрагментлари информатив ҳажмини белгилайди ва хабар темасининг идентификациясини таъминлайди. Маълум валентликларга эга ҳар бир танланган сўзшакл бошқа сўзшакллар билан боғланиш имкониятига эга. Синтактик конструкциядаги сўзшакллар (актантлар) предикат валентликларининг манифестантларидир. Шунинг учун предикат ҳар қандай синтактик конструкциянинг ҳам семантик, ҳам грамматик маркази (таянчи) ҳисобланади. Юқоридаги ситуацияни ифодаловчи синтактик конструкцияни тузиш учун таянч *ўлдирмоқ* феъли ҳисобланади. Бу феъл валентликлари ҳаракатни бажарувчи шахс (агенс) номи ва агенс ҳаракатини ўзига қабул қилган объект (пациенс) номи билан боғланишга имконият очади. Сўзловчига фақат ситуация иштирокчилари номларини уларнинг диспозицияси воқеадаги ролларини тўғри акс эттирадиган қилиб жой-жойига қўйиш қолади, холос. Хуллас, жумлада фақат ситуация иштирокчилари ҳақида ахборот берилибгина қолмай, уларнинг муносабатлари ҳақида ҳам ахборот берилади. Бу ахборотларнинг жами воқеанинг умумий номинациясини ҳосил қилиб, жумла ифодаланиши ҳисобланади.

Ҳар бир тилда бир ситуациянинг бир неча номинация усуллари бўлиши мумкин. Масалан, Иван Грозний Шаҳзода Иванни ўлдирди (Шаҳзода Иван Иван Грозний томонидан ўлдирилди). Ҳар иккисид ҳам айнан бир хил ситуация ифодаланади. Аммо биринчисид сўзловчининг ниятига кўра информация темаси ҳаракат агенси бўлса (Иван Грозний), иккинчисид ҳаракатни ўзига қабул қилувчи объект (пациенс)дир (Шаҳзода Иван). Демак, сўзловчи маълум ситуацияни акс эттириш учун у ёки бу синтактик конструкцияни танлар экан, у орқали фақат реал ситуация структурасинигина эмас, балки ўзининг коммуникатив ниятини ҳам тўғри

ифодалашни ният қилади. Бу ҳар икки вазифа жумланинг синтагматик курилишида амалга ошади.

Кўриниб турибдики, синтагматик фаолият энг камида икки мақсадга – ситуация номинациясига ҳамда шу номинация элементларининг актуал бўлинишига – тема ва ремаларга ажратишга бўйсундирилган. Ситуацияни тўғри номлаш билан бирга сўзловчи бу номинацияни актуаллаштириши, ифодалашининг объектив борлиққа муносабатини билдириши лозим бўлади. Юқоридаги ситуацияда ахборот предмети нутқ моментиғача юз берган, юз бергани реал факт бўлгани учун сўзловчи феълнинг модал, замон парадигмасидан ўтган замон, аниқлик майлидаги *ўлдирди* феълени танлайди. Энди авторга юқоридаги *ўлдирди* сўзформаси асосида вужудга келган синтактик конструкциядан коммуникатив ниятни баён қилиш қолди. Сўзловчи содир бўлган воқеа ҳақида ахборот беришни ният қилар экан, гапнинг дарак формасидан фойдаланади: Иван Грозний Шаҳзода Иванни ўлдирди. Шу билан нутқий акт тугади. Унда бир қатор вазифалар: ситуация фрагментларини номлаш, уларни бир бутун воқеа номинациясига бирлаштириш, актуал бўлакларга – тема ва ремаларга ажратиш, ҳаракатнинг замон белгисига кўра нутқ моменти билан муносабатини белгилаш, модаллик белгисига кўра объектив воқеликка муносабатини ифодалаш, воқеа иштирокчилари билан коммуникация иштирокчилари ўртасидаги муносабатни белгилаш каби вазифалар бир вақтда амалга оширилади.

Хуллас, жумлани ҳосил қилиш жараёнида тилнинг бир қанча функционал механизмлари бир вақтда ҳаракатга келади: уларнинг бири ситуациянинг нутқий номинациясини таъминлайди, иккинчиси ахборот темасини аниқлашни мақсад қилиб қўяди, учинчиси номинация актуализациясига қаратилади, тўртинчиси коммуникация мақсадини кўрсатади. Жумла ҳосил қилишнинг барча функционал механизмлари иши ўзаро мувофиқлашган ҳолда содир бўлади. Шу билан бирга, бу механизмларнинг ҳар бири маълум автономликка ҳам эга. Демак, ҳар қандай жумла синтактик (формал), семантик, актуал, коммуникатив структураларнинг диалектик бирлигидан иборатдир.

### **Гапнинг синтактик структураси**

Ҳар бир гапда маълум объектив мазмун маълум материал воситалар – сўзлар воситасида ифодаланади. Гапнинг ана шу материал ифодаланиш томони унинг синтактик структураси ҳисобланади. Синтактик структурани ташкил этган элементлар тилшуносликда турлича терминлар билан юритилади: гап бўлаклари (традицион тилшуносликда), синтаксема (Мухин), синтактик форма (Г.Золотова) ва бошқ.

Гап бўлаклари концепцияси тилшуносликда XX аср ўрталарига қадар гапнинг синтактик таҳлилида етакчи роль ўйнади. Шунга қарамай, гап бўлаклари концепцияси ҳеч қачон бир хил бўлмаган. Бу масалага турлича қарашлар турли даврдагина эмас, балки бир даврнинг ўзида ҳам мавжуд бўлган.



Синтактик конструкцияларни гап бўлаклари асосида таҳлил қилувчи тилшунослар асосан бешта гап бўлаги: эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол ҳақида фикр юритадилар ва бу гап бўлаklarининг шу синтактик конструкцияни ташкил қилишдаги ролларига қараб икки рангга – даражага ажратадилар: бош ва иккинчи даражали бўлаklar. Аммо мавжуд лингвистик адабиётларда бош ва иккинчи даражали бўлаklarга ажратиш тамойиллари ҳам бир хил эмас. Шунинг учун қуйида гап бўлаклари ва уларни бош ва иккинчи даражали бўлаklarга ажратиш тамойиллари ҳақида тўхталамиз.

### **Гап бўлаклари иерархияси**

Традицион тилшуносликдаги гап бўлаklarига ва уларни бош ҳамда иккинчи даражали бўлаklarга ажратишда кузатиладиган хилма-хиллик бош ва иккинчи даражали бўлаklarга ажратишнинг объектив мезонларидан келиб чиқади. Бош ва иккинчи даражали бўлаklarнинг дифференциал белгиси сифатида уларнинг предикатив асосга кириш-кирмаслик, гапнинг конструктив ядросини ташкил этиш-этмаслик белгилари кўрсатилади.

Бош ва иккинчи даражали бўлаklarга ажратишнинг ҳар хиллиги, биринчи навбатда, тилшуносликдаги турли йўналишларда предикатив асосни хилма-хил тушуниш билан боғлиқ. Тилшуносликда предикатив асосни икки хил тушуниш гапнинг ҳам икки чўққили ва бир чўққили назариясининг вужудга келишига сабаб бўлди.

Атрибутив мантиқ таъсиридаги тилшунослар эга ва кесимни бош бўлаklar (гапнинг икки чўққили назарияси) қолган бўлаklarни иккинчи даражали бўлаklar ҳисоблайдилар. Бунда қуйидаги асосга таянадилар. Биринчидан, ҳар бир гапдан маълум ҳукм англашилади. Ҳукм доим икки элементнинг (субъект ва предикатнинг) муносабатидан иборат. Демак, ҳар қандай гапнинг структур асоси, конститутив бирликлари субъектга мос келадиган эга, предикатга мос келадиган кесимлардир. Қолган гап бўлаклари шу икки конститутив birlikдан бирига боғланиб, ахборот ҳажмини кенгайтиради. Эга ва кесим муносабатида эса эга кесимга нисбатан ҳокимдир. Чунки предикат субъектнинг белгисини билдирганидек, кесим ҳам эганинг белгисини билдиради. Шунинг учун эга гапда абсолют ҳоким бўлак ҳисобланади.

Иккинчидан, предикативлик, мазкур концепцияга кўра, предикатнинг субъект билан муносабати, грамматик планда эса кесимнинг эга билан муносабатидир. Гапнинг асосий белгиси предикативлик экан, предикатив асос бўлган эга ва кесим гапнинг конститутив birlikлари – бош бўлаклари бўлади.

Эга ва кесимни асосий (бош бўлак), қолган бўлаklarни эса факультатив (иккинчи даражали) бўлак ҳисоблаш гапнинг структур схемасини белгилашда ҳам асосий мезон ролини ўйнайди.

Гапнинг структур схемасини фақат грамматик тугалликка эга минимал birlik сифатида тушунувчи бир гуруҳ тилшунослар фикрига кўра, структур схема гапнинг предикатив минимумини ўз ичига олади. Предикатив

минимумни кўрсатувчи эга ва кесим гапнинг мажбурий аъзолари (облигатор бўлаклари), қолган бўлаklar эса конститутив бўлмаган бўлаklar ёки факультатив бўлаklarдир. Факультатив бўлаklar конститутив ёки облигатор бўлаklarдан бирига боғланиб, мазкур бўлакни маълум томондан изоҳлайди, унинг маъносини кенгайтиради. Шунинг учун бундай бўлаklar кенгайтирувчилар деб ҳам юритилади.

XIX аср ярмидан вужудга келган муносабат мантиғига кўра, ҳукм асосида фақат предикат туради. Муносабат мантиғи таъсирида тилшуносликда гапларнинг бир чўққили назарияси вужудга келди. Унга кўра, гапнинг конститутив элементи предикат, қолганлари шу предикат валентликларини реаллаштирувчи, грамматик жиҳатдан унга тобе бўлаklar – аргументлар ёки актантлар ҳисобланади. Эга ҳам предикат актанти сифатида ранг (даража) жиҳатдан тўлдирувчилар каторида туради.

«Гап» темасида кесимнинг гапда бош роль ўйнашини, шунинг учун туркий тилларда фақат кесимнинг ўзи гапнинг конститутив бирлиги эканини батафсил кўриб ўтдик. Демак, туркий тилларда кесим бош бўлак, қолган бўлаklar эса иккинчи даражали бўлаklar ҳисобланади.

### **Иккинчи даражали бўлаklar**

Анъанавий тилшуносликда иккинчи даражали бўлаklar масаласида яқдиллик йўқ. Бундаги ҳар хиллик ҳам иккинчи даражали бўлаklarга ажратишнинг объектив критерийлари хилма-хиллигидан келиб чиқади.

Иккинчи даражали бўлаklarга ажратишнинг объектив мезонлари XIX аср иккинчи ярмида Ф.И.Буслаев, А.А.Потебня ишларида олға сурилди. Бу олимлар томонидан белгиланган асосий принциплар Д.Н.Овсяннико-Куликовский, А.А.Шахматов, А.М.Пешковскийлар томонидан давом эттирилди. Юқоридаги барча тилшунослар онгли равишда ёки интуитив ҳолатда гап бўлаклари масаласида қуйидаги ҳолатдан келиб чиқдилар: гапнинг ҳар бир бўлаги маъно билан бирга материал субстратга, шаклга эга бўлиши керак; фақат шу материал субстратга эга бўлгандагина гап бўлаги объектив характер касб этади, тил фактига айланади.

Ф.И.Буслаев назариясига кўра, гапнинг иккинчи даражали бўлаklarини белгилашнинг объектив мезони гапдаги сўзларнинг боғланиш усулидир. Иккинчи даражали бўлаklarнинг уч хил боғланиш усули бор: мослашув йўли билан боғланган гап бўлаги, бошқарув йўли билан боғланган гап бўлаги, битишув йўли билан боғланган гап бўлаги. «Мослашувчи бўлак», «бошқарилувчи бўлак», «битишувчи бўлак» терминлари аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол терминлари синонимига айланади.

А.А.Потебня фикрича, иккинчи даражали бўлаklarга ажратишнинг объектив мезонини сўз туркумлари ва уларнинг шаклларида қидириш керак. Бунга кўра, учта бир-бирига қарама-қарши қўйилган сўз синфлари бор: от, феъл, равиш. От ўзаро қарама-қарши қўйилган икки шаклга – бош келишик ва восита келишикларига эга; шунга ўхшаш феъл ҳам ўзаро қарама-қарши икки шаклга – шахсли ва шахсиз турларига эга. Бундай сўз синфлари

ўзларининг шакллари билан гап бўлақларининг материал субстрати бўлиб хизмат қилади: феълнинг шахсли шаклидан ифодаланган гап бўлаги кесим, бош келишиқдаги отдан ифодаланган бўлақ эга, восита келишиқларидаги отдан ифодаланган бўлақ тўлдирувчи, равишдан ифодаланган бўлақ ҳол ва шахссиз феълдан ифодаланган бўлақ иккинчи даражали, тобе кесим ҳисобланади. Кўриниб турибдики, А.А.Потебня назариясида аниқловчининг материал субстрати мавжуд эмас. Шунинг учун у кўшимча ва тобе белги сифатида «алоқа усули»ни, хусусан, мослашувни киритишга мажбур бўлди. Натижада аниқловчини мослашувчи от сифатида ажратиб, уни тўлдирувчи ва эгага мослайдиган от сифатида қарама-қарши қўйди. А.А.Потебняга гап бўлақларини сўз туркумларига мувофиқлаштириш учун сифат, сифатдош, отларни бир гуруҳга (имена термини остида) ва равишдошни равиш билан бошқа гуруҳга бирлаштиришга, феълни равишдош, ҳаракат номидан ажратишга тўғри келди.

Ф.И.Буслаев ва А.А.Потебня концепциялари ўз ҳолича мантиқан изчил. Ҳар қайси концепция маълум гаплардаги сўзларнинг қайси бўлаққа киритилиши кераклиги масаласига бир хил аниқ жавоб бериши керак эди. Аммо амалда ҳар икки концепция ҳам бундай бўлиб чиқмади. «Он уехал в санаторий» гапидаги «в санаторий» бўлаги Ф.И.Буслаев концепциясида гоҳ тўлдирувчи, гоҳ ҳол сифатида изоҳланади.

Ф.И.Буслаев ва А.А.Потебнянинг гап бўлақлари ҳақидаги мазкур асосий принципи Д.Н.Овсяннико-Куликовский, А.А.Шахматов, А.М.Пешковскийлар томонидан давом эттирилади. Айрим ўзгаришлар киритилган бўлса-да, умуман, уларнинг принципи сақланиб қолди.

А.А.Потебня концепцияси А.А.Шахматов томонидан ривожлантирилди. А.А.Шахматов ҳам А.А.Потебня каби ҳолга равишдан ифодаланган бўлақ, тўлдирувчига восита келишиқдаги отлардан ифодаланган бўлақ сифатида қарайди. Шу билан бирга, у тўлдирувчини иккига – содда ва релятив (яъни предлогсиз ва предлоги) тўлдирувчиларга бўлади. Аммо тўлдирувчининг мазкур ички бўлиниши А.А.Потебня концепциясининг моҳиятига ўзгартириш киритмайди.

А.А.Шахматов А.А.Потебня фикрини чуқурлаштириб, аниқловчиларни ҳам иккига – аниқловчилар ва изоҳловчиларга бўлди. Сифат ва сифатдошдан ифодаланган бўлақни аниқловчи, мослашадиган отдан ифодаланган бўлақни изоҳловчи деб ажратди. Бунда ҳам у А.А.Потебнянинг гап бўлақларининг материал субстрати ҳақидаги концепциясини ривожлантирди.

А.А.Потебня концепциясини А.М.Пешковский ҳам давом эттирди. А.М.Пешковскийнинг хизмати шундаки, у А.А.Потебнянинг иккинчи даражали бўлақларни ажратишнинг асосий принципларига футур етказмаган ҳолда иккинчи даражали бўлақлар синтаксисига ажратилган бўлақ (яъни ҳар қандай иккинчи даражали бўлақнинг қисман предикативлашуви) тушунчасини, иккинчи даражали бўлақларнинг алоҳида эргаш гапларга ўхшашлиги тушунчасини олиб кирди. Гарчи мазкур тушунчалар А.М.Пешковскийнинг тилшуносликдаги муҳим кашфиётлари бўлса ҳам, бу

кашфиётлар А.А.Потебнянинг иккинчи даражали бўлақлар ҳақидаги концепциясининг янги қирраларини очиб берди, холос.

А.М.Пешковский «Русский синтаксис в научном освещении» китобининг иккинчи вариантида А.А.Потебня концепциясини Ф.И.Буслаев концепцияси билан келиштирмоқчи бўлди. Бунга А.А.Потебнянинг ўзи ҳам маълум даражада йўл берган эди. Чунки у морфологизмга мослашувни киритишга, бу билан эса Ф.И.Буслаевга яқинлашишга мажбур бўлган эди. Ҳар икки концепцияда мослашувчи бўлақ (хоҳ у сифат, хоҳ от бўлсин) кенг маънода от (имена) ҳисобланади.

Натижада мослашув билан сўз туркумлари ўртасида айният вужудга келади. Икки концепция ўртасидаги зиддият бошқа иккинчи даражали бўлақлар масаласидадир. Масалан: «Дым стоял столбом» ва «Смело, товарищи, в ногу» гапларидаги «столбом» ва «в ногу» сўзлари Ф.И.Буслаев учун бир хил – ҳар иккиси битишув йўли билан боғланувчи бўлақ сифатида ҳол ҳисобланади. А.А.Потебня томонидан эса «столбом» сўзи келишикли от бўлгани учун тўлдирувчи, «смело» сўзи равиш бўлгани учун ҳол ҳисобланади.

Ф.И.Буслаев ва А.А.Потебня ўртасидаги бундай кескин фарқ уларнинг бошқарув ва битишув масаласига бир хил қараши ва бўлақларга ажратиш асосининг ҳар хиллигидан келиб чиқади.

Ф.И.Буслаев ва А.А.Потебнянинг иккови ҳам бошқарувни тобе сўзнинг ҳоким сўзга тобе сўз ҳоким сўзга лексик ёки грамматик табиати билан мотивлашган алоқаси деб ҳисоблайди. Битишув муносабатида эса мотивлашмаган бўлади. Масалан, «Я читаю книгу на диване» гапидаги «на диване» бўлагининг ҳоким бўлақ «читаю» билан муносабати мотивлашмагани туфайли Ф.И.Буслаев учун ҳам, А.А.Потебня учун ҳам бошқарув эмас, балки битишув ҳисобланади. Улар ўртасида бошқарув ва битишув масаласида бир хиллик бўлса-да, иккинчи даражали бўлақларга ажратишга ўтгандаёқ фикрлар бирлиги бузилади. «Дым стоял столбом» гапидаги «столбом» бўлаги Ф.И.Буслаев учун ҳам, А.А.Потебня учун ҳам битишувчи бўлақ ҳисобланади.

Аммо А.А.Потебня ўз таснифида иккинчи даражали бўлақларнинг дифференциал белгиси сифатида сўз туркуми ва унинг шаклини асос қилиб олгани учун гап бўлақлари ўртасидаги бошқарув ва битишув муносабатини иккинчи планга суриши керак бўлди. Акс ҳолда, юқоридаги бўлақ «быстро» типдаги равишлар билан бир рубрикага кириб қолган, натижада А.А.Потебнянинг таянч нуқтасига футур етган бўлар эди.

Ф.И.Буслаев ва А.А.Потебня қарашларини бирлаштириш учун *столбом* типдаги сўзларни битишувчи эмас, балки бошқариловчи бўлақ ҳисобланса кифоя эди. А.М.Пешковский рус тилшунослиги тарихида биринчи марта буни амалга оширди. У илк бор ҳар қандай келишикли от бошқарилади (ҳам битишув, ҳам бошқарув муносабатига киришмайди) деган тезисни олға сурди.

Шунинг учун у бошқарувни иккига – кучли ва кучсиз бошқарувга ажратди. Натижада икки концепция қарашлари бирлаштирилди: аниқловчи –

мослашувчи отлар; тўлдирувчи – кучли ва кучсиз бошқариладиган восита келишигидаги отлар; ҳол – битишувчи равиш. Шундай қилиб, иккинчи даражали бўлақларга ажратишнинг икки тамойили бирлаштирилди.

Шу билан иккинчи даражали бўлақлар ҳақидаги потебняча ва буслаевча таълимот ҳамда уларнинг объектив лингвистик мезонлари ҳақидаги таълимотлар ривожига яқун ясалди.

Кўриниб турибдики, Потебня-Шахматов-Пешковский концепциясида синтаксис учун катта хавф яширинган. Чунки А.А.Потебня ўзининг асосий назарий асоси морфологизмдалигини, сўз туркумлари аниқлаш, ўз навбатида, гап бўлақларини аниқлаш эканини, гап бўлақлари сўз туркумларига ўхшашлигини кўрсатиб ўтади. Натижада гап бўлақлари синтаксиси сўз туркумлари морфологиясига ўхшатилади. Синтаксиснинг морфология билан ўхшатилиши, айниқса, морфологизм йўналишининг сўнгги вакили А.Пешковскийда очиқ ифодасини топади. У синтактик «аниқловчи», «тўлдирувчи», «ҳол» терминлари «сифат», «восита келишиклари», «равиш» сингари терминлар билан синонимдир деган хулосага келади.

1936 йил октябрида Л.В.Шчерба «Гапнинг иккинчи даражали бўлақлари ҳақида» мавзуидаги маърузасида А.М.Пешковский қарашларига (ўз навбатида, А.А.Шахматов, А.А.Потебня қарашларига ҳам) танқидий муносабатини ифодалаб, уларнинг масалага формалистик қарашлари, яъни аниқловчи – бу сифат, тўлдирувчи – бу восита келишикларидаги ҳамда кўмакчилар билан келган отлар, ҳол – бу равиш, деб изоҳлашнинг амалий жиҳатдан ҳам, назарий жиҳатдан ҳам ҳеч қандай билиш жараёнига аҳамияти йўқлигини, фақат қайтариқ эканини қаттиқ қоралайди.

А.А.Потебня мактабининг инқирози эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол сингари категорияларни грамматик аниқлаш мумкин эмас, уларнинг грамматик аниқланиши синтаксисни инкор қилишга ва морфологияга ўхшатилишига олиб келади, демак, мазкур категориялар грамматик бўлмаган категориялардир, улар ёрдамида ҳосил бўлган гап ҳам грамматик бўлмаган категориядир деган хулосани келтириб чиқаради.

Шунинг учун синтактик таҳлилнинг янги йўлини қидириш керак эди. Ана шундай йўллардан бири XX асрнинг 10 – 20-йилларида Петерсон томонидан тавсия қилинди. Бу нуқтаи назарга кўра, синтаксис предмети грамматик гап ва гап бўлақларини эмас, балки сўзларнинг ўзаро қандай шакллар ёрдамида бирикиш йўлларини ўрганиши керак. Бундай қараш «конь бежит», «он ушель», «он купец» каби боғланишларнинг бир хиллигини, «здесь хорошо», «мне холодно», «гулять приятно» каби боғланишларнинг ҳар хиллигини инкор қилади. Биринчи типдаги боғланишларнинг ҳар хиллиги соф маъно жиҳатидандир. Ҳақиқатда эса биринчи уч бирикма грамматик жиҳатдан ҳеч қандай умумийликка эга эмас: биринчисида (конь бежит) сўзлар ўртасидаги муносабат шахс қўшимчалари (окончание) ёрдамида, иккинчиси (он ушел) жинс қўшимчалари ёрдамида, учинчисида (он купец) икки бир хил келишикдаги сўзнинг жойлашиш ўрни ёрдамида ифодаланган. Демак, грамматик жиҳатдан юқоридаги боғланишлар бир

типдаги бирикма эмас, балки сифат жиҳатдан фарқли уч хил бирикмалардир. Бошқа томондан, қолган тўрт бирикма бир хил, чунки мазкур боғланишларда сўзлар ўртасидаги муносабат формал ифодаланмаган.

Юқорида баён қилинганлардан синтаксисдаги бу янги йўналишнинг маънога принципиал қарши эканини англаш қийин эмас. Бу йўналишнинг айрим вакиллари (А.Павлович) ўзларининг маънога бундай қарашларини очик эълон қилдилар.

Янги йўналиш ғоялари Ушаков ва Петерсон томонидан мактаб программасига ҳам киритилди. Бу эса мактаб ўқитувчилари ўртасида саросима уйғотди. Шунинг учун синтаксисдаги мазкур янги йўналиш ҳам ҳақли равишда Л.В.Шчерба танқидига учради. У янги йўналиш ғояларининг илмий қиммати йўқлигини, чунки ҳар қандай шакл маъно билан боғлиқлигини, унинг асосида изоҳланишини, маънодан ажралган соф шаклнинг бўлмаслигини кўрсатиб берди.

Шундай қилиб, синтаксис тарихида Л.В.Шчерба номи алоҳида ўрин эгаллайди. У, бир томондан, сўз бирикмаси синтаксисининг асемантик концепция, иккинчи томондан, традицион гап бўлаклари синтаксисининг морфологиянинг синтаксис терминлари тавтологияси эканини танқид қилди.

Аммо Л.В.Шчербаниннг синтаксис предметиға ва гап бўлаклари назариясига қарашлари нима учундир систематик характер касб этмади.

Иккинчи даражали бўлақлар юзасидан А.И.Смирницкий фикрлари ҳам диққатга сазовор. Унинг фикрича, гап бўлаклари билан сўз туркумлари ўртасида маълум мувофиқлик бор. Масалан, «*У бу ерда қора итни кўрди*» гапида учта иккинчи даражали бўлақ уч хил сўз туркуми: ҳол-равиш, тўлдирувчи-от, аниқловчи сифат билан ифодаланган. Бу тасодифий ҳол эмас. Чунки ҳар қандай сўз туркуми ўзининг индивидуал маъносидан ташқари, умумий категориал маънога ҳам эга. Шу умумий категориал маъно мазкур сўз туркумининг маъноси ҳисобланади: ҳар қандай от предмет маъносини, ҳар қандай сифат белги категориал маъносини ифодалайди ва ҳ.к.

Сўз туркумларининг бундай умумий категориал маънолари гап бўлақларининг маънолари билан маълум мувофиқликка эга бўлади. Шу билан бирга, сўз туркумлари ва гап бўлақларининг бир-биридан фарқланувчи икки хил мустақил категория эканини ҳам унутмаслик кераклигини уқтиради. Шунинг учун маълум сўз туркуми ўзига хос бўлмаган функцияда қўлланиши ҳам мумкинлиги кўрсатилади.

Натижада сўз туркуми сифатидаги сўзнинг маъноси билан гап бўлаги сифатидаги сўзнинг маъноси ўртасидаги қарама-қаршилик вужудга келди. Бундай қарама-қаршиликдан ташқари, сўзнинг индивидуал маъноси билан унинг категориал маъноси ўртасида ҳам қарама-қаршилик бўлиши мумкинлиги баён қилинади. Масалан, «стол» сўзида предметлик маъноси икки марта таъкидланади: 1) сўзнинг маълум категориал турига мансублигида (от туркумига киришида); 2) индивидуал маъносида (конкрет предмет маъносини ифодалашида).

Бу ўринда «стол» сўзининг умумий категориал маъноси билан индивидуал маъноси ўртасида мувофиқлик бор. Мазкур ҳолат типик

ҳисобланади. Аммо «юриш» сўзининг бу икки маъноси ўртасида маълум зиддият мавжуд: сўзнинг индивидуал маъноси предметни эмас, балки жараёни билдирса-да, умумий категориал маъноси предметликни билдиради. Чунки от шаклидадир. От сифатида қўлланган бу сўз отнинг боғланиш хусусиятига эга бўлади. Шу билан бирга, индивидуал маъноси жараёни билдиргани учун унинг боғланиш хусусиятини ҳам сақлаб қолади.

Шундай қилиб, иккинчи даражали бўлақларда бир неча ҳолатлар қоришиб кетади: 1) синтактик (гапдаги вазифаси): аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол; 2) морфологик: сўзнинг маълум сўз туркуми сифатида шаклланиши; 3) лексик: ҳар бир сўзнинг индивидуал маъноси (белги, жараён маъноларини билдириши ва ҳ.к.).

Бу уч ҳолат ўзаро мувофиқ келган ҳолларда иккинчи даражали бўлақ ҳақида ҳеч қандай шубҳа бўлмайди. Аксинча бўлса, қийинчилик туғдиради.

У гап бўлақларига ажратишнинг анъанавий тамойили гап элементларининг хилма-хил белгиларига таянгани учун бир синтактик бирликнинг бир неча хил гап бўлақларига киритилганини кўрсатиб ўтди. Муаллиф гап бўлақларига ажратишда уларнинг бир неча белгиларига таянмай, мазкур белгилардан энг асосийларини ажратиб олиш кераклигини таъкидлайди. Ана шундай асосий белгилар сифатида қуйидаги белгиларни кўрсатади: 1) гап бўлақлари ўртасидаги алоқа даражаси ва уларнинг характери; 2) мазкур гап бўлаги орқали ифодаланган алоқа мазмуни (предмет, белги ва бошқ.).

Биринчи белгига кўра, гап таркибидаги сўзларнинг боғланиши анча эркин, бошқаларники эса анча зич экани кўрсатилади. Сўзларнинг бундай боғланиш даражасига қараб дастлаб ўта зич боғланиш (более спаянный) ва ўта бўш боғланиш (менее спаянный)га ажратилади. Шундай қилиб, гапдаги бўлақларни ажратишда турли хил градациялар мавжудлиги таъкидланади: дастлаб эга ва кесим, ундан кейин унинг орасидаги бўлақлар ажратилади. Эга кесим алоқаси ўта эркин, аниқловчи-аниқланмиш алоқаси ўта зич боғланиш ҳисобланади. Бу икки боғланишнинг икки кутбидир. Турли белгиларига кўра мазкур икки боғланиш бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Уларнинг оралиғида ўта эркин ҳам, ўта зич ҳам бўлмаган учинчи боғланиш – тўлдирувчи билан тўлдирилмиш алоқаси мавжудлиги кўрсатилади. Гапда сўзларнинг тўрт хил боғланиши борлиги таъкидланади:

- Предикатив – эга-кесим боғланиши.
- Атрибутив – аниқловчи-аниқланмиш алоқаси.
- Комплектив – тўлдирувчи-тўлдирилмиш алоқаси.
- Копулятив – уюшиқ бўлақлар ўртасидаги алоқа.

Гап бўлақларига ажратишнинг иккинчи белгиси алоқага кирувчи сўзларнинг ўзаро муносабат мазмунидир. Бундай муносабат объектив борлиқдаги элементлар муносабатини акс эттиради. Улар турли хил бўлиши мумкин: жараёнли (жараён ва уни юзага келтирувчи предмет ўртасидаги муносабат), предметли (предмет ва жараён ёки икки предмет ўртасидаги муносабат), квалификатив (белги ва аниқланмиш предмет ёки жараён ўртасидаги муносабат), ҳолли (жараённинг юзага чиқиши ёки мавжуд бўлиш

ҳолати билан жараён ёки предмет ўртасидаги муносабат) ва ҳ.к. Алоқа типи билан муносабат турлари ўртасида кўп ҳолларда мувофиқлик бўлиши билан бирга баъзан номувофиқлик ҳам учрайди. Объектив борлиқдаги бундай муносабатлар бир неча ёки битта алоқа тури орқали ифодаланиши мумкин. Масалан, кваликатив муносабат предикатив, атрибутив алоқалар орқали берилиши мумкин:

Яхши бола/бола яхши. Шу билан бирга, предикатив алоқанинг ўзи турли хил муносабатларни акс эттиради:

1) Кваликатив муносабат – кесим субъект квалификациясини кўрсатади: *У қари*;

2) жараёнли-кесим субъект вужудга келтирган процессни ифодалайди: *У келди*;

3) объектли (предметлар ўртасидаги муносабат) – кесим субъектининг объектга муносабатини кўрсатади: *Бу китобда беш боб; Менда дўстлардан кўп*;

4) ҳолли-кесим субъектнинг маълум ҳолатга муносабатини кўрсатади; *У шу ерда*.

Кўриниб турибдики, предикатив алоқанинг ўзи: 1) кваликатив; 2) жараёнли; 3) предметли; 4) ҳолли муносабатларни ифодалаш мумкин. Анологик ҳолат комплектив, атрибутив алоқаларда ҳам кузатилади.

Шундай қилиб, А.И.Смирницкий фикрига кўра, алоқа шакли ва бу алоқа орқали ифодаланадиган муносабат мазмунини аниқлаш иккинчи даражали бўлақларни аниқлашда асосий нуқталар ҳисобланади. Уни белгилашда типик ҳолатларга таяниш лозимлиги кўрсатилади. Жумладан, аниқловчи учун атрибутив алоқа шаклида ифодаланган турли хил кваликатив муносабат, тўлдирувчи учун комплектив алоқа шаклида ифодаланган предмет-жараёнли муносабат типик ҳисобланади. Аммо айрим ўринларда бундан четланиш ҳоллари ҳам учрайди. Бизнинг вазифамиз фақат алоқа ва муносабатларнинг энг типикларини белгилаш, уларнинг нотипиклари билан туташ нуқталарини аниқлашдан иборат бўлиши керак дейди.

Хуллас, гапнинг гап бўлақлари термини остида синтактик таҳлилни умумлаштириб, гап бўлақларини икки хил таснифлаш мумкин. Биринчи турида гап бўлақларининг абсолют белгиларига асосланади. Бундай таснифда гап бўлақларининг абсолют белгиларига қуйидагилар киритилади:

а) морфологик (Мас.: кесим – бу шахсли феъл ёки шахс шаклини олган сўзлар);

б) семантик (Мас.: кесим – бу ҳаракат ва ҳолатни билдирувчи сўзшакл);

в) морфологик семантик (Мас: кесим – бу ҳаракат-ҳолатни билдирувчи шахсли феъл ёки шахсли сўзшакл).

Иккинчи турида гап бўлақларининг нисбий белгиларига, яъни бошқа бўлақлар билан муносабатига таянилади. Мас.: бошқарилувчи бўлақ – тўлдирувчи, битишувчи бўлақ – ҳол ва ҳ.к.

Амалда ҳамма мавжуд гап бўлақлари таснифи ё биринчи, ёки иккинчи турга асосланади.



XX асрнинг 70-йилларига келиб айрим тилшунослар ўртасида иккинчи даражали бўлақлар – аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол терминларидан (Шведова) ҳамда умуман гап бўлақлари терминидан воз кечишга уриниш (Мухин, Золотова) ҳоллари кўринди. Жумладан, Г.А.Золотова синтаксис гап бўлақлари таълимотисиз иш кўриш мумкинми деган савол қўйиб, ўзи бу саволга ижобий жавоб беради.

Унинг фикрича, мантиқ таъсирида анъанага айланиб қолган гап бўлақлари тушунчасидан воз кечиш синтактик ҳодисаларни адекватроқ ўрганишга кенг имконият яратиб беради.

Семантик структура элементлари билан синтактик структура элементлари муқоясасида ҳам анъанавий лингвистикада кузатилганидек катта номувофиқлик бўлмайди. Агар «Алдаш гуноҳ», «Чекиш зарарли» гапларида тадқиқотчи ва ўқувчи эгаси, кесими қайси эканига бош қотириш ўрнига ҳаракат ва унинг баҳоси маъноли структур компонентларнинг конкрет – умумлашган шакли эканини аниқлашга ўтганда, бизнинг синтаксис ҳақидаги билимларимиз мазмунлироқ бўлиши мумкин эди дейди.

У сўзнинг лексика, морфология ва синтаксис бирлиги эканига тўхталиб, тилшуносликнинг ҳар қайси сатҳида сўзнинг бошқа-бошқа маъноларига эътибор берилишини кўрсатади. Сўзнинг бу томонларини фарқлаш учун лексик birlik бўлган сўз-лексемани синтактик birlik бўлган сўз-синтаксемага қарама-қарши қўяди.

Унинг фикрича, сўз-лексеманинг референт маъноси уч даражадаги абстракцияни ўз ичига олади: 1) сўзнинг индивидуал-лексик маъноси (бу сўзни бошқа сўздан фарқлайдиган индивидуал маъноси: Масалан, «уй», «ёмғир» сўзлари лексик системада умуман уй, умуман ёмғирни билдиради; конкрет жумла таркибида эса уларнинг референти ягона предмет ва ҳодисани билдиради: *бу уй, бу ёмғир*); 2) сўзнинг категориал-семантик маъноси – бу предметнинг маълум жонсиз предметлар, табиат ҳодисалари гуруҳи вакили сифатидаги маъноси; 3) умумий грамматик маъноси – маълум сўз мансуб бўлган сўз туркуми маъноси. Сўз-лексеманинг референт маъноси унинг синтактик birlikка айланиши учун материал бўлиб хизмат қилади.

Гап компонентларини номлаш воситалари, синтактик занжир аъзолари сўз-лексема эмас, балки сўз-синтаксемадир. Унинг фикрича, синтаксема – конститутив синтактик birlik. Синтаксеманинг дифференциал белгилари қуйидагилар ҳисобланади: 1) категориал семантик маъноси; 2) ўзига хос морфологик шакли; 3) маълум позицияда синтактик функциялашиш қобилияти. Синтаксемалар ўзлари ифодалаган категориал семантик маъноси орқали номланади: агентив синтаксема, пациентив синтаксема ва ҳ.к.

Н.Ю.Шведова таҳрири остида 1970 йили нашрдан чиққан «Грамматика современного русского литературного языка» китобида гап бўлақлари концепцияси гапнинг структур схемаси концепцияси билан алмаштирилган.

Ҳозирги тилшуносликда гапнинг структур схемаларига икки хил қараш мавжуд. Бир гуруҳ тилшунослар гап ҳосил қилиш учун зарур бўлган грамматик минимум компонентдан ташкил топган ҳар қандай умумлашган намуна гапнинг структур схемаси ҳисобланади деб билишади (Грамматика –

70). Бундай структур схема гапнинг предикатив минимумини ўз ичига олади. Предикатив минимумни кўрсатувчи элементлар конституентлар саналади.

Бошқа бир гуруҳ тилшунослар эса гапнинг структур схемасига фақат грамматик тугалликкагина эмас, балки семантик тугалликка ҳам эга минимум компонентдан ташкил толувчи умумлашган намуна сифатида қарайдилар. Бундай қараш фақат предикатив бирлик сифатида унинг формал шаклланишигагина эмас, балки семантик структурасига ҳам эътиборни жалб қилади. Гапнинг структур схемаси номинатив минимумни ўз ичига олади. Структур схеманинг мазкур тури фақат бош бўлақларнигина ўз ичига олмайди. Иккинчи даражали бўлақлар ҳам структур схеманинг элементи бўлиши мумкин. Масалан, *Менга ўқиш керак*.

Гапнинг структур схемасига бағишланган ишларда асосан конститутив (облигатор) бўлақларга эътибор берилади. Факультатив бўлақлар тавсифи, уларнинг турлари кўпинча назардан четда қолади.

«Грамматика – 70»да бош бўлақлар термини сақланиб қолади. Гапнинг структур схемасини ҳосил қилишда қатнашадиган сўз-шакллар гапнинг бош бўлақлари дейилади. Шундай қилиб, бош бўлақлар гап структур схемаси категорияси саналади. Структур схемани турли жиҳатдан кенгайтирувчи сўзшаклларнинг унинг тузилишига алоқаси бўлмайди. Шунинг учун улар бош бўлақларга «иккинчи даражали» сифатида қарама-қарши қўйилмайди.

Н.Ю.Шведова таҳрири остида 1982 йили нашрдан чиққан «Русская грамматика» китобида эса ҳолат бирмунча ўзгарганини кўрамиз. Икки составли гапларнинг структур схемасини ҳосил қилувчи бош бўлақлар термини билан биргаликда гапнинг кенгайтирувчи бўлақлари термини ҳам ишлатилади.

Бундай бўлақлар гапнинг структур схемасини кенгайтириб, қўшимча, иккинчи даражали ахборот ифодалаши, баъзи ўринларда эса улар ифодалаган ахборот гап учун энг аҳамиятли, биринчи даражали ҳам бўлиши мумкинлиги кўрсатилади. Олимнинг фикрича, гапнинг кенгайтирувчи бўлақлари гапнинг элементлар семантик структурасида турли роль ўйнаши мумкин.

Улардан бир гуруҳи мазкур структуранинг шаклланишида иштирок этади ҳамда унинг тугалликка эга бўлишини таъминлайди: субъект ва объект маъноларини ифодаловчи кенгайтирувчилар худди шундай хусусиятга эга. Бошқа кенгайтирувчилар эса гапнинг элементар семантик структурасига кирмайди, балки уни ёйиқ тусга киритади (буларга турли аниқлагичлар киради). Шунга мувофиқ, кенгайтирувчилар учга – субъект маъноли кенгайтирувчилар, объект маъноли кенгайтирувчилар ва кенгайтирувчи аниқлагичларга бўлинади. Уларнинг ҳаммаси биргаликда гапнинг предикатив асосини ташкил қилувчи бош бўлақларга (конституентларга) қарама-қарши қўйилади.

Кенгайтирувчи бўлақлар маълум конституентларга, ё маълум бошқа кенгайтирувчига, ёки гапнинг умумий мазмунига оид бўлади.

Гапнинг умумий составига оид ва унинг ҳеч қандай айрим бўлаги билан боғланмаган кенгайтирувчилар детерминантлар ҳисобланади. У

детерминантларни иккига бўлади: 1) объект-субъект детерминантлар, 2) ҳол детерминантлар (Ковтунова ҳам шу фикрни тасдиқлайди).

О.Б.Сиротинина иккинчи детерминантларни ситуантлар деб ҳисоблайди. Олимнинг фикрича, предикатив бирликлар (коснтитуентлар) орқали ифодаланган асосий ахборотни фақат турли ҳол маънолари билан тўлдириш учун ишлатиладиган бўлақлар ситуантлар саналади. Ситуантлар предикатив бирликларнинг эркин бўлаги (факультатив аъзоси) ҳисобланиб, пайт, ўрин, сабаб ва бошқа маъноларни ифодалайди.

В.А.Белошопкова ҳам гапни ташкил этган синтактик бирликларни гапнинг предикатив ёки номинатив асосига оидлигига қараб таснифлайди. Бунда гапларнинг структур схемалари ва уларнинг нутқий реализациясига асосланади. Шунинг учун икки асос – предикатив асос (предикатив минимум) ва номинатив асос (номинатив минимум)га таянади. Унинг фикрича, ҳамма бўлақлар гапнинг предикатив асосида иштирок этадиган ва иштирок этмайдиган бўлақларга бўлинади. Гапнинг предикатив минимуми гап конструкцияси асоси ҳисобланади. Шу боис предикатив минимум компонентларини конструктив энг аҳамиятли бўлақ сифатида ажратиш (традицион бош бўлақлар) гап бўлақларига ажратишнинг биринчи босқичи ҳисобланади.

Предикатив асосга кирувчи гап бўлақлари функция ва таркибига кўра иккига: 1) ўзида предикатив категорияни акс эттирадиган; 2) ўзида предикатив категорияни акс эттирмайдиган бўлақларга ажратилади. Биринчи гурпуага кесим киритилади ва у предикацияни ўзида акс эттирувчи бўлақ структур схеманинг чўққиси ҳисобланади. Эга эса предикатив асосга кириб, унинг шаклланишида иштирок этса-да, аммо предикативликни ўзида кўрсатолмайди. Аммо кесимнинг маълум шахс, сон ва жинс шаклида келишини тақозо этади. Шу хусусиятига кўрагина эга предикатив асосга киритилади.

Предикатив асосга кирмайдиган бўлақлар таснифи бўлишнинг иккинчи сатҳи ҳисобланади. Мазкур таснифда синтактик бирликларнинг номинатив минимумни яратишда иштирок этиш-этмаслиги белгиси таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Бунга кўра, предикатив асосга кирмайдиган бўлақлар иккига бўлинади: 1) номинатив минимумни ҳосил қилишда иштирок этадиган бўлақлар, 2) номинатив минимумни ҳосил қилишда иштирок этмайдиган бўлақлар.

Номинатив минимумни ҳосил қилишда иштирок этадиган (конститутив) бўлақлар, ўз навбатида, номинатив минимумни ҳосил қилишдаги ролларига қараб яна иккига ажратилади: 1) предмет отлар (актантлар); 2) предикатнинг конститутив аниқловчилари.

Предмет отлар (актантлар) гап орқали номланган воқеа иштирокчиларини ифодалайди. Улар эга билан семантик бир хил бўлса-да, аммо шаклланиш жиҳатидан фарқланади – восита келишиклари орқали ифодаланади. Актантлар предикатнинг субъекти ёки объектини кўрсатиши мумкин.

Субъект ва объект актантлар ҳам, ўз навбатида, маъно жиҳатидан (субъект ва объектларнинг ҳаракатга нисбатан позициясига кўра) яна бир неча турларга бўлинади: субъект-агенс, пациенс, реципиенс ва бошқалар; объект-яқин объект, адресат, қурол ва ҳ.к.

Предикатнинг конститутив аниқловчилари (предикатнинг предмет бўлмаган аниқловчилари) воқеа иштирокчиларини акс эттирмайди, балки гап предикатига шу гапнинг мазмуний тугаллиги учун зарур бўлган турли характеристикаларни беради.

Номинатив минимум ҳосил қилишда қатнашмайдиган бўлақлар факультатив бўлақлар – конститутив бўлмаган бўлақлар ҳисобланади. Унинг гапда қатнашиш-қатнашмаслиги шу гапнинг предикатив бирлик сифатидаги шаклланишига ҳам ҳеч қандай таъсир этмайди. Бундай бўлақлар маъноси гап мазмунининг асоси бўлган пропозитив концептнинг шаклланишига таъсир этмаган ҳолда гапнинг умумий маъносини бойитади.

Конститутив бўлмаган бўлақлар конститутив бўлақлар билан (хоҳ у бош бўлақ бўлсин, хоҳ бош бўлақ бўлмасин) боғланади. Улар қандай конститутив бўлақ билан боғланишига кўра иккига бўлинади: 1) предикатга алоқадор бўлган; 2) предикатдан бошқа бўлақларга алоқадор бўлган конститутив бўлмаган бўлақлар. Биринчи тури келишик ва кўмакчилар билан келган от ёки равишлар, баъзан инфинитивлар билан ифодаланади. Иккинчи тури шакл ва маъно жиҳатдан ранг-барангдир. Улар ўзаро боғланган бўлақларнинг грамматик ва семантик хусусиятлари билан боғлиқ.

Предикатларнинг конститутив бўлмаган аниқловчиларининг икки маъноси: характерловчи ва ситуатив маъноларининг қарама-қарши қўйилиши синтактик қимматга эга: биринчи тури кесим билан чамбарчас боғланса, иккинчи тури кесим билан жуда кучсиз боғлангани ҳолда, гапнинг умумий мазмуни билан боғланади. Шунинг учун бундай бўлақларни В.В.Виноградов «гапни ёйиқ тусга киритувчилар» деб ҳисоблайди. Н.Ю.Шведова эса мазкур фикрни детерминантлар ҳақидаги таълимотида янада ривожлантирди.

В.А.Белошапкина гап бўлақлари ҳақидаги фикрларини қуйидаги чизмада умумлаштиради (2-чизма).

Гапнинг синтактик структура бирликлари ҳақидаги бундай хилма-хиллик туркология, хусусан, ўзбек тилшунослигига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ўзбек тилшунослигида гапнинг синтактик структура таҳлилида гап бўлаклари концепцияси қатъий ўрин олди. Гап бўлаklarини ажратишда уларнинг умумий категориал маъноларига, морфологик белгисига, синтактик муносабат усулига таяниш анъана тусига кирган. Жумладан, бош келишида келиб, кесимдан англашилган белгини ўзига қаратувчи предметни ифодалаган, *ким, нима, қаер* сўроқларига жавоб бўлган бўлак эга; эгадан англашилган предметнинг статик ва динамик белгисини ифодалаб, *нима қилмоқ, нима бўлмоқ, кимдир, нимадир, қандайдир, қанча* сўроқларига жавоб бўлган бўлак кесим ва ҳ.к. Иккинчи даражали бўлаklar ҳам худди шу тартибда белгиланади.

Бош бўлаklarни ажратишда қийинчилик туғилмаса-да, аммо иккинчи даражали бўлаklarни белгилаш кўп ҳолларда осон кечмайди. Жумладан, восита келишикларидаги отларни иккинчи даражали бўлаklarнинг қайси бирига киритиш (тўлдирувчи ёки ҳолга) кўпинча қийинчилик туғдиради. Чунки бундай сўзларга икки хил сўроқ бериш мумкин. Масалан, самолётда (қаерда? нимада?), қанотингга (қаерга? нимага?) ва ҳ.к.

Иккинчи даражали бўлаklarдан тўлдирувчи ва аниқловчининг ички таснифида бир хиллик мавжуд бўлса-да, аммо ҳолнинг ички таснифида бир хиллик йўқ: етти турдан ўн тўрт тургача ажратилади. Ф.Убаева ҳолнинг ўн уч турини ажратган бўлса ҳам, аммо амалда ўн саккиз тури ҳақида фикр юритади.

Иккинчи даражали бўлаklarнинг ички таснифи тамойилида ҳам бир хиллик йўқ. Аниқловчи, тўлдирувчиларнинг ички таснифида грамматик-семантик тамойилга, ҳолнинг ички таснифида семантик тамойили биринчи планга кўтарилади.

Хуллас, гапнинг синтактик структурасини гап бўлаклари асосида ўрганиш, гап бўлаklarига ажратиш мезонларининг ҳамма тиллар учун умумий, барча эътироф этадиган назарий асослари йўқ.

Бизнинг фикримизча, туркий тилларда гап предикат ва унинг аргументлари бирлиги сифатида қаралар экан, унинг синтактик структураси ҳам худди шу предикат асосида ўрганилиши мақсадга мувофиқ. У ҳолда гап синтактик структурасини элементларга ажратишнинг уч босқичи бўлади: биринчи босқичда гап таркибидаги предикатларни (кесимни) ажратиш; иккинчи босқичда унинг аргументларини ажратиш; учинчи босқичда аргументларнинг ўз ички аргументларини белгилаш.

## **ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ МАЗМУНИЙ СИНТАКСИСИ\***

### **Кириш**

Лингвистик семантика, жумладан, синтактик семантика тилшуносликнинг нисбатан янги соҳаси бўлса ҳам, ҳозирги кунда унга турлича ёндашувчи хилма-хил семантик йўналиш ва мактаблар вужудга келди. Бу семантик йўналиш ва мактабларда ўзларига хос турли тушунча ва терминлар системаси ишлатилгани учун бир-бирига мувофиқ бўлмай, ҳатто айрим ўринларда бир-бирига зид келади. Шунинг учун ушбу асарда лингвистлар томонидан кўпроқ маъқулланаётган термин ва тушунчалардан

фойдаланишга, уларни бир умумий системага бирлаштиришга ҳаракат қилинди.

Асарда олға сурилаётган концепциянинг методологик асоси диалектик фалсафадир. Бу концепция асосида тилнинг системали характери, тил бирликлари синтагматик ва парадигматик хусусиятларининг ўзаро алоқаси ва ички, органик шартлангани, тил бирликларининг акс эттириш табиати ётади.

Ҳар қандай лисоний фаолият марказида шахс туради. Бинобарин, Л.В.Шчерба лисоний фаолиятни гапириш ва тушуниш жараёни деб аниқлайди. Инсон сезги органлари орқали объектив олам элементлари белгиларини умумлаштирган ҳолда акс эттиради ва онгда акс эттирилган бу объектив оламнинг умумлашган образи тил кодлари орқали тингловчига узатилади.

Тингловчи акустик сигнал орқали объектив реаллик ҳақида маълумотга эга бўлади. Шундай қилиб, лисоний фаолиятда гапириш ва тушуниш, нутқ ҳосил қилиш ва уни идрок этиш жараёнлари алмашилиб туради. Шунинг учун лингвистик бирликлар семантикаси икки йўналишда: 1) ономасиологик; 2) семасиологик томондан ўрганилади. Биринчи йўналишда гап ҳосил қилиш жараёнига, иккинчи йўналишда эса гапнинг объектив мазмун (пропозитив) томонига эътибор берилади.

Лисоний фаолият айрим индивидлар орқали намоён бўлса-да, аммо у ижтимоий ҳосила ҳисобланади. Чунки тил системаси мавжудлиги ва у ҳақда индивидларда маълум кўникма борлиги учун нутқий фаолиятни амалга ошириш мумкин. Шунинг учун тил фактлари фақат гапириш ва тушуниш жараёнидан уларнинг натижаси сифатида умумлаштирилган ҳолда олинади.

Хуллас, тадқиқотчи фақат нутқ бирликларинигина бевосита кузатиши мумкин. Тил системаси эса абстракт тафаккур босқичида нутқ материаллари асосида моделлаштирилади. Бу эса лингвистик бирликларни умумлашган тип – виртуал бирликка ва умумлашган типнинг реаллашган варианты – актуал бирликка ажратган ҳолда улар ўртасидаги моҳият ва ҳодиса диалектик алоқасини аниқлаш заруратини туғдиради. Шу боис ушбу китобда синтаксис нутқ жараёнида функциялашишга тайёр турган ва лисоний фаолиятда имкониятларини ўзларининг систем маънолари асосида турли шаклларда намоён этувчи виртуал бирликлар системаси сифатида талқин қилинади ва уларнинг намоён бўлиш шакллари ўрганилади.

### **Гапнинг мазмуний тузилиши ҳақида**

Ҳар қандай лисоний белги шакл ва маъно бирлигидан иборат. Лекин анъанавий синтактик назарияларда асосан гапнинг шаклий тузилиши ўрганиб келинди. Фақат айрим ўринлардагина (гапнинг коммуникатив мақсадига кўра турларини белгилашда, иккинчи даражали бўлақларнинг ички таснифида, масалан, ҳолнинг ўрин, пайт, мақсад ва бошқа турларга бўлинишида; аниқловчиларнинг сифатловчи, қаратувчи, изоҳловчиларга ажратилишида ва ҳ.к.) семантикага мурожаат қилинади. Гапнинг маъно хусусияти ва унинг таркиби, гапнинг мазмуний типлари, субъект ва

предикатларнинг мазмуний типлари, гап шаклий ва мазмуний тузилишларининг ўзаро муносабатлари ҳам яқин йилларгача махсус ўрганиш объекти бўлмай келди.

Н.Д.Арутюнованинг таъбири билан айтганда, 60-йиллар ўрталарига келиб гап семантикасига «штурм» бошланди. Гап семантикасига қизиқишнинг уйғонишига лингвистик назария ривожига таъсир кўрсатган бир қатор омиллар: лингвистиканинг гап мазмуни – пропозицияга алоҳида диққат қилувчи мантиқ билан муносабатининг янги поғонага кўтарилиши, тил ва нутқниинг маъно томонига умумий бурилиши, нутқ фаолиятининг прагматик компонентига эътиборнинг кучайиши, гапга ўзининг махсус маъноси бўлган тил белгиси сифатида қарашнинг вужудга келиши ҳамда гапларнинг мазмуний эквивалентлиги тушунчасига таянадиган синтактик трансформация назариясининг пайдо бўлиши сингари омиллар туртки берди.

О.Есперсен ҳам тилшуносликда шаклни мазмундан ажратишга уринган Г.Суит ва бошқа тилшуносларни танқид қиларкан, шакл ва мазмун ўзаро узвий боғлиқлигини, лисоний ҳодисанинг бу икки томонига эътибор бериш ҳар қандай тилшуносликнинг асосий вазифаси эканини уқтиради. Олимнинг фикрича, ҳар бир тилшунос ҳодисани икки томонлама – шаклдан маънога ёки маънодан шаклга қараб текшириши мумкин. Биринчиси семасиологик, иккинчиси ономасиологик ўрганиш объекти бўлади.

Ҳозирги кунда семантика деярли ҳамма тилшунослар томонидан эътироф этилса-да, аммо синтактик семантика мақоми масаласида бир хиллик йўқ.

Н.Ю.Шведованинг фикрича, синтактик семантиканинг асосий вазифаси шаклий-синтактик моделларнинг хусусий маъноларини аниқлашдан иборат бўлиши керак. Бунга кўра, гап тузилиши схемасининг умумлаштирилган маъноси ва улар ўртасидаги муносабат гап синтактик тузилишининг асоси бўлиб хизмат қилади. Н.Ю.Шведованинг концепциясига мувофиқ, гапнинг мазмуний тузилиши деганда типиклаштирилган маъно элементларининг мавҳумлашган ҳолда тил системасида акс этган мазмуни тушунилади. У гап мазмунини эстралингвистик омилларсиз, соф тил материалларига таянган ҳолда ўрганишга ҳаракат қилади. Тилнинг ҳар қандай сатҳ бирликлари, жумладан, гапнинг тузилиш схемалари ҳам ундаги категория ва конкрет маънолар муносабатларидан юзага келган мазмуний ўзига хосликка эга бўлади.

Иккинчи йўналиш тарафдорлари асосан гапнинг номинатив минимуми узвларининг лексик маъноларига асосланадилар. Бунга мувофиқ, гапнинг мазмуний тузилиши тузилиш схемалар чегарасида эмас, балки ундан ташқарида ажратилади. Тузилиш схема ва мазмуний тузилишлар бир-бирини кесишмайдиган параллел қаторларга терилади. Мазкур қараш О.И.Москальская ишларида кўзга ташланди.

Синтактик семантика бўйича Е.П.Падучеванинг ҳам изланишлари ўзига хосдир. Унинг фикрича, гап маъноси лексема маъноларидан, сўз шаклларининг грамматик маъноларидан ва синтактик қурилмаларнинг



маъноларидан ташкил топади. Шунинг учун лексик ва морфологик семантика бир бутун гап семантикасининг компоненти бўлиши керак. В.Г.Гак гапни тўлиқ тил белгиси ҳисоблаб, гап референти вазиятдир, яъни «гапириш» momentiда объектив борлиқдаги сўзловчи онгида мавжуд бўлган ва гапнинг ўзини шакллантириш жараёнида тил элементларини танлашга маълум даражада шароит яратувчи элементлар йиғиндисидир дейди.

Вазият ва уни ифодаловчи гап ўртасидаги муносабат икки йўналишда – ифода планидан маъно планига қараб ва, аксинча, маъно планидан ифода планига қараб ўрганилади. Биринчиси нутқий фаолиятнинг тушуниш актини, иккинчиси эса ифодалаш актини намоён қилади. Бунга мувофиқ, синтактик семантикада ҳам ўзаро боғланган ва айна йўналишга кўра бир-бирига зид бўлган икки аспект: семасиология ва ономасиология ажратилади. Биринчиси маълум синтактик бирлик нимани акс эттиришини, иккинчиси маълум вазият қандай ифодаланганини ўрганади.

Биринчи йўналиш гап маъносини объектив борлиқ билан боғлангани учун вазиятни аниқлашга ва таҳлил қилишга алоҳида аҳамият беради, у гапнинг денотатив ёки номинатив аспекти ҳам дейилади.

Гапнинг денотатив аспекти ифодалаш учун кўп ҳолларда «пропозиция» терминидан фойдаланилади. Бу термин тилшуносликка мантиқ ва фалсафий тадқиқотлар таъсирида кириб келди. У.Куайн мантиқий қурилишда пропозиция тушунчасининг роли ҳақида тўхталиб, маълум гап ва унинг бошқа тилга қилинган таржимаси ўртасидаги ёки бир тил ичида турлича ифодаланишлар ўртасидаги умумийликни акс эттиришини кўрсатади. Пропозицияга қизиқишнинг ўсиши билан унинг талқинида ҳам хилма-хиллик орта боради.

Классик мантиқда пропозиция ёки мантиқий ҳукм дейилганда борлиқнинг маълум предикатлари ҳақида тасдиқ ёки инкор йўли билан ахборот берувчи фикр шакли тушунилган. «Пропозиция» термини тилшунослар томонидан дастлаб худди шу маънода ҳукмнинг ифодаланиш шакли бўлган дарак гапларга, кейинчалик гапнинг ҳамма турларига нисбатан қўлланилди. Гап термини ҳам лотинча «ҳукм» терминидан калька йўли билан рус тилидаги «предложение» орқали ҳосил бўлган.

Рамзий мантиқ классик мантиқдан фарқли равишда ўзининг тушунчаларини, инсон онгида акс этишини четлаб ўтган ҳолда бевосита борлиқ категориялари билан муносабатини белгилашга интилади. Пропозиция тушунчасининг мазкур умумий тенденцияси натижасида кейинчалик у тафаккурдан объектив реалликка, субъектив омилдан объектив омилга «бурилди». Натижада тафаккур шаклига эмас, балки унинг мазмунига, у орқали ифодаланадиган объектив реалликка нисбатан қўлланила бошлади. Субъектив модаллик категориясидан озод бўлиб, вазиятни ифодалашга ўтди. Пропозиция худди шу маъноси билан тилшуносликка кириб келди.

Гапнинг номинатив назарияси дастлаб Г.Фреге асарларида акс этди. Унинг фикрича, ҳар қандай гап мазмун (смысл) ва маъно (значение)га эга. Мазмун унинг сигнификати, коннотацияси; маъно эса денотати.

Англашиладики, гап мазмуни маънога нисбатан кенгроқдир. Шундай қилиб, Г.Фреге ҳар қандай гапда фикр (мазмун) сатҳидан референция сатҳига (маънога) қадам қўйилади, шу билан айрим маъноларнинг тасдиқ ёки инкор қилиш акти содир бўлади, дейди. Референт сатҳ учун олим пропозиция терминини ишлатади.

Пропозиция тушунчаси Б.Рассел асарларида янада конкретлашди. Унинг фикрига кўра, пропозиция реал борлиқ (факт) структурасига ўхшашликка эга бўлган актуал фактдир.

Пропозиция ҳақида Ч.Филлмор шундай дейди: «Гапнинг асосий структурасида «пропозиция» деб номлаш мумкин бўлган структурани, яъни гапнинг модал қисмидан ажралган феъл билан отлар ўртасида замондан ташқаридаги муносабатлар мажмуасини кузатамиз. Гапнинг модал қисми унинг бутун характеристикасини белгилайдиган инкор, замон, майл ва тус каби хусусиятларни ўз ичига олади».

Ҳозирги кунда кўпчилик тилшунослар пропозиция термини остида гапнинг семантикасида ўз ифодасини топган объектив мазмунни тушунадилар. О.И.Москальская гапнинг мазкур денотатив томонини гапнинг мазмуний маркази ҳисоблайди.

Пропозиция фақат гаплар орқали ифодаланиши шарт эмас. У сўз бирикмаси ва сўзлар орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, *Карим келди – Каримнинг келиши*. Демак, маълум бир синтактик структура гап бўлиши учун маълум пропозицияни ифодалашдан ташқари, бошқа белгиларга – коммуникатив мустақиллик ва модаллик белгиларига эга бўлиши керак.

Шунинг учун ҳар қандай гап от позициясига транспозиция қилинганда унинг коммуникатив бўлиниши (тема-рематик бўлиниш) ва идеал хусусияти йўқолади, аммо номинатив мазмуни сақланиб қолади. Яна солиштиринг:

*Бола китобни ўқияпти – боланинг китоб ўқиши*

*Унинг келиши хавфли – унинг келишининг хавфлилиги*

Юқоридаги солиштирилаётган конструкцияларнинг мазмуний яқинлаштирилишига улардаги марказий элементларнинг умумийлиги асос бўлади. Транспозиция жараёнида коммуникатив бирлик сифатидаги гапнинг марказий элементи – кесими номинатив бирликнинг марказига айланади.

Пропозитив номинация моҳияти учун гапнинг коммуникатив таркиби ҳам эътибордан ташқарида бўлмайди. Гапнинг коммуникатив тузилишн унинг номинатив тузилишига ҳам таъсир қилади. Шундай таъсир қиладики, гапнинг коммуникатив маркази бир вақтнинг ўзида номинатив асос вазифасини ўтайди.

Ҳар қандай гап семантикасида пропозитив мазмундан ташқари, сўзлашувчининг коммуникатив нияти ва мумкин бўлган модалликдан бири иштирок этиши керак. Бошқача айтганда, пропозициядан реал гап мазмунига ўтиш учун пропозитив рамкадан ташқари, яна икки рамкани – модаллик ва коммуникатив рамкани қўшиш зарур. Кейинги ҳар икки рамка ҳар қандай гап мазмуний тузилишининг зарурий узви ҳисобланади.

Шундай қилиб, ҳар қандай гапнинг мазмуний тузилиши мураккаб, кўп қиррали характерга эга бўлиб, унда энг камида уч узв: 1) пропозитив; 2) модал; 3) коммуникатив узвлар иштирок этади.

Гапнинг мазмуний тузилишини ташкил этган юқоридаги узвлардан энг асосийси объектив борлиқдаги айрим вазият ёки воқеаларни акс эттирувчи пропозитив тузилишдир.

### **Гап семантикасининг пропозитив аспекти**

Юқорида таъкидланганидек, ҳар қандай гап мазмунида уч аспект қатнашади: 1) пропозитив (номинатив); 2) модал (объектив модаллик); 3) коммуникатив (тема-рематик) аспекти. Булардан тил бирлиги сифатидаги гап семантикасида фақат пропозиция ва объектив модаллик мавжуд бўлса, нутқ бирлиги сифатидаги гап (жумла) семантикасида эса улардан ташқари, албатта, коммуникатив аспект ва баъзан субъектив модаллик ҳам иштирок этади.

Айрим тилшунослар гап мазмунида тилдан ташқаридаги экстралингвистик омилни рад этмаган ҳолда, тил ифодасининг объектив борлиқ, вазият билан бевосита эмас, балки инсон онгида мавжуд бўлган «объектив борлиқ образлари» орқали боғланишига асосланиб, «вазият» терминини руҳий макон ва руҳий замонда жойлашган руҳий вазиятга нисбатан қўллайдилар. Бунга мувофиқ, «гап» термини остида айрим вазиятларни кодлаштирадиган товуш образларининг занжири тушунилади.

А.Вежицкаянинг фикрича, семантика предмети реал борлиқ эмас, балки шу реал борлиқнинг онгдаги акси бўлиши керак. Чунки тил объектив борлиқни фақат онг орқали ифодалайди.

Ҳозирги синтактик семантикада денотатив (референционал) аспект ўрин олмоқда. Бунга кўра, актуаллашган, яъни нутқий элементларнинг вазият элементларига муносабати эътиборга олинади.

Аммо тилшунослар ўртасида вазият элементлари масаласи ҳам бир хил эмас. И.П.Распопов таъкидлаганидек, семантик структура билан шуғулланган ҳамма тилшунослар гапнинг семантик структураси (номинатив аспект жиҳатидан) у ифодалаган объектив реаллик структураси билан бир хилдир деган асосга таянадилар. «Гапнинг семантик структурасини тилдан ташқаридаги вазиятдан топишга уриниш маълум қийинчиликларга олиб келади, – дейди Г.А.Золотова. – Чунки экстралингвистик план структураси, бўлиниши ва умумлашиш даражаси тавсиф эркинлигига йўл беради... Вазият структурасини, унинг бўлинишини биз тил кўникмамизда қандай акс эттирсак, шундай тасаввур этганимиз учун улар ўртасидаги изоморфлик ҳақида кўркмасдан гапириш мумкин».

Семантик структура (СемС) назариясининг шаклланишида алоҳида ўрин эгаллаган. Ч.Филмор СемСни ички структура (ГС) деб номлайди ва унинг асоси сифатида бевосита иштирокчилар (НС) грамматикасидан эмас, балки рамзий мантиқнинг предикат – аргумент принциpidан фойдаланади. ГС ни у  $S=M + P$  формуласи билан кўрсатади. Бу ерда  $S$  – гап,  $M$  – модаллик

ифодаловчиси,  $P$  – пропозиция. Пропозиция  $P-v + c + \dots + c_n$  тарзида кенгайиши мумкин дейди (бу ўринда  $v$  – феъл,  $c$  – аргументнинг предикатга бўлган муносабатини ифодаловчи ички келишиклар).

Филлморнинг ички тузилиш назарияси айрим камчиликларига қарамай, гап мазмунини бир хил акс эттиришга анча яқинлашди. Филлморнинг ички – келишик концепциясига В.Г.Гакнинг концепцияси узвий равишда боғланади. В.Г.Гак ҳам ГС терминидан фойдаланиб уни вазият билан бир хил бўлган лексик-синтактик тузилишдир деб ҳисоблайди. ГС вазиятнинг тўғридан-тўғри номи: ПС (ташқи структура) эса воситали номи сифатида талқин қилинади).

ГС предикат билан бирга қуйидаги актантларни ўз ичига олади дейди: 1) субъект; 2) объект; 3) адресат; 4) жараённинг юзага чиқиши учун ёрдам берадиган ёки тўсқинлик қиладиган субстанция (инициатор, қурол, сабаб); 5) фазовий конкретлаштирувчи (ҳаракатнинг юзага чиқиши ёки тугаш ўрни) қараши ёки бир қисми субъект ё объектни ташкил қилган субстанция.

Семантик структуранинг оригинал концепцияси И.П.Сусов томонидан илгари сурилди. Унинг қарашича, реал ҳақиқат бир неча вазиятлардан ташкил топади. Инсон онги конкрет вазиятларни акс эттиради, умумлаштиради ва уларни синфларга бирлаштиради. Инсон онгида умумлашган вазиятга ёки унинг синфига ички тил шакллари мос келади. Уни ҳосил қилиш уч босқичда бўлади; умумлашган вазиятга мувофиқ тузилишни ҳосил қилувчи реляцион босқич; реляцион структурага субъект-предикат муносабатини қўшадиган предикацион босқич, предикацион структурага темпораллик, модаллик, персоналлик ва бошқа қўшимча маъноларни юклайдиган модификацион босқич.

Реляцион структура Филлморнинг СемСини эслатган ҳолда, қуйидаги релятемалардан ташкил топади: *агентив, агентив бўлмаган, пациентив, атрактив, локатив, аблатив ва инструментал*.

Кўриниб турибдики, СемС мақоми ҳақида ҳозирги кунда тилшунослар ўртасида яқдиллик йўқ. Бу нарса СемС реаллигини инкор қилиш ёки уйдирмалигини тасдиқлаш натижаси эмас, балки унинг фавқулудда мураккаб тузилма экани натижасидир.

И.П.Сусов гапнинг лисоний белги эканини эътироф этган ҳолда, уни конкрет (ёки гапнинг ташқи тузилиши) ва абстракт (гапнинг ички тузилиши) гапларга ажратади. Биринчиси иккинчисини намоён қилади. Иккинчиси ҳар қандай конкрет гапнинг зарурий асоси ҳисобланади.

Унинг фикрича, абстракт гап синтактик фактни, хусусан, позицион тузилишни, яъни лексик бирликлар, морфологик кўрсаткичлар, интонацион элементлар билан тўлдирилмаган, конкрет гапни шакллантирувчи барча моментлар иштирок этмаган субъект ва предикат позицияларни ифодалайди. Бошқача айтганда, абстракт гап гапнинг тузилиш схемасидир. Абстракт гап синтактик маъно ифодалайди. Аксинча, конкрет гап юқоридаги кўрсатилган барча қўшимча моментларни акс эттириб, синтактик маъногагина эмас, балки суперсинтактик маънога ҳам эга бўлади.

Конкрет гап кўп босқичли характерга эга, у гап ҳосил қилиш (ономасиология) жараёнининг охириги, якуний босқичидир. Конкрет гап охириги ҳосила сифатида кўп босқичли барча ички тузилишларга (номинатив, реляцион ва бошқ.) қарама-қарши қўйилади.

Гап ҳосил қилишнинг бошланғич нуқтаси алоҳида вазиятларнинг абстракт босқичда денотатив-референционал маъно ифодаловчи мазмуний ўхшашликларини белгилашдан иборат. Шунинг учун ҳар қандай гап семантикасининг таҳлили вазият элементлари ва уларнинг акс эттириш босқичидаги муқобилларини аниқлашдан бошланиши керак.

### **Вазият элементлари**

Диалектик фалсафанинг негизи оламнинг моддийлигини, уни яратиб ҳам, йўқ қилиб ҳам бўлмаслиги, замонда мавжудлиги, абадийлиги, маконда чексизлигини, унинг изчил тарзда ўз-ўзидан ривожланишини ва бу ривожланиш муайян босқичларда заруран ҳаётнинг ва фикрловчи мавжудотларнинг пайдо бўлишига олиб келишини эътироф этишдан иборат. Ана шу фикрловчи мавжудотлар орқали материя ўз мавжудлиги ва ривожланишининг қонунларини билишга қодир бўлади.

Инсон энг ажойиб тухфага – онгга эга. Онг инсон миясининг вазифасидир. Бу вазифанинг моҳияти воқеликни фаол, мақсадли акс эттиришдан иборат. Онг ҳар қандай модданинг эмас, балки фақат юксак даражада ташкил топган модданинг хоссасидир. Онгнинг диалектик концепцияси инъикос принципига, яъни объектнинг инсон миясида сезгилар, идроклар, тасаввурлар, тушунчалар, муҳокамалар, хулоса чиқаришлар тарзида рухий такрор ҳосил қилиш принципларига асосланади. Онгнинг мазмуни пировардида теварак-атрофдаги воқелик билан белгиланади, инсоннинг бош мияси унинг моддий субстрати бўлиб хизмат қилади.

Модда объектив реалликни ифодаладиган категория бўлиб, бу объектив реалликни инсон ўз сезгилари билан идрок этади, бу объектив реаллик бизнинг сезгиларимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир. Сезги аъзоларимиз ундан нусха олади, уни акс эттиради.

Онгнинг пайдо бўлиши нутқнинг вужудга келиши билан бевосита боғлиқ. Нутқ фаолият бўлиб, у тил ёрдами билан, алоқа воситаларининг муайян системаси билан рўёбга чиқади. Онг билан нутқ ўзаро чамбарчас боғланган. Онг воқеликни акс эттиради, нутқ эса ана шу онгда акс этган воқеликни билдиради. Демак, тил воқелик билан онг орқали боғланади. Тил, онг ва воқелик ўртасида ўзаро диалектик муносабат мавжуд. Фикр ҳам, тил ҳам ўзлигича алоҳида оламни ташкил этмайди... улар воқеий ҳаётнинг юз беришидир, холос. Тил фикрнинг бевосита воқе бўлиши.

Тилнинг асосий бирлиги – сўзнинг маъноси предмет, ҳаракат-ходисаларни акс эттиради ҳамда ҳиссий ва аклий образдан иборат бўлади. Тил ёрдамида жонли мушоҳададан, ҳиссий билишдан умумлашган, мавҳум тафаккурга ўтилади. Ҳар қандай сўз (нутқ)нинг ўзиёқ умумлаштиради. Инсон ўз фикрлари ва ҳис-туйғуларини нутқда объективлаштириб, уларни бамисоли

Ўз олдига қўйиб, ўзидан ташқаридаги объект сифатида таҳлил қилади. Инсон нарсанинг образини иккинчи кишига тилдан бошқача восита билан беролмайди.

Ўзаро муносабатда бўлган предмет, ҳодиса, хусусият, ҳаракат ва ҳ.к.лар бирлигидан ташкил топган объектив борлиқнинг алоҳида элементлари тилнинг асосий бирликлари сўзнинг, алоҳида элементлар ансамбли эса гапнинг денотати ҳисобланади. Гап денотати бўлган алоҳида элементлар ансамбли кўпчилик адабиётларда вазият (ситуация) термини билан номланади. Ҳар қандай вазият турли элементларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган бир бутунлик – системадир. Вазият элементлари предметлар ва белгилардан иборат. Предметлар объектив оламдаги маълум белги хусусиятга эга мустақил моҳият – кишилиқ, ўсимликлар, ҳайвонот олами, табиат олами ва ҳ.к.га мансуб элементлар саналса, белгилар мустақил моҳият қаторига кирмайдиган, унинг хусусияти, ҳолати, ҳаракати, муносабатларини билдирувчи элементлар ҳисобланади.

И.П.Сусов мантиқ назариясига амал қилган ҳолда предметларни ноль типдаги элементлар, белгиларни эса ноль бўлмаган (биринчи, иккинчи ва ҳ.к.) типдаги элементларга киритади. Элементларнинг биринчи типига предмет белгилари, иккинчи типига предмет белгиларининг белгилари, учинчи типига эса предмет белгисининг белгиси оид бўлади. Англашиладики, ҳар бир вазият элементлар даражаланишидан ташкил топган.

И.П.Сусов вазиятни базис ва базис бўлмаган вазиятларга ажратади. Базис вазият бир, икки ёки учта ноль типдаги элементлардан ташкил топса, базис бўлмаган вазият ўз составида ноль типдаги элементга эга бўлмайди.

Базис вазият, ўз навбатида, имманент ва нисбий вазиятларга бўлинади. Имманент вазият фақат бир предметдан иборат бўлади ва ўзига хос ёки жамланган предметларни акс эттиради. Нисбий вазият эса ўзаро белги-муносабат билан боғланган икки ёки уч предметдан иборат бўлади. Ҳар қандай муносабат йўналиш хусусиятига эга: бир предметдан (бошланган предмет) иккинчи предметга (яқунловчи предметга) қаратилади. Вазият агар уч предметли бўлса, муносабатга билвосита иштирок этадиган қўшимча предмет ҳам ажратилади. Вазият предметлари турлича вазифада келишлари мумкин: агенс, пациенс (бошланғич предметлар); ўрин, қурол-восита ва бошқ.

Юқоридаги яқка вазият элементлари маълум мавҳум вазият призмаси орқали тилда ўз муқобилларига эга бўлади.

## **Реляцион структура**

Реляцион структура вазият элементлари билан уларнинг тил ифодалари ўртасида оралиқ структурадир.

Реляцион структура маълум вазиятнинг онгдаги гавдалантирувчиси саналиб, у, ўз навбатида, ифодаланмиш сифатида ташқи структура – синтактик структура орқали ифодаланади. Демак, реляцион структура

гапнинг ички тузилишини ташкил этади. Реляцион структура икки томонлама муносабатга киришади. У, биринчидан, вазият билан боғланган. Иккинчидан, конкрет гаплар (жумла)нинг алоҳида позицияларига бўлиниши билан муносабатда бўлади. Бошқача айтганда, реляцион структура конкрет гап синтактик шакллариининг энг муҳим моментлари умумлашган, схематик ифодаси бўлиб, вазият элементлари билан конкрет гап элементлари ўртасидаги оралик бўғинни ташкил этади.

Реляцион структура тилдан ташқаридаги вазият тузилишини гавдалантирувчи бир бутунликдир. Унинг элементларини И.П.Сусов релятема деб номлайди. Релятема вазиятнинг алоҳида элементларини – предметлар ва белгиларни умумлашган тарзда акс эттиради.

Реляцион структура ҳам худди вазият элементлари каби предмет ва белги релятемаларга ажралади. Белги релятемалар, ўз навбатида, турли даражаларга (рангларга) бўлинади (биринчи, иккинчи, учинчи). Предмет релятемалар ноль даражага эга. Биринчи даражали белги релятемаси бевосита предмет релятемаси билан, иккинчи даражали белги релятемаси биринчи даражали белги релятемаси билан, учинчи даражали белги релятемаси иккинчи даражали белги релятемаси билан муносабатда бўлади. Шундай қилиб, реляцион структура ҳам кўп босқични ташкил этади.

Реляцион структура элементлари вазият элементларининг онгдаги инъикоси бўлганидан релятема вазифаси ҳам вазият элементлари вазифасига мувофиқ белгиланади: а) бошланғич предмет релятемалари (агенс ва агенс бўлмаган); б) яқунловчи предмет релятемалари (пациенс, ўрин); в) ёрдамчи предмет релятемалари (ўрин, курул-восита). Ҳаммаси бўлиб саккизта предмет релятемалар ва саккизта белги релятемалари, жами 16 та релятема ажратилади.

И.П.Сусов реляцион структурада ядро релятемани релятор, унга эргашиб келган релятемани эса релят термини билан номлайди. Релят релятор валентлигини реаллаштиради.

И.П.Сусов таклиф этган релят-релятор структураси В.А.Богдановнинг аргумент-предикат тузилишига яқин келади. Шунинг учун реляцион структурани предикат ва унинг аргументлари асосида ҳам изоҳлаш мумкин. Демак, реляцион структура гап ҳосил қилиш жараёнининг предикатив ва модификацион аспектга эга бўлмаган босқичини ифодалайди.

И.П.Роспопов ҳам гапнинг кўп поғонали эканини тан олган ҳолда конструктив-синтактик ва коммуникатив-синтактик сатҳларга ажратади. Конструктив-синтактик сатҳ гапнинг зарурий қисми бўлса ҳам, лекин ҳали гап эмас. Гапнинг ўзига хос асосий белгилари коммуникатив-синтактик сатҳ бирликлари бўлган модаллик ва актуаллик конструктив-синтактик база устига қўшилгандагина уни гапга айлантиради.

Ҳозирги тилшуносликда гап орқали ифодаланган реляцион структура икки хил белгиланади. Бир ўринда ахборот структураси субъект-предикат тузилма ҳолида, иккинчисида маълум муносабат билан боғланган предметлар системаси сифатида тасаввур қилинади.

Анъанага кўра, гап ҳукмнинг сўзлар воситасида ифодаланиши деб қаралади, шунинг учун синтаксис мантиқий категориялар асосида ўрганилади. Ҳар қандай ҳукм субъект-предикат муносабатидан ташкил топади. Шунга мувофиқ, ҳукм ифодаланган гап мазмуни ҳам субъект-предикат структураларга ажратилади. Субъект эга ва эга гуруҳига, предикат кесим ва кесим гуруҳига тенглаштирилади: *Мен + келдим; Азиз асримизнинг азиз онлари + азиз одамлардан сўрайди қадрин*. Биринчи гапда субъект (эга) *мен*, предикат (кесим) *келдим*. Иккинчи гапда субъект *Азиз асримизнинг азиз онлари*, предикат *азиз одамлардан сўрайди қадрин*.

Гапда ифодаланган ахборот структурасини маълум муносабат билан боғланган предмет системаси сифатида белгилаш ҳозирги тилшуносликнинг етакчи тенденциясидир. Унга кўра, гапнинг релятив структураси предмет ва унинг предикатив белгисидан иборат бўлган система сифатида (шаҳар – катта; уй – баланд) ва маълум муносабат билан боғланган предметларни ўз ичига олган система сифатида тасаввур қилинади. Масалан, *Ўқувчилар дарахтларни оқладилар* гапининг релятив структураси икки предмет ва улар ўртасидаги муносабатдан иборат. Биринчи предмет *ўқувчилар*, иккинчи предмет *дарахтларни*, улар ўртасидаги муносабат эса *оқладилар* орқали ифодаланган. *Азиз асримизнинг азиз онлари азиз одамлардан сўрайди қадрин* гапининг мазмуни ўзаро *сўрайди* сўзи орқали муносабатга киришган уч предмет (*азиз асримизнинг азиз онлари + азиз одамлардан + қадрин*)ни ўз ичига олувчи системадан иборат.

Л.Теньер ҳаракат иштирокчиларини, яъни предметларни субъект ва объектларга ажратмай умумлаштирган ҳолда актантлар номи билан атади.

В.Г.Гак объектли предикат терминини киритди. Унинг фикрича, объектли предикат икки субстанция – А ва В ўртасидаги муносабатни ифодалайди. Бу концепцияга мувофиқ, ҳар қандай гапнинг релятив структураси предикат ва унинг актантларидан иборат. Актантлар (аргументлар) предикатнинг бўш ўринларини (валентликларини) тўлдиради. Демак, предикат актантлари унинг валентликлари билан боғлиқ. Н.И.Филичева таъкидлаганидек, валентликни ва унинг бўш ўринларини ўзида акс эттирувчи сўз ички тузилишида синтактик муносабатларнинг «скелети»ни ҳосил қилади ва бу скелет конкрет нутқий реаллашувдан ташқарида ҳам ўзни кўрсатиб туриши мумкин. Шунинг учун, аввало, реляцион структура элементларининг синтагматик ва парадигматик муносабатлари ҳамда уларнинг конкрет синтактик структура орқали ифодаланиши ҳақида баҳс юритишга тўғри келади.

## Синтагматика

Реляцион «скелет» ташқи структурада маълум конфигурацион «скелет»га, яъни маълум грамматик шаклланишга мувофиқ келади. Реляцион ва конфигурацион «скелетлар» устма-уст қўйилиб, боғланиш моделини ҳосил қилади. Боғланиш моделида ўзининг тузилиш моделига кўра асосий ва ёрдамчи аъзоси ажралади. Ҳар қандай гапнинг реляцион структураси



предикат ва унинг аргументлари муносабати бирлиги сифатида талқин қилинаркан, бу тузилишнинг асосий аъзоси предикат саналади.

Предикатлар, одатда, ҳам парадигматик, ҳам синтагматик аъзоларни ўзида акс эттиради. Шу сабабли у гап ёки унинг айрим қисмларининг конструктив маркази сифатида майдонга чиқади. Аргументлар эса уларнинг фақат умумий синтагматик-семантик семаларини реаллаштиради. Бу эса предикат мавҳум семантик-синтактик синтагма асоси, аргументлар эса уларнинг семантик валентликларини конкретлаштирувчи, реаллаштирувчи эканини кўрсатади. Демак, валентликнинг ташувчиси бўлган предикат гап структурасини белгилайди. Ҳар қандай синтактик алоқа реаллашган валентлик сифатида қаралади.

Кейинги йилларда валентлик назарияси ўзининг муаммолари ва терминологияси билан алоҳида тилшунослик соҳаси сифатида ажрала бошлади. «Валентлик» термини рус ва Европа тилшунослигида бир вақтда майдонга келди. Мазкур термин 1948 йили С.Д.Кацнельсон томонидан «Грамматик категориялар ҳақида» асарида қўлланилади. Сўзнинг гапда маълум тарзда реаллашиш ва бошқа сўз билан маълум алоқага киришиш хусусияти унинг синтактик валентлиги ҳисобланади. Унинг таъкидлашича, валентлик худди анкетадаги каби тўлдириладиган «бўш ўринлари» мавжуд бўлган маъно хусусиятидир. Бошқача айтганда, валентлик остида сўз маъносидан англашиладиган ёки унда яширин мавжуд бўлган «бўш ўрин» ва уни гапда айрим сўзлар билан тўлдириш заруратига ишора тушунилади. Демак, валентлик маълум сўзнинг бошқа сўзни ўзига бирлаштириш хусусиятидир.

Сўзлар валентлиги синтактик муносабатларнинг «скелети»ни ташкил этади. Унинг нутқда реаллашиши натижасида конфигурацион «скелет» қўшилади. Реляцион ва конфигурацион «скелет» қўшилиб сўз бирикмаси моделини ҳосил қилади. Сўз бирикмаси модели икки томонлама хусусиятга эга, бир томондан, синтактик шаклга (конфигурация, структур схемага) ҳамда умумлашган сиктактик маънога (синтактик муносабатлар конфигурациясидан ифодаланувчи) эга. Сўз бирикмаси доирасида бош (ядро) ва эргаш аъзо (адъюнкт) ёки аъзолар ажратилади. Бош аъзонинг морфологик шаклланиши бу бирикманинг ички тузилиши учун қимматга эга эмас (қаратқич-қаралмиш муносабати бундан мустасно). У бутун гап составига қўшилганда бошқа қисмга эргаш позицияда келиб, бошқача қимматга эга бўлади. Аксинча, ёрдамчи аъзонинг бошқача морфологик шаклланиши бирикма ички тузилиши учун муҳимдир. У ҳам бош аъзога синтактик тобеликни, ҳам тобе қисмнинг бош қисмга нисбатан синтактик вазифасини белгилайди. Эргаш қисм бирикма структурасида маълум синтактик вазифада келган сўзнинг маълум грамматик шакл, яъни сўзнинг синтактик шакли сифатида иштирок этади. Гапнинг семантик ва структур маркази предикат бўлгани туфайли, аввало, предикат ҳақида тўхталишга тўғри келади.

## Предикат

Предикат ҳам семантик, ҳам мантикий, ҳам грамматик тушунча. Семантик тушунча сифатида предикат ҳар қандай синтактик қурилманинг номинатив асоси. Грамматик тушунча сифатида предикат ўзи бошқариб келаётган синтактик элементларнинг маркази. Мантикий тушунча сифатида фикрнинг субъект белгисини билдирувчи қисми. Гапларнинг пропозитив структурасини предикат ва унинг аргументлари (семантик актантилари)дан ташкил топган предикат ифода сифатида моделлаштириш кўпроқ одат тусига кириб бормокда. Демак, предикат ва унинг аргументлари (унга эргашиб келувчи синтактик элементлар) бирлиги предикат ифодани (ПИ) ташкил этади. Яъни  $ПИ = + P + A$ . Ҳар қандай предикат ифодани шакллантиришга хизмат қиладиган марказий элемент предикатдир. Предикат ифодалар миқдори предикатга қараб белгиланади. Маълум синтактик бутунлик таркибида қанча предикат бўлса, у шунча предикат ифодадан иборат. Предикат ифода гап учун асос ролини ўйнаса-да, яъни ҳар қандай гап предикат ифодадан ташкил топса ҳам, аммо ҳар қандай предикат ифода гап бўлавермайди. ПИ гап бўлиб шакллана олиши учун у гапнинг энг муҳим грамматик-семантик белгисига – предикативликка эга бўлиши керак. Предикат предикативлик билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар қандай предикативлик предикат асосида шаклланади. Предикативлик шакллари предикатга қўшилади. Шунинг учун предикативликни ўзида акс эттирган ҳар қандай предикатнинг ўзи энг кичик гап ҳисобланади.

Демак, предикат пропозитив структуранинг марказий элементидир. Шунга қарамай, тилшуносликда предикат мақоми масаласида бир хиллик йўқ. Жуда кўп адабиётларда предикат феълга нисбат берилади, унинг эквиваленти сифатида талқин қилинади. Масалан, Ю.С.Степанов фикрига кўра, феъл бу предикатдир. Феъл луғатнинг мураккаб (комплекс) бирлиги бўлиб, биринчидан, айрим предикатни, иккинчидан, гап таркибида шу предикатга кирувчи отнинг айрим мазмуний белгиларини ифодалайди.

В.Б.Касевич ва В.С.Храковский ҳам предикатга худди шундай муносабатда бўладилар. Хусусан, предикат актантилари (ПА) ҳақида фикр юритиб улар асосан феъллар, феълли оборотлар орқали ифодаланишини айтадилар. Муаллифлар феълга қарам бўлган, унинг мажбурий валентлигини тўлдирувчи синтактик қурилманинг элементини синтактик актантилар ҳисоблайдилар ва уни феълнинг мазмуний валентлиги билан боғланмаган сирконстантларга қарама-қарши кўядилар.

Айрим лингвистлар предикат термини остида фақат феълни эмас, балки кенг маънода отларни ҳам бирлаштирадилар. Предикатларни мустақил ва ёрдамчи предикатларга бўладилар. Биринчи типдаги предикатларга феъл, сифат, равиш, ҳолат билдирувчи сўзлар ва мавҳум отлар киритилади. Иккинчи типдаги предикатларга эса айрим кўмакчилар, боғловчилар, пропозиционал боғламалар, кванторлар, грамматик категориялар мансуб эканини кўрсатадилар.

Ҳамма предикатлар статиклик-динамиклик фарқловчи белгисига кўра икки катта гуруҳга ажратилиши жуда кўп адабиётларда тан олинади. Рус грамматикаларида юқоридаги оппозиция энг умумий фарқловчи белги

сифатида қаралиб, предикатларнинг феъл ва феъл бўлмаган сўзлар орқали ифодаланишига асос бўлади.

Кўриниб турибдики, предикатлар пропозициянинг марказий элементи (предикат ва унинг аргументлари моделида бўлганда) ёки шу пропозициянинг ўзидир (ноль валентли предикат моделида бўлганда). Предикатлар феъллар ва феъл бўлмаган (кенг маънода отлар ёки белги билдирувчи сўзлар) сўз шакллари орқали ифодаланади. Шунинг учун у, аввало, феъл предикатлар ва от предикатларга бўлинади.

Юқорида айтилганидек, феъллар гапда доимо предикат бўлиб келади. Пропозициянинг бирламчи ифодаловчиси бўлган, грамматик тўла шакланган феъл асосли гапларда феълдан ифодаланган синтаксема икки хил вазифа бажаради: 1) гап элементларини ташкил этиш (боғлаш); 2) гапни гап қилиб шакллантириш.

Э.Бенвенист феълнинг гап таркибидаги биринчи вазифасини алоқа вазифаси, иккинчисини эса тасдиқ вазифаси деб атайди. Феълнинг гапда доимо предикат вазифасида келгани учун феъл предикатларни белгилаш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Аммо от доимо предикат вазифасида келавермайди. Отлар икки хил вазифада – предикат ва предикат (аргумент) белгилари сифатида келиши мумкин. Шунинг учун куйида кўпроқ от предикатларга эътибор қаратамиз.

В.В.Богданов предикат ва нопредикат белгилар ўртасидаги фарқ бутун тил системасига таъсир этишини ҳамда бу фарқ объектив борлиқ антологияси билан боғлиқлигини, шунинг учун у фақат лингвистик аҳамиятгина эмас, балки мантиқий ва умумфалсафий аҳамият ҳам касб этишини баён қилади.

Ҳозирги фалсафий адабиётларда объектив борлиқнинг икки концепцияси кенг тармоқ отди. Улардан бири австриялик файласуф-неопозитивист Л.Витгенштейн номи билан боғлиқ. Мазкур концепциянинг моҳияти шундан иборатки, объектив дунё моддий йиғинди сифатида эмас, балки фактлар йиғиндиси сифатида қаралади. Жумладан, Л.Витгенштейннинг «Мантиқий-фалсафий трактат» асарида: «1. 1. Дунё нарсалар йиғиндисимас, балки фактлар йиғиндисидир», «1. 2. Дунё фактларга ажралади», – деган тезис баён қилинади.

Барча фактларни у элементар ва мураккаб ёки молекуляр фактларга бўлади. Элементар факт, олимнинг фикрича, объектлар (нарсалар, предметлар) боғланишидир. Масалан, «Сукрот доно бўлган», «Сукрот афиналик бўлган» гапларининг ҳар қайсиси биттадан элементар фактни ифодалайди. Элементар фактлар молекуляр факт учун асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, юқоридаги ҳар қайси элементар фактни ифодалаган гаплар молекуляр фактни ифодаловчи *Сукрот, доно, афиналик, бўлган* гапнинг қисмлари ҳисобланади.

Диалектик фалсафада Л.Витгенштейннинг дунёнинг бундай фактологик концепцияси қаттиқ танқид қилинган ҳолда, А.И.Уемовнинг «наrsa, хусусият ва муносабат» концепцияси кенг ўрин олди. Бу концепцияга кўра, объектив борлиқнинг асосий категориялари наrsa, хусусият ва муносабат ҳисобланади.

Фақат нарсаларгина эмас, балки хусусият ва муносабатлар ҳам объектив мавжуд. Мазкур категориялар ичида марказий ва энг асосий категория «нарса»дир. Чунки хусусият ва муносабатга нисбатан нарса кўпроқ нисбий мустақилликка эга.

Л.Витгенштейн ҳам нарсанинг объектив мавжудлигини инкор этмайди. Аммо у фактни нарсадан устун қўяди. А.И.Уемов фикрича эса, хусусият, муносабат ҳамда улар асосида шаклланадиган факт ҳам нарсага нисбатан иккиламчи. Дарҳақиқат, факт нарсанинг хусусият ва муносабати билан кўринишидир. Аммо ҳар қандай хусусият ва муносабат нарсага нисбатан иккиламчидир, нарсанинг белгиларидир. Белги ҳақида гапириш учун, аввало, бу белгига эга нарса мавжуд бўлиши керак.

Реал борлиқ тафаккурда, демакки, мантиқий категорияларда ва тилда ўз аксини топади. Л.Витгенштейн шу муносабат билан мантиқий образлар ёки пропозициялар ҳақида фикр юритади. Гапни пропозитив (пропозиционал) белги деб ҳисоблайди. У кичик фактларни ифодаловчи гапларни «элементар гаплар» дейди. Олимнинг фикрича, элементар гаплар ўзаро пропозиционал боғламалар воситасида боғланиб, молекуляр фактларни ифодаловчи комплекс гапларга айланиши мумкин.

А.И.Уемов концепциясида нарсага субъект, хусусият ва муносабатга эса предикат мувофиқ келади. В.В.Богданов А.И.Уемов концепциясига қўшилган ҳолда ҳар қандай элементар гапда икки хил от (имена): маълум бир отнинг хусусиятини ёки бошқа отлар ўртасидаги муносабатларни ифодаловчи отлар ҳамда ўзаро боғланаётган отларнинг ўзи мавжудлигини таъкидлайди.

Улардан биринчисини предикат белгилар, иккинчисини нопредикат белгилар деб ҳисоблайди. Нопредикат белгилар предикат белгининг аргументлари ҳисобланади.

Ю.С.Степанов «предикатлар алоҳида семантик моҳият бўлиб, унинг категоризацияси борлиқнинг объектив ҳодисалари умумлашмасини кўрсатади», – дейди.

Тилшунослар томонидан жуда кўп таъкидланганидек, лингвистикада шу вақтга қадар предикатларнинг фарқловчи маъно қисмларининг аниқ миқдорига асосланган, кўпчилик томонидан эътироф этилган семантик таснифи мавжуд эмас. Ўтган ўн йилликда худди шундай таснифни яратиш йўлида қадам қўйилди. Г.Б.Алисованинг кўрсатилган асари ҳам худди шундай уринишлардан биридир. Айниқса, кейинги йилларда предикат таснифига бағишланган бир қатор асарлар майдонга келди.

Предикатлар таснифи юзасидан қилинган дастлабки тадқиқотлар орасида Л.В.Шчербанинг ишлари алоҳида ўрин эгаллайди. У рус тилидаги предикатларни учга: 1) ҳаракат; 2) ҳолат; 3) хусусият маъноли предикатларга ажратади.

Л.В.Шчербанинг предикатлар ҳақидаги ғояси рус тилшунослигида кенг ўрин олди. Хусусан, В.В.Виноградов томонидан янада ривожлантирилди. Б.А.Ильин эса унинг фикрларини инглиз тили материалларига татбиқ этди.

Предикатлар таснифида кўпинча «активлик» – «демиактивлик» белгисига ҳам эътибор берилди. Аммо мазкур белги тилшунослар ўртасида

бир хил тушунилмайди. Хусусан, П.Валезио ушбу оппозицияни даража (нисбат) оппозицияси билан тенглаштиради. Ўзбек тилида ҳам «у ёзди», «у ўқияпти» билан «ўт ёнди», «қор ялтирайди» гапларидаги предикатлар «активлик» – «демитативлик» белгисига кўра оппозицияга киришади.

Гапнинг маъно типлари ҳам предикатга қараб белгиланади. Чунки гап объектив борлиқ ҳодисалари ўртасидаги категориал алоқаларни акс эттириб, унинг умумлашган маънолари (маъно типлари), энг аввало, предикатнинг категориал-грамматик характерида намоён бўлади.

Предикатлар таснифига таянган ҳолда гапнинг ҳам қуйидаги асосий мазмуний-грамматик моделларини ва умумлашган маъноларини белгилаш мумкин.

Предикат отларнинг характерли хусусиятлари, уларнинг семантик таснифи, от асосли гаплар таснифидаги роли ҳам тилшуносликда яхши ўрганилмаган.

Рус тилшунослигида Н.Д.Артунова ва Е.Н.Ширяев рус тилидаги мавжудликни ифодадовчи гапларни тадқиқ қилиш жараёнида бу гапларнинг структур маркази бўлган предикат отларни мазмуний гуруҳларга ажратади.

Ўзбек тилидаги от асосли гаплар ҳам махсус тадқиқот объекти бўлганича йўқ. Бундай гапларни чуқур ўрганиш ва уларнинг семантик-грамматик маркази бўлган предикат – отларни таснифлаш ўзбек тилшунослигининг навбатдаги вазифасидир.

Биз ўзбек тилидаги предикат отларни қуйидаги маъно турларига ажратамиз: *характерловчи, таснифловчи, муносабат, замон, ўрин* ва *миқдор* предикатлар.

**Характерловчи предикатлар.** Мазкур предикат предметга хос доимий белгини кўрсатади: *Аҳмад – ёлгончи* (аълочи, ботир, содда ва бошқ.)

**Таснифловчи предикатлар.** Бундай предикат вазифасида конкрет отлар келади. Конкрет отлар предикат позициясида қўлланиб, предикатнинг маълум синфга мансублигини кўрсатади: *Кит – сунт эмизувчи. Бу гул – атиргул* ва бошқ.

**Муносабат предикатлар.** Бундай предикатлар предикат ифодалаган объектнинг бошқа объектга муносабатини ифодалайди: *Салим ака – Каримнинг отаси. У менинг укам.*

**Ўрин предикатлар.** Предмет ва унинг жойлашган ўрни ўртасидаги муносабатни билдиради: *Укам мактабда. Хаёлим сенда.*

**Замон предикатлар.** Предмет ва унинг мавжудлик вақти ўртасидаги муносабатни кўрсатади: *Мажлис – бугун, Кино – соат тўртда* ва бошқ.

**Миқдор предикатлар.** Предмет ва унинг миқдори ўртасидаги муносабатни кўрсатади: *Фарзанддан бешта, сув кўп* ва бошқ. Предикатларнинг бундай мазмуний типлари от асосли гапларнинг мазмуний таснифи учун ҳам таянч ролини ўтайди: мавжудлик билдирувчи (экзистенционал) гаплар; характерловчи гаплар; тенглаштирувчи гаплар ва бошқ.

## Феъл предикатлар

Феълнинг лексик маъноси маълум лексик-семантик типнинг вакили бўлиб, у ўзида маълум от категорияси билан бирлашишга хосланган категориал белгини ҳам акс эттиради. Шу билан бирга, феъллар ўз ичида маълум маъно асосида бирлашган мазмуний майдонларни ҳам ҳосил қилади. Хуллас, феъл гапнинг ҳам мазмуний, ҳам грамматик марказини ташкил этади. Шунинг учун у фақат лексик, морфологик жиҳатдангина эмас, синтактик нуқтаи назардан ҳам диққат марказида туради. С.Д.Кацнельсоннинг таъкидлашича, маъно планида феъл предикатлар оддий лексик маънога нисбатан кенгрокдир. Феъл предикатлар маълум лексик маънони ифодалаш билан бир қаторда, ўзида бўлажак гап макетини ҳам акс эттиради. Феъл предикатлар маълум «бўш ўрин»ларга эга бўлиши билан бирга ўзи ҳам мазмуний жиҳатдан маълум мазмуний парадигмага мансуб бўлади.

Ҳозирги тилшуносликда феълларнинг ҳамма эътироф этган мазмуний таснифи мавжуд эмас. Турли принципга кўра турлича тасниф қилинади (денотатив, парадигматик ва синтагматик аспектда).

Парадигматик нуқтаи назардан феъл инвариант маънога кўра тасниф қилинади. Бунга мувофиқ, *ҳаракат* (фаолият), *ҳолат*, *хусусият*, *муносабат* феълларига ажратилади. Феъл предикатларнинг мазкур семантик майдонлари ўз ичида яна микромайдонларни ташкил қилади. Хусусан, фаолият феълларини, ўз навбатида, руҳий фаолият, нутқий фаолият, меҳнат фаолияти ва бошқа микромайдонларга бўлиш мумкин.

Руҳий фаолият феълларини янада кичикроқ микромайдонларга бўлиш мумкин: 1) сезиш (ҳис қилиш) феъллари (сезмоқ, ҳис қилмоқ); 2) хоҳиш феъллари (истамоқ, хоҳламоқ); 3) идрок этиш феъллари: а) умумий идрок (англамоқ, билмоқ); б) кўриш идроки (кўрмоқ, кўр бўлмоқ); в) эшитиш идроки (эшитмоқ, кар бўлмоқ, қулоғи оғир бўлмоқ); г) ҳидлаш феъллари (сезмоқ, сийпаламоқ); 4) эътибор феъллари (эътибор қилмоқ, эътибор билан эшитмоқ);

5) эмоционал кечинма феъллари (тўймоқ);

6) эмоционал муносабат феъллари (севмоқ, ҳурмат қилмоқ, ёқмоқ);

7) фикрлаш феъллари (фикрламоқ, ўйламоқ, тасаввур этмоқ, тахмин қилмоқ, янглишмоқ, хато қилмоқ);

8) сезиш феъллари (билмоқ, ўзлаштирмоқ, эгалламоқ);

9) хотира феъллари (эслатмоқ, эсан чикармоқ).

И.Қўчқортоев ўзбек тили нутқ феълларини қуйидаги тўққиз гуруҳга таснифлайди:

1) демоқ феъли;

2) гапириш феъллари (гапирмоқ, баён этмоқ, ҳикоя қилмоқ, лоф урмоқ);

3) хабар феъллари (айтмоқ, билдирмоқ, маълум қилмоқ);

4) нутқнинг талаффуз характери (бақирмоқ, бобилламоқ, гангимоқ, бидирламоқ, шивирламоқ);

5) нутқий симметрик феъллар (чакчақлашмоқ, гаплашмоқ, суҳбатлашмоқ, дардлашмоқ);

6) нутқий контакт феъллари (сўрамоқ, суриштирмақ, эътироз билдирмоқ, инкор қилмоқ);

7) нутқий баҳо феъллари (мақтамоқ, ёмонламақ);

8) нутқий даъват феъллари (ундамоқ, даъват этмоқ, тарғиб қилмоқ);

9) жим бўлиш феъллари (индамаслик, сукут қилмоқ, тек турмоқ).

Бир семантик майдонга мансуб предикатлар ўзаро валентлик нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Масалан, *сўрамоқ, суриштирмақ, эътироз билдирмоқ, инкор қилмоқ* феъллари валентлик белгисига кўра ўзаро фарқланади. *Сўрамоқ, суриштирмақ* феъллари икки валентликка – субъект ва объект валентликларга эга, уларнинг биринчисини бош, иккинчисини тушум келишигида келишини тақозо этса:

*N a N* ни сўради  
суриштирди

*эътироз билдирмоқ, изҳор қилмоқ* феъллари ҳам, икки валентли бўлишига қарамай, аргументлардан бирини бош ва иккинчисини жўналиш келишигида

келишини талаб қилади. *N a N* га эътироз билдирди.

### Аргументлар

Пропозитив структуранинг асосий узвлари предикат ва унинг аргументлари саналади. Бу узвларнинг ҳар қайсиси ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Предикат семемасининг характерли хусусияти маълум миқдордаги аргумент семемалар билан боғланиш имкониятига эга бўлишидир. Мазкур имконият уларнинг семантик валентлиги ёки «ўринлари» саналади. Предикатлар бундай хусусиятига кўра ноль ўринли (валентли), бир ўринли (валентли) ва кўп ўринли (валентли) турларга бўлинади. Ноль ўринли предикатлар табиатнинг фазовий ҳолатини тавсифлайди. Бир валентли предикатлар ҳаракат, ҳолат хусусиятларини ифодалаши мумкин. Лекин улар муносабатни ифодалолмайди. Кўп валентли предикатлар эса юқоридаги предикатлардан фарқли равишда муносабатни ҳам ифодалай олади

Аргументлар предикатларнинг бўш ўринларини тўлдириб келади. Предикат ва унинг аргументлари муносабати синтактик моделларни вужудга келтиради. Синтактик моделлар маълум синтактик маъно асосида маълум синтактик майдонни ҳосил қилади. Синтактик майдон термини остида объектив реаллик муносабатларини умумлашган тарзда акс эттирувчи синтактик маънолар яқинлиги асосида синтактик моделларнинг гуруҳланишини тушунамиз.

Майдон ўзаро синтактик муносабатдаги тобе қисмнинг ҳоким қисмга нисбатан позициясига кўра белгиланади. Гапнинг мазмуний ва тузилиш

маркази предикат бўлганидан майдон ҳам предикат ва унинг аргументлари асосида белгиланади.

### **Бир предикатли қурилмалар**

Аргумент позициясида нопредикат белгилар келган синтактик қурилмалар бир предикатли қурилмалар саналади.

Аргумент позициясида келган нопредикат белгилар турли мазмуний вазифаларни бажаради ва шунга мувофиқ аргумент-предикат муносабатлари турли мазмуний майдонларни ҳосил қилади. Бу майдонлар (макромайдонлар) бир бутун сифатида ўз ичида маълум микромайдонларга бўлиниши мумкин.

### **Субъектликлик микромайдони**

Лингвистик назарияларнинг ривожланиш жараёни билан субъект тушунчаси энг баҳсли масалалардан бирига айланиб қолди.

Тилшуносликнинг ҳозирги даврида субъект тушунчаси синтаксис ва семантиканинг ўзаро муносабатини ўрганиш нуқтаи назаридан кўпроқ эътиборни жалб этмоқда. Грамматик эга (синтактик структура бирлиги) кўпинча семантик субъект (семантик структура бирлиги) билан мос келмаслиги мумкин. Мазкур номувофиқлик икки структура элементларини алоҳида-алоҳида ўрганишга асос бўлди. Бундай ёндашиш таҳлил нуқтаи назаридан, дарҳақиқат, ўзини оқлайди. Аммо алоқа-аралашув жараёнида гап бир бутун структура сифатида функциялашади. Бу эса лингвистлар олдида гап қисмлари ролларига фақат аналитик характеристикагинамас, балки синтактик характеристика ҳам бериш вазифасини юклайди. Шунга мувофиқ, семантик-синтактик субъект категориясини гапнинг бир бутун тузилишида аниқлаш масаласини қўйишга зарурат пишиб етилди дейди. Г.А.Золотова. Аммо Д.Д.Воронина Г.А.Золотовани гапнинг семантик структурасидаги субъект мақомини аниқ тасаввур этмасликда айблайди.

Ҳар икки муаллиф ҳам субъектни гап семантик тузилишининг энг муҳим категорияси, предикатив белгининг ташувчиси (фақат предикатив белгини, чунки худди шу белги субъект ҳақида тасаввур уйғотади) ҳисоблайдилар. Гап субъект-предикат тузилишининг субстанционал қисмидир. Субъектнинг субстанционаллиги унинг предмет маъноси от билан ифодаланишини тақозо этади.

Мавжуд грамматик адабиётларда субъект термини хилма-хил талқин этилади. Бир ўринда мазкур термин остида эга, бошқасида ҳаракат қилувчи (деятель), яна бошқасида белгини яратувчи (производитель признака) маънолари тушунилади. Булар ичида субъект билан эгани тенглаштириш энг кўп учрайди. Эгани субъект тушунчаси орқали белгилаш фақат норматив грамматикалардагина эмас, балки махсус тадқиқотларда ҳам жуда кўп тарқалган. Хусусан, академик И.И.Мешчанинов эгани шундай таърифлайди: «...субъектни ифодаловчи алоҳида гап бўлаги эга дейилади». А.И.Смиринский ҳам субъект гапда эга орқали ифодаланишини, ўз



навбатида, эга субъектни ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмаси эканини кўрсатади.

Айрим адабиётларда субъект гапнинг эгаси ёки тўлдирувчисига мос келишига кўра гаплар иккига – актив ва пассив қурилмаларга бўлинади. Актив қурилмаларда эга субъектни ифодалаш, пассив қурилмаларда эса тўлдирувчи субъектни (агенсни) ифодалаш кўрсатилади. Шу билан бирга, субъект термини остида ранг-баранг тушунчалар бирлаштирилади: ҳаракатни ҳосил қилувчи, белги эгаси, ҳолат эгаси ва бошқ.

Субъект предикат билан диалектик боғланган. Чунки у предикат ифодалаган белгининг эгаси, предикат эса субъект белгисини билдиради. Аммо предикат марказий элемент (семантик марказ) бўлиб, субъектни ҳам кўрсатиб туради.

Предикат грамматик жиҳатдан фақат кесим позициясида келмаганидек, субъект ҳам фақат эга позициясида келмайди. У турли келишик шаклларидаги отлар билан ифодаланиб, турли синтактик позицияда келиши мумкин. Шунга қарамай, ўзбек тилшунослигидаги синтаксисга бағишланган ишларда субъект ва эга тушунчаларини аралаштириш ҳоллари учрайди. Хусусан, ўзбек тилидаги *Курсимизда ҳамма миллатдан бор* типдаги мисолларда чиқиш келишигидаги «миллатдан» бўлаги «бор» сўздан (предикатдан) англашилган белгининг ташувчиси бўлгани учун эга бўлади дейилади.

Семантик субъект ва предикат тушунчалари мантиқий субъект ва предикат тушунчаларидан ҳам фарқланади. Мантиқий ҳукм грамматик гап орқали реаллашади. Демак, ҳукм ва гап ўзаро диалектик бирликни ташкил этади. Одатда, ҳар бир ҳукмда уч асосий элемент: субъект, предикат ва боғловчи мавжуд. Мантиқда ҳукмнинг биринчи тушунчаси ҳукмнинг мантиқий эгаси, иккинчи тушунчаси мантиқий кесими ва булар орасидаги муносабатни вужудга келтирувчи ҳукм элементи ҳукм боғловчиси дейилади. Ҳукмнинг умумий схемаси С + П дир. Бунда С – субъект, П – предикат, « + » – субъектнинг предикат билан муносабатини кўрсатувчи боғловчи. Масалан, *Меҳнат унумдорлигининг ошиши маҳсулот таннархини камайтиради* гапи орқали англашилган ҳукм структурасида *меҳнат унумдорлигининг ошиши* – С, *маҳсулот таннархини камайтиради* – П ва С билан П орасидаги муносабат боғловчидир. Гапнинг мантиқий тузилиши фақат шу уч элемент билан чекланади.

Гапнинг семантик тузилишида эса субъект ва предикатлардан ташқари, вазиятнинг бошқа элементлари ҳам қатнашади. Масалан, юқоридаги гапда семантик жиҳатдан икки пропозиция ифодаланган, у қуйидаги семантик бирликлардан иборат: меҳнат унумдорлиги – субъект, ошиши – предикат (биринчи пропозиция), маҳсулот таннархи – субъект, камайтиради – предикат, - тир – каузатор (иккинчи пропозиция). Кўриниб турибдики, мантиқий субъект ва предикат тушунчалари билан семантик субъект ва предикат тушунчалари ўзаро боғланган бўлсалар ҳам, аммо бир-бирига тенг ҳодисалар эмас.

Шу билан бирга, мантиқий субъект, предикат тушунчалари ўзаро нисбий боғланган. Агар бу икки тушунча якка ҳолатда олинса, ҳукм

ифодалолмайди. Масалан, якка олинган «кино» тушунчаси субъект хукм, «санъат» тушунчаси предикат хукм бўлолмайди. Агар биз «кино санъатдир» десак, бунда икки тушунчанинг ўзаро диалектик муносабати маълум бир хукмни ташкил этади, яъни бунда «кино» хукмнинг субъект элементи, «санъат» унинг предикат элементига айланади. Аммо гапнинг семантик тузилишида фақат предикатнинг ўзи маълум пропозицияни ифодалаб, у субъектни ҳам кўрсатиб туриши мумкин.

Юқорида субъект жуда умумий тушунча экани, унинг жуда кўп ва хилма-хил вазият элементларини ўз ичига бирлаштириши айтиб ўтилди. Аммо лингвистик адабиётларда субъектнинг маънолар системаси турлича талқин қилинади. Мавжуд фикрларни эътиборга олиб субъектнинг куйидаги маъноларини ажратамиз: 1. Ҳаракат субъекти. Масалан, *Уста ишлаяпти.*

2. Ҳолат субъекти. Масалан, *Бола ухляпти. Ўзгаларга роҳат, менга азоб.*

3. Белги ташувчи субъект. Масалан, *Отам сахий. Заводга – эллик йил. Сенда шафқат йўқ.*

4. Миқдорий аниқловчи субъект. Масалан, *Сув – тиззадан. Болалардан тўртта.*

5. Эгалик субъекти. Масалан, *У боққа эгалик қилади, Бог унга қарашли. Унда орден.*

6. Мавжудлик субъекти. Масалан, *Ҳалима иштирок этапти. Китоблар жавонда.*

7. Тематик субъект. Масалан, *Бизга ўнгидан келди.*

8. Қиёсланувчи субъект. Масалан, *Волга Дондан узунроқ. Акаси укасидан эллироқ.* Бундай конструкциялар минимум уч компонентли бўлади.

9. Тўдалик субъекти. Бундай вақтда предикат предмет турини (классларини) ифодаловчи отдан ифодаланади. Масалан, *Акам – денгизчи. Бўри – ваҳший* (яъни бўри ваҳшийлар синфига киради).

10. Функциялашаётган субъект. Бундай конструкцияларда феъл орқали ифодаланган предикат, субъектдан англашилган предикат функциялашишини ёки функциялашиш имкониятини билдиради. Масалан, *Соат юряпти. Станок ишлаяпти. Лампа ёняпти* ва бошқ.

11. Идрок қилувчи субъект. Предикат идрок қилувчи феъллардан ифодаланади. Масалан, *Овчи шовқин эшитди. У гул ҳидидан маст бўлди.*

12. Баҳолаш ёки эмоционал муносабатдаги субъект. *Биз Ватанимизни севамиз. Каримга ҳамма ёқади.*

13. Қариндошлик ёки социал муносабатдаги субъект. Масалан, *У менинг акам. Карим унга бошлиқ.*

14. Ўрин билдирувчи субъект. Масалан, *Таиқарида иссиқ.*

Субъектнинг юқоридаги маънолар системаси шуни кўрсатадики, субъект тушунчаси ҳаракатни юзага чиқарувчи (агенс) тушунчасидан жуда кенгдир. Агентлик унинг маъно системасидан биттаси.

**Содда гапнинг предикат характериға кўра типлари**

Ҳар қандай гапнинг семантик ҳамда уюштирувчи маркази предикат саналаркан, гапнинг бутун характеристикаси предикат асосида изоҳланиши лозим бўлади.

Бу нуқтаи назардан поедикат характериға кўра гапларни феъл асосли гаплар ва от асосли гапларға бўлиш мақсадға мувофиқдир.

### Феъл асосли гаплар

Феъл асосли гаплар туркий тилларда от асосли гапларға нисбатан кенгрок тарқалган. Чунки феъл предикативликни ифодалаш учун кўпрок хослангандир.

Пропозициянинг бирламчи ифодаси бўлган грамматик тўла шаклланган феъл асосли гапларда феълдан ифодаланган синтаксема икки хил вазифа бажаради: 1) гап элементларини ташкил этиш (боғлаш); 2) гапни гап қилиб шакллантириш. Биринчи вазифаси феъл синтаксемаларнинг «бўш ўринлари»ни тўлдириш (валентлиги) асосида, иккинчи вазифаси эса предикатив шакл орқали реаллашади.

Феъл синтаксемаларнинг семантик ва синтактик валентликлари ҳали ҳеч қайси бир тилда тўлиқ аниқланмаган. Ю.Д.Апресян 25 та семантик валентлик рўйхатини тавсия этади. И.Кўчқортоев ўзбек тилида нутқ феълларининг валент таҳлилиға бағишланган ишида нутқ феълларининг 6 та семантик валентлигини ажратишни маъкул кўради: агенс, контрагенса, объект, маъно, мақсад ва адресат валентликлари. Муаллиф нутқ феълларини валентлик миқдорига кўра тўрт гуруҳға бўлади: 1) бир валентли; 2) икки валентли; 3) уч валентли; 4) тўрт валентли нутқ феъллари.

Ўзбек тилидаги феълларнинг бошқа лексик-семантик гуруҳлари валент таҳлили ўрганилмагани туфайли ҳали барча феълларнинг валентлик рўйхати мавжуд эмас. Мазкур рўйхатнинг бўлиши эса гап тузилишини ўрганишға қулай имконият очган бўларди.

Феълларнинг «бўш ўринлари»ни тўлдирувчи синтаксемалар айрим адабиётларда зарурий ва қўшимча синтаксемаларға бўлинади. Лекин кўп ҳолларда бундай синтаксемаларнинг зарурий ёки қўшимча эканини фарқлаш қийин бўлиб қолади.

Шунинг учун феъл валентликларига бағишланган фикрларни умумлаштирган ҳолда ўзбек тилида феълларнинг қуйидаги валентликларини ажратиш тарафдоримиз: 1) субъект (агенса, пациенс, реципиенс ва бошқ.); 2) объект; 3) мақсад; 4) пайт; 5) ўрин; 6) ҳолат; 7) сабаб валентликлари.

Синтактик қурилма феъл предикатнинг қайси валентликлари реаллашувига кўра турлича бўлади:

1) субъект (агенса) + феъл предикат: *Карим келди. Машина юрди.*

2) объект + феъл предикат: *Кинони кўрди. Кино кўрилди. Самолётда келди* (медиатив объект).

3) субъект + объект + феъл предикат: *Карим кино(ни) кўрди. Дўстим самолётда келди.*

4) мақсад + феъл предикат: *Сув ичгани борди.*

- 5) субъект + мақсад + феъл предикат: *Бўри сув ичгани борди.*
- 6) замон + феъл предикат: *Ёз иссиғида борди.*
- 7) замон + мақсад + феъл предикат: *Ёз иссиғида сув ичгани борди.*
- 8) замон + объект + феъл предикат + мақсад; *Ёз иссиғида бўри борди сув ичгани.*
- 9) ўрин + феъл предикат: *Деразамнинг олдида гуллади.*
- 10) ўрин + субъект + феъл предикат: *Деразанинг олдида (бир туп) ўрик гуллади.*
- 11) ҳолат + феъл предикат: *Оппоқ бўлиб гуллади.*
- 12) ўрин + субъект-ҳолат-феъл предикат: *Деразамнинг олдида (бир туп) ўрик оппоқ бўлиб гуллади.*
- 13) сабаб + феъл предикат: *Совуқлиги учун ичмади.*
- 14) объект + сабаб + феъл предикат: *Овқатни совуқлиги учун ичмади.*
- 15) субъект + объект + сабаб + феъл предикат: *Карим овқатни совуқлиги учун ичмади.*

Синтактик конструкция феъл предикатнинг барча валентликларини реаллаштира, етти актанти (аргументли) бўлиши мумкин. Феъл предикат аргументларидан ташқари, синтактик қурилма таркибида яна тингловчи субъект (*Опа, урма қалбимга тикан*) ва модус ифодаловчи воситалар (кириш ва киритмалар) қатнашиб, гап семантик тузилиш даражасини мураккаблаштиради. Синтактик тузилишнинг даражаланишини куйидагича ифодалаш мумкин:

Феъл предикат
↓
аргументлар (эга, тўлдирувчи, ҳол)
↓
аргумент аниқловчилари
↓
тингловчи субъект ва модус ифодаловчи воситалар

Булардан аргумент феъл предикатда мавжуд бўлган «бўш ўринлар»ни тўлдириб (иккинчи қаватни ҳосил қилиб), синтактик маъносини конкретлаштира, қурилма (конструкция) аргументининг аниқловчилари дескрипцияни ҳосил қилиб, аргумент маъноси кенгайтиради. Баъзан тингловчи субъект ва модусни ифодаловчи воситалар қатнашиб (унинг қатнашиши кўпинча шарт эмас), фикрнинг кимга қаратилгани ва сўзловчининг модал муносабатини кўрсатади (тўртинчи қаватни ҳосил қилади).

### Нисбат шакллари ва гап семантикаси

Феъл предикатларнинг грамматик валентликларини ифодалашда нисбат шакллари алоҳида роль ўйнайди. Нисбат шакллари предикатнинг субъект валентлигига ишора қилади. Маълум нисбат шаклига эга феъл предикатли синтактик қурилмаларда кўпинча бирдан ортиқ субъект иштирок этади. Феъл

предикатларнинг қайси нисбат шаклида эканига кўра субъектнинг предикат акс эттирган ҳаракат-ҳолатга муносабати ҳам турлича бўлади.

Синтактик қурилма предикатининг қуйидаги нисбат шакллари семантикасини кўриб ўтамиз: 1) *Она боланинг сочини таради*; 2) *Бола сочи она томонидан таралди*; 3) *Бола таранди*; 4) *Она ва бола тарашишиди*.

Бу синтактик қурилмалар семантикасини ёритишда А.Холодович асос солган диатеза назариясига асосланамиз. Диатеза атамаси остида семантик тузилиш бирликлари (субъект, объект)нинг синтактик тузилиш бирликлари (эга-тўлдирувчи) билан муносабати тушунилади.

Агар умумлашган семантик бирликлар остида конкрет референт бирликлар турганини эътиборга олсак, диатеза остида уч сатҳ бирликларининг муносабати тушунилиши лозим: 1) А, Б, В билан ифодаланадиган референт сатҳ бирликлари; 2) суб (субъект), об (объект) билан ифодаланадиган референтларнинг умумлашган семантик роллари сатҳи; 3) тил тузилишининг эга, тўлдирувчи тарзида белгиланадиган иштирокчилари сатҳи (актантлари).

Биринчи жумлада предикат бош нисбат шаклидан ифодаланеди ва бу типдаги жумлаларда юқорида саналган сатҳ бирликлари бир-бирига мувофик келади. Предикатнинг семантик агенси, яъни предикат акс эттирган ҳаракатни юзага чиқарувчи предмет синтактик сатҳда эга ҳолатида, предикат акс эттирган ҳаракат таъсирига учраган предмет синтактик сатҳда тўлдирувчи ҳолатида келади. Бу уч сатҳ бирликлари муносабатини қуйидаги схемада кўрсатиш мумкин:

суб	об
А	Б
тўлдирувчи	эга

Иккинчи жумлада предикат мажҳул нисбат шакли билан ифодаланеди. Бу жумлада предикат акс эттирган ҳаракатни юзага чиқарувчи шахс, яъни агенс синтактик сатҳда эга эмас, балки тўлдирувчи ҳолатида, ҳаракат таъсирига учраган семантик предмет эса эга ҳолатида келади. Жумладаги диатезани қуйидагича ифодалаш мумкин:

суб	об
А	Б
тўлдирувчи	эга

Учинчи жумлада предикат ўзлик нисбат шаклида ифодаланган. Фель предикат нисбат шаклининг ўзгариши синтактик сатҳ бирликлари муносабатини тамомила ўзгартириб юборади. Референт сатҳнинг бирлиги референт бирликларнинг умумлашган сатҳида, яъни мазмуний сатҳда ҳам сақланади. Лекин мазмуний сатҳдаги объект синтактик сатҳда бевосита ифодаланмайди. Синтактик эга ҳаракатни юзага чиқарувчи предметни ҳамда

ҳаракат таъсирига учраган предметни ифодалайди. Бу диатезани қуйидагича ифодалаш мумкин:

суб	об
А	
эга	

Тўртинчи жумла предикати биргалик нисбат шаклида ифодаланган. Бундай синтактик қурилманинг синтактик сатҳидаги эга ҳам, тўлдирувчи ҳам мазмуний сатҳдаги ҳаракатни юзага чиқарувчи предметни (агенс) ҳамда ҳаракат таъсирига учраган предметни (паиенсни) ифодалайди. Жумладаги диатезани қуйидагича ифодалаш мумкин:

суб (аг)	об (пац)
А	Б
эга	тўлд

Шундай қилиб, жумла предикатининг нисбат шакли гап семантикаси учун қимматлидир. У мазмуний иштирокчиларнинг ролларини белгилашга хизмат қилади.

### От асосли гаплар

Тузилиш ва мазмуний маркази от предикатлардан иборат гаплар от асосли гаплар саналади. Бундай гаплар дунёнинг барча тилларида кенг тарқалган (Ғарбий Европа тиллари бундан мустасно). Шунга қарамай, улар ҳар қайси тилда ўзига хос хусусиятга эга. Шунинг учун конкрет бир тилдаги от асосли гапларни ўрганиш фақат амалийгина эмас, балки назарий аҳамиятга ҳам эгадир. Бу типдаги гаплар феъл асосли гаплар билан кутбий зидлик муносабатига киришади. Уларнинг фарқловчи белгиси синтактик қурилманинг мазмуний ва уюштирувчи маркази бўлган предикатнинг қандай сўз орқали: от (кенг маънода) ёки феъл орқали ифодаланишидир.

От предикатлар турли-туман маъноларни ифодалайди: мавжудлик билдириш, икки объектни тенглаштириш, маълум объектни тавсифлаш (характерлаш, таснифлаш, нисбатлаш, замон ва ўрин белгисини билдириш) ва бошқ. Шу маънолар асосида от асосли гапларии ҳам қуйидаги мазмуний гуруҳларга ажратиш мумкин: 1) мавжудлик билдирувчи (экзистенционал) гаплар;

2) тенглаштирувчи (идентификацияловчи) гаплар;

3) характерловчи гаплар.

Ўзбек тилшунослигида мавжудлик билдирувчи гаплар шу кунга қадар ўрганиш объекти бўлмагани учун биз қуйидаги гапнинг ана шу турига алоҳида тўхталамиз.

## Мавжудлик билдирувчи (экзистенционал) гаплар

Мавжудлик билдирувчи гапларда объектив олам ёки унинг айрим парчасидаги маълум белгига эга объектнинг мавжуд экани тасдиқ ёки инкор қилинади. Табиийки, бундай гапларда сўзловчи ва тингловчига у ёки бу даражада маълум бўлган фазо тушунчаси бошланғич нуқта саналади. Мазкур фазода мавжуд бўлган маълум объект ҳақида эса янги маълумот берилади.

Шундай қилиб, мавжудлик билдирувчи гаплар объектив оламнинг макон ва предмет аспектини акс эттиради ва коммуникатив энг аҳамиятли қисм – предметни акс эттирувчи отдан ифодаланган бўлак саналади. Масалан, *Бу ерда магазин бор. Девор орқасида боғ мавжуд.* Демак, мавжудлик билдирувчи гаплар денотати макон ва бу макондаги предикатлардир. Шунинг учун бу типдаги қурилмаларнинг денотатив структурасини қуйидагича белгилаш мумкин: макон + предмет + муносабат. Макон ва предмет ўртасидаги муносабатни ифодалаш учун мавжудлик билдирувчи *бор, турибди, мавжуд, йўқ* сингари сўзлар қўлланилади. Бундай лексик бирликларни семантик жиҳатдан экзистенционал сўзлар дейиш мумкин.

Мавжудлик билдирувчи гаплар синтактик тузилиши, у орқали ифодаланган уч узвли денотатив тузилишига мувофиқ, қуйидагича белгиланиши мумкин: 1) ўрин номи; 2) предмет номи; 3) экзистенционал сўз. Масалан, *Олой бозорида дўконимиз бор.*

Лекин мавжудлик билдирувчи гаплар синтактик тузилиши денотатив тузилишга доим мувофиқ келиши шарт эмас. Денотатив тузилиш элементлари яширин ҳолда ифодаланиши мумкин. Масалан, *Уйимиз олдида катта боғ.* Синтактик ва денотатив структуранинг ўзаро мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигига кўра мавжудлик билдирувчи гапларни симметрик ва асимметрик гапларга бўлиши мумкин.

Мавжудлик билдирувчи симметрик гаплар уч узвли бўлиб, уларнинг тартиби турличадир:

1) Предмет номи + ўрин номи + экзистенционал сўз. Масалан, *Оппоқ булут парчаси қимир этмай осмонда турибди* (С.Бородин). *Комил бўлиши имконияти ҳар бир кимсада мавжуд* (Р.Фиш).

2) Ўрин номи + предмет номи + экзистенционал сўз: *Қишлоқда аскар бор* (А.Қахҳор). *Кўкда, қоқ пешонада, худди улкан оқ қовуннинг бир палласидай оппоқ ой оламни аллақандай осуда майин, кумушранг ёғдуга гарқ қилиб ярқираб турибди* (О.Ёқубов).

3) Ўрин номи + экзистенционал сўз + предмет номи: *Уйлар тўла нон, очнаҳорим болам, Ариқлар тўла сув, ташнаи зорим болам.*

4) Предмет номи + экзистенционал сўз + ўрин номи: *Йўқ, яқиндан қарасанг, ҳаёт бор саҳрода* (А.Мухтор). *Судралиб бўлса ҳам олдинга юриши учун етадиган олов бор кўксимда* (А.Мухтор).

Мавжудлик билдирувчи гап узвларининг тартибига кўра юқоридаги каби парадигмаси мазкур қурилмаларнинг коммуникатив вазифаси талаби

билан вужудга келади. Парадигма аъзолари ўзаро коммуникатив вазифасига кўра (актуал бўлинишига кўра) бир-биридан фарқланади.

Мавжудлик билдирувчи гаплардаги ўрин номи макон билдириш белгисига кўра фарқланади. Айрим ўрин номлари соф макон билдирса, бошқалари предмет синфини билдиради. Масалан, 1) *Деразамнинг олдида бир туп ўрик бор.* 2) *Китобда анча фикрий чалкашлик мавжуд.* 3) *Дўстларим орасида ажойиб шоирлар бор.* Иккинчи ва учинчи гапдаги ўрин номлари предикат синфини билдирмоқда. Бу вақтда ўрин номи вазифасидаги предмет умумни, бутунни, ўринлашган предмет эса унинг бўлагини, қисмини англатади.

Мавжудлик билдирувчи гапларда мазмуний элементлар билан гап бўлаклари ўртасида маълум муносабат бор. Мазкур муносабат ҳам кўп ҳолларда ўрин номининг характериға боғлиқ. Ўрин номи маконни қандай билдиришга кўра ҳол ёки тўлдирувчи позициясида, предмет номи эга позициясида, экзистенционал сўз кесим позициясида келади.

ЭГА	ҲОЛ	КЕСИМ
предмет номи	ўрин номи	экзистенционал сўз

Семантик (денотатив) ва синтактик тузилиш ўртасида асимметрик муносабат бор мавжудлик билдирувчи гаплар вазиятнинг юқорида санаб ўтилган уч узвидан маълум қисми ўз ташқи ифодасига эга бўлмайди. Бундай гапларда қайси узвларнинг ифодаланишига ва мазкур узвларнинг ўринлашишига кўра қуйидаги тузилиш типларини ажратиш мумкин:

1) ўрин номи + предмет номи: *Мешда булоқ суви, ерга кўмилган хумда қўй сutiдан сузилган пишлоқ, тўшак остида икки қават кигиз* (А.Мухтор).

Мавжудлик билдирувчи асимметрик гаплар бир ёки икки узвли бўлиб, уларнинг жойлашиш тартиби қуйидагича:

1. Ўрин номи + мавжуд предмет номи. Масалан, *Уфқда қора булут* (А.Мухтор). *Зилол сувга лиммо-лим тўла зовурлар устида қад кўтариб, қуёш нурида ажиб йилтираб турган мрамар миноралар* (А.Мухтор).

Бундай мавжудлик билдирувчи гапларда экзистенционал сўз грамматик жиҳатдан ифодаланмайди. Экзистенционал сўзнинг маъноси ҳам предмет номини ифодаловчи қисм орқали англашилади. Натижада предмет номини ифодаловчи қисм семантик мураккаблик касб этиб, бир вақтнинг ўзида ҳам предмет номи ҳақида, ҳам экзистенционаллик ҳақида ахборот беради.

2. Предмет номи + экзистенционал сўз. Масалан, *Ёш рассомлар ибрат олсалар арзийдиган санъаткорлар ва ўргансалар арзийдиган маҳорат ва тажрибалар бор* (Ўз АС).

Объектив борлиқдаги ҳар бир предмет маълум маконда жойлашади. Ана шу макон тушунчаси ўрин номи деб юритилади. Айрим ҳолларда ўрин номи грамматик жиҳатдан ифодаланмайди. Аммо у актуал жиҳатдан жумланинг маълум қисми – мавзуси вазифасида келгани учун, гарчи грамматик жиҳатдан ифодаланмаса ҳам, контекстдан англашилиб туради. Чунки жумлалар занжирида бу жумладан олдинги жумлаларнинг бирида ўрин номи



акс этган бўлади. Ўрин номининг грамматик жиҳатдан акс этмаслиги бошқа қисмларнинг ифодаланмаслигига нисбатан кўпроқ учрайди. Негаки предикат билан ўрин номи ўртасидаги муносабат предикат билан предмет ўртасидаги муносабатга нисбатан иккиламчидир. Масалан, *Кўк пиёзлар уруглаб ётибди* (Ў.Ҳошимов). *Уругламоқ* феъли билан *кўк пиёз* предмети ўртасидаги муносабат бирламчи, бевосита муносабат. Шу билан бирга, *кўк пиёз*нинг маълум макони билан унинг мавжудлиги ўртасида яширин латент муносабат ҳам бор. Мазкур муносабат иккиламчи, воситали, яъни *мавжуд*, *бор* сингари латент экзистенционал сўзлар билан воситали муносабатдир.

3. Ўрин номи + экзистенционал сўз. Масалан, *Ёнларида ҳозир у нозир* (А.Мухтор).

4. Ўрин номи + предмет номи. Бу типдаги гаплар номинатив гапларга мос келади. Масалан, *Ҳовлининг икки томонида пастак уйлар устунига нақш солинган айвон* (Ў.Ҳошимов). *Ҳиндиқушнинг терскай ёнбағирларида ойдин кеча* (А.Мухтор).

5. Ўрин номи. Мавжуд предмет номи ҳам, экзистенционал сўз ҳам ифодаланмай, гап фақат ўрин номидангина ташкил топади. Масалан, *Эсимни таниганимдан буён ҳаммиша ёнимда* (Ойбек). *Ёнида уч минут ўтирган бўлсам ҳам, худди ҳозиргидай бир умр ёдимда* (А.Мухтор).

Мавжудлик билдирувчи гапларнинг бу тузилиш типда кўрсатиш олмошлари фаол иштирок этади. Масалан, *Обжувоздан чиққан бир қоп гуруч сотиб олдим. Аммо ошхонада* (И.Раҳим). *Сахро жонли, ахир. Мана, оёқ остида* (А.Мухтор).

Кўрсатиш олмошлари мавжудлик билдирувчи гапларда мавжудликни ифодаловчи муҳим воситалардан бири ҳисобланади.

6. Предмет номи. Бундай типдаги мавжудлик билдирувчи гапларда ҳам кўрсатиш олмошлари фаол иштирок этади. Хусусан, *ана*, *мана* сингари кўрсатиш олмошлари жумла орқали ифодаланаётган вазият билан зич боғланган. Шунинг учун бутун қурилмага ҳозирги замон маъносини юклайди. Бу олмошлар такрор ҳолда келиб, эмоционал-экспрессив маъно ифодаланиши ҳам мумкин. Масалан, *Ана-ана, улар болалик чоғларида сизларина боқиб, чиллак ва ёнгоқ ўйнаб, дўппиларида сув ичадиган катта булоқ ва булоқ ортидаги эртаю кеч чўмиладиган севимли тўгонлари* (О.Ёкубов).

Мавжудлик билдирувчи гапларнинг мазкур тури кўпинча бир составли гапларнинг номинатив тури орқали ифодаланади. Лекин мавжудлик билдирувчи гап билан номинатив гаплар гапнинг бошқа-бошқа белгилари асосидаги тасниф турлари бўлганидан ўзаро мувофиқ келишлари шарт эмас.

### **Мавжудлик билдирувчи гапларда экзистенционал сўзнинг хусусияти**

*Бор*, *мавжуд*, *турибди* сингари лексик бирликлар мавжудликни билдиради, улар кўпинча мавжудлик билдирувчи гапларнинг кесими ўрнида келади. Мавжудлик билдирувчи гапларни кесими қандай экзистенционал

сўзлар билан ифодаланишига кўра от кесимли (от асосли) ва феъл кесимли (феъл асосли) гапларга бўлиш мумкин. Бундай гапларнинг биринчи типи иккинчи типига қараганда кўпроқ ишлатилади. Шу билан бирга, ҳар икки типдаги гаплар иккита бирлаштирувчи белги— *ҳозирги замонлик* ва *мавжудлик* семалари билан умумийликни ҳосил қилади. Мазкур икки бирлаштирувчи белги ҳам шу қурилмаларнинг семантик ва синтактик асосини ташкил этган предикатларнинг бирлаштирувчи белгиларидир. Э.Бенвенистнинг таъкидлашича, ҳар қандай гапда мавжудлик билдирувчи феълларгина (гарчи морфологик жиҳатдан ифодаланмаса ҳам) иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Аввало, мавжудлик билдирувчи гапларнинг бу икки турининг келиб чиқиш асосига эътибор бериш лозим. Одатда, кўпгина илмий адабиётларда феъл билан отнинг фарқловчи белгилари сифатида жараёнлик ва замон семалари олинади. Феъл мазкур белгиларнинг ҳар иккисини ўзида акс эттиради, от эса акс эттиролмайди.

Лекин бу белгилар дунёнинг жуда кўп тиллари учун, хусусан, туркий тилларнинг тарихи учун ҳам асосий фарқловчи белги бўлмайди. Чунки бир қатор сўзларда ҳам жараёнлик, ҳам предметлик семалари уйғун ҳолда ифодаланган. Масалан, хўпа (Орегон) тилида III шахс феъл шакли бир вақтнинг ўзида от характериға ҳам эга: *panya* «у тушяпти» ва «ёмғир», *nillin* «у оқяпти» ва «арик», тобатулабал тилида феъллар эмас, балки отлар замонни билдиради: *haneh* «уй», *haniril* «ўтган замондаги уй» (олдинги уй, ҳозирги уй эмас).

Туркий тилларда ҳам «жараёнлик» ва «предметлик» семалари уйғун ҳолда ифодаланган бир қатор сўзлар бор. Масалан, озарбайжон тилида *дад*, қирғиз тилида *тат*, ўзбек тилида *тот* «маза» ва «мазасини аниқламоқ», ўзбекча, қирғизча *кўч* «кўчириладиган нарса» ва «кўчиш».

А.М.Шчербакнинг кузатишича, феъл-от омонимияси ҳозирги ҳолатдан қадимги туркий тилға қараб кўпайиб боради. Қадимги ёзма ёдгорликларға нисбатан эса бобо тил сатҳида тикланган умумтуркий бир бўғинли сўзларда мазкур ҳодиса кўпроқ учрайди. В.Вундт тил эволюциясининг от ва феъл фарқланмаган, бир сўзнинг ўзи ҳам от, ҳам феъл вазифасида қўлланган этапи бўлганини таъкидлаган эди.

Э.Бенвенист барча системадаги тилларни ҳисобға олган ҳолда *жараёнлик* ҳам, *замон* ҳам, *морфологик фарқланиш* ҳам феъл билан отнинг асосий дифференциал белгиси бўлолмаслигини, фақат синтактик белгигина улар ўртасида фарқловчи белги бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Синтактик белгиси жумла таркибидаги вазифаси билан характерланади.

Олимнинг фикрича, феъл тугал тасдиқ гап (жумла)нинг шаклланиши учун зарурий элемент. Жумла таркибида феъл икки хил вазифа бажаради: 1) боғлаш вазифаси; 2) тасдиқ вазифаси. Шу билан бирга, феъллик вазифаси билан феъл шакли бир-биридан фарқланади. Улар кўпинча ўзаро мувофик келса ҳам, лекин феъллик вазифаси маълум даражада феъл шаклидан мустақилдир.

Жумланинг иккинчи вазифаси тасдиқ бўлганидан у жумланинг объектив реалликка муносабатини тақозо қилади. Жумла қисмларини боғловчи грамматик алоқага тил қатори билан борлиқ система ўртасидаги алоқани таъминловчи «бу шуур» элементи яширин равишда қўшилади. Натижада тугалланган тасдиқ гаплар синтактик тузилишида икки план фарқланади: грамматик алоқа плани ва борлиқни тасдиқлаш плани. Мазкур хусусиятлар феълнинг шакли асосида эмас, балки синтактик вазифаси асосида белгиланади,

Феъллик вазифасини амалга ошириш учун нутқда феълнинг морфологик шаклланиши шарт эмас. Демак, феъл ва отлар ўртасидаги морфологик фарқланиш синтактик фарқланишга нисбатан иккиламчидир.

Вазифа даражаланишида, энг аввало, фақат айрим шаклларгина тугалланган тасдиқ гапни ҳосил қилишга қодир экани муҳимдир. Дарҳақиқат, кўп ҳолларда бундай шакллар қўшимча равишда морфологик кўрсаткичлари билан ҳам ажралиб туради. Бундай вақтда от ва феъл ўртасидаги фарқ шакл планига ўтади ва феъл шаклини қатъий морфологик жиҳатдан аниқлаш имкони туғилади.

Тасдиқ гапда феъл шаклининг функционал тузилиши икки элементни ўз ичига олади: бири моддий ифодаланган, ўзгарувчи (вариант), иккинчиси яширин, доимий (инвариант). Ўзгарувчи (вариант) моддий факт сифатидаги феъл шакли ҳисобланади. Ўзгарувчида (вариантда) тасдиқ гапга бевосита оид бўлган инвариант: мавжуд грамматик бутунлик билан тасдиқланаётган объектив факт ўртасидаги мувофиқлик акс этади. Инвариант билан вариантнинг бундай бирлашуви феъл шаклига жумла таркибида мавжудликни тасдиқловчи шакл вазифасига эга бўлиш имконини беради.

Синтактик нуқтаи назардан феъл вазифасида фақат феълларгина эмас, отлар ҳам келиши мумкин. Демак, феъл ва от асосли гаплар ўртасидаги фарқловчи белги, Э.Бенвенист концепциясига кўра, фақат морфологик белгидир. Феъл вазифасини қандай морфологик шакл бажараётганидир. Бу вазифани от синфига кирувчи шакл ҳам, феъл синфига кирувчи шакл ҳам бажариши мумкин. Англашиладики, гапларнинг мазкур икки типи ўртасидаги фарқ вазифа жиҳатдан эмас, балки фақат морфологик жиҳатдандир. Вазифа нуқтаи назаридан ҳар икки тип бир хил.

От асосли гапларда гапнинг уюштирувчи ва семантик маркази от бўлгани учун ҳам феъл асосли гаплардан замон, шахс категорияларининг қандай ифодаланиши жиҳатидан фарқланади. Бу маънолар феъл асосли гапларда махсус морфологик кўрсаткичлар ёрдамида моддий ифодаланса, от асосли гапларда кўпинча от предикатнинг мазмуни, лексик элементлар орқали яширин равишда ифодаланади.

От асосли гапларни феъл тушиб қолган гап деб бўлмайди. Бундай типдаги гаплар феъл асосли гаплар билан тенг ҳуқуққа эга, ҳозирги ўзбек тили нормасига мувофиқ келадиган тўлиқ гап шаклидир.

Т.П.Ломтев фикрига кўра, *Отам* – ўқитувчи гапида феъл йўқ, лекин иштирок этмаслиги гап структурасида унинг ўрни йўқлигини белгиламайди. *Отам* – ўқитувчи гапида феълнинг ўрни бор. Бу ўринда феълнинг иштирок

этмаслиги ҳам феълдир. Маълум шароитда моддий белгининг катнашмаслиги ҳам моддий белгидир. Спортчилар мусобақасида ўқ узилиши стартнинг моддий белгиси бўлса, ўқ узилишининг амалга ошгунга қадар даври тайёрланишининг моддий белгисидир. *Отам ўқитувчи бўлган* гапида феъл ўрнида моддий белгининг бўлиши ўтган замонни билдирса, моддий белгининг бўлмаслиги ҳозирги замонни билдиради. Бундай гапларда феъл тушиб ҳам қолдирилмайди, тасаввур ҳам қилинмайди. У гап структурасида бор бўлиб, ноль шаклга эга: сўзнинг маълум ҳолатларда ишлатилмаслиги ҳам сўздир. *Отам – ўқитувчи* гапида феъл ўрни ва бу ўринда ҳозирги замон маъносидаги ноль шаклли феъл бор. Мазкур гапда ўқитувчи сўзи отам сўзи билан эмас, балки ҳозирги замон маъносидаги ноль шаклли феъл билан алоқага киришади.

### **Кўп предикатли қурилмалар**

Предикат ва унинг актанлари муносабатидан ташкил топган синтактик қурилма предикатив ифода (ПИ) ҳисобланади. ПИ таркибидаги предикатлар миқдорига кўра бир предикатли ва кўп предикатли типлари ажратилади: фақат бир предикат ва унинг аргументлари муносабатидан ташкил топган қурилмалар бир предикатли, бирдан ортиқ предикат иштирок этган қурилмалар кўп предикатли ПИлар саналади.

Кўп предикатли қурилмалар предикатларининг гапдаги роллари бир хилмас. Агар ПИ таркибидаги ҳар бир предикат предикативлик белгисига эга бўлса, қўшма гап, фақат предикатлардан бири предикативликни акс эттирса, содда гап саналади.

Полипредикатли содда гапларда бир предикат иккинчи предикатнинг аргументи позициясида келади. Натижада ўзига хос предикатлар даражаланиши вужудга келади. Предикатлар даражаланишида аргумент позициясида келган предикат қўшилма предикат, қўшилма предикатдан иборат аргументга эга предикат қўшувчи предикат ҳисобланади. Шундай қилиб, полипредикатли қурилмаларда қўшилма ва қўшувчи предикатлар ўзаро мувофиқлашган бўлиб, бири иккинчисини тақозо этади. ПИ таркибида қўшилма предикатнинг борлиги унинг семантик тузилишини мураккаблаштиради.

### **Қўшилма предикатлар**

Рашидош, сифатдош, ҳаракат номили оборотлар деб юритилувчи қурилмалар бир бутун ҳолда асосий предикатнинг аргументи позициясида – қўшилма предикат вазифасида келади. Кўп предикатли содда гапларда аргумент позициясида келувчи предикативлик белгисига эга бўлмаган предикатлар маълум пропозицияни ифодаласа-да, аммо гап бўлиб шаклланолмайди. Т.М.Шмелёвнинг фикрича, пропозициянинг бундай моддийлашуви унинг иккиламчи ифодаланиши ҳисобланади. Финит шакллар ва унинг актанлари орқали пропозициянинг ифодаланиши асосий, бошқа

барча ҳоллардаги ифодаланиши эса иккиламчи ифодаланиш эканини таъкидлайди. Пропозициянинг иккиламчи ифодаланиши содда гапни мазмун ва грамматик томондан мураккаблаштиради. Масалан, *Асрларнинг қайғусин қарғаб, шодлик ва бахт куйини чалдим*. Бу ерда икки пропозиция мавжуд, иккинчи пропозиция (шодлик ва бахт куйини чалдим) пропозициянинг асосий ифодаланишидир. Шунинг учун у гапнинг тузилиш асосини ташкил қилади. Биринчи пропозиция (асрларнинг қайғусини қарғади) иккиламчи усул билан ифодаланган. Шунинг учун у мустақил гап шаклига эга эмас.

Н.М.Маҳмудов тўғри таъкидлаганидек, иккиламчи усулда ифодаланган пропозиция ҳамиша бирламчи (асосий – А.Н.) усулда ифодаланган пропозиция билан қўшилиб, ана шу асосий пропозиция ифодаси бўлган содда гапнинг семантик тузилишини мураккаблаштиради.

Айрим тилшунослар бундай предикатив ифодаларни (пропозициянинг иккиламчи ифодаларини) максимал синтактик бирликлар сифатида тан оладилар. Шунинг учун, аввало, максимал синтактик бирликлар ҳақида тўхталишга тўғри келади.

Синтактик назарияларда синтактик бирликлар минимал ва максимал синтактик бирликларга ажратилади. Аммо минимал синтактик бирликларга ҳам, максимал синтактик бирликларга ҳам ажратиш бир хил эмас.

Анъанавий ва тенъер грамматикасида (француз тилшунослигида) гап бўлаклари минимал синтактик бирликлар сифатида қаралса, тобеланиш грамматикасида (грамматика зависимостей – ГЗ) сўз шакл (ҳарфлар силсиласи), бевосита иштирокчилар грамматикасида (БИ) эса морфема синтактик бирликлар ҳисобланади. Шунингдек, максимал синтактик бирликлар масаласида ҳам хилма-хил фикрлар бор.

И.Б.Долинина фикрича, тугалланган синтактик тузилишга эга феъл асосли мураккаб грамматик объект максимал синтактик бирликлар ҳисобланади. Бундан кўриниб турибдики, у феъл асосли назарияга таянади.

Одатда, барча синтактик назария вакиллари ҳар қандай гапларни бир бутун ҳолда максимал синтактик бирликлар сифатида тан оладилар. Аммо кўп предикатли гапларни бир максимал синтактик бирлик сифатида қараш керакми ёки бир неча максимал синтактик бирликларни ўз ичига олган максимал синтактик бирлик сифатида қараш керакми деган масалада бир хил фикр йўқ.

Анъанавий ва тенъер грамматикаси мазкур масалага кенгроқ нуқтаи назардан қарайди. Гапни бир бутун ҳолда максимал синтактик бирлик сифатида тан олиш билан бирга унинг маълум тузилиш парчаларини (агар улар бир бутун гап ичида мавжуд бўлса) ҳам максимал синтактик бирликлар сифатида тан оладилар. Хусусан, қўшма гапни бир бутун ҳолда максимал синтактик бирлик ҳисоблаш билан бирга уни ташкил этган қисмларни бутун ичида алоҳида-алоҳида максимал синтактик бирликлар санайдилар. Масалан, *Шуни билки, сени Ватан кутади* гапидан уч максимал синтактик бирлик (В.Г.Адмони терминологияси бўйича «элементар гаплар») ажратилади: 1) эргаш гапли қўшма гап бир бутун ҳолда; 2) бош гап; 3) эргаш гап.

О.Есперсен, Л.Тенъер, Л.Л.Иоффик эса юқоридаги типдаги бош гапларни тугалланган синтактик тузилиш ҳисобламайди. Шунинг учун уларни максимал синтактик бирликларга қўшмайдилар. Уларнинг фикрича, ҳар қандай эргаш гаплар асосан турли синтактик позицияларнинг (эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол позициясининг) турли хил грамматик ифодаларининг бир усулидир.

Кўпчилик тилшунослар феълли оборотлар ва умуман предикативлик шаклига эга бўлмаган бошқа предикатларни, яъни пропозициянинг иккиламчи ифодаларини ҳам максимал синтактик бирлик ҳисоблаш тарафдоридирлар.

Дарҳақиқат, бундай синтактик қурилмалар бутун бир гапга нисбатан бир бутун ҳолда қўлланилади. Улар ўз ичида предикат асосида бирлашган маълум типдаги синтактик тузилишни – блокни ҳосил қилади.

И.Б.Долинининг фикрича, бундай синтактик тузилишларнинг алоҳида максимал синтактик бирликлар сифатида ажратилиши минимал синтактик бирликларнинг синтактик таҳлили жараёнида учрайдиган камчиликка чек қўяди: бир томондан, улар ўз ичида синтактик бўлиниш хусусиятига эга, иккинчи томондан, бир бутун ҳолда гап таркибида бир гап бўлаги каби иштирок этади. Бу эса юқоридаги предикатив ифодаларнинг ички синтактик муносабатлари бутун гапга нисбатан нофункционал, уларнинг функциялашуви фақат шу предикатив ифоданинг ўзи учун хос эканини кўрсатади.

### **Кўп предикатли қурилмаларда предикативлик**

Кўп предикатли қурилмалардаги пропозициянинг иккиламчи ифодаланишида (феълли оборотлар, объектли қурилмалар) предикативликнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги масаласи тилшунослар ўртасида қизғин баҳсларга олиб келмоқда.

Бу масаладаги баҳсларга ҳам тилшунослар ва мантиқшунослар ўртасидаги предикативликка ёндашишнинг хилма-хиллиги асос бўлмоқда.

Предикативликка икки мантиқий (субъект ва предикат), ўз навбатида, грамматик (эга ва кесим) элементнинг ўзаро муносабати сифатида қараш тарафдорлари нуқтаи назарига кўра, кўп предикатли қурилмалардаги пропозициянинг асосий ифодасида тўлиқ предикативлик мавжуд. Субъект ва предикат ўртасидаги муносабат грамматик эга ва кесимда ўз ифодасини топади. Иккиламчи ифодасида эса субъект ва предикатлар муносабати мавжуд бўлса ҳам, аммо предикат мустақил шаклга эга бўлмайди. Шунинг учун бундай қурилмаларда ярим ёки иккинчи даражали предикация мавжуд дейдилар. Демак, предикацияни ҳам иккига – тўлиқ (ёки асосий) ва ярим (ёки иккинчи даражали) предикацияга бўладилар. Пропозициянинг иккиламчи ифодаларида ҳам предикация бор деб ҳисобловчи тилшунослар мазкур предикацияни ушбу содда гапдаги асосий предикациядан фарқлаш мақсадида турли терминлар билан номлайдилар: «полипредикативлик», «қўшимча предикация», «иккиламчи предикация», «тобе предикация» ва бошқ.

Жумладан, О.И.Бородович икки элемент ўртасидаги синтактик алоқани иккиламчи предикатив структура ҳисоблаб, унинг қуйидаги тўрт характерли белгисини кўрсатади: 1) мазмун планида элементлар ўртасидаги субъект-предикат муносабат; 2) алоқанинг бир вақтда биринчи элементдан иккинчи элементга ва, аксинча, иккинчи элементдан биринчи элементга ўзаро тобелиги; 3) структура қисмларининг таянч сўз билан биргаликдаги алоқаси; 4) иккинчи қисмнинг шахсиз феъл ёки феъл бўлмаган сўзлар билан ифодаланиши.

Н.М.Маҳмудов пропозициянинг иккиламчи ифодаловчилари асосий ифодаловчиларнинг номиналланишидир деб ҳисобловчи олимлар фикрларига қўшилгани ҳолда номиналланишга учраган қурилмалар номиналланишдан кейин ҳам предикативлик функцияларини, гарчи иккинчи планда бўлса ҳам, сақлайди, шунинг учун улардаги предикатив алоқа иккиламчи характерга эга бўлади дейди.

Ярим предикативлик тушунчаси бевосита иккинчи даражали кесим тушунчасининг мантикий давомидир. Иккинчи даражали кесим терминидан дастлаб А.А.Потебня равишдошга нисбатан фойдаланади, А.А.Шахматов асарларида унинг типлари ҳақида атрофлича маълумот берилади. А.А.Шахматов фикрича, мазмунан бевосита эгага оид бўлган ва у билан грамматик боғланувчи, аммо эгадан бошқа бўлак, яъни кесим составига кирувчи бўлак иккинчи даражали кесим ҳисобланади.

Бундай бўлакларнинг икки томонлама грамматик алоқаси кўрсатилади: бир томондан, асосий кесимнинг тобе бўлаги сифатида унга тобе боғланса, иккинчи томондан, эга билан маълум муносабатда бўлади. Агар мазкур бўлакларнинг асосий кесим билан муносабати нуқтаи назаридан уларни иккинчи даражали бўлак деб ҳисоблаш мумкин бўлса, эга билан муносабати жиҳатидан алоҳида синтактик ҳодиса «иккинчи даражали кесим» деб ҳисоблаш мумкин дейилади. Иккинчи даражали кесим билан эганинг муносабатини ярим предикативлик ҳисоблайдилар.

Кейинчалик ажратилган бўлаклар, ҳатто кириш, киритмалар ва ундалмалар (Руднев, Абдурахмонов) ҳам ярим предикатив қурилмалар қаторига киритила бошлади. Натижада ярим предикатив қурилмалар доираси бирмунча кенгайди. Чунки ажратилган бўлакларнинг грамматик алоқаси феълли оборотлар грамматик алоқасидан бирмунча фарқланади. Бунда ҳам икки томонлама грамматик алоқа сақланса-да, аммо мазкур икки томонлама алоқа гап структур асосининг эга ва кесими асосида бўлиши шартмас. Киришлар ва ундалмалардаги ярим предикативлик бутунлай бошқача асосда ҳал қилинади.

Туркий тилларда содда гаплардаги ярим предикативлик масаласи биринчи маротаба А.Йўлдошев томонидан ўрганилади. Туркий тиллардаги равишдошнинг синтактик вазифасига тўхталар экан, у равишдош фақат қўшма гаплардагина эмас, балки содда гапларда ҳам, шубҳасиз, кесим вазифасини бажаради дейди. У ўз фикрини равишдошнинг эга билан муносабати мавжудлиги асосида далиллайди. Асосий кесимдан фарқли равишда бу кесимларни у ҳам иккинчи даражали кесим дейди. Анъанавий

хол деб ҳисобланиб келган равишдошдан ифодаланган ҳамма бўлақлар А.А.Йўлдошев томонидан иккинчи даражали кесим ҳисобланади.

Феъли оборотлар (равишдош, сифатдош, ҳаракат номи, шарт феъли оборотлар), субстантив ва адъектив характердаги оборотлар, ажратилган бўлақларда ярим предикативликнинг мавжудлиги масаласи ўзбек тилшунослари томонидан ҳам эътироф этилди.

Аммо юқоридаги типдаги пропозициянинг иккиламчи ифодаларида предикациянинг мавжудлиги (иккинчи даражали ёки ярим предикативлик характерда бўлса ҳам) бу конструкциялар таркибидаги икки элементнинг (субъект ва предикат ҳамда эга ва кесим) муносабати асосида изоҳланади. Бу эса, кўриниб турибдики, предикативликнинг анъанавий концепцияси, атрибутив мантиқ таъсиридаги предикативлик назариясининг акс этишидир. Мазкур нуқтаи назардан предикативликнинг тўлиқ ва ярим предикация оппозицияси маълум асосга эга.

Предикат ва унинг аргументлари бирлигига асосланган муносабат мантиқига кўра ҳукм икки аъзодан иборат бўлиши, ўз навбатида, предикативлик ҳам икки аъзодан ташкил топиши шарт эмас. Предикативлик учун предикат муҳимдир. Предикат ва унинг аргументларининг объектив борлиққа муносабатини ифодаловчи шакллар системаси (тасдиқ-инкорлик, замон, модаллик шакллари) предикативликдир. Бошқача айтганда, предикативлик ўзаро муносабатда бўлган маълум элементлар (тасдиқ-инкорлик, замон, шахс, модаллик) бирлигидир. Система назарияси нуқтаи назаридан шу элементларнинг бирортасининг қатнашмаслиги системага путур етказди, предикативликдан чиқаради. Демак, бунга мувофиқ, ҳеч қандай иккинчи даражали предикативлик, ярим предикативлик деган нарсанинг бўлиши мумкин эмас. Предикативлик бир бутун ҳолда гапнинг асосий белгиси, гапни гап қилиб турган хусусиятдир.

Кўп предикатли содда гапларда предикатларнинг шу гапни шакллантиришдаги хизмати бир хил эмас. Биттаси предикатив шаклларни олиб, гапни гап қилиб шакллантиради, қолганлари эса даража жиҳатидан пасаяди. Аммо пропозициялар мазкур гапдаги предикатлар миқдорига мувофиқ келади. Демак, бундай гаплар фақат синтактик тузилиш нуқтаи назаридан содда, семантик жиҳатдан эса мураккаб характер касб этади.

### **Қўшувчи предикатлар**

Бошқа предикатларни ўзига қўшиб олиш хусусиятига эга предикатларнинг энг характерлиси жараён ва каузатив предикатлардир.

Жараён предикатлар (ЖП) ҳаракатнинг турли жараённи (бошланиши, давоми ва тугаши) кўрсатади: *бошлади, давом эттирди, тугатди, тўхтатди* ва ҳ.к. Жараён предикатлар асосий ҳаракат билдирувчи предикатни аргумент қилиб келади. Аргумент позициясидаги асосий ҳаракатни билдирувчи предикат жараёнлилик грамматик маъносини билдирувчи предикат талаби билан маълум келишик шаклида бўлади. Масалан, ҳаракатниинг бошланиш қисмини билдирувчи *бошлади* предикати аргумент позициясида келган



предикатнинг тушум келишигида келишини талаб қилади: N + N ни + бошлади. Кўшилма предикат, яъни аргумент позициясидаги предикат ҳаракат номидан ифодаланади. Масалан, *Темир китоб ўқишни бошлади*. Предикат ва унинг аргументлари муносабатини қуйидаги схемада кўрсатиш мумкин:

	ПИ	
S (Ag)		П <sub>1</sub>
Темир	бошлади	
S (Пац)		П <sub>2</sub>
китобни		ўқиш

Бундай қурилмаларда ҳам икки предикат борлиги туфайли икки пропозиция ифодаланади: *Темир ўқиди. Ўқиш ҳаракати бошланди*. Темир агенс, кўшилма предикат эса пациенс позициясида келяпти.

Кўшувчи предикат позициясида морфологик каузатив феъллар келиши ҳам мумкин: *тўхтатди, тугатди, давом эттирди* ва бошқ. Бундай кўп предикатли қурилмалар каузатив вазиятни ифодалайди. Масалан, *Карим китоб ўқишни тўхтатди* (тугатди, давом эттирди). Агенс, каузацияловчи вазият предмети Карим, пациенс, каузацияланувчи вазият предикати ноль кўрсаткичли ўзига ўзи каузацияланувчи ҳолат ўқишни тўхтатмоқ, каузация муносабатини ифодаловчи восита *т* морфемасидир. Бу вақтда грамматик эга мураккаб маънога эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида каузатив вазиятнинг агенси ва пациенсини ифодалайди.

Кўшувчи предикат позициясида лексик каузатив феъллар иштирок этиши мумкин. Масалан, *мажбур қилди, қўзғади, топширди, буюрди, таклиф қилди* ва бошқ. Бу вақтда каузация агенси ва пациенси ажралган ҳолда ифодаланади. Масалан, *Карим китоб ўқишга мажбур қилди*. Бундай типдаги қурилмаларда эга позициясида келган бош келишикдаги от агенсини, каузатив вазият антицендентининг предикатини, тўлдирувчи позициясидаги тушум келишигидан ифодаланган от пациенсини, антицендент предметини, жўналиш келишидаги ҳаракат номидан ифодаланган компонент каузациялашувчи ҳолатни, каузатув феъллар эса консеквент ва антицендент ўртасидаги каузатив муносабатни ифодалайди.

S (ag)	ПИ <sub>к</sub>	
	П <sub>к</sub>	
	S (пац)	П <sub>2</sub>
	Ҳалимни	ўқишга
		лок
		китобни

### Гапнинг модал аспекти

Модаллик гапнинг асосий бирлиги, гап семантикасининг энг муҳим компоненти дир. Тилшуносликда модаллик деганда, одатда, гап мазмунининг объектив борлиққа муносабати ва сўзловчининг гап мазмунига муносабати тушунилади. Модаллик категориясига гап модаллигини таъминлашда хизмат қиладиган хилма-хил воситалар киритилади. В.З.Панфилов таъкидлаганидек, жуда кўп муаллифлар томонидан модаллик категорияси составига ўз моҳияти жиҳатидан (функционал вазифаси, тил тузилишига мансублиги) жиҳатидан хилма-хил маънолар киритиладики, натижада бу категория маълум аниқликдан маҳрум бўлади. Бу эса ҳатто модалликнинг алоҳида тил категорияси сифатида мавжудлигини ҳам шубҳа остига қўяди. Жумладан, И.П.Распопов модаллик ҳақида фикр юритиб, соф грамматик маънодаги категория сифатида ҳеч қандай модаллик категорияси мавжуд эмас дейди. Унинг фикрича, модаллик категорияси ҳақида эмас, балки гапнинг модал сифати ҳақида гапириш мақсадга мувофиқ. Т.П.Ломтев ҳам мазкур категорияга нисбатан худди шунга ўхшаш фикр билдиради. Унинг фикрича, модал характеридаги грамматик категория «бир грамматик модал категорияни эмас», балки бир системани ташкил этади.

Модаллик ҳақидаги бундай фикрлар тасодифий эмас, албатта. Модалликнинг анъанавий талқинига кўра, дарҳақиқат, уни таърифлаш жуда қийин. Модаллик маъноси тил системасининг турли сатҳларида кузатилади. Модалликни ифодаловчи воситалар ҳам ранг-баранг дир. Тилшуносликда бу воситаларни аниқлашнинг ягона методикаси бўлмагани туфайли модаллик ифодаловчи воситалар турли тиллар материаллари асосида турлича ажратилмоқда. Жумладан, Н.Ю.Шведова фикрича, модаллик воситаларига майл, гапнинг алоҳида конструкциялари, интонация, сўз таркиби, такрор, юклама, ундов, кириш (модал) сўзлар ва гаплар мансуб дир.

Туркий тиллар материаллари асосида асосан қуйидаги модаллик воситалари ажратилади: майл, замон ва шахс қўшимчалари, гапнинг алоҳида қурилмалари, юкламалар, сўз тартиби, интонация, юклама вазифасидаги сўроқ олмошлари, ундалмалар, кириш сўз ва гаплар.

Кўриниб турибдики, мазкур категория остида хилма-хил воситалар: морфологик (майл, замон, шахс аффикслари), лексик (сўзларнинг турли гуруҳлари), синтактик (алоҳида гап қурилмалари, сўз тартиби, такрор) ва фонетик воситалар (интонация) киритилади.

Бир категория остига бундай хилма-хил воситаларнинг бирлаштирилиши тилшунослар ўртасида табиий равишда айрим эътирозлар туғилишига сабабчи бўлди. Шунинг учун мазкур воситаларни бирлаштирадиган бир умумий белги топишга ҳаракат қилинди. Бу воситаларнинг ҳаммаси ўз функциясини гап ичида (гап сатҳида) кўрсатади. Ана шу белги, яъни синтактик белгиси юқоридаги воситаларни бирлаштиришга маълум даражада асос бўлди.

Шунга кўра, модаллик воситаларини ҳам: 1) конструктив-синтактик; 2) морфологик-синтактик; 3) интонацион-синтактик гуруҳларга ажратиш мумкин. Барча модал маънодаги воситаларга синтактик мақом берилиши бу

воситаларнинг тузилиши умумийлигини кўрсатиш учун асос бўладигандек туюлади. Аммо маълум бир ўринда бирлаштиришга асос бўлса, мазкур синтактик белгиси модал воситалар фарқланишида ўз қувватини йўқотади.

Шунинг учун Р.Г.Сибатов модаллик категориясини белгилашда турли сатҳлилик категориясига асосланиш лозимлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, тилшуносликда турли сатҳлилик категорияси мавжуд, бу категорияни турли сатҳга оид бирликларнинг бир умумий тушунча атрофида бирлашиши ҳосил қилади. Турли сатҳлилик категориясининг мазмуни бутун бир семантик соҳа бўлиб, бир-биридан фарқланувчи, шу билан бирга, бир тушунча остига бирлашган грамматик ва лексик маъноларни ўз ичига олади.

Шу нуқтаи назардан, модаллик категорияси ифода планига кўра ҳақиқатан ҳам турли сатҳлилик категориясига мансуб. Турли сатҳга оид бирликлар бир тушунча – модаллик тушунчаси остига бирлашади. Демак, модаллик категорияси тил категорияси сифатида объектив мавжуддир.

Модалликнинг умумий таърифига тилшуносликда маъно плани нуқтаи назаридан ёндашилади, яъни муносабат белгиси эътиборга олинади. Аммо В.З.Панфилов таъкидлаганидек, тилшуносликда мазкур категориянинг моҳияти, унинг фикр модаллигига муносабати, гап модаллигининг типлари, модалликнинг предикативликка муносабати билан боғлиқ энг муҳим масалалар бўйича бир хиллик йўқ.

Гапнинг номинатив аспекти тарафдорлари гапни икки қисмга – диктум ва модусга ажратадилар. Диктум бу синтактик қурилма ифодалайдиган объектив мазмун, яъни пропозициядир. Маълум синтактик қурилманинг гап бўлиб шаклланиши учун фақат диктумни (пропозицияни) ифодалашгина етарли эмас. Ш.Баллининг фикрича, модус кўшилгандагина гапга айланади.

Демак, модус гапнинг энг муҳим қисмидир, усиз гап шаклланомайди, чунки модалликни акс эттира билмайди. У жумланинг диктумдан бошқа барча хусусиятларини модусга киритади. Шунинг учун Филлмор жумла формуласини  $C = M + P$  ( $C$  – жумла,  $M$  – модаллик,  $P$  – пропозиция (диктум) тарзида кўрсатади. Бундай тушунишда коммуникациянинг турлари ҳисобланган дарак, сўроқ, буйруқ маънолари, эмоционал маънолар, субъектив-модал маънолар ва бошқалар модус ҳисобланади. Модаллик В.В.Виноградовнинг 1950 йили эълон қилинган «О категории модальности и модальных словах в русском языке» мақоласида ҳам шундай кенг талқин қилинди ва олимнинг мазкур концепцияси рус тилшунослигидаги модаллик муаммоси юзасидан қилинган кейинги тадқиқотларга ҳам жуда катта таъсир кўрсатди.

В.В.Виноградов ва унинг издошлари томонидан модаллик остида: 1) коммуникатив маъно турлари: дарак, сўроқ, буйруқ маънолари бўйича фарқланадиган гап турлари; 2) тасдиқ ва инкор бўйича фарқланадиган гап турлари; 3) гап мазмунига сўзловчининг ҳиссий муносабати ва бошқа бир қатор маънолар бирлаштирилади.

Т.Б.Алисова Ш.Баллининг диктум ва модус ҳақидаги фикрини давом эттириб, модаллик ҳақида шундай дейди: «Ҳар қандай жумланинг предикатив табиати икки сатҳдан ташкил топади: биринчиси денотат

(диктум)нинг субъект-предикат муносабатини акс эттирса, иккинчиси бу муносабатга сўзловчининг муносабатини ифодалайди». Г.А.Золотова учинчи тип модал муносабатни – ҳаракат ва унинг ағенси ўртасидаги муносабатни ажратади. Биринчи тип муносабат (объектив модаллик) жумла мазмунининг борлиққа реаллик-нореаллик, мувофиқ келиш ёки мувофиқ келмаслик нуқтаи назаридан муносабатдир. Иккинчи тип муносабат (субъектив модаллик) сўзловчининг жумла мазмунига ишонч, гумон, аниқлик-ноаниқлик, розилик каби муносабатларидир. Учинчи тип модаллик эса ўз ичига мумкинлик, истак, зарурлик каби маъноларни олади. Биринчи тип модалликнинг асосий ифода воситаси майл категорияси, иккинчи типники кириш (модал) сўзлар, учинчи типники эса кесимга (предикатга) қўшиладиган ҳолат категорияси (Шчерба) ҳисобланади. Биринчи тип модаллик гапнинг зарурий белгиси, қолган типлари эса гапнинг факультатив белгиси экани кўрсатилади. Шундай қилиб, модалликнинг мазмун планида ҳам бир умумий белгининг йўқлиги унинг ички бутунлигига футур етказди.

Модаллик категориясининг юқоридаги типларини ажратишда энг муҳим нарсага – субъектив томонга эътибор кам жалб қилинади. Худди шу субъектив томон бирлаштирувчи белги вазифасини бажариши мумкин. Р.Г.Сибгаатов модаллик, биринчи навбатда, сўзловчининг реалликка муносабатининг акс этишидир деб тўғри таъкидлайди.

Унинг фикрича, модалликни мазмун плани учун сўзловчи муносабатини бирлаштирувчи белги сифатида асос қилиб олиш категория бутунлигини сақлайди.

Модалликнинг муносабат ифодалашини ҳамма эътироф этади. Муносабат эса мазкур муносабатга киришувчи маълум элементларнинг бўлишини тақозо этади. Тилшуносликда ўзаро муносабатда бўлган элементлар масаласи ўзининг аниқ талқинини топмаган. Шунинг учун муносабатнинг ўзи ҳам шу кунга қадар ноаниқ бўлиб келди.

Объектив модаллик деганда, одатда, гапдан ифодаланган мазмуннинг реалликка бўлган муносабати тушунилар экан, демак, унинг схемаси қуйидагича: *гап мазмуни – реаллик*. Бу ўзаро маълум муносабатга киришувчи икки элементдир. Муносабат эса элементнинг қисмига ҳам, элементлар йиғиндисига ҳам тенг эмас.

Муносабат мантиқига мувофиқ, муносабат икки ўринли (валентли) предикатдир. Демак, у энг камида уч қисмдан таркиб топади: элемент – муносабат – элемент. Объектив модалликнинг юқоридаги схемасида (гап мазмуни – реаллик) «гап мазмуни» муносабатга киришаётган элементлардан бири сифатида қатнашмоқда. Аммо муносабатнинг (модалликнинг) ўзи акс этмаган. Бу ўринда энг зарур қисм – «субъект» етишмайди. Шунинг учун айрим тилшунослар объектив модалликни гап мазмунининг сўзловчи нуқтаи назаридан объектив реалликка муносабати сифатида талқин қилиб, етишмаган элементни тўлдирадилар.

Субъектив модаллик, кўпчилик тилшунослар фикрича, «субъект» ва «гап мазмуни» элементларини ўз ичига олади. Унинг схемаси қуйидагича: «субъект – гап мазмуни». Бу ерда ҳам зарурий элемент – «объект» (реаллик)

акс этмай қолган. Демак, субъектив модаллик ҳам уч аъзо: «субъект», «гап мазмуни», «объект» бирлигидан иборатдир.

Ҳар сафар «объект» элементи пайдо бўлиши билан онгда дарҳол «субъект» элементи ҳам вужудга келади ёки, аксинча, «субъект» элементи пайдо бўлиши билан «объект» элементи ҳам пайдо бўлади, бу билан бир вақтда объективга субъектив ишлов бериш механизми ҳам қўшилади. Мазкур ишлов беришнинг моҳияти асос деб олинаётган нарсанинг ушбу тафаккур акти предикатига муносабатини (ёки, аксинча, иккинчи элементнинг биринчи элементга муносабатини) белгилашдан иборатдир.

### **Предикативлик ва модаллик**

Предикативлик ва модаллик ўзаро чамбарчас боғланган ҳодисалардир. Шунинг учун лингвистика тарихида бу икки ҳодисанинг ўзаро муносабатига бағишланган жуда кўп асарлар бор. Шунга қарамай, мазкур икки ҳодисанинг туташ нуқталари нималардан иборат ва қайси хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади деган саволлар ҳамон аниқ жавобини топгани йўқ. Баъзан предикативликни модаллик билан тенглаштириш ҳоллари ҳам учрайди. Ҳар иккисининг ҳам гап мазмунининг объектив реалликка муносабатини ифодалаши таъкидланади (В.В.Виноградов).

Гапни гап қилиб турган энг асосий белги нима деган саволга ҳам баъзилар модаллик деб жавоб берадилар.

Модаллик ва предикативлик ҳақида гап кетганда, баъзан модалликнинг предикативликка нисбатан жуда кенг тушунча экани, баъзан эса модаллик предикативликнинг узвий бир қисми экани таъкидланади.

В.В.Виноградов бир ўринда предикативлик билан модалликни тенглаштириб: «...предикативлик категориясининг тўғри, доимий ва бевосита ифодаланиши гап модаллигидир», – дейди, иккинчи ўринда модалликка предикативликнинг бир компоненти сифатида қарайди. Н.Е.Петров модаллик ва предикативликнинг маълум чегарасини белгилаш учун предикативликни мантиқий-синтактик категория сифатида тил сатҳи бирлиги, модалликни эса коммуникатив-синтактик категория сифатида нутқ сатҳи бирлиги тарзида қараш лозим дейди. Аммо бу билан уларнинг фарқи аниқ очилмайди. Чунки модалликнинг мазкур тури тил сатҳига ҳам оиддир.

Семантик планда модаллик категорияси учун бирлаштирувчи белги вазифасини бажарувчи субъективлик (сўзловчи нуқтаи назари) предикативлик категорияси билан модаллик категорияси ўртасида фарқловчи белги вазифасини ўташи мумкин. Биринчидан, модаллик предикативликка нисбатан, дарҳақиқат, кенг тушунча. Чунки предикативлик фақат гап сатҳи учун характерли бўлса, модаллик гап бўлмаган қурилмалар (масалан, сўз бирикмаси) учун ҳам хосдир. Шунинг учун В.Г.Адмони модалликни иккига – гапга хос бўлган модаллик, сўз бирикмасига хос модалликка бўлади.

Иккинчидан, гап сатҳида қаралаётган модаллик предикативликнинг таркибий элементи дир. Предикативлик гап орқали ифодаланаётган ахборотнинг объектив реалликка муносабатини умумий тарзда билдирса,

модаллик гап мазмунининг сўзловчи нуктаи назаридан объектив борликқа муносабатини ёки сўзловчининг гап мазмунига муносабатини англатади. Ҳар икки типдаги модалликда ҳам субъективлик белгиси алоҳида ўрин тутади.

### Мантиқий ва грамматик модаллик

Модаллик фақат лингвистика учунгина эмас, балки мантиқ учун ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки бу категория фикрнинг мантиқий қурилиши билан чамбарчас боғланган тил ҳодисалари қаторига киради. Шунинг учун модаллик ҳам тилшуносликнинг, ҳам мантиқнинг текшириш объектидир. Биринчисида модаллик гапнинг энг муҳим белгиси сифатида қаралса, иккинчисида тафаккур шакли сифатидаги ҳукмнинг муҳим белгиси сифатида қаралади. Шунга кўра, В.З.Панфилов тил категорияси бўлган модалликни мантиқий категория бўлган модаллик билан боғлаб ўрганиш лозимлигини кўрсатади.

В.З.Панфилов гап орқали ифодаланадиган ҳукмнинг ккки сатҳи мавжудлигини таъкидлайди. Улардан биринчиси ҳозирги шаклий мантиқ томонидан ажратиладиган пропозиционал функция сифатидаги ҳукм. Пропозиционал функция сифатидаги ҳукм структураси  $N$  ўринли предикат ва унинг аргументлари муносабатидан иборат (**aRbv** формуласи). Бундай ҳукм структураси икки қисмдан (агар предикат бир ўринли бўлса) ёки уч ва ундан ортиқ қисмдан (агар предикат кўп ўринли бўлса) ташкил топади.

Гапда ифодаланган ҳукмнинг анъанавий шаклий мантиққа асосланган структураси субъект-предикат структурадир ( $S + P$  дир формуласи).

Агар пропозиционал функция сифатидаги ҳукм объектив реалликдаги объектив алоқаларни акс эттирса, субъект-предикат структура сифатидаги ҳукмда билиш жараёни акс этади. Субъект предикат структурасида вазиятнинг бир фикр предмети сифатида, иккинчи қисми унга предикацияланаётган белги сифатида ажратилади. Шундай қилиб, ҳукмнинг субъект-предикат структура сатҳида билиш жараёнининг йўналиши, яъни унинг субъектив томонини акс этади.

Ҳукмнинг мазкур икки сатҳдаги структураси гап структурасида ҳам ўзининг шаклий ифодасига эга: улардан биринчиси гапнинг синтактик бўлинишлари орқали (яъни синтактик структура элементлари орқали), иккинчиси эса логик-грамматик ёки актуал бўлиниш орқали ифодаланadi. Демак, модаллик гапнинг актуал бўлиниши билан чамбарчас боғланган.

Англашиладики, маълум бир вазиятнинг ўзи ҳукмнинг бир неча хил субъект-предикат структураси билан, шунга мувофиқ, гапнинг турли логик-грамматик бўлиниши билан акс этади. Бунда эса инсон билиш фаолиятининг актуаллиги кўринади.

Модаллик остида гапнинг субъект билан боғлиқ турли маънолари тушунилар экан, аввало, мазкур маъноларни икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ: 1) объектив (антологик); 2) субъектив модаллик.

Уларнинг биринчиси билиш акти йўналтирилган маълум бир воқеадаги мавжуд объектив алоқалар характерини акс эттиради (мумкинлик,

хақиқийлик, зарурийлик). Иккинчиси эса бу алоқаларни билиш даражасига сўзловчининг муносабати (баҳоси)ни ифодалайди.

Объектив модаллик гапнинг синтактик бўлиниш сатҳида ўз ифодасини топади. Унинг шаклий кўрсаткичлари: 1) феъл майллари (шарт-истак, буйруқ, шартли, ижро ва бошқ.); 2) махсус модал феъллар: *хоҳламоқ, истамоқ* ва бошқ.; 3) лексик воситалар: *керак, лозим, даркор, мажбур, зарур* ва ҳ.к.лар саналади.

Объектив модаллик, ўз навбатида, турли маъноларни ўз ичига олади:

**1. Гапда ифодаланган мазмуннинг борлиққа муносабати.** Бу феъл майллари ва интонация (номинатив сўз-гапларда) орқали ифодаланади ва гап мазмунининг реал (нореал) эканини билдиради.

**2. Субъектнинг «ўз» ҳаракатига муносабати.** Бу модаллик тўрт субкатегорияни бирлаштиради: 1) аниқлик. Ноль кўрсаткич билан характерланади; 2) мумкинлик, имконияти борлиқ. *Олмоқ, бўлмоқ* кўмакчи феъллари орқали ифодаланади. Масалан, *Бу ниятни амалга оширса бўлади* (ошириб бўлади). *У институтда ўқий олади* ва бошқ.; 3) зарурлик, мажбурлик. Модалликнинг бу маъноси *керак, лозим, даркор, зарур* сингари сўзлар орқали ифодаланади. Масалан, *Мен ўқишим керак*; 4) хоҳиш-истак. Бу маъно махсус модал феъллар орқали (*хоҳламоқ, истамоқ* ва бошқ.) ифодаланади. Масалан, *Мен ўқишни истайман*.

Юқорида санаб ўтилган барча модаллик турлари объектив модалликка оид бўлиб, диктумга, В.З.Панфилов концепциясига кўра эса пропозиционал функция сатҳига оиддир.

Субъектив модаллик гапда ифодаланган объектив мазмунга сўзловчининг муносабатини ифодалайди ва модусга (В.З.Панфилов концепциясига кўра логик-грамматик сатҳга) киради. Субъектив модаллик кириш сўз функциясида келган махсус модал ёки модал вазифасидаги бошқа сўзлар ёрдамида ифодаланади. Субъектив модаллик орқали сўзловчининг ўз фикрига турли муносабатлари намоён бўлади: ишонч (албатта келаман), тасдиқ (тўғри, келаман), гумон (эхтимол, келарман), ачиниш (афсус, келаман) ва бошқ. Субъектив модаллик факультатив характерга эга.

Шундай қилиб, синтактик модаллик гапни шакллантиришдаги ўрни ва субъектнинг гап мазмунидаги муносабат даражасига қараб икки гуруҳга – объектив ва субъектив модалликка бўлинади. Объектив модаллик гапни шакллантирувчи зарурий белгилардан бири, асосий узви ҳисобланса, субъектив модаллик объектив модаллик устига қўйилган қўшимча модалликдир. Шунинг учун у гапнинг асосий узви эмас.

Кўриниб турибдики, сўзловчининг коммуникатив нияти, унинг гап мазмунига эмоционал муносабати ва субъектив модаллик гарчи гапнинг актуаллаштирувчи қисмлари бўлса-да, уларнинг табиати ва гап тузилишидаги асосий роли шунчалар хилма-хилки, уларни фақат грамматик планда «турли сатҳлилиқ», семантик планда сўзловчининг «муносабатини ифодалаш» белгилари остида бирлаштириш мумкин, холос.

**Тўлдирувчили ёйиқ гаплар семантикаси**

N га + vf моделидаги қурилма моҳият сифатида тўлдирувчи позициясидаги аргументларнинг феъл предикат орқали юзага чиқувчи муносабатини акс эттиради. Тўлдирувчи ҳолатидаги аргумент турли референт маъноларни ифодалайди. Бу референт маънолар тўлдирувчи ҳолатидаги аргументнинг предикат билан синтагматик муносабати ҳамда ҳар икки қисмнинг қандай лексемалар билан тўлдирилишига қараб белгиланади. Масалан, 1) *Бу сўзлар унга ёқди* (А.Қ.); 2) *Челак сувга тўлди*; 3) *Китобни синглисига олди*; 4) *Рўмолни мукофотга олди*; 5) *Ҳалима Салимага айтди*; 6) *Бу ит бўрига ўхшайди*.

Биринчи жумла билан иккинчи жумла, учинчи жумла билан тўртинчи жумла бир хил синтактик структурага эга бўлсалар-да, лекин мазмуний иштирокчиларига кўра бир-биридан фарқланади. Биринчи жумлада *ёқди* предикати орқали муносабатда бўлган икки семантик предикатнинг биринчиси (бу сўзлар) таъсир қилувчи предметни, иккинчиси эса (унга) таъсирга учровчи предметни билдиради. Иккинчи гапда *тўлди* предикати орқали муносабатда бўлган икки предметнинг биринчиси (челак) таъсирга учраётган предметни, иккинчиси (сув) эса таъсирга восита бўлаётган ва таъсир қилаётган предметни билдиради. Учинчи ва тўртинчи жумла структураси *олди* предикати орқали боғланган икки семантик предметдан иборат бўлса-да, лекин семантик предметларнинг ролларига кўра бу жумлалар бир-биридан фарқ қилади. Тўртинчи жумладаги семантик предметлардан биринчиси (рўмол) агенс таъсирига учровчи предметни, иккинчиси (мукофот) агенс ҳаракатининг юзага чиқиши учун асос бўлган предметни акс эттиради. Бешинчи жумладаги *айтди* предикати орқали ўзаро муносабатда бўлган *Ҳалима* ва *Салима* предметлари ҳам юқоридагилардан тубдан фарқланувчи вазифа бажаради: биринчиси ҳаракатни юзага чиқарувчи предмет (агенс), иккинчиси эса агенс ҳаракатини қабул қилувчи предмет (пациенс) вазифаларида келади. Олтинчи жумладаги *ўхшайди* предикати икки предмет ўртасидаги ўхшашлик муносабатини билдиради.

Шундай қилиб, жўналиш келишиги ва билан кўмакчили отдан ифодаланган воситали тўлдирувчи ёрдамида кенгайган гап инвариант сифатида бир умумий гап моделини ташкил этса-да, лекин бу инвариант нутқ таркибида турли лексик вариантлар билан тўлдирилган хилма-хил семантик-синтактик вариантлар сифатида намоён бўлади.

N дан + vf модели чиқиш келишигидаги отдан ифодаланган воситали тўлдирувчи билан кенгайган жумлаларнинг умумлашган типини гавдалантиради. Мазкур модел қисмлари нутқ жараёнида лексик бирликлар билан тўлдирилган ҳолда турли семантик-синтактик вариантларда намоён бўлади. Масалан, 1) *Овқатдан олинг*; 2) *Кичик ўғлимдан бахт кўрдим*; 3) *Олимлардан гапирди*; 4) *Уй бетондан қурилган*. Бу жумлаларнинг дастлабки иккисиди предикат орқали муносабатда бўлган икки предметдан фақат бири бевосита ифодаланган ва улар биринчи жумлада шахс ҳаракатига қисман қараган предметни, иккинчисиди предикат акс эттирган ҳаракатни юзага чиқарувчи предметни (агенс) билдиради. Учинчи жумла бир ўринли



муносабатдан иборат системани ифодалайди. Предикатнинг бўш ўрнини тўлдирувчи *олимлардан* аргументи муносабат билдирувчи *гапирди* предикатидан англашилган ҳаракатни юзага чиқарувчи агенсни билдиради. Тўртинчи жумла икки ўринли муносабатни акс эттирувчи система саналиб, бўш ўринларни тўлдирган *уй* ва *бетондан* предметлари муносабат билдирувчи *қурилди* предикати орқали боғланган. Биринчи предмет предикатдан англашилган ҳаракатнинг натижаси бўлган предметни, иккинчиси эса предикатдан англашилган ҳаракатнинг юзага чиқишига восита, материал бўлган предметни ифодалайди.

N да + vf модели ҳам турли семантик-синтактик вариантлар орқали юзага чиқади: 1) *Самолётда учдик*; 2) *Ўқишда намуна бўлмоқда*. Биринчи жумлада предикатдан ифодаланган ҳаракатнинг юзага чиқиши учун восита бўлган предметни, иккинчисидан эса предикатдан англашилган ҳаракатнинг доирасини кўрсатувчи предметни билдиради.

Англашиладики, тил сатҳидаги бир умумлашган структура нутқда ўзининг турлича намоён бўлиш имкониятига эга. Тўлдирувчи ҳолатида келган семантик предмет турли вазифаларни бажариши мумкин: ҳаракатни юзага чиқарувчи предмет, ҳаракатни қабул қилувчи предмет, ҳаракатнинг юзага чиқишига восита бўлган предмет, ўхшатилишига эталон бўлган предмет ва бошқ.

### Ҳолли ёйиқ гаплар семантикаси

Ййиқ жумлалар таркибида ҳол иштирок этиб, жумла мазмунини кенгайтиради. Ҳоллар шакл ва мазмун жиҳатдан ранг-барангдир. Шунинг учун уларнинг шакл ва мазмуни қуйидаги ҳолли гап моделларини гавдалантириши мумкин:

I. 1) X <sub>да</sub> + П <sub>ф</sub> ; 2) X <sub>га</sub> + П <sub>ф</sub> ; 3) X <sub>дан</sub> + П <sub>ф</sub> ; 4) X <sub>гача</sub> + П <sub>ф</sub> .			
-лиги учун	-дан буён	-га қадар	
-лиги сабабли	-дан бери	-га дову	
-лиги туфайли			
-ганига			
II. 1) X <sub>гарз</sub> + П <sub>ф</sub> ; 2) X <sub>д.мик</sub> + П <sub>ф</sub> ; 3) X <sub>шарт</sub> + П <sub>ф</sub>			

Биринчи гуруҳдаги ҳолли ёйиқ гап моделлари асосида кўпроқ шакл, иккинчи гуруҳдагилар асосида эса мазмун ётади. Биринчи гуруҳдаги моделлар нутқ жараёнида лексик бирликлар билан тўлдирилган ҳолда турли семантик-синтактик вариантлар орқали намоён бўлса, иккинчи гуруҳдагилар гарчи умумлашган маъно асосида типларга бирлаштирилган бўлса-да, лекин бу моделлар ҳам нутқ жараёнида муайян лексемалар билан тўлдирилган ҳолда юқоридаги умумлашган маънонинг турли хил вариантлари асосида юзага чиқади. Ҳол позициясида келаётган аргумент предикатнинг семантик валентлигини юзага чиқарувчи бўлгани сабабли предикат талаб этган маънода келади. Масалан,

1) *Хўроз ҳаммаерда бир хил кичқиради* (мақол).

2) *Омон, сени кўргандан бери кўзларимга уйқу келмайди* (Ҳ.О.).

3) *Бўри борди сув ичгали.*

4) *У яшайди беситам, безор* (Ҳ.О.) ва бошқ.

Биринчи гапда предикатнинг ўрин валентлигини, иккинчи гапда пайт валентлигини, учинчи гапда мақсад валентлигини, тўртинчи гапда тарз валентлигини рўёбга чиқарган. Шунинг учун ҳол таснифида предикатнинг семантик валентлиги бош мезон бўлиб хизмат қилиши керак.

### **Предметнинг мураккаб номлари (дескрипция) ва унинг тузилиши**

Предикатнинг бўш ўринларини предметнинг мураккаб номлари ҳам эгаллаши мумкин.

Бу вақтда предметнинг мураккаб номлари бир бутун ҳолда предикатнинг аргументи бўлиб келади. Предметнинг мураккаб номи ўз ички тузилишига эгаллиги туфайли у ҳам қисмларга ажралади. Лекин булар жумланинг эмас, балки мураккаб номнинг қисми саналади. Хусусан, аниқловчилар предметнинг белгисини билдириб, у билан зич боғланган ҳолда шу предметнинг мураккаб номини ҳосил қилади ва аниқловчи-аниқланмиш бир бутун ном сифатида жумла тузилишида иштирок этаётган бошқа предмет номлари билан муносабатга киришади.

Аниқловчиларнинг ўзи ҳам мураккаб ном ҳосил қилиш даражасига кўра бир хил эмас. Сифатловчи ва изоҳловчилар қаратқич аниқловчиларга нисбатан аниқланмиш билан ўта зич боғланади. Шунинг учун предметнинг мураккаб номи таркибида сифатловчилар, изоҳловчилар ва қаратқич аниқловчилар иштирок этса, у вақтда дескрипциянинг ўзи икки даража асосида қисмларга бўлинади: аввало, қаратқич гуруҳи ва қаралмиш гуруҳи ажратилади, сўнгра қаратқич қисми ҳам, қаралмиш қисми ҳам яна қисмларга ажралади. Масалан, *Азиз асримизнинг азиз онлари Азиз одамлардан сўрайди қадрин* жумласи уч ўринли муносабатни акс эттирувчи системани ифодалайди. 1) *Азиз асримизнинг азиз онлари*; 2) *азиз одамлардан*; 3) *қадрин* аргументлари муносабат билдирувчи *сўрайди* предикати орқали ўзаро боғланган. Бу аргументнинг иккитаси предикатнинг мураккаб номи саналиб, ўз ички тузилишига эга. Биринчи аргумент дастлаб икки қисмга ажралади: 1) *азиз асримизнинг*; 2) *азиз онлари*. Дескрипциянинг мазкур ажралган қисмлари яна ажралишда давом этади: 1) *азиз + асримизнинг*; 2) *азиз + онлари*.

Шундай қилиб, қаратқич-қаралмишга ажралиш дескрипция тузилишининг биринчи даражаси, сифатловчи-сифатланмиш, изоҳловчи-изоҳланмишга ажралиш эса иккинчи даражаси саналади.

Предметнинг мураккаб номи бир бутун ҳолда предикатнинг бўш ўринларини тўлдирган ҳолда турли вазифаларда келиши мумкин. Масалан, предикат англатган ҳаракатни юзага чиқарувчи предмет: *Азиз асримизнинг азиз онлари + сўрайди*: предикат билдирган ҳаракат таъсирига учровчи предмет: *азиз одамлардан + сўрайди* ва бошқ.

## Гапнинг коммуникатив аспекти

Агар пропозитив (номинатив) ва модал аспекти гапнинг инъикос этиш семантикасини, унинг денотатив ва сигнификатив мазмунини акс эттирсан, коммуникатив план, биринчидан, сўзловчининг коммуникатив ниятини, яъни шу гапдан ифодаланган объектив мазмун элементларининг аҳамиятлилик даражасини белгилашни (актуал бўлакларга ажратиш) ҳамда дарак, сўроқ, буйруқ ифодалашни, иккинчидан, пресуппозиция ахборотини ўз ичига олади. Шундай қилиб, тил бирлиги сифатида гап семантикасига фақат номинатив план – пропозиция плани оиддир. Коммуникатив план эса жумла семантикасининг, демак, нутқ семантикасининг предмети дир.

### Актуал тузилиш

Ҳар қандай синтактик қурилма гап бўлиши учун маълум пропозицияни ифодалашдан ташқари, коммуникатив мақсадни ҳам ифода этиши керак. Масалан, *Карим Фарғонага кетди* жумласида умумий тузилиш – пропозиция ифодаланишидан ташқари, сўзловчининг коммуникатив нияти ҳам ифодаланган. Бу ўринда сўзловчининг нияти *Каримнинг* ҳаракати ҳақида маълумот беришдир. Шунинг учун Карим нима қилди? сўроғига жавоб бўлади. *Фарғонага Карим кетди* жумласида эса сўзловчининг коммуникатив нияти кимнинг кетгани ҳақида маълумот беришдир. *Фарғонага ким кетди?* сўроғига жавоб бўлади. *Карим Фарғонага кетди* жумласида эса сўзловчининг коммуникатив нияти яна бошқа ҳаракатнинг йўналиши ҳақида маълумот беришдир. Бу ўринда Карим қаерга кетди? сўроғига жавоб бўлади. Кўриниб турибдики, жумлани ташкил этган синтактик элементлар маълум синтактик вазифани бажариш билан бирга сўзловчининг коммуникатив ниятини ифодалаб, коммуникатив вазифа бажариш учун ҳам хизмат қилади. *Жумланинг коммуникатив вазифаси нуқтаи назаридан тузилиши унинг актуал тузилиши ҳисобланади.*

Коммуникатив (актуал) вазифа нуқтаи назаридан жумлани ташкил этувчи элементлар *тема* (маълум) ва *рема* (янги) қисмларига бўлинади. Жумланинг рема қисми коммуникатив энг аҳамиятли қисм – коммуникатив марказ ҳисобланади. Савол гапнинг шу коммуникатив марказини – ремани аниқлаш учун берилади.

Жумланинг тема қисми аввалдан маълум бўлгани учун саволда ҳам айнан такрорланади. Шунга кўра, биринчи ҳолатда (*Карим нима қилди?* сўроғига жавоб бўлганда) Карим – тема (маълум), *Фарғонага кетди* – рема (янги), иккинчи ҳолатда (*Фарғонага ким кетди?* сўроғига жавоб бўлганда) *Фарғонага кетди* – тема (маълум), Карим – рема (янги); учинчи ҳолати (*Карим қаерга кетди?* сўроғига жавоб бўлганда) *Карим кетди* – тема (маълум), Фарғонага – рема (янги).

Кўриниб турибдики, жумла коммуникатив (актуал) жиҳатдан доимо икки қисмдан – тема (маълум) ва рема (янги) қисмларидан ташкил топади. Бу жиҳатдан синтактик структуранинг аънавий бош бўлақларига ўхшайди.

Баъзан уларга тенг келиши мумкин: тема эгага, рема кесимга. Аммо тема-рема ва эга-кесим бўлинишлари ўзаро муносабатда бўлган бошқа-бошқа тузилишлар бўлиниши бўлганидан улар бир-биридан тубдан фарқланади. Синтактик тузилиш элементлари бош бўлақлардан ташқари, яна бошқа бўлақлардан ҳам ташкил топса, коммуникатив тузилиш доимо икки элементдан: коммуникация предмети – тема ва тема ҳақида маълумот берувчи коммуникатив марказ – ремадан ташкил топади.

Актуал бўлақларни ифодалаш учун тилшуносликда турли хил терминлардан фойдаланилади. Масалан, асос ва ядро (Матезиус), маълум ва янги (Крушельницкая), асос ва предикацияланувчи қисм (Распопов) ва бошқ. Шунингдек, мантиқий субъект ва мантиқий предикат, руҳий субъект ва руҳий предикат, мазмуний субъект ва мазмуний предикат терминлари ҳам ишлатилади.

Тема ва ремаларга бўлинишнинг актуал бўлиниш ҳисобланиши сабаби шуки, сўзловчи учун мазкур бўлиниш актуал, фақат шу контекст учун ёки шу вазият учун хос бўлинишдир. Юқоридаги *Карим Фарғонага кетди* жумласининг уч хил бўлиниши шуни кўрсатадики, алоқа-аралашувнинг конкрет вазиятига қараб сўзловчи ўз олдига турли хил коммуникатив вазифа қўяди.

Тилшуносликда бундай бўлиниш актуал бўлиниш терминидан ташқари, бошқа бир қатор терминлар билан ҳам ифодаланади: коммуникатив бўлиниш, контекстуал бўлиниш, тема-рематик бўлиниш, жумланинг функционал йўналиши, жумланинг коммуникатив йўналиши ва бошқ.

Маълум ва янги маънолар нутқ жараёнида сўзловчининг коммуникатив ниятига кўра жумланинг асосий грамматик маъноси устига қўйилади.

Шундай қилиб, гап бўлақларининг коммуникатив юки жумла мазмунининг ажралмас қисми саналади, шунинг учун актуал бўлинишни алоҳида синтактик категория сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

**Актуал бўлинишнинг ўрганилиш тарихи.** Ҳозирги тилшуносликда актуал бўлиниш термини остида ўрганилаётган ҳодиса анча узоқ вақтлардан буён тилшунослар томонидан кузатиб келинади. Проф. А.Рустамовнинг оғзаки маълумотига қараганда, Ўрта Осиё филологлари, хусусан, Замахшарий асарида ҳам мазкур ҳодиса маълум бўлган. Актуал бўлиниш қисмларини ифодаловчи махсус терминлар ҳам қўлланилган: мавзу (тема), маҳмул (рема). Аммо актуал бўлиниш жаҳон тилшунослигига Европа лингвистлари асарлари орқали тарқалди. Узоқ вақтгача бу ҳодиса лингвистик ҳодиса эмас, балки мантиқий ёки руҳий ҳодисалар сифатида талқин этилиб келди.

Ушбу ҳодисани руҳий аспектда ўрганиш бир қатор немис олимлари номи билан боғлиқдир. Жумладан, XIX асрнинг машҳур олими Г.Фон де Габеленц сўзловчи онгида ҳосил бўладиган тасаввур боғланишига эътибор беради. Нутқ предикати сифатида қатнашадиган биринчи тасаввур «руҳий субъект», «руҳий субъект» ҳақида маълумот берадиган иккинчи тасаввур «руҳий предикат» бўлади дейди.

Г.Пауль ҳам мазкур ҳодиса юзасидан шунга ўхшаш фикр юритади. У «руҳий эга», «руҳий кесим» терминларидан фойдаланган ҳолда жумлада энг муҳим гап бўлаги мантиқий урғу остида бўлган руҳий кесим эканини айтади. Олим *Карл эртага Берлинга кетади* гапидаги тўрт гап бўлагидан ҳар бири маълум-номаълумлик белгисига кўра руҳий кесим бўлиб келиши мумкин, мантиқий урғу остидаги бўлак руҳий кесим бўлади ва у номаълум нарса ҳақида янги маълумот беради дейди.

Бу масала машҳур рус тилшунослари Ф.Ф.Фортунатов, А.М.Пешковский, А.В.Шчерба, В.В.Виноградов асарларида ҳам маълум даражада акс этди. Ф.Ф.Фортунатов фикрича, руҳий ҳукмнинг ифодаланиш шакли гапдир, лекин гапнинг грамматик бўлаклари билан руҳий бўлаklar бир-бирига мувофиқ келмаслиги мумкин. Масалан, *Келди Фарҳод* жумласи орқали ифодаланган руҳий эга – *келди* (сўзловчи ва тингловчи учун маълум факт) ва руҳий кесим – *Фарҳод* (маълум факт ҳақида янги ахборот)дан ташкил топса, бошқа вазиятда, масалан, *Фарҳод келди* жумласида руҳий эга – *Фарҳод* (маълум факт), руҳий кесим – *келди* (янги факт) бўлиши мумкин.

Булар орасида А.М.Пешковскийнинг кузатишлари эътиборга лойиқдир. Олимнинг нутқнинг ритмик-интонацион томонига алоҳида эътибор бергани уни актуал бўлиниш ҳодисасига анча яқинлаштирди. Аммо мазкур ҳодисани грамматиканинг ўрганиш объектдан ташқаридаги ҳодиса ҳисоблаб, бу масалага махсус тўхталмади. А.М.Пешковский жумла интонацияси юзасидан жуда қизиқарли кузатишлар олиб бориш билан интонациянинг жумла мазмунига таъсири ҳақида қимматли маълумотлар беради. У «интонацион кесимлик» ҳақида фикр юритаркан, уни «грамматик кесимлик»ка қарама-қарши кўяди. Агар мантиқий урғу феълда ёки предикатив сўзда бўлса, интонацион кесим билан грамматик кесимнинг бир-бирига мувофиқ келиши, бошқа ҳолларда эса бир-биридан фарқ қилиши, интонацион кесимнинг грамматик категория эмаслиги ҳақида маълумот беради.

Бу ҳодисани актуал бўлиниш термини остида махсус ўрганиш машҳур чех тилшуноси В.Матезиусга тегишли. У XIX аср француз тилшуноси А.Вейлнинг айрим ғояларига таянган ҳолда биринчи марта актуал бўлиниш муаммоси лингвистикага оид эканини исботлади. Олим актуал бўлинишнинг синтактик бўлиниш билан муносабати ва ундан фарқини кўрсатиб берди. Актуал бўлиниш маълум грамматик воситаларга асосланишини кўрсатди. В.Матезиус тилшуносликнинг навбатдаги вазифаси гапнинг шаклий ва актуал бўлинишлари ўртасидаги муносабатни конкрет материаллар асосида кўрсатиш кераклигини ва бу вазифанинг ғоят аҳамиятли эканини, чунки ҳар бир тилда гапнинг шаклий ва актуал бўлиниш муносабати масаласи энг характерли масалалардан бирилигини таъкидлади.

В.Матезиуснинг актуал бўлиниш назарияси унинг издошлари Ф.Данеш, В.Скаличка, Я.Фирбас, П.Адамец И.Мистрик томонидан янада чуқурлаштирилди. Натижада мазкур назария фақат чех тилшунослигидагинамас, балки жаҳон тилшунослигида ҳам кенг тарқалди. Жумладан, бу муаммо рус тилшунослигида ҳам кенг ўрганила бошлади.

Хусусан, рус тилшунослигида бу масаланинг ўрганилиши К.Г.Крушельницкая, И.П.Распопов, И.И.Ковтунова, В.З.Панфиловлар номи билан боғлиқ. Кейинги даврларда туркийшуносликда ҳам гапнинг актуал бўлинишига бағишланган бир қанча асарлар майдонга келди.

**Актуал ва синтактик бўлинишнинг турли сатҳга оидлиги.** Актуал бўлиниш жумланинг коммуникатив мақсадини акс эттиради ва коммуникатив синтаксисга оид бўлади. Актуал бўлиниш нуқтаи назаридан қаралган жумла айрим тилшунослар томонидан тил системасининг алоҳида сатҳи – актуал бўлиниш сатҳи сифатида ҳам ажратилади. В.З.Панфилов бундай бўлиниш сатҳини мантиқий-грамматик сатҳ деб номлайди. Унинг фикрича, бир жумланинг таркибида шу жумлани ташкил этган ҳар бир синтактик элементнинг (гап бўлагининг) синтактик вазифасини ўзгартмаган ҳолда актуал бўлинишнинг темаси ҳам бўла олиши актуал бўлинишнинг семантик бўлиниш доирасидан чиқаришини кўрсатади. Кўриниб турибдики, биз бу ўринда бир синтактик сатҳнинг ўзидаги ходисанинг эмас, балки ундан юқорироқ бўлган гап ходисасининг гувоҳи бўламиз. Чунки актуал бўлиниш билан боғлиқ ҳамма ходисалар анъанавий синтактик сатҳ доирасида изоҳланиши мумкин эмас.

И.П.Распопов конструктив-синтактик сатҳ ва коммуникатив-синтактик сатҳга ажратиб, актуал бўлинишни кейинги сатҳга киритади. И.И.Ковтуновнинг таъкидлашича, мазкур икки сатҳга ажратиш ғояси актуал бўлиниш ва сўз тартибини ўрганиш учун фавқулодда аҳамият касб этади. У сўз тартибининг икки сатҳдаги вазифасини ва бу вазифаларнинг жумла тузилишидаги ўрнини белгилаш имконини яратди.

### **Жумла парадигматикаси ва синтагматикасининг актуал бўлиниш билан муносабати**

Ҳар қандай жумла нутқ бирлиги сифатида нутқ (матн) ичида келиб, ўзидан олдинги ва ўзидан кейинги жумлалар билан муносабатда бўлади. Бундан муносабат жумланинг синтактик муносабати ҳисобланади. Мантиқий изчилликка эга ҳар қандай нутқ (матн) синтактик муносабатларнинг ўзаро зичлиги ва синтагматик тобеликнинг бир томонлама – олдинги жумладан кейинги жумлага қараб йўналиши билан характерланади. Бу шуни кўрсатадики, жумла шакли ўзидан олдинги жумлага боғлиқ. Кейинги жумланинг эса олдинги жумла шакли учун аҳамияти йўқ. Жумлалар ўртасидаги синтактик тобеликнинг бундай бир томонлама йўналиш муносабати нутқ занжирининг замондаги тадрижий кенгайишини кўрсатувчи нутқ характери билан белгиланади.

Жумлалар ўртасидаги синтактик тобелик актуал бўлиниш учун қулай шарт-шароит яратади. Ҳар бир жумланинг тема-ремаси ушбу жумланинг контекст талаб этган конкрет коммуникатив вазифаси билан белгиланади. Ўзидан олдинги жумла мазмунига қараб кейинги жумланинг синтактик тузилиши турлича актуал бўлиниши мумкин. Масалан, *Меҳмонлар келишди* синтактик қурилмаси асосида олдинги контекстга асосланган ҳолда икки хил

жумла ҳосил қилиш мумкин: *Меҳмонлар келишди; Келишган меҳмонлардир.* Булардан биринчи жумла икки коммуникатив ниятдан бирини ифодалаш мумкин: факт, вазият ҳақида бир бутун маълумот беради (бу вақтда олдинги жумла таркибида ушбу жумла темаси (меҳмон) айтилмаган бўлиши ҳам мумкин) ёки меҳмонлар келишгани ҳақида маълумот бериш (бу вақтда тема (*меҳмонлар*) ҳақида маълумот олдинги жумлада берилади).

Бир синтактик тузилишнинг актуал бўлиниш жиҳатдан турли вариантлари шу синтактик қурилманинг актуал бўлиниш парадигмаси ҳисобланади.

Жумланинг парадигма аъзоси сифатидаги характеристикаси ушбу жумланинг синтагмадаги позициясига боғлиқ. Актуал бўлиниш парадигмасининг бош аъзоси синтактик бўлиниш билан мос келади: синтактик тузилиш эгаси (ёки эга гуруҳи) актуал бўлиниш темаси, синтактик тузилиш кесими (ёки кесим гуруҳи) актуал бўлиниш ремаси бўлиб келади. Масалан, *Профессор ўқувчиларга дарс ўтди* жумласида синтактик эга позициясида келган *профессор* – тема, синтактик кесим позициясида келган *дарс ўтди* бўлаги ўзи эргаштириб келган *ўқувчиларга* бўлаги билан бирга – рема.

Тема ахборот предмети ҳисобланади. Шунинг учун тема учун энг характерли сўз туркуми предмет маъносини билдирувчи сўзлар саналади. Теманинг типик ифодаланиш усули эга ва эга гуруҳидир. Рема тема ҳақида маълумот беради.

Демак, рема учун энг характерли сўз туркуми белги билдирувчи сўзлар бўлади. Реманинг типик ифодаланиш усули кесим ёки кесим гуруҳи ҳисобланади. Бундан кўринадики, эга ва эга гуруҳининг олдин келиши, кесим ва кесим гуруҳининг кейин келиши, контекст шарт-шароитидан қатъи назар, тема-ремастик муносабатни кўрсатишга энг мувофиқ ҳолат ҳисобланади.

Қисмлари бундай тартибда жойлашган жумлалар умумий ҳукми ифодалаш учун хизмат қилади. Бундай тартиб контекст билан боғлиқ бўлмайди, шунинг учун мазкур жумлалар контекстуал ёки синтагматик мустақил жумлалар ҳисобланади. Контекстда бундай жумла мустақил позиция эгаллайди.

Контекст синтактик ва актуал бўлақларнинг юқоридагидек муносабатини бузиб юбориши мумкин. Натижада актуал бўлиниш парадигмасининг бошқа аъзоси ҳосил бўлади. Бу вақтда белги билдирувчи сўзлар предмет билдирувчи сўзлар тема бўлиб келиши мумкин. Бундай ҳолат, одатда, тема мазмуни контекст ёки вазият орқали маълум бўлганда рўй беради. Юқоридаги каби жумлалар контекст ёки вазият билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун бундай жумлалар контекстуал ёки синтагматик тобе жумлалар ҳисобланади. Контекстда бундай жумлалар синтагматик тобе позицияни эгаллайди. Шундай қилиб, жумланинг актуал бўлиниш парадигмаси синтагматик мустақил ва синтагматик тобе жумлаларни ўз ичига олади. Одатда, синтагматик мустақил жумлалар парадигманинг бошланғич аъзоси – инварианти ҳисобланади.

Синтагматик мустақил ва синтагматик тобе жумлалар савол системаси орқали ҳам аниқланиши мумкин. Ш.Балли саволларни диктал ва модал сўроқларга бўлади ва уларни яна иккитадан қисмга ажратади: 1) тўлиқ диктал; 2) қисман диктал сўроқлар ва 1) тўлиқ модал; 2) қисман модал сўроқлар.

Диктал сўроқлар жумла орқали баён қилинаётган объектив мазмунга (диктумга) алоқадор бўлса, модал сўроқлар жумла мазмунининг объектив борлиққа муносабатига (модусига) тегишли. Тўлиқ сўроқлар бутун бир жумлага, қисман сўроқлар шу жумланинг бир қисмига алоқадор бўлади.

Хусусан, тўлиқ диктал сўроқ жумланинг умумий мазмунига қаратилади. Бу сўроққа жумланинг умумий мазмуни жавоб бўлади. Қисман диктал сўроқ эса мазкур жумла таркибида маълум бир қисмда ифодаланган мазмунни аниқлашга қаратилади. Жумланинг бошқа қисми эса сўзловчига маълум бўлади. Бу сўроққа шу жумланинг маълум бир қисми – ахборот ташишда аҳамиятли қисми жавоб бўлади. Масалан, *Ким ўқиди?* сўроғида кимдир ўқигани маълум, аммо ким ўқигани номаълум. Шу номаълум жавоб талаб қиладиган қисм янги ахборот ташишда аҳамиятли ҳисобланади.

Тўлиқ модал сўроқ жумладан англашилган мазмуннинг объектив реалликка муносабатини аниқлаш учун берилади. Сўроқ мақсади жумладан англашилган мазмуннинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаш бўлади. Тасдиқ ёки инкор жавобни талаб қилади. Қисман модал сўроқ шу жумланинг маълум қисмидан англашилган шубҳа остидаги мазмунни аниқлаш учун берилади. Масалан, *Карим мактабга (?) кетдимми?* Жавоб: *Ҳа, мактабга ёки: Йўқ, мактабга эмас.*

П.Адамец саволнинг юқоридаги турларидан қайси бирига жавоб бўлишига қараб жумланинг тўрт хил актуал турини белгилайди.

1. *Умум ахборотли жумлалар.* Бундай жумлалар умумдиктал сўроқларга жавоб бўлади ва актуал ахборот гапнинг умумий мазмунига мувофиқ келади. Шунинг учун актуал бўлак синтактик бўлакка мослашади.

2. *Қисман ахборотли жумлалар.* Мазкур типдаги жумлаларда объектив мазмуннинг маълум қисми ҳақида маълумот берилади. Қолган қисми олдинги гаплардан маълум деб тасаввур қилинади. Бундай жумлаларда актуал ахборот объектив мазмуннинг бир қисминигина ўз ичига олади. Шунинг учун у маълум контекстни талаб қилади. Қолаверса, матндан узиб олингани сезилиб туради. Контекстуал тобе бўлади.

3. *Умуммуносабатли жумлалар.* Бундай жумлалар янги хабар эмас, балки суҳбатдошнинг фикрига сўзлашувчининг реакцияси, муносабатини ифодалайди. Умуммуносабатли жумлаларда объектив мазмуннинг реаллиги акс этади. Бундай жумлаларнинг асоси инкор ёки тасдиқ бўлади. Масалан, *Карим келмади. Биз талабамиз.*

4. *Қисман муносабатли жумлалар.* Бундай жумлаларда бутун бир жумла мазмунининг реаллиги эмас, балки маълум бир аспектининг реаллиги аниқланади. Масалан, *Фақат Карим келди.*



Актуал бўлақлар синтактик бўлақларга мувофиқ келадиган синтагматик мустақил жумлалар умумхабаротли жумлаларга мос келади ва тўлиқ диктал сўроқларга жавоб бўлади.

Актуал бўлақлар билан синтактик бўлақлар мувофиқ келмайдиган синтагматик тобе жумлалар қисман ахбаротли ва қисман муносабатли жумлаларга мос, қисман диктал ҳамда қисман модал сўроқларга жавоб бўлади.

Шундай қилиб, сўроқ типлари синтагматик мустақил ва синтагматик тобе жумлаларни ажратиш учун асос вазифасини ўтайди. Маълум бир жумлани тема ва ремаларга ажратишда ҳам сўроқ хизмат қилади. Сўроқда мавжуд ахбарот темага оид, сўроқ орқали аниқланадиган ахбарот эса ремага оид бўлади. Масалан, *Дехқонлар баҳорги дала ишларини бошлаб юбордилар* қурилмасида *Дехқонлар нима қилдилар?* сўроғи темани ҳосил қилувчи жумла қисмини (деҳқонлар) ўзида акс эттиради. Сўроққа жавоб бўлган қисм (баҳорги дала ишларини бошлаб юбордилар) рема ҳисобланади.

**Ўйиқ жумлаларда актуал бўлиниш.** Ўйиқ жумлалар актуал бўлиниш йиғиқ жумлалар актуал бўлинишига ўхшайди. Аммо ўйиқ жумлалар тема ва ремалари йиғиқ жумлалардаги сингари биттадан сўзлардан эмас, балки сўзлар гуруҳидан ташкил топади. Бундай сўзлар гуруҳининг тема-ремастик бўлиниши ҳам ўйиқ жумлаларда ўзига хос хусусиятга эга: тема гуруҳи синтактик эга ва кесим состави асосида эмас, балки ўйиқ жумлани ташкил этган синтаксемаларнинг коммуникатив вазифасига қараб ажратилади.

Тема ва ремалар бир неча синтаксемалардан эмас, балки биргина синтаксемадан ташкил топиши мумкин. Бунга кўра, кесим состави ҳам, кесим составининг етакчи элементи – асос қисми (кўпроқ феъл) ҳам, кесим составини ташкил этган иккинчи даражали бўлақларнинг ўзи ҳам рема бўлиши мумкин. Қолган қисмлар эса тема бўлади. Масалан, *Азиз асримизнинг азиз онлари азиз одамлардан сўрайди қадрин* жумласи актуал бўлинишига кўра қуйидаги парадигмани ҳосил қилади: *Азиз асримизнинг азиз онлари азиз одамлардан сўрайди қадрин* (Азиз асримизнинг азиз онлари азиз одамлардан қадрини нима қилади?) *Азиз асримизнинг азиз онлари азиз одамлардан сўрайди қадрин* (...нимани сўрайди?); *Азиз асримизининг азиз онлари азиз одамлардан сўрайди қадрин* (...кимлардан сўрайди?) **Азиз асримизнинг азиз онлари азиз одамлардан сўрайди қадрин** (...кимлар сўрайди?) **Азиз асримизнинг азиз онлари азиз одамлардан сўрайди** (...кимнинг (ниманинг) онлари сўрайди?).

Синтагматик тобе ўйиқ гапларда бирдан ортиқ тема қатнашиши ҳам мумкин. Маълум бир жумлада бирдан ортиқ тема қатнашганда актуал бўлиниш босқичли характер касб этади. Бундай босқичли бўлиниш актуал бўлинишнинг дихотомик (икки аъзолар) принципига таъсир этмайди. Жумла икки темали бўлганда, тема-ремаларга ажратишнинг биринчи босқичида иккинчи тема рема таркибига киради. Иккинчи босқичда эса рема қисм яна тема ва ремаларга бўлинади. Масалан, *Достонларни у ёддан ўқир эди*. Бу жумла актуал бўлинишининг биринчи босқичида достонларни – тема, у

ёддан ўқир эди – рема. Иккинчи босқичда яна тема-ремаларга ажралади: У – тема, ёддан ўқир эди – рема.

**Тема ва ремаларнинг «маълум» ва «янги» билан муносабати.** Мавжуд лингвистик адабиётларда баъзан «маълум» – «янги» терминлари «тема» – «рема» терминлари ўрнида қўлланилади. Аммо амалий материаллар шуни кўрсатадики, «маълум» – «янги» тема – ремаларга тўлиқ мос келмайди. Чунки «маълум» олдинги контекстда баён қилинган ёки вазиятдан аниқ бўлган тушунчани ифодалайди. Дарҳақиқат, кўп ҳолларда тема маълум (берилган) нарсани ифодалайди. Аммо айрим ҳолларда тема сўзловчи ёки ўқувчи учун янги, номаълум бўлиши ҳам мумкин. Ҳикоя, боб, абзац бошланишлари баъзан «янги»ни ифодалаши мумкин. Аммо актуал жиҳатдан тема ҳисобланади. Масалан, Ойбекнинг «Болалик» повести шундай бошланади.

*Тор кўчада, қўшнилари эски, шалоқ эшиги олдида, менинг чол бобом ўз ўртоғи – узун соқолли, йирик жуссали, кар қулоқ мўйсафид билан нималар тўғрисидадир эзмаланиб сўрашади. Бобом ориқ, кичкина гавдасини деворга суяб, чўққайган, ҳассасини тиззалари орасига қадаган. Ўртоғи эса қўпол, эски сағри кавуш кийган, узун, сертук оёқларини узатиб, офтобга яғринини тутган ҳолда, ерга ёнбошлаб ўтирибди. Кўчадан от-арава ўтмайди; шовқин-сурон йўқ. Сийрак ўтқинчилар, албатта, қўл қовуштириб «Ассалом!» деб ўтардилар, Чоллардан бири ёки иккови бирдан жавоб беради: «Ваалайкум...»*

Бу парчадаги фақат бобом, ўртоғи эса, кўчадан, сийрак ўтқинчилар ва чоллардан бири ёки иккови темаларигина «маълум»ни ифодалайди. Чунки улар ҳақида ўзидан олдинги жумлада маълумот бериляпти. Қолган темалар контекст ёки вазиятдан маълум эмас, биринчи мартаба учрайди.

Демак, бу икки тушунчалар бир-бирига кўп ҳолда мувофиқ келса ҳам, аммо тамомила тенг ҳодисалар эмас.

### **Актуаллашиш**

*Гап бўлақларининг меъёрий тартиби ва интоцион тузилишининг бош парадигматик аъзога нисбатан ўзгариши ҳамда бу жумланинг синтагматик тобе жумлага айланиши унинг актуаллашишидир, яъни конкрет нутқий вазиятнинг талабига мослашиши ҳисобланади. Актуаллашиш жумлага вазият шарт-шароити талаби билан шу жумла орқали ифодаланадиган мазмуннинг коммуникатив ниятига мувофиқ келадиган шакл беради.*

**Актуаллаштирувчи воситалар.** *Синтагматик мустақил жумлани синтагматик тобе жумлага айлантириши учун хизмат қиладиган лисоний воситалар актуаллаштирувчи воситалардир. Сўз тартиби ва интонация гапнинг актуал бўлиниши билан шуғулланган тадқиқотчиларнинг ҳаммаси томонидан актуаллаштирувчи воситалар сифатида тан олинади. Бунга кўшимча равишда айрим тадқиқотчилар юкламаларнинг (Панфилов, Торопова, Абдуллаев ва бошқ.), инкор билдирувчи аффиксларнинг*

(Панфилов), редупликациянинг (Шевякова, Абдуллаев) актуаллаштирувчилик вазифасини кўрсатади.

**Сўз тартиби.** Сўз тартиби гап тузилишининг бир вақтнинг ўзида икки сатҳида – синтактик тузилиш ва актуал тузилиш сатҳларида функциялашади. И.И.Ковтунова таъкидлаганидек, сўз тартибининг роли гап тузилишининг юқоридаги икки сатҳида бир хил эмас. Синтактик тузилишдаги сўз тартиби актуал тузилиш учун ҳам хизмат қилади.

Узоқ вақтлардан буён сўз тартиби синтактик тузилишга нисбатан ўрганиб келинди. Натижада унинг ҳақиқий вазифаси тадқиқотчилар назаридан четда қолган. Сўз тартибини фақат синтактик тузилиш сатҳида ўрганиш маълум бир тилдаги жумлада сўзлар тартибининг аниқ қонуниятини аниқлашда маълум қийинчилик туғдирди. Чунки сўз тартиби эркин бўлган тилларда бир гап бўлаги жумлада турли ўринда келиши мумкин.

Жумлада гап бўлаклари тартибининг ҳақиқий вазифаси ва уларнинг қонунияти биринчи марта машҳур чех тилшуноси В.Матезиус томонидан ўрганилди ва у актуал бўлинишнинг шаклий кўрсаткичларидан бири сифатида аниқ кўрсатиб берилди.

Туркий тилларда ҳам гап бўлақларининг тартиби эркиндир. Тартибнинг грамматик вазифа бажариши жуда чекланган. Чунки ҳар бир гап бўлагининг грамматик шакли унинг грамматик вазифасини кўрсатиб туради. Масалан, *Мен кеча Самарқанддан келдим – Кеча мен Самарқанддан келдим – Самарқанддан мен кеча келдим – Самарқанддан кеча мен келдим* ва бошқ.

Демак, гап бўлаклари тартиби эркин тилларда тартибнинг ҳақиқий вазифаси шу жумла тартибидаги бўлақлардан бирининг ёки бўлақлар комплексининг мазмуний аҳамиятини ажратиб кўрсатишдир. Бу шуни кўрсатадики, гапда сўзлар тартиби, айниқса, туркий тилларда актуал бўлиниш масаласи билан чамбарчас боғлиқ.

Шунинг учун гапнинг актуал бўлиниши таълимотининг лингвистикага киритилиши туркий тилларда сўз тартиби муаммосини ҳал этишда мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилади.

И.И.Ковтунованинг таъкидлашича, гапда лингвистик муаммо сифатидаги сўзлар тартиби масаласи унинг бош омили бўлган актуал бўлиниш масаласини ўрганмасдан туриб тўғри ҳал қилинмайди. Бу икки муаммонинг бир фан – лингвистика доирасида бирлаштирилиши сўз тартиби масаласини ҳал этишда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатади.

Гапнинг синтактик тузилиш сатҳида синтактик узвларнинг жойланиш қоидалари ҳақида гап боради. Мазкур қоидаларни ўрганишда синтактик бўлақлар даражаланиши тушунчаси муҳим роль ўйнайди.

Бунга кўра, гап бўлаклари дастлаб синтактик гуруҳларга, синтактик гуруҳлар эса, ўз навбатида, уларни ташкил этувчи қисмларга ажратилади. Синтактик ёпиқ гаплар эга ва кесим гуруҳига (яъни эга ва кесим ўзи эргаштириб келган сўзлар билан) бўлинади. Мазкур гуруҳлар, ўз навбатида, шу гуруҳларни ташкил этган сўз бирикмаси қисмларига ажралади. Эга ва кесим гуруҳларининг ўзаро жойлашуви ҳамда ҳар қайси гуруҳ қисмларининг

ўзаро жойлашуви қисмлар ўртасида синтактик алоқанинг характериға мувофиқ келадиган қоидаларға бўйсунди.

Ўзбек тилида эға-кесим муносабатида доимо эға олдин, кесим кейин, сўз бирикмалари сатҳида эса (яъни иккинчи даражали бўлақларнинг ҳоким бўлақ билан муносабатида) доимо тобе бўлақ олдин, ҳоким бўлақ кейин келади.

Гапнинг актуал бўлиниш сатҳида эса бутун бир сўз комплекслари актуал бўлинишнинг қайси қисмиға – тема ёки ремаға киришиға қараб жойлашади. Услубий нейтрал адабий нутқнинг мантиқий тўғри қурилиши шуни тақозо этадики, жумланинг кўпинча тингловчи ёки ўқувчиға маълум бўлган таянч нуқтаси гап бошида келади. Тема ҳақида тингловчи ёки ўқувчи учун номаълум бўлган янги маълумот берувчи рема эса гап охирида, темадан сўнг келади. Бу қоиданинг бузилиши бошқа тилларда, хусусан, рус тилида бўлганидек, ўзбек тилида ҳам мантиқий изчилликнинг бузилишиға ёки экспрессив бўёққа эға бўлишға олиб келади. Кўриниб турибдики, актуал бўлиниш сатҳида сўз тартиби гап мазмуни билан боғлиқ маълум вазифаға эға бўлади – тема ва ремаларни фарқлаш вазифасини бажаради.

Агар эға гуруҳи тема, кесим гуруҳи рема бўлиб келса, актуал бўлиниш синтактик бўлиниш билан мувофиқлашади. Масалан, *Дехқонлар бу йил пахтадан мўл ҳосил олдилар*. Бу жумлада синтактик эға – *деҳқонлар* актуал жиҳатдан тема, синтактик кесим – *ҳосил олдилар* ўзи эргаштириб келган *бу йил пахтадан* мўл сўзлари билан бир гуруҳни ҳосил қилиб, рема бўлиб келяпти. Бунда коммуникатив мақсад деҳқонлар ҳақида ахборот беришдир. Аммо юқоридаги гапнинг коммуникатив мақсади бундан бошқа ҳам бўлиши мумкин. Бу вақтда гап бўлақларининг синтактик сатҳидаги нормал тартиби бузилади. Қайси бўлақ ҳақида ахборот берилиши лозим бўлса, шу бўлақ олдин, у ҳақда ахборот берувчи қисм эса кейин келтирилади. Солиштиринг:

*Бу йил деҳқонлар пахтадан мўл ҳосил олдилар*. Пахтадан бу йил деҳқонлар мўл ҳосил олдилар.

Биринчи жумлада *бу йил* – тема, қолган қисм – рема, иккинчи жумла *пахтадан* – тема, қолган қисм – рема бўлиб келяпти. Демак, эға ёки эға гуруҳи тема билан, кесим ёки кесим гуруҳи рема билан мувофиқ келмаса, синтактик ва актуал бўлиниш ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлади.

Актуал бўлиниш билан синтактик бўлиниш ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлганда синтактик структура сатҳи учун лозим бўлган қоида ўз кучини йўқотади ва актуал бўлиниш сатҳи қоидаси кучға киради, тема олдин, рема кейин келади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, туркий тиллар учун гапнинг синтактик структураси сатҳида сўз тартиби маъно ифодаловчи восита вазифасини бажармайди, яъни грамматик категорияларни фарқлаш учун хизмат қилмайди. Гап бўлақларининг ўрни ўзгаргани билан кўпинча унинг синтактик вазифаси ўзгармайди. Актуал бўлиниш сатҳида эса у фарқловчи восита вазифасини ўтайди. Демак, сўз тартиби гапнинг синтактик тузилиши учун хос бўлмаса, яъни фарқловчилик вазифасиға эға бўлмаса, актуал бўлиниш сатҳи учун фарқловчилик вазифасини бажаради.

## Ёйик жумлаларда иккинчи даражали бўлакларнинг ўрни

Туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида услубий нейтрал адабий нутқнинг (гап бўлаклари инвариант жойлашган нутқ) синтактик сатҳда тўғри тартиби иккинчи даражали бўлакларнинг ҳоким бўлақдан олдин келишини тақозо этади. Аммо коммуникатив (актуал) сатҳда иккинчи даражали бўлаклар ҳоким бўлақдан кейин келиши ҳам мумкин. Тартиби ўзгартирилгандан кейин ҳам синтактик вазифаси ўзгармаган ҳар қандай иккинчи даражали бўлақ актуал фарқловчи белги вазифасини ўтайди. Коммуникатив аҳамиятли бўлақка – рема қисмга айланади.

Туркий тилларда актуаллашган бўлакнинг икки хил ўрни кўрсатилади. К.М.Абдуллаев туркий тилларда актуаллашган бўлакнинг, яъни реманинг икки хил ўрни борлигини: 1) кесимдан олдинги ўрни; 2) гапнинг охири, шунга кўра актуаллашишнинг икки даражаси – кучли ва кучсиз актуаллашиш мавжудлигини таъкидлайди.

Озарбайжон тилида кучли актуаллашиш жумланинг энг охирида, кучсиз актуаллашиш эса кесимнинг олдида юз беради. Унинг кўрсатишича, ҳамма бўлаклар шундай икки даражадаги актуаллашишга эга.

Бу нуқтаи назардан ўзбек тили туркий тиллар системасида алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки ўзбек тилида айрим бўлаклар (масалан, эга ва кесим) актуаллашишнинг фақат бир даражасига – кучли даражасига эга. Эга актуаллашувининг кучли даражаси учун гапнинг охирги ўрни характерлидир. Ҳол ва тўлдирувчиларда мазкур даражани кузатиш мумкин. Аммо бундай ҳолат оғзаки нутқ учун ҳам, ёзма нутқ учун ҳам нормал ҳол эмас. Одатда, ўзбек тилида ҳол ва тўлдирувчиларнинг сўз тартиби ёрдамида актуаллашиш ўрни кесим олди ҳисобланади. Масалан:

*Мен кеча китоб ўқидим.*

*Кеча китобни мен ўқидим.*

*Кеча мен китобни ўқидим.*

*Мен китобни кеча ўқидим.*

Юқоридаги парадигмада гап бўлакларининг объектив жойлашишида (биринчи парадигматик аъзо) эга – тема, кесим гуруҳи – рема; иккинчи парадигматик аъзода **мен** – рема, қолган қисм – тема; учинчи парадигматик аъзода **китобни** – рема, қолган қисм – тема; тўртинчи парадигматик аъзода эса **кеча** – рема, қолган қисм – тема бўлиб келяпти.

Сифатловчи аниқловчиларнинг актуаллашиш ўрни аниқланмишдан кейинги ўриндир. Демак, ажратилган сифатловчилар синтактик структура учун характерли белги эмас. У фақат актуал тузилишдагина фарқловчи белги вазифасини бажаради. Ҳар қандай ажратилган сифатловчи коммуникатив аҳамиятли бўлақ – рема ҳисобланади.

Бу шуни кўрсатадики, жумланинг актуал тузилишида икки тема иштирок этиши мумкин бўлганидек, икки рема ҳам қатнашиши мумкин. Ҳар қандай ажратилган сифатловчи иштирок этган жумлаларда икки рема мавжуд бўлади. Бунда ҳам актуал бўлинишнинг дихотомик принципига путур етмайди.

Дастлабки бутун бир гап жумла актуал жихатдан икки гурухга – тема ва ремаларга бўлинади, сўнг ё тема қисм, ёки рема қисм яна тема-ремаларга бўлинади. Биринчи бўлинишдаги рема асосий, етакчи, иккинчи бўлинишдаги рема эса унга кўмакчи, кўшимча рема ҳисобланади. Масалан, *Қобил бобо – яланг бош, яланг оёқ, яктакчан – оғил эшиги олдида дир-дир қалтирарди* (А.Қ.). Бу биринчи бўлиниш. Биринчи гурух иккинчи гурух учун тема, иккинчиси биринчиси учун ремадир. Тема гуруҳи ўз ичида яна иккига – тема ва ремаларга бўлинади: *Қобил бобо – тема, ялангбош, яланг оёқ, яктакчан – рема.*

Икки ремали (дирематик) жумлалар мазмуний мураккабликни вужудга келтиради. Икки мазмуний марказдан иборат бўлади.

Хуллас, ажратилган сифатловчилар синтактик тузилиш сатҳи учун эмас, балки актуал тузилиш сатҳи учун фарқловчи бўлиб, иккинчи даражали реманинг актуаллаштирувчиси ҳисобланади. Иккинчи даражали бўлақларнинг кесим олди ўрнида актуаллаштирувчи восита сифатида, сўз тартибидан ташқари, просодика ҳам иштирок этади. Чунки бу ўрин туркий тилларда интонацион инвариант тузилишнинг кучли ўрни – мантиқий урғу тушадиган ўрни ҳисобланади. Демак, бу ўринда ҳам сўз тартиби, ҳам мантиқий урғу бир вақтнинг ўзида актуаллаштирувчи восита вазифасини бажаради.

**Просодик актуаллаштирувчи воситалар.** Гап бўлақларининг актуаллашишида сўз тартибидан ташқари, бошқа воситалар ҳам, жумладан, просодик воситалар хизмат қилади. Бундай актуаллаштирувчи воситаларга мантиқий урғу ва у билан боғлиқ нутқ темпи ва пауза киради.

**Мантиқий урғу.** Маълумки, урғу сўз урғуси, синтагматик урғу (жумла урғуси) ва мантиқий урғу (ажратувчи урғу)ларга бўлинади.

Сўз урғуси сўзларни, синтагматик урғу синтагмаларни ажратиш учун хизмат қилади. Мантиқий урғу эса сўз урғуси, синтагматик урғуга эга синтактик бирликларни мазмунан бошқалардан ажратиш вазифасини бажаради. Масалан, *Аҳмад эртага кинога боради* жумласи тўртта мустақил сўздан (гап бўлагидан) ташкил топган, ҳар қайсиси бир-биридан сўз урғуси билан ажралиб туради. Демак, тўртта сўз урғуси бор.

Аммо у фақат бир синтагматик урғуга эга бўлиши мумкин. Бу вақтда синтагматик урғу охирги сўзнинг урғули бўғинига тушади ва ифодаланган фикрнинг оддий баёнини ифодалайди. Жумлада ҳар қайси бўлақнинг маъноси алоҳида таъкидланмайди, мазмуний аҳамиятли бўлақ ажратилмайди.

Агар бирорта бўлақ мазмуний жихатдан ажратиб кўрсатилмоқчи бўлса, сўзловчи уни мантиқий урғу билан ажратади. Бу йўл билан гап бўлақларининг тартибини ўзгартирмаган ҳолда барча бўлақларни – *Аҳмадни* ҳам, *эртагани* ҳам, *киногани* ҳам, *борадини* ҳам мазмуний аҳамиятли бўлақка айлантириш мумкин.

Мазкур ҳолатда мантиқий урғу остидаги бир сўзнинг ўзида учта урғу бир-бири билан қаватланади: сўз урғуси + синтагматик урғу + мантиқий урғу. Англашиладики, нутқ оқимида сўз урғуси (мустақил сўзларда), синтагматик

урғу зарурий бўлса, мантикий урғу зарурий эмас, у фақат айрим бўлақларни мазмуний таъкидлаш керак бўлгандагина қўлланади.

Шундай қилиб, мантикий урғуни характерлайдиган биринчи омил семантик ёки актуал омиллардир. Мантикий урғули бўлақ шу жумланинг мазмуний энг аҳамиятли бўлаги бўлиб, рема қисмини ташкил этади. Қолган бўлақлар эса тема бўлади. Икки составли йиғиқ жумлада мантикий урғу эгада бўлса, эга рема, кесим тема бўлади. Масалан, *Аҳмад келди*.

Ёйиқ жумлада қайси бўлақ мантикий урғу остида бўлса, шу бўлақ, рема, қолган бўлақлар тема қисм бўлади. Савол ҳам шу мантикий урғули бўлақка қараб берилади. Солиштиринг: *Аҳмад эртага кинога боради* (Ким эртага кинога боради?) *Аҳмад эртага кинога боради* (Аҳмад қачон кинога боради?) *Аҳмад эртага кинога боради* (Аҳмад эртага қаерга боради?) *Аҳмад эртага кинога боради* (Аҳмад эртага нима қилади?) Мантикий (ажратувчи) урғу анъанавий эшитиш кузатувиға кўра қуйидаги уч моментни ўз ичига олади:

а) одатда, сўзнинг урғули бўғини мускул кучланишининг кучайиши билан талаффуз қилинади. Бу кучайиш асосан унли товушга оид бўлади. Масалан, *Аҳмад эртага кинога боради*; б) мантикий урғу тушган бўлақда одатдаги урғули бўғин мантикий урғу тушмаган ҳолатдагидан чўзиқроқ (ёки баъзан қисқароқ) талаффуз қилинади. Демак, мантикий урғули бўлақ билан мантикий урғусиз бўлақ ўртасида миқдорий фарқ мавжуд. Бу миқдорий фарқ урғули бўғиндан унлининг ё чўзилиши, ё қисқариши ҳисобига бўлади; в) мантикий урғули бўлагининг урғули бўғини мелодикаси билан ҳам характерланади. У тон жиҳатидан одатдагидан ё баландроқ, ё пастрок бўлади. Демак, бу ўринда одатдаги урғу тушган (сўз урғуси ёки синтагматик урғу) сўзнинг урғули бўғини билан мантикий урғу тушган сўзнинг урғули бўғини ўртасида тоннинг баландлиги бўйича интервали муҳим ҳисобланади.

**Эмфатик эмоционал урғу.** Актуаллаштирувчи воситалардан яна бири эмфатик урғу ҳисобланади. Эмфатик урғу ажратувчи урғунинг иккинчи туридир. Эмфатик урғу ҳам жумла таркибидаги маълум бир бўлақни мазмун жиҳатдан ажратиб кўрсатади. Бу жиҳатдан мантикий урғуга ўхшаб кетади. Ҳар иккиси ҳам ажратиб кўрсатиш учун хизмат қилади.

Аммо мантикий урғу жумланинг мазмуний томонига оид бўлса, эмфатик урғу ҳиссий томонига оид бўлади. Эмфатик урғуда овоз тембри асосий роль ўйнайди. Агар ҳис ижобий ва салбий турга бўлинса, уларнинг фонетик белгилари турлича бўлади.

Л.В.Шчербанинг кузатишига қараганда, рус тилида ижобий ҳисни ифодалаш учун сўзнинг одатдаги урғули бўғинининг унлиси чўзилади ва кучайтирилади. Масалан, хаяжон ҳисси: *Какой чудесный вид*; меҳр ҳисси: *Он такой хорооший, слаавный человек* ва бошқ. Салбий ҳисни (масалан, қаҳр, ғазаб, жирканиш) ифодалаш учун эса сўзнинг биринчи ундоши чўзилади: *Ч-ч-орт бы тебя побрал!*; *Ах ты дрянъ такая!*; *М-мерзавец!* ва бошқ.

Ўзбек тилида эса эмфазани ифодалашнинг ўзига хос хусусияти мавжуд. Ижобий ёки салбий ҳислар унли ёки ундош чўзилишига қараб фарқланмайди. Эмфазани ифодалаш учун эса сўз таркибидаги ё унли, ёки

ундош (фақат сўзбошидан ташқари) чўзилади. Масалан, *Қовун шири-ин экан. Маз-за қилиб едик. Ишқи йўқ эш-шак, дарди йўқ кес-сак* (Мақол). *Ка-атта канал. Семи-из одам. Бала-нд бино. Хуну-ук бола. Бош-шинг-ни егурлар ва бошқ.* Сўзларнинг такрорланиши ҳам ҳиссий эҳтиёж – эмфазани ифодалаш туфайли содир бўлади. Қайси бўлак эмфатик урғу олса, ўша бўлак иккинчи марта такрорланади. Масалан, *Мен Самарқандга кетяпман, мен. Мен Самарқандга кетяпман, Самарқандга. Мен Самарқандга кетяпман, кетяпман.*

Шундай қилиб, мантикий ва эмфатик урғу коммуникатив (актуал) восита бўлиб, бу урғу тушган бўлак коммуникатив аҳамиятли бўлак – рема ҳисобланади. Гапнинг қолган қисми эса тема бўлади. Ўзбек тилида унли ва ундошларнинг қўшилиши ва дистант редупликация эмфатик урғунинг моддий шакллари ҳисобланади.

Мантикий ва эмфатик урғу воситасида актуаллашган бўлакларда кўпинча пауза ҳам иштирок этади. Бу бўлаклардан олдин, одатда, қисқа пауза бўлади.

**Лексик ва грамматик актуаллаштирувчи воситалар.** Маълум гап бўлагининг актуаллашишига ўзбек тилида турли хил лексик ва грамматик воситалар ҳам хизмат қилади. Мазкур воситалар мантикий урғули бўлак билан бирга келиб, мантикий ёрдамчи актуаллаштирувчи восита вазифасини бажаради. Буларга *ҳам, фақат, ёлғиз, ҳатто, ўзи* сўзлари, *-гина, -оқ (-ёқ)* аффикслари оиддир. Кўрсатилган актуаллаштирувчи воситалардан *фақат, ёлғиз, биргина* ажратиб кўрсатиш: *ҳам, ҳатто, ўзи, -оқ (-ёқ)* воситалари эса таъкидлаб ажратиш функцияларини бажаради. Солиштиринг:

**Ҳатто** *Карим* (ҳам) *келди*

*Карим ҳам келди*

**фақат**

**ёлғиз** *Карим келди*

**биргина**

*Каримнинг ўзи келди*

*Каримнинг ўзиёқ келди* ва бошқ.

Юқоридаги лексик ва грамматик воситалар билан бирга келган бўлак мантикий урғу олади ва актуал аҳамиятли бўлак – рема ҳисобланади.

### **Гапнинг пресуппозиция аспекти**

Маълум пропозиция турли даражадаги синтактик структура орқали ифодаланади: гап орқали, оборотлар орқали, ҳатто содда гап таркибидаги айрим сўзлар ва грамматик шакллар ҳам алоҳида пропозиция ифодалаб, шу содда гапни семантик мураккаблаштириши мумкин. Мазкур ҳолатда айрим сўз ёки грамматик шакл орқали ифодаланган пропозиция ўзининг энг ихчам шаклига эга бўлади. Сўзловчи ва тингловчи учун унинг тушунарли бўлишида пресуппозиция ёрдамга келади. Шунинг учун кейинги даврларда гапнинг пресуппозиция томони лингвистлар диққатини кўпроқ жалб этмоқда. Шунга қарамай, пресуппозиция турлича талқин қилинади.



Пресуппозиция (презумпция) тушунчаси немис мантикшуноси Г.Фреге гоялари билан боғлиқ. Унинг таъкидлашича, пресуппозиция ҳукмнинг табиий асосидир. Масалан, «Кеплер бечораликдан оламдан ўтди», «Кеплер бечораликдан оламдан ўтмади» гапларида «Кеплер» деган одамнинг яшагани ҳақидаги ҳукмга табиий асос мавжуд. Г.Фреге фикрича, асосий ҳукм кўпинча бошқа яширин ҳукм билан бирга келади. У мавжудлик билдирувчи иккинчи даражали яширин ҳукмнигина пресуппозиция ҳисоблайди.

Э.Кинен амалий ва мантикий пресуппозицияларга ажратишни тавсия этади. Биринчиси сўзловчининг индивидуал билими структураси, иккинчиси эса гаплар ўртасидаги семантик муносабатда акс этади.

Л.М.Васильев маъно компонентларини маълум маънога боғланиш даражасига кўра мажбурий ва факультатив (потенциал) маъно компонентларига бўлади. Улардан биринчиси маънонинг сигнификатив (семантик) аспектига оид ва унинг тил бирлиги сифатида мавжуд бўлиши учун албатта зарур бўлса, иккинчиси денотатив аспектга – пресуппозиция планига оидлигини ва бу компонент фақат нутқда пресуппозиция орқали англашилишини кўрсатади.

Олимнинг фикрича, факультатив компонентлар маънонинг семиотик имкониятларини кенгайтиради. Масалан, *хабар қилди* конструкцияси маъносида хабар қилиш усуллари *айтмоқ, ёзмоқ, телефон қилмоқ, телеграмма бермоқ* каби феъллар орқали ифодаланиши мумкин бўлган факультатив компонентлар мавжуд. Юқоридаги конструкцияда *хабар қилиш*нинг қайси усулидан фойдалангани фақат пресуппозиция плани тил эгаларининг тил ҳақидаги амалий билимлари орқали маълум бўлади.

В.Гумбольдтнинг «ҳар қандай тушуниш бир вақтнинг ўзида тушунмасликдир» антиномияси, А.Потебнянинг сўзларнинг «образ маркази» («яқин маъно») ва «узоқ маъно»лари каби индивидуал-психологик қарашлари ҳам ҳозирги тилшуносликдаги пресуппозиция тушунчаси билан бевосита боғлиқ.

Тилшуносликда «пресуппозиция» терминининг қўлланилиши П.Стросон номи билан боғланган. У тилда импликациянинг алоҳида тури бор эканини кўрсатади. Импликациянинг мазкур тури Г.Фрегенинг «табиий асос»ига жуда яқин талқин этилади. Ҳар икки муаллиф пресуппозицияни ҳам гаплар ўртасидаги семантик муносабатдан келтириб чиқаради. Бу муносабат «Х Уни тақозо этади» формуласи орқали кўрсатилади. «Мэри комнатани тозалади» конструкциясида «комнатанинг ифлос экани» пресуппозицияси мавжуд. «Мэри комнатани тозаламади» конструкциясида ҳам шу пресуппозиция сақланади.

Ҳозирги кунда пресуппозицияни маълум жумла ва у ифодалаётган пропозициянинг тўғри тушунилишига имкон берадиган сўзловчилар ўртасидаги «билишнинг умумий фонди», «олдиндан билишнинг жами» сифатида белгилаш кенгрок тус олмокда.

Шунинг учун тилшуносликда пресуппозиция термини остида муайян жумла таркибида бевосита ифодаланмаган, яширин ҳолда акс этган маъно тушунилади.

Пресуппозиция тушунчаси контекст (ушбу тил бирлигининг лингвистик куршови) ва вазият (ушбу жумланинг экстралингвистик субстрати, юзага чиқиш шарт-шароити) тушунчаларини ўз ичига олади. Масалан, *Бугун инструкторимизни қолдирдим, дада* (А.Қаҳҳор) жумласидаги ахборот контекст билан боғлиқ. Ахборот темаси бўлган «шахмат» контекстдан маълум. Олдинги жумлада гап шахмат ҳақида боради, шунинг учун юқоридаги гап «инструкторимиз билан шахмат ўйнадим» пресуппозициясига эга. Контекстдан ташқарида пресуппозиция учун йўл ёпилади.

Кишиларнинг ўзи қуршаб турган олам ҳақидаги универсал билимлари ва тил ҳақидаги кўникмалари натижасида айрим сўзларнинг лексик маъноларида ҳам пресуппозицияга йўли очилиши мумкин. Масалан, *Мен Тошкентдан Самарқандга* учдим жумласида «Самолётда келдим» пресуппозицияси мавжуд. «Учмоқ» сўзининг лексик маъноси ва тил ҳақидаги умумий билиш фонди сўзловчилар учун пресуппозицияга йўл очади.

Лингвистик пресуппозиция мантиқий пресуппозициядан фарқли равишда маълум ифодаланиш шаклига – моддий воситасига, ташқи сигналларига эга. Масалан, ўзбек тилидаги *Карим ҳам келди* жумласида яна бошқа кимдир келди пресуппозицияси англашилади. Бу пресуппозициянинг моддий субстрати – ташқи сигнали «ҳам» юкламасидир.

Чунки мазкур юклама пресуппозиция учун йўл очади. Шунингдек, келиш ҳаракатининг юзага чиқиш воситаси (пиёда, машинада, отда ва бошқ.) ҳам пресуппозиция орқали маълум бўлади.

Ўзбек тилида пресуппозициянинг моддий субстрати сифатида хилма-хил воситалар иштирок этиши мумкин: 1) лексик воситаларнинг факультатив маъно компонентлари; 2) *ҳатто, фақат, ёлғиз, -гина, (-гина эмас), ҳам, тагин, яна* юкламалари; 3) *бўлса, эса* боғловчи воситалари; 4) *ташқари, бошқа, ўзга* (Сендан ташқари Карим ҳам келди), *билан бирга* (Чиройли бўлиш билан бирга ақлли ҳам эди), *ўрнига* (Ўқиш ўрнига ўйнади) кўмакчилари ва ҳ.к.

Пресуппозиция синтактик конструкцияларнинг маъно аспекти билан узвий боғлиқ.

В.В.Богданов пресуппозициянинг гап семантикаси аспекти эканини таъкидлайди. Н.Д.Арутюнова ҳам пресуппозиция «сўзловчиларнинг умумий билиш фонди», «уларнинг олдиндан келишуви» сифатида гап семантикасига киришини кўрсатади. Кейинги тадқиқотларда семантикадан прагматика ажратилмоқда. Пресуппозиция прагматика таркибига киритилмоқда.

Тадқиқотчилар пресуппозицияни турлича таснифлайдилар. Жумладан, В.Г.Гак пресуппозициянинг қуйидаги типларини кўрсатади: 1) кенг пресуппозиция; 2) тор пресуппозиция; 3) лингвистик пресуппозиция.

Кенг пресуппозиция остида кишиларнинг ўзини қамраб турган объектив реаллик ҳақидаги универсал билими тушунилади. Объектив борликда ҳар бир предметнинг типик, характерли хусусияти, маълум нарсага мосланиши мавжуд. Предметларнинг ана шундай хусусиятларини тавсифлашда конкрет маъноли сўз умумийроқ сўз билан алмашилиши ёки бутунлай тушиб қолиши мумкин. Аммо сўзловчи ва тингловчи бир-бирини тўғри тушуниши учун

унинг тушиб қолиши ҳеч қандай роль ўйнамайди. Масалан, шофер ҳақида гап кетганда, сўзловчи ва тингловчи, энг аввало, уни машина ҳайдовчиси деб билади. Шунинг учун *Шофер машинани тез ҳайдади* жумласида машина сўзи тушиб қолса-да, маънога футур етказмайди.

Тор пресуппозиция остида эса фақат маълум вазият доирасидагина рўй берадиган пресуппозиция тушунилади. Сўзловчиларнинг шу тилни билиш тажрибаси натижасида келиб чиқадиган пресуппозиция лингвистик пресуппозиция ҳисобланади.

Е.В.Падучева пресуппозициянинг (презумпциянинг) икки турини кўрсатади: 1) семантик презумпция – бу ёлғонлиги гапнинг семантик чалалигига олиб келадиган семантик компонент; 2) прагматик презумпция – бу гапнинг шундай компоненти, сўзловчи унинг нормал кўлланилишида тингловчи учун маълум деб ҳисоблайди.

Н.А.Торопова ҳам пресуппозицияни икки гуруҳга бўлади: 1) зидланувчи аъзолар пресуппозицияси; 2) кутилган пресуппозиция.

Шундай қилиб, бугунга қадар пресуппозициянинг бир белгига асосланган, ҳамма эътироф этувчи аниқ таснифи мавжуд эмас. Пресуппозиция тушунчаси ассерция (тасдиқ) тушунчаси билан боғлиқ.

Н.А.Торопова пресуппозиция ва ассерция тушунчалари ўзаро «аниқлик-ноаниқлик» белгисига кўра фарқланишини кўрсатади. Пресуппозиция гапнинг контекстга хосланган маъноси, ассерция эса унга боғлиқ бўлмаган маъносидир. Масалан, предикат от *артист* сўзининг пресуппозицияси субъектив семантик белгисига мувофиқ келади. Қиёсланг: Бу ерда бир «артист» бор жумласидан мантиқан икки тасдиқ келиб чиқади: 1) бу ерда бир одам бор; 2) бу одам устомон (ёлғончи).

Таҳлил қилинаётган гап таркибидаги от семантикаси таснифловчи ва характерловчи белгиларни ўз ичига олади. «Артист» (ёлғончи, устомон маъносида) сўзида «одам», «ёши каттароқ», «эркак киши» белгилари унинг таснифловчи белгилари ҳисобланади.

*Бу одам артист* жумласида «одам» маъноси «артист» сўзининг таксономик белгисида мавжуд. Шунинг учун унинг бевосита қўлланиши пресуппозитив функция эмас, балки асертив функция бажаради.

Бу ерда «артист» бор типдаги мавжудлик билдирувчи гаплардаги отнинг барча семантик компонентлари бутун жумла учун характерлидир. Шундай қилиб, таснифловчи белгилар экзистенционал маълумот учун аҳамиятлидир. Унинг характерловчи белгилари эса субъектга характеристика берувчи ахборот учун қимматли.

Пресуппозиция гапнинг актуал бўлиниши билан ҳам маълум даражада боғланади. Айниқса, уларнинг алоқаси синтактик конструкция таркибида мантиқий урғу остидаги фокус орқали намоён бўлади.

В.В.Богдановнинг таъкидлашига кўра, агар гапда фокус бўлса, у бир вақтнинг ўзида рема ҳисобланади. Одатдаги шароитда рема ўз ичига бир ва бир неча сўзларни бирлаштириши мумкин, фокус эса уларни минимумгача қисқартиради. Масалан, *Мен қизиқ китобларни ўқийман* жумласида *қизиқ* сўзи фокус бўлса, у рема, бошқа сўзлар эса тема ҳисобланади. Шу билан

бирга, фокус доимо пресуппозиция таъсир доирасида туради. Хусусан, мантикий урғу *қизиқ* сўзига тушган юқоридаги жумладан *бошқа китобларни ўқимайман* пресуппозицияси келиб чиқади.

**АКТУАЛЛАШИШНИНГ БОШҚА ВОСИТАЛАРИ:** сўз тартибининг ўзгариши ёрдамида актуаллашиш, лексик ва грамматик воситалар ёрдамида актуаллашиш ва бошқалар ҳам пресуппозиция билан чамбарчас боғлиқ. Буларнинг ҳаммаси актуал бўлиниши билан пресуппозиция тушунчаларининг бир-бири билан мураккаб алоқаси ҳақида гувоҳлик беради.

Шунга қарамай, актуал бўлиниш ва пресуппозиция шаклий ва мазмуний жиҳатдан ўзаро фарқли белгиларга эга.

В.В.Богданов фикрича, уларнинг шаклий фарқлари шундан иборатки, пресуппозиция учун минимум икки предикат ифоданинг бўлиши, уларнинг бири иккинчиси ичида яширин ҳолда мавжуд бўлиши характерлидир. Масалан, *Карим уй қуряпти* предикат ифодаси ичида яширин ҳолда уй қуриляпти предикат ифодаси мавжуд. Иккинчи ифода биринчисининг пресуппозициясидир. Актуал бўлиниш компонентлари эса бир предикат ифода доирасида ажратилади.

Улар ўртасидаги мазмуний фарқ шундан иборатки, актуал бўлиниш *маълум* ва *янги*ларни жумла таркибидан ажратишга мўлжалланган. *Маълум* шу жумлани олдинги жумлага боғлаб, текст яшаш учун хизмат қилса, *янги* шу жумла маъносини олға силжитади. Пресуппозиция эса гапнинг функционал томони билан боғланмайди. Актуал структура гапнинг шаклий томонини ҳам камраб олса, пресуппозиция бундай хусусиятга эга эмас (масалан, Л.Шчербанинг «Глакая куздра штекс будланула...» «жумласи»да «синтактик элементларни» актуал жиҳатдан ажратиш мумкин, аммо пресуппозиция бунга таъсир қилмайди).

Демак, гапнинг актуал бўлиниши ва пресуппозиция ўзаро боғлиқ ходисалар бўлса-да, аммо улар ўртасида мазмуний ва шаклий томондан муҳим фарқлар бор.

Кўпинча ўзаро семантик яқин бўлган, бир синфга кирувчи, бир-бирига нисбатланувчи тушунчалар пресуппозицияга йўл очади. Масалан, *Аҳмад ҳам келди* жумласида «Аҳмад» тушунчасига шу тушунчага яқин бошқа шахслар (Карим, Ҳалим, Салим) тушунчаси кўшилмоқда. Нисбатланаётган *Аҳмад* ва *бошқа* шахслар (Карим, Ҳалим, Салим) шахс билдирувчи сўзлар сифатида бир синфга киради. *Фақат Аҳмад келди* жумласида эса фақат юкламаси ёрдамида *Аҳмад* тушунчаси у мансуб бўлган бошқа шахслар синфидан ажратилади.

Сўзловчи ва тингловчи учун бошқа кишилар (бу кишилар ким экани ҳам суҳбатдошлар учун маълум) келмагани *фақат* юкламасининг маъноси ва зид аъзолар (Аҳмад – бошқа кишилар) орқали маълум бўлади. Ўзаро нисбатланаётган аъзолар зид аъзолар ҳисобланади.

Зид аъзолар турли моддий ифодаланиш хусусиятига эга. 1. Зид аъзолардан фақат биттаси моддий жиҳатдан ифодаланиб, бошқа зид аъзони ассоциатив равишда тақозо қилади. Масалан:

1. Кўприкни **биз** қурдик. 2. Биз **фақат** кўприк қўрдик. 3. Биз **кўприккина** қурдик. 4. Биз кўприк ҳам қурдик. 5. Биз **яна** кўприк қурдик. 6. Биз **ҳатто** кўприк қурдик. Юқоридаги жумлалар қуйидаги пресуппозицияларга йўл очади:

1. Бошқалари қурмади. 2. 3. Бошқа нарса қурмадик. 4. Бошқа нарса ҳам қурдик. 5. Илгари ҳам кўприк қурганмиз. 6. Бошқа нарса ҳам қурдик. Остига чизилган бўлақлар бир-бирини тақозо қилувчи, ўзаро ассоциатив боғланган зид аъзолардир. Ўзаро зидланувчи аъзолар ўртасида қуйидагича муносабат мавжуд: 1-, 2-, 3-гапларда айириш, 4-, 5-гапларда қўшиш, 6-гапта даражалаш муносабати бор.

2. Зид аъзоларнинг ҳар иккиси ҳам моддий жиҳатдан ифодаланади, лекин уларнинг бири предикат ифоданинг номиналланган трансформаси ҳисобланади ва *ташқари*, *бошқа*, *билан бирга*, *ўрнига* кўмакчилари ва *эмас*, *туғул* юкламалари билан бирга келади. Бу кўмакчи ва юкламалар пресуппозицияга йўл очади. Шунинг учун улар пресуппозиция сигналлари саналади Масалан: 1. *Сендан ташқари ҳамма келди.* 2. *Ўқиш ў р н и г а ишлади.* 3. *Ўқиш б и л а н б и р г а ишлади.* 4. *Карим э м а с, Ҳалим келди.* 5. *Карим т у г у л ҳ а т т о Ҳалим келди.* 6. *Н а ф а қ а т Карим, ҳ а т т о Ҳалим келди.* 7. *Бу қовун эмас, асал.* Остига чизилган бўлақлар зид аъзолар саналади. Контр чизик эса пресуппозиция сигналларини кўрсатади. Юқоридаги жумлалар қуйидаги пресуппозицияларга йўл очади: 1. *Сен келмадинг.* 2. *Ўқимади.* 3. *Ўқиди.* 4. *Карим (келиши керак эди) келмади.* 5. 6. *Карим келди.* 7. *Қовун ширинлиги асалга ўхшайди.*

Шундай қилиб, пресуппозиция гап семантикаси билан узвий боғлиқ бўлган прагматиканинг ўрганнш объектидир. Нутқ вазияти билан контекст прагматик тадқиқотларнинг асосини ташкил қилади. Шунинг учун синтактик курилма ифодалаган пропозициянинг сўзлашувчиларга тушунарли бўлиши учун нутқ вазияти ёки контекст зарур жойда прагматикага эҳтиёж ортади.